ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ



“МАЪНАВИЙ МЕРОСДА ВОРИСЛИК ВА УНИНГ XXI АСР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ”

мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

(2021 ЙИЛ 20 МАЙ)

САМАРҚАНД-2021

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“МАЪНАВИЙ МЕРОСДА ВОРИСЛИК ВА УНИНГ XXI АСР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ”

мавзусидаги республика анъанавий

илмий-амалий конференцияси

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

(2021 ЙИЛ 20 - МАЙ)

Самарқанд-2021

“Маънавий меросда ворислик ва унинг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрни” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд. СамИСИ. 2021 йил 20 май. 282 - бет.

Тўплам Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув-услубий кенгашининг 2021 йил __-сонли йиғилишининг қарори билан чоп этилган.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: **А.А.Азизқулов** – СамИСИ “Ижтимоий фанлар”кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.

Нашр учун масъуллар:
Қўшоқов Ш.С. ф.ф.д. профессор
Х.Х.Бердиев - СамИСИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири, PhD.
Ш.З.Ўрозов - СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси.
А.Алимов - СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.
Ж.Мустафаев - СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.
Н.Музаффаров - СамИСИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси.

Республика миқёсида ўтказилган онлайн илмий-амалий анжуман материалларида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг маънавий меросда ворислик ва унинг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрнига оид долзарб муаммоларга бағишланган.

Тўпламдаги материаллардан профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил тадқиқотчилар, магистрантлар ва иқтидорли талабалар ва амалиёт ходимлари ўз илмий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.

©Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2021 й.

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ – МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИ

М.Э.Пўлатов
СамИСИ ректори, и.ф.д., профессор

Бугунги глобаллашув шароитида таълимнинг роли ўзгариб, давлатни тараққий эттиришнинг белгиловчи муҳим омилига айланаётганлигини кўриш мумкин. Янги Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўналишини белгилаб берган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таълим тизимида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” масаласи алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Янги Ўзбекистондаги таълим тизимида ёшларимизни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружидан ҳимоя қилиш ҳамда уларни миллий маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашда маънавий меросимиз алоҳида аҳамият касб этади. Аждодларимиз томонидан бой маънавий мерос яратиб қолдирилган бўлиб, эндиликда уларга муносиб ворисларни тайёрлаш лозимлигини Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида шундай таъкидлайди: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”[1].

Дарҳақиқат аждодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий мерос минг йилдан буён инсоният тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида таълим тарбия жараёнида маънавий меросдан унумли фойдаланиш, унинг ютуқларни узлуксиз таълим тизимига самарали тадбиқ этиш давр талабидир. Шу боис мутахассис тадқиқотчиларимиз томонидан маънавий меросимизни янада кенгроқ тадқиқ этиш ҳамда таълим тарбия жараёнига тадбиқ этиш юзасидан мукаммал изланишлар, тавсиялар талаб этилмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси ташаббуси билан ташкил этилган “Маънавий меросда ворислик ва унинг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрни” мавзусидаги илмий-назарий анжумани Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий-маънавий меросини ўрганишда инновацион ёндашувларни ҳамда глобаллашув шароитида таълим-тарбияни модернизациялаштириш хусусиятларини тадқиқ этиш муаммоларига қаратилган.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил.

Бугунги илмий анжуманни ҳозирги мураккаб, глобаллашув шароитида ёшларнинг ғоявий-мафкуравий саводхонлигини оширишнинг назарий ва амалий йўналишлари, шунингдек уларда ғоявий-мафкуравий иммунитетни тарбиялашда маънавий мероснинг аҳамиятини атрофлича тадқиқ этиш, мазкур масалаларга тадқиқотчи ва мураббий-устозлар диққатини яна бир бор жалб этиш, муаммога оид илмий изланишларни янгича ёндашув асосида шакллантириш борасидаги амалий тадбир сифатида баҳолаш мумкин. “Маънавий меросда ворислик ва унинг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрни” мавзусидаги илмий назарий анжуманда кўриб чиқилаётган мавзулар ёшларга оид давлат сиёсатининг “Ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш” каби асосий йўналиши билан уйғунлашганлигини таъкидлаш мумкин. Мазкур анжуманнинг мақсади ҳам ҳозирги ахборотлашган жамият босқичида мустақил фикрлайдиган, ҳар қандай ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушиб қолмайдиган ёш авлодни тарбиялашда маънавий мероснинг ўрни ва роли ҳамда XXI аср таълим-тарбиясидаги аҳамиятини таҳлил этиш, муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимларига оид тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатида кўзда тутилган баркамол авлодни тарбиялашда, айниқса биз таълим бераётган талаба ёшларимизда мустақил дунёқараш ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва юксалтиришга мукаммал илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб борилаётган сифатли таълим-тарбия билан эришиш мумкин. Шу боис бугунги ёш авлодни тарбиялашда ҳар биримиз масъул эканмиз, ўқувчи ва талабаларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга дахлдорлик масъулиятини теран англаб олишимиз лозим.

Бугунги илмий анжуман ишига муваффақият тилар эканман, мазкур тадбирда илгари суриладиган илмий-назарий хулосалар ҳамда ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ҳозирги глобаллашув даврида маънавий мероснинг ўрни ва аҳамиятини яна бир бор теран англаб олишга ҳамда ундан XXI аср таълим-тарбиясида фойдаланиб ёшларимизни маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда, уларнинг ғоявий-мафкуравий иммунитетни тарбиялашда, мафкуравий тарғибот ва ташвиқот ишларида назарий ва методологик манба бўлиб хизмат қилишига ишонаман.

ДЕЯТЕЛЬНОСТНЫЙ ПОДХОД К РЕФЛЕКСИИ ИДЕИ ФОРМАТОВ МЫШЛЕНИЯ

Ш.С. Кушаков
д. ф. н., профессор СамИЭС

Современная постнеклассическая философия и наука продолжает обогащаться новыми понятиями, идеями и подходами. В орбиту нынешнего инновационного концептуального тренда начинает входить такие понятия как

“формат”, “формат мышления”, “когнитивное форматирование и др. Посредством введения и концептуализации этих понятий предпринимаются попытки по-новому решить целый ряд когнитивных, эпистемологических и коммуникативных проблем науки, технолгии и социальной практики.

Вместе с тем, имеет место то, что иногда достаточно произвольно истолковывается такие понятия как “ум”, “рассудок” , “формат” и др. Так, некоторые исследователи полагают, что ум является обыденной интуицией, примитивным разумом, формирующий область чувственного познания.[2] Здесь ум низводится до уровня, если можно так выразится, когнитивного “обслуживания” здравого смысла, способности осмысления конкретных вещей, единичных предметов и явлений. Согласно другой трактовке, с которой мы солидарны, ум – это высший тип мыслительной деятельности, способность мыслить вообще, способность анализа, абстрагирования и обобщения.

Весьма некорректное определение дается и понятию “формат”. Так, М. Д. Купарашвили считает, что формат – это целостное измерение конкретного интеллектуального состояния человека.[3] При подобном толковании понятию формат придается не свойственный ему смысл, поскольку феномен формата к целостному измерению интеллектуального состояния человека непосредственного отношения не имеет. Измерением интеллектуального состояния человека ученые занимаются уже свыше ста лет. И до сих пор интеллект человека измеряют с помощью тестов, оперируя коэффициентом интеллекта (IQ). Однако никто эту процедуру не называет форматом. Отсюда несколько искусственным выглядит попытка построить типологию форматов интеллекта.

Упомянутый выше автор выделяет три формата: формат ума, формат рассудка, формат разума. Однако, смысл этих форматов автором не конкретизируются. Можно поставить и такой вопрос: существуют ли денотаты выражений “формат ума” или “формат рассудка”. По-видимому нет. Сам автор ограничивается заявлением о том, что способом существования формата ума является здравый смысл или (естественная) логика.

С другой стороны представляется возможным говорить о формате мышления известных ученых, внесших большой вклад в развитие науки, имея в виду особености использования ими норм научной рациональности, специфику их стиля мышления, их индивидуальный подход к выбору форм и средств презентации полученных результатов и т.д.

Термин “формат” обозначет размерность (имеющую определенную границу), структуру (формат компьютерной программы), вид или способ организации мероприятий (форматы телевещаний, online – форумы) и т.д. Как видно, формат по своему источнику и основания является результатом формообразующей деятельности человека. Благодаря ментальной и

[2] Купарашвили М.Д. Форматы мышления и проблемы образования// Наука и образование. Вестник экспертного совета. 2015. №3 (3). –С.64

[3]Купарашвили М. Д. Указ.соч. –С.64

организационно-практической деятельности человека возникают форматы мышления и действия различной природы, структуры и предназначения.

Таким образом, условием и источником появления мыслительного или иного формата является ментальная и практико-технологическая деятельность человека. Соответственно базовым концептуальным основанием идеи (теории) форматов мышления будет (в функции методологического принципа), категория деятельности.

Когнитивной единицей формата мышления является мысль. В качестве семантических элементов в структуру данной единицы входят понятия, суждения, высказывания и др. Из этих когнитивных единиц образуются идеи, представления и принципы, которые составляют ментальную структуру и содержание формата мышления.

Обобщая сказанное, можно предложить следующее рабочее определение: формат мышления является ментальным образованием, которое скрепляет доминирующее в определенной эпохе и социокультурной среде мысли, взгляды, принципы и направленность когнитивной деятельности по разработке философских и научных идей, теорий и концепций. В творчестве философов и ученых, в деятельности политиков и реформаторов форматы мышления индивидуализируются. Это не исключает существования аналогии и подобия в формате мышления творцов и деятелей внутри отдельных направлений философии, науки и социальной практики.

По способу оперирования мыслительным материалом, направленности когнитивной интенции можно выделить политический, научный, философский, этический религиозный, эстетический и др. форматы мышления.

Совершившаяся в эпоху европейского Ренессанса коперниканская революция в корне изменила формат (в том числе, парадигму и стиль) космологического мышления, а механика Г. Галилея и И. Ньютона стала концептуальным основанием формирования механистического формата мышления. Здесь под форматом подразумевается устойчивая конфигурация и связь понятийных, концептуальных и теоретических подходов, толкований, способов их выражения и презентации, которые определяют парадигмальное и стилевое единство интерпретаций, взглядов не только на объект исследования, но и на другие сферы жизненного мира человека и социума. В рамках механистического формата мышления Ламетри попытался ментальную и физиологическую природу человека интерпретировать используя идеи механики. Он считал, что человеческое тело – это самозаводящаяся машина, а состояния души всегда соответствует аналогичным состояниям тела.

Надо сказать, что в последнее время появились 2-3 работы, посвященные теории форматов мышления. Однако их содержание и методологический уровень явно не дотягивает до уровня требований предъявляемые к научным теориям, с их функциями описания, объяснения и предсказания. Можно лишь сказать о появлении, с одной стороны, нового неологизма, а с другой, идеи формата мышления.

Деятельностный подход к рефлексии идеи форматов мышления, на мой взгляд, находится в русле теории и методологии мыследеятельности, разработанные Г.П. Щедровицким и его последователями. Исследователи отмечают, что идея деятельности рассматривалась Щедровицким как главный объяснительный принцип в отношении языковых и семиотических процессов понимания и коммуникации[4]

В ходе практической и когнитивной деятельности человека организуется, структурируется, формализуется и конструируется форматы мышления и действия различного содержания, направленности и предназначения.

Таким образом, мыслительная деятельность генерирует и трансформирует форматы мышления и практического действия. В этом плане формат это соответствущим образом организованная форма, имеющая сложную структуру и интенциональной направленности. В зависимости от характера и степени развитости социальных отношений, культуры, менталитета и других факторов могут существовать традиционные, трансформируемые, инновационные, трендовые (например, набирающие обороты новые форматы презентации типа Pecha Kucha) форматы мышления и социальной практики.

Возникает вопрос о соотношении формы мышления и формата мышления. Формы мышления характеризуют структурное строение высказываемых суждений. Сама по себе форма мышления не содержит ни цель высказывания, ни какую - либо когнитивную интенцию. Например, само по себе понятие является нейтральной мыслью о чем–либо, о каком –нибудь классе предметов или явлений. Только в коммуникации и общении оно приобретает репрезентативность, информационную или эпистемологическую функциональность, ценность и др. характеристики.

Формат мышления воплощает в себе организованность, структурность, предназначенность (теленомичность) и интенцию (направленность на объект деятельности). Отмеченные характеристики присущи не только формату мышления, но и любому типу формата, создаваемые и организуемые для осуществления определенных целей, задач и проблем. Форматы деятельности (мышления, познания, практики, технологии и т.д.) относятся к числу социо-культурных феноменов.

В связи с вышесказанным представляется спорным положение о том, что формат мышления-это генетически запрограммированные и неизменяемые характеристики работы мозга, человек же рождается с определенным форматом мышления, обусловленный его генетикой. Более того, утверждается, что в течение жизни формат его (человека) мышления не изменяется.[5]

Действительно мышление связано с работой мозга, однако сама способность мозга реализовать мыслительные функции возникает постепенно в ходе усвоения человеком форм практической жизни, норм языка, логик, культуры.

---

[4] Бабайцев А. Ю. Смысл и значение// Новейший философский словарь.Минск, 1999. – С.629

[5] См.: Теория о форматах мышления – Mind Format// https// mind format/ru>theory

Не только оперирование абстракциями, но уже само восприятие как образ и как форма чувственного познания представляет собой достаточно сложный феномен, включающий систематизацию и интерпретацию сенсорной информации. Установлено, что способность к восприятию не является врожденной. Психологи считают, что процессы восприятия проходят последовательные этапы развития у ребенка в первые годы его жизни. Ребенок постепенно учится рассматривать и различать окружающие его объекты, вслушиваться в звуки, запоминает образы и их обозначения.

Представляется, что форматы мышления будучи своеобразной структурой мыслительной деятельности имеют внешнюю и внутреннюю целеполагающую интенцию. К внешней интенциональности относятся цель, мотив и программа (или проект) действий, определяющие направленность, адресную когнитивную активность формата мышления. Внутренняя интенция формата мышления заключена в деятельной ориентации, регуляции и в способности к трансформации формата мышления.

Отмеченные характеристики формата мышления пока еще не стали предметом рассмотрения у имеющихся концепций и теорий форматов мышления. Вместе с тем, позитивным моментом является сама постановка проблематики форматов мышления, что задает новые ориентиры исследовательских поисков. В этой связи мне представляется, что системо-мыследеятельностный подход, успешно примененный в психологии, когнитологии и философии, может быть плодотворно использован в разработке проблем теории форматов мышления. Перспективность данного подхода заключается в том, раскрывая неисследованные парадигмальные ракурсы, коммуникативные аспекты и мотивационные интенции формата мышления, мы можем выйти на новый уровень понимания природы форматов когнитивной, технологический и практической деятельности, адекватного осмысления их роли и значения в современном обществе.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Г.Ғаффарова
Чирчиқ давлат педагогика институти в.б.профессори
М.Юлдашева
Чирчиқ давлат педагогика институти,
Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Маълумки, мамлакатимизда миллий-маънавий тикланиш, ёшларимиз онги ҳамда дунёқарашини миллий қадриятлар асосида бойитиб бориш, миллий маънавиятимизни турли таҳдидлардан асраш, ёшларни дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, ташаббускор, ҳалол ва жонкуяр ҳамда муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қиладиган қилиб

тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат. Шунингдек, Ўзбекистон биринчи Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият, ёшлар тарбияси, миллий ўзликни англаш, миллий маънавият масалаларига эътибор берилган бўлса, ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган [3].

Маълумки, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг бугунги сиёсатида ёш авлодни ахлоқий ва маънавий тарбиялаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади, чунки янги дунёқарашга эга бўлган маънавий етук ёшлар жамият ривожига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусда илгари сурилган “улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш” [1] ҳамда “ёшларимизга муносиб таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш” [2] орқали ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ошириш, уларнинг фаоллиги, маънавияти ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган ахлоқий фазилатлар улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда интеграл омил бўлиб хизмат қилади, келажакка бўлган ишончларини мустаҳкамлайди ҳамда уларни тараққиётга йўналтиради. Бу эса ҳар томонлама билимдон, маънавий жиҳатдан бой, баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хўш мафкуравий иммунитет нима? Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари нимадан иборат? Умуман иммунитет нима?

Иммунитет (лот. immunita - озод бўлиш, қутилиш) тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет - киши организмининг

турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Яъни, иммунитет инсон вужудининг турли инфекцион касалликларга бўш келмаслик ҳолатини ифодалайди.

Дарҳақиқат, биз иммунитет деганда ҳар қандай ташқи огоҳлантиришларга қарши туриш сифатида тушунишга одатланганмиз. Ушбу тушунчани фалсафий жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, иммунитет деганда ташқаридан бошқариладиган ғояга ёки айтиладиган воқеа-ҳодисага қарши ҳимоя, ниманидир олдини олиш, унга қарши курашиш кўникмасининг ҳосил бўлишини тушуниш мумкин.

Мафкуравий иммунитет инсоннинг диний қарамликда миллий мустақиллик устунлик қилади деган ишончига асосланади. Ташқи стимул хусусиятини берувчи омилларни (ёки ҳатто касалликларни) маълум даражада диний экстремизм каби бузғунчи ғоялар деб аташ мумкин. Улар заифлашган одамларнинг онгига кириб боради, уларнинг иммунитети келадиган "инфекция" билан курашишга қодир эмас. Шу сабабли турли бузғунчи ғояларга қарши мафкуравий иммунитет ёшларни тўғри тарбиялаш, ижодий ғояларни, ватанпарварлик ва келажакка бўлган ишончни уларнинг нозик ва ташқи таъсирида бўлган онгига сингдириш орқали шаклланади. Ушбу жараёнда таълим жуда муҳим рол ўйнайди, чунки жоҳиллик бузғунчи ғояларнинг асосий сабаби ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, иммунитет туғма бўлади, мафкуравий иммунитет эса – шаклланади.

"Мафкуравий иммунитет" тушунчасини биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ишлатган ва унинг мазмуни қуйидагича изоҳланган: "маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, инсон танасида ушбу касалликка қарши иммунитетни яратиш зарур. Шунингдек, фарзандларимиз қалбида уларнинг ғоявий иммунитетини мустаҳкамлаш учун Ватанга, бой тарихимизга, аждодларимизнинг муқаддас динига бўлган соғлом муносабатни сингдиришимиз керак» [4, 481]. Демак, мафкуравий иммунитет - шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизимидир.

Дарҳақиқат, мафкуравий иммунитет - бу шахсни, ижтимоий гуруҳни, миллатни, жамиятни турли ёт ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган мураккаб тизим дейиш мумкин. Шу сабабли, мафкуравий иммунитет тизими «билим, қадриятлар тизими ва ижтимоий–иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар тизими билан боғлиқ».

М.Қуронов фикрича, мафкуравий иммунитетни шакллантириш жараёнида қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак, яъни «ўсмирнинг физиологик ёш хусусиятларига; ўсмирнинг ақлий имконияти, ҳис-туйғуларининг ривожланганлигига; эгаллаган билим ва малакаси даражасига; ғоявий шаклланиши учун мавжуд шарт-шароит, унинг турмуш тарзига» [5, 31].

Ш. Шакиров мақоласида ҳарбий хизматчиларнинг мафкуравий иммунитетининг назарий жиҳатлари, унинг ҳарбий хизматчиларнинг касбий

фазилатларини шакилланишига таъсири, ҳарбий хизматчиларга хос бўлган мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмлари ва устувор йўналишлари ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларида, юклатилган вазифаларни самарали бажаришда намоён бўлиши таҳлил қилади [6]. Шунингдек, ҳарбий хизматчининг ғоявий иммунитетининг мазмуни ва тузилиши қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: когнитив, ҳиссий, интеллектуал-иродали ва конатив. Ушбу тузилишга асосланиб, ҳарбий хизматчининг ғоявий иммунитетининг ҳар бир номланган таркибий қисмининг мазмунини аниқлаш мумкин [6].

Хўш, мафкуравий иммунитетнинг моҳияти нимада?

Мафкуравий иммунитетнинг асосий ва биринчи элементи бу билимдир. «Билим - объектив реалликнинг субъект онгида тизимли акс этишидир. Эпистемологик нуқтаи назардан эса, билим – объектив маънога эга бўлган ва ҳақиқатнинг моҳиятини очиб беришга ёрдам берадиган ҳодиса. Бунда билим тўғри танланса, эзгу мақсад ва фаолиятга йўналтирилсагина объектив маъно-мазмун касб этади» [9, 15]. Дарҳақиқат, инсоннинг ижтимоий турмуш тараққиёти асосида билим ётади, яъни билим ижтимоий тажрибани ҳаракатлантиради. Шу сабабли жамиятда тўпланган илмий билимлар ўз далиллари билан биргаликда одамларнинг хилма-хил амалий ҳаракатларига асос бўлган умумий бойликни ташкил этади. Бунда биринчидан, мафкуравий иммунитет тизимини билиш объектив бўлиши, ҳақиқатни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсоннинг маънавий дунёсини бойитиши ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши керак.

Иккинчидан, бу билимлар моҳиятан Ватан ва халқ манфаатлари, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги билан боғлиқ бўлиши керак. Дарҳақиқат, ёшлар дунёқарашининг умумий тизимида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятлар тизимининг устуворлиги ёт мафкураларга қарши иммунитетни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий қисми билимлар асосида шаклланган қадриятлар тизимидир. Дарҳақиқат, билим қанчалик объектив ва чуқурроқ бўлса, уларнинг асосида шаклланган қадриятлар шунчалик ишончли бўлади. Хулоса қилиб айтганда, шахс, миллат ёки давлатнинг қадриятлар тизими мафкуравий иммунитет имкониятларини белгилайди ва мафкуравий таҳдидларга қарши ишончли қалқон бўлиб хизмат қилади.

Аммо билим ва қадриятлар тизими ҳам мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ акс эттира олмайди. Зеро, мафкуравий иммунитетнинг ушбу икки элементи унинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мақсадлар тизими билан боғлиқдир. Ушбу мақсад онгли бўлиши керак ва унга эришиш учун қатъийлик талаб этилади. Бундай аниқ тизимсиз на шахс, на миллат ёки жамият очиқ ёки яширин табиатнинг мафкуравий таҳдидларига дош беролмайди.

Юқоридагилардан шуни таъкидлаш керакки, мафкуравий иммунитет - бу маънавий, маърифий, иқтисодий билимларни онгли равишда идрок этиш ва шу асосда замонавий ижтимоий воқеаларга ўз муносабатини билдириш

кўникмаларини шакллантиришдир. Шу билан бирга мафкуравий иммунитет ташқи ёки ички мафкуравий таъсир мавжудлигида намоён бўлади. Бунда янги, нотаниш ғояни танлаш учун одам уни ўз манфаатларини "кўриш" орқали ўтказади. Агар ғоя маълум бир даврда инсон манфаатларига мос келадиган бўлса, у ҳолда бошқа ғояларнинг таклифларини мағлубиятга учратиб, унинг ҳаракатларига раҳбарлик қилади. Демак, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин: билим, қадриятлар, ижтимоий–иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ қарашлар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. http./www.lex.uz/docs/4320713

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори. https://lex.uz/docs/4320700

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.

4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз / И.А.Каримов. Ж.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 525 б.

5. Қуронов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: «Маънавият», 2018. -112 б.

6. Шакиров Ш. Мафкуравий имунитет ҳарбий хизматчиларнинг касбий фазилати сифатида Жамият ва инновациялар–Общество и инновации–Society and innovations Special issue -1, No01 (2020).

7. Gaffarova, G. (2019). Murakkab tizimlarda ahborot generacijasining falsafij-metodologik asoslari. Avtoreferat diss. dokt.filos.nauk. – 65 b.

8. Г.Ғаффарова, А.Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.

РАЗМЫШЛЕНИЯ МЫСЛИТЕЛЕЙ ЦЕНТРАЛНОЙ АЗИИ О ВЗАИМОСВЯЗИ НАУК

Ш.С.Кушаков

д. ф. н., профессор СамИЭС

Проблемы науковедения, интерес к соотношению и взаимосвязи различных отраслей научного знания всегда стояли в центре внимания мыслителей мусульманского Востока. Зарождение и формирование арабоязычной науковедческой рефлексии было подготовлено всем ходом социального, культурного и духовного развития стран, входившие в состав арабского халифата, а также, что было немаловажным, интенсивным усвоением идейно-теоретического наследия античной философии и науки.

Одной из особенностей рефлексии над наукой было стремление включить в орбиту исследований новые дисциплины, рассмотрение предмета и метода связанных между собой отраслей знания.

Существенным внутринаучным фактором усиления науковедческой рефлексии явился усиление дифференциации наук, появление потребности в осмыслении места и роли каждой науки в системе знаний. Размышляя о причине дифференциации наук, Беруни в своей работе "Геодезия" отмечал, что многообразие наук порождено потребностью человека, необходимые для его жизни. А это в свою очередь привело к разветвлению наук.[6]

Наряду с дифференциацией науки происходила специализация работников в сфере духовного производства, это проявилось в разделении
лиц, занимавшихся интеллектуальной деятельностью, на специалистов ученых и широко образованных людей.

В число наук включалась любая отрасль знания, имеющая свой предмет. Согласно Ибн Сине, "в каждой науке есть то, что изучается как предмет этой науки"[7]. Беруни писал, что "областей знания много , и их становится еще больше, когда к ним непрерывной чередой обращаются умы эпохи восходящего развития"[8].

Мыслители высказали ряд ценных идей относительно форм связей между различными отраслями знаний. Так, были выделены и рассмотрены такие формы междисциплинарных связей как пропедевтическая, методологическая, междисциплинарная (стыковая).

Согласно Фараби, из числа наук пропедевтическую связь прежде всего осуществляют языкознание, математика и логика. Самой первой из всех наук, по его мнению, является наука о языке, которая дает имена вещам, то есть субстанции и акциденции[9]. Изучение же философии, как впрочем, и других отраслей знания, невозможно без предварительного усвоения логики, науки о доказательствах. В свою очередь, и с наукой о языке, и с логикой тесно связана математика. Последняя является ключом к познанию остальных наук.

Мыслители осознавали методологическую роль философии. Фараби подчеркивает, что первая философия вырабатывает основы доказательств частных наук. Фундаментальные положения философии способствуют
уяснению связи между общими (теоретическими) и частными (практическими) науками.

Методологическую преемственность, связь между науками осуществляет не только первая философия, но и логика, математика и другие теоретические науки. Последние предоставляют теоретические принципы и положения практическим наукам. Фараби считал, что условием усвоения механики, алгебры, оптики и других наук является изучение теоретических основоположений математики.

---

[6] А б у Р а й х а н Б и р у н и. Избранные произвед.ения. Т.3. Ташкент: Фан, 1966. –С.861.
[7] А б у А л и и б н С и н а. Избранные произведения. Т.1. Душанбе: Дониш, 1980. –С.104.
[8] А б у Р а й х а н Б и р у н и. Избранные произвед.ения. Т.3. Ташкент: Фан, 1966.- С.161.
[9] См .: Г р и г о р ь я н С. Н. Из истории философии Средней Азии и Ирана. М.,1960. –С.153

Ибн Сина развил выдвинутое Аристотелем положение о взаимосвязи общей и частной науки. “Большинство основоположений частной науки, подчиненной какой-то другой науке, проверяется только вышестоящей наукой, но и принципы вышестоящей науки часто проверяются нижестоящей частной наукой”[10].

В ходе методологических размышлений были выделены класс промежуточных наук, осознано роль “стыковых” исследований и дисциплин в развитии науки, формирования новых областей научного знания. Мыслители обратили внимание на то, что в таких направлениях исследования как математика, механика, медицина, языкознание, наук о музыке, междисциплинарная связь осуществляется путем перевода основоположений теоретических наук на язык практических наук. Это обусловлено наличием у них теоретического и практического слоя знания, что определяет промежуточный характер их места в системе научного знания.

Основанием для формирования представлений о межотраслевых – “стыковых” связях послужил переход к исследованиям разнокачественных объектов (здоровье, человеческий организм, оптические явления и др.).

На стыковое положение математики указывал Аль-Хорезми. По его мнению, математика является “как бы промежуточной между высшей наукой, то есть божественной (метафизикой) и низшей наукой – физической (естественной)”[11].

Ибн Сина разработал теоретические основы механики машин. Историк математики М. М. Рожанская полагает, что “первое на средневековом Востоке сочинение, содержащее классификацию механизмов, и принципы, положенные в основу этой классификации, принадлежащей Ибн Сине, позволяет считать его одним из тех, кто стоит у истоков механики машин как самостоятельной науки”[12]. Более того, мыслитель ясно осознал “стыковое” значение механики.

На методологическом уровне анализа Ибн Сина рассмотрел бидисциплинарный характер медицины: ” Когда говорят, что в медицине есть нечто теоретическое и практическое, то не следует думать, как воображают многие исследователи данного вопроса, будто этим хотят сказать, что одна часть медицины – познание, а другая часть – джействие. Напротив, тебе должно знать, под этим подразумевается нечто другое. А именно: каждая из двух частей медицины – не что иное как наука, но одна из них – это наука об основах медицины, а другая – наука о том как ее применить. Первой из этих частей присвоено название наука или теория, а второй – название практика”[13].

Анализ науковедческих и методологических взглядов великих мыслителей Центральной Азии позволяет говорить о существовании особого, относительно самостоятельного этапа развития систематизации научного

[10] Цит. По кн.: С а г а д е е в А. В. Ибн Сина (Авиценна). М.: ”Мысль”, 1980.- С.79.
[11] Цит. по кн.: Х а й р у л л а е в М. М. Культурное наследие и история философской мысли. Т.,1985. -С. 173.
[12] Р о ж а н с к а я М. М. Механика Ибн Сины//Абу Али Ибн Сина и естественные науки. Т.,1981. -С. 131
[13] И б н С и н а. Канон врачебной науки. Книга 1. Т.,1954. – С. 5.

знания и науковедения , в рамках которого были выдвинуты новые идеи и концептуальные положения о единстве и взаимосвязи наук.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

Г. Ғаффарова
Чирчиқ давлат педагогика институти в.б. профессори
С. Кундузалиева
Чирчиқ давлат педагогика институти,
Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти,

Маълумки, мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бутун дунё бўйлаб таълим учун жуда кўп маблағ сарфланмоқда. Жумладан, республикамизда 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” ҳамда 2021 йилни «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб номланиши ҳам ёшларни илм-фан ва таълимга кенгроқ жалб этиш орқали уларнинг маънавиятини ривожлантиришга қаратилган. Шу сабабли ҳам “ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу - илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”[5].

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги ҳамда ёшларни кўпроқ таълимга жалб этиш зарурлигини таъкидлайди [5].

Маълумки, замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, ривожланган давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланмоқда. Бунга сабаб мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Айниқса, ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқ. Юртимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ таълим тизимини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олишини, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ҳамда иқтидорини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, қалбида она-юртга садоқат ва фидойилик

туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилаётган беқиёс саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир.

Шу сабабли ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий – меъёрий асоси яратилди. Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” [6, 347-348] деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу эса нафақат мамлакатимиз тараққиётини балки халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтариш имконини бермоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш давр талабига айланган. Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 2020 йил 23 сентябрь куни қабул қилинган бўлиб, унинг мақсади таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат [3]. Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди, унда белгиланган масофавий таълим ҳақидаги қоидалар ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган [3].

Алоҳида айтиш керакки, мазкур қонун жаҳон стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг қамрови кенглиги ва ўзига хос хусусиятга эга эканлиги билан 1997 йил 29 август куни қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонундан тубдан фарқ қилади. Шу билан бирга юқорида қабул қилинган қонунга кўра, нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш, уларнинг таъсисчилари томонидан амалга оширилиши белгиланди. Шу билан бирга Нодавлат таълим ташкилотларига лицензия Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан бериладиган бўлди.

Ушбу қонуннинг яна ўзига хос хусусиятларидан бири - дуал таълимга оид қоидалар белгиланиб, у таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган ҳамда уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади [3]. Бундан ташқари, қонунга инклюзив таълим тўғрисидаги қоидалар киритилиб, унга биноан, инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга

бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган. Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълимни ташкил этади.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маълум қисмини, албатта, олий таълим тизимидаги ислоҳотлар ташкил этади. Ҳусусан, мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди [4]. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мамлакатда бутун жамиятнинг интеллектуал ҳамда маънавий юксалиши ва баркамол авлодни вояга етказишга қодир бўлган самарали узлуксиз таълим тизими ҳаётга жорий қилинмоқда. Натижада, ҳозирги вақтда мамлакатда кўп сонли олий ўқув юртлари ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари бўлимлари фаолият кўрсатяпти. Бу эса таълим тизимидаги бундай имкониятлар ёш авлод вакилларига билимларини ошириш ва ўз салоҳиятини намоён қилиш учун кенг шароитлар эшигини очади. Шуни ҳам айтиш жоизки, бу соҳадаги ислоҳотлар жуда тез ҳамда жамиятимиздаги изчил демократик ўзгаришлар билан ўзаро ҳамоҳангликда рўй бермоқда. Бунда дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги таълим тизимидаги илғор тажриба ҳисобга олинмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти халқнинг маънавий етуклик даражаси ва миллий руҳи билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, XX1 асрда давлатимизнинг ривожланиши, унинг куч-қудрати ва салоҳияти кўп жиҳатдан халқнинг юксак ва соф маънавиятига, зиёлиларимиз ва ёшларимизнинг ақлий саводхонлиги, билими, ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва ватанпарварлигига боғлиқ. Мамлакатимиз келажаги бўлган ёшлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мамлакатни барқарор ривожлантириш ғояси билимли ва зукко авлодни тарбиялашга асосланади [7].

Зеро, билимли, билимдон, зукко, маънан кучли ва жисмоний жиҳатдан кучли ёшларгина истиқлол ва тараққиёт йўлидан юриши, мамлакатнинг барқарор ривожланишига еришиши мумкин. Қадимдан ота-боболаримиз бебаҳо манбалар бўлган илм-фан, маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат тараққиётининг асосий шарти ва кафолати деб ҳисоблаганлар. Билимли ва зукко етук авлод тушунчаси демократик тамойилларни қадрлайдиган, юксак

салоҳият, замонавий илмий-техника ютуқлари билан қуролланган янги қатлам бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга амалий ҳисса қўшиш масъулиятини чуқур англайди [14]. Улар жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга, демократик жамият қуришнинг мураккаб ва мураккаб вазифаларини ҳал етишга қодир баркамол авлоддир. Билимли ва зукко авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг демократик табиатида яққол акс етади ва икки тушунча таълим ва тарбия тушунчаси бўлган етук авлодни тарбиялашда доимо уйғунликда қўлланилади.

Шуни таъкидлаш керакки, маънавий инқироз шароитида таълимнинг вазифалари аниқланди. Маънавий-ахлоқий анъаналарнинг янги таълим парадигмасининг асоси сифатида аҳамияти таъкидланган [8]. Дарҳақиқат, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси ҳар доим ушбу мураккаб ижтимоий-маданий жараённинг турли қирраларини ўрганаётган тадқиқотчилар манфаатлари соҳасида бўлиб келган. Ушбу тадқиқотлар турли хил тарихий даврларда амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида, кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширилиши [7], бундай имконият ва имтиёзларга, аввало, янги Ренессанс пойдеворининг чинакам бунёдкорлари сазовор бўлиши ҳам юртбошимиз томонидан ёшларга яратилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан бири саналади. Шу сабабли жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун “илм-маърифат, юксак маънавият керак” [5, 11].

Юртбошимиз томонидан яна бир долзарб масала ўртага қўйилганди. Яъни, юртимизда бир неча фарзанди олийгоҳларда таҳсил олаётган ота-оналарнинг аксарияти, ўқиш харажатларини қоплашда қийналишини инобатга олиб икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш тартиби ишлаб чиқилди. Бунда кредитни ўқиш даври тугаб, ёшларимиз ишга жойлашгандан сўнг қайтариши назарда тутилган.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14-ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Уларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилган. Ёшларга яратилаётган бундай имкониятлар ёшлар маънавиятини ривожлантиришда, мамлакатимиз иқтисодиётини, таълим сифатини, оширишда ўзига хос аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси доирада олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси ёшларнинг маънавий камолотини оширишда ва уларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий соҳада маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири бўлди.

Давлатимиз томонидан ёшларга оид сиёсатнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки бугунги кунда нафақат мамлакатимиз ёшлари балки чет мамлакатларга ишлаш учун кетган ёшларни ҳам ватанга қайтариш уларга кенг имкониятлар яратиш каби инсонпарварлик ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги вақтда мамлакатимизни ўзгартириш бир қатор мавжуд ёндашувларни қайта кўриб чиқишни ва янги мураккаб ижтимоий-фалсафий изланишларни талаб қилади. Замонавий амалиёт жадал ўзгариб бораётган жамиятнинг ҳақиқатларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар маънавияти ва уни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муаммоларини назарий таҳлил қилишни талаб қилади. Чунки узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида маънавиятнинг асосий элементлари ўзгаришларга учрайди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда 5 та муҳим ташаббусда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни таълим тизимига кенгроқ жалб этиш, китобхонликка йўналтириш каби амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялаш каби масалалар муҳим ўринни эгаллайди.

Адабиётлар

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон

2. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон

3. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2020.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар форумида сўзлаган маърузаси Тошкент 2020 й. https://www.xabar.uz/jamiyat/prezident-raisligida-videoselektor

6. Черникова В.Е. Духовность как системообразующий фактор современного образования // Наука. Инновации. Технологии. 2011. №76. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/duhovnost-kak-sistemoobrazuyuschiy-faktor-sovremennogo-obrazovaniya (дата обращения: 19.04.

7. Муртазаева Р.Н. К вопросу Республике Узбекистан независимости в идеологи // Тезисы докладов международной научной конференции. Ташкент, 1997. -Б.15-17.

ОПЫТ ПРИМЕНЕНИЯ ИДЕИ ФОРМАТОВ МЫШЛЕНИЯ К ИССЛЕДОВАНИЮ АНТИЧНОЙ ФИЛОСОФИИ

Ш.С.Кушаков
д. ф. н., профессор СамИЭС

Существует историко-философская традиция, согласно которой исследование философских учений прошлого следует осуществлять по эпохам и направлениям философии с соответствующими частями, относящиеся к онтологии, гносеологии, логики, этики и др. При таком подходе в орбиту исследовательской интенции входили те результаты когнитивной деятельности мыслителей (идеи теории, учения и т.д.), которые и становились предметом историко-философской рефлексии. В таком случае за скобкой оставался концептуальный каркас и те особенности мышления, которые являлись результатом воздействия социокультурных факторов на когнитивную деятельность философов и ученых (напр., открытость, нестереотипность, гибкость, лабильность и др.).

Другой ракурс видения дает рассмотрение проблем истории философии с позиции разрабатываемой ныне теории форматов мышления[14]. Правда, пока нельзя сказать о каких-либо видимых достижениях, полученных в ходе разработки этой теории. Но, тем не менее, можно предположить, что осуществление историко-философской рефлексии на базе идей и подходов, сформулированных в рамках теории форматов мышления, может привести к определенным позитивным результатам. Речь идет об исследовании творчества философов и ученых прошлого через призму понятия “форматы мышления”.

Термин “формат” обозначает размерность, структуру, тип построения, вид или способ организации ментальных и материальных образований. В этом смысле он отличается от формы, которая, вместе с тем, является материалом или средством организации формата.

Сама по себе форма – это строение, связь частей, структура чего-либо, Такую же абстрактную характеристику имеет такая логическая структура как суждение являющееся формой мышления. Но, когда форма имеет границу, обладает законченным содержанием, потенциалом трансформироваться в другую форму, а ее структура отличается лабильностью, то в этом случае форма обретает вид формата. Формат – это форма, которая обрела индивидуальность, законченность и функциональность. Мыслительные операции будучи движением, сочетанием, комбинированием форм и элементов мышления, завершаются образованием когнитивных форматов в виде понятий, идей и учений. Особый ряд процессуально-ментальных форматов составляет

[14] Купарашвили М.Д. Форматы мышления и проблемы образования// Наука и образование. Вестник экспертного совета. 2015. №3 (3); Теория о форматах мышления – Mind Format// https// mind format/ru theory.

форматы межличностных и групповых коммуникаций: диалог, полилог, споры и дискуссии. Ментальной основой всех их является мышление.

Когнитивной единицей формата мышления является мысль. Мысль же воплощается в суждениях, высказываниях, идеях, движутся и трансформируются в проблемах, дискуссиях, концептуальных сдвигах, “оседают” в текстах и нарративах.

В мыслительном процессе, то есть, в рассуждениях, концептуальном диалоге (как самим с собой, так и с другим), общении образовавшийся формат мышления проявляет себя как ментальная целостность, приобретает семантико-функциональную лабильность и интенциональную направленность.

Можно выделить форматы мышления по отраслям интеллектуальной деятельности (политологический, научный, философский, этический, религиозный и т.д.), персоналиям – форматы мышления Сократа, Аристотеля, Августина, Лейбница, Канта и многих других. Различаются форматы мышления и по парадигме исследовательской интенции. Так, совершившаяся в эпоху европейского Ренессанса коперниканская революция в корне изменила формат космологического мышления, а механика Галилея-Ньютона стала теоретико-концептуальным основанием механистического формат мышления.

Возникает вопрос о соотношении формата мышления и стиля мышления. Есть, конечно, между ними нечто общее, но все же они являются когнитивными образованиями, имеющие различную структуру и функциональную направленность. Впрочем это уже предмет другого обстоятельного исследования.

Особый мир форматов мышления породила античная ментальность. Это обусловлено спецификой социо-культурного развития Древней Греции: динамичность социального развития, существование политической демократии, дух свободной дискуссии, пробуждение самосознания и критической рефлексии. Под воздействием этих факторов форматы мышления поэтов, ученых и мыслителей стали освобождаться от стереотипности и суеверия, и наоборот, приобретать интеллектуальную свободу, плюрализм, диалогичность и открытость. Естественно, что отмеченные характеристики явились неотъемлемыми чертами мышления древнегреческих интеллектуалов в ходе непрерывного и интенсивного развития, с одной стороны, общей ментальной культуры, а с другой, философии и науки. Этот процесс прошел длительный путь, начиная со времени деятельности первого демифологизатора мира Фалеса (конец V11 – первая половина V1 вв. до н. э.) и кончая деятельностью последних представителей эллинистической философии (напр., Прокл, живший и творивший в 410-485 гг. нашей эры).

В целях изложения особенностей античного форматов философского мышления я остановлюсь на характеристику формата мышления двух великих философов – Анаксагора и Аристотеля.

Прежде всего следует отметить о совершившейся, в ментальной культуре античности, вербальной революции, которая выразилась в освобождении слова от оков сакрального мыслительного стереотипа. Слово начинает приобретать у греков периода перехода от мифа к логосу свойство семантического динамизма, релятивности значений и смысловую пролиферативность. Как подчеркивают исследователи (Кириленко Г.Г., Шевцов Е.В. и др.) слово как элемент спора, дискуссии лишается ритуального, тайного смысла, как это было на Востоке. Выведенная на площадь посредством слова дискурс пробудил индивидуальное самосознание. Вот что стало началом рождения, пронизанного духом свободы и критичности, формата креативного философского и научного мышления.

Следует отметить, что досократики заложили основы онтологической разновидности формата философского мышления. Анаксагор был одним из создателей универсального онтологического формата философского мышления. Differentia specifica анаксагоровского формата мышления проявляется в следующих когнитивных качествах:

- научная рациональность;

- физикализм (высказал гипотезу об огненной природе Солнца);

-плюральность (по его утверждению в мире все разнообразие присутствует изначально);

- монистичность (многообразие тел происходит из малых начал – гомеомеров);

- универсальность (“во всем заключается все” или “все во всем”);

- синергизм (мировой ум трансформирует хаос в космос);

- демократизм в политике (Анаксагор выступал как идеолог афинской демократии).

Указанные характеристики когнитивного творчества Анаксагора свидетельствует о наличии неповторимых, индивидуальных черт его формата мышления. Так, что формат мышления у людей креативного склада ума отличается большим своеобразием. А выработанные ими взгляды, подходы и принципы становятся несущими элементами нового семантического каркаса форматов мышления.

О том, как творческое мышление структурируется (воплощается, кодируется) в формат мышления можно увидеть на примере творческой деятельности Аристотеля. Особенные черты формата мышления Аристотеля проявляются в следующем:

1.Гибкость мышления. Для Аристотеля не существует окончательных истин. Как отмечает исследователь творческой деятельности Стагирита В. П. Зубов, “Канон Аристотеля-гибкий, применяющийся к нюансам действительного бытия, подобный той линейке, которую Аристотель,

несомненно видел, когда жил на Лесбосе"[15]. Об этом так рассказывает сам Аристотель: "Для неопределенного и правило неопределенно: так, например, в строительстве домов в Лесбосе применяется свинцовая линейка: она меняется сообразно с формой камня и не остается одной и той же; подобно этому и постановление, узаконенное путем голосования, применяется к обстоятельствам"[16].

2. Реалистичность, то есть взгляд на мир без иллюзий и концептуальных шор. Для Аристотеля был чужд представление ряда мыслителей от Парменида до Платона относительно того, что текучесть физического бытия была свидетельством его неподлинности, призрачности, иллюзорности, а знание о нем могло быть только недстоверным, недоказательным.

3. Эмпирический подход. Довольно общим местом является признание созерцательного характера античного философского и научного мышления. Это истина, но не вся. Дело в том, что когда обстоятельства требовали Аристотел проводил эмпирические исследования. Он пользовался всеми возможными средствами деятельного и всестороннего исследования. Не довольствуясь зрением Аристотель ощупывал исследуемые им части, описивал их твердость и магкость. Работая над своей книгой "История животных" он прибегал к вскрытиям, исследовал трупы жертвенных и больных животных, анатомировал глаз крот, устнавливал наличие улитки во внутреннем ухе, производил эксперименты и систематические наблюдения[17]

4. Лабильность (подвижность, изменчивость) мышления. Аристотелю чуждо понятие жесткого, строгого, единственного канона. Так, будучи вполне определенным, здоровье вместе с тем допускает большую и меньшую степень. "Ведь соразмерность не одна и та же во всех, и в одном человеке не всгда одна и та же, и, ослабев, остается такой известное время, различаясь большей или меньшей степенью"[18].

5. Вербальная определенность. Аристотель постоянно следит за точностью смысла употребляемых терминов. В его текстах редко всречаются варваризмы и неологизмы. Как известно, вся пятая книга "Метафизики" содержит анализ значений различных терминов.

6.Вероятностность и нелинейность аристотелевского мышления. Этот признак формата мышления проявляется в том, что Аристотель не так часто рассуждал в безусловной, категорической форме. В его сочинениях можно часто встретить обороты: "видимо", "по-видимому", "как будто", "кажется" и др. Вот примеры: "Соотнесение, видимо, допускает большую и меньшую степень"[19], "Не всякое общее положение есть, видимо, диалектическое

[15] З у б о в В. П. Аристотель. М.,1963. -С.46
[16] Цит. По кн. З у б о в В.П. Аристотель. Там же.
[17] З у б о в В.П. Указ. соч. -С.153-154
[18] Цит. По кн. З у б о в В.П. Аристотель. Указ. соч. -С.45
[19] А р и с т о т е л ь. Ктегории.7.565.20//Аристотель. Соч.Том2. М.,1978. -С.66.

положение”, “Следует также иногда делать возражение самому себе”[20], “...по-видимому, в одном из значений пустотой называется то, что не наполнено воспринимаемым путем осязания телом…”[21]. И еще: ”Этим же, вероятно, объясняется тот факт, что неподвижные звезды кажутся мерцающими, а планеты не мерцают…”[22].

7. Проблемность как черта эвристичности мышления Аристотеля. Стагирит впервые изучил общую структуру форматов логического рассуждения, еще шире, логического мышлния. Он выявил логическую структуру проблемы. Более того, Аристотель исследовал форматы суждений и силлогизмов на материале аналиа споров, дискуссий на пизвольные темы. По его мнению, и тезис есть проблема, хотя не каждая проблема есть тезис[23].

Как видно, проблемность, инициирующаяся поиск на поставленный вопрос, пронизывает весь корпус логических рассуждений и интерпретаций Аристотеля.

Принцип преемственности как элемент формата. В своем сочинении “О душе”, Аристотель указывал на небходимость “сопоставить мнения прежных мыслителей”, чтобы “принять все, что они высказали правильно и остеречься всего того, что ими сказано неправильно”[24].

Таким образом, рассмотрение характеристик форматов мышления Анаксагора и Аристотеля показывает, что их мыслительные способности основывались на такие элементы и интециональные ориентиры, которые обусловливали открытость, диалоговость, гибкость, универсальность и др. придавшие их произведениям непреходящую значимость и ценность.

ҲИНДИСТОНДА БОБУРИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИНИ ЁРИТИЛИШИ

А.Азизқулов
СамИСИ доценти

Бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги Марказий ва Жанубий Осиё цивилизациясида алоҳида ўрин тутади. Афғонистон, Ҳиндистон ва Покистон тарихининг муҳим қисми сифатида эътироф этиладиган бу сулола тарихи тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган соҳага айланган. Ҳатто Буюк Британия тарихи фанида бобуршунослик алоҳида тадқиқот объектига сифатида шаклланган[25]. Ҳинд тарихчилари томонидан бобурийлар сулоласининг вакиллари фаолияти пухта ўрганилган. Бобурийлар салтанати тарихига оид

[20] А р и с т о т е л ь. Топика. 8.2.158а 10; 1.156б.15// Аристотель. Соч.Том2. М.,1978. -С. 509, 513.
[21] А р и с т о т е л ь. Физика. 7. 214а.5// Аристотель. Соч.Том3. М.,1981. -С.136.
[22] А р и с т о т е л ь. О небе. 11.8. 289б. 15// Аристотель. Соч.Том3. М.,1981. -С321.
[23] А р и с т о т е л ь. Топика. 1.11.104б. 30// Аристотель. Соч.Том2. М.,1978. -С.361.
[24] А р и с т о т е л ь. О душе. 1.20// Аристотель. Соч.Том1. М.,1976. -С.375.
[25] Сотимов Ғ. Шоҳ ва шоир салтанати//Л.П.Шарма Бобурийлар салтанати, Т.: «Маънавият»-1998.-3 бет

кўплаб асарлар яратилган бўлиб, ҳинд тарихчиси Л.П.Шарманинг “Бобурийлар салтанати “ асари ҳам шулар жумласидандир.

Асар бобурийлар сулоласи вакилларининг тарихини ёритишга қаратилган бўлиб, унда Бобур Мирзо, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзебларниинг ҳукмдорлик давридаги барча ижтимоий сиёсий жараёнларни ҳамда маданий тараққиётнинг хусусиятларини баён этишга ҳаракат қилган. Муаллиф бобурий ҳукмдорлар фаолиятини объективлик тамойили асосида ёритишга ҳаракат қилган, бироқ айрим жиҳат ва жараёнларни шарҳлашда субъектив ёндашувлар ҳам мавжуд ва албатта бу табиий жараёндир. Шунингдек, Л.П.Шарма воқеа ва ҳодисаларни ҳамда ҳукмдорлар фаолиятини изоҳлашга ўзининг фикрлари билан бирга тез-тез инглиз тарихчиларини хулосаларини ҳам келтириб ўтади.

Биз асардаги фақат Бобур тўғрисидаги фикрлар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Асар муаллифи Бобур фазилатларини баён этар экан, унинг барча хислатларини очиб беришга ҳаракат қилади. Инглиз тарихчиси С. Лейн Поул Бобурни “Шарқ тарихидаги энг мафтункор шахс эди” деган мулоҳазасини келтириб ўтгандан сўнг, Бобурнинг жисмоний фазилатларини қуйидагича баён этади: “Бобурнинг инсон сифатидаги хислатлари ҳақиқатдан ҳам мақтовга сазавордир. У жисмонан жуда бақувват киши бўлиб, қалъа девори устида икки кишини қўлтиқлаб олиб, тўсиқлардан бемалол ўта олар эди. Ҳиндистонда дуч келган ҳар қандай дарёдан қийналмай сузиб ўтар, 80 милгача масофани дам олмай бир кунда босиб ўтар эди”[26]. Муаллиф Бобурнинг жисмонан бақувватлиги унинг моҳир саркарда бўлиб етишига асосий омил бўлиб хизмат қилган, деган фикрни баён этар экан шундай дейди: “Бобур жасур навкар ва тажрибали саркарда эди. У болалигиданоқ жангларда қатнашганидан ўлимга қўрқмасдан қарарди. Бобурнинг саркардалик тажрибаси Марказий Осиёнинг турли тоифа ва гуруҳдаги халқлари билан бўлган жангларда чиниқиб тобланди. У Темур ёки Чингизхон сингари туғма саркарда эмас эди, балки ҳаётининг дастлабки давридаги жангларда бир неча бор мағлубиятга учраб, аста-секин тадбиркор лашкарбошига айланди. У ҳеч қачон матонатини йўқотмади ва курашда йиқилган пайтларида ўзини ўнглаш учун доимо ирода кучини ишга сола билди, жангларда тажриба тўплади....Мана шундай тадбиркор лашкарбошилиги учун ҳам у Ҳиндистондаги жангларнинг барчасида ғолиб чиқди”[27]. Муаллиф шу ерда тарихчи С.Р.Шармани қуйидаги фикрларини келтириб ўтади: “У ажойиб чавандоз, моҳир мерган, чаққон қиличбоз ва толмас овчи эди”.

Бобурнинг жисмоний салоҳияти ва саркардалик қобилиятини ёритгандан сўнг унинг шахсий ахлоқий фазилатларини ҳам изоҳлаб ўтар экан шундай дейди: “Бобур садоқатли ўғил, меҳрибон ота, содиқ дўст, вафодор эр ва ғамхўр қариндош эди. .... Бобур қариндош-уруғларидан меҳр-мурувватини аямас, дўстларининг ташвишларига ҳамдардлик қилар ва қувончларига шерик бўлар,

[26] Шарма Л.П.Бобурийлар салтанати; инглиз. тилидан тарж. –Т.: «Маънавият», -1998й. -25 б.

[27] Ўша асар -25 б.

хотинлари бир нечта бўлишига қарамай, уларнинг барчасини баравар иззат қиларди, ўғилларининг ҳам ҳаммасига бирдек меҳр билан қарарди. .... У сахий, олижаноб, мард, мафтункор, севимли ва жуда маданиятли киши эди”[28]. Бобурнинг мазкур фазилатлариини унинг қизи Гулбаданбегим ҳам ўзининг “Хумоюннома” асарида келтириб ўтади[29].

Ҳинд тарихчиси Бобурнинг диний бағрикенглик фазилатини юқори баҳолар экан, яна ҳинд тарихчиси С.Р.Шарманинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Бобурнинг биронта ҳинд ибодатхонасини бузгани ёки ҳиндларнинг уларнинг диний эътиқодига кўра таъқиб қилганининг бирор бир асорати кўринмайди”[30]. Ҳамкасбининг бу фикрларини шарҳлар экан, шундай дейди: “Бобурнинг мусулмон ва ҳиндларга баравар муносабатда бўлгани тўғрисида бир неча мисол бор. 1529 йилда Гогра дарёси қирғоғидаги жангдан олдин у ҳинд ва мусулмон беклари билан тенг маслаҳатлашган эди....Шунинг учун ҳам кўпчилик тарихчиларнинг фикрига кўра Бобур диндор шахс бўлган бўлса ҳам, лекин у кўр-кўрона хурофотчи бўлган эмас ва Ҳиндистондаги фаолияти давомида диний жаҳолатпарастликка йўл қўймади[31]”. Л.П.Шарма Бобурнинг бағрикенглик маданиятини изоҳлашда яна бар ҳинд тарихчиси Р.П.Трипатининг фикрини келтириб ўтади: “...бобурийлар империясининг тантанаси унинг ҳарбий қудрати туфайлигина эмас, балки ўз сиёсатида диний эътиқод эркинлигини амалга оширгани ва маданий ҳаётга катта ҳисса қўшганлиги туфайлидир”. Бу сиёсатни эса Бобур бошлаб берган эди? - дейди? Л.П. Шарма тарихчиларнинг мулоҳазаларни шарҳлар экан, Бобур маърифатчи шоҳ бўлган эди,-дейди[32].

Ҳозирги тарихчиларнинг барчаси, - дейди Л.П.Шарма, Бобурнинг тарихда жуда катта ҳурматга сазавор ўринни эгаллашини алоҳида таъкидлайдилар деб, уларнинг айримларининг фикрларини келтириб ўтади. Масалан, инглиз тарихчиси В.А.Смитнинг ёзишича, “Бобур ўша даврдаги осиёлик шаҳзодаларнинг энг зўри бўлиб, унинг тарихдаги ўрни ўтмишдаги шаҳзодалар орасида улкан таҳсинга сазавордир”. Оврупалик тарихнавис Гавел эса Бобурни “Ислом дунёси тарихидаги энг жозибадор шахслардан эди” деб таърифлайди. Инглиз шарқшуноси У. Эрскиннинг таърифлашича , «Осиёлик шаҳзодалар орасида Бобур билан баробар мавқени эгаллай оладиган шаҳзода бўлган эмас”. Бобурнинг шахси ва унинг феъл атвори шубҳасиз, ана шундай юксак баҳоларга сазавордир”[33]. Буюк саркарда ва давлат арбоби Бобурга нисбатан айтилган бу фикрларга муносабат билдирар экан, Л.П.Шарма шундай дейди: “... у Ҳиндистонга темурийларга хос давлат бошқарувини олиб кирди ва унга мустаҳкам асос солди.... Бобур янги империяни қай тарзда ўрнатиш кераклигини кўрсатибгина қолмай, балки бу империяни бошқариш сийёсатини

[28] Ўша асар -22 бет
[29] Гулбаданбегим Хумоюннома Т. 1959й. -51 бет
[30] Шарма Л.П.Бобурийлар салтанати; инглиз. тилидан тарж. –Т.: «Маънавият», -1998й. -23 бет
[31] Ўша асар -23 бет
[32] Ўша асар -23 бет
[33] Ўша асар - 29бет.

ҳам ўргатиб қўйган эди. У Ҳиндистонда ўрнатган сулола ва унинг анъаналарини ҳеч қайси маалакатда топиб бўлмайди”[34]. Ҳинд тарихчиси Л.П.Шарма Бобурнинг Ҳиндистонда миллий давлатчилик тизимини яратишдаги хизматларини баҳолар экан, бир вақтлар афғонларга тобе бўлган Ҳиндистон, бобурийлар сулоласи даврида Афғонистонни Деҳли султонлигига қарам бўлганлигини фахр билан ифода этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак аввало, ҳинд тарихчиларининг ўзлари таъкидлаганидек бобурийлардек сулола Ҳиндистон тарихида бўлган эмас.

Иккинчидан, мазкур сулола асосчиси маърафатли шоҳ Бобур зурриётлари ҳам маърифатли бўлиб, Ҳиндистонда маданий тараққиётга катта ҳисса қўшдилар.

Учинчидан ватандошимиз Бобур ва бобурийларни Ҳиндистон тарихида бундай юксак эътироф этилиши, ҳар биримизга юксак ифтихор туйғусини уйғотади.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ

Г. Ғаффарова
Чирчиқ давлат педагогика институти в.б.профессори
С. Полвонова
Чирчиқ давлат педагогика институти,
Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти

Ҳозирги даврда миллий ва маънавий қадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятининг ошиб бориши, ёшлар камолотидаги ўрни барчамиз учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос удумлари, унинг юксак ахлоқий фазилатлари маънавиятимиз ўзагидир. Барчамизга маълумки, бугунги кунда миллий қадриятларни тиклаш, такомиллаштириш, ўзлигимизни билиш, маънавий қадриятлар тизимини яратиш умуммиллий, долзарб вазифалардан биридир. Чунки миллий қадрият – миллатнинг асрлар мобайнида яратган маънавий бойликлари, ноёб тарихий обидаларини авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш, ривожлантириш, ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш, маънавий мулкни миллий қадрият сифатида ҳимоя қилишни ўзида ифода этади.

Маълумки, бугунги кунда замонавий дунё тараққиётининг динамикаси асосан инсоннинг инновацион, ижодий фаолияти, фан, техника ва технологияларнинг ривожланиши билан белгиланади. Шу билан бирга амалга оширилаётган ислоҳотларда миллий ва маънавий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Айтиш жоизки, миллий қадрият деганда, энг аввало, тарихий синовларга бардош берган, халқимизнинг миллий манфаатларини ўзида тўлиқ

[34] Ўша ерда -29

мужассамлаштирган, замонавий тараққиёт талабларига бутунлай жавоб бера оладиган, асрлар ўтгани сайин қадр-қиммати ортиб борадиган ғоялар тушунилади.

Дарҳақиқат, ҳаёт ривожланиб бораркан, қадрият ҳам такомиллашиб, мукаммаллашаверади. Шу сабабли даврлар силсиласида қадриятлар шакли, хиллари маълум бир маънода ўзгариб туриши мумкин. Аммо қадриятлар борки улар шаклу-шамойилини ҳам, мазмун-моҳияти ва қадр-қимматини ўзгартирмайди. Уларга таълим, билим ва илм-фанни киритиш мумкин. Албатта, билим ҳеч бир бойликка сотиб олинмайдиган, фақат ўрганиш, интилиш орқасидан келадиган катта хазина ҳисобланади.

Эндиликда билим, таълим қиймати “инсон капитали” атамаси билан аталиб келинади. Шу вақтга қадар адабиётларда инсон капитали тушунчаси асосан бирёқлама, яъни инсон капитали инсоннинг ўзига бевосита келадиган фойда ёки шахсни ижтимоий ҳимоялаш имконияти сифатида тушиниб келинди. Инсон капитали орқали фақат биргина инсоннинг ўзига эмас, балки бошқаларга ҳам наф келтириши мумкин. Бу эса, миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Хўш, инсон капитали нима? Миллий қадриятлар инсон капиталига қандай таъсир қилади?

Бугунги кунда инсон ва унинг қобилиятлари, билимлари, кўникмалари ҳар қандай жамият равнақи ва давлатнинг иқтисодий ривожланишининг асосий омилига айланди. Шунинг учун жамият тараққиётининг муҳим омили бўлган "инсон капитали" нинг моҳияти баъзи иқтисодчилар томонидан "ҳамма эгаллаган билим, кўникма ва мотивация заҳираси" сифатида талқин этилади [2]. Аслида, бу капитал сифатида намоён бўлади, чунки у келажакдаги даромад манбаи ҳисобланади. Бу инсон капитали, чунки у инсонга хос бўлиб, унинг ажралмас қисмидир.

Бэкернинг сўзларига кўра, «Инсон капитали - бу ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, кўникма ва мотивация заҳираси. У таълимга, ишлаб чиқаришга ўқитишга, соғлиқни сақлашга, миграцияга, нархлар ва даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тўплашга сарфлаш шаклида инсон инвестициялари (узоқ муддатли капитал қўйилмалар) орқали шаклланади» [1]. Дарҳақиқат, таълим, саноат тажрибасини тўплаш, соғлиқни сақлаш, маълумот олиш инсон капиталига инвестицияларни англатади. Таълим ва касб-ҳунар таълими инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини оширади. Соғлиқни сақлаш касалланиш ва ўлимни камайтиради ва инсоннинг умрини оширади. Миграция ва маълумот излаш ишчи кучи иш ҳақи юқори бўлган жойларга ва тармоқларга, яъни инсон капитали нархи юқори бўлган жойларга олиб боришига олиб келади.

Ҳозирда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган барча ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда рақамлаштириш жараёнлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шунингдек, рақамлаштириш жараёнлари

жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлмоқда. Хусусан, инсон учун энг муҳим соҳалар иқтисодиёт, таълим ва тиббиётдир.

Айтиш керакки, бугунги кунда ёшларнинг янги авлоди ўсиб улғайган - техник тафаккурга эга рақамли авлод, улардан гуманистик элемент чиқариб ташланган. Илм-фан инсон ҳаёти учун янги муҳит яратади. “Санъат сингари, илм-фан нафақат инсоннинг маданий машғулотидир. Илм - бу бизга кўринадиган ҳамма нарсани қандай қилиб ҳал қилувчи усул. Шунинг учун айтишимиз керак: бугунги инсон ҳаракатланадиган ва қолишга интилаётган ҳақиқат тобора кўпроқ фан деб аталадиган нарса билан белгиланади» [3, 239]. Маълумки, давлатимиз раҳбари илгари янги тизим асосида ижтимоий, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурган эди. Беш ташаббус доирасида у ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёш авлод ўртасида китоб ўқишни тарғиб қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш долзарб масала. Ёшларнинг маънавияти қанчалик баланд бўлса, уларнинг ёт ҳодисалар ва ғояларга нисбатан иммунитети шунчалик кучлироқ бўлади. Албатта, бундай ишлар инсон капиталини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш, билим ва кўникмаларни ўз ичига олган инсон капитали XX асрда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, хусусан Осиёда иқтисодий ўсиш ва қашшоқликни камайтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимиз Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб инсон капиталини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда [7]. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда миллий қадриятлар муҳим рол ўйнайди. Бу жуда мураккаб жараён. Қийинчилик шундаки, миллий ва умумбашарий қадриятлар мураккаб билимлар тизими, дунёқараши, урф-одатлари, урф-одатлари, маросимлари, ҳиссиётлари ва бошқаларнинг бой арсеналини қамраб олади. ҳақиқий дунё ягона бўлган шароитда ва улар ҳақидаги фикрлар ва қарашлар.

Бошқа томондан, миллий ва умуминсоний қадриятлар турли йўналишларга эга: анъаналар, маросимлар, урф-одатлар, одатларни ўз ичига олган фалсафий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, психологик, педагогик, тиббиёт, адабий, меъморий, санъат тарихи, диний таълимот қоидалари, фикрлари, мақоллари, сўзлари, қарашлари ва бошқа миллий ҳамда умумбашарий дурдоналар. Ва ҳар бир тарихий даврда улар шиор, мурожаат, низом, кўрсатмалар сифатида ҳаракат қилишади ва қонуний тартибда хизмат қилишади, бунга риоя қилиш ҳамма учун мажбурийдир. Улар тартиб, гўзаллик ва яхши фазилатларни инсон ҳаётига ва умуман жамиятга олиб келади. Шундай қилиб, миллий ва умумбашарий қадриятлар инсонни илмли қиладиган, поклайдиган, ҳақиқат йўлига йўналтирадиган, доноликка чорлайдиган, қадрли, мазмунли, ҳамма учун фойдали, ноёб, ўрнак ва муқаддас бўлган ҳамма нарсани ўз ичига олади.

Келажакда бир хил ажойиб дурдоналарни яратиш учун ўрганиш ва билим олиш зарурлиги уларнинг педагогик аҳамиятидир.

Миллий қадриятлар - бу муайян этник жамоалар вакилларининг тарихий ўзига хослигини акс эттирадиган маънавий идеаллари тўпламидир. Улар бир хил миллатга мансуб кишиларнинг хатти-ҳаракатлари учун ижтимоий ва меъёрий-маданий аксиомалар вазифасини бажарадилар [6]. Демак, ёш авлодни тарбиялашда ижтимоий-тарихий хусусиятга эга бўлиб, шахсни оилага таништириш воситаси бўлган ва шу билан индивидуал мавжудлик вақтинчаликлигини энгиб ўтишга имкон берадиган қадриятлар муҳим рол ўйнайди. Қиймат-семантик мазмун "таянч пункти танловини", яъни дунёқараш кўрсатмаларини шакллантиришнинг энг муҳим моментидир.

Улардан инсон капитали тушунчаси анча кенг маънога эга - бу иқтисодиётни, жамиятни ва унинг бошланғич уяли оиласини, ишчи кучининг ўқимишли қисмини, бутун ҳаёт ва меҳнат давомида ақлли бошқариш қобилиятини интенсив ривожлантирадиган асосий кучдир. Инсон капитали - ҳар қандай мамлакат ва давлат иқтисодиётининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган, ҳукумат органлари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига кучли таъсир кўрсатадиган омил бўлган тўпланган қобилиятлар, кўникмалар ва мақсадлар тўплами [5, 6]. Ҳар қандай давлат ва жамиятда инсон капиталини шакллантириш бачадонда инсоннинг соғлом ривожланиши, унинг туғилиши, инсон, шахс ва шахс даражасида этуклиги каби кўплаб омиллар таъсирида мураккаб жараёнларни ўз ичига олади. Улар орасида оналар ва болалар тинчлиги ва саломатлиги, соғлом оилавий муҳит, эрта болалик таълими, мактаб ва бошқа таълим шаклларини ўз ичига олган кенг қамровли таълим тизими ва уларнинг сифати ва самарадорлигига қаратилган кучли давлат ижтимоий ҳимоя сиёсати мавжуд.

Маълумки, миллат фаровонлиги ушбу мамлакатда ёшларнинг таълим ва келажагига берилаётган эътибор даражасига боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар муаммоси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Аммо, шу билан бирга, иқтисодиёт учун ғамхўрлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган мамлакат ривожланиши учун муҳим бўлган инсон капиталини ривожлантиришда маънавият, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятларни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Билим инсон ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи ва белгилайдиган омил сифатида инсоннинг зарурий таркибий қисмига айланади. Бу даврда давлатга тегишли жисмоний капитал билан бир қаторда "йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучига айланадиган" инсон капитали шаклланади. Албатта, замонавий жамиятда инсоннинг шахсияти ва унинг билимлари яқин ўтмиш билан таққослаганда анча кучли позицияларни эгаллай бошлади, замонавий ҳаёт ҳам шахсий индивидуаллик, ҳам кўп ўлчовли ижтимоий алоқалар билан ажралиб туради. Деярли ҳар куни инсон навбатдаги иш, касб, шериклар, ўзини тутиш услублари, одоб-ахлоқ қоидалари, диний эътиқодлар, оила ва болаларга муносабат, соғлиқ ва касалликлар ҳақидаги ғоялар ва бошқаларга дуч келади. Шу ўринда айтиш

керакки, польшалик иқтисодчи-социолог Зигмунд Бауманнинг "шахсийлаштирилган жамият" тушунчасига кўра, "биз бир вақтнинг ўзида кўплаб ўйинларни ўйнашга мажбурмиз ва уларнинг ҳар бирида қоидалар тўғридан-тўғри йўл бўйлаб ўзгаради" [9, 146-158].

Бироқ ҳозирги кунда "инсон бўлиш"нинг янги услуби қабул қилинмоқда, яъни инсон юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан кўриб чиқишни ва уларнинг пайдо бўлишининг олдини олишни ўрганади, бу мустақил фикрлаш ва яхши билим даражасини талаб қилади [8]. Шунингдек, замонавий инсон "муваффақиятли" бўлиши керак деб тахмин қилинади. Шу билан бирга, беқарор замонавий дунёда, кўп қиррали муносабатлар ва алоқаларнинг кўпайиши билан одамлар ўртасидаги алоқалар заифлашади, ҳаёт кўпинча тасодифий мажбуриятлар билан белгиланади ҳамда бу дунёда одам доимий равишда янгиликка мослашишга, янги билимларни олишга мажбур.

Дарҳақиқат, жамиятдаги мавқеини англаб, янги хулқ-атвор услубини ўзлаштирган инсон ўзининг шахсий инсон капиталини тўплашга алоҳида аҳамият беради. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, шахсий инсон капиталининг тўпланиши ҳар бир шахснинг шахсий хусусиятларига ва мавжуд ижтимоий институтларга боғлиқ бўлиб, бу тўпланиш мураккаб, узоқ ва қиммат жараёндир. Инсон капиталини тўплашда инсон салоҳияти ва тегишли капитал ажратиб кўрсатилади; инсон салоҳияти заҳира сифатида мавжуд бўлиб, фақат иқтисодий фаолият жараёнида ўзини намоён қиладиган инсон капитали бўлиш имкониятининг бир тури сифатида ишлайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг келажакдаги ривожланиши илм-фан, илмий, ижтимоий ва гуманитар технологияларга асосланган бўлади. Сўнгги икки-уч йил ичида миллий бойликнинг ажралмас қисми бўлган инсон капиталини ривожлантиришга тобора кўпроқ эътибор берилмоқда. Буларга ижтимоий ҳимоя, инсон саломатлиги, оилавий муносабатлар яхшиланиши, туман муассасалари фаолияти яхшиланиши ва таълим тизимидаги туб ўзгаришлар киради. Демак, ҳозирги вақтда инсон капитали янги билимларнинг эвристик табиати билан боғлиқ бўлган интеллектуал капитал шаклини олади. Ва ёш авлод замонавий интеллектуал капиталнинг ташувчисига айланмоқда, унда ноёб қадриятлар, янги туртки тури, янги алоқа турлари ва янги кўникмалар (шу жумладан рақамли) фаол шаклланмоқда.

Умуман олганда, инсон капиталини тўплаш тарбияга сармоя киритишдан бошланади, яъни оилада ота-она фарзандининг туғилиши билан унга маблағ қўйиши зарур. Фарзандларни тарбиялаш жуда кўп маблағ талаб қилади, аммо айни пайтда болалар ота-оналарнинг қониқиш манбаидир. Яъни, ҳаёт жараёнида одам ўзини ҳаракатга келтиради, гўё бирон бир "фойдали" иш билан шуғулланади ва ўзларининг инсон капиталининг таркибий қисмларидан - таълим, соғлиқни сақлаш, бўш вақт, тарбияни ўзаро бир-бирини мустаҳкамлаб турадиган эркин энергияни "ажратиб" олади.

Адабиётлар рўйхати

1. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход: избранные труды по экономической теории. – М.: ГУ-ВШЭ, 2003.

2. Сайфуллина Л.Д. Управление человеческим капиталом в системе цифровых экономических отношений // Фундаментальные исследования, №11, 2018. -С.94.

3. Хайдеггер М. Время и бытие. – Москва, 1993. - С. 239.

4. Гаффарова Г. (2020). Человеческий капитал в условиях цифровизации Узбекистана. Интеллектуальная культура Беларуси: духовно-нравственные традиции и тенденции инновационного развития: материалы Пятой междунар. науч. конф. Т.2. – Минск: Четыре четверти, –С.72-75.

5. Ғаффарова, Г., & Абдуллаев, А. (2021). *АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ*, ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES. *2*(Special Issue 2), 75-86.

6. Gaffarova, G.G. (2020), Structural transformations as a faktor new development opportunities // Scientific Bulletin of Namangan State University. –T.1. –№10, - C.185-190.

7. https://kun.uz/news/2018/10/11/uzbekiston-inson-kapitalini-rivozlantiris-lojiasini-kullab-kuvvatlovci-27-davlat-katoriga-kusildi

8. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития: монография / кол. авторов ; руководитель проекта д-р экон. наук, проф. И.Н. Шапкин. — Москва: РУСАЙНС, 2017. - 282 с.

9. Бауман З. Образование – при, для и несмотря на постмодернити // Высшее образование в России, 2004. № 4.

ТУРКИСТОНДА СОВЕТ ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Ў. Тўхтамишев
т.ф.н. СамИСИ доценти

Туркистон Мухториятининг фожиали тарзда тарқатиб юборилиши большевиклар раҳбариятининг чоризм томонидан қул қилинган халқларга “ўз тақдирини ўзи белгилаш” ҳуқуқини бериш ҳақидаги расмий эълон қилинган сиёсий шиорлари билан унинг амалга оширилиши ўртасида катта фарқ борлигидан далолат берар эди.

“Ўз тақдирини ўзи белгилаш”нинг советларга хос варианти амалда аввал бошданоқ бир империяни унинг мутлоқ марказлашганини сақлаган ҳолда бошқа бир империяга айлантиришга, унитар давлат яратишга қаратилган эди. Бундай аҳвол республикаларда шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўрнатилган совет давлатчилигининг мафкураси ва табиати билан бевосита боғлиқ эди.

Мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қайд этганидек, “....совет социалистик давлатчилиги” бизнинг халқимизга зўрлаб тиқиштирилган эди. У халқимизнинг туб маънавий, аҳлоқий диний қадриятларига мос келмас эди. Марказдан туриб бошқариладиган давлат машинаси қандайдир бир манқуртга, ўз уруғ-авлодларини ҳам, ўз халқининг тарихини ҳам, анъаналарини ҳам билмайдиган кишига мўлжалланган эди.

Мазкур давлат тизимида расмий эълон қилинган шиорлар билан амалдаги иш ўртасидаги узилиш сабабли юзага келди[35]".

Империя марказининг сиёсати Туркистонда яққол кўзга ташланувчи қиёфа касб этди. Оғизда маҳаллий халқларнинг ўзига хос ривожланиши мумкинлигини эълон қилиб, янги ҳокимият амалда мазкур жараёнларнинг намоён бўлишига тўсқинлик қилди, тубжой аҳолининг давлат бошқарувига жалб этилишига очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатди. Эълон қилинган миллий давлатчилик Туркистон Мухториятининг зўрлик билан ағдарилиши советларга қарши истиқлолчилик ҳаракатини уйғотган асосий сабаб бўлди.

Унга қарши Ленин маъмурияти доимий қизил армиянинг энг сара қисмларини ташлади. Мустабид большевик режимига қарши курашда фақат Фарғона водийсининг ўзида 1918-1924 йилларда 500 мингга яқин мустақиллик учун курашган жангчилар ва уларни қўллаб-қувватлаган тинч аҳоли ҳалок бўлди[36]. Ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида большевиклашган советлар ва совет Туркистони ҳукумати қисқа муддат ичида "инқилоб душманлари"ни йўқотишга даъват қилинган "инқилобий" судлар, прокуратуралар, ЧК органлари, инқилобий трибуналлар ташкил этилди. Пролетариат диктатурасининг бу жазо органлари озодлик ва демократияни бўғишда, ўзгача фикрлайдиган кишиларни қатағон қилишда муҳим қурол бўлди ва Ватанимизнинг янги тарихида ўзининг машъум асоратларини қолдирди. Чор Россиясининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилди.

Туркистоннинг Марказдан келган қўшин тузилмалари билан узлуксиз равишда тўлдириб юборилиши, хусусан, 1919-1920 йилларда бу жараённинг кучайиши бу ерда босқинчилик режимининг ўрнатилишига олиб келди. Миллий қўзғолончиларга қарши кураш давомида кўплаб қишлоқлар йўқ қилиб юборилди, одамларни гаровга олиш, уларни гуруҳ қилиб отиб ташлаш одат тусига кирди.

Халқ хўжалиги мажмуасидаги инқилобий ўзгаришлар иқтисодиётдаги кўп укладлиликни таг-туги билан йўқ қилишга, мулкчиликнинг барча шаклларини давлат мулкига айлантиришга, молу мулкни зўрлик билан қайта тақсимлашга, умумий тенгчилик тамойилларини амалга ошириш ва товар-пул муносабатларини йўқ қилишга қаратилган эди. Бу жараён бадавлат қатламларнинг мол-мулкини оммавий равишда мусодара қилиш, соғлом бозор механизмларини маъмурий мажбурлаш тизимига айлантириш билан қўшиб олиб борилди.

Большевикларнинг иқтисодий сиёсати уруш даврининг вайронгарчилиги билан қўшилиб Туркистон халқ хўжалигини мудҳиш ҳалокатга олиб келди. Масалан, саноат ишлаб-чиқаришида национализация амалга оширилгандан сўнг саноат маҳсулотларининг умумий ҳажми ўлкада 1920 йилда 1914 йилга нисбатан 80%га камайди.

[35] Каримов И.А. Родина священна для каждого. Т.3.-Т., Узбекистан, 1996, С. 6.
[36] Раджабов К.К. Истиқлолчилик ҳаракати ва Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.) Автореф. Дис… канд. Ист. Наук – Т., 1995, с. 19.

1921 йилда ўлкадаги 249 та пахта тозалаш корхоналаридан фақат 16таси ишлади. Пахта ёғи, пахта толаси ишлаб чиқариш 17 марта камайиб кетди. Темир йўлларда поездларнинг зўрға бешдан бир қисми фаолият кўрсатар эди[37]. Туркистон қишлоқлари айниқса қийин аҳволга тушиб қолди.

Турк республикасида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва қорамоллар сони 1920 йилда 1913 йилга нисбатан мувофиқ равишда 76,2 ва 53,3 фоизга қисқариб кетди[38]. Натижада мисли кўрилмаган очлик бошланди. У 1920 йилга келиб бир миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди[39].

Туркистонда жамиятининг маънавий ҳаётида ҳам салбий ўзгаришлар бошланди. Халқ таълими тизимини марксча ақидалар асосида қайта қуриш большевистик мафкурани стратегик йўналиши бўлиб қолди. Оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъатда қаттиқ мафкуравий назорат ўрнатилди. Коммунистик мафкурага асосланган “совет” адабиёти, мусиқаси ва театр санъатининг вужудга келиши рағбатлантирилди.

Большевиклар раҳбарияти Россия давлатчилигининг унитар шаклини эмас, федератив шаклини яратиш тарафдори бўлиб чиқди. Натижада, Туркистон Мухториятига қарши бўлган Туркистон Советларининг V-съездида (1918 йил 20 апрель 1 май) совет Россияси таркибида Туркистон автоном республикаси ташкил қилинди. Амалда эса, туб-жой аҳолига ҳеч қандай суверенитетни бермади. Буни “Россия Социалистик Совет Федерациясининг Туркистон Республикаси Конституцияси” тасдиқлар эди[40]. Унга мувофиқ мудофаа, ташқи алоқалар, почта, телеграф, денгиз ишлари, темир йўллар, божхона, савдо, саноат ва молия соҳалари федарал ҳукумат қўлида бўлиши алоҳида айтиб ўтилган[41]. Маҳаллий аҳолининг расмий эълон қилинган “автоном ҳуқуқлари” фақат ташвиқот мақсадини кўзлар эди.

Тубжой аҳолининг катта қисми давлат тузилишини белгилаб берувчи асосий ҳужжат билан таниша олмади, чунки у маҳаллий тилларда эълон қилинмади. Ўлкани коммуналлаштиришнинг янги босқичи айнан шу даврдан бошланди. Советларга хос “ўз тақдирини ўзи белгилаш” Туркистоннинг тубжой аҳолисининг мустамлака ҳолатини ўзгартирмади. 1919 йил 8 октябрда Москвада Турккомиссия ташкил қилинди. Комиссия жуда улкан ваколатларга эга эди. Миллий коммунистлар орасида мухолифатчилик кайфиятларнинг ўсишига олиб келди. Уларга барҳам бериш учун РКП(б) МК тавсиясига кўра ТКП сафидаги ва совет органларидаги “буржуа миллатчилари”га қарши юриш эълон қилинди. Мухолифатчиларга “миллий оғмачилар” деган сиёсий ёрлиқ тақилди.

Туркистон ўзининг этник таркибига кўра асосан туркий халқлардан иборат бўлганлигидан келиб чиқиб, Турк МИҚнинг раиси Турор Рисқулов ўлка

[37] Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики. –Т., 1921, С. 520-521
[38] Статежегодник 1917-1923. Т.2 1924 с. 64.
[39] Отчет Одеятельности Турк Экосо за февраль-октябрь 1921 –Т., 1922 С.292.
[40] Конституциянинг асл нусхасида айнан шундай бўлсада, жуда кўп тадқиқотларда “Туркистон АССР Конституцияси” деб кўрсатилади.
[41] Победа Октябрской революции в Узбекистане Сб. документов. Т.2. –Т., 1972. С. 519

ҳудудида “Турк Республикаси”ни тузиш ва РКП(б)га бўйсунувчи Туркистон компартиясини мустақил “Туркий халқлар компартияси” қилиб қайтадан тузиш ғоясини кўтариб чиқди[42].

Бироқ, Турккомиссия бунга қатъий қарши турди. 1920 йилнинг 8 мартида РКП(б) МК “Туркистон автономияси” ҳақида махсус қарор қабул қилди. Унда “Турк республикаси” ва “Турк компартияси” тузиш ғояси қатъий қораланган эди. Турккоммиссия муҳолифатчиларга қарши очиқ ҳужумга ўтди. Натижада Турк МИК раиси Т.Рисқулов бошчилигидаги ваколатли делегация 1920 йил 25 майда РКП(б) МК сиёсий бюросида Туркистондаги аҳвол ҳақида маъруза қилди.

Аниқ фактларга суянган ҳолда у Совет ҳокимияти йилларида Туркистоннингэзилган аҳолиси ҳаётида ҳечқандай туб ўзгаришлар юз бермаганлигини асослаб кўрсатди. Маърузанинг хулосаси ультиматив тарзда жаранглаган эди: “...Ёки бутун ҳокимият Туркфронтнинг Инқилобий ҳарбий Кенгашига топширилсин” ёки Конституцияга мувофиқ уни ҳаётда амалга оширган ҳолда, Турккомиссияга ўхшаган ҳар қандай юқори турувчи бўғинларни йўқ қилиб ҳамда Инқилобий ҳарбий кенгаш ҳуқуқларини чеклаб, бутун ҳокимиятни тўлалигича туб жой миллатларнинг меҳнаткашларига берилсин”. Туркистон делегациясининг бу лойиҳаси дарҳол рад этилди. Яна “миллий оғмачилар” қаттиқ танқид остига олинди. Бунда Ленин “руҳонийлар, панисломизм ва буржуа миллатчилари ҳаракатига қарши курашнинг усулларини” ишлаб чиқишни зарур вазифа сифатида қўйди. Фақат Туркреспубликаси “Россия Федерациясининг мухтор қисмини ташкил этади ва унга “РСФСРнинг Туркистон социалистик республикаси” номи берилади деб эълон қилнди.

Ленин раҳбарияти бутун Ўрта Осиёнинг хали назоратга олинмаган ҳудудларига, бевосита Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига нисбатан кенг миқёсдаги ҳужумни 1920 йилда авж олдирди ва “инқилоб”ни экспорт қилишни амалга оширдилар.

Ленин раҳбарияти томонидан 1921 йил мартида эълон қилинган янги иқтисодий сиёсат ҳокимият тизимларида миллий қатламнинг ўсиши иқтисодий ва сиёсий барқарорликка хизмат қилди, саноат ва қишлоқ хўжалигининг жонланишига сабаб бўлди. Бироқ, Ленин маъмурияти ЯИСни доимо “вақтинчалик чекиниш” сифатида қабул қилди.

Анча юқори даражада фақат чекланган доирага мансуб шахслар кўтарилар эди. Аммо улар ўша ерда ҳам қўғирчоқ бўлиб қолишга маҳкум эдилар. Тарихий ҳужжатлар шундан далолат берадики, марказий сиёсий раҳбарият бутун совет тарихи давомида миллий кадрларга ишонмай келган. Хусусан, 1920 йилдан 1923 йилгача бўлган даврда ўлкага 1396та Ленин вакиллари юборилган. Аммо маҳаллий раҳбарлар жасурлик билан ўз танқидий нутқларида унинг марказлаштириш интилишларига салбий баҳо бердилар.

[42] Турор Рисқуловнинг таржимаи ҳоли. “Саодат” журнали, 1992 йил 5-6 сонлар, 8бет.

Масалан, 1922 йил 25 сентябрда РКП(б) ташкилий бюросининг қарори билан “қўпол хатолари” учун ТКП МК котиби Н.Тўрақулов, Туркистон АССР ХККнинг раиси Қ.Отабоев ва ТАССР МИКнинг раиси Раҳимбоев эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилдилар.

Бироқ, сиёсий тазйиқларга қарамай, миллий йўлбошчилар тубжой аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилдилар. Хусусан, Ф.Хўжаев, С.Хўжанов ва А.Икромов РКП МКнинг миллий республикалар ва вилоятларнинг масъул ходимлари билан 1923 йил июнда ўтказган 4-кенгашида ўлкадаги аҳволга ҳаққоний асосланган баҳо бердилар. Улар бирдамлик ва чуқур алам билан шуни қайд этдиларки, “Ҳозирги Туркистон ва чор Россияси замонидаги Туркистон ўртасида ҳечқандай фарқ йўқ, фақат ёрлиқ ўзгарди, холос. Туркистон Чор Россияси даврида қандай бўлса шундайлигича қолиб келмоқда[43]”. Бунга ўхшаш кайфиятлар совет давлатининг бошқа минтақаларида ҳам хукм сурарди. Мана шундай шароитда Ленин “миллий бирлашишнинг шундай формуласини таклиф қилдики, унда миллий республикалар шаклан мустақил, аммо мазмунан мутлақ қарам бўлишлари лозим эди. У 1922 йил декабрда ташкил топган СССР давлати эди. Иттифоқда республикалар, хусусан Ўзбекистоннинг совет даври тарихи жуда ўхшаш бўлиб, салбий, фожиавий воқеаларга ҳам шунингдек, ижобий ривожланиш фактларига ҳам бойдир. Бироқ, мустақиллик ва давлат суверенитети ҳақидаги орзу ўзбек халқини ҳечқачон тарк этмади. У совет ҳокимияти йилларида одамлар қолбини илитиб, мустақилликни қўлга киритилиши учун ғоявий асос бўлиб хизмат қилдики, бугунги кунда халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини тантанали равишда нишонлаб келмоқда.

Адабиётлар

1.Каримов И.А. Родина священна для каждого. Т.3.-Т., Узбекистан, 1996, С. 6.

2.Раджабов К.К. Истиқлолчилик ҳаракати ва Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924 гг.) Автореф. дис… канд. ист. наук – Т., 1995, с.

3.Очерки хозяйственной жизни Туркреспублики. –Т., 1921, С. 520-521

4.Статежегодник 1917-1923. Т.2 1924 с. 64.

5.Отчет Одеятельности Турк Экосо за февраль-октябрь 1921 –Т., 1922 С.292.

6.Конституциянинг асл нусхасида айнан шундай бўлсада, жуда кўп тадқиқотларда “Туркистон АССР Конституцияси” деб кўрсатилади.

7.Победа октябрской революции в Узбекистане Сб. документов. Т.2. –Т., 1972. С.

8.Турор Рисқуловнинг таржимаи ҳоли. “Саодат” журнали, 1992 йил 5-6 сонлар, 8 бет.

[43] Ўзбекистон адабиёти ва санъати Т. 1992 3 апрель.

КУБРАВИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЕТУК МУРШИДИ

А. Азизқулов
СамИСИ доценти

Ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида интеллектуал жиҳатдан салоҳиятли ёш авлодни тарбиялаш давр талабидир. Ахборотлашган жамиятда маънавий таҳдидлар хуружи кучайган бир шароитда юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли ёш авлодни тарбиялаш ҳамда уларнинг ғоявий мафкуравий иммунитетни шакллантиришда миллий ўзликни англаш ва тарихий хотира муҳим жиҳат ҳисобланади. Ёшларда тарихий хотира ва миллий ўзликни англаш туйғусини шакллантиришда тарихий мерос, яъни, аждодларимиз томонидан яратган илмий-адабий ва маънавий мероси ҳамда уларнинг ватанпарварлик жасоратлари муҳим аҳамият касб этади.

Мўғуллар истилоси даврида Нажмиддин Кубро сингари ватанпарвар уламолардан бири шайх Бохарзийдир. Тасаввуф таълимотининг йирик вакилларидан бири бўлган Сайфиддин Абул Маъолий Саъид ибн Мутоҳҳар ибн Саъид ибн Али Қоидий Боҳарзий тариқатда Нажмиддин Кубронинг шогирди бўлган[44]. Мўғуллар Бухорони вайрон этиб, Хоразм томон юриш бошлаганда, Нажмиддин Кубро ўз шогирдларини Хуросон томонга кетишни буюради. Бохарзийни эса Мовароуннаҳрга боришни тавсия этади.

Сайфиддин Бохарзий мўғуллар истилосидан сўнг Бухорога келганда шаҳар бутунлай ёниб бўлган, истиқомат қиладиган жой йўқ эди, - дейди Заҳабий[45]. Сайфиддин Бохарзий вайрон бўлган шаҳарда одамларни тўплайди, панд-насиҳат, ваъз ва таълим билан машғул бўлади.

Мўғулларнинг югурдаги бўлган Маҳмуд Ялавоч Бухорога солиқ йиғиш учун келганда халқ орасида машҳур бўлган Сайфиддин Бохарзий ҳузурига кириб, унга минг дирҳам ҳадя қилади. Аммо Бохарзий бу ҳадяни қабул қилмади, ҳатто унга қиё ҳам боқмайди.

Мўғул ҳукмдорларидан бўлган Бойқу жуда золим ва қонхўр бўлади. “Бохарзий, халифа, подшо бўлишни истайди” деган сўзлар билан Бойқуни Боҳарзийга тезлашади. Бойқу Боҳарзийни занжирбанд қилиб Самарқандга олиб келишни буюради. Бохарзий бораётиб: “Мен бу хорликдан кейин бир иззат келишини кутмоқдаман”, - дейди. Бохарзий Самарқандга яқинлашганида, Бойқу тўсатдан вафот этади. Мўғуллар бу кароматни кўрганларидан сўнг шайхни қўйиб юборадилар ва бирин-кетин унинг ҳузурида ислом динини қабул қила бошлайдилар.

Шамсиддин Заҳабийнинг ёзишича мўғул босқинчилари, ҳатто хукмдорлари ҳам Бохарзийдан қўрққанлар ва жуда ҳурмат қилганлар. Бохарзий “Имом, муҳаддис, тақводор, зоҳид, суннатга – ҳазрат пайғамбарнинг изларига эргашганлардан” бўлган. Шамсиддин Заҳабий асарида яна аллома

[44] Имом Абу Абдуллоҳ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий Сияру аъламин нубало-Т.: ”Sharq”, 2015й. 171-бет
[45] Ўша асар 172-бет

хусусида “Мовароуннаҳр ва Туркистонда ҳадис илмини ёйдилар ва уни ривожлантирдилар” дейди[46].

Бухорода мўғул босқинчиларига қарши Маҳмуд Торобий бошчилигида халқ қўзғолони бўлиб ўтади. Қўзғолон мўғуллар томонидан шафқатсизларча бостирилади. Заҳабий Бохарзийни Бухорода Маҳмуд Торобий қўзғолонига хайриҳоҳ бўлганлигини қуйидагича изоҳлайди: “Мўғуллар қолган исёнчиларнинг ҳам кўпини ўлдирдилар. Фақат Бохарзийнинг паноҳига кирганларгина омон қолишди....Кофирлар Бохарзийдан қўрқиб қолганлар. Ҳеч ким у кишига қарши чиқишга журъат эта олмас эди”[47].

Мўғул ҳукмдорлари, хусусан, Ботунинг укаси Баракахон ислом динини Бохарзийнинг қўлидан қабул қилиб, шайхга мурид тушган. Имом Заҳабий буни қуйидагича баён этади: “ Боту кофир бўла туриб ҳам шайхни яхши кўрар эди. Боту иниси Баракахонни исломни қабул қилиб, шайхга мурид тушганини билгач хурсанд бўлди. Ўзи ҳам шайхни зиёрат қилишга рухсат сўради. Булғордан Жандга, сўнг Ўтрорга, кейин Бухорога совуқ, қорли бир кечада етиб келди. Эрталабгача шайхнинг ҳузурларига киришга изн сўрамади. Менинг ишончли бир кишидан эшитишимча, Баракахон ўша кеча ухламасдан, шайхнинг эшикларида ўтириб намоз ўқиб чиққан”[48].

Заҳабий Бохарзийнинг мўғул хукмдорлари орасидаги нуфузини шундай баён этади: “Масъуд Ялавоч устозларининг (Бохарзийнинг) ҳузурларига келганларида, у кишининг остоналарини ўпардилар. Изн берулгунча кутиб турганлар ва “Отам ҳам шундай қилардилар. Чунки шайхнинг подшолар қалбларидан ўрин олган катта салобатлари бор эди. Агар уларга мендек яқин вазирларини ўлдириб юборишни буюрсалар, иккиланмай ўлдириб юборишарди”, - деганлар[49].

Минҳожиддин Насафий Боҳарзийнинг таржимаи ҳолини баён этар экан, шундай дейди: “Феъллари билан одамларни одобга чақирувчи, ҳар бир нарсани ҳадисга мувофиқ бажарувчи, такаллуфдан ҳоли, илмлари ва фазилатлари тўлиб тошган денгиздек, ҳақиқат илмида замондошлар ва авлодлар фахр қиладиган даражада эдилар. У киши улуғвор ва ҳайбатли бўлиб, номлар мусулмону кофир ўртасида танилди. Мовароуннаҳр ва Туркистонда ҳадис илмини ёйдилар ва ривожлантирдилар”[50].

Шайх Боҳарзийнинг хусусиятларини таърифлар экан Ибн Фуватий “Муъжамил алқоб” китобида шундай дейди: “Боҳарзий муҳаддис, ҳофиз, воиз, ҳайбатли шайх, ориф, тақводор, фасоҳат соҳиби бўлиб, сўзлари дуру маржон каби эди. У киши тасаввуф ҳирқасини жаноб Хивақийдан (Нажмиддин Кубродан) олиб кийдилар”[51].

---

[46] Ўша асар -171 бет
[47] Ўша асар 173 бет
[48] [48] Имом Абу Абдуллоҳ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий Сияру аъламин нубало-Т.: ”Sharq”, 2015й. 174 бет.
[49] Ўша асар 175 бет
[50] Ўша асар 171-бет.
[51] Ўша асар 171-бет.

Боҳарзий ҳижрий 586 йилда Нишопур билан Ҳирот оралиғидаги Боҳарз деган жойда туғилади. Ёшлигида ҳаж қилади. Бағдодда Суҳравардийдан сабоқ олади. Хоразмга келади ва Нажмиддин Куброга шогирд бўлади. Мўғуллар вайрон этган Бухоро шаҳрини тиклаш, хусусан, мадраса ва хонақоҳлар фаолияти йўлга қўйишда халққа бош-қош бўлади. Шайх Бохарзий нафақат тасаввуф таълимотидан етук муршиди, балки йирик муҳаддис сифатида ҳам кенг эътироф этилади. Ҳижрий 659 йилнинг зулқаъда ойининг 20-куни вафот этган.

Шайх Бохарзийнинг обрўйи ва нуфузи бутун ислом оламида машҳур бўлган. Халифа Мустаъсим Бағдоддан Бохарзийга туҳфа юбориб турган. Шероз волийси Музаффариддин Абу Бакр ибн Саъд ҳар йили минг динор ҳадя жўнатиб турган. Бундан ташқари Мавсил шаҳри волийси ва Озорбайжон волийси ҳам шайхга ҳадялар жўнатиб турганлар. Шайх Бохарзийнинг Ҳинд султони Носириддин Ойбек, Синд ва Мўлтон султони Ғиёсиддин Болбон билан элчилик муносабатлари хат ёзишмалари мавжуд бўлган[52]. Бохарзий фиқиҳий ихтилофларнинг, ҳадис ва оятлардаги латоифлар (гўзал сўз ва иборалар)нинг билимдони бўлган. Калободда мадраса қурдирган. Заҳабий шайх Бохарзийни мўътазилий эътиқодига мойил бўлганлар, - деб таъкидлайди[53].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шайх Бохарзий кубравия тариқатининг ватанпарвар етук муршиди сифатида вайрон бўлган Бухоро шаҳрини тиклаш, мадрасалар фаолиятини жонлантириш ҳамда илм-фанни ривожлантиришдек масъул вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этади. Шайх Бохарзийнинг карoматлари туфайли кўп мўғул зодагонлари ва мансабдорлари ислом динини қабул қилди. Бундан ташқари ислом динининг йирик назариётчиси сифатида ақидавий ихтилофларни олдини олиш ҳамда ислом динининг софлигини сақлаб қолишда шайх Бохарзийнинг хизматлари катта бўлган. Шу боис ислом оламида шайх Бохарзийнинг нуфузи жуда юқори бўлган. Бугунги мураккаб глобаллашув шароитида Бохарзий илмий мероси ва шахсий ватанпарварлик хислатлари ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

АМИР ТЕМУР МАЪНАВИЙ МЕРОСИ – МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИ НУРЛАНТИРИБ ТУРУВЧИ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

С. Назаров
тарих фанлари номзоди, доцент, СамИСИ академик лицейи.
А. Алимов
Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси, СамИСИ.

Бугун дунёда глобаллашув ва ахборотлашув жараёни кўчайиб инсоният учун беқиёс янги имкониятларни келтириш билан бирга кутилмаган

[52]Ўша асар 174-бет.
[53] Ўша асар 175-бет.

муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Кескин кураш ва рақобатлар кўчайиб манфаатлар тўқнашуви кескинлашиб, мафкуравий маънавий таҳдидлар авж олмоқда.

Миллий ўзликни англашга, миллий қадриятларга қарши таҳдидлар кучайиб, инсон онги, айниқса ёшлар онгига турлича ёт ғоялар устамонлик билан сингдирилиб, уларда ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини йўқотишга ҳаракат қилинмоқда.

Шу сабабли ҳам бугунги кунда ёш авлодни маънавий тарбиялаш, уларни турли ёт бегона таъсирлардан ҳимоялаш, улар онгида ўзликни англаш, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигини англатиб она юртга, ота-онага миллий қадриятларга садоқат ҳиссини кўчайтириш давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида кун тартибида турибди.

“Биз, - деб кўрсатади Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов – халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади.

Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”[54].

Бугун мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғ мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида юртимиз келажаги бўлмиш ёшлар таълим-тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифага айланди. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидланганидек, бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 мартда “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”[55]ги Қарори қабул қилиниб, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган, “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғибот этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириб маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш долзарб вазифа сифатида кўрсатилди.

Бу жараёнда ёшларни, бутун халқимизни маънавий мерос ва унга ворислик руҳида тарбиялаб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов кўрсатганидек, “Аждодларимиз бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор буюк хазина” бўлиб, келажакда янги-янги ворисларни етиштиришга хизмат қилади.

[54] Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент – “Маънавият” 2016. 4-бет.
[55] Халқ сўзи газетаси. 2021 йил 27 март.

Юртимиз инсоният маънавияти ва маданияти тамаддунининг бешигини тебратган улуғ алломалар, даҳолар, азизу-авлиёлар ватанидир.

Тарихий далилларга эътибор қаратсак, қадимдан юртимиз Турон замини жаҳон цивилизациясининг таянч нуқталаридан бири бўлиб, буюк аждодларимиз ақлу-тафаккури натижасида яратилган қудратли давлатлар, илм-фан, дунёга машҳур шаҳарлар, тарихий обидаларнинг ҳар бири йирик маънавият – маърифат ва санъат асарлари бўлиб, халқимиз маънавиятининг юксаклигини кўрсатиш билан бирга дунё цивилизациясига кучли таъсир кўрсатиб келган.

Буюк аждодларимизнинг ана шундай беқиёс, бебаҳо мерослари халқимиз учун туганмас хазина бўлиб, ундан самарали фойдаланиш Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Уйғониш даври – Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор бўлиб, юртимизни янада иқтисодий ва маънавий юксакликка олиб чиқишга хизмат қилади.

Бунинг учун улуғ аждодларимизнинг бой маънавий – маданий меросини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, улар онгида буюк аждодлар меросига ворислик, ватан тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғусини тарбиялаш талаб этилади.

Халқимиз тарихида, - деб кўрсатган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов, - инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруғ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлараро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир. Умрининг мазмунини “Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат” деб билган Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси – дунёнинг қайси динида қайси замонида бўлган?!

Амир Темур – бизнинг шон-шавкатимиз, ғурур – ифтихоримиздир.

Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.[56]

Амир Темур – халқимизнинг обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан яшашига маънавий куч бағишлаб келаётган улуғ сиймолардан биридир.

Халқимизни мўғул истибдодидан халос этиб, буюк салтанат тузган, адолат ва ҳақиқатни ўзига шиор билган улуғ сиймо халқимиз, айниқса ёш авлод қалбида фахр-ифтихор, ватанпарварликни жўш урдирувчи маънавий қудрат тимсоли бўлиб, унинг бебаҳо меросининг қадри шу даражада баландки, мардлик, жасорат ва матонатга йўғрилган эзгу фазилатлари, давлатни бошқариш тузуклари, халқпарварлик, адолат, маърифатпарварликка оид эзгу ишлари, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Уйғониш даври –

[56] Ислом Каримов. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Асарлар – 5-жилд. 166-167 бетлар. Тошкент. –Ўзбекистон. 1997.

Ренессансни бунёд этишда куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади, буюк давлатни қуришга илҳомлантиради.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур томонидан авлодларга қолдирган бебаҳо маънавий мероси гултожи “Темур тузуклари” бўлиб, унда баён этилган теран фикрлар, эзгу ғоялар бугунги замон билан ҳамоҳанг бўлиб, ривожланиш йўлини кўрсатувчи, бунёдкорликка бошловчи ўгитлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Темур тузуклари”га ёзган сўзбошисида буюк бобомиз мероси ҳақида шундай ёзади. “Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган “Тузуклар”ни ўқисам, худдики ўзимга қандайдир қайта руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман”.[57] Яна шу фикрини бошқа асарида давом эттириб, “Бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.[58]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ““Темур тузуклари” ёки давлат бошқарувининг қомуси” номли маърузасида буюк Соҳибқирон бобомиз “Амир Темурнинг ҳаёт сирларини англаб етишда бебаҳо қўлланма бўлмиш ушбу китобда ифода этилган ғоя ва қарашлари нафақат ўз даври, балки, бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади”[59] – деб кўрсатади.

Юртимиз мустақиллигининг нурли нафаси билан буюк аждодларимиз, жумладан улуғ Амир Темурнинг ҳаёти ва шижоатли фаолияти, маънавий меросини ўрганиш ва улардан сабоқлар олишга кенг йўл очилди.

Бугун боғчаларда тарбияланаётган жажжи ўғил-қизларимиздан тортиб, умумтаълим мактаб ўқувчилари, олий таълим талабалари, академиялар тингловчиларигача буюк соҳибқирон маънавий мероси, ҳаёти ва фаолиятини ўрганмоқдалар. Соҳибқирон Амир Темурнинг бебаҳо маънавий мероси, жўшқин фаолияти барча таълим муассасаларида ўрганилиши билан биргаликда “Темур тузуклари”, жанг санъати Темурбеклар мактаби ва ҳарбий таълим муассасаларида, Қуролли кучлар ҳарбий академиясида атрофлича, кенгроқ дастур асосида ўрганилиб борилади. Шунингдек, ҳарбий қисмларнинг барчасида маънавият ва маърифат хоналарида буюк бобомиз номи билан аталувчи алоҳида бўлимлар ташкил этилган бўлиб, аскарлар томонидан “Темур тузуклари” мунтазам ўрганилиб борилади ва унинг мазмун-моҳияти бўйича турли танловлар, мусобақалар, давра суҳбатлари ўтказилиб борилади. Буюк Жаҳонгирнинг жасорати ва матонати ноёб ақл-заковати ҳақиқий тарбия энциклопедияси бўлиб хизмат қилмоқда.

---

[57] “Темур тузуклари” Тошкент. “Ўзбекистон” 2014й.4-бет.

[58] Ислом Каримов. Маънавий юксалиш йўлида. Тошкент. “Ўзбекистон” 1998. 419-бет.

[59] Шавкат Мирзиёев. “Темур тузуклари” ёки давлат бошқарувининг қомуси. Асарлар 3-жилд. 253-бет. Тошкент “Ўзбекистон” 2019.

Амир Темурнинг бунёдкорлик борасидаги фаолияти ҳам ибратли бўлиб, у улуғ зот ва авлодларининг саъй-ҳаракатлари билан Самарқанд ўз даврининг энг гўзал ва обод шаҳрига, том маънода ер юзининг сайқалига айланиб ҳам дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гўри Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий мўъжизалар, ўнлаб гўзал саройлар боғлар, обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолидир. Ул буюк зотнинг "Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим", деган сўзлари юқоридаги фикрлар исботидир.

Буюк Соҳибқирон бобомизнинг "Куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг", деган сўзлари юртимиз шону-шавкати, қудратини кўрсатиб халқимизни, ёшларни Ватанни улуғлашга маънавий куч-қудрат беради, бунёдкорликка чорлайди. Мустақиллик шарофати ила юртимизнинг барча ҳудудида барпо этилаётган осмонўпар бинолар, сўлим боғу хиёбонлар, замонавий йўлу кўприклар Соҳибқироннинг дунёни лол қолдирган бунёдкорлик салоҳияти авлодлари тутумида бардавом эканлигидан нишонадир.

Буюк давлат арбоби Марказий Осиё халқларининг фахри ифтихори Амир Темур бобомизга Тошкент шаҳрининг марказида, Самарқанд ва Шахрисабз шаҳарларида ўрнатилган ҳайкаллар, маънавий қудратимиз тимсоли сифатида кечаю-кундуз маънавий нур бўлиб, миллионлаб инсонлар қалбига, шижоат, мардлик, жасорат, адолат, бунёдкорлик, олижаноблик, ватанпарварлик эзгу ғояларини таратиб турибди. Яна бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш ўринлидирки, бугун халқимиз, ёшларимиз, қолаверса дунё аҳли Устозга эътиқод, ҳурмат ва садоқатни буюк Соҳибқирон Амир Темурдан - ўрганмоқдалар. Гўри Амир мақбарасида зиёратда бўлган ҳар бир киши бунинг ёркин исботини кўриб, Пири Мир Саййид Барака оёғи пойида қўним топган Амир Темурга чексиз эҳтиром билдирадилар. Бу ўзига хос катта тарбия мактаби эканлигини кўрсатмоқ ўринлидир.

Амир Темур илм-фан, илму-ҳунарнинг ҳақиқий ҳомийси бўлиб, маданиятимизни юксак поғонага кўтарди. Илм-фан, маданият ривожи туфайли Шарқ уйғониш даври Иккинчи Ренессанс даври бошланди. Унинг пойдевори Соҳибқирон Амир Темур томонидан қўйилди. Айнан "Темур тузуклари" уйғониш даврининг ҳуқуқий асоси бўлди. Шу боисдан ҳам "Темур тузуклари" бебаҳо манба ва ёдгорлик бўлиб, муҳим тарихий-маънавий обида сифатида ҳаётий ҳикматларга, ўгитларга тўла. Йирик темуршунос Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ёзганидек, "Темур тузуклари" ёшлар қалбига бемисл ғурур жойлаб, уларни чинакам инсон қилиб етиштиришда, қўрқмас ва довюрак, ақлли ва ватанпарвар сифатида тарбиялашда бебаҳо бир мактаб вазифасини адо этади.[60]

[60] Муҳаммад Али. Амир Темур чамани. Тошкент. "Ўзбекистон-2006" 193-бет.

Маънавиятнинг бебаҳо хазинаси сифатидаги “Темур тузуклари” уни жиддий эътибор ва катта қизиқиш билан ўқиган ҳар бир ўқувчида миллий ғурурни юксалтириб, ўзининг қандай буюк зотларнинг авлоди, вориси эканини янада чуқур ҳис этиб, ҳаётнинг ҳар қандай синов ва қийинчиликларини енгишига қодир инсонлар бўлиб етишиш мақсадини тарбиялайди.

Амир Темур – халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзи сифатида миллатимиз маънавий ўзагини ўзининг “Тузуклари” ва ўгитларида ифода этиб, бу улкан меросни ўрганишга қизиқиш дунё миқёсида ҳам тобора ортиб бормоқда. Буюк Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъалари мамлакатларида темуршунос олимлар томонидан атрофлича ўрганишга қизиқиш кўчайиб янги-янги темуршунослар марказлари юзага келмоқдаки, Амир Темур маънавий мероси – дунё халқлари меросига айланиб бормоқда. Дарҳақиқат, маънавий қудратимиз рамзи буюк Соҳибқирон бобомиз таваллуд кунининг мунтазам юксак даражада нишонланиб келиниши, юбилей саналарининг ўтказилиши, ташкил этилаётган турлича маънавий-маърифий тадбирлар ҳам улуғ аждодимиз меросини ўрганиш ва авлодлари орасида муносиб ворисларни тарбиялашга хизмат қилувчи ўзига хос мактаб, “Амир Темур сабоқлари” мактаби вазифасини ўтамоқда.

Буюк шахснинг “Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва тадбиқ этинг. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир”[61] деган авлодларга қарата васияти бугунги ва келажак ёшлари учун нурли машъала, жангавор даъват бўлиб уларни янги бунёдкорликларга илҳомлантираверади.

ИЛМИЙ ТАФАККУР ТАРЗИ ВА КОГНИТИВЛИК

Г. Султанова
Самарқанд давлат университети
“Фалсафа ва миллий ғоя” кафедраси доценти

Ҳозирги вақтда илмий тафаккур тарзининг моҳияти, унинг когнитив имкониятларини таҳлил қилиш, илмий анъаналарга муносабат, етакчи фан ва технологияларда содир бўлаётган назарий, концептуал инновацион ғояларни ўрганиш долзарбдир. Тафаккурнинг когнитив, эпистемологик ва методологик жиҳатларини англаб етиш каби масалалар аҳамиятга эгадир.

Ёш авлодда инновацион, креатив ғоялар ва технологияларни яратиш, илмий тафаккур маданиятини юксалтириш, когнитив қобилиятларин кучайтириш ҳамда уни ҳаётга тадбиқ қилиш муҳим ва долзарб вазифадир.

Илмий тафаккур тарзи ва когнитивлик эпистемология, фан фалсафаси ва методологиянинг долзарб, марказий муаммоларига айланмоқда.

Когнитивлик бу инсон билиш қобилияти бўлиб, замонавий компьютер технологиялари каби мураккаб билиш ва маълумотлари анализ қилиш

[61] Амир Темур ўгитлари. Тошкент – “Наврўз” 1992. 61-бет.

хусусиятига эгадир.[1,15] Когнитив тафаккур билиш жараёни билан узвий боғлиқдир. Тушунчаларни шакллантириш, қарор қабул қилиш ва реакцияларни яратиш учун масъулдир.

Когнитив тафаккур фаолиятининг тури шахсга, бошқа одамлар билан ўзаро мулоқот қилиш тажрибасига боғлиқ. Шахснинг билими, турли муаммоларни ҳал қила олиши, мантиқийлиги, диққати, идроки ва хотираси муҳим рол ўйнайди.

Когнитив тизим инсонни тафаккури, фаолиятини, сайъ-ҳаракатларини, дунёқарашини белгиловчи омилларандандир. Когнитив тизимни ривожланиши инсон тафаккурни потенциал имкониятларини хилма-хиллигини намоён этади ва унинг фаолиятини, қамровини, дунёқарашини ҳаёт давомида ўзгаришига аса бўлади. [1,50]

Когнитивлик гносеологик жараён сифатида натижасида илмий тафаккур тизимида концептуал жиҳатга эгадир.

Тафаккур тарзи тушунчасини 1935 йилда польшалик олим Л.Флек тадқиқот доирасига концепт сифатида киритди. У тафаккур тарзини маълум бир қолипга солинган стандарт илмий жамоатчилик тафаккури деб белгилайди.[3,121]

Флекдан мустақил равишда тафаккур тарзи тушунчаси машҳур физик олимлар В.Паули, М.Борн, В.Гейзенберг томонидан қўлланила бошланди.

Америкалик олим Р.Г.Стеренберг тафаккур тарзининг шахс томонидан ўзини руҳий бошқаришдаги роли ва аҳамиятини тадқиқ қилган. [4,16] Бундан тафаккур тарзи когнитив жараён деган хулосага келинади.

Макс Борн таълимотида илмий билиш тараққиёти ва тафаккур тарзи муаммосига когнитив ёндашув алоҳида ўрин эгаллаган. Ноклассик табиатшуносликнинг таниқли намоёндаси М.Борн физикадаги янги ғояларнинг шаклланишини кузатиб, илмий тафаккур тарзи феноменига алоҳида эътибор қаратди ва шу масалада ўз аҳамиятини йўқотмаган чуқур мулоҳазалар қилди.

Тафаккур тарзи деганда М.Борн инсон фаолиятининг барча жабҳаларида, шу жумладан, фанда когнитивликда мавжуд бўлган ўзига хос таянч ғоялардан ташкил топган фалсафий ва илмий тафакккур босқичларидан иборат умумий ғоявий-назарий тенденцияни тушунган.[5, 228] М.Борннинг мулоҳазасидан кўриниб турибдики, тафаккур тарзи оламни когнитив англашга қаратилган ёндашувга яқиндир.

Л.А.Микешина таъкидлашича, тафаккур тарзи илғор методологик асос сифатида, методологик ва фалсафий тамойиллар синтези бўлиб, нафақат билиш услубларини, балки умуман олганда илмий билиш структурасини аниқлаб беради ҳамда унинг муайян тарихий шаклларини белгилайди[6,123]. Бунда методологик ва фалсафий тамойилларнинг когнитив синтези таъкидланмоқда.

И.Б.Новик замонавий илмий тафаккур тарзининг когнитив хусусиятларини таҳлил қила туриб, унга замонавий табиатшунослик фанининг услублари ва умумий жиҳатларига доир барча тенденцияларни киритади. Хусусан, физика, кимё ва биология фанларидаги тамойиллар илмий тафаккур тарзининг ғоявий концептуал жиҳатларини ташкил қилади. Бу ерда муаллиф тафаккур тарзининг

муҳим ички тузилмасини қайд қилиб ўтади. Шу жиҳатдан тафаккур тарзи атамаси замонавий постноклассик фан қамраб олган кенг ҳажмли тушунча сифатида изоҳланади.

Яна бир талқинга кўра, илмий тафаккур тарзи фан йўналишлари ва моҳияти ўзгаришини белгилайдиган, маълум тарихий тараққиёт босқичида вужудга келадиган методологик бошқарувлар йиғиндисидир. Илмий тафаккур тарзига таъсир кўрсатадиган фундаментал назарияларнинг нормалари ва идеаллари, уларда мужассамланган етакчи тасаввурлар бошқа илмий назарияларнинг йўналишини белгилайди. Бунда классик механиканинг тасаввурлари физика, кимё, биология, ижтимоий фалсафага ҳам кириб борган.

Н.А.Шермуҳаммедованинг берган таърифига кўра: "Илмий тафаккур тарзи маълум фикрлаш фаолияти шакли бўлиб, унинг доирасида объектнинг ўзига хос томонлари ифодаланади. Унга мос бўлган илмий фаолият стандартлари ва нормалари маълум тарихий босқичда ижтимоий-маданий муҳит таъсирида шаклланади" [7,54].

Фундаментал ва етакчи назариялар асосида шаклланаётган фан нормалари ва идеаллари илмий тафаккур тарзининг хислатларини белгилайдиган ижтимоий - маданий детерминацияси билан боғланади.[8,679] Фикрмизча, бу фикрда тафаккур тарзини фан тараққиёти ва ижтимоий муҳит билан сабабий боғланганлиги алоҳида қайд этилган. Бундай боғланиш тафаккур тарзи унсурларини ҳаракатчан мозаикали (барқарор динамик структура эмас) шаклида боғланиш ва тартибланишини келтириб чиқаради.

Тарихий даврда вужудга келиб, когнитив функцияларни бажараётган илмий тафаккур тарзи интеллектуал тараққиёт натижасидир. Мазкур натижа илмий тадқиқот фаолиятининг когнитив, эвристик ва эпистемологик қирраларини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади.

Илмий тафаккур тарзининг когнитив функциялари деганда, уни билиш жараёнида бажарадиган вазифалари тушунилади. Илмий тафаккур тарзи билиш жараёнига барқарорлик бағишлайди, давр фанини, хусусиятини, услублар ва ёндашувлар бирлигини таъминлайди.

Илмий тафаккур тарзининг ҳаракатчан қисми когнитив фаолиятни йўналтирадиган, бирлаштирадиган, умумлаштирадиган ва баҳолаш хоссасига эга бўлган концептуал ва таянч категориялар, тамойиллар, ғоялар ва идеаллардан иборат тузилмадир. Фан нормалари ва идеаллари оламни билиш доирасини белгилайди, тафаккур тарзининг таркибига кириб, унинг хусусиятини шаклантирадилар.

Илмий тафаккур тарзи маълум ғоялар ва йўналишларга нисбатан Импре Лакатос ибораси билан айтганда, эпистемологик "камар" вазифасини бажаради, илмий анъанани сақлашда илмий мактабларнинг тараққиёти ва ворислигини таъминлашда эвристик ва давомийликни сақлаш ролини ўйнайди. Шу билан бирга илмий инқилоб натижасида илмий тафаккур тарзининг тури, концептуал сиймоси алмашади ёки давр мазмунига мос келмаган илмий тафаккур тарзи ўрнига етакчи фан ёки йўналишлар гуруҳи таъсирида янгиси шаклланади.

Шундай қилиб, инсоннинг фан соҳасидаги конгнитив фаолиятини муҳим жиҳати бўлган илмий тафаккур тарзини ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини муҳокама қилиш, уларнинг адабиётларда берган талқинларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосага келиш мумкин.

Илмий тафаккур тарзи ўз ичига лидер фаннинг ғоялари, тасаввурлари, тамойиллари, тушунчаларини олади. Илмий тафаккур тарзи парадигмага қараганда кенг тушунча бўлиб, давр ва амал қилиш жиҳатидан кўпроқ йўналтириш кучи ва ғоявий-интеллектуал мавқеига эга.

Илмий тафаккур тарзи когнитив фаолият сифатида парадигма ёки ишлаб чиқилаётган тасаввурлар ва ғоялар учун ўзига хос эвристик муҳит ҳамда концептуал матрица ролини бажаради.

Фойдалинлган адабиётлар руйхати:

1. Болбаков Р.Г. Анализ когнитивности в науке и образование//Перспективы науки и образования. 2014. № 04. (10) – С. 15-17.

2. Ғаффарова Г.Ғ. Когнитивлик тизимининг жамиятни ислоҳ этиш жараёни билан ўзаро алоқадорлиги//Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллиё ғоянинг долзарб маслалари.VI илмий-назарий семинар материаллари. Т., 2017. – Б.48-51.

3. Флек Л. Возникновение и развитие научного факта: Введение в теорию стиля мышления и мыслительного коллектива. М., дом интеллектуальной книги 1999 – С.121.

4. Sterenberg R.G. Thinking styles and the gifted// Roeper Rev.1998. Vol. – P. 16.

5. Борн М. Физика в жизни моего поколения. Сборник статьей. [Переводы] – М.: «Изд. Иност. лит», 1963. – С. 535.

6. Микешина Л.А. Стиль и методы научного познания // Проблемы методологии науки и научного творчества. – Санкт- Петербург. 1997. – С. 31.

7. Шермуҳаммедова Н. А. Стиль научного мышления. – Т.: Национальное общество философов Узбекистана, 2006. – С. 160.

8. Медведева И.А. Стиль научного мышления // Новейший философский словарь. Минск.:1999. – С. 679.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ҲАРБИЙ САНЪАТИ

Ў. Тўхтамишев
т.ф.н. СамИСИ доценти

Амир Темур ўрта асрларнинг улуғ давлат арбоби, буюк саркарда, кучли марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомиси ҳисобланади. Амир Темур даври Ўзбекистон тарихида алоҳида ўринга эга. Ўзбекистон ҳудудида ҳарбий санъатнинг XIV арсда янги юксак босқичга кўтарилиши Амир Темур (1336-1405 йй.) фаолияти билан боғлиқ. Амир Темур қўшини мунтазам армия белгилари: пухта ташкилий тузилма, саф, мураккаб жанговар қаторлар,

ўз даври учун юксак самарали жанговар воситалар, қурол-яроғ ва аслаҳага эга бўлган.

Амир Темурнинг 35 йиллик ҳукмронлиги даврида 27 мамлакатни бирлаштирган улкан салтанат барпо этилган. Унинг ҳудуди Ҳиндистондан Сирдарё ва Зарафшонгача, Тангритоғ (Тань-шань)дан Босфорга қадар ёйилган. Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини ўрганишда "Темур тузуклари" бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, ушбу асарда Амир Темур давлатининг ҳарбий кучлари, вазифалари, ҳарбий ҳаракат тактиклари ҳақида қимматли маълумот баён этилган.

Амир Темур ўзининг бутун ҳукмронлиги даврида бирон марта ҳам мағлубиятга учрамаган. Амир Темур қўшини ташкилий тузилмаси ўнлик, юзлик, минглик (туман)лардан ташкил топган. Армия ўз таркибига қўшин-қисм, қўшунот-бир неча қисмни киритган, уларнинг ҳар қайсиси муайян вазиятда марказ-қалби лашкар, авангард-манглай ўрнини эгаллаган.

Ҳарбий қисмлар қурол-аслаҳа, кийим, байроқларнинг ранги отларнинг тусига қараб фарқланган. Армия отлиқ ва пиёдалардан иборат бўлган. Отлиқ қўшин енгил ва оғир қуролланган. Оғир қуролланган отлиқлар сара жангчилар ва зодагонларнинг вакилларидан иборат эди. Амир Темурнинг ҳарбий иш соҳасидаги катта хизмати отлиқ қисм (кунбул, кумбул)ни тузганлигида эди. Ушбу қисмнинг вазифаси қанотларни ҳимоя қилиш, душман қанотларини айланиб ўтиб, орқадан зарба бериш бўлган.

Юришга чиққан ҳарбир оддий отлиқ жангчи камон, ўқ солинган садоқ, шамшир ёки узун қилич, арра, бигиз, игна, арқон, болта, ўқ учун 10 та пайкон, қоп, сув учун меш ва икки от билан таъминланган. Ҳар 18 нафар аскарнинг бир чодири бўлиши шарт эди. Оғир отлиқлар дубулға, совут, шамшир, камон ва ўқ билан қуролланишган. Уларнинг ҳар бирига 2 от, ҳар 5 кишига бир чодир ажратилган эди. Бундан ташқари, гурзи, ойболта (табар), қилич билан қуролланган жангчиларнинг махсус отрядлари бўлган. Ҳар бир ўн бошининг ўз чодири ва 5 оти бўлиши лозим эди, у совут, шамшир ва ўқ-ёйлар билан қуролланган. Юзбоши 10 та от, чодир, қурол-яроғдан шамшир, камон, ўқ, чўқмор, гурзи, совут билан сафарга чиқиши шарт эди. Мингбошилар қурол-яроғ заҳирасига эга бўлишган[62].

Амир Темур даврида Самарқанд Ўрта Осиёда қурол-яроғ ишлаб чиқариш марказига айланди. Самарқанд қуролсозлари ясаган буюмлар темурийлар давлати ҳудудларидан ташқарида, олис хорижий юртларда ҳам маълуму машҳур эди. Манбаларда найза, ўқ-ёй, арбалет (отиш қуроли), қилич, шамшир, ханжар, совут, зирҳ, қалқон, тирсакбон ва тиззабандлар, турли дубулғалар қайд этилган. Қўшиннинг асосий турлари – пиёда ва отлиқ қисмлардан ташқари, кема ясаш ва кўприклар қуриш мутахассислари; солчилар ва кемачилар, раъдандозлар; қамал қуроллари ва манжаниқларни ишлатадиган бўлган.

[62] Ўзбекистон тарихи. 1 том. Биринчи китоб. Т., "Фан", 1956 й. 363 бет

Қалъаларни эгаллаш учун қўлланган деярли барча усуллар Амир Темурга маълум бўлган. Боязидга қарши жангда у филлардан фойдаланган, фил устига ўрнашиб олган жангчилар душманни ўққа тутишган. Тоғли ҳудудларда ҳаракат қилиш учун тоғлиқ халқлардан тузилган, тик қоятошларга чиқа оладиган, махсус пиёдалар қисми бўлган[63].

Манёврларни, қўшин кўригини ўзи ўтказган. Йилдирим Боязид билан бўлган урушдан олдин ўтказилган мана шундай кўриклардан бирини Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"да ёрқин баён қилиб берган: "Соҳибқирон шоҳона безатилган баландликда туриб қўшин бирлашмалари кўригини қабул қилди, улар бошдан оёқ темир либос кийишган, қатъий саф тортган ҳолда, бир текис қадам ташлаб, байроқ ва мусиқа билан тантанали равишда унинг олдидан ўтишди. Шу билан бирга ҳар бир қисм бирлашмаси ўзининг махсус кийими-формасига эга эди, чунончи, қизил ёхуд оқ, кўк ёки зангори бурканган, кийим ранги қандай бўлса, қурол-аслаҳалари ранги ҳам шундай эди[64]. Бундан Амир Темурнинг отлиқ аскарлари ўша даврдаги Европа рицарларидан ҳам мукаммалроқ яроғ билан жиҳозлангани аён бўлади. Қўшинни сув, озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминлаш, озиқ-овқат ортилган ўғруқни ҳимоя қилиш буюк саркарда ва унинг қисм лашкарбошиларининг асосий вазифаларидан бўлган. Разведка – хабаргирга алоҳида ўрин ажратилган. Сафарда йўл бошловчилар-қачарчилар муҳим роль ўйнаган. Амир Темур ҳарбий ҳаракатлар олиб боришнинг янги тизимига асос солди. Унга кўра, стратегик мақсадлар шиддати ҳужум, ҳал қилувчи йўналишларда кучларни бир ерга тўплаш, дадил манёвр ва ташаббускор ҳаракатлар, ҳал қилувчи жангда душманни тор-мор келтириш орқали амалга оширилган. Отлиқ қўшин ҳужумини ташкил этиш стратегияси ва тактикаси Амир Темур армиясида ўзининг тўлиқ якунини топди.

Агар ғаним қўшини 12 минг отлиқдан ошмаса, у ҳолда Амир Темур ҳам унга қарши 12 минг отлиқдан иборат қисм юборган. Агар ғаним қўшини 12 мингдан ортиқ, лекин 40 мингдан кам бўлса, Амир Темур унга қарши камида 40 минг аскарни жўнатиб, унга фарзандларидан бирини қўмондон этиб тайинланган, уларга ёрдам учун икки тажрибали амир ва бошқа лашкарбошиларни берган.

Агар ғаним армияси 40 мингдан ошиқ бўлса, унга қарши Амир Темурнинг ўзи чиққан. Қирқ қисмдан иборат қўшин бевосита Амир Темур ихтиёрига ўтган, шундан 12 та сараланган қисм биринчи қаторни, қолган 28 таси –иккинчи ва учинчи қаторни ташкил этган. Амир Темур ўғиллари ва набиралари раҳбарлик қилган қўшинлар ўнг қанот олдига, қариндошлар ва иттифоқчилар –сўл қанот олдига қўйилган. Бу қисмларнинг барчаси заҳирани ташкил этиб, қаерда ёрдам зарур бўлиб қолса, ўша ерга ташланган.

Амир Темурнинг ҳарбий даҳоси деярли ҳар доим ғаним чекиниши мумкин бўлган йўлларни бехато топа олган. У чекинаётган душманни таъқиб этиш ва яксон қилиш учун ҳаракатчан ёрдамчи отрядларни тайёр ҳолда тутиб

[63] Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1999 й.
[64] Шарафуддин Али Яздий. "Зафарнома", Т., "Шарқ", 1997, 259 бет.

турган. Қалъаларни қамал қилиш чоғида девортешар (манжаниқ) ва тош отар (аррода) қуроллар, тўплар (раъд), ҳимоя қалқонлари (турд), шотулар, камандлар, арқонлар ва бошқалардан фойдаланилган. Девор ва буржлар тагидан лаҳм қазилган, қалъа деворларида раҳна очилган, шулар орқали жангчилар қалъа ичига тезлик билан киришган.

Амир Темур даврида Ўрта Осиёда биринчи марта артиллериядан фойдаланилган. Аслида, Амир Темур ҳарбий тадбирлар билан йилда ўрта ҳисобда бир неча ойгина банд бўлган, қолган вақтини давлат ишлари ва бошқарувга бағишлаган. Амир Темур Ғарб ва Шарқ мамлакатларини бирлаштирган, қадимги савдо йўлларини тиклаган. Кастилия, Франция ва Англия қиролликлари билан дипломатик ҳамда савдо муносабатларини ўрнатган, қалъалар ва кўприклар қурдирган. Унинг фармонига кўра, XIV аср охири XV аср бошида Қарши ва Бухоро мудофаа деворлари янгидан қад кўтарган. 1371-1372 йилларда Самарқанд мудофаа деворларининг қалин ва қия пойдевори пахса ҳамда хом ғиштдан ишланиб, данданалари, дарвозалари бўлган, улар атрофидаги хандак устига кўтарма кўприк қурилган. Данданали кунгура тагида ўқ отиш учун қатор тор шинак-туйнуклр жойлашган. Темур дарвозаларининг ён томонлари буржлар билан ҳимояланиб, дарвоза устига иморатлар кўтарилган[65].

Бобурнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳрдаги энг мустаҳкам шаҳарлардан бири Андижон бўлган. XV асрда Шаҳрисабз баланд ва кенг тўпроқ кўтарма ҳамда сув тўлдирилган чуқур хандақ билан ўралган. Тошкент янги мудофаа девори билан ўралган бўлиб, дарвозалари уни қўриқлашга масъул бўлган улус ва қабилалар номи билан аталган.

Амир Темур ҳаётлиги чоғидаёқ давлатнинг айрим вилоятлари унинг ўғиллари Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шоҳруҳ ва уларнинг авлодлари Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад, Иброҳим, Улуғбек ва бошқаларга инъом этилган эди. 1420 йиллар бошида Шоҳруҳ ва унинг оиласи Амир Темур барпо этган давлатнинг асосий ерларини ўз қўлларига олишган.

Шоҳруҳ салтанат раҳбари ҳисобланса-да, амалда икки давлат: бири маркази Ҳирот бўлган Хуросонда Шоҳруҳ, бошқаси –маркази Самарқанд ҳисобланган Мовароуннаҳрда Шоҳруҳнинг ўғли Улуғбек ҳукмронлик (1409-1449йй.) қиларди. 1425 йилда Улуғбек ўзаро низолар авж олган Мўғулистонга зафарли юриш қилган, ўзидан хотира сифатида Жиззах яқинида жойлашган Илонўтди дарасидаги қоятошга битик ёзишни буюрган. Ушбу битиктош бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Давлатнинг шимолий сарҳарларига босқинчилик юришлари қилиб турган кўчманчиларга қарши 1427 йилда уюштирилган ҳарбий юриш муваффақиятсиз якунланган. Шоҳруҳ вафотидан сўнг тахт учун кураш бошланган. Улуғбекнинг Ҳиротга қилган юришлари ҳам самарасиз бўлган. Улуғбек ўлимидан сўнг 1449 йил унинг давлати ўзаро низода бўлган мустақил мулкларга парчаланиб кетган.

[65] Дадабоев Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент, 1996.

Шоҳруҳ замонида Хуросонда ва Ўрта Осиёда вилоятларнинг ўз ҳолича алоҳида ҳаёт кечириши шу даражага бориб етдики, бундай вазиятда давлатда мустаҳкам бир тартиб ўрнатиш ҳеч кимнинг қўлидан келмади[66].

Адабиётлар

1. Ўзбекистон тарихи. 1 том. Биринчи китоб. Т., “Фан”, 1956 й. 363, 371 бет
2. Иванин М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1999 й.
3. Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома”, Т., “Шарқ”, 1997, 259 бет.
4. Дадабов Х. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати. Тошкент, 1996.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ АСАРЛАРИДА МУОМАЛА МАДАНИЯТИ ТАЛҚИНИ

А.Азизқулов
СамИСИ доценти
А.Алимов
СамИСИ ўқитувчиси

Шарқ халқларининг ахлоқий этикетида муомала маданияти муҳим ўрин эгаллайди. Кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларида самимият ва ўзаро хурмат, ростгўйлик, ва фаросат лутф ва мулойимлик шарқона муомала маданиятининг асосини ташкил этади. Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқий қарашларида муомала маданиятига алоҳида урғу берилади. Хусусан Темурийлар даврида яшаб ижод этган мутафаккир аллома Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ахлоқий қарашларида муомала маданияти асосий ўрин эгаллайди. Ҳусайн Воиз Кошифий (1442/46-1505) ислом динининг йирик назариётчиларидан бири бўлиши билан бир қаторда фалсафий ахлоқий соҳаларда ҳам нодир асарлар битган етук алломадир. Хусайн Воиз Кошифийнинг Қуръон тафсирига оид «Тафсири Ҳусайний» асари машҳурдир. Шунингдек аллома илми нужум, фалсафа. адабиётшунослик, тилшунослик, фиқҳ бўйича ҳам бир қатор асарлар муаллифидир. Ҳусайн Воиз Кошифий Алишер Навоийга бағишлаб «Мавоҳиби олия» («Олий туҳфалар») асарини ёзган. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг сермазмун ва баракали ижодий фаолиятида Алишер Навоийнинг таъсири катта бўлган. Алишер Навоий Ҳусайн Воиз Кошифийни ўз ҳимоясига олар экан, унга яқиндан ҳомийлик қилган ҳамда унинг истеъдодини юқори баҳолар экан, «Мажолис ун нафоис» тазкирасида унга алоҳида ўрин ажратган[67]. Унинг салмоқли илмий мероси орасида «Ахлоқи Муҳсиний» асари алоҳида ўрин аҳамият касб этади. Асарни Шарқ ахлоқ фалсафасининг нодир дурдонаси деб баҳолаш мумкин. Кошифий мазкур асарида ахлоқ одоб мавзусида яратилган кўплаб асарларни чуқур таҳлил этиб, ўзининг хулосалари билан

[66] Ўзбекистон тарихи. 1 том. Биринчи китоб. Т., “Фан”, 1956 й. 371 бет
[67] Алишер Навоий Мажолис ул-нафоис.Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9-жилд.-Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2011й. 377-378 бетлар

мазмунан бойитади. Алломанинг бошқа асарларида ҳам ахлоқ-одоб масалалари етакчи ўринни эгаллайди. Хусусан, «Футувватномаи Султоний ёхуд Жавонмардлик тариқати» асари суфийлик тариқатининг назарий ва амалий масалалари баён этилган бўлиб, унда тасаввуф аҳлининг риоя этиши лозим бўлган таом ейиш ва сув ичиш одоби, ўтириш ва суҳбат қилиш одоби, кийим кийиш ва сафар қилиш одоби, меҳмон кутиш ва йўлда юриш, салом бериш, биродарлар ҳақини адо этиш адаблари батафсил ёритилади. Муомала одоби хусусида мулоҳазаларини баён этар экан, инсон фаолиятида тилнинг ўрни муҳим эканлигини батафсил тушунтириб беради. Аввало аллома нутқ қобилиятини аҳамиятини шундай изоҳлайди: "«Билгилки одамизотнинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир. Сўз ҳамма вақт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул"[68]. Инсон ҳаётида тилнинг моҳиятини тушунтиргандан сўнг Ҳусайн Воиз Кошифий нутқ жараёнида нималардан сақланиш зарурлигини қуйидагича тушунтириб беради: "Тилни сақлаш лозим бўлган нарсалар қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончи худонинг душманидир. Иккинчидан, ваъдага хилоф гапириш ва мунофиқона сўз айтишдан. Учинчидан, ғийбат ва бўҳтон гаплардан, чунки буҳтон фосиқлар ишидир. Тўртинчидан, беҳуда баҳсу муноқашадан, айб қилишдан ва гап ташишдан. Булар шайтон васвасасига киради. Бешинчи, ўзини мақташ ва таърифлашданки, бу худбинликка олиб келади. Олтинчи, навкар ва хизматкорларни лаънатлашдан. Еттинчиси, қарғишдан, дуои бад қилишдан, чунки бу жону дилнинг офатидир. Саккизинчи, мазах-масхара қилиш ва ҳазил-ҳузулдан»[69].

Ҳусайн Воиз Кошифий нутқ муомаласи жараёнида киши эътибор бериши лозим бўлган ахлоқ-одоб қоидалари мавжудлигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, мазкур одоб қоидалари иккига бўлинади, яъни, муайян мартабага, малакага эга бўлганлар, масалан, устозлар, мураббийлар ёки тариқат пирлари риоя этиши шарт бўлган қоидалар ҳамда малакага, мартабага эга бўлмаганлар, масалан ўқувчилар, шогирдлар, ёки тариқат муридлари амал қилиши лозим бўлган қоидалар. Дастлаб мартабага эришганлар, яъни устозлар риоя этиши лозим бўлган нутқ одоби қоидаларини тушунтириб берар экан, шундай дейди: "Шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд. Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги саккиз қоидани сақлашлари керак: биринчидан ҳар кимнинг аҳволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитувчига малол келтирмайдиган

[68] Хусайн Воиз Кошифий.Футуватномаи султоний. Ахлоқи муҳсиний. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашри, 2011.. – 64 бет
[69] Ўша ерда

қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қиммат-қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг униб чиқмайди»[70]. Суҳбат жараёнида устозлар риоя этиши лозим бўлган ахлоқ-одоб қоидаларини баён этгандан сўнг, муридларнинг, шогирдларни нутқ одобларни қуйидагича шарҳлайди: “Агар мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби нечта деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил. Биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин. Иккинчидан, гапираётганда овозини баланд кўтармасин. Учинчидан, гапираётгандан ўнги сўлига қарамасин. Бешинчидан, қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун уйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор этсин»[71].

Мусулмон шарқ халқлари муомала маданияти этикетини баён этишда Ҳусайн Воиз Кошифий рационаллик тамойили асосида ёндашади ҳамда кишиларни доимо нутқ маданиятини ўзи баён этган ахлоқий қоидалар асосида такомиллаштириб боришларига даъват этар экан, шундай дейди “Агар қайси тил билан сўз сўзлайсан, деб сўрасалар, сидқу садоқат тили билан, деб айтгил. Агар сўзни қайси қулоқ билан эшитасан, деб сўрасалар, қабул қулоғи билан, деб айтгил»[72].

Ҳусайн Воиз Кошифий кишиларни беҳуда сўзлашдан фойда йўқлигини, аксинча, доимо тўғри ва манфаатли муомалани тарғиб этиб, шундай дейди: “Агар яхши сўз қайси, деб сўрасалар, кишиларга нафи тегадиган сўз, деб айтгил. Ёмон сўз қайси, деб сўрасалар, бировга зарари тегадиган сўз, деб жавоб бергил»[73].

Ҳусайн Воиз Кошифий кишиларни ўзаро муомала маданиятида риоя қилишлари лозим бўлган одоб қоидаларини мана шундай батафсил тушунтириб беради. Аллома томонидан баён этилган сўзлашиш одоби ва нутқ маданияти хусусидаги фикрлари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Таълим тарбия жараёнида мазкур ахлоқий тамойиллардан фойдаланиш мураккаб глобаллашув жараёнида ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қиладиган бўлсак, авало, Марказий Осиё халқлари юксак даражадаги муомала этикетига эга бўлганлар. Иккинчидан Ҳусайн Воиз Кошифий рационаллик тамойили асосида сўзлашиш одобини назарий жиҳатдан асослаб бера олган. Учинчидан, аллома илгари сурган сўзлашиш одоб қоидалари бугунги ахборотлашган жамият босқичида ҳам баркамол авлодни тарбиялашда зарурий тавсиялардан бири бўлиб хизмат қилади.

[70] Ўша асар, 71 бет
[71] Ўша асар, 72 бет
[72] Ўша асар, 72 бет
[73] Ўша асар, 72 бет

IMOM AL-BUXORIYNINGNING "Al-ADAB AL-MUFRAD" ASARINING YOSHLAR TARBISIDAGI O'RNI

M. Muxtorova
Guliston davlat universiteti talabasi.
N. Mirzayeva
Ilmiy rahbar: dotsent

So'zlashuvimizda ko'p uchraydigan "globallashuv davri" tushunchasi juda ommalashib bormoqda. Insonlar zamon o'zgardi, zamon tezlashdi, deyishadi. Biroq, zamon muallaqdir, u harakatlanmaydi, qanday bo'lsa shundayligicha turadi. Lekin insonlar, ularning dunyoqarashlari o'zgaradi. Bugungi kunda eng tez o'zgaruvchan qatlam yoshlar hisoblanadi. XXI asr texnologiyalar asri sifatida tarixga kirdi. Aynan texnologiyalar rivoji doirasida bugungi kun yoshlarining mobil aloqalar va ijtimoiy tarmoqlarga qaram bo'lib qolayotganligini tan olishimiz kerak. Bu muammo oxrigi yillarda juda dolzarb mavzuga aylandi. Yoshlarni tarbiyasida jiddiy o'zgarishlar yuz berdi. Chet el ijtimoiy tarmoqlarining yulduzlariga, o'zlarini tutushlariga taqlid qilish va xarakterlarining agressivlashib borishi juda ommalashib ketdi. Tabiiyki, bu kabi o'zgarishlar oiladagi sog'lom muhitga ham salbiy ta'sir ko'rsata boshladi: farzandlarning oila a'zolariga nisbatan muomala madaniyatining pasayishi kuzatildi. Yoshlarda milliy g'urur va vatanparvarlik hissi o'z shiddatini sustlashtirdi. Zeroki, Prezidentimiz: "Ulug' allomalarimiz, o'zlarining olamshumul kashfiyot va ixtirolarini sizning yoshingizda – ayni kuchga to'lgan navqiron chog'larida amalga oshirganlar. Siz ham, buyuk ajdodlardan ibrat olib, hayotda mo'jizalar yaratishga astoydil intilishingiz kerak, – deya ta'kidlaganlarida biz yoshlarga katta ishonch bildirilgani holda, muhim vazifa ham yuklatilgan edi.

Barcha zamonlarda yoshlar tarbiyasiga bo'lgan e'tibor birinchi o'rinni egallagan. Chunki yoshlar ertangi kunning egalari hisoblanadi. Nafaqat yangi davr, balki, o'rta asr mutafakkirlari ham o'z zamoni yoshlarining tarbiyasiga, ularning bilim olishlariga sezilarli darajada ahamiyat bergan. Va o'z asarlaridagi pand-nasihatlar orqali xalq ommasiga va yoshlarga murojaat qilishgan. Mutafakkirlarimizning bunday asarlarini bugungi yoshlarni tarbiyalashda ham dasturulamal qilib olsak bo'ladi. Musulmon olamida barcha negizlarning kaliti, savollarning javobi muqaddas Qur'oni Karim hisoblanadi. Aynan biz hozir yoshlar tarbiyasidagi muammolarni bartaraf etishdagi o'rnini tahlil qiladigan asarimiz ham Qur'oni Karimga yondashib yozilgan. Zeroki, shu kitob bizning yagona rahnamoyimizdir.[1] Biz ham shu yo'ldan borib barcha savollarimiz javobini ibratli hadislarimizdan izlashga qaror qildik.

O'rta asrlarda, yoinki, butun musulmon olamida tan olingan muhaddis, islom olami ustunlaridan bo'lmish g'oyatda buyuk va mo'tabar allomamiz Imom al-Buxoriy avlodlarga qoldirgan boqiy meroslaridan bo'lmish "Al-Adab al-Mufrad" ("Adab durdonalari") asari inson xulqini mukammallashtiruvchi asar sifatida tan olingan. Tarbiyaviy ahamiyati ulkan bo'lgan ushbu benazir to'plam aynan bizning zamonimizdagi yoshlar tarbiyasi uchun yozilganday, go'yoki. "Adab durdonalari" to'plami eng avvalida ota-onaga bo'lgan hurmatni bajo keltirish, ularning haqqini ado

qilish kabi masalalarni o'z ichiga qamrab oladi. Shunday deyiladi asarda, "Janobi rabbil olaminning: "Biz hamma insonni ota-onasiga yaxshilik qilishni buyurdik" (29:8). Abdulloh ibn Umar (r.a.)dan rivoyat qilindi. U kishi: "Alloh taoloning rozi bo'lishi otaning rozi bo'lishiga va uning g'azabi ham otaning g'azabiga bog'liqdir", dedilar".[2] Ushbu sahih va ibratli hadislar bugungi kunda yevropacha madaniyatdan o'rnak olib borayotgan yoshlarimiz uchun to'g'ri yo'lni ko'rsatishi va Alloh rizoligiga erishish yo'lida harakat qilishga undashi ravshan. Bugungi kunda ijtimoiy tarmoqlarda va televideniye orqali efirga uzatilayotgan kino va videoroliklarda ota-onaga, yaqinlarga qilinayotgan munosabatlar bizning asrlar osha qadriyatimizga aylanib ulgurgan muomala madaniyatimizga qayisdir ma'noda putur yetkazmoqda. Yoshlar ulardan ortda qolmaslik uchun afsuski, bizga xos bo'lgan milliylikni unutib qo'ymoqdalar. Ayni shu nuqtada ustida so'z yuritilayotgan asarimiz biz o'zbeklar, butun musulmon dunyosi yoshlari tarbiyasi uchun o'z yo'llarini topishda bir mayoq bo'ladi.

Inson farzandi ilk tarbiyani o'z oilasidan o'rganadi. Oilada iymonli va yetarli bilimga ega insonlarning bo'lishi yoshlar tarbiyasining yetuk bo'lishini, ibo-hayoli, o'zbek xalqiga xos muloyim tabiatga ega bo'lishini ta'minlaydi. Darhaqiqat, hayo insonning go'zal libosidir. Hayoli inson iymonli bo'ladi. Buning isbotini ham "Adab durdonalari"idan topamiz: "Imron ibn Xusayn (r.a.)aytdilar: "Rasulullоh (s.a.v.): "Hayo faqat yaxshilik keltiradi", dedilar. Abu Bakr (r.a.)dan rivoyat qilindi: Rasulul-loh (s.a.v.): "Hayo imondandir, imon jannatda-dir, Benomuslik jafodandir, Jafo do'zaxdadir", dedilar".[3]

Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, biz tahliliga kirishgan Imom al-Buxoriyning "Al-Adab al-Mufrad" asarining yoshlar tarbiyasidagi ahamiyati beqiyosdir. Bizning ushbu asardan oladigan bilimlarimiz, o'rganadigan tomonlarimiz talaygina. Tarbiyaviy jihatdan o'z mukammalligi bilan ajralib turadigan ushbu asar mutolaasini yoshlar orasida kengaytirishimiz lozim. Yangi bilimlar va ixtirolar sari olg'a borishimiz eng birinchi maqsadimiz bo'lishi kerak. Biz yoshlar shonli tarixga ega yurtimizning kelajagi egalari, buyuklarning vorislarimiz. Mamlakatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyevning: "O‘z tajribamdan kelib chiqib, sizlarga aytadigan maslahatim shu: ilmni qadrlang, ilmga intiling! Bir soniya vaqtingiz ham bekor o‘tmasin! Yoshlik – umrning eng bebaho davri. Ilm o‘tda yonmaydigan, suvda cho‘kmaydigan, hech kim sizdan tortib ololmaydigan boylik ekanini aslo unutmang! Sizlar mustaqillik farzandlarisiz. Ota-bobolaringiz ko‘rgan to‘siq va qiyinchiliklarni ko‘rmay, ozod Vatanda erkin nafas olib, voyaga yetyapsizlar. Yuksak maqsadlar yo‘lida siz – yoshlar hal qiluvchi kuch bo‘lishingiz kerak. Men sizlarning zimmangizga yuklangan ana shunday ulkan mas’uliyatni, tom ma’nodagi tarixiy vazifani sharaf bilan ado etishingizga qat’iy ishonaman". deya bizga bildirgan ishonchlarini oqlamog'imiz kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Fitrat. Tanlangan asarlar, Ikki jildlik. T.: „Ma’naviyat“, 2001. — B64.
2. Al-Adab al-Mufrad (Adab durdonalari), T.: 1990. — B3.
3. Al-Adab al-Mufrad (Adab durdonalari), T.: 1990. — B200.

БУЮК ХОРАЗМИЙ НАЖМИДДИН КУБРО ДАҲОСИ

С. Исмоилов
доцент, ф.ф.н., ГулДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси.

Одатда ахборотлашган жамиятимиз даврий матбуотида кўпинча буюк сиймолар, бухорийлар, самарқандийлар, тошкандийлар, термизийлар, фарғонийлар ҳақида нисбатан кўпроқ ёзилади, маълумотлар берилади. Холбуки, буюк хоразмийлар: Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Абулғозихон, Огаҳий, Рахимхон Ферузнинг ҳар бири алоҳида бир буюк сиймо, маънавият юлдузи. Улардан бири бўлган Нажмиддин Кубронинг илмий меъроси ва тариқат ғояларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади. Кўпдан-кўп ўтмиш алломалари орасида биргина Нажмиддин Кубро “қутби даҳр”- олам қутуби (Навоий), “миллий қаҳрамон” (И.Каримов), “мардлик ва жасорат тимсоли” (Ш.Мирзиёв) номларини олганлиги, валийтарош (авлиёларни тарбияловчи) унвонига сазовор бўлганлигини ҳисобга олсак, кубровия тариқатини жавонмардлик ёки “тариқати заҳабия” (“олтин тариқат”) сифатидаги моҳиятини тадқиқ этиш янада аҳамиятлидир.

Манбаларда қайд этилишича, Аҳмад ибн Умарнинг болалик йиллари Хоразмда ўтади. Умуман унинг ҳаёти Хоразм давлатининг Салжуқийлар давлатига қарамлиги (1038-1157), ундан қутулиш (1157-1193) ва Хоразмнинг йирик давлатга айланиш даврига (1193-1221) тўғри келади. Аҳмаднинг ёшлик йилларида мамлакатдаги ўзаро ва ташқи феодал низолар уни ўзга юртларда илм олишга мажбур қилди. У ҳаётининг яқин 30-35 йилини Эрон, Ироқ, Миср, Сурия, Арабистон каби мамлакатларда илм олиш билан ўтказди. У ўз даврининг етук олим, донишмандлари: Рўзбехон Ваззон ал-Мисрий, Шайх Бобо Фараж, Аммор Ёсир, Исмоил Касрий кабилардан сабоқ олди. У кейинроқ устозлар кўрсатмаси билан Хоразмга келиб, бу ерда тасаввуф илмини ёйди ва мустақил тариқатга асос солди. Нажмиддин Кубро ўз таълимотини ўзининг ўндан ортиқ асарларида асослаб берган.

Нажмиддин Кубро ҳаёти ва фаолияти билан боғлик тадқиқотлар жумласига мустақиллик йилларида: М.Хайруллаев, Н.Комилов, А.Жўзжоний, О.Усмонов, Ҳ.Алиқулов. Р.Носиров, М.Қодиров, М.Сафарбоев, О.Сафарбоев ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хоразм ҳукмдорлари тарихда хоразмшоҳлар номи билан машҳур бўлганлар. Ўрта асрларда Хоразмда хоразмшоҳнинг тўртта сулоласи давлатни бошқарган: африғийлар (305-995); маъмунийлар (995-1017); олтинтош сулоласи (1017-1034); Ануштагин сулоласи (1097-1231).

Нажмиддин Кубро яшаган давр сўнгги хоразмшоҳлар Ануштагинлар сулоласи ҳукмронлиги даврига тўғри келади

Тарихий манбааларни ўрганиш жараёнида Хоразмшоҳлар давлатининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида, фан ва маданиятнинг ҳар хил соҳаларида ўчмас из

қолдирган сиймолар ҳақида кўплаб маълумотларга дуч келамиз. Шарқшунос олим З.Бунёдов ўзининг “Ануштагин - Хоразмшоҳлар давлати” номли китобида шу даврда кўзга кўринган қирқдан ортиқ алломалар ҳақида маълумот бериб ўтади. Ушбу фактнинг ўзиёқ буюк хоразмийларнинг илм-фан ва маданият, дунёвий ва илоҳий илмлар ривожидаги хиссасини кўрсатувчи даллилдир. Бу бир томондан, Хоразмда йирик марказлашган давлатнинг ташкил топиши, иккинчи томондан тасаввуф тариқатларининг авж олиши, хусусан, Нажмиддин Кубро тасаввуфий таълимоти шаклланиши ва ривожланишининг асосий ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий омилларини ташкил этади.

Шарк ислом дунёсининг улуғ сиймоларидан бири, буюк авлиё, шайҳ суфийликнинг дунёга машҳур вакилларидан бири, кубровия тариқатининг асосчиси - Нажмиддин Кубронинг тўлик исми - Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий ал-Хоразмийдир. Унинг кунялари – “Нажмиддин” (Диннинг юлдузи), “Кубро” (Улуғ), “Абулжанноб” (Дунёдан четланувчи, парҳез этувчи) ва “Валийтарош” (Валийларни тарбияловчи) дир.

Нажмиддин Кубро 1145 йилда Хива (Хоразм)да туғилган. Ёшлигиданоқ ҳадис ва каломни ўрганади. Сўнгра илм истаб Мисрга боради ва у ерда Шайх Рўзбехон Ваззон ал-Мисрийдан таълим олади. Устозининг ишончи ва ҳурматини қозониб, унинг қизига уйланади. Кейинчалик ўз илмини янада чуқурлаштириш мақсадида Табриз, Ҳамадон, Дизфулга келиб, илоҳиётдан сабоқ олади. Мисрга қайтгач, Рўзбеҳон Нажмиддин Куброни илму маърифатга тўла инсон бўлиб етишди, деб ҳисоблайди ва унга ўз ватанига қайтишни маслаҳат беради. Нажмиддин Кубро Хоразмга келгач (1185 й.), хонақоҳ қуради ва ўз ирфоний мактабини яратади. Нажмиддин Кубронинг шогирдлари орасидан тасаввуфнинг таниқли назариётчилари, суфийлик бўйича мумтоз адабиёт намояндалари етишиб чиқади. Нажмиддин Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлгач (1221 й.), уни Кўхна Урганчга дафн этганлар.

Кубровийлик эса, тасаввуфнинг машҳур тариқати сифатида XIII аср бошларида Хоразмда Шайх Нажмиддин Кубро асос солгандан сўнг ўзоқ йиллар дунёнинг турли ўлкаларида мутасаввифлар фаолиятида ривожланди.

Кубровия тасаввуфнинг айнан Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжири Маъруф ал-Кархий (816 йили вафот этган) орқали ҳазрати Абу Бакр ёки ҳазрати Али ибн Абу Толибга бориб тақалади. Кубровийликда тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни Нажмиддин Кубро томонидан ишлаб чиқилган таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштириб турган.

Умуман олганда, Нажмиддин Кубро ва кубровийликни ўрганиш ишлари Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, хусусан 1995 йилда улуғ мутасаввифнинг 850 йиллик таваллудини кенг миқёсда ўтказиш билан амалга ошди, дейилса хато бўлмайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, аксар тадқиқотчилар ҳам биринчи, ҳам иккинчи туркумга ўз тадқиқотларида эътибор берганлар.

Тасаввуфшунослардан Нажмиддин Кубро ҳақида энг яхши тадқиқотларни

яратган Н.Комилов ва А.Жўзжонийлар эса илмий-тарихий ва адабий манбаларга, ҳам маноқиб-тазкира каби асарларга таянган ҳолда Шайхнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритишга ҳаракат қилганлар.

Мисол учун, Н.Комиловнинг “Нажмиддин Кубро” рисоласи “Тариқат Куброси” номли кириш сўзи билан очилиб, унинг таржимаи холи ва силсиласи алоҳида келтирилади. Рисола “Донишманд Нажмиддин ва Мажзуб Бобо Фараж” параграфи билан давом этиб, шайхнинг тариқатига, карамотларига, муридларига алоҳида тўхталинади ва рисола охирида Шайхнинг бадиий ижоди ҳақида ҳам маълумот берилади.

А.Жузжонийнинг “Нажмиддин Кубронинг қарашлари ва асарлари” тадқиқоти шу катта сарлавҳадан кейин кавс ичида берилган “Нажмиддин Кубро ҳаёти ва ижодидан лавҳалар” номли кичик сарлавҳага тўла мувофиқдир. Ушбу тадқиқот анчайин аниқ ва муҳим маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Хусусан, унда Нажмиддин Кубронинг асарлари, тариқати ва шогирдлари ҳақида илмий баёнлар берилган. Шу билан бирга, бу тадқиқот илк бора Шайхнинг “Кўнглим кўзи билан кўрганларим” асарини ўқувчига таништириши билан жуда аҳамиятлидир.

Олимлардан И.Ҳаққулнинг “Шайхлар ва шаҳидлар кубroси” мақоласи Кубро таълимотининг ғоявий асосларини ирфоний тарзда ўрганишга бағишланган.

Нажмиддин Кубронинг маънавий меросини ўрганишга бағишланган ишлар, тарихий-фалсафий услубият муаммоларини кўтарган ўтмиш ва замонавий олимлар асарлари, аллома тасаввуф таълимотининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, уни ўрганишнинг ўзига хос ва баъзи бир энг муҳим умумий услубий тамойилларини тавсия қиламиз. Бу тамойиллар: аниқ-тарихийлик, илмий холислик ёндашуви, қиёсий таҳлил, фалсафий-диний жараёнларнинг ўзаро тизимли боғликлиги, дунёвийлик ва динийлик ёндашувларининг уйғунлиги, ворисликни ўз таркибига олади.

Умумий холда қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

Биринчидан, Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва фаолияти, тасаввуфий таълимоти ва тариқати Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг бир қадар тадқиқ этила бошланди.

*Иккинчидан***,** бу тадқиқотларда Нажмиддин Кубронинг диний - ирфоний қарашларининг айрим томонларигина ёритилган, холос.

Учинчидан, Нажмиддин Кубронинг дунёқараши, диний - ирфоний қарашлари, гуманистик ва ватанпарварлик ғоялари холисона, тарихий - фалсафий нуқтаи назардан шу вақтгача тизимли равишда ўрганилмаган.

У зотнинг жаҳоний ва миллий салоҳияти, умуминсоний аҳамияти том маънода ўз қадрини топмаганлиги ҳар бир маърифат маскани, муассаси, юрт зиёлиси ҳамда фидойисининг шарафли иши бўлиши лозим.

Мавзу юзасидан қуйидаги таклифларни жоиз деб билдик:

1. Кубровия тариқатининг вужудга келиши, ривожланиши, гуллаб - яшнаши, инқирози, унинг назарий ва амалий таъсирини бошқа мусулмон мамлакатларидаги ирфоний оқимларга кўрсатиб бериш керак.

2. Тасаввуф таълимотига доир, хусусан, унинг фалсафий атамалар сўзлиги - луғатномасини ёзиб, кўп нусхада нашр этиш мазкур йўналиш мазмун-моҳиятини теранроқ англаб олишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

3. Куброшуносликни юқори боскичга кўтариш учун жаҳондаги кубровия марказлари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим.

4. Ўзбекистонда миллий - маънавий қадриятларга, фалсафий тафаккур тарихига эътиборни янада кучайтириш мақсадида Нажмиддин Кубронинг

тасаввуфий-ирфоний меросини олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида таълим - тарбия ва маънавий - маърифий тадбирлар соҳасида кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир.

5. Нажмиддин Кубро ижоди бўйича илмий - услубий қўлланмалар ёзиш, оммавий ахборот воситаларида туркум эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш, Ватан ҳимоячилари кунида “Нажмиддин Кубронинг маънавий жасорати”, “Нажмиддин Кубро ҳаёти - ибрат мактаби” мавзуида танловлар уюштириш, Нажмиддин Кубронинг рамзий мақбараси ташкил этиш ватанпарварлик тарбиясида, миллий ғурурни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

6. Буюк хоразмийлар қадамжолари йўналишида туристик курер ташкил этиш зарур.

7.Шайх Нажмиддин Кубро қолдирган бой илмий мерос, фалсафий ғоялар ва тариқат шохобчалари намоёндалари фаолияти ва меросини ўрганишни маълум бир тадқиқотчилар жамоаси хал қила олиши даргумон. Бу вазифани бажариш учун алоҳида бир халқаро илмий-амалий марказ тузилиши лозим. Хива ёки Урганч шаҳрида Халқаро Назмиддин Кубро илмий меросини ўрганиш илмий марказини ташкил қилиш лозим.

Хуллас, миллий ғурур, Ватан туйғусини шакллантиришда Нажмиддин Кубронинг маънавий мероси нафақат халқимиз учун балки бутун инсоният учун туганмас хазина бўлиб хизмат қилади. Агар, шубҳангиз бўлса шайх ҳикматларига қулоқ тутинг.

-Оқилни охиратга, жоҳилни дунёга интилишда кўрдим.

-Тангрига олиб борадиган йўллар шунчалик кўпки улар одамларнинг нафасларининг сони қанча бўлса шунча.

-Вақт – кескин ва буррон бир шамшир кабидир.

-Ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқ экан.

- Муаффақиятнинг саъйи ҳаракатда, муаффақиятсизликни эса лоқайдлик ва дангасаликда, балони тилда, ҳаловатни эса сукутда кўрдим.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИДА АДОЛАТЛИ ҲУКМДОР, ХАЛҚПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ.

С. Назаров
тарих фанлари номзоди, доцент, СамИСИ академик лицейи.

Ўзининг ақлу тафаккури, яратган илмий-ижодий кашфиётлари билан жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз орасида ҳазрат Алишер Навоий ўзига хос алоҳида ўринга эга бўлиб, унинг ҳаётий фаолияти, бебаҳо ижодий маънавий мероси шу қадар салмоқлики, Ҳимолай тоғ тизмасидек буюк, осмонўпар, Тинч океанидек тубсиз, чегарасиздир.

Ҳазрат Алишер Навоий яшаб ижод қилган замондан буён қарийб олти аср ўтишига қарамай, у буюк мутафаккирнинг ижодий-маънавий мероси ҳамон нур бўлиб инсонлар қалбини ёритиб, эзгулик, бунёдкорлик, одамийлик, комиллик сари чорлаб келмоқда. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Улуғ шоир ижодий мероси халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади”.[74]

Мутафаккир шоир Алишер Навоий шундай улкан ижодий-маънавий мерос қолдирганки, у ўрганилгани сари янада янги-янги қирраларини намоён этиб, ҳаётнинг кўп муаммоларининг ҳал қилиш йўллари, омиллари бўйича йўл кўрсатади ва сабоқ беради.

Дарҳақиқат, юртимизда Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанс, Уйғониш даври бошланган, “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйилган ҳозирги шиддатли даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорида кўрсатилганидек, буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади.

Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги[75] аҳамияти беқиёсдир.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, авлодларга қолдирган ижодий-илмий мероси ўзбек халқи тарихи ва бадиий тафаккурининг юксак чўққиси бўлиб, уларни ўрганиш ва ибрат олиш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

[74] Халқ сўзи газетаси 2019 йил 12 февраль.
[75] Халқ сўзи газетаси 2020 йил 20 октябрь.

Ҳазрат Навоий ҳаёти мазмунини гарчи ижод қилишда деб билса ҳам, айни чоғда давлат арбоби сифатида фаолият юритиш асносида давлат бошқаруви ва уни бошқарувчи шахс, ҳукмдор маънавияти қандай бўлиши керак деган саволга қизиқиб, бу борада кўплаб мутафаккирларнинг асарларини ўрганади ва ўзининг "Хамса"га жамланган достонларида адолатли давлат, адолатпарвар ҳукмдор, халқпарварлик, бағрикенглик, тинчлик ва дўстлик ғояларини илгари суради ва бу борада ўзининг фаолияти ибрат мактаби бўлади.

Шу боисдан ҳам буюк мутафаккир, маърифатпарвар бобомизнинг халқпарвар давлат, фозил жамият маънавий асослари ҳақидаги қарашлари ва ғояларини ўрганиш юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилишида, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида маънавий куч ва муаммоларни ҳал қилиш йўлида ҳар қандай раҳбар учун қўлланма, дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Ҳазрат Навоийнинг илмий-ижодий мероси фақат юртимиз, навоийшунослари томонидангина эмас, балки дунё навоийшуносларининг ҳам диққат марказида бўлиб, Навоий мероси бутун инсониятга дахлдордир.

Буюк Британия музейи қўлёзмалар фонди раҳбари, профессор Майкл Жеймс Эрдмен 2019 йилда "Навоий мероси - бутун инсониятга дахлдор мерос" номли мақоласида "Алишер Навоий – Шарқ Ренессансининг йирик намояндаси сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ҳазрат Алишер Навоий бутун ҳаётини халқининг илм-фани ва санъатини ривожлантитришга, мамлакат равнақи, халқ ва миллатнинг тинч-тотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишлади.

Султон Ҳусайн Бойқаро ул зотни "Мамлакат устуни, давлат таянчи" деб бежиз айтмаган. Алишер Навоийдаги бағрикенглик, одиллик, донолик, сиёсатдонлик ва фуқароларга ғамхўрлик фазилатлари Бойқарога давлатни адолатли бошқаришда яқиндан ёрдам берган.

Ҳазрат Навоий гарчи ҳаёти мазмунини ижод қилишда деб билса ҳам, давлат ва халқ манфаатини ўйлаб, эл-юрт осудалиги йўлида дўсти ёнида туриб, муҳим давлат ишларини бажарди.

Алишер Навоий амири кабир – бош вазир сифатида узоқ йиллар давлат бошқарувининг энг муҳим ва нозик бўғинларида, суд-адлия, ички ишлар, солиқ тизими, ташқи дипломатик, ички низолар, чегара муаммолари, умумхалқ йиғинлари ҳамда тадбирларида давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштирди, ҳимоя қилди. Ҳазрат Навоий давлат хизматини мансаб ва обрў учун эмас, балки миллат қадриятларини тиклаш ҳамда бутун дунёга тан олдиришдек улкан вазифани амалга ошириш учун бир имконият ва восита деб билди"[76], – деб ёзади.

Навоий ижодий меросининг гултожи бўлган "Хамса" достонида буюк мутафаккирнинг турли масалалар бўйича қарашлари, фикрлари баён этилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳозирги замонда ҳам нурли машъала сифатида ҳаётда ифодасини топмоқда.

[76] Халқ сўзи газетаси. 2019 йил 12 февраль.

Ҳазрат Навоийнинг адолатли давлат ва адолатли ҳукмдор, одил подшоҳ, бозорларда тошу тарозига давлат назорати ўрнатиш, илму маърифатга эътибор каби сиёсий қарашлари “Садди Искандарий” (Искандар-адолатли ҳукмдор) асарида рамзий маънода Искандар тимсолида баён қилинган бўлиб, демократик давлатнинг оддий илдизларини баён қилади. Алишер Навоий “адолатли ҳукмдор қуёшдек қудратли, меҳрга бой, фикри тиниқ, адолатда фасли Наврўздек, сиёсатда жаҳонни куйдирувчи чақмоқдек, ҳар қандай душманга қарши чора топа оладиган, кези келганда қаттиққўл, айни чоғда элпарвар бўлсин”[77], – деб кўрсатади.

“Искандар адолат қўлини шундай баланд тутдики, – деб ёзади Навоий, қийик арслондан қўрқмайдиган бўлди. Тустовуқ билан қарчиғай ёнма-ён ётарди. Оз вақт ичида Искандар шундай чоралар кўрдики, адолатдан Рум аҳли бойиб кетди.

Ёш адолатпарвар шоҳ мамлакатни обод қилиш учун яна кўп ишларни бажарди. Унга адолат ҳам, шижоат ҳам, ҳикмат ҳам ёр эди. Қуёшдек олам узра байроқ кўтариб, жаҳонда шундай ишларни қилдики, ҳеч ким бу жаҳонда бажарган эмасди”.[78]

Алишер Навоий назарида Искандар – халқлар подшоҳи, халқ ҳукмдори, халқ халоскоридир.

Ҳазрат Навоийнинг бунёдкорлигини ўз жамғармаси ҳисобидан Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатда жуда кўп бинолар, мадраса (мактаблар), шифохона, карвонсарой, ариқ, кўприк, йўлларни барпо этганида яққол кўриш мумкин. Жумладан, Ҳиротдаги “Ихлосия” мадрасаси, унинг қаршисидаги масжид “Халосия” хонақоҳи, Инжил ариғи бўйидаги масжиди жоме, тиб илми ўқитиладиган “Шифоия” мадрасаси, “Низомия” мадрасаси, Марвдаги “Хисравия” мадрасаси, Ҳиротдан ташқаридаги “Роботи ишк”, “Роботи санг”, Нишопур атрофидаги жойлардан биридаги “Роботи яздбод”, Гуласт булоғидан Машҳадга тортилган ариқ (узунлиги 70-80 км) ва бошқа кўплаб иншоотлар Навоий раҳнамолигида қурдирилган.

Тарихчи Хондамир шулардан 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк 9 ҳаммом, кўпгина тўғон ва масжидларни номма-ном келтиради. Бундай иншоотларнинг сони 300 дан ортиқ. Навоий яна саховатпеша давлат ва жамоат арбоби бўлганки, подшоҳ саройидаги илм аҳлига тез-тез эҳсон, совғалар юбориб турган. Аҳолига солинган солиқни ўз ҳисобидан тўлаб юборган. Бу билан Навоий 1500 йилда Ҳирот шаҳри аҳолисининг давлатга қарши норозилиги олдини олиб халқнинг дуосига мушарраф бўлган.[79]

“Навоий ҳазратларининг том маънодаги халқпарвар шахс бўлгани, - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов, - унинг ўлмас ғоялари бугунги кунларимиз учун ҳам бағоят ҳамоҳанг ва ибратли экани, айниқса, аҳамиятлидир.”

[77] Алишер Навоий. Ҳамса. Тошкент “Янги аср авлоди” 2014 йил 322 бет.
[78] Алишер Навоий. Ҳамса. 325-бет.
[79] Азиз Қаюмов. Алишер Навоий. (Машҳур сиймолар номи) Тошкент “Камалак”. 1991 й. 70-бет

Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида “халқ”, “эл”, “улус”, “юрт”, “раият” деган сўзларнинг “меҳр”, “мурувват”, “оқибат”, “саховат”, “садоқат” сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз.

Навоийнинг ўлмас асарларидаги юрт тинчлиги ва осойишталиги, халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни кўкларга кўтарадиган, бу ғояларни устувор инсоний қадриятлар сифатида олға сурадиган фикр ва қарашлари биз учун, айниқса, қимматлидир.

Улуғ аждодимиз яратган қаҳрамонлар – хитой, арман, араб, форс, юнон, ҳинд каби турли миллат вакилларининг эзгу мақсадлар йўлида елкадош бўлиб, қийинчилик ва синовларни биргаликда сабот билан енгиб ўтганида бугунги долғали замон учун ҳам муҳим рамзий ва амалий маъно бор.

Навоий бобомиз куйлаган, орзу қилган халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик бугун гўзал юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг дўст-биродар бўлиб яшаётганлиги тимсолида ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Инсонни олам гултожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган қатъий ишонч мужассам.

Барчамизга ёд бўлиб кетган “Одамий эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами” деган ҳикматли сўзлар нафақат гўзал ташбеҳ, балки, улуғ шоирнинг иймон-эътиқоди, фаолият мезони, ҳаёт фалсафасидир.

Умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатиб келган, эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўприклар, боғ-роғлар бунёд этган, илм-фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг мана шундай савобли ишларида ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқлар бор.

Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуғ зот меросидан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни янада теранроқ ўрганишга, унинг умр дафтаридан ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади[80].

Хуллас, Алишер Навоий қандай мавзуда ижод қилмасин, биринчи навбатда инсон бош омили сифатида олинади, инсон ақл-заковати, теран фикри, қудрати билан улуғланади ва жамиятни ўзгартирувчи куч деб қаралади. Ҳазрат “Ҳайрат ул аброр” достонида ёзганидек, инсоф, адолат, бағрикенглик, инсонпарварлик ғояларига, инсоний фазилатларга эътибор қаратиб, бундай маънавиятли инсонлар кўпайса, ҳар қандай жамиятда умумий ривожланиш

[80] Ислом Каримов. Улуғлари эъзозланган юрт завол кўрмагай. Асарлар 10 – жилд. 21-22 бетлар.

ортади, комил инсонлар кўпаяди, инсоният цивилизациясига ҳам ижобий таъсири ортиб, жамият фаровонлашиб бораверади деган фикр илгари сурилади.

Бу фикрлар ҳазрат Навоийда инсонпарварлик, халқпарварлик ғояси ниҳоятда кучли эканлигини кўрсатади. Алишер Навоийнинг юқорида кўрсатилган нурли ғоялари бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишларда сезилиб турганлиги ҳаётий ҳақиқатдир.

Демак, буюк Навоий бобомизнинг ижодий мероси, маънавият уммонидан нур ва ибрат олишга янада эътибор кучайтирилса, ҳазрат Алишер Навоийнинг ижодий – маънавий меросини ўрганиш ҳар бир ўқувчи онги-тафаккурини одамийлик сифат ва хислатлари билан бойитишга, нурли йўлни кўрсатишга хизмат қилади.

Иккинчидан, улуғ мутафаккирнинг адолат, халқпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват каби теран фикр ва ғоялари ҳеч қачон мазмунини йўқотмайди ва халқлар ҳаётининг – турмушининг яхшиланишида ўз исботини, ифодасини топиб бораверади.

Учинчидан, улуғ донишмаднинг тинчликка даъват қилувчи қарашлари янада даъваткорлик кучига айланиб, дунёни қамраб бораверади.

Тўртинчидан, буюк маърифатпарвар, донишманд Навоийнинг нурли фикрлари, қарашлари халқимизни, ёшларни фахр, ифтихор, ватанпарварлик ғоялари билан тарбиялаб, миллий ғоямизнинг юксалиши, жипслаштирувчи, даъваткор кучга айланишига хизмат қилади.

Бешинчидан, буюк Навоийнинг маънавий-ижодий мероси Янги Ўзбекистоннинг бунёд этилиши, Янги Уйғониш даври, Учинчи Ренессанснинг пойдеворини мустаҳкамлашда куч-қувват манбаи бўлади.

Олтинчидан, Ҳазрат Навоийнинг адолатли ҳукмдор, халқпарварлик ва бағрикенглик каби қарашлари турли тоифадаги раҳбарлар учун дастурий ҳаракат, қўлланма, машъала бўлиб хизмат қилади.

ИНТЕРНЕТ ВА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ф.Э.Жомонқулова
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти.
М.Қ.Низомов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси

Интернет XX асрнинг энг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланиб, Ушбу кашфиёт туфайли бутун жаҳон бўйлаб тарқалиб кетган миллионлаб компьютерларни ягона бир ахборот муҳитга бириктириш имконияти туғилди. Интернет ўз-ўзини шакллантирувчи ва бошқарувчи мураккаб тизим бўлиб, асосан техник, дастурий ҳамда ахборот таркибий кисмлардан ташкил топган. Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг аксарият қисми интернетдан фойдаланмоқда.

Маълумотлар узатиш воситаларининг ривожланиши барча давлатлар киритган ягона ахборот тизимини яратилишига хизмат қилди. Айнан ушбу тармоқ туфайли локал ахборот тармоқлари ягона глобал тармоқга бирлашади. Ушбу соҳанинг ривожланишига республикамиз раҳбарияти томонидан ҳам катта эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтиш муҳим.

Интернет тезлигини кескин ошириш ва унинг сифатини яхшилаш, мобил хизмат турларини кўпайтириш ва алоқа корхоналарини халқаро етакчи телекоммуникация компаниялари билан алоқаларини кучайтириш, "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда интернетга улаш хизматини кўрсатиш бўйича рақобатбардош муҳит мавжуд эмаслиги ҳамда шимолий, яъни Қозоғистон Россия интернет-каналига боғлиқ бўлган вазият юзага келганлиги сабаб, интернетга уланиш МДҲ давлатлариникига нисбатан анча секин ва қиммат ҳисобланади. Ушбу муаммони Ўзбекистон янги ташқи каналлар очиш эвазига ҳал қилишни мўжалламоқда. Интернетга уланиш тезлигининг ошиши ва барқарорлигининг ўсишига Туркманистон, Эрон, Қирғизистон ва Хитой давлатлари орқали янги ташқи каналлар очиш орқали эришиш назарда тутилмоқда. Айнан шу ишларнинг амалга ошиши мамлакатимизда интернетнинг юқори тезлигини ва уни анча арзон бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда жамиятимиз, бутун ҳаёт тарзимиз шунчалик ривожланиб, жадаллашиб бормоқдаки, уни ҳаттоки кўз билан илғаб бўлмайдиган ҳодиса сифатида ҳам қараш мумкин. Ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган ахборот-коммуникация ва интернет технологияларининг ўрни нафақат ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳаларда, жумладан, таълим тизимида ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари айни вақтда ҳеч ким учун янгилик эмас, бироқ унинг кундан кунга такомиллашиб бораётганлиги янгидан -янги қирраларни намоён этади. Жамият янгиланган сари ундаги ҳар бир соҳада ҳам маълум бир ўзгаришлар ва бурилишлар рўй беради. Буни аввалги таълим тизими билан бугунги таълим тизимини таққослаганда фарқ катта эканлигидан ҳам англаш мумкин. Шу сабабли ахборот-коммуникация технологияларининг таълим тизимидаги ўрни юқоридир.

Иш жараёнида ахборот технологияларининг ўрнини янада ошириш мақсадида турли электрон ҳужжатлар, электрон ишлаш усуллари ишлаб чиқилган ва бугунги кунда ҳам бу жараён давом этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳозирда таълим тизимида "Масофавий бошқарув дастурлари" ишлаб чиқилмоқда ва уларни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан кенг фойдаланмоқда.

Кадрлар тайёрлаш соҳасини такомиллаштириш орқали мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш Ўзбекистонда демократик давлат, бозор иқтисодиётига асосланган кучли фуқаролик жамият қуришнинг муҳим омилларидан бири сифатида белгиланди. Таълим-жамиятни ислоҳ қилиш ва

уни ташқи дунё учун янада очиқ ҳамда янги технология ва билимларга йўналтирилган жамиятга айлантиришнинг асосий омилидир. Таълим - ҳар бир давлатнинг сиёсатида асосий восита бўлиб, унинг иқтисодий ўсишига таъсир қилувчи биринчи даржали омиллардан бири ҳисобланади. Иқтисодий, сиёсий, маданий, фан, экология тизимларининг барчасини таълим ўзида мужассамлаштиргандир.У нафақат жамиятнинг ривожланиш истиқболини, балки ҳар бир инсоннинг алоҳида фаолиятини олдиндан аниқлайди ва белгилайди. Таълим, алоҳида шахсларни якка тарзидаги меҳнат жараёнига, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг якка тарзидаги фаолияти ҳамда унинг меҳнат ва жамият ҳаётидаги жавобгарлик ҳиссини оширувчи жамоадаги ижодий фаолиятнинг янги таркибий қисмларига тайёрлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Бошқарув тизими ва ахборот-коммуникация ва интернет технологияларидан самарали фойдаланишнинг илмий асослари тўғрисида тўхталиб айтиш мумкинки, жамиятда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши унга мос равишда илмий-техникавий тараққиётга ҳам олиб келади. Иқтисодчи олим Даниел Белл саноатлашган иқтисодиётдан кейинги иқтисодиёт ҳақида тўхталиб, янги иқтисодиётда етакчи ўринда тадбиркорлар ёки саноат корхоналари эгалари эмас, балки олимлар, билимларга асосланган янги ахборот технологияларини яратувчилар туришини таъкидлаган эди. Бу иқтисодиётда ишлаб чиқариш ресурси сифатида ахборот ва билимлар майдонга чиқади, иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб илмий кашфиёт ва ишланмалар хизмат қилади. Алан Гринспеннинг фикрига кўра, ахборот технологияларининг иқтисодиётни барча жабҳаларига чуқур кириб бориши замонавий иқтисодиётни аввалгилардан кескин фарқ қиладиган ҳолатга олиб келади ва иқтисодиёт фанида янги ахборот даврни бошлаб беради.

Ахборот технологиялари ва компьютерларни шиддатли ривожланиши турли ахборотлардан фойдаланиш асосида қурилган жамиятнинг тараққий этишига олиб келмоқда. Ушбу жамият ҳозирда “ахборотлашган жамият” деб аталмоқда. Ахборотлашган жамият – бу шундай жамиятки, унда жамият аъзоларининг аксарияти ахборотни, айниқса унинг юксак шакли бўлган – билимларни ишлаб чиқиш, ишлов бериш, истеъмол қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан банд бўладилар.

Иш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг муҳим йўналишларидан бири масофавий бошқарув ҳисобланади. Масофавий бошқарув – ахборот-коммуникация технологиялар (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа) воситалари ва илмий асосланган иш усулларини қўллаб, бошқарув иш усулларини (кундузги, сиртқи, экстернат) олиш шаклидир. Масофавий бошқарув – бу бошқарувчи ва ходимнинг интерфаол (диалог), асинхрон ёки синхрон ўзаро вабошқарув воситаси ёрдамида алоқасининг бир мақсадга йўналтирилган жараён бўлиб, бу жараён уларнинг фазовий жойлашувига инвариант ва вақт бўйича келишилганидир].

Жамият ривожланишининг глобаллашуви мамлакатлар, иқтисодий тизимлар ва одамлар ўртасидаги кенг миқёсли алоқаларнинг ривожланишига

асос бўлади. Глобал ахборот тармоқлари (Интернет,уяли ва сунъий йўлдош алоқаси) янги транспорт воситалари турлари, интеллектуал мулк, хизматлар ва халқаро савдо тараққиёти, иш кучининг миграцияси, инвестициялар оқимининг кучайиши замонавий хўжалик алоқаларининг самарадорлигини ошириш орқали мамлакатларнинг ривожланишини таъминловчи асосий омилга айланмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг роли ва аҳамияти беқиёсдир. Шу сабабли республикада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида миллий ахборотлаштириш тизимини ривожлантириш, жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг барча соҳасига замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси, интернет ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий қилиш ва улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларига уланиш имкониятини кенгайтириш асосий вазифалар бўлиб бормоқда.

Ахборот-коммуникация ва интернет технологияларининг ривожланишини юқори тезликка эга бўлган алоқа тармоқлари, хусусан интернетсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Интернет архитектура жиҳатидан очиқ ва марказлашмаган, ахборотларга бой, арзон ва ўзига хос алоқа воситаси бўлиб, очиқ демократик жамиятнинг ривожланишида жуда қўл келади ҳамда бутун инсониятнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиши учун имконият яратади. Хусусан, таълим жараёнларда интернет тизимидан фойдаланиш унинг самарадорлигини бир неча баробарга оширади.

Шундай қилиб, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалаган ҳолда мамлакатимизда масофавий таълим ташкил этиш тизимининг бошлаб юборилиши асосан, турли бизнес ўқув курсларида, раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида жорий этилди. Бу борада ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ва бу орқали таълимнинг сифатини ошириш борасидаги муаммолар, қилинадиган ишлар ва ахборот оқимининг кўпайишига олиб келади.

Асосий адабиётлар.

1. A.Sattarov. “Informatika va axborot texnologiyalari.”Toshkent. “O‘qituvchi”. 2002-yil.

2. A.Axmedov. N.To‘yloqov. “Informatika” Toshkent. “O‘zbekiston”. 2002-yil.

3. Тагаров Б. Ж. Современный подходы к определению критериев информационной економики.// Baikal research journal. – Иркутск, 2012. - №4.С.3.[Электронный ресурс]. URL.: http://elibrary.ru/download/30837991.pdf.

4. E.F. Jomonkulova, M.K.Nizomov, N.Sh. Tojiev. Issues On Using Digital Economy In The Service Sector. International Journal of Advanced Science and Technology.Vol. 29, No. 7., (2020), pp. 2015-2019.

5. E.F. Jomonkulova, M.K.Nizomov , The Notion Of Information And Its Significance In The State Economy, European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020, Volume 7, Issue 3, Pages 2786-2789

НАҚШБАНДИЯ ҒОЯЛАРИНИНГ ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Х. Саматов
СамИСИ ижтимоий фанлар кафедраси доценти в.б, фалсафа доктори (PhD**)**

Мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлаш жараёнлари ўзига хос маънавий асосларга эгадир. Қайси юртда адолат қарор топган бўлса, ўша юртда халқ эмин-эркин яшайди, фаровонлик, тинчлик-омонлик, тотувлик ҳукм суради. Адолатнинг замирида эса ҳамиша бир қатор фазилатлар қатори халқ билан яқинлик, у билан мулоқот ва барча саъй-ҳаракатлар пировард мақсадини инсон манфаатига қаратиш истаги ётади.

Шу боис ислом динида ҳам халқ билан мулоқот – улуғ инсоний фазилатлардан саналиб, мулоқот туфайли ҳар бир киши ўз ижтимоий келиб чиқиши, дунёқараши, мансабидан қатъи назар жамиятга яқинлашади, ўз ахлоқининг энг гўзал қирраларини намоён этади, халқ дардини, истак ва орзуларини англаб етади. Шунингдек, бу мулоқот туфайли кишиларнинг ўзаро дўстона ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳаммаслаклик, ҳамфикрлилик муносабатлари шаклланади, бир-бирига ишончи ортади. Ўзаро ишонч бор жойда эса ҳамиша олға интилиш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланиш вужудга келади.

Бугунги кунда Президент Ш.Мирзиёев эл манфаатини барча нарсадан устун қўйиб, фуқароларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган чора тадбирлари янги даврнинг асосий сиёсий шиори сифатида қабул қилинди. Жумладан: “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади[81].

Нақшбандия таълимоти асосида Баҳоуддин Нақшбанднинг Хожа Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Аттор туфайли бизгача етиб келган қарашлари ётади. Бу ғоя қарашлар “Мақомати Нақшбандия” деб номланиб, нақшбандиянинг ҳамма шахобчалари учун асос бўлиб қолди. Бундан ҳокимиятга нисбатан муносабат мустаснодир. Хожа Аҳрор давридан бошлаб эса нақшбандия ҳокимият эгалари билан яқин муносабатда бўлиш орқали “уларнинг қалбига ҳукмрон бўлиб”, улар сиёсатига таъсир кўрсатиш билан халқ манфаатини ҳимоя қилиш нафақат мумкин, балки мажбурий деб билинди. Мана бу нақшбандияни ажратиб турган сиёсий фаоллиги даражасидир.

[81] Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи (14.12.2016й.) 37-53 бетлар. http://www.press-service.uz/uz/lists/view

Нақшбандиянинг дунёқараши тасаввуфнинг Ўрта Осиёдаги икки тариқати: Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимотида акс эттирилган шаҳарликларга хос “ўртача” йўл ва Аҳмад Яссавийнинг кўчманчи “туркий халқлар”га хос йўлини бирлаштириш ва ҳаётга мослаштиришдан иборатдир. Нақшбандиянинг сулуқи (худога яқинлашиш йўли) ўнта мақом (даража)дан иборат. Тариқат аъзоси бу мақомга унинг ўн битта ахлоқий қоидаларига тўла амал қилган ҳолдагина етишиши мумкин. Сўфий худога етишиши даражаси маънавий-руҳоний мураббий орқали амалга ошади. Бу мураббий шайх, муршид (йўлга солувчи) ва пир номлари билан юритилади.

Нақшбандия амалиётининг асосий қисми ичида, яъни қалб билан махфий зикр қилиш (Аллоҳ номини эслаш такрорлаш)дир. Бу тариқат кўпчилик афзал ҳисоблайдиган овоз чиқариб (жаҳрий) зикр қилишдан фарқ қилади. Махфий зикрни пайғамбаримиз ғорда у киши билан бирга бўлган Абу Бакрга ўргатганлар, овоз чиқариб зикр қилишни эса ҳазрати Алига айтганлар. Шу боис, Нақшбандиянинг баъзи жамоаларида кейинги зикрга ҳам йўл қўйилади.

Нақшбандия таълимотининг бошқа бир таркибий қисми суҳбат – муршид билан мурид ўртасидаги хилватда учрашиш – саралашиш бўлиб, бу энг юқори руҳий даражада ўтади. Ниҳоят муршид ва мурад ўртасидаги яқин муносабат таважжуҳ муршиднинг муридга назар ташлаш ҳар икки томон фикрларининг бирлашиши билан намоён бўлади. Бу аввал улар орасидаги маънавий-руҳий алоқани, кейин эса муршид ва муриднинг маънавий қўшилиб кетишини вужудга келтиради. Камолотга етишган муридга муршид ўз ҳирқа (жанда) сини ечиб беради. Нақшбандия аъзосининг руҳий-жисмоний тайёрлиги, чиниқиши ва фақат танани ўлдириш ва тана руҳини “айланиб юриш”да эмас, унинг маънавий покланиши ва қалбни сайқаллаб тозалаш, тарбиялаб чиниқтиришидадур.

Нақшбандиянинг асосий йўли жон-жаҳд билан ҳаққа етишга интилиш, ичида хуфя зикр қилиш (Аллоҳ номини эслашни қалбга муҳрлаб, қалбда ифода этиш) ҳақиқий сўфийни четга чалғитадиган риёкорона художўйлик ва расм-русумларни: қирқ кун рўза тутиш, дайдилик, қашшоқлик, зикр қилишда мусиқа чалиш, ашула ва рақсга тушиб, ошкор зикр қилиш (самоъ) ва овоз чиқариб (жаҳр) зикр қилишни Нақшбандия инкор этади. Тариқат раҳнамосига, унга асос солган авлиёларга, улар хоки ётган мозорларга сиғиниб, улардан баракот ва мадад сўраш фойдасиз, деб санайди, чунки ҳар қандай баракот ва мададни фақат Аллоҳгина беришга қодир, унинг бандалари бунга қодир эмас, руҳий покланиб, манфаатпарастлик, манманлик, кибрликдан тамом воз кечиш, ихтиёрий фақирлик, ҳокимият билан бутунлай муносабатни узиш (Хожа Аҳрордан кейин мамлакат сиёсий ишига аралашишга қисман йўл қўйилган)ни тарғиб қилади.

Сўфийлар подшоҳ-ҳукмдорлар берган совға-ҳадяларни олмаганлар. Сўфийлар пайғамбар алайҳиссалом чаҳорёрлар ва саҳобаларнинг хамма суннатлари ва ислом шариатининг тамом қонун-қоида, йўл-йўриқларига тўла риоя қилишлар ва уларни амалга оширишлари керак. Мана шулар нақшбандия тариқатининг асосий талаби эди.

Умуман, Нақшбандия тариқатининг моҳиятини: “Дил-ба ёр-у, даст ба кор!” шиори очиб беради. Бу, кўнгил Худода бўлсин-у, қўл ишда, деган маънони билдиради. Мавжуд ўн бир шиорнинг кўпи ҳам моҳиятан ана шу бош ақидадан келиб чиқади. Бу қоидаларга амал қилиш солиҳларнинг зикр маҳали ўз руҳини назорат қилиб, мақсадга йўналтириб туриши учун зарур. Демак, шиорларнинг тор маъносига зикр тушиш билан боғлиқ. Бу ақидаларнинг ҳар бири яна шундай кенг маъноларга ҳам эгаки, сўфий нафақат зикр пайтидагина, умуман, умри давомида уларга риоя этиб бориши зарур.

Энди Нақшбандиянинг бош шиори ҳақида икки оғиз сўз. Нақшбандия ўзидан олдинги тариқатлардан бевосита ҳаётга яқинлиги билан ажралиб туради. Айтиш мумкинки, нақшбандия тасаввуфдаги илгариги ўта қаттиқ оқимни бир оз юмшатди, мўътадиллаштирди. Чунки нақшбандия бевосита касбу кор кишиларига – шаҳарликлар, ҳунармандлар, зиёлилар, ўтроқ ҳолда кун кечираётган деҳқонларга мўлжалланган эди. Бундай иш одамлари эса тирикчиликларидан воз кечиб, тариқат билангина машғул бўлсалар, уларга ҳеч ким ўз-ўзидан бир бурда нон келтириб бермас эди.

Тасаввуфдаги кўп тариқатлар тартиб-қоидасига кўра, зикр тушиш жамоа бўлиб, баланд овоз, яъни жаҳрия усули билан амалга оширилади. Баъзи тариқатларда зикр тушишнинг самоъ усули ҳам бўлган. Бунда муайян куйга ҳамоҳанг қўшиқ айтиб зикр тушилади. Нақшбандияда зикри жаҳрия ҳам, зикри самоъ ҳам йўқ. Нақшбандиянинг ҳаётга яқинлашганлигига далил бўлувчи жиҳатларидан бири шуки, бу тариқат қоидасига биноан, ёлғиз ва ҳатто ботинан, яъни овоз чиқармай, бировга билдирмай зикр тушиш мумкин.

Нақшбандия ахлоқий таълимотида ҳурфикрлиликка кенг йўл берилган. Бу сулукдагилар меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати билан топилган бойлиги ҳалол бўлиши, ноз-неъматларини кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшиликни раво кўриш ғоялари илгари сурилган.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф тариқатининг ахлоқий тизими аввалги тасаввуфчилардан бироз фарқ қилади. Нақшбандия таълимотида инсон табиат неъматларидан лаззатланиши, аммо бу лаззат ҳисси Аллоҳни эсдан чиқаришга, у дунёни унутишга хизмат қилмаслиги, инсон ботиний (ички) Ҳақ-Аллоҳ билан, зоҳирий (ташқи) халқ билан бўлиши, инсон ҳаётни, табиатни севиши лозим, деб тушунтирилади. Сўфий Ҳақ билан ботинан шундай муносабатда бўлсинки, халқ уни Ҳолиқ билан ҳеч қандай алоқадорлиги йўқ деб фикр юритсин. Сўфийнинг бу хатти-ҳаракати восилликка, фонийликка, Аллоҳ билан қўшилиш ваҳдатга ҳалал бермайди.

Энди юқорида эслатиб ўтган тариқатнинг тўрт тамойилига тўхтасак:

1. ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН: нақшбандия таълим берадики, инсонлардан холи хилватда яшашда, ёлғизликда офат бордир. Жамоага уюшиш, суҳбат–анжуман қуриш ва кўпчилик билан алоҳида мулоқотда бўлиш керак. Бирлик ва ҳамжиҳат яшашнинг асосий шартларидан бири-ўз қўл кучи, меҳнати билан ҳалол ризқ-рўз топиб кун кечириш, тирикчилик қилишдир. Бу ҳолат қул сақлаш, хожа бўлиш, ўз манфаати учун ўзга меҳнатидан фойдаланишни истисно этади. Қул бўлишлик, хожалик бандликка тўғри келмайди. Ҳамма

Аллоҳнинг қули, хизматкори, Хожа эса биргина Аллоҳдир. Ибодат ўн жузъ бўлиб, унинг тўққизтаси биров меҳнатисиз ҳалол ҳаёт кечиришдир. Бундай яшашга нимаики ҳалал берса, ундан воз кечиш керак, муҳтожларга ёрдам бериш ҳам тақво ибодат бўлиб, у нафл намоз, нафл рўзадан афзалдир.

Тариқат аъзолари бу қоидаларга қаттиқ амал қилишар, ўзлари деҳқончилик қилишар, бир-бирларига ёрдамлашишар, ўз қўл кучлари билан топилган нарсаларни истеъмол қилар эдилар.

“Дил ба ёру, даст бакор” (Дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин) шиори бу сулукдагилар ҳаёт фаолиятининг мазмуни бўлган.

... Абул Ҳасан Муҳаммад Боқир бинни Муҳаммад Алининг “Мақомати Нақшбандия” асарида шундай ривоят келтирилган: бир кун Ҳирот подшоси Малик Ҳусайн Баҳоуддин Нақшбандни меҳмондорчиликка чорлайди. Ўзи хоҳламаган тарзда мажбуран шоҳ ҳузурига борган шайх дастурхонда бисёр ноз-неъматларни кўради. Шайх уларга бепарво ўтираверади. Таомлардан тановвул этишни Шайхдан ўтиниб сўрайдилар. Бир туз тотмаган Шайх охирида айтадики, мен подшоҳлар дастурхонидан овқат емайман, чунки бу таомлар ҳақсизлик билан топилган, подшонинг ўз меҳнати, қўл кучи билан яратилмаган, улар ҳалол эмас.

2. САФАР ДАР ВАТАН. Баҳоуддин Нақшбанд ахлоқий таълимидаги бу рукннинг маъноси шуки, сўфийлар бир ерда, хилватда, узлатда эмас, дунёни сайру саёҳат қилиш, Аллоҳ яратган гўзалликларни кўриб, унинг қудратини томоша қилиш лозим. Сайру саёҳатда инсон онги ўсиб, Аллоҳ мўъжизаларидан огоҳ бўлади.

3. НАЗАР ДАР ҚАДАМ**.** Бу рукн таълимида инсон ҳар бир қадамни ўйлаб, фикрлаб босиши, бир иш қилишда ҳар бир хатти-ҳаракатни мулоҳаза, мушоҳада қилиб кўриши, сўнгида пушаймон бўлмаслиги, бахтсизлик, ғам-аламга ўз ихтиёри билан юз бурмаслиги ҳақида сўзланади.

4. ХУШ ДАР ДАМ. Инсоннинг бу дунёси муваққатий, умри ўлчанган, вақти ғанимат. Бу ҳаёт ноз-неъматлар маскани**.** Табиат ўйноқи, ур-карашмали. Ҳаёт азоб-уқубатларга ҳам тўла. Инсон ҳаёт қийинчиликлари қаршисида қанот синдирмасдан, сабр-бардош билан, куч сарфлаб, унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиши лозим. Бунинг учун инсон фаолияти ҳаракатда бўлиши керак. Бадан тансиҳатлиги, кўнгил зорига қулоқ тутиш, ҳар ишни тажрибада синаб кўриш, оз сўзлаш, кам ейиш, тежамкорлик, нафсини жиловлаш каби инсон ахлоқий хатти-ҳаракатларига ўзи ҳоким бўлиши лозим.

Алишер Навоий ҳам бу қоидаларни эъзозлаб, “Насоим-ул муҳаббат”, “Садди Искандарий” асарларида нақшбандия тариқатининг бу руҳий-ахлоқий жиҳатларига юксак баҳо берган эди.

Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан мерос сифатида қабул қилган ва бемисл истеъдоди билан ривожлантириб, тариқат қоидаларига айлантирган усул ва рукнлар пайғамбар суннатига мувофиқ бўлиб, суннатга хилоф бўлган расм-русумлар, одатлардан тасаввуфни тозалашга хизмат этади. Чунончи, “Хилват дар анжуман”, яъни “жамоа ичра хилват” руҳини олиб кўрайлик.

Ҳазрати Хожа буни яна аниқлаштириб, “Дар зоҳир бо халқу да ботин Ҳақ” (Зоҳирда халқ билан, ботинда эса ҳақ билан) деб таърифлайдилар. Кўриниб турибдики, илгари тасаввуф аҳли орасида ҳамма вақт бир-бирига зид тушунчалар сифатида қўлланиб келинган халқ ва ҳақ, халқ ва ҳолиқ, хилват ва анжуман, зоҳир ва ботин бир-бири билан келиштирилган. Худо васлига етишиш учун жаҳд этган солик халқдан ажралиб, мозоратлар, ғорларда работу ҳонақоҳларга чилланиши бўлиши, оила – фарзанд, дўст ёрлардан воз кечиб, буткул тарки дунё қилиши керак эмас. Одамлар билан бирга бўлиб ҳам халқ ёди билан яшаб, қалбни поклаш мумкин.

Баҳоуддин ҳазратларининг ўзлари, шунингдек ул жанобнинг пирлари Бобоий Самоси, Саййид, Амир Кулол, Қусам шайх, тариқат биродарлари, шогирд ва халифалари мунтазам равишда фойдали меҳнат билан шуғулланганлар: деҳқончилик ва боғдорчилик қилганлар, ҳар бирининг бир ҳунари бўлган, ҳазрати Нақшбанд манокибида дарвешлар хашар йўли билан қўрғон ва работлар кўрганликлари ҳикоя қилинади. Али Сафийнинг “Равшахот” асарида келтирилган ва ҳазрати Баҳоуддинга нисбатан бериладиган “Даст бакору дил ба ёр” (Қўл ишда, кўнгил Аллоҳда бўлсин) шиорини талқин этиш давомида, ушбу таълимотнинг шаҳар ҳунармандлари руҳига мослиги таъкидланади. Бу ҳам бир жиҳатдан тўғри фикр.

Турон заминининг қадимги маданий шаҳарлари аҳолиси сунний мазҳабининг мустаҳкам ва мустақил давомчилари бўлгани учун нақшбандия шу ерда илдиз отиб ривожланди. Ҳазрати Баҳоуддиннинг хизматлари яна шундан иборатки, шаҳар аҳолиси билан қишлоқ аҳли, тўғрироғи, қадимий ўтроқ маданиятли халқлар билан кўчманчи чорвадор халқларни ҳам ўзаро бирлаштира олди.

Бундан ташқари, нақшбандия ўзбек ва тожикларнинг маънавий-руҳий яқинлигини кучайтиришга ҳам хизмат қилди. Бу яқинлашув Амир Темур даврида, яъни XIV-XV асрларда тарихан шаклланиб, ягона руҳ, ягона миллий маданият ва маънавият хусусиятини олган эди. Айнан шу даврда турку тожик шайхларининг ўзаро муносабатлари тобора кучайиб борган.

Муҳаммад Боқирхоннинг “Манокиби ҳазрати Нақшбанд” номли рисоласида келтирилишича, Бахоуддин Нақшбанд Қаршига бориб, Қусам шайх билан учрашиб, унинг ишончини қозоган ва тарбиясини олгач, устози унга қараб: “Энди сен турку тожикка раҳнамо бўласан”, - дейди. Бундан олдин Амир Кулол Баҳоуддинга талқини зикр ва суҳбат таълимини бериб бўлгач, “Турку тожик машойихларидан кимни хоҳласанг, ҳузурига бориб баҳраманд бўлиши мумкин”, деб айтганди.

Рус олими В.Л. Гордлевскийнинг фикрича, Баҳоуддин туркларнинг қадимий шомоний тасаввурларидан ҳам яхши фойдаланган. Ҳазрати Баҳоуддин ҳикоя қиладиларки, валийлик нишоналари менда пайдо бўлган дастлабки кезларда туркнинг улуғ машойихларидан, Ҳоким ота Раҳматуллоҳ (Сулаймон Боқирғоний)ни тушимда кўрдим, ул киши мени бир дарвешга топширдилар. Ул дарвешнинг сурати хотирамда қолди, уйғониб тушимни бувимга айтдим. Бувим дедилар: “Эй фарзанд, у турк машойихидан сенга насибалар етгай”. Баҳоуддин

тушида кўрган дарвешни ўнгида кўриш иштиёқида юради ва бир куни уни Бухоро бозорида учратиб қолади. Улар бир-бири билан топишиб, дўстлашиб кетадилар. Бу дарвеш Ҳалил ота эди.

Ушбу воқеа икки нарсадан далолат беради. Бири Баҳоуддиннинг хазрати Хожа Аҳмад Яссавий тариқатига таважжуҳи бўлса (чунки Ҳалил ота Аҳмад Яссавий авлодларидандир), иккинчиси давлат мафкурасига айлантириш, аниқроғи, шоҳу дарвеш орасидаги мухолафатни олиб ташлаб, уларни бирлаштириш учун ҳаракат қилганидир. Баҳоуддин Ҳалил ота билан юриб, унинг каромат ва мўъжизаларининг шоҳида бўлади, жумладан, биринчи учрашувдаёқ Баҳоуддин кўрган тушини айтмоқчи бўлганда, Ҳалил: “Сенинг хотирангда нима кечган бўлса, бизнинг олдимизда аёндир”, - деб айтади, шу боис Баҳоуддин унинг хизматида бўлади.

Ҳозирда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари халқ заҳира билан ва ботинда Ҳақ билан” шиорини кўтариб чиққан бўлсаларда, хилватни бутунлай инкор этган эмаслар. Умуман хилватни инкор этиб, сўфий бўлиш мумкин эмас. Чунки тасаввуф ботин билан ғайб олами билан ошноликдадир, бу эса табиий равишда алоҳида ҳаёт тарзи, бошқаларга ўхшамаган руҳий–маънавий равиш ва амалларни талаб қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд тариқати тарафдорларига хос ягона марказ бўлмаган. Кейинчалик Баҳоуддин мақбараси унинг ҳамма аъзолари учун сиғиниш жойи бўлиб қолди. Жамоадаги итоаткорлик ва махсус хонақоҳда истиқомат қилиш бошқа тариқатлардан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмайди. Нақшбандия зоҳидлик (таркидунёлик) ни инкор этади. Ҳамма “биродарлар” дунёвий-сўфийлар бўлиб, махсус масканларда яшашлари мажбурий эмас, деб кўрсатади.

Нақшбандия тариқатининг баъзи шаҳобчалари тепасига Аллоҳ сўзи ёзилган ва юрак шакли чизилган нишон (тамғаси)га ҳам эга бўлган. Нақшбандия аъзоси бошига узун бўлмаган жун қўлпоқ (кулоҳ) кийиб юрган. У тўрт қийиқли (Туркияда баъзан 18 қийиқли) бўлади ва унга Қуръон оятлари тикилган, ранги одатда оқ бўлади. Сўфийлар кийимининг қандай рангда бўлиши тавсия этилмаган. Тариқат асосчисининг номи унга замондош ва кейин яшаган кўпгина олимлар томонидан тасаввуфга оид ёзилган асарларга киритилган. У Нақшбандия тариқатининг асосчиси, буюк мутасаввуф, тасаввуф назариётчиларидан бири, каромат кўрсатувчи мўъжизикор авлиё сифатида шараф билан тилга олинган, таржимаи ҳолига оид маълумотлар, мақоматларидан намуналар келтирилган. Бу соҳий каромат авлиё ҳақида Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ал-уне мин ҳазрат ал-қудус”, Фахриддин Воиз Кошифийнинг ўғли Али ас-Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”, Хожа Муҳаммад Порсо Бухорийнинг “Анис ат-толибин ва уддат ас-солиқин” асарларида маълумотлар берилган. Турк олими Шамсиддин Солийнинг “Қомус ал-аълом” китобида ҳам турк тилида қисқа маълумотлар берилган. Араб тилидаги “Ал-Мунжид” номли изоҳли луғатда ҳам Баҳоуддин номи Нақшбандия тариқатининг асосчиси сифатида эсга олинади.

Махдуми Аъзам рисолаларининг ҳар бирида ёшлар таълим-тарбиясининг маълум қирралари ёритиб берилган. Бу рисолалардан барча илм аҳли ўзига

керакли ғояларни олиши ва юксак маънавиятли ёш авлодни тарбиялаш жараёнида фойдаланиши мумкин. Рисолаларда келтирилган ғоя ва фикрларни умумлаштирсак, Махдуми Аъзам ўз фаолиятида ёшларга ибрат бўладиган қуйидаги тамойилларга амал қилганлигига гувоҳ бўламиз:

1. ***Мамлакатда тинчликни сақлаш, муроса тамойили.*** Бу тамойил асосида Махдуми Аъзам мамлакатда ҳукмронлик қилаётган, аммо ўзаро зиддиятда бўлган гуруҳларни келиштиришга ҳаракат қилди. Ғарб давлатларида олиб борилган тадқиқотларда мутасаввиф фаолияти ўрганилган. Жумладан, Девид ДиУис ўзининг "Маша-их и турки и Хаджаган" номли мақоласида ўша даврдаги тариқатлар ўртасида кураш олиб бораётган шайхлар ҳақида тўхталиб, Махдуми Аъзамни бошқа шайхларга нисбатан халқ ўртасида ҳурмати юқори бўлганлигини таъкидлайди.[82]

Махдуми Аъзам таълимотида можороларни ечишнинг бир қанча методлари ишлаб чиқилган ва конфликтология фанини ривожлантирган. Мутасаввиф "умумийликни топиш", "толерантлик", "конфликт субъектини изоляциялаш" ва "конфликт вазиятдан четланиш" методларини амалда қўллаган ҳолда ҳукмдорларни яраштирган. Шу усуллар ёрдамида Бухоро шаҳрини шафқатсиз репрессиядан, қатли омдан сақлаб қолган[83]. XV асрнинг иккинчи ярмида нақшбандия тариқати ва давлатдорлар ўртасида юзага келган янги муносабат "ихтилот" сўзи билан ифодаланган. Бу сўз тариқат аҳлининг давлатдорлар билан янги ижобий муносабатини англатиб, борди – келди, мулоқот, суҳбат, машварат, маслаҳат, келишиш, ҳамкорлик ва бошқа шунга ўхшаш маъноларда ишлатилган.

2. ***Бағрикенглик тамойили.*** Махдуми Аъзам рисолаларининг асосий ғоялари бағрикенгликка чорлайди. Буларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мутасаввиф бағрикенгликни жуда кенг маънода тушунган ва уни инсоний моҳият сифатида қадрлаган. Махдуми Аъзам жамиятнинг нафақат сиёсий беқарорликка, балки маънавий беқарорликка ҳам қарши курашиб, тариқатлар ўртасидаги келишмовчиликларга барҳам бериб, бағрикенглик ғоясини илгари сурди. Натижада, яссавийлик, нақшбандийлик, кубравийлик тариқатларини муросага келиштира олди ва уларни тариқатнинг умумий асосларини ҳурмат қилишга чақирди. Мутасаввифнинг фикрича, бағрикенглик ғояси бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ҳамда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Махдуми Аъзам халқ фаровонлиги йўлида халқни ва султонларни ҳидоятга даъват этган. Мовароуннаҳрда тахт талашган темурийзода Бобур Мирзо ва шайбонийлар сулоласидан бўлган Убайдуллахонлар бир-бирига сиёсий душман бўлишган бўлса-да, лекин тариқатдаги уларнинг пири Махдуми Аъзам эди.

---

[82] Суфизм в Центральной Азии. (Зарубежные исследование): Сб.ст.памяти Ф.Майера (1912-1998). Сос.и отв. Редактор. А.А.Хисматулин. СПбГУ.2001. С .235

[83] Тураев Б.О. Махдуми Аъзам - мутафаккир. Т.: ИБХМН, 2013.- Б.16.

Мутасаввиф таълимотидаги бағрикенгликнинг ғоявий ва мафкуравий жабҳада намоён бўлиши қўйидаги йўналишлар ва тамойилларни ўз ичига олади:

1. **Этно – психологик бағрикенглик** – ҳар бир халқ, қабиланинг урф-одат, қадрият руҳий ўзига хослигини тан олиш, қадрлаш, ҳурмат этиш, қабул қилиш. Махдуми Аъзам Шарқий Туркистонда тасаввуф ғояларни тарғиб қилиш билан шуғулланган. Маълумки, бу минтақада хитойлар, уйғур ва бошқа халқлар истиқомат қилишган. Уларнинг ўз дини ва эътиқоди, урф-одатлари бўлса-да, Махдуми Аъзам бағрикенглик ғояси асосида уларни бирлаштирган. Конфуций асарларини ўрганиб, ундаги инсоният учун ғоят муҳим ғояларини туркий тилларга таржима қилдирган[84]. Шу орқали бошқа халқлар маданиятига ижобий муносабатини билдирган. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатларни яшаши, уларни тинч-тотувлик ғояси асосида бир мақсад сари бирлаштиришда Махдуми Аъзамнинг ушбу ғояси аҳамияти каттадир.

2. **Ирқий бағрикенглик** – турли ирқларнинг тенг ҳуқуқлилигини тан олиб, улар билан баҳамжиҳат яшаш. Мутасаввиф инсонлар асли бир Одам Ато ва Момо Ҳавво фарзандлари сифатида оламни гуллаб-яшнатиши лозимлигини таъкидлаб, терининг ранги, тана тузилиши бўйича чекловлар йўқлигини айтади.

3. **Гендер бағрикенглиги –** жинслар ўртасидаги тенгликни тан олиш, аёлларни эъзозлаш, қадрлаш. Махдуми Аъзам ўз даврида аёллар ҳуқуқи масаласида ташаббус билан чиқади. “Асрори ун-никоҳ” асарида оилада аёллар ва эркакларни тенг ҳуқуқлилигини асослаб беради. Одам Ато ва Момо Ҳавво авлодларидан ҳеч бири аёллар каби буюкроқ, олийроқ, шарифроқ, латифроқ эмас деб, аёлларни эъзозлайди.[85] Бу билан мутасаввиф замонавий илм-фан гендер, ижтимоий психология, социология, биологик детерминизм масалаларни ўз вақтида кўтариб, муҳимлигини илмий жиҳатдан асослаб беради. Гендер назарияси тарафдорларининг фикрича, ўғил ва қиз болаларда ижтимоий жараёнда турли малака ва руҳий фазилатларни тарбиялаш, эркак ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимоти, жамиятда қабул қилинган маданий меъёрлар, роллар ва стереотиплар гендер фарқларини шакллантириш жараёнини ифодалайди. Бу эса, тенгсизликнинг мавжудлиги ва жинслараро муносабатларда ижтимоий адолатсизликнинг борлиги янги назарий ёндашув гендер деконструкциясига шаклланишига туртки бўлди. Бунинг натижасида гендерсиз жамият шаклланади, унда барча иерархик, мақомга оид фарқлар барҳам топади ҳамда инсон ривожланиши учун тенг имкониятлар таъминланади.[86] Махдуми Аъзам бундан беш аср олдин гендерни назарий асосларини яратиб, таълимотида изоҳлаб берган.

4. **Диний бағрикенглик -** хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг ўзаро ҳамкор ва муросада бўлиши. Мутасаввиф фикрича, одамлар

---

[84] Саматов Х.У. Конфуций ва Махдуми Аъзам Косоний. // “Moziydan sado” журнали. Ўзбекистон Бадиий Академияси илмий нашри. 2016. №4. – Б.25-26.

[85] Хожаги Аҳмад Косоний. Асрор ун-никоҳ. Қўлёзма. ТошШИ Шарқ қўлёзмалар маркази. № 501/I ; - В 11б.

[86] Каримов С. ва бошқалар. Социология дунёси. СамИСИ нашриёти.2016.Б.46.

турли динларга ва мазҳабларга эътиқод қилишади, турли миллатлар ва элатларга мансубдир, лекин уларнинг қай бири ҳақ ва қай бири ноҳақлигини баҳолаш ҳуқуқи бандаларига берилмаган, уларни жазолаш ёки тақдирлаш эса ёлғиз Аллоҳнинг ишидир. Мутасаввифнинг "Шарҳи Рубоиёти Убайдий" рисоласида шундай фикр келтирилган: "ҳар бир бола ўз фитрати билан туғилади. Сўнгра ота-онаси уни яҳудий ё насроний ва ё мажусий қилади".[87] Махдуми Аъзам яшаган даврда исломий мазҳаблар ўртасидаги курашлар бўлгани боис, улар ўртасидаги зиддиятни бартараф этишга илмий жиҳатдан ёндашади. "Билгилки, ҳар тўрт мазҳаб ҳам ҳақиқийдир. Бу тўрт мазҳабни ҳар бирини ҳақиқий эмас деб билувчилардан Аллоҳни ўзи сақласин. Чунки, бундайларнинг моҳияти шармандалик, қабоҳат ва маломатликларга сабаб бўлади. Имом Аъзам раҳматуллоҳ алайҳнинг ҳанафия мазҳаблари билан қолган уч мазҳаб ўртасидаги фарқ шундайдирки, ҳар ким ўз мазҳабида савоб ишларни кўпроқ қилиб, хатоларга камроқ йўл қўйиш керак."[88] Махдуми Аъзам Жалолиддин Румийнинг диний бағрикенглик ғояларини давом эттирган. Мутасаввифнинг ғоялари мамлакатимизда диний бағрикенгликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан ҳамоҳангдир.

5. **Ижтимоий-сиёсий бағрикенглик** - жамиятда кишиларни мол-мулки, нуфузи, сиёсий қарашларидан қатъи назар тенг сифатида тан олиш ва шунга мос амал қилиш. Махдуми Аъзам ўз фаолиятида сиёсий бағрикенгликни очиқ намоён қилди. Темурий шаҳзодалар ва шайбонийларнинг ўзаро зиддиятларини бартараф қилишга ҳаракат қилди. Убайдуллахон, Жонибек Султон ва бошқа подшоҳларни пири сифатида давлат ишларида уларни қўллаб-қувватлайди. Шу билан биргаликда, темурий шаҳзода Мирзо Бобур ҳам Махдуми Аъзамга қўл бериб, ўзининг пири сифатида мурожаат қилади. Махдуми Аъзамнинг "Рисолаи Бобурия" номли асари Мирзо Бобурга атаб ёзилган бўлиб, унда ижтимоий-сиёсий бағрикенглик ғоялари илгари сурилган. Дунёда юз бераётган сиёсий жараёнларда бағрикенглик ғояси долзарб аҳамият касб этмоқдаки, ундан кутилган натижа тинчликни таъминлашдир. Мутасаввиф сиёсий бағрикенгликни тарғиб қилар экан, асосий мақсад мамлакатни тинчлик йўлида бирлаштириш бўлган. Мамлакатимиз давлат бошқарувида сиёсий бағрикенгликни таъминлашда мазкур ғояларнинг аҳамияти катта.

6. **Умуминсоний бағрикенглик** – барча инсонларни эъзозлаш, қадрлаш ва тенг муносабатда бўлишни англатади. Умуминсоний ғоялар ирқ, элат, миллат, аҳоли қатлами, динлар, жинслар, ҳимоясизларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик сиёсатини қоралайди. Мутасаввиф ўз фаолиятида умумий бағрикенгликни тарғиб қилиб, тенглик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, халқлараро ўзаро ҳурмат, бир-бирининг қадрият, имконият ва салоҳиятларининг униб ўсишига имкон бериш, эъзозлаш, севиш, меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлайди.

---

[87] Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолаи шарҳи Убайдий. / тарж. Абдулҳаким Жузжоий. Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат, 2001. – Б. 117

[88] Хожаги Аҳмад Косоний. Рисолаи илмия. / тарж.Муҳаммаджон Қодирий. Сийрати ва мероси. -Т.: Адолат, 1996. – Б. 31.

Ҳар бир даврда бўлгани каби айрим зоҳирий илмларга эга бўлган олимлар мутасаввифнинг чуқур илмий фалсафий-назарий қарашларини танқид қилишган. Бироқ, Махдуми Аъзам уларнинг қаршилигини ўзига муносиб билмай, аксинча, уларга ботиний илмларнинг сир - асрорларини тушунтиришга интилади. Мутасаввиф бу билан – “шоядки менинг шарҳларим орқали уларнинг қоронғу, зимистон кўнгилларига зиё нурлари таралиб, улар ҳам ботин кўзи билан кўрадиганлардан бўлиб қолсалар, шоядки улар менинг илмим сармоясидан саодатманд, баҳраманд бўлсалар”[89]- дейди.

Махдуми Аъзам дунёқарашининг асосий хусусияти уни маънавий тамойиллар асосида шаклланганлигидир. Мутасаввиф нақшбандия тариқатини янги даврда назарий асослари билан биргаликда амалий асосларини кенг қамровли ҳаёт билан боғлади. Унинг фикрича, Ҳақ жамоли билан бандаси ўртасида парда Осмон ёки Ер, Арш ва курси бўлмай, балки кишиларни мол-дунёга, исмга, амалга, хотин ва фарзандларига бўлган муносабатларидадир. Буни мутасаввиф янада ифодалироқ қилиб, “... банда ва Ҳақ субҳана орасидаги парда бу Осмон ва замин, Арш ва курси эмас балки, одамларниинг мол-дунёга, илму амалга хотин ва фарзанд кабиларга боғланишидир” деб айтган.[90]

Махдуми Аъзам тариқат таълимотининг ҳимоячиси ва давомчиси сифатида ўзини намоён қилиб, тариқат соликларини, сўфийларни “ҳақиқат конининг гавҳари”, “маърифат дарёсининг инжуси”, “илоҳий сирнинг кашфиётчилари”, деб таърифлаган.

Мутасаввифнинг нақшбандия тариқати учун яна бир буюк хизмати Баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба – ёру, даст ба - кор” тамойилини бир томонлама ёндашиб, талқин қилишларига чек қўйди. Унинг мазмун-моҳиятини янги поғонага кўтарди. Чунки, Баҳоуддин Нақшбанднинг бу тамойилини мутасаввифлар Аллоҳга етишишнинг бирдан бир йўли, қалбни поклаш ва уни улуғлашдан иборат деб тушунганлар. Бу тамойилда масаланинг иккинчи томони, яъни комилликка эришиб, Аллоҳга етишиш учун қалб поклиги билан биргаликда жисмоний баркамоллик ҳам зарур эканлигини Махдуми Аъзам асослаб берди.

Мутасаввиф нақшбандийлик тариқатининг бағрикенгликка асосланган тамойилларини бойитди ва кенгайтирди. Чунки, Махдуми Аъзам яшаган даврнинг ўзи “ғулу” даври сифатида яъни бошбошдоқлик қарама-қаршиликлар, тушкунликлар даври сифатида тарихда қолган. Жамиятнинг маънавий дунёси ҳам тушкунликка юз тутган эди. Мовароуннаҳрда кенг тарқалган яссавийлик, кубравийлик ва нақшбандийлик тариқатлари ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар авж олиб кетганлигидан билсак бўлади. Айнан, Махдуми Аъзам нақшбандия тариқатининг бағрикенглик тамойилларидан фойдаланиб, бу уч тариқат вакилларини бир жойга тўплаб, улар ўртасидаги барча келишмовчиликларга барҳам бериб, тасаввуф тариқатини жамият хизматига

[89] Жабборов Н. Махдуми Аъзам Даҳбедий. -Т., 1993. – Б. 19 - 20.

[90] Махдуми Аъзам Даҳбедий. Танбият ус-салотин. – Самарқанд: Сўғдиёна. 1994.Б.74.

қўя олди. Махдуми Аъзам ўзига хос орифий илм соҳиби сифатида дунёвий, ижтимоий, сиёсий ва тасаввуф таълимотининг назарий ва амалий муаммоларини бир-бирига сиғиштириб тадқиқ қилди ва мукаммал хулосалар берган.

Мутасаввиф дунёқарашининг бош мавзуси “инсон ва унинг ақл-идроки, ахлоқий қиёфаси Яратганнинг энг муқаддас кашфиётидир” деган ғояга асосланади. Махдуми Аъзам таълимотида ўзига хос бўлган инсон, инсони комил тамойилини яратди. Мутасаввифнинг бу тамойили инсоннинг илоҳийлигидан келиб чиқади. Мутасаввиф инсон ва унинг илоҳийлигини комилликнинг асосий босқичи сифатида таърифлаган. Махдуми Аъзамнинг комил инсон назариясида инсон қуйидаги сифатларга эга бўлади: “ақл билан иш тутиш, аҳду-паймонга садоқатлилик, бир-бирига ёрдам бериш, қўлидан келганча яхшилик қилиш, инсонийликни илоҳий сифатларини ўзида мужассам қилиш, инсоннинг ўзини-ўзи англаши, тоат-ибодатни инсонга нафи тегадиган ишлар билан бирга қўшиб олиб бориш, ҳалол ризқ учун меҳнат қилиш, поклик, софлик, эътиқодлилик, иймонлилик, тавба, ўз мақсади йўлида жиддий ҳаракат қилиш, инсон ўз вужудига шариат, тариқат ва ҳақиқат сифатларини сингдириш, инсонларни эзгуликка ундашни олий даража деб билиш.”[91]

Махдуми Аъзам мутасаввиф Муҳаммад Порсо изидан бориб, унинг қарашларини давом эттирди. Унинг фикрича, дин ва муқаддас китоблар мутолаа учун эмас, балки инсонни ахлоқий камолотга етказиш учун дастуруламал бўлиб, Аллоҳ томонидан берилган. Инсон дин учун эмас, балки, дин инсон учун яратилгандир, деган хулосага келади. Бу ғоя ўша давр учун ташланган энг жасоратли ғоялардан бири эди. Бундан мақсад инсонни ер юзидаги тартиб ва осойишталикка шахсан масъул эканлигини таъкидловчи, инсонни унинг измига берилган оламни яшнатишга, гуллатишга, поклашга, такомиллаштиришга ундовчи, ҳар бир мусулмонни фаолликка чақирувчи даъватдир. Махдуми Аъзам инсонни ҳукмига инъом этилган оламни яшнатиш ғоясини ўзининг эътиқодига айлантирди. Бу ғояни амалиёт билан боғлаб, халқ ичига юриш қилди. Унинг дарди, талаб ва эҳтиёжи билан бирга яшади.

Махдуми Аъзамнинг шахс сифатидаги энг муҳим жиҳати **ташаббускорлигидир.** Халқ манфаати, юрт осойишталиги учун курашиб, ҳар қандай урушларни олдини олиш учун ташаббускорлик кўрсатди. Халқ ва давлат арконлари ичидаги нуфузидан сунъий фойдаланмасдан, содир бўлаётган ғараз ишларнинг туб моҳиятини очиб бериш учун илми ва тафаккуридан, халқ ҳаётини кузатиш ва ўрганиш, хулоса чиқариш услубидан кенг фойдаланган. Маноқибларда Махдуми Аъзам фаолияти билан боғлиқ воқеалар ривоят шаклида келтирилган. Жумладан, “кунларнинг бирида шаҳар ҳокими Махдуми Аъзамга бир маҳаллада тез-тез уруш-жанжал бўлиб туришини, қандай қилиб бу жойда тинчликни ўрнатиш мумкинлигини сўраб мурожаат қилибди. Жанжалнинг манбаини топиш керак, дебди пир. Ҳоким, ҳамма жанжаллар бир золим ва жанжалкаш қозининг дастидан бўлаётганлигини айтибди. У

[91] Тураев Б.О. Махдуми Аъзам - мутафаккир. Т.: ИБХМН, 2013.- Б. 29

одамларни рўзасини очиб қўйганлиги учун ҳам, масжидга бормаганлиги учун ҳам жазолар, тўлов тўлашга мажбур қилар, арзимас нарсаларни баҳона қилиб жанжал қўзғар, жанжаллашганларни эса шариат бўйича жазолар экан. Лекин, бу қози амирнинг яқин қариндошларидан эди. Шунда Махдуми Аъзам қуйидаги қарорга келибди, қозини Бухорога жанговор вазифани бажарадиган амалга кўтаришини илтимос қилиб, Бухоро хонига мактуб ёзибди. Тезда қози лашкарбоши бўлиб, жангга кетибди, маҳаллада эса тинчлик қарор топибди".[92]

Махдуми Аъзамнинг ижоди тасаввуфий масалалардан тортиб, соф илмий-фалсафий, сиёсат, давлатни бошқариш, одоб-ахлоқ, оила, ота-оналар билан фарзандларнинг ўзаро муносабати, олий ҳимматлилик, эзгулик, Ватанга садоқат, ҳар бир нарсага тўғри ёндашиш, поклик, софлик, кексалик, ижтимоий таъминот, ижтимоий муҳофаза ва ижтимоий табақалар муаммоларини қамраб олади.

Махдуми Аъзам яратган таълимоти реал ҳаёт воқеалари ва эҳтиёжларидан узилиб қолмаган. У бутун халқларни бирдамликда чақирадиган, даврнинг хавф - хатарли йўллардан ўтишнинг уч йўлини кўрсатиб беради: "Зероким акобирлар айтибдурлар: тариқат соликларига сулукнинг хатарли йўлларидан (омон) ўтишлари учун уч нарса керакдир : ихвон (биродарлик), замон ва макон."[93]

Ихвон, яъни ҳамфикр, ҳамжиҳат, ҳамнисбатда бўлмоқлик: макон, яъни бу улуғ тоифадагилар йиллар мобайнида бу шарафли маконда кўникма ҳосил қилишлари ул шарафли зотлар суҳбатларидан баҳра олиб таъсирланишлари лозим. Замон, барқарор бўлиши ҳамда шу замон ҳодисалари, воқеалари туфайли одамлар орасида ажралиш ва ташвишлар пайдо бўлмаслиги лозим. Агар пайдо бўлса, дарвешлар тарқоқ бўлмасликлари лозим. Мазкур фикрлар орқали мутасаввиф тариқатнинг ижтимоий-сиёсий қиёфасини тўла очиб берган. Тариқатнинг ривожи учун фақатгина тариқат соликлари биродарлиги эмас, балки умумжамият барқарорлиги ва уни таъминлашда сўфийлар жонкуяр, илғор кишилар бўлиши кераклиги уқтирилади.

Махдуми Аъзам дунёқарашининг ўзига хос томони, халқни биродарлик ва барқарорликка чақиради. Бу таълимоти кишилар ўртасида, давлат билан халқ ўртасидаги душманликни йўқотишга хизмат қилади. Тариқат намояндаси бўлган Шоҳ Неъматуллоҳ Валий жамиятдаги беқарорлик даврини золим подшолар билан боғлаб, уни ғулу (алғов-далғов) даври деб баҳоласа, Махдуми Аъзам эса, "халқ орасидаги ажралишлар ва ташвишлар" даври деб баҳолайди. Мутасаввифнинг подшоҳлар ва халқ ўртасидаги муносабатларига оид қарашлари унинг *«Танбият ус-салотин»* асаридан олинган қуйидаги лавҳада аниқ баён этилган: «Яна ул зот (Хожа Аҳрор)дан нақл борким, айтар эдилар: «каминага йигирма марта – сен бу замон подшоҳларини келиштиришинг лозим» – деган хитобни эшитганман».Шул боис ул зотнинг подшоҳларни

[92] Тураев Б.О. Махдуми Аъзам - мутафаккир. Т.: ИБХМН, 2013.- Б. 19.
[93] Махдуми Аъзам Даҳбедий. Танбият ус-салотин. – Самарқанд: Суғдиёна. 1994.Б.67-68.

келиштиришлари ва ўша замон подшоҳларининг бу мададкорлик туфайли (халққа келтирган баракалари, Муҳаммад (с.а.в.)нинг шариат ва тариқат ривожига мумкин қадар кўмак берди.[94]

Мутасаввиф ижтимоий табақалар ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни масаласида аждодларнинг маданий меросига ҳурмат билан қараган ҳолда, уларнинг қарашларини янада чуқурлаштириб, ижтимоий табақаларнинг муайян тизимини яратади. Уларга демографик нуқтаи назардан ёндашиб, ижтимоий гуруҳларнинг ҳолатини ва уларнинг жамиятдаги функциялари ҳақида фикрларини беради. Махдуми Аъзам ижтимоий табақалар тизимига амирлар, олимлар, деҳқонлар, ҳунар аҳли, шайхлар, дарвешлар, сипоҳ, ёшлар, кексалар, хотин-қизлар, гадолар ва ҳ.к.ларни киритади.[95]

Мутасаввиф дунёқарашининг асоси шариат ва тариқатни тарозининг икки палласи сифатида якдил ушлаганлигидан келиб чиқади. Унинг назарида подшоҳлар ишининг муваффақияти шариат ва тариқатни мустаҳкам ва якдил ушлаганлигидадир. Салтанат халқ билан бирга бўлса, эркинлик, демократик тартиблар бўлади. Ҳукмдор халқ овозини бўғса, бу ерда эркинлик бўлмайди, деб таъкидлаган. Махдуми Аъзам фикрича, ҳар бир подшо фуқароларига ўз фикрларини эркин айта олиши учун имконият бериши лозим: “Хожа Муҳаммад Порсо замонида аларга эътиқодли бир подшо бўлган ва Ҳазрати Хожа ўз суханларини минбардан очиқ равшан айтар эдилар. Подшоҳнинг алмашиниши бирла Эшон ҳам хатти-ҳаракатларини ўзгартириб, ҳатто хилватда ҳам айтадиган суханларини айтмайдиган бўлдилар.”[96] Бу фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши ҳамда олиб борилаётган ишларда намоён бўлмоқда. Халқ дарди билан яшаш, унинг манфаатларини таъминлаш учун энг аввало уларни эшитиш лозим. Халқ билан мулоқот қилиш учун халқ қабулхоналари ташкил этилди.[97]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи (14.12.2016й.) 37-53 бетлар. http://www.press-service.uz/uz/lists/view

2. Суфизм в Центральной Азии. (Зарубежные исследование): Сб.ст.памяти Ф.Майера (1912-1998). Сос.и отв. Редактор. А.А.Хисматулин. СПбГУ.2001. С .235

3. Тураев Б.О. Махдуми Аъзам - мутафаккир. Т.: ИБХМН, 2013.- Б.16.

[94] Махдуми Аъзам Даҳбедий. Танбият ус-салотин. – Самарқанд: Суғдиёна. 1994.Б.62.
[95] Махдуми Аъзам Даҳбедий. Танбият ус-салотин. – Самарқанд: Суғдиёна. 1994.Б.56.
[96] Махдуми Аъзам Даҳбедий. Танбият ус-салотин. – Самарқанд: Суғдиёна. 1994.Б.72.

[97] Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.”Ўзбекистон”.2018. Б.116.

4. Саматов Х.У. Конфуций ва Махдуми Аъзам Косоний. // “Moziydan sado” журнали. Ўзбекистон Бадиий Академияси илмий нашри. 2016. №4. – Б.25-26.
5. Хожаги Аҳмад Косоний. Асрор ун-никоҳ. Қўлёзма. ТошШИ Шарқ қўлёзмалар маркази. № 501/I ; - В 11б.
6. Каримов С. ва бошқалар. Социология дунёси. СамИСИ нашриёти.2016.Б.46.
7. Хожагий Аҳмад Косоний. Рисолаи шарҳи Убайдий. / тарж. Абдулҳаким Жузжоий. Тасаввуф ва инсон. -Т.: Адолат, 2001. – Б. 117
8. Хожаги Аҳмад Косоний. Рисолаи илмия. / тарж.Муҳаммаджон Қодирий. Сийрати ва мероси. -Т.: Адолат, 1996. – Б. 31.
9. Жабборов Н. Махдуми Аъзам Даҳбедий. -Т., 1993. – Б. 19 - 20.
10. Махдуми Аъзам Даҳбедий. Танбият ус-салотин. – Самарқанд: Сўғдиёна. 1994.Б.74.
11. Тураев Б.О. Махдуми Аъзам - мутафаккир. Т.: ИБХМН, 2013.- Б. 29

ONLINE BOZOR

F.E.Jomonqulova
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti dotsenti, t.f.n.
M.Q.Nizomov
Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, talaba.

Hozirgi davrda Globallashuv jarayonlari, ya’ni hayot sur’atlarining beqiyos darajada tezlashuvi, yuqori darajadagi axborot almashinuvi, jahon svilizatsiyasi taraqqiyoti, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ulkan islohotlar va bunyodkorlik ishlari, jamiyatimiz a’zolaridan ustida tinimsiz ishlashni, zamonaviy, kreativ, tashabbuskor va tadbirkor bo‘lishni, izlanishni va faoliyatlari davomida raqamli iqtisodiyotning shakllanishi va rivojlanishiga oid axborotlar bilan tanishishni, bilim va ko‘nikmalarini shakllantirishni, tajribalarini orttirishni taqozo etmoqda.

Raqamli iqtisodiyot nima?


Raqamli iqtisodiyot – bu iqtisodiy, ijtimoiy va madaniy aloqalarni raqamli texnologiyalarni qo‘llash asosida amalga oshirish tizimidir. Ba’zida u internet iqtisodiyoti, yangi iqtisodiyot yoki veb-iqtisodiyot degan terminlar bilan ham ifodalanadi.1995 yilda amerikalik dasturchi Nikolas Negroponte “raqamli iqtisodiyot” terminini amaliyotga kiritdi. Hozirda bu iqtisodiyotnii butun dunyodagi siyosatchilar, iqtisodchilar, jurnalistlar, tadbirkorlar – deyarli barcha qo‘llamoqda. 2016 yilda Butunjahon banki dunyodagi raqamli iqtisodiyotning ahvoli haqida ilk marta e’lon qildi (“Raqamli dividendlar”).

Raqamli iqtisodiyotning oddiy iqtisodiyotdan farqi nimada?

Masalan, xaridorga poyafzal kerak. Uni bozorga tushib o‘zi bevosita tanlasa va naqd pulga sotib olsa, bu an’anaviy iqtisod. Telegramdagi biron savdo boti orqali o‘ziga ma’qul tovarni tanlab, tovar egasiga pulni elektron to‘lov tizimi orqali to‘lash va tovarni yetkazib berish xizmati orqali olish – raqamli iqtisodiyot deyiladi. Bu masalani eng sodda maishiy misol orqali tushuntirishdir. Aslida, hammamiz

allaqachon raqamli iqtisodiyot ichidamiz, uning qulayliklaridan foydalanamiz. Masalan, oyliklarimiz plastik kartalarga tushadi, elektron to‘lov orqali kommunal xizmatlar, telefon, internet va boshqa mahsulot va xizmatlarga to‘lov qilamiz, elektron tarzda soliq deklaratsiyasi topshiramiz, kartadan kartaga pul uzatamiz, uyga taom buyurtma qilamiz va hokazo.


Bizda yani O’zbekiston Respublikasida internet orqali yetkazib berish juda ham kam hisoblanadi.Bor joylarda ham zakaz qilingan narsa yoki buyumni 2-3 kun ichida olib kelib beradi.Davlatimizda online bozorni yo’lga qo’yish maqsadga muvofiq buladi meni nazarim bo’yicha.Ayniqsa hozirgi zamon talabiga yani ‘’RAQAMLI IQTISODIYOT’’ tizimiga utayotgan davrda juda ham qo’l keladi.Yaqin ikki uch yil ichida O’zbekiston rivojlanayotgan davlatlar qatoriga tobora qo’shilib bormoqda desak adashmagan bo’lamiz albatta.Bizga kirib kelayotgan texnika va texnologiyalarni sonini oshirib ularni online bozor yani internet orqali savdo tizimiga mablag’ kiritib online bozorni davlatimizda yo’lga qo’yib olsak bu bizning faxrlanib aytadigan yutuqlarimizdan biriga aylanada albatta.Chet el mamlakatlarida yani rivojlangan mamlakatlarda istemolchi online bozor orqali xarid qilgan mahsulotini yoki buyumini 2-3 soat oralig’ida olib kelib beriladi balki undan ham tezroq bo’lishi mumkin,bundan tashqari qo’shni davlatlarga ham mahsulotlarni uzog’I bilan 1 kun ichida yetkazib berishadi.Bizda online bozor orqali xarid qilingan mahsulot yoki buyum kamida 2-3 kun oralig’ida yetib keladi,bunga sabab nima deb o’ylaysiz;



1. Texnikalarning kamligi va sifatsizligi.
2. Ishchilarning masuliyatsizligi.
3. Online bozorga bo’lgan talabning sustligi

Online bozorni yo’lga qo’yish uchun avvalo bizga kata miqdorda mablag’ kerak,texnikalar bilan taminlash kerak.Biz online bozor tizimini yo’lga qo’ysak keng ishchi o’rinlari yaratiladi,qancha ishsiz insonlar ish bilan taminlanadi.Online bozor O’zbekiston bo’ylab yo’lga qo’yilsa 1 yil ichida undan foydalanuvchilar soni O’zbekiston aholisining 80% ni tashkil etishi mumkin.Yana bitta misol sizlarga; juma kuni ishdan keldingiz shanba yakshanba kunlari oilangiz bilan Buxoroga sayohatga chiqmoqchisiz,agar online bozor yo’lga qo‘yilsa internet orqali ismi-familiyangizni

va haydovchilik guvohnomangizni kiritgan holda 6 kishilik mashina olib ikki kunga bemalol sayohat qilib kelaverasiz.Online bozorning yana foydali tomonlari xaridorlar uchun arzon va sifatli narsalar va buyumlarni olish uchun uzoq km lar bosib o’tishiga xojat qolmaydi deb o‘ylayman.



Davlatimiz rivojlanib bormoqda,yildan-yilga biz online bozor rejimini yo’lga qo’ysak bu rivojlangan davlatlar qatorida yetakchi o’rinlarda bo’limizga kata yordam beradi albatta.Prezidentimiz SHAVKAT MIRZIYOYEV ham 2020-yil oliy majlisga murojatida raqamli iqtisodiyotga alohida to’htalib o’tadilar va bu tizim bo’yicha birqancha rejalarni amalga oshirishni ko’zda tutadilar

Foydalanilgan adabiyotlar ruyxati

1. *Гулямов С.С. va boshqalar* .Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 396 bet.

2. *Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р.* Ракамли валюталар бозори: инновациялар ва ривожланиш истикболлари. -Т: “Фан ва технология” nashriyoti, 2018, 172 бет.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ МЕРОСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА АРБАЪИЙННАВИСЛИК АНЪАНАСИ

Ҳ.Х.Бердиев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири,
филология бўйича фалсафа доктори

Улуғ истиқлол туфайли асрлар давомида такомиллашиб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилган маънавий-ахлоқий меросни холисона ўрганиш, тадқиқ этиш имконияти яратилди. Ушбу даврда маънавият ва маърифат жамият ривожланишининг асосий тамойили даражасига кўтарилди. Ижтимоий тараққиёт соҳасида кенг миқёсда илоҳотлар ўтказилди.

Эзгулик йўлида амалга оширилган ишларнинг бири сифатида “Қуръони карим ва ҳадиси шарифнинг таржима қилинганлиги, шунингдек Қуръон тафсирларининг ўзбек тилида пайдо бўлиши ғоят катта ҳодисага айланди”[1]. Натижада, мустақиллик даври ўзбек шеъриятида диний-ахлоқий қадриятларнинг бадиий ифодаси руҳидаги қатор асарлар вужудга келди. Абдулла Ориф, Сирожиддин Саййид, Шукур Қурбон сингари шоирлар томонидан арбаъийннавислик йўлида ёзилган асарларнинг пайдо бўлганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Маълумки, илоҳий китоблар таъсирида бадиий асарлар яратиш анъанаси шеъриятда кўп кузатиладиган ҳолат. Аммо бу туркумдаги асарлар ҳам илоҳий ғояларга билвосита ёки бевосита ёндашув масаласидан келиб чиқадиган бўлсак, икки турга ажратилади. Шу маънода, бевосита бадиий талқинлар яратган ижодкорлар сафи унча кенг эмас.

Бевосита диний-ахлоқий ғоялар таъсирида асар яратиш анъанаси нафақат Шарқ, балки Ғарб шеъриятида ҳам кузатилади. Чунончи, илк уйғониш даврида яшаб ижод этган француз шоири Клеман Маро (1496-1544) тавба-тазарру-ибодат пайтида ўқиладиган еттита дуони шеърга айлантиргани маълум[2]. Гёте, Пушкин каби улуғ шоирларнинг Қуръонга иқтибос ёзганликларини[3], шунингдек С.Липкиннинг “Декада”, “Қуръонга иқтибос”[4] асарларини эслатиб ўтмоқ жоиз. Албатта, Қуръоний ғояларнинг бадиий ифодаси туркийгўй шоирлар ижодида ниҳоятда кенг даражада ривожланган. Ҳатто, асарларида реал ҳаёт тасвири етакчи ўрин тутувчи Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам бу мавзуда махсус “ихтиро” қилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Аммо, таъкидлаш жоизки мумтоз шеъриятимизда пайдо бўлган қутлуғ анъаналардан бири – арбаъийннависликдир. Бу анъана муҳаддислар пешвоси Имом ал-Бухорий илмий-ижодий фаолиятига асосланади. Расулуллоҳ алайҳиссалом каломлари – ҳадиси шарифдан 40 таси (“барча шубҳадан солим қирқ сўз”) ни назмда ифодалашга асосланган бу йўналиш туркий шеъриятда ҳазрат Алишер Навоийдан бошланади. Кейинчалик адабиётимиз тарихида кам ўрганилган шоирлардан бири Муҳаммадқул Мирзо Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир бу мавзуга қўл урган.

Юқорида эслатилганидек, мустақиллик йилларида диний манбаларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши натижасида бу қутлуғ анъана қайта тикланади. Айтмоқчимизки, шеъриятимизда мавжуд бўлган мазкур асарларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ этиш керакли самараларни беради.

Умуман, мазкур масала юзасидан қуйидагича мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз:

---

[1] Орипов А. Ҳикмат садолари. - Т. : Фан, 1993, 3-4-бетлар.

[2] Изоҳлардан маълумот олиш учун қаранг: Дюма А.Аскание. (Русчадан К.Мирмуҳаммедов тарж., муҳаррир Т. Алимов). –Т.:1990, 6-127-бетлар.

[3] Орипов А. Ҳикмат садолари. - Т.: Фан, 1993, 7-бет.

[4] Қаранг: Қосимова С.С.Липкин шеъриятида Шарқ мотивлари // “Ўзбек тили ва адабиёти”.,1994, № 1-2, 55-58-бетлар.

1.Алишер Навоий ва Муҳаййир қаламига мансуб бўлган арбаъийнлар аруз вазнида, қитъа жанрида ёзилган.

2.Шеърларнинг барчаси тўрт мисра кўринишга эга.

3.Кейинги даврда таълиф этилган арбаъийнлар вазн ва жанр нуқтаи назаридан мумтоз намуналардан фарқ қилади.

4.Шеърий ифодада ҳадисларнинг асл матнини сўзма-сўз сақлаб қолиш эмас, балки уларнинг турли бадиий бўёқдорликка эга бўлган синонимларини қўллаш орқали асл мазмунни беришга ҳаракат қилингани кузатилади.

5.Абдулла Ориф шеърий ифодасида назмга айлантирилган ҳадисларнинг таъсирчанлигини янада ошириш, қолаверса, бугунги шеърхонлар учун мазкур мавзу нисбатан янги бўлгани учун бўлса керак.

ИСЛОМ ДИНИДА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ

Х. Саматов
СамИСИ доценти в.б
И. Қўнишов
СамДЧТИ магистранти

Мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва инсон манфаатларини таъминлаш жараёнлари ўзига хос маънавий асосларга эгадир. Қайси юртда адолат қарор топган бўлса, ўша юртда халқ эмин-эркин яшайди, фаровонлик, тинчлик-омонлик, тотувлик ҳукм суради. Адолатнинг замирида эса ҳамиша бир қатор фазилатлар қатори халқ билан яқинлик, у билан мулоқот ва барча саъй-ҳаракатлар пировард мақсадини инсон манфаатига қаратиш истаги ётади.

Шу боис ислом динида ҳам халқ билан мулоқот – улуғ инсоний фазилатлардан саналиб, мулоқот туфайли ҳар бир киши ўз ижтимоий келиб чиқиши, дунёқараши, мансабидан қатъи назар жамиятга яқинлашади, ўз ахлоқининг энг гўзал қирраларини намоён этади, халқ дардини, истак ва орзуларини англаб етади. Шунингдек, бу мулоқот туфайли кишиларнинг ўзаро дўстона ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ҳаммаслаклик, ҳамфикрлилик муносабатлари шаклланади, бир-бирига ишончи ортади. Ўзаро ишонч бор жойда эса ҳамиша олға интилиш, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ривожланиш вужудга келади.

Бугунги кунда Президент Ш.Мирзиёев эл манфаатини барча нарсадан устун қўйиб, фуқароларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган чора тадбирлари янги даврнинг асосий сиёсий шиори сифатида қабул қилинди. “Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади[1].

Халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айлангани, “Халқ қабулхоналари” ташкил қилиниб, у орқали минглаб фуқароларни қийнаб келган муаммоларининг ўз ечимини топгани ва топаётгани бунинг яққол далилидир[2]. Аслида, одамлар орасида адолат билан ҳукм юргизиш Аллоҳ таолонинг буйруғи ҳисобланади. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай хабар берилган: “Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар...” (Қуръон. Нисо сураси, 58-оят). Демакки, Аллоҳ каломида адолат билан иш юритган раҳбарга улкан ажр-мукофотлар ваъда қилинган. Шунингдек, инсонларга манфаат етказишга ҳаракат қилиш ҳам динимизда тарғиб қилинган амаллардан ҳисобланади. Бу ҳақда кўплаб ҳадиси шарифларда хабар берилган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ким бирор мўминдан дунё машаққатларидан бирини аритса, Аллоҳ ундан охират машаққатларидан бирини аритади. Банда, модомики, дўстига ёрдам бериш (йўли)да бўлар экан, Аллоҳ унинг мададкори бўлади”, – дедилар” (Имом Термизий ривоят қилган) [3].

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурига келиб: “Аллоҳга энг севимли киши ким?” ва “Аллоҳга энг севимли амал қайси?” – деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳга энг севимли киши, одамларга кўпроқ манфаати тегадиган киши. Аллоҳга энг севимли амал мусулмоннинг қалбига хурсандчилик киритиш. Ёки унинг ташвишини аритиш. Ёки қарзини ўташ. Ёки ундан очликни кетказиш. Мен бир дўстимнинг эҳтиёжи учун юришим, ушбу масжид – Масжидун набавийда эътикоф ўтиришимдан яхшироқдир” - дедилар.

Жобир (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Одамларнинг энг яхшиси одамларга фойдалироғидир”, деб айтдилар [4]. Пайғамбаримиз (соллоллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳадисларида инсон сўзини келтириши бежиз эмас. Инсон сўзи умумий маънони ифода этади. Жамиятда яшайдиган барча эр ва аёл,ёш ва қарияларга халқ деб мурожаат қилинади. Демак, ҳадисдаги инсон сўзи халқлар ичида бўлган энг яхши инсонга нисбатан айтилган. Ҳадисда уларга кўпроқ манфаати тегадигани дейилмоқда. Инсонлар бир-бири билан ҳамжиҳат, ҳамкор бўлсалар, уларнинг манфаати бўлади. Инсонлар одамларга аралашиб зиёли киши ўзининг илми билан, бошқа касб эгалари эса ўзларининг иқтидорлари билан бошқаларга кўмакдош бўлса, яхшилик устига яхшилик бўлади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: “Ким бир қийналиб қолган кишининг ишини осон қилса, Аллоҳ унга дунё-ю охиратини осон қилади. Модомики, банда ўз оға-инисига кўмак бериш пайида бўлар экан, Аллоҳ унга кўмак бериш пайида бўлади”. Суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бу сўз ларидан аниқ бўладики, инсонларга манфаат етказиш энг катта савоб эканлиги ҳадисларда таъкидланган.

Шарқ мутафаккирларининг таълимотида халққа хизмат қилиш, унинг ташвиши билан яшаш ҳеч кимга қўшилмасдан тоғларда, хилватларда гуноҳдан четланиб яшашдан афзал саналган.

Ислом оламида “Ҳужжат ул-ислом” (“Ислом далили”) деб улуғланган Ғаззолий узлатга чекиниб, жамоатга қўшилмасликни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилади [5]. Унинг фикрича, ҳақиқий йўл жамоат намозларида бўлиш ва халқнинг хайрли ишларига ҳисса қўшишдир. Агар киши бутунлай хилватни хоҳласа ҳамда жамоатда бўлиш фарз ва вожиб саналган намозларнинг маънавий жавобгарлигидан холи бўлишни истаса, у ҳолда тоғ тепалари, дара бўйлари каби овлоқ ва инсонлардан жуда узоқ жойларда яшаши лозимдир. Шаҳарда ёлғиз ўтириб, халққа қўшилмаслик, жамоатларга аралашмаслик хатодир. Гарчи инсонларга қўшилиш сабабли орттириладиган гуноҳлар хайрдан ошиб кетиши эҳтимоли узр саналса ҳам. Лекин, узр сифатида кўрсатилган далил аксинча бўлиб чиқиши, яъни хайр гуноҳдан ортиқ чиқиши ҳам мумкин ва у ҳолда узлат яхши натижа бермаган бўлади. Ғаззолий узлатга кетган, жамоатдан узоқлашган кишилар тўғрисида шундай хулосага келади: “узлатни хоҳловчи мўминлар бу жиҳатдан узлатга оид бўлган мулоҳазаларни билиб, қайси бири хайрли бўлса, ўшанга ҳаракат қилишлари лозимдир”.

Бундан ташқари, илм аҳлиларининг узлатга чекиниши номақбулдир,–деб таъкидлайди Ғаззолий. Зеро, шундай инсонлар борки, улар олимдирлар ва илмига амал қилади. Ваъз ва насиҳатлари билан халққа тўғри йўл кўрсатиши ва яхши ишларга ундаш ва бидъат аҳлининг овозини ўчириш кучига эгадир. Бундай кишиларнинг ёлғизликка чекиниб, халққа аралашмаслиги жоиз эмас. Аксинча, халқни яхшиликка чақириш, уларга Аллоҳнинг амр ва таъқиқлари ҳақида ваъз ва насиҳатлар айтиб, тўғри йўлга йўналтириши, диний муаммоларни ечиб, тараддудлардан қутқариши хусусида ўзини бахшида қилиши унга вожиб бўлади. Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг қуйидаги ҳадислари далил бўла олади: “Ўртада пайдо бўлган бидъатларга (динга қарши одатларга) қарши мужодалада бўлмай жим ўтирган олимга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”[6]. Ушбу ҳадисга амал қилган, жамоатга қўшилиб, бидъатларга қарши курашган, халқни маърифатли қилиш ниятида юрган олимлар кечирилади. Лекин, узлатга чекинган олимлар кечирилмайди. Бироқ, уларга ҳам халққа қайтиш ва бу вазифани керакли даражада адо этишга даъват қилиниши лозим.

Ғаззолий илм аҳлиларини халқ билан бирга бўлишга, уларни оғирини енгил қилишга даъват қилиб, халққа қилган яхши амаллари Аллоҳга мақбул келишини яъни жамоат ичида яшаб, лекин Аллоҳ таолога доимий ибодат қилиб боришни тарғиб қилмоқда. Шу ўринда Ғаззолий Умар ҳазратларининг қуйидаги фикрларини келтиради: “Тунда ухласам – нафсимга бўйсунган бўламан, кундуз ухласам – фуқароларимга зарар бераман. Бу иккиси ўртасида ухлаш менинг учун мумкинмикан?– дея одамларни тафаккур қилдирган эканлар. Демак, нафснинг халқ билан, қалбнинг Аллоҳ билан бўлиши жуда қийин масала ва мушкул бир ишдир.Бироқ, Ғаззолий халқни доимо пайғабаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг қуйидаги ҳадисига амал қилишга

чақиради: “Умматимнинг дунёда узлатга, ёлғизликка чекиниши – масжидларда ўтириб Ҳақ таолога юзланиб ибодат билан машғул бўлишидир”. Бу ҳадисдан халқдан узилиш жоиз эмаслиги англашилади. Ғаззолийнинг фикрича, масжидда ибодат билан машғул бўлмоқ ва халққа аралашмоқдан мақсад зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бирга бўлишдир. Зотан, ҳақиқий узлат мана шудир. Асло халқдан тамоман узилиш дегани эмас.

Жумладан, Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида халққа хизмат қилиш, манфаатини ҳимоя қилишга даъват қилинади:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон, Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам [7].

Дарҳақиқат, эл ғуссасин сингурмак, яъни халқ ғами билан яшамоқ, халқнинг дардини англаб, унга малҳам бўлмоқ, ҳар бир ишда халқ манфаатини кўзламоқни мақсад қилиб яшаш юксак инсоний фазилатдирки, натижада бундай сифатларга эга киши эл орасида маҳмуд – обрў-эътиборли, мақтовга сазовор зотга айланади. Албатта, бундай фазилат эгаси бўлиш осон эмас, бунинг учун йиллар давомида халқ манфаати йўлида тинимсиз заҳмат чекиш, ўз мақсадига эришишда сабр-тоқат, қатъият, матонат билан иш тутишга тўғри келади. Навоий “Арбаъин” асарида “Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди” деган машҳур ҳадисни қуйидагича талқин қилади:

Мўъмин эрмастур, улки иймондин Рўзгорида юз сафо кўргай.

Токки қардошига раво кўрмас – Ҳар неким ўзига раво кўргай.

Навоий танлаган ҳадисларнинг деярли барчасида комил инсон ахлоқига оид қарашларини ўзида акс эттирганини кўришимиз мумкин. Бу ҳадисларда инсонлар яхшилик қилишга чорланади, ёмон иллатлардан қайтарилади, умуман олганда, улар инсоннинг ҳаёт ва жамиятдаги вазифасини англатади. Масалан, “Инсонларнинг энг яхшиси – инсонларга фойдалироғидир” деган ҳадисни Алишер Навоий туркий тилда шундай ифода этади:

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?

Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин. Яхшироқ бил ани улус ароким, Етса кўпрак улусқа нафъ андин.

Кўриб ўтганимиздек, ушбу шарҳ орқали инсоннинг улусга – жамиятга хизмат қилиши улуғланади [8]. Навоий халқпарварлик инсондан ўта фидойиликни талаб этишини, чунки даврон элининг жисмида жон бўлишгина эмас, балки бу жонлар учун дармон манбаи бўлиш кераклигини таъкидлайди. Бунинг учун эса халқ билан мулоқотга киришиш, унга янада яқин бўлиш зарурдир.

Тасаввуф таълимотида халқ билан мулоқот қилган киши ўзига раво кўрган яхшиликни халққа илиниш, ҳеч қачон фақат ўз манфаатини биринчи ўринга қўйиб олмаслиги энг юксак ахлоқий фазилатларидан бири ҳисобланади. Бундай фазилат – касби кори, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун энг зарур ахлоқий сифат бўлиши лозим. Мутасаввифларнинг таълимотида халқпарварлик асосий ўринни эгаллайди. Ислом динида раҳбония, яъни таркидунёчилик йўқ,

чунки ҳар бир инсон бир-бирига хизмат қилиши керак, бир-бирининг оғирини енгил қилиши керак. Умуман олганда, мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг диний,фалсафий ва маънавий асоси бўлган Қуръон, ҳадислар ва мутафаккирларнинг таълимотлари ислоҳотларни самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, халқимизни маънавий-ахлоқий камолотини юксалтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва ва фаровон,демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент: Ўзбекистон ,2016. – Б.17.
2. Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши улуғ,ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Т.3

– Тошкент: Ўзбекистон,2019.– Б.45.
3. Жомиъ ас-сунан. (Сайланма). (Матн)/ Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий; таржима ва изоҳлар муаллифлари:Ҳ.Аминов, М.Исмоилов, Б.Абдуллаев; масъул муҳаррир О.Қориев; ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти – Тошкент: “Movarounnahr”, 2018. Б. 199.
4. Минг бир ҳадис/ Шайх Абдулазиз Мансур.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи,2018. Б-151.
5. Ислом. Энциклопедия. Т.:ЎзМЭ., 2017. Б.628.
6. Абу Ҳомид Ғаззолий Саодатга элтувчи илм/ Абу Ҳомид Ғаззолий; таржимон : Миразиз Аъзам.– Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи,2018. Б-67.
7. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т. Янги аср авлоди,2019.– 5 бет.
8. Алишер Навоий. Арбаъин. Сирож ул-муслимин.Муножот. Рисолаи тийр андохтан. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.261-308.
9. Samatov Kh. Preaching of compatible of ideology in Education Khojagi Akhmad Kosoni Makhdumii Azami. //International Research Journal of Social Sciences. E-ISSN 2319-35-65 Vol.5 (5), 1-5.May (2016). India.
10. Samatov Kh. Naqshbandi teaching peace and harmony in society issues (Based on the teachings of Sayyid Jaloliddin Ahmad Khoja-Kasani Makhdumi Azami. // Materials of the International Scientific Practical Conference. «Theoretical & Applied Science».USA. Philadelphia, 2016. P.175-179.
11. Саматов Х.У Социальные вопросы в учение Махдуми Азам Касаний. // “Ученый XXI века” научный журнал. Россия. 2016.№ 2. – Б.63-67.

ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ ҲАҚИДА

С. Абдивоҳидов
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ижтимоий фанлар кафедраси в.б доценти фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Жадидчилик ҳаракатини тадқиқ қилиш шуни кўрсатмоқдаки, Туркистон жамиятида сиёсий мақсадлар сари интилиш яққол намоён бўлди. Маърифатпарварликдан аста-секин сиёсий ҳаракатлар етакчисига айланган зиёлийларнинг янги бир авлоди вужудга келди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат Абдулҳамид Чўлпон, каби жадидларимизнинг ғоялари халқимизни маърифатли қилиш, ўзлигини англашга тайёрлаш ва шу йўл билан миллий озодликка эришишни таъминлашдан иборат эди. Уларнинг ижодида, сиёсий фаолиятида миллий мафкурамизнинг илдиз ота бошлаганини аниқ кўрамиз.

Жадидчилик ҳаракати ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида 1915 йилдан бошлаб маърифатчиликдан сиёсатга қараб йўл тутди.[98] Бу ҳаракат ўзининг турли даврлардаги тараққиёт босқичларида бир қатор сиёсий кучлар большевиклар, кадетлар, эсерлар билан ҳамкорлик қилди. Бундай кураш услуби ҳозирги даврда жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда.

Жадидчилик маърифий ҳаракатдан сиёсий ҳаракатга айланди, у ташкилий жиҳатдан шаклланди. Ўлка мусулмонлар шўроси (Ўлкамусшўро) тузилди. Бу даврда “Турк адами марказияти федералистлар фирқаси”, “Иттифоқи муслимин” сиёсий партиялари Туркистон мухторияти учун, унинг демократик тарзда қайта қурилиши учун курашди, бунда парламент тизимининг европача шаклини қарор топтириш ғоясини илгари сурди ва қисқа муддат бўлса ҳам бунга эришдилар.

Маърифатчиликнинг тор доирасидан фаолият бошлаган жадидчилик ҳаракати сиёсий ҳаракатга айланиб, ўз олдига жамият ва уни бошқаришни қайта қуришдек улкан вазифаларни қўйди. Улар аввал бошда ўзларининг ғоявий қарашларини, ҳаракат дастурларини шакллантириб, ўзларининг сиёсий партияларини туздилар. Жумладан, жадидчилик Татаристонда “Мусулмон иттифоқи”, Туркистонда “Шўрои исломия”, Бухорода “Ёш бухороликлар”, Хивада “Ёш хиваликлар” каби инқилобчилар партиялари юзага келди. Жадидчиларнинг ташкилий тузилмалари асосан 1910 йилдан кейин шаклланган ва уларнинг дастурида марказий ўринни Ф.Хўжаев таъбири билан айтганда “жадидларнинг энг илғор қисмининг программа максимумида асосий ўрин тутган ғоя, Бухорода ғарб намунасидаги капитализм ва демократияни ривожлантириш бўлган ва унинг ўзи ҳам бу ғояга хайрхоҳ бўлган. У ўзининг

[98] Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005, Б. 12.

1926 йилда чоп этган асарида шу ғояга таяниб, демократия ва капитализм биргаликда тасаввур этиш ғоясини илгари суради ва мавжуд тузум бу тушунчаларга вақтинча бўлса-да ҳалал бера олмаган. [99]

Яширин фирқалардан бири "Жадид тараққийпарварлар фирқаси" эди. Бу фирқа А.З.Валидий Тўғоннинг ёзишича, миллий радикал фирқа бўлган. У асосан ноинқилобий йўл – социал-демократик ислоҳотчилик йўлидан борган.

Бу фирқа ҳақида тўла маълумотлар йўқ. Унинг фақат Закий Валидий ёзган 19 бандлик дастури сақланиб қолган.

Жадидларнинг бу миллий радикал фирқасининг асосий мақсади Туркистонни озод ва мустақил кўришдан иборат эди. Бу вазифани амалга ошириш учун "Эрк" социалистик фирқаси ишчилар синфини асосий куч ҳисоблаб, синфий курашдан келиб чиқадиган социал инқилобга суянган бўлса, жадид тараққийпарварлари фирқаси юқорида кўрсатилганидек ноинқилобий йўлни танлади. Бундан ташқари жадид радикал фирқаси "Эрк" социалистлари каби комфирқа дастурига асосланган дастур тузиб, халқаро ишчилар уюшмаси – Социалистик Ишчи Интернационал ёрдамига умид боғламайди. У маҳаллий имконият ва шароитлар ҳамда миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, ўз мустақил йўлини амалга оширмоқчи бўлган. Дастурда кўрсатилишича, у Туркистонни озод ва мустақил қилиш учун ҳукуматни миллийлаштириш, миллат – тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одат бирлигига асосланади.

Бу иккала фирқа дастурларида эътибор берилган масала мажмуи ва уларнинг ечимидан кутилган мақсадлар бир хил. Бироқ шундай бўлса-да, миллий радикал жадид фирқаси дастурига кирган 19 моддадаги баъзи бир масалалар қуйидагича ўзига хос миллийлик ва аниқ амалий характерга ҳам эга эди. Унинг қисқача мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Миллий маданиятга эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш ҳаётнинг асоси бўлиши керак. Бу эса барча миллатларнинг идеали. Мақсадимиз Туркистонни мустақил этиб, ҳукуматни ҳам миллий қилиш. Миллат тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одат бирлигига асосланади.

2. Озод Туркистонда давлат формаси ва идораси Жумҳурият бўлиб, ҳокимият асосини демократик йўл билан сайланган миллат мажлиси ёки вилоят, шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари (земство) ташкил қилади.

3. Мамлакатда виждон эркинлиги тўла таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатни эркин равишда бошқариш давлат йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бошқа дин миссионерларининг иш олиб боришларига рухсат берилмайди.

4. Мамлакатнинг асосий солиғи киримга қараб олинажак. Меросдан ҳам солиқ олинажак. Туркистонда эски замонлардан қолган ҳар хил олиқ-солиқлар бекор қилинажак.

[99] Алимова Д.А. XIX аср охири-XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Тошкент: "Университет", 1999.-Б.100.

5. Ер масаласида асос-ернинг, ер ости ва ер усти бойликларининг, ўрмоннинг, ҳавзанинг давлат мулкига ўтиши, ер деҳқонларга (қишлоқ крестянларига) хусусий мулк қилиб берилажак.

6. Туркистоннинг озодлиги иқтисодий мустақиллик асосидагина амалга оширилур. Шунинг учун Туркистон бошқа қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатларнинг ҳозирги замон формаси асосида оёққа туриб, тобора ривожланиб боришини таъмин қилишга ҳаракат қилажак.

7. Туркистонда ишчилар масаласи бу мамлакатдаги, миллий саноатнинг ўсишига боғлиқ. Ишсизларнинг иш шартлари, иш соати, болаларнинг ва хотинларнинг иш шартлари, страхование ва бошқа масалалар илғор мамлакатлардаги йўллар бўйича тартибга солинажак.

8. Маориф соҳасида, тўлиқсиз бошланғич таълим олиш имкониятлари яратилажак. Мамлакатнинг ўз гражданлари, давлат манфаатларига қарши келмаган ҳолда хусусий мактаблар очишга ҳуқуқли.

9. Туркистонда энг аввало, профессионал мактаблар йўлга қўйилажак. Оврупага ўқувчилар юборишга аҳамият берилажак.[100]

1921 йил 2-5 августда Бухорода Закий Валидий раислигида миллий бирлик конгресси бўлиб ўтади ва бунда “Ўрта Осиё Миллий Мусулмон Жамиятлари Федерацияси” (кейинчалик Туркистон миллий бирлиги номи билан машҳур бўлган) уюшма тузилади. Миллий бирликнинг дастури Валидий томонидан 1921 йилнинг бошларидаёқ ишлаб чиқилган эди.

Туркистон миллий бирлигининг 1921 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган конгрессида жамиятнинг 24 банддан иборат Устави ва Туркистон байроғи қабул қилинади. 1921 йил 6 сентябрда қабул қилинган Туркистон Миллий байроғи бинафша рангда бўлиб, унинг асоси қилиб X асрдаги салжуқий ва қорахонийлар давридаги байроқ танланган. Алвон рангдаги бу миллий байроққа Маҳмуд Кошғарий китобида тасвирлаб берилган байроқ асос қилиб олиниб, уни Темур ва темурийлар замонида ёзилган қўлёзма асарлардаги миниатюраларга суяниб яратишган эди. Байроқни тайёрлаш ишида Закий Валидий билан бирга Мунавварқори ва Тўрақул Жонузоқ ўғли иштирок этишади.[101]

Жадидлар ҳаракат дастурининг ҳаракатчанлиги кучайиб боришининг ва сиёсий тус олганлигининг сабаблари ҳақида тадқиқотчи олима Д. Алимова шундай ёзади: “...бунинг сабаби иккита эди: биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз-газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимият жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш ғоясининг кенгайтиришига йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар

[100] З. Закий Валидий Тўғон, Хотиралар, Шарқ юлдузи, 1993 йил 7-8-сон, 176-177-бетлар.

[101] Ражабов К.Қ. Жадидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 1999.-Б. 183-184.

қўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш – шу талаблар жумласидан эди.[102]

Мусулмон жамиятларида дин билан давлат ўртасидаги муносабатлар асрлар ўтиши билан ўзгариб борган. Янги даврда дин билан давлат ўртасидаги нисбат мусулмон оламида турли марказларда кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. 1917 йил февраль ойида Россия империясининг парчаланиши Марказий Осиёда руслар таъсирининг заифлашувига олиб келди ва оқибатда миллий давлатчилик ғояси ва исломнинг жамиятдаги ўрни зиёли мусулмонлар орасида қизғин муҳокама этила бошлади.

Жадидчилик ҳаракати ғоявий асосларни ўрганиш жараёнида жадидлар билан ислом уламочилари ўртасидаги муносабат масаласига аниқлик киритиш ҳам ўзининг илмий ечимини кутмоқда. Дарҳақиқат, шуни таъкидлаш керакки, истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳбарлик қилиш борасида жадидлар билан ислом уламочилари ўртасида ўзаро рақобат мавжуд бўлган. Жадидчи истиқлолчиларнинг ўз сиёсий уюшмалари бўлган “Шўрои Исломия”, “Иттиҳод ва тараққий”, “Миллий иттиҳод”, “Миллий истиқлол” орқали таъсири кучли бўлган бўлса, кураш жараёнида устунлик уламочилар қўлига ўтди. Буни мужоҳид раҳбарларининг “жиҳод ва ғазот” ҳақидаги шиорларидан ҳам билиб олса бўлади. Натижада, миллий озодлик характери айрим мутаассиб руҳонийларнинг амаллари оқибатида кўпинча, фақат ислом ғоялари билан чекланиб қолди. Шуниси таассуфланарлики, эшон ва қозиларнинг катта қисми кейинчалик советлар хизматига ўтишади. Истиқлолчилик ҳаракатининг бош мақсади – бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги ғояси ўзгармаган бўлса-да, кураш жараёнида бундай ҳолатларнинг намоён бўлиши ҳаракатнинг янада кенгайишига тўсқинлик қилди.

Фитрат эса Қуръон талқини асосида мамлакат ривожининг яхлит концепциясини ёритиб берди. Унинг фикрича, тадбиркорлик ва савдонинг ривожи билимлар ва миллатнинг бирлиги, жипслигига асосланиши лозим. Катта даромад учун бир-бири билан рақобатлашиш эмас, фабрика каби корхоналар қуриш, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун маблағларни бирлаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожига қулайлик яратади: “Дини мубийнимиз ислом ҳар хусусида ҳам иттифоқ ва бирликни амр этган. Бунинг асосий шартлари эса, унинг фикрича болаларни тадбиркорлик ва бошқа фанларга ўргатиш лозим. Зеро, Қуръонда айтилгандек, “Билмаганлар билганларга тенглаша олмайдилар”.[103]

Шуни таъкидлаш керакки, Туркистон маҳаллий халқларининг инқилобий ўзгаришларга қўшилиши бир хил кечмайди. Туркистоннинг келажагига турлича қарайдиган кучлар мавжуд бўлган. Шу ўринда икки муқобил оқим – ўнглар ва сўлларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

---

[102] Алимова А.Д. XIX аср охири – XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Б.100.

[103] Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар // Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев; Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ.; Маъсул муҳаррир: Н.Каримов/. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Жилд I. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. – 256 – б.-Б.167.

Ўнглар консерватив феодал-диний мафкура вакиллари сифатида майдонга чиқишган. Улар маҳаллий маъмуриятда мансабга эга бўлган ва тегишли имтиёзлардан фойдаланган амалдорлар, феодаллар ва руҳонийлар феодаллар манфаатларини ифода этар эди. Сўллар эса, ижтимоий тузумнинг тубдан ўзгаришидан, мустамлака-феодал сиёсий ва иқтисодий институтларни тугатишдан ўта манфаатдор бўлган ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларини ўзида акс эттирган эди. Ўнглар чор ҳокимияти йилларида мустамлакачилик маъмурияти ва самодержавия сиёсатини тўла-тўкис қувватлаб келишган. Сўллар эса, сиёсий жиҳатдан анча етук ва табақалашган эди. Улар чоризмнинг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатидан норозилигини очиқ айтадиган феодал-диний қатламлар вакилларини ўз ичига олган. Улар қуролли қўзғолон йўли билан озодлик ва мамлакат мустақиллигига эришиш, хон ҳокимияти ва шариат қонунлари, заминдорлар ва мусулмон руҳонийларининг йўқотган имтиёзларини тиклаш, ўлка халқ оммасини европача маданият ва ахлоқ таъсиридан сақлаш ғояларини илгари суришди. Февраль воқеаларидан кейин уларнинг бир қисми демокртия томон қадам ташлаб, ҳаракат қилди. Лекин, бир қатор масалаларда айниқса дин ва шариат масалаларида ўз қарашларида қолишди. Уларнинг бу қисми "Шўрои Уламо" сиёсий ташкилотига бирлашдилар.

Сўлларнинг радикал кайфиятдаги оқими ҳам мавжуд бўлиб, улар февралгача чор самодержавиясига қарши қуролли чиқишда фаол иштирок этишди. Чор ҳукумати ағдарилгандан сўнг уларнинг бир қисми ҳокимиятни зўрлик билан эгаллашни мақсад қилиб қўйди ва большевиклашган советларнинг ғоявий таъсирида бўлди. Кўпчилиги эса Муваққат ҳукумати, сўнгра совет ҳокимияти сиёсатидан қаттиқ норози бўлган ҳолда мустақиллик учун курашган оммавий ҳаракат “истиқлолчилик ҳаракатининг” асосини ташкил этди.

“Ўнглар” ва “сўллар” ўртасини ва ислоҳотнинг маданий йўлини таклиф этган “марказчилар” пайдо бўлди. Улар асосан, миллий зиёлиларнинг манфаатини ифода этади. Сиёсий жиҳатдан эса улар жадидлар, “тараққийчилар” ва бошқа ислоҳотчилар оқимларини ҳимоя этдилар. Февраль инқилобидан сўнг “Шўрои Исломия”, “Турк адами марказият” фирқаси, “Алаш ўрда” ва бошқа мусулмон марказчиларнинг энг кўзга кўринган сиёсий ташкилотлари эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Шўрои Ислом” ва унинг бошқарув таркиби бу ташкилот сафларида мусулмон бирлиги ғояси бирлаштирилган турли дунёқарашдаги вакиллар мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради. Жадидлар ҳаракатининг таниқли йўлбошчилари бўлган Убайдулла Хўжаев, Мунавварқори, Абдулла Авлоний кабилар “Шўрои Ислом” ташкилотининг энг фаол кучлари эди.

Ташкилот Низомида “Шўрои Исломия”нинг мақсад ва вазифалари қуйидагича келтирилади: Туркистон мусулмонлари орасида замонавий руҳдаги илмий ва ижтимоий ислоҳотчилик ғояларини тарқатиш; ғоялар ва мақсадлар бирлиги асосида Туркистон мусулмонларини жиплаштириш бўйича ишларни

кучайтириш; хорижий юртлардаги давлат ҳокимияти тизими ҳақида ахборот йиғиш ва Таъсис мажлисига тайёргарлик кўриш; тарғибот масалаларида шаҳар, қишлоқ ва овулларда намойишларни муттасил ўтказиш; эски маъмуриятни истеъфога чиқариш ва янгисини тайинлаш заруриятини тушунтириш; ўлкадаги турли миллий қўмиталар ва партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш; мусулмон аҳолисининг эҳтиёжлари ҳақида ўз вакиллари орқали маълумотлар етказиш ва зарурият туғилганда улардан ёрдам сўраш ва ҳоказолар эди.[104]

“Шўрои Исломия”нинг ташаббуси билан 1917 йил 16-21 апрелда I Умумтуркистон мусулмонлари съезди ўтказилди. Мазкур сиёсий йиғинда ўша даврнинг асосий сиёсий масалалари бўлган: урушга, Муваққат ҳукуматга муносабат, Таъсис мажлисига тайёргарлик, Россия ва ўлкада бошқаришнинг бўлғуси шакллари, озиқ-овқат тақчиллигидан қутулиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Кўриниб турибдики, “Шўрои Исломия”нинг ташкил этилиши маҳаллий аҳолининг ғоявий-сиёсий ва ташкилий жипслигини яратишнинг асоси бўлиб хизмат қилди. Бу ҳақда Мустафо Чўқаев ўз хотираларида қуйидагича эслайди. “Замоннинг зайли билан “Шўрои Исломия” туркистонликлар учун бегона бўлган босқинчилик натижасида юзага келган, ҳаёт шароитларини ислоҳ қилиш режаси билан сиёсат майдонига чиқди. Шўрои Исломчиларнинг ислоҳотлари Туркия, Афғонистон, Миср, Эрон ва араб мамлакатлари сингари мусулмон давлатларининг ижтимоий ривожланиш тажрибаларига таянди. [105]

Тошкентдаги “Шўрои Исломия”нинг ташкил этилиши натижасида маҳаллий жадидлар ташаббуси билан Туркистоннинг кўпгина шаҳарларида худди шундай сиёсий ва оммавий ижтимоий ташкилотлар тузила бошланди. Жумладан, Самарқандда, “Мирваж-ул ислом” ташкилоти, Каттақўрғонда “Равнақ-ул ислом”, Андижонда “Озод халқ”, “Сана-ул ислом”, Қўқонда “Мусулмон меҳнаткашлари Иттифоқи”, Хўжандда “Муайин ат-толибин” каби ташкилотлар тузилди.[106]

Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1917-1918 йилларда ўлка сиёсий ҳаётида 35 га яқин сиёсий партия, гуруҳ, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар мавжуд бўлган.[107] Буларнинг кўпчилигида жадидчилик ҳаракати вакиллари қатнашган.

Февраль инқилоби Туркистон аҳолиси учун ўзига хос янгиланиш жараёнини бошлаб берди. Энди Туркистон аҳолиси ўлкани бошқариш бўйича демократик ўзгаришлар қилиш, етилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш, мустамлака зулмини тугатиш масалаларини кўтариб чиқди. Бир сўз билан айтганда, ўлкада ижтимоий ғоялар миллий ғоялар билан, мустамлака тобелигини тугатиш муаммоси билан қоришиб кетди.

Хулоса қилиб айтганда даставвал Россия марказида қарор топган совет режими Туркистон ўлкасида ҳам ўрнатилди. Зўравонлик ва халқларни эзишга

---

[104] Қаранг: “Нажот”, 1917, 9 апрель.
[105] Қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. (1917 йил хотиралари). Тошкент. 1993.
[106] Қаранг: “Кенгаш”, 1917, 19 июль.
[107] Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихининг муҳим муаммолари. Илмий назарий конференция материаллари 25-26 ноябрь. 1992 йил. Тошкент, 1992.-Б.52.

қаратилган совет режими ўзининг илк кунларидан бошлаб Туркистондаги туб халқларга нисбатан мустамлакачилик сиёсатини юритди. Чор Россиясининг мустамлакачилик тизими совет Россияси даврида янада такомиллаштирилди. Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг фаолияти сиёсий партиялар тузилиши, улар томонидан дастурий ҳужжатлар қабул қилиниши Туркистонда миллий ҳаракатнинг кенг қулоч ёйганидан далолат берар эди. Бироқ юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Петроградаги октябрь тўнтариши оқибатида 1917 йил октябрь-ноябрь ойларида Туркистон ўлкасида, хусусан, Тошкент ва Қўқонда юз берган воқеалар миллий озодлик ҳаракатини бутунлай бошқа йўналишдан кетишга мажбур қилди.

Жадидларнинг ҳаракат дастурида маърифийлик билан бир қаторда, сиёсий ҳаракатчанлик асослари ҳам белгилаб берилган. Бу сиёсий ҳаракатчанлик уларнинг сиёсий партиялари фаолиятлари орқали намоён бўлган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., Ўзбекистон, 2005, Б. 12.

2. Алимова Д.А. XIX аср охири-XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Тошкент: “Университет”, 1999.-Б.100.

3. Закий Валидий Тўғон, Хотиралар, Шарқ юлдузи, 1993 йил 7-8-сон, 176-177-бетлар.

4. Ражабов К.Қ. Жадидлар – истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 1999.-Б. 183-184.

5. Алимова А.Д. XIX аср охири – XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш.-Б.100.

6. Фитрат, Абдурауф. Танланган асарлар // Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ҳ. Болтабоев; Таҳрир ҳайъати: О.Шарафиддинов ва бошқ.; Маъсул муҳаррир: Н.Каримов/. – Т.: “Маънавият”, 2000. – Жилд I. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. – 256 – б.-Б.167.

7. Қаранг: “Нажот”, 1917, 9 апрель.

8. Қаранг: Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. (1917 йил хотиралари). Тошкент. 1993.

9. Қаранг: “Кенгаш”, 1917, 19 июль.

10. Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихининг муҳим муаммолари. Илмий назарий конференция материаллари 25-26 ноябрь. 1992 йил. Тошкент, 1992.-Б.52.

САДРИДДИН АЙНИЙ АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ҲАҚИДА

Х. Бердиев
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири, PhD

Садриддин Айнийнинг бой адабий мероси наср, назм, адабиётшунослик ва тилшунослик тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга. У Алишер Навоий меросини кенг тарғиб қилиш, мутафаккир асарлари нашрини амалга оширишдек хайрли ишларда фаоллик кўрсатиш баробарида ўзбек ва тожик халқлари адабий алоқалари масаласида ҳам йирик илмий ишларни амалга оширган. Шулардан бири олимнинг “Алишер Навоий ва тожик адабиёти” тадқиқотидир.

Мақола муқаддимасида олим қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: “Ўзбек халқининг буюк олими ва мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг тожик адабиёти соҳасида қилган хизматлари каттадир”.

“Алишер Навоий ва тожик адабиёти” мақоласида Алишер Навоийнинг форс-тожикча тахаллуси, девони, “Муфрадот” асари, Навоий ёрдами ва бевосита топшириғи билан ёзилган тожик тилидаги асарлар ҳамда ёш тожик ижодкорларига хомийлиги каби масалалар ёритилган. Алишер Навоийнинг форс-тожикча тахаллуси хусусида тўхталиб, муаллиф шундай дейди: “Алишер ўзбекча асарларида “Навоий” тахаллусини ишлатган бўлиб, форс-тожикча шеърларида “Фоний” тахаллусини қабул этган. Шунинг ила баробар баъзи ўзбекча асарларини “Фоний” ва тожикча асарларини “Навоий” тахаллуси билан ёзган”. Бу ўринда муаллиф мисол тариқасида Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарини ҳам эслатиб ўтади. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилида яратилган асари “Девони Фоний” хусусида сўз борар экан, бунда муаллиф Ғиёсиддин Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарида келтирилган маълумотларга кўра, девонда олти минг байт жамланганини айтиб ўтади. Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга бағишлаб ёзган “Туҳфат ул-афкор” қасидаси ва Жомий вафоти муносабати билан ёзган марсияси форс-тожик адабиётининг шоҳ асарлари сирасига киришини мисоллар асосида кўрсатади. Шоирнинг Жомийга бағишлаб ёзган “Туҳфат ул-афкор” номли қасидаси форс-тожик адабиётида машҳур шоҳ асарлардан биридир. Муаллифнинг уқтиришича, Алишер Навоий нафақат туркий, балки форс-тожик тилида ҳам юксак маҳорат билан етук асарлар яратган ва бу борада ҳам устоз ҳисобланади. Алишер Навоий форс-тожик тилидаги асарлари сирасида Жомий вафоти муносабати билан ёзилган марсияси тожик адабиётидаги марсияларнинг энг жонсўзларидан бири саналиши, бу асар ҳали-ҳануз ўқувчини ларзага солишига алоҳида урғу беради.

Мақолада муаллиф Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги бадиий мероси билан бир қаторда, шу тилда яратилган илмий-адабий асарларига ҳам тўхталади. Хусусан, бунда муаммо жанрининг қонун-қоидалари ёритилган “Муфрадот”ига алоҳида эътибор қаратилади. Садриддин Айнийнинг ёзишича,

“Навоий бу жанрни умумийлаштириш ва ёшларга ўргатиш йўлини осонлаштириш учун муаммонинг мутахассисларидан бўлган Мавлоно Камолиддин ва Мавлоно Шамсидинларга муаммо қоидаларига оид китоблар ёздирган”. Аммо уларнинг китоблари муваффақиятсиз чиқади... Ниҳоят, шоирнинг ўзи бу ишга қўл уради. Натижада, унинг китоби бошқалардан шу жиҳатдан фарқ қиладики, ҳар бир қоида учун келтирилган мисолда талаба ҳанузгача кўрмаган қоидага дуч келмайди ва ўқувчи ўша қоида асосида мисолдан маълум номни осонлик билан чиқаради.

Алишер Навоийнинг таклифи ёхуд ҳомийлигида яратилган форс-тожик тилидаги асарлар турли мавзуларда бўлиб, мақола муаллифининг кўрсатишича, уларнинг умумий миқдори элликдан ортиқдир. Алишер Навоийнинг ўша давр ёш тожик ижодкорлари камолотида ҳам ўрни муҳимдир. Садриддин Айний мақолада “Ёш тожик ижодкорларининг катта бир қисми Алишернинг моддий ва маънавий тарбияси соясида ўсган. Алишер камтарлик қилиб, бу тўғрида оғиз очмаса ҳам, бизга бу ҳол бошқа манбалардан ва Навоий замондошларининг эсдаликларидан маълумдир. Мисол учун бундай ёшлардан бир нечасини эслатиб ўтамиз”, - дейди ва бу жумладан Сайфий Бухорий, Осафий, Ҳилолий, Биноий сингари ёш шоирларнинг илм эгаллашлари ва бадиий ижодда ном қозонишида устоз Навоийнинг кўмак ва маслаҳатлари муҳим бўлганлигини таъкидлайди.

Садриддин Айнийнинг Навоийнинг форс-тожик тилидаги адабий мероси, айниқса, “Девони Фоний”, унинг нусхалари тадқиқи борасидаги кузатишлари ҳам диққатга сазовордир. Садриддин Айнийнинг бошқа тадқиқотлари қаторида “Алишер Навоий ва тожик адабиёти” мақоласи ҳам ўзбек ва тожик адабиётлари тарихини ўрганишга, шунингдек, навоийшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилган салмоқли ишлардан биридир. Мазкур мақола хулосасида Садриддин Айний ўша даврда навоийшунослик олдида турган ўта муҳим вазифаларни шундай баён қилади: “Буюк олим ва улуғ мутафаккирнинг хотираси ҳурмати тожик ва ўзбек адабиётшуносларидан қўлни қўлга бериб, унинг тожикча асарларини топиб, илмий-тадқиқий йўл билан ишлаб чиқишни талаб қилади. Шоирнинг тожикча асарлари, қўлёзмалари сақланаётган кутубхоналардан изланиши лозимдир. Буларни излаган ва ишлаган илм аҳллари ажойиб натижалардан қуруқ қолмаслар” [1].

Садриддин Айний қаламига мансуб мазкур мақолада илгари сурилган фикр-мулоҳазалар адабиётлараро алоқалар янги поғонага кўтарилган бугунги даврда алоҳида аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1.Садриддин Айний. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том. – Тошкент, 1967. – Б. 29-30.

ISMOIL AL-BUXORIY MEROSI VA UNING YOSh AVLOD TARBIYASIDAGI O‘RNI

M. Lapasova
JDPI 1-kurs magistranti
Ilmiy raxbar: **dots. F.E.Toshboyev**

Ma’lumki, IX–XII asrlarda Markaziy Osiyoda islom madaniyati gullab yashnagan davr hisoblanadi. O‘rta Osiyoda uning eng yorqin ta’siri islom dinining keng ommalashishida kuzatiladi. Bu paytda tabiiyki, qadimdan mavjud bo‘lgan mahalliy dinlar zardushtiylik, otashparastlik, shomoniylik - ko‘k tangriga e’tiqod buddizm va boshqa dinlar surib chiqarildi. Islom ta’limoti shu paytda mavjud bo‘lgan davlat hokimiyatlarining ichki va tashqi siyosatida bosh, yo‘naltiruvchi g‘oyaviy kuch bo‘lib xizmat qildi.

Jamiyatda islom diniga, Qur’oni Karimga ehtiyoj kuchaydi. Ammo hamma ham Qur’oni Karimni o‘qiy olmas, uning mazmunini chaqa olmas edi. Bu esa Qur’onning mazmunini sharhlash va tafsiri ilmining bilimdonlari yetishib chiqa boshladi. Imom Abu Mansur Moturidiy, Imom Abu Lays ibn Muhammad Samarqandiy, Imom Zamahshariy, shayx Najmiddin Kubro, Imom Nasafiy va boshqa o‘nlab allomalar ana shular jumlasidandir.

Islomning xalq ma’naviy hayotiga singib borishi payg‘ambarimiz va sahih xalifalarning ijobiy xislatlari, pand-nasihatlari, keng ommaga ibrat bo‘larlik hayot faoliyatlari haqida bayon qiluvchi – “Hadis”larga ham talabni oshirdi. Natijada o‘lkamizda Qur’oni Karimni sharhlovchi va uning tafsirini bayon qiluvchi allomalar yetishib chiqa boshladi. Islom madaniyatining Qur’oni Karimdan keyin ikkinchi o‘rinda turadigan nodir manbalaridan biri – Hadis, ya’ni Muhammad alayhissalomning diniy va axloqiy ko‘rsatmalari, hikmatli so‘zlaridir. Hadislar Rasulilloh hayotlik chog‘larida asosan, yodda saqlangan, uni kitob holida jamlab tuzishga ijozat bermaganlar. Hadislar to‘g‘risida fikr yuritilganda, uch xil yo‘nalish nazarda tutilgan: bu “Musnad”, “Sahiyh”, “Sunan” yo‘nalishidagi hadislardir.

1.“Musnad” yo‘nalishida tasnif etilgan to‘plamlarda turli mavzulardagi hadislar bir joyga keltirilib, ular hadis rivoyat qiluvchi sahobalarning islom dinini qabul qilgan vaqtga ko‘ra yoki alifbe tartibida joylashtiriladi.

2.“Sahiyh” yo‘nalishidagi hadislar to‘plamiga buyuk muhaddis, vatandoshimiz Imom Buxoriy asos solgan. Bu yo‘nalishda ta’rif etilgan to‘plamlarga faqat to‘g‘ri, ishonarli, asosli hadislar kiritilgan.

3.“Sunan” yo‘nalishidagi to‘plamlarda barcha hadislar (“zaif” hadislar ham) keltirilgan.

Hadischilikning rivojlanishida IX asr oltin davr hisoblanadi. Chunki Islom dunyosida eng nufuzli deb tan olingan oltita ishonchli hadislar to‘plamining mualliflari ham xuddi shu asrda yashab ijod qilganlar va yana ularning hammasi Markaziy Osiyo tuprog‘ida yetishib chiqqanlar. Ular Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil Al-Buxoriy, Imom Muslim ibn Al-Hajjoj, Abu Iso Muhammad At-Termiziy,

Imom Abu Dovud Sulaymon, Imom Ahmad An Nasoniy, Imom Abu Abdullo Muhammad ibn Yazit zotlardir.

Hadis ilmining Amir-al mo‘minini degan sharafli nomga sazovor bo‘lgan muhaddis olim Ismoil Al-Buxoriy (810–871) hatto 12 yoshligidayoq Buxoro madrasalarida dars beruvchi mudarrislar bilan bahs-munozara olib borgan, ayrimlarining xatolarini topa boshlagan. 826 yilda onasi va akalari bilan haj safariga borib, hijozda olti yil yashab, hadis ilmini astoydil o‘rganadi. Islom olamining yirik markazlaridan biri bo‘lgan Damashq, Qohira, Basra, Kufa, Bag‘dod kabi shaharlarni kezib chiqadi. Bu yerlarda u hadis ilmi bilan bir qatorda, fiqxdan ham ta’lim va saboqlar oladi, yirik olimlar davrasidagi bahsmunozaralarda qatnashadi, ilmi toliblarga ham dars beradi.Imom Buxoriyning ustozlari juda ko‘p, ba’zi ma’lumotlarga qaraganda to‘qson kishi atrofida bo‘lgan. Ayni vaqtda o‘zi ham minglab shogirdlar yetishtirgan, Muslim ibn Hajjoj, Iso At-Termiziy An-Nasoniy Abu Zur’a, Yusuf AlForobiy, Abu Bakr mashhur muhaddislardir.

Imom Buxoriy hazratlari jami 600 ming hadislarni to‘plaganlar. Shulardan 100 ming “sahiyh” hadislarni va 200 ming “g‘ayri sahiyh” hadislarni yoddan bilganlar. Hadislar ilmi bobida imom Buxoriyga teng keladigan biror kimsa musulmon olamida bo‘lmagan.

Imom Buxoriy hazratlaridan ulkan va boy meros qolgan. Ismoil o‘z davrining ilmli shayxlaridan bo‘lib, hadislarni yig‘ish bilan shug‘ullanib ,islom diniga qattiq itoat etganlar va ikkinchi farzandlari tug‘ulganida, Allohdan uni islom bilan sharaflashini va ilmdan bahramand etishini so‘rab,” Guvoh bo‘linglarki uning ismini Muhammad qo‘ydim…, Guvoh bo‘linglarki, bu ismni qo‘yishdan murodim,inshaaloh, o‘g‘lim Muhammadni faxri koinotga sodiq inson qilib tarbiyalashdir, …” deb niyat qilganlar va vafotlaridan oldin ayollariga shunday vasiyat qilganlar “Vasiyatim esingizda bo‘lsin, o‘g‘lim Muhammadga yaxshi ilm berasiz,Rasululloh hadislarini to‘plash va tadqiq qilish ishlariga rag‘batlantirasiz. Chala qolayotgan ishlarim unga meros… ”. Bu haqida 1998 yilda o‘tkazilgan yubiley tantanalarida juda ko‘p ma’lumotlar keltiriladi. Al Buxoriyning 1225 yillik yubileyi munosabati bilan Samarqand yaqinidagi Xartang (hozirgi Chelak tumani) qishlog‘ida juda katta ziyoratgoh majmui bunyod etildiki, bu O‘zbekiston davlatining buyuk vatandoshimizga va o‘tmish ma’naviyatiga, islom dini ta’limotiga bo‘lgan izzat-hurmati nishonasidir. Buxoroyi Sharif qadimdan ilm – fan, madaniyat Islom dini markazlaridan biri bo‘lib, o‘nlab pirlar va islom dini namoyondalari vatani bo‘lgan. Garchi islom dini Arabiston yarim orolida paydo bo‘lgan bo‘lsada ,uning rivoji Markaziy Osiyoda ,xususan Buxoroda o‘rta asrlarda faoliyat ko‘rsatgan va islom dini rivojiga salmoqli hissa qo‘shgan 100 lab olimlar, tasavvuf allomalari nomlari bilan bog‘liqdir. Jumladan Buxoroda tug‘ulib, islom dunyosida ta’nilgan Imom al Buxoriy, Abdulxoliq G‘ijduvoniy, Said mir Kulol, Bahouddin Naqshbandiy kabi mutafakkirlarni tilga olishimiz farz hisoblanadi. Ularning nomlar butun islom dunyosida chuqur hurmat bilan tilga olinadi. Inkor qilmaymiz, sobiq sho‘ro davrida ularning nomlari ichki mustamlakachilik siyosatida xalimiz ongidan o‘chirishga harakat qilingan, ammo xalqimiz va islom olami ularni hech qachon unutmagan va imkon tug‘ulishi bilan xotiralari abadiylashtirildi.

O‘zbekiston tarixi yoshlarga xalqimizning o‘tmishi, tarixi haqida bilim berish bilan chegaralanib qolmaydi, u yoshlarni vatanparvar, ma’naviy jihatdan komil fuqaro etib shakllantirishga xizmat qiladi. Vatanimiz tarixi “Har bir fuqaroni, jumladan, yoshlarimizni boy madaniy merosimizni qadrlashga, uni ko‘z qorachig‘iday avaylab-asrashga, yurak-yurakdan iftixor qilishga o‘rgatadi. O‘zimizning boy o‘tmish merosimizdan madad va ibrat olishga imkon beradi. Odamlar qalbida ezgulik tuyg‘ularini uyg‘otib, bugungi avlod kimlarning avlodi, kimlarning zoti va vorislari ekanini anglashga undaydi “.Mustaqillik qo‘lga kiritilgach, Vatanimiz tarixida burilish pallasi, ma’muriy-buyruqbozlik boshqaruviga asoslangan totalitar tuziimdan erkin, demokratik tuzumga o‘tish davri boshlandi. O‘tish davrida eski ideallar, g‘oyalar, odatdagi tafakkur va axloq me’yorlari buziladi, milliy qadriyatlar qayta baholanadi, muqobil nuqtayi nazarlar paydo bo‘Iadi, allaqachon unutilgan qarashlar qayta uyg‘onadi. Tarixiy tajriba va saboqlar esa dunyoda nimalar o‘zgardi, nima uchun o‘zgardi, qanday qarashlardan tezroq xalos bo‘lish kerak degan savollarga javob topishga, yangi jamiyat qurishning muqobil yo‘llarini mushohada qilib, eng to‘g‘risini topishga, xatoga yo‘l qo‘ymaslikka undaydi. Tarix fani, olam yagona va yaxlit, O‘zbekiston uning ajralmas bir qismi, shu orada sodir bo‘layotgan voqea- hodisalar umumiy va o‘zaro bog‘lanishda, uzluksiz harakatda ekanligi xususida to‘g‘ri tasavvur, tushunchalarni shakllantiradi.

Shu o‘rinda ta’kidlash lozimki, davlatimiz rahbarining 2017-yil 23-iyundagi “O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida O‘zbekistondagi Islom madaniyati markazini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori ijrosi doirasida keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqdalar. Shavkat Mirziyoyev 1-sentabr kuni Hazrati Imom (Xastimom) majmuasida bo‘lib, mazkur markaz loyihasi bilan tanishdilar.

Mamlakatimizda muqaddas dinimizni, ulamolarimizning boy merosini o‘rganish, tarixiy obidalarni asrab-avaylashga alohida e’tibor qaratilmoqda. Samarqandda Imom Buxoriy xalqaro ilmiy-tadqiqot markazi tashkil etilmoqda, Sherobod tumanidagi Abu Iso Muhammad Termiziy, Qarshi tumanidagi Abul-Mu’iyn Nasafiy ziyoratgohlari va boshqa qadamjolarda qurilish-ta’mirlash ishlari bajarilmoqda.

Xulosa o‘rnida buyuk mutafakkir Hofiz Ahmad ibn Hajar Aslaqoniyning Imom al-Buxoriy haqida aytgan quyidagi fikrlarini keltirmoqchiman “Agar keyingilarida Imom Buxoriyni maqtash eshiklari chiladigan bo‘lsa, uning madhiga qog‘ozlar yetmay, nafaslar toqat qila olmay qolur. Zero, u bamisoli sohili bo‘lmagan dengiz erur”. Demak qadim tarixga nazar tashlar ekanmiz Buxoro bundan qaryib 1200 yil avvalroq Islom madaniyati markazlaridan biriga aylangan va bu yerdan yetishib chiqgan islomshunos olimlar esa yetti iqlimga tanilganlar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy “Al jome ‘As-sahih ” Toshkent 2013,1-juz

2. Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf “Hadis va hayot” 1-juz, Muqaddima,Toshkent 2004

3. Hofiz Ahmad ibn Hajar Aslaqoniy “Sahihil Buxoriy”

ТЕХНОГЕН ЦИВИЛИЗАЦИЯДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЙҒУНЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ж. Очилов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш марказининг Самарқанд вилояти минтақавий филиали, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

Техноген цивилизация глобаллашувида ижтимоий эҳтиёжлар тизими миллийлик ва умуминсонийлик интеграциясини ташкиллаштирувчи асос, мотив сифатида жамият тараққиётининг ҳосиласидир. Кишилар тарихий бирлигининг муайян типи, муқаррар равишда, миллийлик ва умуминсонийлик интеграцияси этнослараро, давлатлараро: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг горизонтал ва вертикал йўналишларда ривожланганиш даражасига, боғлиқ бўлади. Энг муҳими, техноген цивилизация глобаллашуви шароитида, бу потенциал имкониятларнинг реалликка айланиши учун турли миллат “қадриятлари интеграцияси майдонини” яратишни тақозо қилади.

Луғавий-мантиқий мазмунига кўра, инсоният ҳаётида кузатилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги: интеграция – “марказга интилма”, глобаллашув – “марказдан қочма” ҳаракатни ифодалайдиган тушунчалар сифатида фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан, дунёвий жамиятни ташкил қилган структуравий элементларни, муайян мақсад доирасида функционал интеграциялаштирувчи ва глобаллаштирувчи жараёнлар бирлиги ҳар қандай миллат, элат ва давлатнинг мавжудлик ҳолатини, ижтимоий-сиёсий қиёфасини, ривожланиш тенденциясини ва истиқболини белгилайди. Бунда “глобаллашув ўчоғи”нинг ривожланиш даражаси техноген цивилизация тенденциясини ҳам, суръатини ҳам, келажагини ҳам белгилайди.

Техноген цивилизация глобаллашуви турли халқлар, миллатлар маънавий-маданий қадриятларининг интеграцияси натижасида содир бўлади. Бошқача айтганда, глобал техноген цивилизация маҳаллий, миллий, ҳудудий маданиятлар интеграциялашувини намоён қилади. Мазкур жараёнларнинг асосида умуминсоний универсал-интегратив маънавий қадриятларга эҳтиёж ва уни қондиришга йўналтирилган ҳаракат ётади. Шу нуктаи назардан, маънавий-маданий интеграциянинг ҳосиласи бўлган техноген цивилизация глобаллашуви, инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолишнинг детерминлаштирувчи омилларидан биридир.

Шунинг учун ҳар қандай тарихий ҳодисани ўрганиш, унинг назарияси, методологияси ва амалиёти тарихини комплекс-системали ўрганишни тақозо қилади. Айниқса, глобал муаммолар комплекси шаклланиб, уларнинг ўзаро тақозоланиши кучайиб кетаётган ҳозирги шароитда, аждодларимиз томонидан яратилган техноген цивилизацияга доир бой моддий ва маънавий меросни тиклаш, ижодий ривожлантириш ва глобаллаштириш вазифаларини кун тартибига қўймоқда.

Бу вазифаларнинг умумфалсафий-методологик аҳамияти, дунёдаги ҳар бир халқ, миллат ва давлатнинг маънавий-маданий тараққиёти ижтимоий-тарихий асосларига мос тарзда ривожланиши ёки инқирозга юз тутиши миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришга боғлиқлигини назарий жиҳатдан асослаши билан изоҳланади.

Техноген цивилизациянинг ҳозирги босқичида жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатлари интегрциялашуви ва глобаллашуви универсал умуминсоний қадриятлар шаклланишига олиб келмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, глобал қадриятларда миллийлик шартли ва хусусий ҳолга айланиб, умуминсоний тамойиллар устуворлашмоқда. Лекин, иккинчи томондан, глобаллашув шароитида, миллатларнинг ўзаро ассимиляциялашиб, миллий қиёфаси йўқолиб кетишига қарши: ўзлигини англаш, тарихий хотирасини тиклаш, ўз-ўзини сақлаш "ижтимоий рефлекси ва инстинкти" ҳам кучаймоқда.

Мустабид тизимда миллий қадриятларга муносабат "революцион ишчилар синфи"нинг ҳукмрон сиёсий партияси мафкураси, қолаверса "катта оға" манфаатлари асосида белгиланган. Яъни "қизил империя" таркибидаги миллий қадриятлар мавҳум "совет халқи" манфаатларига мос тарзда, стандартлаштириш (мажбуран байналминаллаштириш) сиёсатини амалга оширишга хизмат қилган. Бундай шароитда миллий маданий меросга нигилистик муносабат шаклланган ва тарихий қадриятлар "девальвацияга" учраган.

Шунинг учун ҳам мустақиллик йиллари мамлакатимизда халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, халқимизга миллий ўзлигини англатиб, руҳий-маънавий юксалтириш учун тарихий қариятларни тиклаш ва ижодий ривожлантириш, давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида: "биз жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва амалда жорий этишни олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Биз ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни давлатлар, шу билан бирга, халқаро институтлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этамиз"[108], деб таъкидлади.

Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришнинг, умуман инсоният тарихий тараққиётида, хусусан глобал техноген цивилизацияни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, муҳим илмий-методологик аҳамиятга эга. Бунда миллий ва умуминсоний қадриятлар интеграциялашиш хусусиятларини, уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий

[108] Қаранг: Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутк. - Тошкент: «Ўзбекистан» НМИУ, 2016. - 27 6ет.

жараёнларига таъсир имкониятларини, йўналишларини ва механизмларини аниқлашда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг миллий маданий қадриятлар тарихини ўрганиш хусусидаги методологик тавсияларига, назарий хулосаларига, айниқса, "маданий меросни, олис ўтмишни чуқур ўрганмасдан туриб истиқболни белгилаб бўлмайди. Келажакка интилиш учун ўтмишни ўрганиш, тажрибаларни ўзлаштириш даркор. Лекин, бунда бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўтмиш маданиятни хаспўшлаш ҳам, идеаллаштириш ҳам, мумкин эмас"[109], деган фикрига қатъий амал қилиш зарур.

Ўзбекистонда буюк аждодларимиз яратган бой моддий-маънавий мерослар тикланиб, ривожланишидан, нафақат бу ерда яшаётган миллат ва элат вакиллари, балки дунё халқлари ҳам манфаатдордир. Зеро, мамлакатимизнинг моддий-иқтисодий, руҳий-маънавий жиҳатлардан янгиланишига шу ижтимоий маконни Ватан қилган барча халқ ва этник бирликларнинг асрлар давомида шаклланган ва интеграциялашган тарихий мероси, интеллектуал салоҳияти асос бўлмоқда.

Ўзбекистонда техноген цивилизациянинг бугунги даражаси ва унинг истиқболи ўзбек халқи томонидан яратилган моддий-техник, маънавий-маданий меросини ижодий ривожлантириш, умуминсоний тарихий қадриятларни, замонавий илм-фан ва техника ютуқларини ўзлаштиришга боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган аксиоматик ҳақиқатлиги маълум бўлмоқда. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда яшаётган халқлар томонидан минг йиллар давомида шакллантирилган техноген цивилизация тарихини барча ижтимоий қатламлар ўрганиб, унинг қадриятларини ўзлаштиришлари ва ҳурмат билан муносабатда бўлишлари фуқаролик бурчи даражасига кўтарилиши керак.

Дарқақиқат, муайян Ватанда яшаётган этник бирликларга ҳурмат, аввало, унинг титул миллати тарихий меросига, анъаналарига, урф-одатларига, қадриятларига муносабатида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, этник мансублигидан, иқтисодий аҳволидан, сиёсий мавқеидан, диний эътиқодидан қатъий назар, Ўзбекистонда туғилиб, шу заминни Ватан деб билган ҳар қандай фуқаронинг ўзбек миллати қадриятларига муносабати – манфаатларидаги умумийликни ифодалайди. Аксинча, бошқа миллат тарихий меросига беписанлик ёки лоқайдлик этноэгоистик, этноцентистик кайфиятнинг намоён бўлишидир.

Умуман, ҳар бир кишининг ўзи яшаётган Ватандаги миллий ва умуминсоний тарихий қадриятлар интеграциясидаги фаол иштироки, унинг фуқаролик (гражданлик) позициясини баҳолаш мезони бўлиши керак. Чунки инсоннинг бошқа миллат маданиятини, қадриятларини, урф-одатларини, тарихий анъаналарни билиши, ижтимоий-маънавий моҳияти ва аҳамиятини англаши цивилизациялар натижаси сифатида эътироф қилишга муносиб. Шунинг учун, умуман ижтимоий тараққиёт, хусусан техноген цивилизация

[109] Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 84 бет.

глобаллашуви жараёнида тарихий меросга ворислик ва уни ижодий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий-сиёсий фанларнинг илмий хулосаларига кўра, техноген цивилизация глобаллашуви, турли миллатлар тарихий меросининг ижодий ривожлантирилиб, авлодларга трансформацияси натижасида универсаллашувини ифодалайди. Бу жараёнда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабатлари глобал онг ва маданият тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Чунки ўзи мансуб миллат қадриятларини билмайдиган ва уларга амал қилмайдиган одамда миллий онг ҳам, тарихий хотира ҳам шаклланмайди. Миллий онг ва тарихий хотирасиз эса, умуман ижтимоий тараққиёт, хусусан глобал техноген цивилизациянинг бўлиши мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, миллий техноген цивилизация шаклланиши ва глобал жараёнларга интеграциялашувида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашувининг аҳамиятини билиш ва уни қадрлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашуви, бир томондан, инсонларни глобал масштабда тафаккур қилишга ва келажак стратегиясини белгилашга ёрдам беради. Иккинчи томондан, муайян миллатнинг ўзига хос руҳий-маънавий дунёси, ижтимоий қиёфаси, ҳаёт ва тафаккур тарзи қадриятлар индивидуаллигини намоён қилади. Лекин бу индивидуаллик умуминсонийликни истисно қилмайди, аксинча уни конкретлаштиради ва умумисонийликка айланиш потенциалига эга. Бу имкониятни реаллаштириш эса, техноген цивилизациянинг трансформаторлик функциясига боғлиқ бўлади.

Техноген цивилизациянинг миллий ва умуминсоний қадриятларни интеграциялаштириш ва дифференциациялаштириш, натижаларини трансформация қилиш имкониятларини ўрганишда, муайян миллатнинг ментал (интеллектуал салоҳият даражаси, конфессионал мансублиги ва бошқа ижтимоий-демографик) хусусиятлари эътиборга олиниши зарур. Чунки миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашувини, умуман цивилизация, хусусан техноген цивилизациянинг шарти ва оқибати сифатида қараш керак. Зеро, бу жараён натижаси техноген цивилизация тараққиёти босқичлари мазмуни, моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини белгилайди.

Турли миллат ва элатлар, шу жумладан ўзбек халқи техноген цивилизацияси ҳам бошқа халқлар, миллатлар моддий ва маънавий маданияти билан алоқадорликда шаклланган. Яъни, уларнинг тарихий меросини, амалий тажрибаларини умумлаштириш ва ривожлантириш натижаси техноген цивилизациянинг глобаллашувида ҳар бир миллат ва давлатнинг ўзига хос ўрини борлигини кўрсатади.

Зеро, барча халқларнинг техноген цивилизациялари шакл жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қилсалар ҳам, улар умуминсоният ижтимоий-сиёсий тараққиётининг асосий мазмунини муайян ижтимоий маконда ва тарихий замонда конкретлашган тарзда намоён қилади. Бошқача қилиб айтганда, техноген цивилизациянинг ҳар қандай даражаси ва шакли: миллийлик ва умуминсонийликни, анъанавийлик ва замонавийликни уйғунлаштириш, эскини

инкор қилиш ва янгини яратиш асосида шаклланиш ва ривожланиши жараёни, техноген цивилизация даражасини ва “сифатини” белгилаб бермоқда, яъни:

биринчидан, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашувида миллий қадриятларнинг (аксарият ҳолатларда, “консервативлиги”) динамик ўзгараётган глобал техноген цивилизация тенденциясига мос келмаслиги ва жамият ички зиддиятларини кескинлаштириши, унинг салбий оқибатларида намоён бўлади;

иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятлар муносабатида миллий “эски” анъаналар, тафаккур усули, ҳаёт тарзи доминантлиги ҳамма вақт замонавий техноген цивилизациянинг умуминсоний стандартлари (андазалари) талабларига жавоб бермаганлиги учун салбий баҳоланади;

учинчидан, техноген цивилизацияда умуминсоний қадриятлар ролини, муайян мақсад ва манфаатларга кўра тотал мутлақлаштириш, мавҳум идеалларни зўрлаб ҳаётга жорий қилиш сиёсати, миллий қадриятларга нисбатан нигилистик-конформистик муносабатни шакллантиради;

тўртинчидан, анъанавийликни мутлақлаштириш натижасида: миллий маҳдудлик, (ёки аксинча “миллий кибр”), этноэгоистик, этноэгоцентристик кайфиятлар кучайиб, миллийлик ва умуминсонийлик ўртасидаги муносабат мувозанати бузилади;

бешинчидан, барча замонавий нарса ва ҳодисаларни фақат техноген цивилизация билан боғлаб, ижобий баҳолаш ғализ хулосаларга олиб келиши мумкин.

Умумлаштириб айтганда, техноген цивилизацияни, бир вақтнинг ўзида жамият стационар ҳолати ва динамик ўзгарувчи жараён сифатида: анъанавийлик ва замонавийлик, миллийлик ва умуминсонийлик диалектикасини ҳисобга олмайдиган назария ҳам, методология ҳам, амалиёт ҳам жамият барқарор тараққиётини издан чиқариш хавфини вужудга келтиради. Лекин замон талаблари асосида ҳар қандай миллий тарихий меросни, қадриятларни умуминсоният цивилизацияси манфаатларига кўра модернизациялашуви ва глобаллашувининг ортодоксал-консерватизм билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ. Агар биз шу тамойидан воз кечадиган бўлсак, “анъаналар ва миллатлар изоляцияси пайдо бўлиб, бу тоталитаризм ёки авторитаризмга олиб келиши мумкин”[110][111].

Техноген цивилизацияда миллий ва умуминсоний қадриятлар интеграцияси бир маромда силлиқ кечадиган жараён эмас, балки уларнинг флуктуацион ва бифуркацион характери – натижаларини белгилайди, яъни: биринчидан – техноген цивилизация йўналишлари ва соҳалари интегратив

[110] Джаббарова Ш. Экономическое сотрудничество стран Центральной Азии – основа культурного сближения народов региона. // «Идентичность и диалог культур в эпоху глобализации. Материалы Международной научно-практической конференции. Бишкек, 2007. –С. 184.

тизимидаги элементларнинг структуравий-функционал ўзгаришлари бир-бирига боғлиқлиги нисбий характерга эга; иккинчидан – умуминсоний технологик цивилизацияни шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришда ижтимоий фаолиятнинг тарғибот-ташвиқот, таълим-тарбия комплекслиги ва системалилиги алоҳида роль ўйнайди; учинчидан – ҳар қандай тарихий даврда миллий ва умуминсоний қадриятлари элементларининг нисбатан мустақил ва индивидуал тадрижий ривожланиши, бу жараён узлуксизлигини таъминлайди; тўртинчидан – техноген цивилизация салбий оқибатлари ва унинг эскалацияси сабабларини фан-техника тараққиётидан эмас, миллий ва умуминсоний қадриятларни интеграциялаштириш механизмлари ношудлигидан қидириш керак; бешинчидан – умуминсоний техноген цивилизация қадриятларининг ижтимоий муносабатлар тизимига, ижтимоий онг шаклларига таъсири универсаллиги миллий маънавий-маданий ривожланиш имкониятлари реаллигида намоён бўлади.

KORRUPSIYA: UNING TARIXIY ILDIZLARI, KORRUPSIYAGA QARSHI KURASH USULLARI

A. Quldoshev
fasafa doktori (PhD) , dotsent
SamDAQI Ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri

Korruptsiya — bu jamiyatni turli yo’llar bilan iskanjaga oladigan dahshatli illatdir. Mazkur illat demokratiya va huquq ustuvorligi asoslariga putur yetkazadi, inson huquqlari buzilishiga olib keladi, bozorlar faoliyatiga to’sqinlik qiladi, hayot sifatini yomonlashtiradi va odamlar xavfsizligiga tahdid soladigan uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va boshqa hodisalar ildiz otib, gullashi uchun sharoit yaratib beradi.

Ta’kidlab o’tish o’rinliki, ushbu zararli hodisa katta va kichik, badavlat va kambag’al bo’lishidan qat’iy nazar, barcha mamlakatlarda uchraydi. Ushbu zararli illatni bartaraf etish bo’yicha jahon hamjamiyati tomonidan bir qator samarali ishlar amalga oshirilayotgan bo’lsada, hanuzgacha u bartaraf etilmayapti.

Biz quyida korruptsiyaning tarixiy ildizlariga va unga qarshi kurashish xususida fikr yuritmoqchimiz.

Korrupsiya (lot. Corrumpere — buzmoq) termini odatda mansabdor shaxslar tomonidan unga berilgan mansab vakolatlari va huquqlardan o’zlarining shaxsiy manfaatlarini ko’zlab qonunchilik va axloq qoidalariga zid ravishda foydalanishini anglatadi.

Ko’p hollarda bu atama siyosiy elitadagi byurokratik apparatga qarata ishlatiladi. Korrupsiya ko’plab davlatlarning jinoyat va ma’muriy qonunchiligi bilan huquqqa qarshi harakat sifatida ta’qib qilinadi.

Makroiqtisodiy va siyosiy-iqtisodiy tadqiqotlar, korrupsiya — davlatlarning iqtisodiy o’sishi va rivojlanishiga ulkan to’siq ekanligini ko’rsatdi. I. A. Karimov

o’zining “O’zbekiston XXI asr bo’sag’asida xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari” asarida korruptsiyaning O’zbekistonning o’z taraqqiyoti yo’lida rivojlanishiga ulkan to’siq bo’lishi mumkinligini bayon qilgan edi.

Korruptsiyaning tarixiy o’zaklari juda juda qadimga borib taqalib, bu hol qabilada ma’lum mavqega ega bo’lish uchun qabila sardorlariga sovg’alar berish odatidan kelib chiqqan deb taxmin qilinadi. O’sha davrlarda bu normal holat sifatida qabul qilingan. Biroq davlat apparatining murakkablashuvi va markaziylashuvi korruptsiyaning davlat rivojlanishiga katta to’siq ekanligini ko’rsatdi. Korruptsiyaga qarshi kurashgan birinchi davlat sifatida qadimgi Shumer davlati tan olinadi. Qadimgi davlatlarni ayniqsa huquqni muhofaza qiluvchi organlarning poraxo’rligi qattiq tashvishga solganligi bizgacha saqlanib qolgan manbalardan ma’lum. Chunki bu holat davlatning obro’siga juda qattiq putur yetkazardi. Dunyoning yetakchi dinlarida ham birinchi navbatda huquqni muhofaza qiluvchi organlarning poraxo’rligi qattiq qoralanadi. Jumaladan, Injilda “Sovg’alarni qabul qilma, chunki sovg’a ko’rni ko’radigan qiladi va haqiqatni o’zgartiradi” deyilgan bo’lsa, Qu’roni Karimda “Boshqalarning mulkini nohaq yo’l bilan olmangiz va boshqalarga tegishli bo’lgan narsalarni olish uchun o’z mulkingizdan hokimlaringizga pora qilib uzatmangizlar” deyilgan.

XVIII asrning ikkinchi yarmiga kelib jamiyat davlat boshqaruv apparatining ish sifatiga toboro ko’proq ta’sir ko’rsata boshladi. Bu o’sha davrda qabul qilingan bir qator qonun hujjatlarida o’z aksini topgan. Jumladan, 1787 yilda qabul qilingan AQSh Konstitutsiyasida pora olish AQSh prezidentini impechmentga tortish mumkin bo’lgan ikki jinoyatning biri sifatida ko’rsatib o’tilgan. Siyosiy partiyalarning vujudga kelishi va ularning mamlakat hayotidagi o’rnining oshib borishi XIX-XX asrlarda rivojlangan davlatlarda korrupsiyaning dunyoning boshqa mamlakatlariga nisbatan ancha kamayishiga olib keldi.

Ushbu illatni tadqiq qilgan bir qator yirik mutaxassislar quyidagi faktorlarni korruptsiyani yuzaga keltiruvchi omillar sifatida ko’rsatadi.

Ikki xil ma’noni anglatuvchi qonunlar — ushbu vaziyat huquqni qo’llovchi mansabdor shaxs tomonidan qonunlarni turlicha qo’llash imkonini yaratadi. Shuningdek, ayrim mutaxassislar jinoyat, ma’muriy qonunchilikdagi “vilka” sanktsiyalarni ham korrupsiyaga qulay sharoit yaratishi mumkinligi haqida fikr yuritishgan. Ya’ni, sanktsiyaning aniq miqdori yo’qligi sudyada uni o’z hohishiga qarab qo’llashga sharoit yaratib beradi.

Aholi huquqiy savodxonligining pastligi — aholi tomonidan qonunlarni bilmaslik yoki tushunmaslik mansabdor shaxsga o’zining shaxsiy manfaati yo’lida qonunlardan foydanishga qulay sharoit yaratadi.

Mamlakatdagi siyosiy vaziyatning notinchligi — mamlakatdagi notinchlik birinchi navbatda aholi ongida hayotda yuksak turmush darajasiga erishishning asosiy usuli qonunga xilof faoliyat bilan bog’liq, degan mutlaqo axloqqa zid nuqtai nazar shakllanishiga olib keladi. Bu esa o’z navbatida korruptsiyaga qulay sharoit yaratadi.

Ijro hokimiyatining birligi tamoyilinining buzilishi — aynan bitta faoliyatning turli instantsiyalar tomonidan tartibga solinishi:

- ✓ aholining davlatni nazorat qilishdagi sust ishtiroki;

✓ davlat sektoridagi xizmat qilayotgan xizmatchilar daromadlarining xususiy sektorda topish mumkin bo’lgan daromadlardan kamligi;

✓ iqtisodiyotning davlat tomonidan tartibga solinishi;

✓ inflyatsiyaning yuqori darajasi;

✓ mamlakat yuqori boshqaruv organlarining aholidan uzilib qolganligi;

✓ mamlakatdagi diniy va axloq qoidalari.

Jahon mamlakatlarida korruptsiyaga qarshi kurashning quyidagi usullari mavjud.

Ichki nazorat — bu usul boshqaruv apparatining o’zida nazoratni kuchaytiruvchi tuzilmalar (har xil ichki inspektsiyalar va boshqa nazorat organlari tuzish orqali) yaratishni taqazo etadi. Bu tuzilmaning asosiy vazifasi xodimlarning ichki etiket qoidalariga rioya qilishini nazorat qilishdir. Hozirgi kunda bizning yurtimizda ham bir qator huquqni muhofaza qilish organlarida aynan shu vazifani bajaruvchi ichki tuzilmalar yaratilgan.

Tashqi nazorat — bu usulda ijro apparatidan mustaqil tuzilmalarning mustaqilligini oshirish nazarda tutilib, aynan ushbu tuzilmalar orqali korrupsiyaga qarshi samarali kurash olib boriladi. Ya’ni, sud hokimiyatining maksimal darajada mustaqilligiga erishish ommaviy axborot vositalariga ko’proq erkinlik berish va h.k.

Saylov tizimi orqali kurashish —demokratik davlatlarda saylangan vakillarni korrupsiya uchun jazolashning asosiy usullaridan biri keyingi saylovlarda unga ovoz bermaslik hisoblanadi. Korruptsiyaga saylovlar orqali ta’sir o’tkazish eng samarali usul hisoblanadi.

Korruptsiyaga qarshi kurashda yuqori natijalarga erishgan Shvetsiya, Singapur, Gonkong, Portugaliya kabi davlatlarning tajribasini o’rganish shuni ko’rsatadiki, korruptsiyani yuzaga keltiruvchi omillarni bartaraf etish korruptsiyaga qarshi kurashda muhim o’rin egallaydi.

Bunda Konstitutsiyaviy nazorat organlari, huquq-tartibot organlarining ahamiyati ortadi. Ya’ni, korruptsiyaga olib kelishi mumkin bo’lgan normalarni konstitutsiyaviy nazorat organi tomonidan konstitutsiyaga zid deb topish, aholining huquqiy savodxonligini oshirish kabi metodlardan unumli foydalanish ushbu davlatlarni korruptsiya darajasi juda past bo’lgan davlatlar qatoriga olib chiqqan. Biz quyida Singapur davlatida korruptsiyaga qarshi kurashda qo’llanilgan usullar haqida batafsil to’xtalib o’tamiz.

Singapur davlati 1965 yil mustaqillikka erishgach korruptsiya darajasi eng yuqori bo’lgan davlatlar qatorida turar edi. Lekin bu illatga qarshi o’tkazilgan bir qator tadbirlar bu davlatda korruptsiyaning minimal darajaga tushishiga olib keldi. Birinchi navbatda bu yerda byurokratik jarayonlar yengillashtirilib sud tizimining mustaqilligi oshirildi (sudьyalarning daromadlari va imtiyozlarini oshirish evaziga). Shu bilan birga korruptsiya jinoyatlari uchun sanktsiyalar og’irlashtirilib, fuqarolarga korruptsiyaga qarshi jinoyatlarni tergov qilishda hamkorlik qilishda bosh tortganligi uchun juda katta moliyaviy sanktsiyalar belgilandi. Bir qator davlat idoralarida ommaviy “tozalashlar” o’tkazilib bu jarayonlar telekanallar orqali butun mamlakatga namoyish qilindi. Yuqorida sanab o’tilgan omillarning hammasi Singapurni qisqa muddatlarda korruptsiya darajasi eng past mamlakatlar ro’yxatida ilg’or davlatlar qatoriga olib chiqdi. Shuningdek, davlat xizmatchisining ahloq standartlariga rioya

etishini qattiq nazorat ostiga olish ham Singapur davlatida korruptsiyaga qarshi kurashda muhim dastaklardan biri bo'lib xizmat qiladi.

Yurtboshimizning yuqorida eslangan asarida "jinoyatchilik, korruptsiya bizning o'z xavfsizligimizga ham, xalqaro xavfsizlikka ham tahdid soluvchi real manbadir. Binobarin, mazkur hodisaga qarshi kurash masalalari birgina bizga taalluqli emas. Shuning uchun ham biz jinoyatchilik haqida butun jahon hamjamiyati qayg'urmog'i lozim, deb hisoblaymiz. Suveren O'zbekiston xalqi va rahbariyati esa ular bilan faol hamkorlik qilishga tayyor va buni dunyoni poklash, uning xavfsizligini ta'minlash ishiga qo'shilgan hissa, deb biladi" deb fikr bildirgan edi.

Jinoyatchi unsurlarning xo'jalik munosabatlari tizimini shakllantirish jarayonida faol va xufyona ishtirok etishi jamiyatda axloqsizlik vaziyatini tug'dirishi, bu esa o'z navbatida, mamlakat uchun ham, jahon hamjamiyati uchun ham nomaqbul jinoiy bozor iqtisodiyotining alohida turi shakllanishiga olib kelishini keyinchalik BMT tomonidan ham tan olinib, 2003 yil 9 dekabrda Meksikaning Merida shahrida korruptsiyaga qarshi kurashishda davlatlar o'rtasidagi aloqalarni yanada kuchaytirish maqsadida 3 kun davom etgan konferentsiya tashkil etildi. Bu konferentsiya davomida 100 dan ortiq davlat tomonidan Korruptsiyaga qarshi haqaro konventsiya imzolandi. Konferentsiyaning birinchi ish kuni (9 dekabr) BMT tomonidan butun dunyoda korruptsiyaga qarshi kurash kuni deb e'lon qilingan. Ushbu konventsiyaning qabul qilinishi va kuchga kirish (2003 yil 31 oktyabr) dunyo mamlakatlarining korruptsiyaga qarshi kurashdagi hamkorligini yangi pog'onaga ko'tardi.

Konventsiyada korruptsiyaning rivojlanishi uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va boshqa jamiyat uchun xavfli bo'lgan salbiy omillarga qarshi kurashga ulkan to'siq bo'lishi mumkinligiga alohida urg'u berilgan.

Ushbu Konventsiyaning maqsadi quyidagilardan iborat:

— korruptsiyaga qarshi qaratilgan yuqori samarali chora tadbirlarni qabul qilish va ularni mustahkamlash;

— korruptsiyaga qarshi kurashda halqaro hamkorlikni kengaytirish, yengillashtirish va qo'llab quvvatlash.

O'zbekiston Respublikasi Birlashgan Millatlar tashkilotining Korruptsiyaga qarshi konventsiyasiga 2008 yil 7 iyuldagi O'RQ-158-sonli Qonuni bilan qo'shilgan bo'lib, ushbu Qonunga muvofiq O'zbekiston Respublikasining Bosh prokuraturasi, Ichki ishlar vazirligi, Milliy xavfsizlik xizmati va Adliya vazirligi korruptsiyaning oldini olish bo'yicha aniq chora-tadbirlar ishlab chiqish va ularni amalga oshirishda boshqa Ishtirokchi-davlatlarga yordam ko'rsatishi mumkin bo'lgan organlar sifatida belgilab qo'yilgan.

Ushbu Konventsiyada nazarda tutilgan va korruptsiya sifatida e'tirof etilishi mumkin bo'lgan qilmishlar O'zbekiston Respublikasi Jinoyat Kodeksining bir qator moddalari bilan jinoiy qilmish sifatida ta'qib qilinadi.

Korruptsiyaga qarshi kurashda jahon mamlakatlari tajribasini o'rganish shuni ko'rsatadiki faqatgina jinoiy qonunchilikni og'irlashtirish yo'li bilan bu salbiy illatga qarshi kurashib bo'lmaydi (XXR da juda ko'p miqdorda pora olganlik uchun o'lim jazosi mavjud). Bu illatni yengish uchun birinchi navbatda aholining huquqiy savodxonligini oshirish, fuqarolik institutlari faoliyatini kuchaytirish lozim bo'ladi.

Adabiyotlar:

1.Korruptsiyaga qarshi kurashish to’g’risida O’zbekiston Respublikasi Qonuni. «Xalq so’zi» 2017 yil 4 yanvar 2 (6696)-son.

2.Антикоррупционное право. Алымова Д.П., Касторская Е.В., Касторский Г.Л. 2018.

3.Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи. «Xalq so’zi» 22 Фев. 2021 й. (6696)-son.

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ МЕРОСГА ВОРИСЛИК, ЎЗЛИГИНИ АНГЛАШ, ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАСКАНИ.

С. Назаров.
тарих фанлари номзоди, доцент, СамИСИ академик лицейи

Бугунги ўта мураккаб, шиддатли глобаллашув ва ахборотлашган жараёнда жамиятимизда аҳолининг, айниқса ёшларнинг миллий- мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларда ўзлигини англаш ва қандай буюк зотларнинг авлодлари эканлиги билан қуроллантириш орқали турли бузғунчи ғоялар, мафкуравий-маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш туфайли ғурур, ифтихор, ватанпарварликни кўчайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда, долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз умумий аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғини ташкил этувчи ёшлар Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб, буюк юнон олими Аристотель айтганидек, “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади” деган ғоя аҳамияти янада ортиб бормоқда. Бу теран фикр юртимиз ҳаётида ўзининг тўлиқ ифодасини топаётганлиги ва ёшлар сиёсати давлатимиз, Президентимиз саъй-ҳаракатининг муҳим устувор йўналишига айланганлигида ўз ифодасини топмоқда. Айни замонда 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланиши, Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва ёшлар форумида илгари сурган ғоялари ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатларда мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишларни амалга ошириш орқали уларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, илм-фан ва инновацияларни ўрганишга кенг жалб этиш, “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари!” ғояси атрофида бирлаштириб, Янги Ўзбекистонни

барпо этишнинг ҳақиқий бунёдкор кучига айлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Бу йўлда ёшларни буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ва уларга муносиб ворислар бўлишга кенг тарғиб этиш, Ўзбекистоннинг Янги тараққиёти даври пойдеворини яратиш борасида белгилаб берилган узоқ муддатли стратегик вазифалар доирасида миллий ғояни улар онгига чуқур сингдиришга қаратилган воситалар ва йўллардан кенг фойдаланилмоқда.

Халқимизни, айниқса ёшларни маънавий тарбиялашда, ўзлигини англашга бошлашда адабиёт ва санъатнинг ўрни беқиёсдир. Ўзбек халқи дунёнинг барча халқларига ҳам насиб қилавермаган беқиёс маънавий меросга, маънавий хазиналарга эга. Ана шундай бебаҳо ва салмоқли мероснинг муҳим бир қисми она тилимизда яратилган ҳамда буюк ватандошларимиз қаламига мансуб жаҳон адабиётининг бебаҳо намуналари билан бўйлаша оладиган бадиий адабиёт дурдоналари ва санъат асарларидир. Шу мақсадда ёшларимизни маънавий баркамол ва ўзлигини англаш руҳида тарбиялашда Тошкент шаҳрининг марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари ва рахнамолигида саккиз ярим гектарлик майдонда ташкил этилган “Адиблар хиёбони” маънавият хазинасини тарғибот қилишнинг олтин дарвозаси ҳисобланиб, юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз”.[112] Бу борада Адиблар хиёбони муҳим илҳомлантирувчи маскан бўлиб хизмат қилади.

2020 йилнинг 20 май куни Адиблар хиёбонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб қимматли нутқ сўзлади, ушбу маънавият масканига юксак баҳо берди. Дарҳақиқат, маънавият, маърифат, қадрият каби миллат ҳаётига дахлдор эзгу тушунчалар асосида адабиёт туради. Адабиётсиз уларнинг бўлиши мумкин эмас. Зеро, ҳар қандай эзгу ғоя адабиёт воситасида оммага, халққа сингдирилади ва қудратли кучга айланади. Масалан, Ватанга садоқат ғояси ҳақида ҳадеб гапираверган билан иш битмайди. Лекин, “Широқ ёки Тумарис, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ҳақидаги ҳикоя ва ёзма адабиётлар бу ғояни одамлар, айниқса ёшлар онгига тезроқ ва кўпроқ сингдиради ёки она алласи сездирмай бола кўнглига ватан туйғусини жойлаб боради. Бу жараёнлар албатта адабиёт воситасида амалга ошади. Шунинг учун ҳам Президентимиз кейинги йилларда адабиётга эътибор берилмай қолиши оқибатида тарбиямизда қанча нуқсонлар ва хатолар юзага келганига алоҳида урғу берди.

Адиблар хиёбонини бунёд этишдан мақсад, адабиётимизнинг қаддини кўтариш, ёшларимизнинг қалбига адабиёт руҳини олиб кириш, жамиятда

[112] XXI аср газетаси. 2020 йил 28 май.

адабиётнинг юксак ўрнини белгилаб бериш ва одамларимизни адабиётга яқинлаштиришдир. Дарҳақиқат, кимнинг қалбида адабиёт яшаса, унда эзгулик ва имон, тарих ва келажак яшайди.[113] Адиблар хиёбонида маънавиятимиз, адабиётимиз пирларининг муҳташам ёдгорликлари (санъат асарлари) қад кўтарган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳазратлари хиёбон тўрида, баланд кўшкдан туриб, атрофга ўзига хос салобат билан боқиб турибди. Бошқа мумтоз ва замонавий шоир ҳамда адиблар ҳайкаллари эса улуғ бобомизга қаратиб ўрнатилган бўлиб, улар Алишер Навоийга эргашиб қалам тебратган, руҳланган, илхомланган, уни ўзларига Увайсий устоз деб юксак қадрлаган, фидойи, садоқатли ворислари бўлган.

Адиблар хиёбонида Ҳазрат Навоий ҳайкали атрофида Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Огаҳий, Ойбек, Абдулла Орипов, Эркин Вохидов, Муҳаммад Юсуф, Иброҳим Юсупов каби 20 дан зиёд атоқли шоир ва адибларимизнинг ҳайкаллари қад кўтарган бўлиб, бу қутлуғ масканга келган ҳар бир одам ўзбек адабиётининг руҳини, табиатини, қудратини ҳис этади. Бу дегани ўзбек миллий руҳини, ўзбек халқининг табиати ва қудратини ҳис этиш деганидир. Шунинг учун бу даргоҳдан шунчаки кетиб бўлмайди. Бу ерга келганлар ўзбек халқининг буюк фарзандлари сиймосини намоён этган ёдгорликларни кўриб, кўнглидан кўп кечинмаларни кечиради. Асрлар давомида маънавиятимизни елкасида тутиб турган, юксакларга кутарган улуғларни ёдлайди. Муҳими, адабиётни ҳис этади ва қайтаётганида ўзи билан бир ҳовуч адабиёт ва маънавият нурини олиб кетади ва уйига бориб нурни фарзандларига тарқатади.

Айни пайтда айтиш мумкинки, Адиблар хиёбонининг аҳамияти маънавий жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, у янада катта мақсадлар йўлида хизмат қилади.

Сир эмаски, биз бугун шиддатли глобаллашув жараёни ва таҳликали мафкуравий курашлар авж олиб бораётган бир мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бундай даврда халқимиз дунёқарашини бойитиш, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтириш ва уларни Янги Ўзбекистонни бунёд этишдек эзгу мақсадлар сари илхомлантиришда адабиётдан, китобхонликдан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиб, фарзандларимизни турли ёт ғоялардан, таҳдидлардан ҳимоялаб, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга олиб келади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан Адиблар хиёбонида жозибали ҳайкаллари ўрнатилган, инсонийлик бобида ибрат кўрсатиб, беқиёс мерос қолдирган улуғвор сиймоларнинг ҳаёти ва ижодини янада кенгроқ тадқиқ қилиш, ўқувчи ва талабаларга уларнинг маънавий хазинасини кўпроқ етказиш мақсадида Тошкент шаҳридаги ҳар бир олий таълим муассасасига Шарқ адибларининг мероси ва ижодини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, тарғибот этиш, ёшлар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб бориш вазифаси юклатилди.

[113] Эҳтиром. Адиблар хиёбони. Маънавий ҳаёт. 2020 й. 2-сони 62-64 бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Аждодларимиз бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор буюк хазина” бўлиб янги-янги ворисларни етиштиришга хизмат қилади.

Буюк мутафаккир аждодларимиз меросини ўрганиш келажакда ёшларимиз орасидан янги Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Синолар, Улуғбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар ва Термизийлар етишиб чиқишига мустаҳкам асос бўлади. Юртимизда ташкил этилган буюк аждодларимиз номидаги ижод мактаблари, Президент мактаблари ўқувчилари орасидан муносиб ворислар етишиб чиқиши албатта юз беради.

Маънавият ва маърифат хазинаси сифатида халқимизга хизмат қилувчи Адиблар хиёбони ёшларда, бутун халқимизда Ватанга, буюк аждодларга мухаббат, миллатга садоқат туйғусини жўш урдириш, пировардида шундай буюк сиймоларнинг ворислари юртимизда етишиб чиқишига муносиб ҳисса қўшишига хизмат қилади.

Шунингдек, “Оққан дарё оқаверади”, - деган доно халқимизнинг ҳикматларидан келиб чиққан ҳолда қарасак, Адиблар хиёбони буюк аждодларимиз сиймосини кўрсатувчи ва бебаҳо меросини эслатувчи нурли маскан бўлиб янги Ренессанс пойдеворини яратиш ва мустаҳкамлашга маънавий-маърифий асос бўлиб, халқимизни, ёшларни нурли истиқбол сари илхомлантирувчи ибрат маскани, тарбия маскани вазифасини ўтайверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил 37-сони.
2. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги Фармони. Демократиялаштириш ва инсон ҳуқуқлари журнали. 2020 йил 3-сони. 5-8 бетлар.
3. Маънавий ҳаёт журнали. 2020 й. 2-сони. 62-64 бетлар.
4. XXI аср газетаси 2020 йил 28 май.
5. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 19 июнь.

МУТАФАККИР АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ МИНЕРАЛОГИЯСИДАГИ МАЪНАВИЙ МЕРОС ВА УНИНГ МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ф.А. Примова
ф.ф.н., доц., ТДТУ доценти
Д.А. Мустафоев
ТДТУ талабаси

Инсон амалий фаолиятининг ривожланиши, воқеаларнинг муайян изчилликда мушоҳада қилишга асосланган. Унинг қобилиятини такомиллашишига олиб келганлиги орқасида табиат ҳодисаларининг баъзи қонуниятларини идрок этишга муваффақ бўлган. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шаркда тажрибага таянувчи фанларнинг асосчиларидан бўлган Берунийнинг табиат ҳодисаларини билишдаги назарий-мантиқий хулосаси, қиёслаши ҳамда бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган минералогияга оид фикрлари алоҳида аҳамиятга эга.

Абу Райҳон Беруний илмий ишларининг серқирралиги, фикрий парвозининг юксаклиги билан кишини ҳайратда қолдирадиган буюк даҳодир. У бир юз элликдан ортиқ асар ёзган ўрта асрнинг улуғ алломаси (энциклопедисти)дир. Абу Райҳон Беруний минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини яратди. Геолог олимлардан В.А.Исломов Ўрта Осиёдаги геологик билимлар тарихига бағишланган асарида ва О.Акрамхўжаев ўзининг илмий тадқиқотларида “Минералогия” китобини муфассал таҳлил қилишга ҳаракат қилишган.

Берунийнинг “Минералогия” асари 1041-1048 йиллар Ғазнада ёзилган. “Жавоҳирларни билиш учун маълумотлар тўплами” (“Минералогия”) асари бўлиб, олим унга бутун умр бўйи маълумот тўплаган эди. Беруний болалик чоғларида Хоразмда, кейинроқ Эрон, Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлган йилларида ҳам қимматбаҳо тошларнинг хусусиятлари, улар қазиб олинадиган ерлар ва бундай маъданлар ҳақидаги ривоят, ҳикоя ва маълумотларни тўплайди. Қарийб 70 йиллик изланишлар натижасини у ўз “Минералогия” асарида баён қилади. Асарда жисмларнинг оғирлиги, ҳажми ҳақида тушунчалар берар экан, 50 дан ортиқ модданинг зичлик ва солиштирма оғирлигини фан тарихида биринчи марта ҳозирги замон аниқлиги билан ҳисоблайди, қаттиқ жисмлар ва суюқликларнинг солиштирма оғирликларини ўлчашга мўлжалланган махсус асбоблар ясайди ва уларнинг тавсифини келтиради.[114]

Беруний ушбу асарни ёзишда ал-Киндий ва Яъқуб ад-Диноварийнинг минералогияга оид асарларидан кенг фойдаланганлигини ҳам айтиб, бу билим соҳасидаги илм чўққиларини эгаллаганлигини алоҳида эътироф этади ва қуйидаги фикрларни келтиради. Мутафаккирнинг таъкидлашича, менинг

[114] Abu Rayhon Beruniy. Qimmatbaho javohirlar haqida bilimlar kitobi (Mineralogiya). Tarjimon akademik A.Qayumov. –Toshkent, 2017. 365 bet.

қўлимга бу билим соҳасига оид Абу Юсуф Яъқуб ибн Ишоқ Ал-Киндийнинг «Қимматбаҳо тошлар ва уларга ўхшашлар тўғрисида» деган китобидан бўлак ҳеч китоб тушмади. У биринчи бўлиб бу билим соҳасидаги қўриқни очди, унинг чўққиларини топди, ҳам бу соҳада, ҳам унинг қўли етган бошқа соҳаларда кўп нозик жойларни кашф этди. Шунинг билан бирга замондошлари, ҳам келажак авлод учун ибрат бўлиб қолди[115].

Фан учун шуниси муҳимки, Беруний тарихда биринчи бўлиб, қимматбаҳо тошларнинг солиштирма оғирлигини аниқлашга киришган. Бунинг учун олтинни андаза қилиб олган. Ўша даврда Басра (Ироқ), Кашмир, Бадахшон ва Хуросон чет элга силлиқланган қимматбаҳо тошлар сотадиган марказлар ҳисобланган. Беруний Бадахшон ҳақида бундай деган: “Бадахшоннинг ўзида тошлар қазиб чиқарилмайди, Бадахшонда четдан келтирилган тошлар тарашланади Бадахшон бу тошлар учун бир дарвозадирки, шу ердан бошқа мамлакатларга тарқалади”. “Минералогия” китобида мана бу сатрларни ҳам ўқиш мумкин: “Ал ҳабаши деган тош мутлақо Ҳабашистондан олинмайди, балки ҳабашларнинг оппоқ ялтироқ тишига ўхшатиб берилган номдир. Рус, Рум ва Славиянларнинг қиличлари Шобуркон қиличидан ясалади. “Қалайи деб юритиладиган қилич Қала мамлакатидан (Малакка яриморoли) келтирилади шунинг учун бу металл қалайи деб юритилади”. “Ёқут – жавҳарлар орасида биринчиси нафисроғи ва энг қимматлисидир. Олмос. Олмоснинг исми ҳинд тилида ҳиро, рум тилида азмис ва адмантундир. Ёқуб Киндий: адмантуннинг маъноси – синмайдиган нарса, дейди. Бу тошни хусусияти шундайки, бу тошни ҳеч нарса кеса олмайди ва синдира олмайди. Марварид. Сув жинси бўлиб ўсиши билан бошқа тошлардан фарқ қилади (уни денгизга шўнғиб денгиз тагидан топадилар).

Беруний ушбу асарда минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб аталиши бежиз эмас. Улуғ алломанинг бизгача етиб келган "Минералогия" асарида 30 дан зиёд қимматбаҳо тош ва минералларнинг номи, уларнинг кимёвий ва физикавий хоссаларини аниқлаш, эритиб синаш, деярли барча қимматбаҳо тош ва турли маъданлар, уларнинг қотишмалари ҳақида илмий маълумотлар берилган. Буюк қомусий олимнинг "Минералогия" асари нафақат илмий, балки тарихий нуқтаи назардан ҳам алоҳида қимматга эга, мазкур ноёб асарда минераллар ва маъданларнинг ўз давридаги нарх-навоси, баъзиларининг шифобахшлик хусусиятлари, нодир тош ва металлар билан боғлиқ айрим қизиқарли этнографик маълумотларни баён этганки, булар мазкур китобнинг муҳим тарихий манба сифатидаги аҳамиятини янада оширади.

Абу Райҳон Берунийнинг “Минералогия” асари тарихий манба сифатида илмий-назарий аҳамияти қуйидагилар:

[115] Мустафоев Д.А. Значение геологических идей в минерологии Абу Райхана Беруни. .Проблемы, перспективы и инновационный подход эффективной переработки минерального сырья и техногенных отходов. Международная научно-практическая конференция. ТГТУ, 2021 г.

− минераллар таснифи, уларнинг физик, кимёвий хусусиятлари, пайдо бўлиш назариясига ҳамда ишлов бериш технологияси каби масалаларга бағишланган шоҳасарлиги;

− минералларни таърифлаш билан бирга, уларнинг солиштирма оғирлигини физика ва минералогия тарихида биринчи марта тартибли равишда аниқлаб, маъданшуносликни амалий ишларга жорий қилинганлиги;

− минераллар ва маъданларнинг ўз давридаги нарх-навоси, баъзиларининг дориворлик хусусиятлари, қимматбаҳо тошлар ва металлар билан боғлиқ қизиқарли этнографик маълумотларни баён этганлиги билан белгиланган.

Сўнгги йилларда мамлакат ҳудудларида минерал-хом ашё базасини ривожлантириш, шунингдек, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмалардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш соҳасини бошқариш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди. Фойдали қазилмаларнинг янги истиқболли майдонлари ва конларини аниқлаш учун қидирув захираларини кўпайтиришни ҳисобга олган ҳолда, Беруний “Минералогия” асарини тарихий ва маънавий мерос сифатида амалий таклиф ва тавсиялармизни қуйидагича таъкидлаб ўтамиз:

− бўлажак мутахассис кадрларнинг геологик билимларни ривожлантиришда, Беруний таълимотлари асосида таълим мазмунини ва ундан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш;

− “Минералогия” асаридан таълимда фойдаланишнинг самарали усуллари, шакл ва воситаларини тадқиқ қилиш;

− минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш, минерал-хом ашёларни излаш ва қазиб олиш бўйича ёш кадрларни тайёрлашда маънавий қадриятларга оид инновацион илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдир.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ РИВОЖИ

Ш.Ўрозов
СамИСИ катта ўқитувчиси

Маълумки Амир Темур илм-фаннинг йирик ҳомийси бўлган, олимлар билан суҳбат ва илмий баҳслар уюштиришни яхши кўрган. Ғолибларга қимматбаҳо туҳфалар берган. Илм-фаннинг бир қатор соҳалари бўйича катта салоҳиятга эга бўлган шахс, улкан салтанатнинг олий ҳукмдори бўлса, табиий равишда илм ва маданиятга, олим ва ижодкорга катта ҳурмат билан қарайди, бу йўлда барча имкониятларни ишга солади. Тарихчи олим Азамат Зиё ёзганидек, «У олиму фозиллар ўз маслаклари ва дунёқарашлари юзасидан жамият ва давлат тараққиёти, замонавий аҳволи хусусида бошқа ижтимоий табақаларга нисбатан кўпроқ бош қотиришлари ва бу орқали тегишли тажриба ва билимларга эга бўлиб боришларини ёдда тутган. Шу сабаб ҳам дунёнинг қайси бир мамлакати ва шаҳарига бормасин олиму фозилларни бир ерга йиғиб, улар

билан узоқ суҳбатлашиш, уларнинг фикрини тинглаш, баҳслашиш ишини канда қилмаган» [1:197-198]. Амир Темурнинг фан ва маданият соҳасида юритган сиёсатини худди мана шу омиллар орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги баёни ўринли: «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёрдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди» [2:69].

Темурийлар даврида илм-фан, маданият ривожланиб ўзига хос ренессанс вужудга келди. Ўз ўрнида, илм ва маданият ривожи давлат қудратига қудрат, обрўсига обрў қўшган. Бу борада Муъиниддин Натанзий шундай ёзади: «Фақирлар ва илм толиблари нафақалари вақф мулклари ва мадрасаларга, ҳар бирининг ҳолига яраша ва воқиф шартига мувофиқ белгиланган. (Ана шундай) вақфларга ҳеч ҳам ва мутлақо солиқ солинмаган. (Амир Темур) ўз вазирларига вақф мулкларидан бирон танга менинг хазинамга тушмасин дея кўрсатма берганди. (Соҳибқирон) илм, ҳикмат аҳли ва донишманд кишилар билан (тезда) киришиб кетарди» [3:279-280].

Мусулмон оламида мадрасалар илк ўрта асрлардаёқ (Бухоро) бунёд этилган. Мадрасалар диний таълим берувчи ўқув юртлари бўлган. У ерда илоҳиёт билан бир қаторда ҳуқуқ (фиқҳ), мантиқ, математика (риёзиёт), ҳандаса (геометрия), астрономия, тиббиёт, тарих, жуғрофия, адабиёт, илми аруз, араб тили ва бошқа дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Мадраса мударрислари ўз соҳасининг билимдони бўлишган. Уларга алоҳида ҳақ тўлашган. Бу хусусда «Темур тузуклари»да шундай дейилган: «Аҳли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозиллар, ҳакимлар, табиблар, қиссахонлар, хабарчилар ва ровийларга ўз ҳолларига қараб, суюрғол, вазифа ва маош белгиласинлар...» [4:100].

Самарқандда қуйидаги мадрасалар бўлган: Бибихоним мадрасаси; 1421 йилда XV асрнинг икки йирик олими – Қозизода Румий ва Жамшид Кошийларнинг бевосита иштирокида қурилган Улуғбек мадрасаси. Унда бош мударрис Қозизода Румий бўлган; Гўри Амир мажмуидаги мадраса. Унинг 64 та ҳужраси бўлган; Қутбиддин Садр мадрасаси; Муҳаммад Султон мадрасаси ва бошқалар.

Амир Темур ва темурийларнинг тарих фанига ҳам катта эътибор билан қараганликлари маълум. Тарихнавислик бобида Шарқда донг таратган Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Ҳофизи Абру, Муъиниддин Натанзий, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар паноҳида яшаб ижод қилганлар, улар ҳақида асарлар ёзиб машҳур бўлганлар. Шулардан айнан Амир Темур саройида хизматда бўлганлардан бири, асл исми Али ибн Муҳаммад, аммо кўпинча Низомиддин Шомий ёки Низомиддин Шанбий номи билан машҳур[1:203]. Туғилган йили аниқ эмас. Вафоти 1404–1409 йиллар орасида юз берган. 1383 йилдан буён

Амир Темурнинг хизматида бўлган. Бошқа асарлари ҳам бўлса-да, уни машҳур қилган «Зафарнома»дир. Бу асар 1404 йили тамомланган бўлиб, уни ёзиш ташаббуси шахсан Соҳибқирондан чиққан. 1404 йили Амир Темур Озарбайжон юришидан қайтгандан сўнг Шомий асарни унга тақдим қилган. «Зафарнома» Амир Темурнинг тахтга чиққанидан (1370) то кўрсатилган 1404 йилга қадар Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Эрон, Кавказорти, араб мамлакатлари, Кичик Осиёда рўй берган ва, албатта, Амир Темур, темурийлар фаолияти билан боғлиқ муҳим воқеалар баёнидан иборат. Шомий асарни ёзишда Амир Темур хизматида бўлган битикчилар томонидан тайёрланган ҳар бир юриш, сиёсий, ижтимоий, маданий воқеалар ҳақидаги ҳисоботлар – ҳужжатларга таянган. «Зафарнома» Амир Темур тарихини тўла ёритган илк тарихий асар ҳисобланади. «Зафарнома» муқаддимасида ёзилишича, 804 (1401/1402) йили Соҳибқирон Шомийни даргоҳига чорлаб, ўз ҳаёти ва фаолияти тарихини ёзишни буюради ва шундай талаб қўяди: «Баён услуби мураккаблик аломатларидан ҳамда мақтанчоқлик дабдабаларидан холи бўлсин, (турли) маънодорлик тарзидан (ҳам) тийилсин. Ташбиҳ ва истиоралар безаги (гирдобида асосий мақсад) кўринмай қолса, бундай услубда битилган асардан не фойда? Бир киши, бирон сўз даражасини англаб унинг маънисини тушунса, қолган ўн киши, балкисим юз киши ундан кўзланган мақсадни англашда ожиздирлар. Демак, ундан оддий халққа ҳеч қандай наф йўқдир» [5:11]. Кўриниб турганидек, Амир Темур тарихий асар яратишдан мақсадни, баён услубларини аниқ тасаввур қилган ва вазифани ҳам лўнда қўйган, яъни тарих омма, келажак учун ёзилади.

Араб олими Муҳаммад ас-Саид Жамолиддин ўзининг соҳибқирон бобомиз ҳақидаги тадқиқотларида шундай деб ёзади: «Исломий олимлар асарларида Амир Темурнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки хил образи мавжуд. Биринчиси – гўё Амир Темур атрофдагиларга қўрқув ва даҳшат соладиган бераҳм, қаттиққўл ҳукмдор ва саркарда. У ўз мақсадига эришишда ҳар қандай имкониятни, бу унга қанча қимматга тушса ҳам, қўлдан бой бермайди, ўз қўли остидагилар ҳаётини яхшилаш, мазмунли, қизиқарли қилиш ҳақида ташвиш чекмайди, зеро, унинг тасаввурида ҳаёт бу омад, меҳнат ва доимий курашдир.

Иккинчиси – ақл-фаросатли, адолатли ҳукмдор, у ёмонлик ва ахлоқсизликни кўришга кўзи йўқ, чексиз ҳарбий талант соҳиби. У ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш техникасини бекамикўст билади. Амир Темур давлатчилик, фан, санъат ва меъморчилик ривожига катта ҳисса қўшган инсондир» [6:109].

Биринчи образ кўпроқ араб ва форсий манбаларда кенг тарқалган. Бу нарса кўпроқ биринчи навбатда, Амир Темурнинг Мовароуннаҳр давлатини бирлаштириш учун олиб борган кўп сонли юришлари, сўнг эса Ғарбий, Шимолий-Ғарбий, Шарқий Ҳиндистонни забт этиш учун олиб борган юришлари оқибатидир. Бу юришлар Амир Темур фаолиятининг катта қисмини ташкил этган ва унга Соҳибқирон ўзи ҳам алоҳида аҳамият берган. Катта, буюк бир давлатни бошқариш ҳам ўз навбатида ундан катта куч ва доимий суратда урушга тайёр туришни талаб қилган.

Агар бордию давлатларнинг тарихий аҳамиятини жаҳон цивилизацияси тараққиёти ва ривожига қўшган ҳиссаси билан ўлчайдиган бўлсак, Амир Темур тузган давлатда жаҳон цивилизациясининг асосини ташкил этган маданият, адабиёт, санъат ва ажойиб меъморчилик обидаларидан иборат буюк бир меросни кўрамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: «Шарқ», 2000.
2. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. II жилд. –Т.: «Меҳнат», 1992.
3. Натанзий М. Мунтахаб ат-таворих. –Т.: «Ўзбекистон», 2011.
4. Темур тузуклари. –Т.: «O‘zbekiston», 2013.
5. Шомий Н. Зафарнома. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
6. Муҳаммад ас-Саид Жамолиддин. Амир Темур образи араб ва форсий манбаларда. Халқаро конференция тезислари. –Т.: «Ўзбекистон» 1996.

ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Й. Каримов

Гулистон Давлат Университети катта ўқитувчиси

Янгиланаётган Ўзбекистонда истиқболни белгилаш ва уни амалга оширишда фуқаролар онгида янги тарихий тафаккурни шакллантириш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Оламни ўзгартириш учун аввало, одамни ўзгартириш лозим. Ҳақиқатдан ҳам, жамиятни ўзгартириш аввало, инсон онгидан бошланади. Бунда тарихий онг ва тарихий тафаккурнинг ҳам ҳиссаси катта.

“Тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси маърифатли жамият қуришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Зотан, ўтмишни англаш, уни тўғри тушуниш орқали кишилар онги ва руҳиятида жиддий ўзгаришлар ясашга, шу орқали ҳаётни, турмуш тарзини, охир-оқибатда эса жамиятни маънавий ислоҳ қилишга эришилади”[116].

Тарихий тафаккур бизнинг маърифий ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланиши лозим. Бунинг учун барча таълим каналлари, тарғибот ва ташвиқотнинг имкониятларидан максимум даражада фойдаланиш яхши самара беради. Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришда тарих дарсларининг ўрни жуда муҳим. “Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.”[117]

[116] Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси: яратилиши эволюцияси ва амалиёти. – Т.: Маънавият, 2002. –Б.46.
[117] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Тошкент, 2020 йил 30 октябрь

Умумтаълим мактабларида ўқитилаётган тарих дарсларининг савиясини, ўқитувчиларнинг салоҳиятини ошириш зарур. Тарих қуруқ рақамлар ва оддий воқеалар баёни бўлиб қолмаслиги муҳим. Тарихий воқеа-ҳодисалар ҳиссиёт ва туйғулар билан омухталаштирилганда унинг болаларга таъсири бир неча баробар ошади. Бу даврда боланинг онгига сепилган ватанга муҳаббат уруғи униб чиқиб келгусида катта ишларга, бунёдкорликларга пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Умумтаълим мактабларида тарихни ўрганиш жараёнида тарихий тасаввурнинг 3 тури шаклланади:

1)тарихий далиллар; 2)тарихий давр; 3)тарихий макон ҳақида.

Ўқитувчи тарихий тасаввурнинг тури ва ролини балки уни ташкил этиш усулини ҳам билиш керак. Мактабда тарихни ўқитишнинг асосий вазифаси ўқувчиларда жамият ҳаётининг бутун жиҳатларини қамраб олган, ўтмиш далиллари ҳақидаги аниқ тасаввурни шакллантиришдан иборатдир.

Аниқ тарихий тасаввур тарихий тушунчаларни шакллантиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ўтмишга оид ҳодиса ва образлар мазмуни бой ва кенг бўлса уни тушуниш тизими шунчалар мукаммал ва мазмунли бўлади. Ўтмиш ҳодисаси ўқувчида ҳамдардлик, қайғуриш, нафрат, фахрланиш ҳиссини ҳосил қилади. Қаҳрамонлар образи эса уларда идеаллар шаклланишига ёрдам беради. Бунда тарихий жараённинг тарбиявий аҳамияти намоён бўлади.

Тарих ўқитувчиси даврнинг адекват образини яратишга ҳаракат қилиши лозим. Ўқитувчи матнни ўқиш, оғзаки гапириш билан бирга турли кўргазмали материаллардан самарали фойдаланиши керак. Дарсликдаги рангли расмлар, меҳнат қуроллари, хўжалик машғулотлари, одамларнинг ташқи қиёфаси, уй-жойлари, урушлар, маданий ёдгорликлар ва бошқалар ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Муваффақиятли тарихий тафаккурга эга бўлиш учун ўқувчилар бутун ахборот тизими ва аналитик қобилиятига эга бўлиши керак. Алоҳида олинган дарсда ўқитувчи фаолиятининг битта усулини ташкил қилади. Дарҳақиқат, усулларнинг бутун моҳиятини кўрсатиш учун ўқувчилар томонидан операцияларнинг ўзаро алоқаларини кўрсатиб бериш керак. Шу мақсадда турли фаол технологиялардан фойдаланилади: амалий-лаборотория машғулотлари, диспутлар, форумлар, симпозумлар, дебатлар, суд мажлислари, тадқиқот лойиҳалари тузиш ва ҳ.к.лар. Шундай қилиб ўқувчиларда тарихий тафаккурни шаклантириш билмасликдан билишга, ҳаракатсизликдан фаолликка, англамасликдан англашга қараб узун ва мураккаб йўлни босиб ўтади.

Тарих дарсларида ашёвий ва визуал манбалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради, ўқувчиларда ўтмиш воқеалар ҳақидаги тассаввурни бойитади, ахборотни ажратиб олиш, муҳокама қилиш ва фикр юритишга ўргатади. Тарихий фактлар ва уларнинг интерпретациясига асосланган тарихий тафаккур кўникмасини ривожлантириш мураккаб, инсондан аналитик қобилиятни талаб қилади. Танқидий фикрлаш-ҳақиқий билимларни эгаллаш йўлидаги фаол билиш жараёнидир. Тарих дарсларида бу энг муҳим мақсадлардан бири бўлиши керак. Тарихий далилларни билишни ўзи кам, унинг халқ ва мамлакат учун тарихий

аҳамиятини баҳолашни билиш муҳимдир. Танқидий фикрлайдиган одам стреотип ва догмаларни қабул қилмайди. Унинг тафаккурида ахборот билан ишлаш асосида фикрлаш, турли нуқтаи назарларда қараб чиқиш, баҳолаш ётади.

Тарих дарсликларида танқидий тафаккурни ривожлантириш жараёни ўқувчиларнинг мустақил тадқиқот ишларисиз тасаввур қилиш қийин. Улар ҳужжатлар, манбалар, мемуарлар, тарихчилар, файласуфлар, социологларнинг фикрлари билан танишиши лозим.

Анологик фаолият бошқа мавзулар бўйича йил бўйи давом этади. Бу давр мобайнида ўқувчиларда жамият ҳаётининг ўтмишдаги турли соҳалари бўйича турли билимлар тўпланади. Ахборот манбалари доирасини аниқлаш кўникмаси, керакли маълумотни олиш, қўйилган муаммодан келиб чиқиб кўриладиган аспектга қайси бурчакдан қарашни ўргатади.

Тарихий далиллар ва уларнинг интерпретацияси мураккаб жараён, инсондан юқори аналитик кўникма, предмет бўйича билим, ишонч ва тўғри шаклланган тарихий тафаккур керак бўлади.

И.Я.Лернер томонидан тарихий тафаккур тизимга солинган. “Тарихий тафаккур қуйидаги 9 та ҳолатни ўзида акс эттиради:

1) ижтимоий ҳодиса ва воқеага оид далил ва белгиларни тўғри ажратиб олишни билиш; 2) ҳар қанда ижтимоий воқеликнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш; 3) бир –бирига мос келувчи тарихий ҳодисалар ва уларнинг ўзаро алоқаларини ва шартларини аниқлашга интилиш; 4) барча тарихий ҳолатларнинг онгдаги ўткинчи харктери, унинг тарихий аҳамияти; 5) тарихий қонуниятларнинг номоён бўлишдаги кўп образлиликни англаш;

6) ҳар бир тарихий ҳодисада акс этадиган (тараққиёт) ривожланиш тенденциясини излаш; 7) ижтимоий гуруҳ ва алоҳида шахсларнинг фаолиятини белгиловчи ижтимоий мотивларни ажрата олиш; 8) ўтмиш ва бугунни таққослашга қизиқишни кўрсатиш; 9) тарих дарсларидан ўтмишга оид далиллардан келтиришни билиш.[118]

Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, тарихий тафаккур шахс маънавий қиёфасининг муҳим унсури ўзликни англашга йўл очади. Жамиятда кечаётган ўзгаришлар, ислоҳотларнинг изчиллиги, ошкоралик, самарадорлик фаол шахслардан иборат жамоатчиликка боғлик;

Иккинчидан, тарих дарсларида ўқувчилар тасаввурида ўтмишнинг аниқ тасаввурини ҳосил қилишнинг воситаларидан унумли фойдаланиш орқали ўтмиш ҳодисасининг мукаммал манзараси ва образини яратишга эришиш яхши самара беради;

Учинчидан, тарих дарслари ўқувчиларда аналитик қобилиятни ривожлантиришга йўналтириш орқали уларда мушоҳадалик, мустақил фикр

[118] Лернер И.Я. Развития мышления учащихся в процессе обучения истории // М.: Просвещение. – 1982. –С. 191.

айтиш кўникмасини ҳосил қилишга хизмат қилади. Дарсда фақат дарслик ва ўқув материаллари билан чекланмасдан, мавзуга оид қўшимча адабиётларлардан фойдаланиш яхши самара беради;

Тўртинчидан, дарсларда ҳосил қилинган тарихий тафаккур ўқувчида ўтмиш, бугун, эртага формуласи асосида тарихга ёндошиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, ҳар қандай кўникма малакага пойдевор бўлади.

ЁШ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МЕРОСНИНГ РОЛИ

М. Ботиров
Гулистон Давлат Университети катта ўқитувчиси.

Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва рухи маънавиятдир
Ш.Мирзиёев

Мустақиллик йилларида маданий мероснинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги ўрни, маънавий-маданий меросга ахлоқий муносабатнинг миллийлик ва умуминсонийлик жиҳатларини интеграциялашуви масаласининг илмий-фалсафий таҳлили, инсон ва маънавий мерос муносабатининг ахлоқийлик жиҳатларини кенг кўламда очиб бериш, глобаллашув шароитида бу муносабатларнинг ўрни ва аҳамияти ҳамда уларнинг муҳим хусусиятларини ўрганиш асосий мақсад қилиб олинди.

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади[119].

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган илмий-ҳаётий тажрибалари, диний ахлоқий, илмий-фалсафий қарашларини ўзида мужассам этган нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш вақти келди. Бунда “Авесто”, Ислом фалсафаси, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, қолаверса, маърифатпарварлар ва жадид мутафаккирларининг бу борада олиб борган ижтимоий-фалсафий ғоя-ларини ўрганиш бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

---

[119] Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. “ Халқ сўзи” газетаси. 1-бет. 2017 й. 19 сентябрь.

Миллий маънавий меросимиз асосида ёшларнинг қиёфасининг шаклланиш жараёни маънавий-ахлоқий онг, ахлоқий хатти-ҳаракат, ижтимоий фаолият ва ахлоқий муносабат ҳамда ўз-ўзини англаш билан амалга оширилади, зеро, ватанимиз тараққиёти, келажаги, халқимиз ўз олдига қўйган улкан мақсадларга эришиш, аввало, маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук ёшларга, уларнинг миллий маънавий меросимиз аҳамиятига боғлиқдир.

Жамиятимизда бой миллий маънавий меросимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш миллий маънавий меросимиз асосида ёшларни тарбиялаш ва ўз навбатида ушбу меросимиз ёшларни ўқитишда муҳим манба сифатида диалектик алоқадорликда бўлади. Айниқса, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Юсуф Хос Хожиб, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Хўжа Ахмад Яссавий, Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмидин Кубро, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир алломаларимизнинг бой маънавий мероси муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида миллий маънавий меросимизни жамиятга жорий этиш қуйидаги долзарб масалалар ечими билан белгиланади:

Биринчидан, ижтимоий-тараққиёт жараёнида, миллий маънавий меросимизни ёшлар онгига сингдириш асосида жамиятда ҳам янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига мослашиш лозим;

Иккинчидан, миллий маънавий меросимиз асосида ёшларни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етишишидаги шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш.

Бугунги кун миллий маънавий меросимиз асосида инсон омилини тўлиқ рўёбга чиқариш ва унда ижтимоий адолат каби инсонпарварлик тамойилларига амал қилишни тақозо этмоқда. Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли миллий маънавий меросимиз ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-ҳаё, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар десак ҳеч хато қилмаган бўламиз. Ёшларнинг тарбиясига, камолотга етишига, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборни қаратиш давлат сиёсатининг устивор йўнлишларидан бири ҳисобланади. Шу ўринда мухтарам Президентимизнинг қуйидаги фикрлари бунинг тасдиғини кўрсатади: “- Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси-бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси-аждод-ларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”[120]

Жамиятнинг ижтимоий гуруҳи бўлган талаба ёшлар фаоллиги жамиятимиз аъзоларига хос фаолликнинг ҳамма хусусиятларини ўзида акс эттиради. Талаба ёшлар маънавияти, аввало, миллий қадриятлар таъсирида шаклланади. Зеро, оила, мактаб, маҳалла бу жараённинг тамал тошини қўяди. Бу эса улар фаоллигини ошириш, талаба ёшларда миллий қадриятларга содиқлик туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

[120] Ш.Мирзиёев. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. 19.01.2021 й.

Бугунги глобаллашув замонида ёшларнинг калби ва онгини эгаллаш учун мисли курилмаган даражада кураш бормоқда. Бу курашлар сахнасида Ўзбекистон ёшлари қалби ва онгида ўз халқи ўтмишига эҳтиром ва муҳаббат ҳиссини сингдириш долзарб вазифага айланмокда. Шунинг учун Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиб, унинг мохиятини англаш, ёшларни тарихий анъаналар ва олийжаноб фазилатлар манбаларини, уларнинг тарихан таркиб топганлигини тушуниб олишларига кўмак беради[121].

Хулоса килиб айтсак, жамиятнинг маънавий соҳаси мамлакат тараққиётининг муҳим шарти ва кафолатидир. Шу нарса ҳақиқатки, бирон-бир мамлакат ўз маънавий имкониятларига таянмай, одамлар онги, тафаккурида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай, халқнинг миллий руҳини уйғотмай туриб, юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди. Маънавият инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, унинг ички оламини бойитадиган, иймон иродаси, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли кучдир.

Ушбу мавзуни ўрганиш жараёнида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

-маънавий мерос тушунчаси, унинг ахлоқий, ижтимоий-тарихий негизлари, халқимизнинг миллий ўзлигини англашда ва кишилар тафаккурини ривожлантиришдаги ўрни;

-глобаллашув жараёнида маънавий мероснинг ёшлар ижтимоий онгини шаклланишидаги белгиловчилик моҳияти ва мазмуни;

-маънавий мероснинг ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишдаги муносабати жараёнида умуминсонийлик тамойилларига эътибор;

Маънавий бойликларимиз ҳисобланмиш миллий урф-одатлар анъаналар ва қадриятларимизнинг энг нодир дурдоналари ўкув тарбия жараёнига киритилса, улар ушбу жараёнлардаги барча маънавий-маърифий тадбирларга асос килиб олинса, шахс маънавиятида, унинг дунёкараши ва ҳулқ атворида ижобий хислатларнинг шаклланишида янада кўпрок имконлар яратилади.

[121]Тохириён А. “Миллий-маънавий мероснинг ёшлар тарихий онгини шакллантиришдаги аҳамияти”. Замонавий таълим - Современная образования. 2014-3.

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ш.Ўрозов
СамИСИ катта ўқитувчиси.
Ж. Ҳакимов
СамИСИ талабаси.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва мафкуравий профилактика масалалари бўйича фикр юритишдан олдин мафкуравий ҳимоя масалаларига тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Мафкуравий ҳимоя ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий ҳимоя ғоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор бир ҳудуд, қатлам, гуруҳни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади.

Мафкуравий ҳимоя тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолатда доимий ва собит қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради.

Хўш, ғоя нима, нега унга бу қадар катта эътибор ва аҳамият берилади? Маълумки, ҳар қандай миллат ва халқ, ҳар қандай ижтимоий тузум ва давлат муайян бир тамойиллар ва қадриятлар асосида ҳаёт кечиради ҳамда ўз манфаатлари, мақсад муддаолари, орзу интилишларини кўзлаб ҳаракат қилади. Бинобарин, улар ҳаётдаги маълум бир мафкурага таянади.

Ғоя (араб. ғоят сўзининг шакли) — луғавий маънода ниҳоя, интиҳо, охир, поён ҳамда орзу, мақсад, ният, мурод, режа маъноларини англатувчи тушунча. Ҳозирги даврда ғоя инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган улуғвор фикр маъносини англатади. Миллий ғоянинг асосий мазмуни деганда, унда ифодаланган мақсадлар тушунилади. Яъни, миллий тараққиёт ғояларидаги конкрет мақсадлар, унинг асосий мазмунини ташкил қилади. Бу мақсадлар — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ёки юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришдан иборатдир. «Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик, - деган эди Президентимиз Ислом Каримов «Хушёрликка даъват» асарида. – Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим». **(**И.Каримов.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-жилд. — Т.: «Ўзбекистон», 2000, 28-бет).

Шу методологик тавсиядан келиб чиқиб, ғоявий-мафкуравий ишларимизда кўпроқ айни шу мақсадларнинг мазмун-моҳияти озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётнинг ўзи нима, унинг моддий-иқтисодий ва маънавий-мафкуравий қиёфаси қай тарзда намоён бўлади; бизнинг шароитда ҳуқуқий, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қандай амал қилади уларни барпо этишда қандай имкониятлар ва тўсиқлар бор. Мақсадларимизга эришиш учун жамиятимиздаги ҳар бир киши, гуруҳ, тоифа, қатламлар қандай бўлмоғи ва нима ишлар қилмоғи керак; ушбу буюк ва эзгу ғояларимиз қай тариқа руёбга чиқяпти каби масалалар атрофлича ёритилиши лозим. Ғоявий-мафкуравий ишларни ташкил қилишда масала шу тартибда қўйилиши, миллий ғояни тарғиб-ташвиқ қилишда айни шу муаммоларни системали ёритишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Мустақиллик қўлга киритилган бугунги кунда «идея», «идеология», «ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг тўлиқ маъно-мазмунини ва ҳар бир Ватандошимиз ҳаётидаги ўрнини билиб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Инсониятнинг эҳтиёжлари ошиб бораётган бугунги шароитда уни ўзида ифодаловчи ғояларнинг юзага келиш жараёни ҳам содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам улар турмушда кенг қўлланилиб келмоқда. Агар уларнинг ҳар бирининг мазмуни ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар турли маъноларни ўзида ифода эттирганини кўриш мумкин бўлади. Жумладан, «идея» юнонча «Idea» сўзидан олинган бўлиб, «шаклланган фикр» деган маънони англатса, ғоя инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, умумий билимлар моҳиятини ва мақсадлари мажмуини билдиради. Идеология ва мафкура сўзлари ҳам ҳам бир маънони англатувчи тушунчалар эмас. «Идеология» юнонча «идеа» ғоя, тушунча, «1ogos» таълимот деган маънони англатади ва у сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, бадиий, фалсафий қарашлар тизимини ўрганиш билан боғлиқ бўлган таълимот (соҳа, йўналиш, фаннинг алоҳида йўналиш) ҳисобланади.

«Мафкура» сўзи араб тилида «фикрлар мажмуи» маъносини англатади ва муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, идеология ва мафкура тушунчалари турли тилларда турли маъноларни англатмоқда. Ўзбек тилида мустақилликни қўлга киритгунимизгача мафкура тушунчаси илмий адабиётларда ва амалиётда қўлланилмаган эди. Унинг ўрнига ҳам идеология тушунчаси қўлланилиб келинган.

Аслида, идеология сўзи айнан мафкура тушунчасини англатмайди, балки ғоялар ва тушунчалар ҳақидаги таълимот бўлиб, мафкура мақсад, манфаат, истиқболга олиб борувчи орзу-умидлар мажмуаси ва уларни амалга оширувчи ғоявий-назарий омил ҳисобланади.

Мафкуравий иммунитет – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилишга хизмат қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими. Иммунитет (лот. immunitas — озод бўлиш, қутулиш) тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини сақлаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи сифатида тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет – киши организмининг турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир. Инсонда мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи бу — билим. Аммо, билимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян "билим"ларга таянади, албатта. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидаги билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойитиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимидир. Зеро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва зарарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилади. Аммо билимлар ва қадриятлар тизими мавжудлигининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зеро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона мафкуравий тазйиқларга дучор бўлаверади.

Мафкуравий ҳимоя таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими орқали амалга оширилади. Соғлом мафкурани халқ онги ва қалбига сингдиришга хизмат қиладиган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам бу жараёнда ўз ўрнига эга.

Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару достонлар, қўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий - маърифий тадбирлар мафкуравий ҳимояни амалга ошириш шакллари сифатида намоён бўлади. Улар қаторида «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилар бор. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

Адабиётлар:

1.Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat - yengilmas kuch. - T.: Ma’naviyat, 2008.

2.Mirziyoyev Sh.M. “Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz”. T. “O‘zbekiston”, 2017.
3.Mirziyoyev Sh.M. “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta’minlash - yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi”. T. “O‘zbekiston”, 2017.
4.Mirziyoyev Sh.M. “Erkin va farovon demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz”. T. “O‘zbekiston”, 2017.

НАВОИЙ ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР БЎЛГАН АЛЛОМА

У. Мавлянов
Гулистон Давлат Университети катта ўқитувчиси

Фахруддин Али Сафий 1463 йил 12 февралда Ҳиротда Ҳусайн Воиз Кошифий оиласида туғилган бўлиб, ўз даврининг етук алломаларидан бири эди. У Жомий, Навоийларнинг тавсия-маслаҳатлари билан 1474-1490 йилларда Хожа Аҳрорнинг котиби, энг содиқ муриди, маслакдоши сифатида 16 йиллик махсус камолот босқичини ўз бошидан кечирган эди. Натижада аллома 1490 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳиротга таклиф этилган, давлатнинг бош воизи деб эълон қилинган. У Ҳиротнинг ўша пайтдаги барча машҳур мадраса, масжид ва хонақоҳларида ислом, шариат арконлари билан бир қаторда хожагония-нақшбандия тариқати таълимоти ва амалиётининг билимдони, фатво бера оладиган юксак нуфузли давлат ва дин арбобига айланган эди.

“Мажолис ун-нафоис”да Навоий ўзидан 22 ёш кичик замондоши Али Сафийга махсус ўрин ажратиб, қуйидагича жуда катта ҳурмат-эҳтиром ва холислик билан таърифлаб, ижоди ва фаолиятига юксак баҳо берган эди: “Мавлоно Сафий – Мавлоно Ҳусайн Воизнинг ўғлидур. Бағоят дарвешваш ва фоний сифат ва дардманд шева йигитдур. Ҳирийдан Самарқандға Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатиға мушарраф бўлур учун борди ва андоқ дерларким, онда қабул шарафин топиб, иршод ва талқин саодатиға сарафроз бўлиб, яна Хуросонға келди. Табъи хўб воқеъ бўлубтур… (матлаъ)”.

Али Сафийнинг ҳаёти, шахсий тақдирида, илмий ижод, фаолиятида Абдураҳмон Жомий фавқулодда ўрин тутган, унга тахаллус (Сафий) берган.

Али Сафийнинг шахсий ҳаёти, оила қурган-қурмаганлиги, фарзандлари ва яқинлари ҳақида бизнинг қўлимизда бўлган барча асосий манбаларда ва мавжуд тадқиқотларда бирон-бир маълумот йўқ, ёки ҳали аниқланмаган. Фақатгина Али Сафийнинг ўзи “Рашаҳоту айнил ҳаёт”да Саъдуддин Қошғарийнинг аммаси ёхуд синглисига уйланиб, Жомийга божа бўлганлигини пирига бағишланган қайдлари ичида маълумот сифатида келтиради. Ана шу маънода биз Али Сафий оила қурган, лекин, Навоий қайдича, “дардманд шева”, “фоний сифат”лигидан фарзанд кўрмаган деган хулосага келишимиз мумкин.

Навоийнинг Али Сафий ҳақида ҳар бир таърифини ёзишига диққат қилиниши лозим. Зеро, Навоий ўз тазкирасини 1492 йилдан кейин ёзган, бу пайтда Али Сафий эндигина 30 ёшга кирган, балоғат даврига қадам қўяётган эди. Ҳали ўзининг шоҳ асари - “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” ёзилмаган, Навоий

тазкирасига киритилишнинг шартларидан бири бўлган ғазаллар “Девон”и ҳам йўқ эди. Лекин, шунга қарамай, Навоий уни ўша давр Ҳирот буюклари қаторида юксак баҳолаган. Бу мутлақо тасодиф ҳам бўлмаган бўлса керак.

Зеро, Абдулҳай ибн Абдулфатҳ ал-Ҳусайний ўзининг “Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (қ.с.)” асарида Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг Али Сафий ҳақидаги қуйидаги фавқулодда таъриф ва баҳосини келтириб ўтишига қараганда ҳам Али Сафийнинг 1490-1492 йиллардаёқ жуда катта маънавий-руҳоний обрў-эътибор қозонганлиги, буни Жомийдек улуғ орифлар эътироф этганлиги маълум бўлади. “Ҳазрати Махдуми Мавлоно Абдураҳмон Жомий Хожанинг шаънида (Хожа Аҳрорнинг ўғли Хожа Қутбиддин Яҳъё) Мавлоно Фахруддин Али хизматини назарда тутиб, “Қандай латофат ва ҳусни истеъдодки, Хожанинг хизматини қилади”, дебдилар. Яна “Унинг суҳбатига етишганимда,-деб давом этган эди Жомий, - унга нисбатан лутфона моил бўлдим. Ҳайратдан фарёд қилишимга оз қолди”, - деган эканлар”.

Қолаверса, Ҳасанхожа Нисорий Бухорий ўзининг “Музаккири аҳбоб” асарида “Мавлоно Фахриддин Али Воиз” деб аталган анчагина муфассал фасл ажратиб, унинг илмий ва диний фаолияти, меросига юқори баҳо берган. Фақат замондошлари ёки кейинги давр муаллифларигина эмас, Али Сафийнинг биринчи маънавий устози бўлган отаси Воиз Кошифий ҳам ўғли Алининг истеъдод, салоҳият ва қобилиятига юксак баҳо берган. “Шариф оталари (яъни Кошифий) “Тафсири Форсий”ни тамом муносабати билан бир таърих айтган. Жаноб мавлоно Ҳусайн ўз китобида ўғли айтган бу таърих васфида шундай ёзадилар: “Пок вужуди ва соф қалби завол топмасин, аржуманд фарзандимиз бу варақлар тугалланиши таърихида рубоий иншо қилибди, мана ўша рубоий ...”, - деб юксак баҳоси ва эътирофини билдирган. Али Сафийга отаси бу баҳони 1494 йилда билдирган бўлса, Жомий ундан икки йил аввал, 1492 йилда айтган эди.

Биз дастлабки изланишларимиз ва Али Сафий ҳаёти, фаолияти, мероси, дунёқарашига оид тадқиқотлар хулоса ва натижаларини қиёсий ўрганиш асосида Али Сафий асарларининг қуйидаги 11 та номдаги рўйхатини тиклашга эришдик: 1. “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” (Ҳаёт булоғи томчилари); 2. “Латоиф ут-тавоиф” (Тоифалар лутфлари) ёки “Латоиф уз-зароиф” (Зарифлар лутфлари); 3. “Маҳмуд ва Аёз”; 4. “Анис ул-орифийн фил-маваиз” (Панд-насиҳатда орифлар дўсти); 5. “Туҳфат ул-хоний”; 6.”Ҳирз ул-амон мин фаттан уз-замон” (Замон шумликларидан омон сақловчи тумор); 7 “Одоб ул-асҳоб” (Дўстлар одоби); 8. “Кашф ул-асрор” (Сирларни кашф этиш); 9. “Усули нақшбандиййа”; 10. “Фарасномаи Сафий”. 11. Луғати Али Сафий.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биринчидан, Али Сафийнинг ўз даврининг етук алломаси бўлиб шаклланишида Ҳиротдаги маънавий муҳит, отаси ва устозлари – Жомий, Қошғарий ва Навоийларнинг таъсири кучли бўлган. Иккинчидан, аллома ўз даврининг забардаст олими сифатида дин, тасаввуф, ахлоқ, риторика каби соҳаларда ижод қилган ва асарлар қолдирган. Учинчидан, Али Сафийнинг асарлари Мовароуннаҳр ва Хуросондаги фалсафий фикрлар тараққиёти, дин ва тасаввуф алломалари ҳаёти, мероси ва дунёқараши тўғрисида маълумот берувчи бирламчи, ишончли манбалардандир.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР РИВОЖИ

Ш.Ўрозов
СамИСИ катта ўқитувчиси

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Амир Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг соҳибқирон Амир Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш орзуларининг ушалган давридир. Унинг фалсафасида ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафкурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаганку, унинг фалсафага алоқаси борми, деб ўйлайди. Аслида Темурнинг ҳаёти ва фаолияти фалсафадан иборат эмасми? У фалсафий хулосалар чиқариш учун бошқа кишиларнинг ҳаёти ва асарларидан ҳам мазмунлироқ ҳаёт эмасми? Фалсафани фақат китоблардангина ўрганиш мумкинми? Аслида, фалсафани тўла-тўкис китобга тушириб бўлмайди. Китобга туширилган фалсафа муайян тизимга келтирилган фалсафий билимлар системаси, холос. Темур ва темурийлар даврини тарих фалсафаси ва фалсафа тарихини уйғун тарзда ёзиш орқали нисбатан тўғри ифодалаш мумкин. Амир Темурнинг ҳаёти, унинг фаолияти, темурийлар давридаги маданий жараёнлар, илм-фан ривожи каби масалалар эса бир неча фалсафий китоблар, ўнлаб тадқиқотлар учун мавзу эканлиги аниқ, қолаверса, Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозиктаъб тушунган, ўзлари ҳам бу соҳаларда ажойиб ютуқларга эришган сиёсий сулолаларни жаҳон тарихидан топиш қийин[1.76].

Тарих шундан далолат берадики, юрт бошлиқлари фан ва маданиятга қизиққан, маънавиятни юксакликка кўтариш учун курашган ўлкада бу соҳаларда ҳақиқий юксалиш бўлади. Сиёсий таъминланганлик, бошқа соҳалар билан биргаликда, маданий тараққиётнинг энг асосий омили эканлигини рад қилиб бўлмайди. Маданиятпарвар, миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар ўша давр маънавий тараққиёти учун сиёсий-иқтисодий асосларни тўла-тўкис яратган арбоблар эди. Халқимизнинг асрлар оша улар руҳига миннатдорлик туйғуси билан ёндашуви сабабларидан бири ҳам шунда.

Амир Темур ибн Тарағай Баҳодир (1336-1405) Кеш шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келди. Унинг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у мўғулларнинг босқинчилик ва вайронкорликларига қарши курашиб, Ўрта Осиёни улардан халос этди. Майда феодал ва мулкдорларнинг ўзаро низоларига барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо қилди. Мамлакатда тартиб-интизом ва қонун устуворлигини таъминлади.

Темур тамғасининг нақши "рости расти" бўлиб, бу "ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан" демакдир... Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу ғорат қилиш ва ҳарам (ҳақи)га ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур қўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли (киши)ларни, довюрак ва мардларни ёқтирар эди[2.65].

Амир Темур моҳир саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннаҳр халқининг фаровонлиги, юрт ободончилиги учун сарфлади, унинг даврида ҳашаматли бинолар, қурилиш иншоотлари, гўзал боғлар бунёд қилинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал ҳудудига айланди. Бу ҳақда атоқли файласуф олим Иброҳим Мўминов шундай деб ёзган: "XIV ва XV асрлар тарихномаларида Темур фаолияти идеалистик нуқтаи назардан ёритилади. Уларда Темурга гоҳ хайрихоҳлик, гоҳ хуш келмаслик майллари намоён бўлади. Шунга қарамасдан, умуман олганда, бу манбаларда Темур ҳақида бой тарихий фактик материаллар бордир"[3.16].

Темурнинг яна бир улкан хизмати шуки, у маданият ва илм-фан ҳомийси сифатида машҳур бўлди, ўз саройига олиму фузало ва дин арбобларини тўплади. Хожа Афзал, Жалол Хокий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошқалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машғул бўлдилар. Шоҳрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар. Бу даврнинг фалсафий фикри учун хос нарса дунёвий ва диний фанларга мурожаат, табиатни ўрганишга интилиш, инсон ақли ва қобилиятларининг кўтарилиши, инсоннинг ахлоқлий сифатларини қадрлаш, инсонпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш эди[4.130].

Бир қатор илмларда (тарих, шеърият, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик) салоҳияти катта бўлган шахс, бунинг устига яна подшоҳ, улкан салтанатнинг олий ҳукмдори бўлса, табиий равишда илм ва маданиятга, олим ва ижодкорга катта ҳурмат билан қарайди, бу йўлда барча имкониятларини ишга солади. Бундан ташқари ҳар қандай жамият ва давлат тараққиёти ва келажагини фан ва маданият равнақисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини Амир Темур яхши тушунган. Шунингдек истеъдод эгалари махсус ва доимий эътиборга муҳтож ва лойиқ бўлишлари, ноёб қобилият эгаларини муҳофаза қилиш, ижодлари учун шароит яратиш, турмушларини таъминлаш зарурлигини ҳам у тўғри англаган.

У олиму фозиллар ўз маслаклари ва дунёқарашлари юзасидан жамият ва давлат тараққиёти, замонавий аҳволи хусусида бошқа ижтимоий табақаларга нисбатан кўпроқ бош қотиришлари ва бу орқали тегишли тажриба ва

билимларга эга бўлиб боришларини ёдда тутган. Шу сабаб ҳам дунёнинг қайси бир мамлакати ва шаҳарига бормасин олиму фозилларни бир ерга йиғиб, улар билан узоқ суҳбатлашиш, уларнинг фикрини тинглаш, баҳслашиш ишини канда қилмаган[5.197-198].

Илм-фан маданиятга бундай муносабатни Соҳибқирон умрининг охиригача сақлаб қолди. Бу йўлдан унинг авлодлари ҳам юрдилар. Натижада темурийлар замонида кўплаб мадрасалар, кутубхоналар, мактаблар барпо этилди. Уларда ўқиш ва ўқитиш учун дунёнинг турли бурчакларидан етук олимлар таклиф этилди. Фикримизча, Амир Темурнинг фан ва маданият соҳасида юритган сиёсатини худди мана шу омиллар орқали баҳолаш лозим. Шу маънода Ибн Арабшоҳнинг қуйидаги баёни эътиборли: “Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, ўз икрому ҳурматини унга изҳор этарди. Уларга нисбатан ўз муруввати бисотини ёрдики, бу муруввати унинг ҳайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу ҳишмат бўларди”[2.69].

Адабиётлар:

1. Қ.Назаров. Фалсафа асослари. –Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2012. –Б.76.

2. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, II жилд.Араб тилидан Убайдулла Уватов таржимаси.–Т.:«Меҳнат», 1992.–Б.65, 69.

3. И.Мўминов. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. – Т.: «Фан», 1993. –Б.16.

4. М.Аҳмедова умумий таҳрири остида. Фалсафа. –Т., Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2006. –Б.130.

5. А.Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: «Шарқ», 2000. –Б.197-198.

ФАХРУДДИН АЛИ САФИЙ МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ ҲАҚИДА

У. Мавлянов
Гулистон Давлат Университети катта ўқитувчиси

Маънавий шаклланишимизда чуқур из қолдирган, “Ривожланган Уйғониш даври”, “Темурийлар Ренессанси” каби номлар билан тавсифланаётган Темур ва темурийлар даври халқимизга кўплаб даҳоларни етиштириб берди. Ана шу даврнинг кўзга кўринган вакилларидан бири – Фахруддин Али Сафий (1463-1532\33) бўлиб, у ўз даврининг етук адиби, олими, дин ва давлат арбоби бўлган.

Али Сафий таълимни асосан Ҳирот мадрасаларида олиб, уни Самарқанд мадрасаларида ниҳоясига етказган ва Хожа Аҳрор Валий қўлидаги кўп йиллик тасаввуфий-ирфоний билимлар билан тўлдирган, етук арбоб бўлиб танилган. Биз қуйида унинг меросида алоҳида ўрин тутадиган маънавий-ахлоқий қарашлари тўғрисида тўхталамиз. Алломанинг маънавий-ахлоқий қарашлари

жуда кенг, асосли ва мураккаб тизимга, мазмун, моҳият ва маънога эга. Биз бу ўринда уларнинг асосий жабҳа, йўналишларини санаб ўтиш билангина чекланамиз.

1. Расмий ислом, шариат – “Аҳли сунна вал жамоа” маънавияти ва ахлоқи. Асослари Қуръони карим, ҳадиси шарифлар (сунна), тафсир, сира ва мағозийлар, шариат қоида, талабалари ва меъёрлари. Отаси Воиз Кошифийнинг “Тафсири Ҳусайний” асари асосида, шунингдек, ўзининг “Ҳирз ул-амон мин фиттан ул-замон” асарида Қуръони каримнинг ҳарфлари, суралари, оятларининг юксак маънавий-ахлоқий ўрни, қиммати, шифобахшлиги, хос оятлар ва ҳадиси шарифлардаги маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланган.

2. Дунёвий маданият, маънавият ва ахлоқ. Бу Али Сафий яшаган кейинги ўрта асрларда ҳам катта маъно ва кўламда “Илми адаб” – “Адаб илми” деб аталган. Али Сафий маънавий-ахлоқий қарашларининг бу жиҳати бизгача тўла ва мукаммал равишда унинг “Латойиф ут-тавойиф” ҳамда “Одобул асҳоб” асарларида етиб келган.

3. Тасаввуфий-ирфоний маънавият ва одоб-ахлоқ. Бу асосан Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарида тўла ва мукаммал баён этилган, концептуал хулосалаб берилган. Шунингдек, “Анис ул-орифийн фийл маваиз” – насиҳат, ваъз, оятлар тафсири, ҳадислар, қисса ва ҳикоялар ҳам мана шу гуруҳга киради.

4. Бевосита “Ахлоқ илми” билан боғлиқ маънавий-ахлоқий қарашлари асосан отасининг “Ахлоқи Муҳсиний” асари асосида, шунингдек, Форобий, Ибн Мискавайҳ ва Ибн Сино каби ўтмиш мутафаккирларининг ахлоқ илми назарияси ва муаммоларига оид таълимотлари асосида шаклланган.

Шу билан бирга Али Сафий жамлаган ирфоний ибрат, мисоллар, ҳикматлар инсон эришадиган маънавий-ахлоқий камолот, борлиқ фақат мавҳум, илоҳий ёки жазбавий эмас, балки, жуда ҳам яққол ифодаласа, очиқ кўрсатса бўладиган ҳаётдаги воқеаларда намоён бўлиши мумкин. Аллома асослаган тасаввуфий-ирфоний тасаввурга кўра, инсонда энг аввало иккита маънавийлик мавжуд. **Биринчиси** инсонга ота-онаси, табиат берган уйғунлик, жисмоний гўзаллик, таълим-тарбия, шунингдек, махсус санъатлар – амри маъруф, ваъз, хотиблик, адаб илми, турли санъатлар воситасида шаклланадиган маънавийликдан иборат. **Иккинчиси** – ҳаммага насиб этавермайдиган, Худо томонидан ато этиладиган тасаввуфий-ирфоний маънавиятдир. У ҳам ўз ўрнида муайян тизим – изчилликда шаклланади. Маънавиятнинг мазкур юқори шакли Аллоҳнинг ҳидояти, лекин у бевосита пир-муршид раҳнамолигида шаклланади. Маънавиятнинг бу юқори, юксак шаклининг шаклланиши концепцияси, механизми ва ўзига хослигини Али Сафий ўз даври талабларига кўра асослаб беради: “...вужуди маънавий сўфиййа истилоҳларида валодати сонийя (қайта туғилиш)дин иборат турурким, ... Ва ул кишиким, бул вужуднинг партавидин онга асаре тушубтур. Бас, мажоз тариқи била ойтса бўлурким, онга вужуди маънавий ҳосил турур”. Али Сафий эътиқодига кўра, инсон маънавий камолоти

икки йўл билан: бири фойдали меҳнат, касб-кор, деҳқончилик билан, бошқаси эса соф ирфоний риёзатлар, жидду-жаҳд билан эришилади.

Али Сафий нима учун дунёда инсон маънавий камолотга эришиши қийин кечади, деган савол қўйиб, мазкур саволга ҳам ижобий жавоб топиб бера олган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкинки, ўз даврининг етук алломаларида бири бўлган Фахруддин Али Сафий маънавият, маънавий борлиқ ва маънавий камолот масалаларида инсоннинг меҳнати, ўз устида ишлаши орқали ижобий натижага эриршиш мумкинлигини кўрсатган. Шунингдек, аллома маънавият, унинг даражалари, моҳияти, вазифалари, қадриятларининг бутун мураккаблиги, долзарблиги билан яққол ифода эта олган. Унинг бу борада билдирган фикрлари эса ҳозирги кунда маънавий баркамол авлодни шакллантириш ишида ижобий натижалар бериши мумкин деб ҳисоблаймиз.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР

Ж. Ахтамов
Сам ИСИ катта ўқитувчиси

Янгиланаётган хар бир жамият учун аввало ўша жамиятнинг маънавий, ахлоқий, миллий ва шахсий эътиқод даражаси жуда муҳимдир. Жамиятимизнинг асосий бўғини, таянч нуқтаси, ҳисобланган ёш авлод тарбияси эса бу борадаги бирламчи омиллардан ҳисобланади.

Миллат маънавияти шу миллатга алоқадор шахсларнинг маънавий дунёси мажмуини ташкил этади. Бугун дунё кўрган ҳар бир инсон, у ёки бу муайян миллат қонида минг йиллар давомида шаклланган ирсий хотира мавжуд. Демак, шахс маънавий тўкислигининг бир нишонаси унинг ўз миллий маънавиятига алоқадорлигидир. Ватанга меҳр эса, миллий маънавиятнинг узвий қисми эканлиги ўз-ўзидан равшан.

Ўзбекистонда ўтиш даврида, яъни хали истиқлол мафкураси тўла шаклланмаган, мураккаб изланишлар жараёни давом этаётган бир даврда турли-туман диний, сиёсийлашган окимларнинг мазкур бўшлиққа суқилиб киришлари учун имкон пайдо бўлди. Соф диний эътиқоднинг ижтимоий хаётдаги табиий мақомини тиклашга қаратилган интилиш, ҳар хил ички ва ташқи омиллар таъсири остида сиёсийлашган ғаразли гуруҳлар ва шахслар томонидан суистеъмол қилинишига шароит туғилди. Ўзбекистонда вужудга келган бугунги диний вазиятни юзага келтирган омиллар жуда хилма хил ва кўп сонлидир. Насронийлик ва мусулмончилик ривожланган давлатлар ўртасидаги ҳилма хил муносабатлар орқали турли хил динлар ўртасида ўзаро бир-бирига таъсир этиш йўли билан махаллий жойларда вужудга келган объектив ва субъектив шарт-шароитлар дастлаб ўз кўриниши жиҳатдан муайян даражада ижобий суратга эга бўлган оқимларни вужудга келтирган бўлсада, бугунги ижтимоий-сиёсий ва тарихий-мафкуравий муаммолар авж олган бир

даврда ўрта аср мазмунини ўзида мужассам этган мафкураларни қабул килиш мумкин бўлмаган ҳолатдир. «Мафкура - жамиятда яшайдиган одамларнинг хаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради». Собиқ империянинг қулаши билан, унинг собиқ минтақаларидаги халклар орасида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлиши билан бирга, бир пайтнинг ўзида омма орасидаги тарихий анъаналарга интилиш, миллий урф-одатлар ва инсоний қадриятларга қайтиш ва уларнинг исломий анъаналар билан боғлиқлиги ҳолатлари хам юзага келди. Бу эса, қайсидир хорижий мафкура марказларига ўз фаолиятини фаоллаштириши учун имкон яратди. Шунингдек, минтақа ва юртимизга ғаразли мақсадлар билан халкаро ислом ва бошка конфессия марказлари ҳисобланмиш нохукумат ташкилотларининг маблағлари эвазига сафар килувчи миссионерлар олиб борган тадбирлар, аждодларимиз эътикодига мос келмайдиган оқимларнинг Марказий Осиёга кириб келиши учун имкон яратди,

Диннинг мохияти, унинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўрни ва аҳамияти, жаҳоннинг диний манзараси қандай экани, унда кайси дин ёки конфессиянинг тутадиган ўрни каби масалаларни ўрганиш нихоятда муҳим. Бу ўз навбатида, диний ақидапарастлик, ислом халифалигини тиклаш, дин ниқоби остидаги зарарли ва бузғунчи ғояларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, уларга қарши фаол ва огоҳ бўлиш туйғусини шакллантиришга ёрдам беради. Ўлкамиз мустақил бўлган кунидан бошлаб, чет эллардан турли хил диний оқимларнинг юртимизга ёпирилиб келиши, ва унинг авж олиб кетганлиги хеч кимга сир эмас. Айниқса, миссионерларнинг ҳамласида катта хавф яшириниб ётибди. Бироқ, ғоявий кураш тобора янги-янги қиёфага кирмоқда. Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлок-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Адабиётлар

1.«Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир». // «Фидокор» газетаси, 2000 йил, 8 июнь.

2.И.Каримов Юксак маънавият - енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - Б.12-13.

3. Миссионерлар ҳамласи. Интернет сайт: http:/www.hilol.com/.

4. «Жаҳолат чангали». Ўзбекистон МТРК материали. 2008 йил, 16 май

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001. 117-6.

БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯ НАТИЖАСИ СИФАТИДА

У. Мавлянов, М.Бердикулова
Гулистон давлат университети

Кишилик жамияти тараққиётини белгиловчи омилларидан бири – бу шубҳасиз унинг ижтимоий муносабатларга кириша олиши ҳисобланади. Одамларнинг фикрлари бир-бирига доимо қарама-қарши туради, айрим ҳолларда можарони келтириб чиқаради. Замонавий конфликтологияда можароларнинг келиб чиқиши турли сабаблар билан тушунтирилади. Социал-дарвинизм вакилларининг таъкидлашларича, ҳайвонот оламида кузатиладиган мавжудлик учун кураш ҳаёт қонуни ҳисобланади. Бундай кураш инсоний жамиятда ҳам турли можаролар кўринишида намоён бўлади, яъни можаролар инсон учун озиқ-овқат ёки уйқу каби жуда зарур. Бошқа бир олимлар бу нуқтаи назарни инкор қилиб, хорижликларга ёки бирон-бир халққа душманлик кайфиятида бўлишни умумий деб ҳисоблаб бўлмайди деб исботлашга уринадилар. Улар ижтимоий характердаги сабабларга кўра пайдо бўлади. Маданиятлараро можароларнинг пайдо бўлиш сабаблари жуда кенг.

Позитив можаро назариясига биноан, можаролар – кундалик ҳаётнинг белгиси ва ҳар доим ҳам деструктив, дисфункционал характерга эга бўлавермайди. “Можаро” тушунчаси турлича талқин қилинади. Кўп ҳолларда можаро деб қарама-қарши курашнинг бирон-бир тури ёки манфаатларнинг мос тушмаслиги тушунилади. Замонавий маданият назариясида можаро маданиятлараро муомалада тўқнашув ёки рақобат сифатида эмас, балки коммуникациянинг бузилганлиги сифатида қаралади.

Маданиятлараро коммуникация жараёнида кескинлик ва можаронинг сабаблари атрибуциянинг хатолари, яъни бошқа одамлар хулқини тушунтиришда йўл қўйилган хатолар бўлади. ***Атрибуциялар*** деб индивид содир бўлаётган воқеа ҳақида етарли ахборотга эга бўлмаган ҳолда кузатилаётган ёки кечираётган воқеа ва хатти-ҳаракатларга маълум сабабларни қўядиган интерпретация жараёни аталади. П.Куконковнинг фикрича, можароли вазиятдан можарога ўтиш жараёни қарама-қаршиликларнинг муносабатдаги субъектлар томонидан англаб олиниши орқали содир бўлади. Ижтимоий акторларнинг ўзлари можароларнинг ташувчилари бўлишади. К.Делхес коммуникациявий можароларнинг учта асосий сабабларини кўрсатади: коммуникантларнинг шахсий хусусиятлари, ижтимоий (шахслараро) муносабатлар ва ташкилий муносабатлар.

Можаролар пайдо бўлишининг шахсий сабаблари бўлиб шуҳратпарастлик, фрустрияланган индивидуал эҳтиёжлар, адаптацияга тайёр бўлиб туриш, жаҳл, мансабпарастлик, ҳокимиятпарастлик ҳисобланади. Ижтимоий сабабларга ёркин намоён бўлган рақобат, ҳамкор қобилиятларини тан олмаслик, компромиссларга тайёр бўлмаслик, компромиссга етишишда зиддиятли мақсадлар ва воситалар киради.

Ташкилий сабабларга эса ортиқча иш билан банд бўлиш, ноаниқ кўрсатмалар, ноаниқ жавобгарлик, бир-бирига зид бўлган мақсадлар, қоидаларнинг доимий тарзда ўзгариб туриши ва бошқалар киритилади.

Замонавий конфликтология (можарошунослик) ҳар қайси можарони тартибга солиш ёки бирмунча заифлаштириш мумкин деб ҳисоблайди. Бунинг учун хулқ-атворнинг бешта қоидаларидан бирига амал қилиш зарур бўлади: 1. Мусобақа – "ким кучли бўлса, ўша ҳақдир"; 2. Ҳамкорлик – "бу масалани биргаликда ҳал қилайлик"; 3. Можародан қочиш – "мени тинч қўйинглар"; 4. Ён бериш – "фақат Сиздан кейин"; 5. Компромисс – "бир-биримизга қараб қадам босайлик".

Можарони бартараф қилишнинг у ёки бу йўлини танлаш билан бир қаторда қуйидаги усул ва қоидаларга амал қилиш зарур:

- майда-чуйда устида баҳс юритмаслик;
- ким билан баҳслашиш бефойда бўлса, у билан баҳслашмаслик;
- кескинлик ва қатъийликдан воз кечиш;
- ғалаба қозонишга эмас, балки ҳақиқатни топишга интилиш;
- ўзининг ноҳақлигини тан олиш;
- қасоскор бўлмаслик;
- ўз ўрнида хазиллашмоқ.

Можароларни бартараф қилиш кўринишлари унинг иштирокчилари маданиятларининг хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, Японияда ишчан ҳамкорликнинг қоидаларидан бири мураккаб масалаларни ечишда музокара олиб бориш ҳисобланиб, унинг турлари томонларнинг оғзаки шартлашиб олиши асосида амалга оширилади. Америкаликлар эса ўз мажбуриятларини бажармаган ҳамкор билан бир стол атрофига ўтириб, тинчгина гаплашиш мумкинлигини тасаввур қила олмайдилар. Хитойликлар эса компромисс ёки ён беришлик тарафдорларидир.

Бугунги кунда халқлар ва маданиятларнинг ўзаро амал қилишида локал манфаатларнинг умумий манфаатлардан устунлиги кузатилмоқда. Яъни этник гуруҳларнинг кўпчилик қисми маҳаллий манфаатларни ҳимоя қилади ва уларни устувор деб ҳисоблайди. Бундай вазиятда ўз гуруҳдагиларга нисбатан бағрикенглик барча қолганларга нисбатан бағрикенг бўлмаслик билан уйғунлашади. Замонавий дунёда халқларнинг яшаб қолиши учун муқим шартлардан бири интеграция, ҳар бир халқ суверенлиги ва унинг маданияти қимматли эканлигини тан олиш ҳисобланади. Яъни халқлар ва маданиятларнинг ўзаро амал қилиши толерантлик тамойили асосида ривожланиши зарур. Халқлар ўзаро тушуниш ва келишувга диалог ва ҳамкорлик орқали эришишлари керак.

Маданиятлараро коммуникацияда толерантлик шуни билдирадики, индивид ёки гуруҳнинг у ёки бу маданий хусусиятлари кўпчиликдан фақат айримлари томонидан тан олиниб, бошқаларни ўзига бўйсундира олмайди. У фарқларни сақлаб қолиш шарти, фарқ қилиш, ўхшамаслик, бошқачароқ бўлиш ҳуқуқи сифатида намоён бўлади. Бундай ёндашувда маданият тажрибани қиёслаш асосида қабул қилинади – олдингиси ва янгиси, ўзгалар маданияти

элементларини она маданият элементлари билан қиёслаш йўли билан қабул қилинади. Бу қиёслаш натижасида ўзгалар маданияти дунёсига қўшилиш содир бўлади.

Кўпмиллатли Ўзбекистонда, полиэтниклик шароитларида, кўптиллилик, кўпмаданиятлилик шароитларида толерантликни тарбиялаш полимаданий таълим характерини олади. Бундай таълимнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ўз халқи маданиятини чуқур ва ҳар томонлама эгаллаш ўзга маданиятларга интеграция қилишнинг мажбурий шарти сифатида;
- дунёдаги маданиятлар хилма-хиллиги ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, маданий фарқланишларга ижобий муносабатни тарбиялаш;
- бошқа халқлар маданиятларига интеграция қилиш учун шарт-шароит яратиб бериш;
- турли маданиятлар вакиллари билан самарали ўзаро амал қилиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш;
- тинчлик, бағрикенглик, инсонпарвар миллатлараро муомала руҳида тарбиялаш.

Маданиятлараро коммуникация доирасига тарқатиладиган диалог тамойили замонавий дунё маданияти тузилмасидаги барча миллий маданиятларни ҳурмат қилиш ва тан олишни билдиради.

Замонавий глобализациялашган дунёда яшашга, этник ва маданий толерантликка позитив этномаданий тавсифларга эга бўлган инсонгина қобилиятли бўла олади.

Адабиётлар:

1. Арутюнов С.А. Народы и культуры. Развитие и взаимодействие.- М., 1989

2. Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д., Садохин А.П. Основы межкультурной коммуникации.- М., 2002

3. Садохин А.П. Культурология:теория и история культуры.- М.:Эксмо, 2005

ЁШЛАРНИНГ БАРКАМОЛ ИНСОН БЎЛИБ ТАРБИЯЛАНИШИДА ЮКСАК МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ЎРНИ

Ж. Ахтамов
Сам ИСИ катта ўқитувчи

.

Бугунги ва келажакдаги Ўзбекистоннинг истиқболлари кўп жихатдан баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашга боғликдир. Шиддат билан ривожланиб бораётган давримизнинг энг долзарб вазифаларидан бири давлатимиз ва жамиятимиз қурилиши, ундаги кишиларни баркамол шахс қилиб тарбиялаш ва бу йўлда олиб борилаётган ислохотларнинг инсонпарварлигидир.

Мустақилликнинг дастлабки одимлариданоқ соғлом авлод тарбияси

устивор йўналишлардан деб белгиланади. Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган, ҳаётий ўрнига эга булган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, хар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилгак кенг кўламли чора тадбирларни амалга ошириш ушбу даврнинг долзарб вазифаларидандир.

Ёшларимизда мукаммал ахлоқий тамойиллар, мезон ва меъёрларни шакллантириш ва шу орқали ижтимоий-иктисодий соҳадаги ислохотларни ҳаётий кучга айлантириш мумкин. Бунинг учун ёш авлод маънавиятини янада бойитиш, таълим ва тарбия жараёнида узвийликни яратиш, узлуксиз таълим жараёнида бўшлик яратмаслик зарур. Етишиб чиқаётган ёш кадрларимиз ўз сохасини мукаммал ўзлаштириши билан баробарида маънавий, ахлокий идеалларни қай даражада қабул қилмоқдалар?

Ёшлар баркамоллик деганда нимани тушунадилар?

Ёшлар тарбияси нақадар долзарб ва айни пайтда мураккаб жараён эканлиги ана шу саволлардан кўриниб турибди. «Киши иқтидорли мутахассис бўлиши мумкин. Лекин у маънавий жиҳатдан қашшок бўлса-чи? Бундай инсонда Ватанга садоқат, элга мухаббат, ўзгаларга ҳурмат бўлмайди.

Бундай кишилар бошқаларни дарду армонларини тушунмайди» .

Бугунги ёшларимиз маънавий қашшоқликдан озод бўлиши учун таълим ва тарбия узвийлигини таъминлашмоқда. Чунки таълим ва тарбиядаги узвийликсиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Тарбияда инсоний табиатнинг камол топиш сири мужассам бўлса, таълим- инсонни ўзлигини англаш йўлига етаклайди. Ёшларни маънавий-рухий жихатдан мукаммал инсон сифатида камолга етказиш, етук мутахассис қилиб тарбиялаш замон талаби, катта авлоднинг келажак авлод олдидаги асосий бурчидир. Ақлий етуклари ва фикрий сохаларда бошқалардан илгарилаб кегган авлод ўзгалардан кўра узоқрокни кўра олади. Юксак ахлоқий тарбия ва теран билим олган ёшларимиз Ватанимизнинг буюк келажагини аниқ тасаввур эта оладилар.

Бунинг учун ёшларга юксак ахлоқий идеал сингдириш лозим.

Яхшилик ва инсонийликка, Ватан ва унинг келажагига, авлодлар бахт-истикболига бўлган ишонч, меҳр-муҳаббат ҳамда хайриҳоҳлик - олийжаноб инсон калбини ҳеч качон тарк этмайди. Инсонни олий мақсадларга даъват этувчи куч манбаи ана шу идеалликлир. Инсон қалбида эзгу туйғулар мавжуд экан, у ҳеч қачон юксак идеаллар сари талпинишдан толиқмайди.

Ўтмиш авлодларимиз хам ўз замонасини ахлоқий тарбияси хақида фикр юритганлар, бахс-мунозара олиб борганлар. Авестодаги муқаддас ёзувлардан тортиб, Алишер Навоийгача ва ундан кейин хам ёш авлоднинг маънавияти, уларга хос ахлоқий идеаллар яратишга уринишлар, интилишлар бўлганининг гувоҳи бўламиз. «Ижтимоий-ахлоқий идеал инсонни, ундаги олийжанобликни улуғлашдан келиб чиқади. Комил, баркамол инсон ғояси ижтимоий-ахлоқий идеал ифодасидир. Киши, - деб ёзади Абу Райхон Беруний, ахлоқий мукаммалликка эриша олади, хулк ва одатлардаги нафсоний суръатларни нафс эгаси нафсни тозалаб. унга ахлоқий даво килса ва тадрижий Суръатда ахлоқ

китобларида зикр килинган йўллар билан ундан (нафсдан) касалликни кетгазса нафсни ёмон хулқ, ва одатлардан яхши томонга қодирдир».

Адабиётлар

1. Махмудов Ю. Инсон руҳининг туганмас йўли. // «Соғлом авлод учун» журнали. 2000. №9-38-39 бетлар

2. Агзамходжаева С. Ижтимоий-ахлоқий идеал. // «Жамият ва бошқарув» журнали. 2007. №1. 131 -б.

3.Хасанов Н. Ёшларни юксак маънавият руҳида тарбиялаш. //«Жамият ва бошқарув» журнали. 2006. №2. 94-95 бетлар.

МАДАНИЙ ДИНАМИКА ВА МАДАНИЙ ГЛОБАЛЛАШУВ

У. Мавлянов

Гулистон Давлат Университети катта ўқитувчи

Маданий динамиканинг табиий омили омиллар ичида етакчи ўринни эгаллайди, чунки маданият кўп ҳолларда ўзи мавжуд бўлган табиий шароитларга бўйсунади. Табиий географик шароитлар маданий динамиканинг шаклига таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки хўжалик турини белгилайди, маданиятнинг бошқа соҳаларига таъсир кўрсатади.

Маданиятлар ва маданий тизимларнинг ўзаро амал қилиши омили ёки маданиятлар диффузияси уларнинг тенг ривожланмаслиги учун вужудга келади. Маданият элементлари бир марказдан бошқа марказга тарқалади, жамият томонидан ўзлаштирилади. Ўзга маданият элементларини ўзлаштириш – аккультурация жараёни содир бўлади. Аккультурация индивидларни, этносларни, минтақа ва мамлакатларни қамраб олиши мумкин. Маданий марказларни маконда жойлашуви омили моддий, ижтимоий ресурслар тақсимланадиган ва ҳаракат қиладиган коммуникация тармоқлари ва алоқалар аҳамиятини билдиради. Маданий марказлар ва чекка ҳудудлар ўртасида айирбошлаш маданият учун жуда муҳимдир. Маданий ютуқларнинг марказлардан чекка жойларга тарқалиши жамиятнинг маданий ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Ижтимоий институтлар ва ижтимоий фаоллашув омили ҳам муҳимдир. Маданий динамикага қариндошлик ва оилавий муносабатлар, мулк эгалиги, мерос муносабатлари каби ижтимоий институтлар ва элементлар катта таъсир ўтказади. Шунинг учун анъанавий маданиятлар динамикаси патриархал оилани қўллаб-қувватлаб, одамлар ўртасидаги шахсий алоқаларда қурилади. Ижтимоий ҳаракатлар – одамларнинг эркин тарзда ташкил этилган жамоалари маълум мақсадларни амалга оширишга қаратилади. Уларнинг ташкил этилмаган шакли – исёнлар ва қўзғолонлардир. Маданият динамикаси учун бу ҳаракатлар мақсадларини ижобий маъно билан тўлдириш муҳим аҳамият касб этади.

Маданиятда тузилмавий алоқалар омили ҳақида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Маданият бир бутунлик сифатида мураккаб тузилмага эга. Бу унинг барқарорлигини таъминлайди. Бошқа томондан эса табиат ва жамиятдаги

ўзгаришларга турлича муносабатда бўлишига олиб келади. Жамиятдаги турли ижтимоий-маданий гуруҳларда турли қадриятларлар, меъёрлар мавжуд. Маданиятнинг турли доиралари ўртасида мураккаб алоқалар вужудга келади. Хўжалик маданиятидаги ўзгаришлар сиёсат ва ҳуқуқдаги ўзгаришларга олиб келади. Фалсафа, динда пайдо бўлган янги ғоялар маданият ва жамиятда инқилобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Илм-фан ютуқлари иқтисод ривожига таъсир кўрсатади.

Индивидуал фаоллик омили маданий динамиканинг индивидуал-шахсий жиҳатига таъсир ўтказади. Инсоннинг маданият динамикасига таъсирининг учта усулини ажратиш мумкин: биринчи усул инсон индивидуал ҳаётий фаолиятига мақсаднинг қўйилиши билан боғлиқ; иккинчи усул инсоннинг ўз касби соҳасида ижодий фаоллиги билан боғлиқ; учинчи усул – инсониятга янги қадриятлар, меъёрлар тизимини таклиф қилган даҳолар, буюк одамлар фаолияти билан боғлиқ. Уларнинг кашфиётлари дунёни ўзгартиришга қодирдир.

Маданият глобализацияси алоҳида этник маданиятларнинг ягона жаҳон маданиятига интеграциялашуви жараёни бўлиб, у транспорт воситалари, иқтисодий алоқалар ва коммуникация тизимларининг ривожланиши асосида содир бўлмода ва ривожланмоқда.

Глобаллашув ёки глобализация узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Интеграция ва дифференциация, можаролар ва ҳамкорлик, универсализация ва партикуляризация бир-бирини инкор этмасдан, ўзаро таъсир қилади. Глобализация жараёнида айрим ғоялар ва тузилмалар бутун дунё бўйлаб тарқалади. Айни пайтда алоҳида халқларнинг маданий хусусиятлари глобал жараёнлар майдонида дастлабки марта англаб етилади.

Глобализация – можаросиз ва идеал сулҳ билан тугалланадиган автоматик жараён эмас. У ўз ичида янги имкониятлар билан бир қаторда янги оқибат ва хавфни ҳам яшириши мумкинлиги ҳозрги кунда сир эмас, турли муаллифлар тадқиотлари ҳам буни исботлайди.

Тарихий амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, глобализация жараёнининг ўзида маълум можаровий потенциал мавжуд бўлади. Чунки айрим ҳолларда айрим анъанавий қадриятлар ва ўз маданиятидан воз кеишга тўғри келади. Маданиятлар бирлашувига қаршилик кўрсатишнинг диапазони катта – бошқа маданиятлар қадриятларини қабул қилмаганликдан то уларнинг тарқалишига фаол қаршилик кўрсатишгача. Натижада биз кўпсонли этнодиний можароларнинг, миллатчилик кайфиятларнинг, диний ақидапарастлик ҳаракатларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу Кавказдаги анъанавий маданиятларга, ислом маданиятига, Шимолий Америка ва Африкадаги архаик маданиятларга, Лотин Америкаси ва Осиёдаги айрим мамлакатларга тегишлидир.

Глобал маданият ичида турли позиция ва нуқтаи назарлар мавжуд бўлади, шунинг учун глобализация барча одамларни бир хил қилиб қўймайди. Маданият глобализацияси жараёни инсон фаолиятининг барча соҳаларида амалга оширилади: иқтисодиётда, сиёсатда, илм-фанда, санъатда, спортда, туризмда, шахсий алоқалар ва ҳоказоларда. На бирон бир маданият, на бирон

бир ижтимоий гуруҳ ёки этник жамоа бу жараёндан ташқарида қололмайди. Айниқса катта ўзгаришлар инсон фаолиятининг учта муҳим соҳасида содир бўлади:

- янги технологиялар, ахборот тизимлари ва коммуникациялар соҳасида;
- этник муносабатлар соҳасида;
- жаҳон иқтисодий тизими ривожланиши жараёнида.

Замонавий техник ютуқлар янги транспорт воситалари ва коммуникация шаклларининг яратилиши туфайли алоқалар имкониятларини кенгайтирди. Одамлар бир зум вақт ичида сайёранинг бошқа нуқтасида пайдо бўлиши мумкин. Замонавий коммуникация воситалари одамларга дунёнинг турли бурчакларидан ахборот олиш имконини бермоқда. Бунда Интернет катта ўрин тутади.

Глобал ўзгаришларнинг муҳим сабаби этник омил – сайёрамиз аҳолиси сонининг тезкор ўсиши ҳисобланади. Бу эса Ер шарининг аҳолиси секундига 3 нафар кишига, соатига 10 минг кишига, кунига эса 254 минг кишига кўпаймоқда демакдир. Аҳоли сонининг ўсиши даражаси эса бир қатор глобал муаммоларнинг кескинлашувига олиб келмоқда.

Бугунги кунда дунёда 1 миллиарддан ортиқ киши етарли озиқ-овқат истеъмол қилмайди ёки оч қолади. Ҳар йили туғилаётган 100 миллион киши табиий ресурслар етишмовчилигини кескинлаштиради ва ахлат ҳажмини орттиради. Ахлатлар шунчалик кўп бўлдики, сайёрамиз биосфераси ундан тозаланишига кучи етмаяпти. Кўплаб мамлакатларда тоза ичимлик суви муаммолигича колмоқда. 50 йилдан сўнг тоза ичимлик суви энг қимматли табиий ресурс бўлиб қолади. Бу эса келгусида катта инқирозлар ва можароларга олиб келиши мумкин ва одамларни бир-бирларини тушунишга, ҳамкорлик қилишга чақирмоқда. Бу эса маданий глобализация жараёнларига янада интенсив таъсир қилмоқда.

Адабиётлар:

1.Садохин А.П. Культурология: Теория и история культуры. – М.: Эксмо, 2005. -624 с.
2.Шпенглер О. Закат Европы. Очерки морфологии мировой истории. В 2 т. М.: 1993 483.
3.Тойнби А. Постижение истории. – М.: 1991.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ ЎРНИ

Ж. Ахтамов
Сам ИСИ катта ўқитувчи

Ўсиб келаётган инсоннинг кўз ўнгида мунтазам очилиб бораётган дунёни билиш, уни ўзлаштиришга бўлган қудратли эхтиёж хар бир ёшда ҳар хил бўлади. Чунки оилавий шароит ва таълим-тарбия муассасалари ҳар хил бўлганлиги сабабли, ёшларнинг тафаккур дунёси ҳам бир хил эмас. Болалар ёшлигида қандай тарбияланган бўлса, келажакда шу асосда фаолият олиб

боради. Бу фикрлар халқимиз орасидаги «Ёшликда олган билим, тошга уйилган нақш кабидир» деган нақлга тўғри келади. Шунинг учун халқимиз таълим ва тарбияни қўшиб олиб борганлар ва инсоннинг маънавий дунёси унинг амалий фаолиятида асосий кўрсаткич мезони бўлишини таъкидлаб келганлар. Бу ҳақда аждодлар мероси, маданий, маънавий ёдгорлиги бўлган «Авесто»даги «эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» бирлигида ҳам ўз ифодасини топган.

Ёшлар тарбиясида аждодлар, ўгити, панд-насиҳатлар, ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш, уларнинг ақлан зийраклигини шакллантиради. Ахир ота-боболаримизнинг гўзаллик юзда эмас, ақлда деган ҳикматли сўзлари бежиз айтилмаган. Ёшларимизнинг миллий қадриятлар асосида тарбияланиши эса уларнинг ақл фаросати юксак, ахлоқий тарбияси мукаммал, инсоний фазилатлари эстетик маданият билан йуғрилган ҳолатда етишувини таъминлаб беради. Зеро, гўзалликнинг япроғи - ахлоқ, илдизи - ички дунё, меваси - инсоний фазилатдир.

Кекса авлод вакиллари ҳаёт тажрибалари асосида тўпланган, шаклланган доно фикрларини қуйи авлодларга оғзаки ҳикоя, эртак, ривоят, топишмоқ, макол, панд-насиҳат, маталлар шаклида сингдиришга ҳикматлари билан халқ қалбига кириб боришга интилганлар. Ёшларни ривоят, мақол, панд-насиҳатлар орқали ота-оналарнинг, катталарнинг маслаҳатларига диққат-эътибор билан қулок солишга ривоят ва эртак қаҳрамонларидан намуна олишга ундаганлар. Шулар асосида ёшларни тарбиялаш эса, уларни яхшиликка, мехнат қилишга ва ҳақгўйликка ундайди.

Халқ педагогикасининг бу қирраларида инсон хаётининг хамма томонлари кўрсатилган, уларда ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш, парвариш қилиш борасидаги йўл-йўриқ ва усуллари ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳозирда халқ педагогикасига бўлган эътибор кучайиб бормоқда.

Ёшларнинг маънавий ахлоқий камол топишига таъсир этувчи анъаналар катта тарбиявий аҳамиятга эга. Масалан:

Наврўз байрами - бир кунда ўтиб кетадиган байрам эмас, балки бир неча кун давом этади. Унда хамма жойлар тозаланади, сумалак учун буғдой ундирилади. Хафагарчиликлар унутилади, гинахонликка бархам берилади. Наврўз кунлари ҳеч кимнинг оғзидан ёмон гап, ҳақорат чиқмаслиги шарт ҳисобланиб, уруш-жанжал ман қилинади. Шу сабабли Наврўз кунлари ҳамма жойда интизом озодалик ҳукм суради.

Хайит - бу куни хамма бир-бирларига таом чиқаришади, ташриф буюришади, кексаларга совға-салом олиб боришади, камбағал, етим-есирлар, бева-бечораларни йўқлаш ҳар бир кишининг бурчи ҳисобланади. Мархумлар сиймоси эсланиб, қариндош-уруғлари билан руҳан йўқлаш орқали руҳини шод этишади. Гиналар унутилиб, урушганлар ярашадилар.

Маросимлар, урф-одатларнинг амалий ифодаси. Улар маълум қоида, тартиб, меъёрлар асосида ўтказилади. Унга ҳамма амал қиладилар унинг тартиб-қоидаларидан четга чиқиш жамоатчилик тамонидан қораланади. Масалан, мотам маросимини олайлик. Бу дам кайғули ва изтироблидир. Бу пайтда одам ҳаётнинг барча икир-чикирларини унутади, марҳумни хотирлайди,

ҳаёт мамотни таққослайди, яшашнинг моҳиятини ўйлайди, шундай қилиб ўзининг инсоний бурчини ўтайди. Бу маросимда йўқлов, марсия, йиғи, бўзлов каби аза қўшиқдари жўр бўлади. Бу маросим ҳар қандай ғоя, панд-насихатлардан, афсона ва ривоятлардан кўра киши қалбига чуқур, кучли ва мустаҳкам таъсир этади ва мустаҳкам сақланади. Ёшларни тарбиялаш бобида бу каби воситалар муҳим аҳамиятга эга. Миллий анъаналар ҳаёт сабоғи, кучли тарбия воситаси хисобланади.

Қадимда халқимиз ёшларга монанд таъсир кўрсатиш йўли, воситаси яратилган. Керак бўлганда рағбатлантирилган, лозим бўлса жазоланган. Масалан, сувга туфлаш «гуноҳ» бўлади, «ёмон бўлади» деб тушунтирилган. Қадимда ҳовузларнинг, ариқларнинг суви ҳафталаб, ойлаб тоза турган. Киши уни «ҳаром» қилишга ботина олмаган. Болаларга бу «ёмон бўлади» ибораси орқали етказилган. Қозонга мушук ёки ит, сутга сичкон тегса ўша идишлар «ҳаром» ҳисобланиб тоза сувда яхшилаб ювилган. Кечқурун қозон ювуқсиз қолса «ҳаром» бўлган. Кечаси уй супурилмаган, супурги ётқизиб қўйилган. Икки қўлини оркага тираб чалқанча ётиш, бармоқларини занжир қилиш, оёқларини чалиштириб, кўпчилик олдида узатиб ўтириш одобсизлик ҳисобланган. «Ёмон бўлади» ибораси орқали катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик тарбияланган. Етим болаларга, бошига мусибат тушган оилаларга озор етказилмаган. Бундай ахлоқий фазилатлар бола ақлини танимасдан, гапиришни билмасдан олдин ота-она турмуш тарзида ифодаланган. Кейинчалик эса «ёмон бўлади» ибораси орқали давом эттирилган. Маҳалладаги ҳар бир боланинг юриш туриши, тарбияси учун ҳамма баравар масъулият ҳис қилган. Ота-оналарсиз қолган болаларни боқишни бутун маҳалла ўз зиммасига олган. Бу савоб иш деб қаралган. Боқувчиси йўқлар ҳам маҳалла эътиборидан четда қолмаган. Қазоси етганда бутун маҳалла кўмган.

Халқ тажрибасида фарзандни жисмонан бақувват, ақлан баркамол қилиб тарбиялаш билан бирга уларни ҳаётга турмушнинг оғир-енгил синовларига тайёрлаб боришга ҳам катта эътибор беришган. Бунда таълим-тарбиянинг ўгит-насихат, намуна бўлиш, мехнатда чиниқтириш шаклларидан унумли фойдаланилган. Ёшларни тарбия қилишда халқ тажрибаси усули хозирда ҳам кенг қўлланилмоқда ва ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ёшликда берилган ҳар бир яхши тарбия, келажакда уларнинг комил инсонлигини таъминлайди.

Адабиётлар

1. Махмудхўжаева М. Донолар илм хақида. Касб-хунар таълими журнали, 2007. - №5, 10-6.

2. Зуннунов А. Оилада бола шахсини ривожлантирщи. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2006, 65-66-6.

3. Алимардонова О., Назаров К,. Ҳаёт ва турмуш одоби. - Тошкент: «Шарқ», 1996, 102-6.

4. Мунавваров А.Қ. Оила педагогикаси. - Тошкент: «Ўқитувчи», 1994, 17

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШГА ОИД ЁНДАШУВЛАР: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Б. Кодиров
Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Жаҳондаги глобал ўзгаришлар натижасида инновациялар мамлакат иқтисодиётининг келажагини, унинг глобал иқтисодий макондаги ўрнини белгиловчи локомотивга айланди. Дарҳақиқат, бугунги кунда жаҳон тараққиёти информацион-инновацион даврни бошидан кечирмоқда. Бу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи - илмий ютуқлар, янги технологияларни жадал ўзлаштириш ва самарали бошқаришга асосланадиган инновациялардир. Шу сабабдан, бугунги кунда инновацион ривожланиш ва инновацияларни кенгроқ жорий этиш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ва ривожланаётган мамлакатлар учун асосий вазифалардан ҳисобланади.

Бизнинг мамлакат инновацион ривожланиш йўлини танлади. Мамлакатни инновацион йўл билан ривожланиши эскиликнинг қаршилигини енгилиши билан боғлиқ. Маълумки, бугунги кунда мамлакат ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига кирди. Шу сабабли мамлакатнинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳаларида ўзгаришлар юз берди ва ҳозирда юз бермоқда. Айниқса, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакатдаги ўзгаришлар халқимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг ифодасини топмоқда. Чунки, “бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз”[122]. Албатта, замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган мамлакатларгина олға бормоқда, ривожланмоқда. Шу сабабли ҳам 2019 йил юртимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб номланди.

Ўзбекистонни ижтимоий ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий омилларини юксалтириш, модернизацияга оид концептуал ғоялар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов[123], шунингдек, мамлакатимиз учун мақбул бўлган инновацион юксалиш модели, унинг концептуал асослари ва ҳаётга тадбиқ қилиш стратегияси Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари ва чиқишларида учратиш мумкин[124].

[122]Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. –Б.19-20.
[123]Каримов И.А. Асарлар тўплами, 1-24 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996-2015.
[124]Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 592; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 508 Б; Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 400; Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент. Ўзбекистон, 2020. – Б. 456.

Ижтимоий-фалсафий фикрнинг ривожланиш тарихи давомида жамият ривожланишининг турли моделлари шаклланди. Бироқ, замонавий концептуал вазиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, илгари таклиф қилинган ривожланиш моделларининг ҳеч бирини жамиятнинг инновацион ривожланиш жараёнлари таъсири остида юз берадиган трансформация ва ўзгаришларга тўлиқ мос келадиган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Шу билан бирга, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичини таҳлил қилиш жамият ривожланишининг илгари ишлаб чиқилган ёндашувлари ва назариялари билан узвийликни тасдиқлашни назарда тутади. Бу шуни кўрсатадики, инновацион жамият ривожланиш даражаси ва ижтимоий жараёнлар ҳолатини акс эттирувчи хусусиятлар мажмуи сифатида жамият ривожланишининг турли хил ижтимоий-фалсафий моделларида концепция қилинган жамиятнинг замонавий ривожланишидаги омиллар ва тенденцияларнинг намоён бўлиш маконидир.

Илмий-техник тараққиёт замонавий дунёнинг асосий хусусиятларидан биридир. Ахборот технологиялари соҳасидаги тараққиёт ва бу соҳадаги янгиликларнинг пайдо бўлиши натижасида ахборот жамиятининг шаклланиши ҳақида гапириш мумкин бўлди. Ахборот жамияти ғояси XX асрнинг 40-йилларида пайдо бўлган, унинг муаллифи япон тадқиқотчиси И.Масуда бўлиб, у ўз концепциясида ахборотни жамият тараққиётининг асосий омили ва ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларни қамраб олувчи омма сифатида намойиш этган.

Ахборот жамияти замонавий концепциясининг назарий асосларини В.Иноземцев, Я.А. Ковалев, А. Лактионов, Н.В. Литвак, Х.Н. Моисеев, Р.Н.Новожилов, И.Н. Панарин, Т. Ровинская, А.Б. Руднев, Г.П. Хорина, А.И.Шендрик каби олимларнинг ғоялари ва асарларида учратиш мумкин.

Инновацион ривожланиш муаммолари хорижий олимлардан Д. Белл, Э.Тоффлер, Ю.С. Затуливетер, Ф.Уэбстер Ю.В.Яковец ва бошқалар асарларидаги илмий-техника инқилоби ва илмий-техник тараққиётга оид тадқиқотлар доирасида кўриб чиқилди. Дарҳақиқат, XX асрда жамият тараққиётининг энг кенг тарқалган концепцияси Д.Белл[125] томонидан тақдим этилган постиндустриал жамият назариясидир. Ушбу назария доирасида тезкор технологик ривожланиш ва технологик инновациялар замонавий ижтимоий тараққиётнинг двигатели сифатида белгиланади.

Э. Тоффлернинг жамият тараққиёти назариясига кўра[126], ўзгаришларнинг учинчи тўлқини доирасида жамият тараққиёти янги даврга - постиндустриал ахборот жамиятига киришади. Ушбу ёндашув ахборот жамиятини ахборот инновациясига асосланган ижтимоий тузилма сифатида тақдим этади.

Дарҳақиқат, ахборот жамияти билан боғлиқ бўлган инсоният ривожланишининг навбатдаги босқичи бу билимлар жамияти бўлиб, унинг

[125] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Образец социального прогнозирования / Пер. с англ. / Под ред. В.Л. Иноземцева. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: Академия, 2004.
[126] Тоффлер Э. Третья волна. / Перевод на русский язык. - М., 2004. https://gtmarket.ru/library/basis/4821

концепцияси И.Ю. Алексеева, Г. Бехманн, Г.Б. Клейнер, В.А.Лекторский, М.Н. Макарова, И.П. Смирнов асарларида ёритилган.

Жамият тараққиётининг омили сифатида билимларга эътибор қаратилади. Шу сабабли "билимлар жамияти"[127] тўғрисида концепциялар ҳам пайдо бўлди. "Билимлар жамияти" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган жамиятни замонавий ривожланиш жараёнларини концепциялаштиришнинг яна бир йўналиши бу "инновацион жамият" тушунчасидир, унинг ривожланишининг асосий омиллари яратиш, тарқатиш ва ривожлантириш, янгиликлардан фойдаланиш жараёнлари ҳисобланади.

Инновацион ривожланиш жараёнини ўрганган чет эллик олимлар орасида ушбу соҳанинг асосчиси социолог ва иқтисодчи Ж. Шумпетер "Инновацион ривожланиш назарияси" ("Иқтисодий ривожланиш назарияси") асарида инновацион ривожланишни илмий ёки илмий-техник фаолиятнинг якуний натижаси сифатида тақдим этади (1934). Бундан ташқари, ушбу муаммони ишлаб чиқиш билан рус иқтисодчилар шуғулланишган, улар орасида А.Е.Армейский, В.Л. Иноземцев, С.Э. Кочубея, Б.Н. Кузык, Э.Н.Ожиганова, АЛ. Сударикова, Ю.В. Яковц, шунингдек, хорижий иқтисодчилар ва социологлар: Р.Делбридж, М.Крокко, улар ўзларининг изланишлари натижасида инновацион ривожланиш бу янгиликларни яратиш, жорий этиш ва тарқатиш жараёни деган хулосага келишган.

Рус иқтисодчи ва социологларидан А.И. Балашова, Ю.А. Дулепина, Н.В.Казакова, Э.М. Рогова, Э.А.Ткаченко, Ю.Н. Хрисановлар инновацион ривожланишни инновацион жараён ва янгиликларнинг тарқалиши каби муҳим жиҳатларини ўрганишган. Шунингдек, ушбу олимларнинг тадқиқотлари доирасида инновациялар бир-бирига таъсир ўтказиши, кейинги янгиликларни яратиши ва узлуксиз ўзгариш занжирини шакллантириши, кейинчалик бу инновацион жараёнга айланиб, янгилик ва янгиликлар тарқалишидан пайдо бўлган муносабатлар учун майдон эканлиги таъкидланади.

Ҳозирги вақтда инновацион ривожланиш билан боғлиқ муаммоларни фалсафий тадқиқотлар объектига айлантириш мавжуд, бу янгиликлар доирасининг кенгайиши ва уларнинг оқибатларининг ноаниқлиги, шунингдек, ижтимоий ва гуманитар фанлар томонидан олинган маълумотларни умумлаштириш зарурати билан боғлиқ.

Инновацион ривожланишни кўриб чиқишнинг муҳим жиҳати - бу инновацион ривожланишнинг субъектив омили бўлиб, унинг доирасида шахс ўзгаришлари аниқланади. Шунингдек бугунги кунда инновацион ривожланиш моҳиятини аниқлашга қаратилган кўплаб ёндашувлар мавжуд. Уларнинг энг кенг тарқалган ёндашувлар қуйидагилардир: эволюцион[128], биполяр (икки майдонли)[129] ва кўп ўлчовли[130].

[127] Савченко И.В. Информационное общество или общество знаний? // Современные наукоемкие технологии. 2008. № 10. С. 45.

[128] . Шумпетер, Й. Теория экономического развития: исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита и цикла конъюнктуры / Й. Шумпетер. – М.: Прогресс, 1982. – 455 с.

[129] Пригожин, А.И. Методы развития организации / А.И. Пригожин. – М.: МЦФЭР, 2003. – 863 с.

Эволюцион ёндашув инновация назариясининг генезисига асосланади. Тарихий жиҳатдан замонавий инновациялар назарияси ривожланишнинг бир неча босқичларига эга. Тадқиқотчилар қуйидаги босқичларни ажратадилар: классик инновацион назария, катта цикллар назарияси, неоклассик назария, тезлаштириш назарияси, технологик тузилмалар назарияси, ижтимоий назария[131]. Ҳар бир назария инновацияларнинг мазмунли моҳиятини, уларнинг иқтисодиёт ва жамиятга таъсирини шакллантиради ва белгилайди.

Инновацион ривожланиш моҳиятига биполяр ёндашув "объект" ва "жараён" ёндашувларини ажратиб туради. Объект ёндашуви инновацияни якунланган натижа, ишлаб чиқаришга киритилган объект сифатида белгилайди. Процессли (жараёнли) ёндашуви янгиликни ғояни амалга ошириш жараёни ва уни тайёр натижага айлантириш жараёни (ёки жараённинг алоҳида босқичи - ишлаб чиқиш, амалга ошириш, тижоратлаштириш, фойдаланиш) сифатида тақдим этишдан иборат бўлиб, шу билан инновацион ривожланишни динамикада ўрганади.

Инновацион ривожланиш моҳиятига кўп ўлчовли ёндашиш, янгилик тизим, жараён, натижа, ўзгариш сифатида қаралиши билан тавсифланади. Натижада инновация таркибига аниқлик киритиш С.Д.Бешелев, С.В.Валдаицев, А.С.Кулагин, Н.Н. Молчанова, Э.А. Уткин "юқори технологияли маҳсулотлар", "фанни талаб қиладиган маҳсулотлар", "янги технологиялар" тушунчаларини қўллайди[132]. Инновация тизим сифатида Л.Волдачек томонидан кўриб чиқилган[133], Н.И. Лапин[134] корхона доирасида. Инновация деганда улар тизим сифатида корхона фаолиятидаги мақсадли ўзгаришни англатади. А.В.Нестеров инновация остида тизим сифатида ўзаро таъсир қилувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган инновацион ишлаб чиқарувчилар ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар тўпламини кўриб чиқади[135].

Умуман олганда, бугунги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг замонавий туринг муҳим хусусияти бу инновация(янгилик)ларни кенг жорий этишдир. Улар реалликнинг барча соҳаларини - иқтисодий, ижтимоий, таълим ва бошқаларни қамраб олмоқда. Дунёнинг илмий тадқиқот институтлари ва марказларида инновация, инновацион ривожланиш, илм-фан ютуқларидан ҳамда юқори технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни амалиётга кенг татбиқ этиш, кластерли ёндашув, рақамлаштириш, рақамли иқтисод билан узвий боғлиқ илмий изланишлар олиб бориш асосий тамойилга айланди. Айниқса, иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларига жорий

---

[130] Санто, Б. Инновация как средство экономического развития / Б. Санто: перевод с венгер. – М.: Прогресс, 2005. – 376 с.
[131] Хучек, М. Инновации на предприятиях и их внедрение / М.Хучек. – М.: ЛУЧ, 1992. –
[132] Уткин, Э.А. Инновационный менеджмент / Э.А. Уткин. - М.: Акапис, 1996. – С.34-54.
[133] Водачек, Л. Стратегия управления инновациями / Л. Водачек, О. Водачков. - М.: Экономика, 1989. -С.44.
[134] Лапин, Н.И. Теория и практика инноватики / Н.И. Лапин. – М.: Логос, 2008. – С.112-116.
[135] Нестеров, А.В. Инновации: системный подход [Электронный ресурс] / А.В. Нестеров // Компетентность. - Режим доступа: http://www. labrate.ru/ (дата обращения: 02.04.2015)

этиш нафақат айрим давлатларнинг рақобатбардошлигини ўсишига, балки давлатнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бермоқда.

АЛИШЕР НАВОИ – ВЕЛИКИЙ ПОЭТ И РОЛЪ ДУХОВНОГО ФАКТОРА В ВОСПИТАНИИ ПОДРАСТАЮШЕЮ ПОКОЛЕНИЯ В ЕГО ЛИТЕРАТУРНОМ НАСЛЕДИИ

У. Муртазаев
преподаватель СамЭСИ

Навои Низамиддин Мир Алишер (1441-1501)- великий поэт и учёный, известный мыслитель и государственный деятель, основатель узбекской литературы и языка, личность, которая внесла неоценимый вклад в совершенствование духовности узбекского народа на разных этапах его развития. Имя великого мыслителя, государственного деятеля, основателя узбекского литературного языка Алишера Навои, оставившего потомкам богатое литературное наследие, является символом прогресса своей эпохи для народов планеты.

Автор множества стихотворений, поэм, прозаических сочинений и научных трактатов, всесторонне раскрывающих духовную жизнь нашего региона XV века, привлекал внимание всей мировой общественности своими просветительскими взглядами на жизнь, на происходящие события.

Алишер Навои родился 9 февраля 1441 год в столице темуридского государства Герате. Юный Алишер наряду с литературой изучает логику, аскетизм, историю и философию, начинает писать свои первые стихи. Жизнь и творчество Алишера Навои неразрывного связаны с Гератом, столицей Хорасана, который был крупнейшим центром науки и искусства.

В это время на престол вступил друг поэта Хусейн Байкара. Всегда высоко ценивший грамотность и необыкновенное качество Алишера молодой правитель назначает его своим главным визирем. На этом высоким посту Навои принимает активное участие в благоустройстве города, проявляет заботу о простых людях, строит бани, мечети и медресе, придаёт огромное значение развитию науки, культуры и искусства. Всю свою жизнь Алишер Навои посвятил упрочению и сохранению независимости и территориальной целостности государства темуридов, установлению мира и стабильности в стране.

Навои, начав с таджикско-персидских стихов, не только прекрасно овладел искусствам стихосложения, но и понял необходимость создания литературы на узбекском языке-языке своего народа. Великий поэт оставил после себя огромное литературное наследие, которое вот уже более пяти веков бережно хранит народ. Это лирические стихи, поэмы, проза, научные трактаты. Навои-первый поэт, написавший на узбекском языке не только огромное количество превосходных лирических стихов, но и создавший на нём цикл поэм, сложившихся как литературный жанр в творчестве мастеров слова того

времени, писавших на таджикско - персидском языке. Эта задача была блестяще решена Навои: права узбекского языка оказались прочно утверждёнными, а его достоинства-общепризнанными.

Богатое наследие Навои охватывает литературу и литературоведение, философию, политологию, культуроведение, языковедение, историю и общие проблемы других наук. Его мировоззрение основывалось на широко распространённом на исламском Востоке учений которое называлось «вахдат – ул-вужуд» (единение между Богом и людьми). Человек, по мнению Навои, самое совершённое существо на земле, превосходящее всё живое. Алишер Навои явился продолжателем таких идей Баховуддина Накшбанда, как «совершенная вера». Именно Накшбанд, который всю жизнь руководствовался принципом «Дил-ба-ёр, даст-ба-кор», «Бог-в душе, руки-в работе», оказал огромное влияние на его жизнь и творчество.

Навои не стеснял себя узостью фанатического национализма. Арабы, армяне, славяне, греки живут на страницах Навои рядом с его соотечественниками. Задолго до Шекспира поднял он человеческие страсти на такую поэтическую высоту, что они до сих пор заставляют трепетать сердца. «Эти страсти величайшего накала, где храбрость воина соревнуются с верностью любимой, а справедливость торжествует даже после смерти» - писал прозаик и публицист Николай Тихонов.

Вершина творчества Алишера Навои является знаменитая «Пятерица» «Смятение праведных», «Лейли и Меджнун», «Фархад и Ширин», «Семь планет», «Искандарова стена». Пятерица - это эпический цикл, состоящий из пяти поэм. В основе лежат народные сказания с глубокой философской основой, поднимающие много важнейших вопросов того времени, о государственной власти, нравов и морали, воспитании, высоких идеалов любви и дружбы, науки и многом другом. В поэмах осуждаются людские пороки, указывается путь для возвышения духа над человеческими слабостями-высокая требовательность к себе и скромность должны постоянно заглушать в человека самодовольство и кичливость. Здесь множество мыслей и рассуждений о философии, морали, вере, совести. Пятирица Алишера Навои признана самой современной среди одноименных произведений созданных но него Шахом Низоми, Амиром Хусравом Дехлеви и является по истине несравненной жемчужиной мировой литературы. Это произведение внесло огромный вклад в развитие не только узбекской, но и азербайджанской, турецкой, туркменской, казахской, татарской литератур.

Творчество Алишера Навои - в его гуманизме и демократических устремлениях, в утверждении достоинства человека, его права на счастье.

Кто ищет только внешней красоты,
Томим тоскою душевной пустоты.
Почёт и честь-не в знатности и званье
А в скромности и честном воспитании.
Твори добро и не болтай о том,
Хороших дел не порти хвастовством.

Великий творец восклицал: «Коль сам ты человек, тем словом звать не смей того, кому чужда печаль других людей».

Воспевая любовь к жизни, достоинство человека-творца, дружбу между людьми, свободу и мир, поэт горячё призывал:

Поймите, люди всей земли:
Вражда-плохое дело.
Живите в дружбе меж собой-
нет лучшего удела.

Пророческое обращение гения созвучно стремлениям человечества во всех временах.

Сочинения поэта на всех сложных, переходных этапах истории приходили на подмогу человечеству. Поэтому основные произведения Алишера Навои переведены на многие языки народов мира и пользуются популярностью у читателей в разных частях света. И это свидетельствует о необычайной разносторонности и грандиозности творчества великого мастера слова.

Гениальная, высокохудожественная поэзия Навои воспевает идеи гуманизма, мира и просветительства. Его непревзойдённый талант поднял литературу тюркоязычных народов до мировых вершин. Поэтому он поставлен в один ряд с гигантами мирового словесного искусства - Гомером и Данте, Рудаки и Фирдоуси, Низами и Саади, Шекспиром и Бальзаком. Идеями Навои пронизана духовная и культурная жизнь независимого Узбекистана, он является великим предком узбекского народа, занявшим достойное место среди классиков мировой литературы. Его произведения даже через века облагораживают сердца, возвышают человека, зовут к служению высоким идеалам.

ЗАҲРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ИЖОДИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Ш. Абдурашитов
ўқитувчи СамИСИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўрта аср Шарқ маданияти адабиёти ва шеъриятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим бўлиш билан бирга йирик давлат арбоби ва саркарда ҳамдир. Бобур кенг дунёқараши ва мукаммал ақл-заковати билан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солиб бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида ном қолдирган бўлса, сержило ўзбек тилида ёзилган "Бобурнома" асари билан жаҳоннинг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан жой олди. Унинг нафис ғазал ва рўбоийлари туркий шеъриятнинг энг нодир дурдоналари бўлиб "Мубаййин" ("Баён этилган") "Хатти Бобурий" "Қалб иши" ҳақидаги рисолалари эса ислом қонуншунослиги шеърият ва тил назарияси соҳаларига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Адабиёт, нафис санъат, табиат гўзаллигига ёшлигидан меҳр қўйган Заҳириддин барча темурий шаҳзодалар каби бу илмларнинг асосини отаси саройида етук устозлар раҳбарлигида эгаллади.

Бобурнинг бутун жаҳон оммасига машҳур бўлган шоҳ асари "Бобурнома"дир. Маълумки унда Бобур яшаган давр оралиғида Мовароуннаҳр, Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон халқлари тарихи ёритилган. Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни: иккинчи қисми XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Қобул улуси яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни: учинси қисми XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихини ўз ичига олади. "Бобурнома"да ўша даврнинг сиёсий воқеалари мукаммал баён қилинар экан. Ўз юрти Фарғона вилоятининг сиёсий-иқтисодий аҳволи, унинг пойтахти Андижон шаҳри, Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Ўш, Урганч, Ўратепа, Термиз ва бошқа шаҳарлар ҳақида ниҳоятда нодир маълумотлар келтирилган. Унда Қобул улусининг йирик шаҳарлари Қобул, Ғазна ва улар ихтиёридаги кўпдан-кўп туманлар, вилоятлар, шимолий Ҳиндистон ҳақида маълумотларни учратиш мумкин.

"Бобурнома"ни варақларканмиз кўз олдимиздан Марказий Осиё Афғонистон ва Ҳиндистон халқларига хос бўлган фазилат ва нуқсонлар уларнинг тафаккур оламининг кенглиги ва мураккаблиги билан ўша даврдаги ҳаёт муаммолари Бобур давлатидаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг тўлиқ манзараси намоён бўлади. "Бобурнома"да келтирилган бу тарздаги маълумотлар Бобур даврида ёзилган бошқа тарихий манбалар Мирхонд, Хондамир, Муҳаммад Солиқ, Абул-Фазил, Алломий ва бошқа тарихчиларнинг асарларида бу даражада аниқ ва мукаммал ёзилган мулоҳазаларини билдиради.

Бобур лирик шеърлари ва тарихий "Бобурнома"сидан ташқари Ислом қонуншунослиги ва бошқа соҳаларида ҳам асарлар яратган. 1522 йилда ўғли Хумоюнга атаб ёзган "Мубаййин" номли асарида ўша замон солиқ тизимини солиқ йиғишнинг қонун-қоидаларини шариат бўйича кимдан қанча солиқ олиши ва бошқа масалаларни назмида изоҳлаб берган. "Хатти Бобурий" деб аталган рисоласида араб алифбосини туркий тиллар хусусан ўзбек тили нуқтаи назаридан бир мунча соддалаштириб беришга ҳаракат қилган. У тажриба сифатида "Хатти Бобурий" алифбосида Қуръони Каримни кўчирган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзи яшаган даврда давлатни бошқариш ишларида ҳамда ўз ижодий фаолиятида устоз шогирд анъаналарини ривожлантириш ишларига ҳам катта эътибор каратади. XV-XVI асрда яшаган икки шахс. Бири Шарқда уйғониш (ренесанс) даврини амалга ошишига маънавий бош бўлган тасаввуф тариқатининг пешвоси давлат арбоби, Хожа Убайдулла Ахрор Вали (Хожа Ахрор Вали), иккинчиси бу шахсга юксак эътиқод этган, ўзининг пири, маънавий халоскори деб билган шох шоир, адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бобур ҳам ўз етук зиёлилари қатори Хожа Аҳрор Валига беқиёс ихлос билан қараган. Гарчи Бобур Хожа Аҳрордан анча кейин туғилган, уни кўрмаган бўлса даврнинг бу буюк сиймосига нисбатан юксак эҳтиромда бўлган. Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни тасаввуф тариқатининг фидойиси дея олмаймиз. У ўзининг "Бобурнома" асарида тасаввуф истилоҳини қарийб

ишлатмайди, бу ғоя тарфдорлари, тариқат аҳли ҳақида фақат тасвирланувчи воқеа-ҳодиса боис сўз юритмаси, алоҳида таъриф-тавсиф бермайди. Аммо Хожа Аҳрор Вали унинг учун алоҳида сиймо: пешво, халоскор, йўл кўрсатувчи, энг мураккаб пайтда кўмакка етиб келувчи шахс. Энг муҳими-Хўжа Аҳрор Вали давр маънавий муҳити сарвари, Бобур эса уни ушбу даражадан ҳам юқори қўяди.

Заҳириддин Бобурнинг ёшлар тарбиясига оид қарашларининг ёрқин намунасини унинг ижод ҳақида нисбатан билдирган адабий эстетик қарашлар орқали ҳам билиш мумкин. Бунда адиб шахс ахлоқи ва ижодини биргаликда баҳолайди. У табиатида ана шу бирлик бўлмаган ижодкорни адолатли танқид этади. Айни пайтда юксак ахлоқ фавқулотда қобилият эгасига юқори баҳо беради ҳатто унинг ўзига хос устунлигини алоҳида таъкидлайди ва бу шахсни бошқа ёшларга ибрат этиб кўрсатади. Шулардан бири унинг мулла Усмонга берган баҳосида кўринади. (яна муллазодайи Мулла Усмон эди Қобил туманларидан Лаҳугар туманининг Чарх отлиқ кентидиндур. Улуғбек Мирзо замонида 14 ёшида дарс айтқон учун мулла Мадарзод дерлар экандирлар. Самарқантин бориб Каъбани тавоф қилиб Ҳириға келганда Султон Хусайин Мирзо манъ қилиб сахлади. Бисёр донишманд киши эди. Ул замонда онча донишманд киши йўқ эди. Дерларким ижтиход мартабасига еткандур. Вале ижтиход қилмайдур. Андин манқулдугдер эмиш киши бир ниманики эшитди. Яна нечук унутур. Қаъвий ҳофизаси бор экандур. Ёки мавлоно шахс Хусан хислатидаги ижобийлик "оз алфозда кўп сўз топиб дикқат била гуфтугў қилмоқ анинг ихтирои" эканлигини таъкидлади.

Заҳириддин Бобурнинг ахлоқига бўлган муносабатида бошқа ёш ижодкорларга нисбатан тарбиявий характерига мойил фикрлар мавжудки бу қарашлар кўпинча ижодца ҳаллолик ортиқча ғурурларча чек кўйиш ўзини бошқа ижодкорлардан устун билиш каби жиҳатларга қаратилган. Фикримизни қисқароқ баён этиш учун уларнинг айримларини мисол тариқасида келтирсак. "Бобурнома"да гап Абдураҳмон Жомийнинг жияни шогирди ва муриди Абдулғафур Лорий ҳақида кетганда унинг хислатидаги Жомийнинг "Нафаҳотул-унс" асарига Шарқ битганлигини нисбатан ижобий баҳолаб характерлардаги беқарорлик бетайинликни таъкидлайди. ("ажаб бетайюн ва бетакаллуф киши эди. Ҳар кимнинг мўлла десалар анинг олида жузв топмоқни орти йўқ эди. Ҳар йилда дарвиши нишон берсалар анинг кошиға етмагунча қарори йўқ эди").

Форсий арузи бор бисёр камсухандур, бир хисоб била асруз пурсухандур. Камсухан бу мани билаким кераклик ниаларни битмайдидур. Пурсухан бу мани билаким, равшан ва зоҳир калималарини нуқтаъ ва иробиғача битибтур. Чоғирни ёмон ичар экандур, бадшароб экандур. Маҳкам зарби мушти бор экандур".

Бобурнинг фарзандларига битган мактуби ва ундаги мулоҳазаларидаги ота ва ўғил ўртасидаги мукотаба доирасидаги чиқиб ўша давр ахлоки ва ёшларининг тарбиясига қаратилган давр дастури сифатида хам қаралмоғи лозим. Зеро, бунда мазкур масаладан ўртага қўювчи шунчаки ўша давр

маънавияти пешвоси бўлмасдан подшоҳ шоир салтанат бошлиғигина эмас, ўз асарларини билган ўша даврдаёқ шуҳрат топган адиб ҳамдир. Аслида Бобурнинг бу ёзишмалари ўша давр давлат бошқарувида ёшларнинг мавқеи ва уларнинг давлат ишларини олиб боришларига нисбатан билдирилган танқидий таҳлилий ҳужжат сифатида ҳам қадрли. Давлат аппарати ва унинг таркибини тасодифий кишиларнинг кириб колишидан асраш, нокас ножинс, бузғунчи ғояларни салтанат ишларига олиб келувчи шахслардан ҳимоя қилиш, шаҳзода бўлгандан сўнг эл олдида ҳар хатти-харакатига жавоб берадиган саводли ва аҳлоқан ибратлиликни касб этиш, давлат ишларини машварат билан ва факат тажрибали қалби пок одамлар билан иш олиб бориш ва бошқа таъкидлар хулосаси -ушбу даврда комил инсонликка чорлов бўлганки бу қарашлар Бобурнинг давлат бошқаруви сиёсатнинг бир бўлагини ташкил этган.

Бобурномада шунга ўхшаш мисолларни талайгина келтириш мумкин. Буюк адибнинг бу ўгитлари замонамиз ёшларини ҳам юксак аҳлоқликка чақиради ноўрин одатларига эга бўлганларга шу камчиликни қайтармаслик кайфияти туғдиради.

Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистон шароитида Бобур ва унинг бой меросини ўрганиш янада ривожланди. Бу ўз навбатида бугунги кунда ўқиб, ўсиб улғаётган ёшларни келажакда комил инсонлар бўлиб етишувида катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1.Сагдуллаев А., Эшов Б. Ўзбекистон тарихи 1-қисм. II нашри. Т., “Университет”, 1999.

2.Муртазаева Р.Х. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи “Янги аср авлоди”, Т. 2003, 675 б.

3.Қудратуллаев Х. Бобурнинг давлатчилик сиёсати ва дипломатияси. Т. “Sharq”, 2011 432 б.

МОНИТОРИНГ И ПРОФИЛАКТИКА КИБЕРДЕВИАЦИЙ ПОДРАСТАЮШЕГО ПОКОЛЕНИЯ КАК УСЛОВИЕ ПРЕДОТВРАШЕНИЯ КИБЕРПРЕСТУПНОСТИ

Г. И. Кубаева
старший преподаватель СФ ТУИТ

В ходе выступления на видео-совещании по поводу вопросов совершенствования духовно-просветительской работы от 19 января 2021 года глава нашего государства Шавкат Мирзиёев обозначил современную ситуацию в мире как тревожную и перечислил ряд внешних и внутренних угроз, в числе которых указана и киберпреступность. Из слов Президента следует, что результативность осуществляемых мер в деле предотвращения деструктивных последствий для Узбекистана от этих угроз возможна при условии осуществления на должном уровне общественного контроля и проведения научно-обоснованного анализа сложившейся духовной обстановки в стране, а

также совершенствования духовно-просветительской работы на всех уровнях в том числе и за счет идеологической пропаганды. Конечно же, все эти и другие виды социально-превентивной деятельности необходимо реализовать и в отношении такого социально-негативного явления как киберпреступность в рамках сохранения и поддержания национальной кибербезопасности.

Основываясь на информации сайта МВД, Комитета Государственной статистики, Минифноком, сайтов СМИ нашей страны можно говорить об увеличении числа киберпреступлений. Так, например, в разделе «Борьбы против преступлений в информационной сфере» сайта МВД Узбекистана и других национальных сайтов- приведены видеосюжеты ряда преступлений, по сути относящихся к кибермошенничеству, интернет-кражам, кибервзломам, киберсталкингу, кибершантажу, изготовлению с помощью компьютерной техники фальшивых денежных знаков, созданию фейковых каналов и ботов в социальных мессенджерах (например, Telegram), а также приведена информация о предотвращениях попыток кибератак на киберпространство Узбекистана. К сожалению, невозможно привести статистических данных по количеству и по возрасту участников киберпреступлений, поскольку данная информация пока не обнародована в СМИ. Известны случаи с участием несовершеннолетних в совершенных киберпреступлениях. Официальная статистика гласит, что в целом преступления совершенных несовершеннолетними за последние несколько лет сократились примерно наполовину. Так, если в 2017 году зарегистрировано 11430 криминальных деяний, то к сентябрю 2020 года - всего лишь 622 преступления. Конечно же, эти данные обнадеживают. Но надо помнить и том, что не все противоправные действия, совершенные подростками, могли быть преданы огласке жертвами противозакония в силу различных обстоятельств. Как бы то ни было, одним из способов предотвращения роста преступности является постоянный социальный контроль девиаций и делинквенций в государстве, проведения профилактики и пропаганды относительности их появления и развития.

Следует отметить, что в законодательстве страны отсутствуют термины киберпреступность, киберпреступление. Однако на сайтах МВД можно встретить статьи, посвященные киберпреступности. Однако в Уголовном Кодексе РУз в 6-м разделе Главы XX[1]: «Преступления в сфере информационных технологий» в статьях 278^{1}- 278^{7} приведены 7 видов деятельности, за совершение которых человеку может быть инкриминирована уголовная ответственность. В дополнение хочется сказать также о том, что в Законе «Об Обороне РУз» от 3.07.1992г., подвергшемуся редактированию в последний раз в 2001 году, также отсутствуют слова о кибероборонe, кибератаках и кибервойнах. Учитывая достижения и опыт высокоразвитых стран в сфере кибертехнологий назрела крайне острая социальная необходимость по разработке государственных программ, доктрин, юридических документов касательно обеспечения кибербезопасности и предотвращения киберпреступлений как гражданско-правовом так и в военно-правовом отношении.

Говоря о киберпреступности необходимо привести определение данного термина. Его употребление в западноевропейской научно-правовой литературе упоминается уже в начале в 1997 году, когда был разработан проект Конвенции о киберпреступности, который был утвержден в 2001-м году. Узбекистан в числе стран-участниц СНГ в 2001-году подписал Соглашение в борьбе с преступлениями в сфере компьютерной информации. В национальной научно-правовой литературе имеется не большое количество работ, посвященных киберпреступности и связанных с ним явлений и процессов. В материалах учебного модуля «Киберпреступность», разработанного для учащихся в вузах приводится ссылка на Проект доклада УНП ООН «Всестороннее исследование проблемы киберпреступности» (2013 г.), в котором приведены следующие три определения категории киберпреступности: «деяния, направленные против конфиденциальности, целостности и доступности компьютерных данных или систем»; «деяния, предполагающие использование компьютера в целях извлечения личной или финансовой прибыли или причинения личного или финансового вреда»; и «деяния, связанные с содержанием компьютерных данных». Принимая во внимание данные трактовки, мы можем привести свое толкование понятия киберпреступности. Под кибердевиацией же понимают такую форму поведения человека, возникающую в результате отклонения от социальных норм на уровне поведения в ходе осуществления какой-либо деятельности с применением компьютерных технологий, либо по направлению к самим компьютерным технологиям, в итоге приводящую к образованию социальных, антропологических, экономических, политически, технических и других проблем. Примером кибердевиации может выступать чрезмерное времяпровождение человека в киберпространстве- сайтах, социальных сетях, мессенджерах, что в итоге способствует подмене реальных ценностей виртуальными, смене жизненных приоритетов, в крайней степени- приводит уходу от реальности в виртуальный мир- цифровому эскапизму. Потеря связи с реальностью и искажение ее восприятия, появление постоянной зависимости как от самой виртуальной реальности, так и от компьютера- все это признаки так называемой кибераддикции (киберзависимости). Находясь под воздействием киберзависимости человек переступая в информационном пространстве в целях удовлетворения своих интересов или иных случаях через дозволенные обществом, формально утвержденные государством правила- проявляет таким образом поведение, представляющее угрозу безопасности и жизни обществу которое называется как киберделинквенция.

При нынешних темпах прогресса инфо-коммуникационных технологий, дальнейшей компьютерации и гаджетизации нашей жизни, человек уже с младенчества соприкасаться с киберпространством, его компонентами. Наивно полагать, что подростки не могут быть подвержены кибердевиации и тем более быть задействованными в киберпреступлениях. Кибердевиация, зачастую проявляется не только явно, но и бывает латентной, трудно выявляемой.

Поскольку в плане психологическом и моральном подросток стремится как правило к самоутверждению, к свободе действий, то его уход из-под контроля

окружающих его людей приводит к его в итоге к отклонению от принятия и соблюдения общественных мер поведения. Подрастающее поколение, оказавшись в состоянии личной материальной или духовной депривации, то есть испытывая недостаток или лишение в необходимых им ценностях, устремляясь к компенсированию недостающего элемента в их жизни конечно же могут стать менее бдительными, менее осторожными, забыть о личной и общественной безопасности и упустить из внимания следование социальным и правовым нормам, требованиям.

Оказываясь в киберсреде, подросток в итоге может оказаться под влиянием ее негативного воздействия. Самое худшее, что может произойти, то это конечно же осознанное или неосознанное совершение всякого рода криминальных действий, в том числе и киберпреступления, которые еще к тому же могут транслироваться в различных целях как после их свершения на таких популярных сервисах интернета как видео-платформы- youtube, tiktok, так и в режиме онлайн в формате реалити-шоу. Конечно же, недопустимая по всем принципам морали демонстрация сцен всякого насилия, призывы к экстрим-флешмобам, кибербуллингу (кибертравле) в целях дальнейшей киберманипуляции не только социума, но и его отдельных по возрастному, половому, религиозному или этническому признаку, в итоге может привести к кибертерроризму, то есть запугиванию юзеров, паникои среди них, на почве чего возможно возникновение конфликтных ситуаций не только в киберпространстве, но и в реальности. В этом и заключается деструктивность сущность кибердевиаций и киберпреступлений.

Общественный контроль, осуществляемый и со стороны родителей и сотрудниками образовательных учреждений, администраторами интернет-кафе, наряду с изучением интернет-провайдерами частоты посещений юзерами сайтов, соцсетей и фильтрированием информационных потоков может не только облегчить процесс наблюдения за поведением подростков в киберпространстве, но также оценивать динамику роста подростковых отклонений в инфосреде, прогнозировать их развитие в будущем и далее по результатам наблюдения корректировать государственные программы по регулированию в информационной среде поведение молодежи и других возрастных категорий граждан страны.

В рамках проведения мониторинга и социальной профилактики в целях предотвращения негативных последствий кибердевиации необходимо выполнение следующего вида работ как:

1) проведение экспертной работы по мониторингу- то есть изучению и далее оцениванию динамики кибердевиаций, в случае их негативного влияния на общество, а также учета роста киберпреступности- подготовка рекомендаций по проведения для детей превентивных работ- ряда предупреждающих и защитных действий по предотвращению отклонений в поведении в информационной среде в целом;

2) информирование подростков и остальной части населения относительно кибердевиации, ее видов и форм, разъяснения ее позитивной и негативной роли в процессе развития молодежи страны;

3) пропаганда с участием СМИ позитивного отношения к окружающему миру, здоровому образу жизни;

4) оказание помощи со стороны психологов и социологов по формированию рационального и нравственного поведения подростков,

5) под руководством специалистов IT-сферы проведение тренингов, семинаров по формирования у детей разного возраста навыков информационной, компьютерной и ц цифровой компетентности;

6) с участием юристов, сотрудников правоохранительных органов проведение работ по повышению правовой грамотности у молодежи относительно уголовно- правовой ответственности за совершение преступлений в информационной сфере, киберпространстве;

7) с участием всех уровней Центров по духовности и просвещению, Министерства народного образования, Министерства высшего и среднего специального образования и др. проведение духовно-просветительских работ по развитию и повышению информационной культуры, киберэтики;

Демонстрация и трансляция аудио- и видео материалов, плакатов, социальной рекламы, встреч, акций, флешмобов, диалогов с подростковой аудиторией на тему кибердевиаций и киберпреступления, разработки программ и стратегий действий по мониторингу и профилактике кибердевиации, а также совместных акций и флешмобов, коучей в реальности и при участии радио-и тв- каналов, печатных изданий способствуют формированию адекватного отношения к реальному и виртуальному миру, их компонентам.

Таким образом, всестороннее изучение всех форм и типов отклоняющегося поведения подростков, возникающего в результате интернет-, компьютер- и гаджет- зависимостей, выявления позитивности и негативности в тенденциях их развития, выработки программ по развитию рационального и нравственного отношения к интернет-взаимодействию и повышению информационной культуры и киберэтики, а также по формированию навыков информационной, компьютерной и цифровой видов компетентностей.

Литература:

1. https://president.uz/ru/lists/view/4089

2. https://www.unodc.org/e4j/ru/tertiary/cybercrime.html

3. https://stat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=291&id=1112&Itemid=1000000000000

4. https://uz.sputniknews.ru/20200601/Nedetskie-shalosti-nesovershennoletnikh-prestupnikov-stalo-menshe-14263464.html

5. https://iiv.uz/ru/news/kiberjinoyatchilikka-qarshi-kiberxavfsizlik

6. Рослякова С.В. Социальная профилактика девиантного поведения у детей школьного возраста. «Социальное развитие личности в педагогической теории и практике А.С. Макаренко, С.Т. Шацкого история и современность».

Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием (3–4 апреля 2018 г.).- Стр. 301; http://elib.cspu.ru/xmlui;/handle/123456789/4821

7. Усцелемова В.В. Современные формы девиации подростков и проблема их предотвращения. «Социальное развитие личности в педагогической теории и практике А.С. Макаренко, С.Т. Шацкого история и современность». Материалы Всероссийской научно-практической конференции с международным участием (3–4 апреля 2018 г..-, Стр.- 344; http://elib.cspu.ru/xmlui;/handle/123456789/4821

8. Марьина О.В. Профилактика интернет-зависимости молодежи путь-преодоления виртуальных девиаций. «Педагогика:традиции и инновации: материалы I Междунар.науч.конф». (г.Челябинск, октябрь 2011 г.)- Т.1- Челябинск: Два комсомольца, 2011.- С. 17-20. http:// moluch/ru/cona/ped/archive/19/923/

АЖДОДЛАРИМИЗ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Н. Тоғаев, Л. Азизова
СамДУ катта ўқитувчилари

Ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ёшларимизнинг маънавий юксалишига замин ҳозирлаш, хусусан жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ баркамол инсон бўлиб вояга етишиши устида қайғуриш, уларни инсонпарвар, ватанпарвар, миллатпарвар, ахлоқий жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишининг илмий асосланган тарбиявий тизимини ишлаб чиқишдир.

Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва ишонаман, худо хоҳласа ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам бўлади. Ана шундай ёруғ келажакни авваломбор сиздек азму шижоатли, жўшқин орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келаётган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган навқирон авлодимиз, бутун Ўзбекистон ёшлари барпо этади.”[136] – деб таъкидлаб ўтадилар.

Халқимизнинг узоқ ўтмиш тарихи шундан далолат берадики, инсониятнинг маънавий камолатига ижобий таъсир кўрсатган бой маънавий-маданий мерос ва буюк қадриятлар соҳибимиз. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз: „Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб

[136] Мирзиёев Ш.М Озод ва обод Ватаннинг баркамол фарзандлари // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 415-бет.

қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астраномия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”[137] – деб таъкидлайди.

Аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган бой илмий-маънавий мерос келажак авлоднинг тафаккури, дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шаклланишида Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик, аждодларга муносиб фарзанд бўлиб вояга етиш ва уларнинг бунёдкорлик фаолиятини давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбияни такомиллаштирмай туриб маънавий баркамол инсонни тарбиялаш мушкул. Бугунги кунда ёшларимиз онгида маънавий бўшлиқнинг пайдо бўлишини олдини олиш мақсадида уларни турли соҳаларга жалб қилиш, касб-ҳунар ўрганиши, уларни миллий-маънавий тарбиялаш учун мамлакатимизда етарлича шароитлар яратилган.

Бизнинг донишманд аждодларимизнинг барчаси илм-маърифатни улуғлаганлар, инсонни ахлоқли, тарбияли бўлишга, Ватанни севишга, инсонпарвар ҳамда миллатпарвар бўлишга ундаганлар. Аждодларимиз томонидан яратилган бой маънавий мерос, улкан кашфиётлар инсон дунёқараши, айниқса ёш авлод дунёқарашини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ёш авлодда инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришда миллий-маънавий меросимиздан фойдаланмоғимиз лозим, чунки аждодларимиз меросида таълим-тарбия, ахлоққа доир масалалар чуқур ишлаб чиқилган.

„Бугунги кунда жаҳон миқёсида буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги барчамизни қувонтиради. Шу ўринда Бельгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Баку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ҳурмат сифатида муаззам ҳайкалларнинг ўрнатилиши ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади”[138].

XXI аср бошқа давлатлар сингари Ўзбекистоннинг ҳам олдига ечимини топиши зарур бўлган бир қатор муаммоларни қўйди. Бу муаммоларнинг ечими бевосита ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, бугунги кунда буюк давлатга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, уларни маънавий етук, жисмонан бақувват, маърифатли, юқори даражали замонавий мутахассис кадр қилиб тарбиялашда фаол иш олиб бориш лозим.

Ҳар қандай мамлакатнинг эртанги куни, келажак тараққиёти биринчи ўринда ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолоти билан ўлчанади. Аждодларимизнинг ўтмиши, миллий ва диний анъаналаримиз, маънавий

[137] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: „Маънавият”, 2008, 31-бет.
[138] Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Т.: „Ўзбекистон”, 2010. 63-64-бетлар.

қадриятларимизни ўрганиш, халқимизнинг миллий ўзлигини англаши, демократик, адолатли, ҳуқуқий давлат ривожида фуқароларнинг, айниқса, ёш авлоднинг яхлит бир дунёқараши шаклланишида назарий пойдевор вазифасини бажаради. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Тарихимиз, маданиятимиз динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, уларни тўплаб, халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англатиш, фарзандларимизни шу улуғ меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат"[139] – деб таъкидлаб ўтадилар.

Ёшларнинг маънавий юксалиш жараёнида унинг барча ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, маданий ва мафкуравий тасаввурлари ижтимоий тузум ва тизимларнинг таъсири туфайли шаклланиб ва ривожланиб боради. Натижада ёшлардаги соғлом, нафис жисмоний қиёфа, юксак маънавий ҳис-туйғулар, миллий тафаккур ва тушунчалар бирлиги асосида миллатпарварлик таркиб топади. Ва, ниҳоят, ёшларнинг миллий тафаккури ва миллатпарварлиги уйғунлашиб маънавий баркамолликни вужудга келтиради.

Ҳозирги даврда униб-ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий-мафкуравий жиҳатдан тарбиялаш долзарб масала эканлигига эътибор қаратиб, бу ҳақда биринчи Президентимиз Ислом Каримов шундай деган эди: „Биз ҳаётга катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёшларимизга бир ҳақиқатни, яъни, „Эй болам, сенинг Ватанинг битта - барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг ҳоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этишингга боғлиқ" [140].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтамизки мамлакатимизнинг бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий салоҳияти, иқтисодий ҳолати, халқимизнинг ақл-заковати ва иродаси, эл-юртимизнинг озод, фаровон, бахтли келажагини яратувчи соғлом, баркамол авлодни тарбиялашдек вазифани бажаришда имкониятлари беқиёсдир. Шундай экан, бугунги кунда буюк давлатга муносиб баркамол авлодни тарбиялаш, уларни маънавий етук, жисмонан бақувват, маърифатли, юқори даражали замонавий мутахассис кадр қилиб етиштиришда аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маънавий мерос муҳим аҳамият касб этади ва биз бунинг устида фаол иш олиб боришимиз лозим.

---

[139] Мирзиёев Ш.М Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. Т.: „Ўзбекистон", 2018, 592-бет.

[140] Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жид, - Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 273-бет.

ESTETIK TARBIYANING SHAKLLANTIRISH VA RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY MUOMMOLARI.

Sh. Azimov
Samarqand davlat arxitektura-qurilish insnituti
Ijtimoiy fanlar kafedrasi katta o'qituvchisi.

Bugungu kunda mamlakatimiz oldida turgan asosiy vazifa rivojlangan mamlakatlar qatoriga chiqib olishdir. Bunga esa jismoniy,ma'naviy, axloqiy va estetik jihatdan sog`lom va erkin avlodsiz erishib bo`lmaydi. Bunday ma'naviy erkinlik o`z mohiyati jihatdan shaxs kamol topishini ham taqoza qilardi.

Shaxsni bilimli, ma'suliyatli, siyosiy jihatdan idrokli, huquqiy savodxon, axloqan pok va ma'naviy barkamol bo`lib o`sishida estetik tafakkur va estetik tarbiya ravnaqining ahamiyati katta.

Prezidentimiz ta'biri bilan aytganda "Ayni vaqtda, madaniyat sohasida jaholatga qarshi ma'rifat bilan kurashish, yoshlarimizni haqiqiy san'atni anglashga o'rgatish, ularning estetik olamini sog'lom asosda shakllantirish bo'yicha oldimizda juda muhim vazifalar turibdi"[141].

Mustaqillik davrida yaratilgan falsafiy, estetik va pedogogik-psixologik adabiyotlar va tadqiqotlar bilan tanishish shundan dalolat beradiki, estetik madaniyat va estetik tarbiyaga bag`ishlangan sanoqli ilmiy ishlar va maqolalarni hisobga olmaganda, mamlakat miqiyosida hanuzgacha zamonaviy shaxsning estetik jihatdan tarbiyalash va rivojlantirish masalalariga bag`ishlangan asarlar nihoyatda kam miqdorda.

Har bir xalq, millat, davlat o`z fuqarolari orasidan buyuk kashfiyotchilar, yuksak iste'dod sohiblari tengi yo`q san'atkorlar etishib chiqishini orzu qiladi va shu ulug`vor maqsad sari intiladi. Bu tabiiyki, o`z-o`zidan yuzaga kelmaydi. Uning uchun avvalo, fuqarolarda ma'naviy-ma'rifiy, axloqiy-estetik jihatdan tarbiyani, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat tuyg`ularini shakllantirish lozim.

Bugun O`zbekiston huquqiy-demokratik davlat, erkin, fuqarolik jamiyatini barpo etish yo`lidan bormoqda. Hozirda amalga oshirilayotgan barcha ishlar, ishlab chiqilayotgan dasturlar mohiyatan insonparvar jamiyat fuqarosining tarbiyasi masalasiga qaratilgan. Zotan, yurtboshimiz ta'kidlaganlaridek, "Biz o'z oldimizga mamlakatimizda Uchinchi Renessans poydevorini barpo etishdek ulug' maqsadni qo'ygan ekanmiz, buning uchun yangi Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar, Navoiy va Boburlarni tarbiyalab beradigan muhit va sharoitlarni yaratishimiz kerak. Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm-fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosiy ustunlari bo'lib xizmat qilishi lozim"[142].

---

[141] Prezident Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston ijodkor ziyolilari vakillari bilan uchrashuvdagi ma'ruzasi // https://president.uz/oz/lists/view/856

[142] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi // https://president.uz/oz/lists/view/4057 [29.2.2020]

Bu asrda inson avvalgi davrlarga qaraganda o`zining yuksak salohiyatini namoyon qilishga muayyan ma'noda erishdi, desak mubolag`a bo`lmaydi; zamonaviy ko`rinishdagi shaharlar bunyod etdi, ko`rkam, salobatli, osmono`par binolar barpo qildi, ehtiyoj uchun zarur bo`lgan moddiy ne'matlarni ishlab chiqdi. Ayni paytda ana shularning barchasi inson tafakkurining mahsuli sanaladi. Tafakkurni to`g`ri yo`naltirish esa bevosita tarbiya masalalari bilan bog`liq jarayon. Estetik tarbiya ana shu jarayonda tafakkurni go`zallashtirishga hizmat qiladi.

Ma'lumki, tarbiyaning bosh vazifasi inson borligining kamol toptirishdan iborat. Zero, huquqiy, axloqiy, iqtisodiy, siyosiy kabi qator tarbiya shakllarining barchasida inson masalasi yotadi. Ularning har biri o`z tadqiqot doiralaridan kelib chiqib inson tarbiyasiga u yoki bu tarzda estetik ko`rsatadi. Bu borada estetik tarbiya-shaxsning didini, tuyg`ularini, tasavvurlarini muayyan vositalar orqali tarbiyalashni o`z zimmasiga oladi. Shuningdek, tarbiya oluvchi o`z navbatida ana shunday tarbiyaga amal qiluvchi bo`lishi lozim. Shunday ekan, estetik tarbiya nazariyasi tabiat va inson o`rtasidagi estetik mohiyat orqali izohlanadi va shaxsning hayot faoliyatiga chuqurroq nazar tashlashga undaydi.

Estetik tarbiya – insonning voqelikdagi va san'atdagi go`zallikni idrok etish, tushunish va qadriga yetish qobilyatini o`stiradi. Estetik tarbiya, shuningdek, insoniyat faoliyatining har qanday sohasida estetik boyliklar yaratish, ya'ni go`zallik qonuni bo`yicha ijod qilish ehtiyojidan kelib chiqadi. Estetik tarbiya ijtimoiy sharoitlarga bog`liq.

Estetik tarbiyaning hayotiy omillari faqat estetika, madaniyat, san'at, adabiyotdangina iborat emas. Ijtimoiy ong ko`rinishlari va estetik qarashlar bilan bir qatorda, iqtisodiy va siyosiy munosabatlar, turmush va texnika, sport va milliy urf–odatlar ham nafosat tarbiyasining nihoyatda muhim omillaridandir .

Estetik tarbiya eng avvalo, tabiat va jamiyatda hamda san'at asarlarida go`zallikni ko`ra bilish, uni to`g`ri tushinish va qadrlash qobilyatini tarbiyalashdan iborat. U hayot va mehnatning barcha tomonlariga go`zallik ato etish qobilyatini tarbiyalash , hayot va san'atda bema'nilikka, xunulikka qarshi kurash hamda qobilyatiga qarab san'atda o`zining ijodiy kamolotini ko`rsatish nazarda tutadi .

Estetik tarbiya ham ana shu umumiy maqsad va vazifaning tarkibiy qismi sifatida amal qilib, ijtimoiy jihatdan ahamiyatga molik hodisani anglatadi. Shuni ta'kidlash lozimki, qadimgi dunyoda umuman tarbiya maqsadi estetik asosda namoyon bo`lgan . Masalan , qadimgi yunonlarda estetik tarbiya maqsadi fuqorolarnihar tomonlama rivojlanishiga , "rux va badan " hamaohangligini qaror topdirishga yo`naltirilgan edi . Aflatun va Arastu kabi zabardast mutafakkirlar ta`limotlarida estetik tarbiya tizimining bir – biridan farqli tomonlari bo`lgani holda umumiylik ham mavjud bo`lib , u yagona estetik orzuni qaror topdirishga , yagona axloqiy xulq–atvor va fuqorolik hislat fazilatlarini shakllantirishga xizmat qilgan edi[143].

[143] Гулямов В.Х. Эстетический восприятий в парадигмы эстетической науки. // "O'zMU xabarlari". 2009, №4 son

Ko`rinib turibdiki, estetik tarbiyaning chinakam vazifasi estetik tuyg`u va estetik didning inson barcha faoliyatlarida ustuvor bo`lishini ta`min etish bilan izohlanar ekan. Shuning uchun ham estetik tarbiya o`z vazifasini to`laqonli ravishda insoniy munosabatlarga, uning imkoniyatlariga singdirib borgandagina yakun topadi. Zero, bugungi kunda jamiyatimizda inson faoliyatini boshqarib borishdan ko`ra, ushbu jarayonni insonning o`zi tashkil etishi kerakligiga katta e`tibor qaratilayotganligi shundan dalolat beradi.

АМИР ТЕМУР – ВЕЛИКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ДЕЯТЕЛЬ ПОЛКОВОДЕЦ – ОСНОВОПОЛЖНИК НРАВСТВЕННО – ДУХОВНОГО КРИТЕРИЯ «СПРАВЕДЛИВОСТЪ НЕ В СИЛА В СПРАВЕДЛИВОСТИ»

У. Муртазаев
преподаватель СамЭСИ

Амир Темур (1336-1405 г.г.) - одна из наиболее значительных фигур в истории. Образ Амира Темура как крупнейшего государственного деятелья - реформатора среднековья, мужественного сторонника справедливости, покровителя науки и культуры, пережил века, вопреки различным идеологическим воздействиям. Амир Темур был одним из самых выдающихся правителей всех времён и народов. Он обладал даром предвидения невероятной силы. И таким же могучим был его организаторский дар. Оставив достойный след в истории народов мира как государственный деятель, Сахибкиран Амир Темур был также выдающимся военачальником, от природы наделённым великим военным талантом. Благодаря такому дару, им была создана сильная армия, которая сыграла важную роль в устранении феодальной раздробленности, в создании и управлении мощного централизованного государства-империи Темура. Военное мастерство Сахибкирана проявилось в двух направлениях. Он прославился как организатор своих войск и в качестве знаменитого неповторимого полководца. Об этом подробно свидетельствует разработанная им и изучаемая в течении веков военная политика.

Десятки, сотни раз его пытались победить в открытом бою – и не могли. Амир Темур не проиграл ни одного стражения, он надёжно оградил себя, своё государство от любых неожиданностей. Он знал, как сделать государство сильным, а народ счастливым. Он твёрдой рукой осуществлял намеченное, его государство стало самым могучим в мире. Ни на западе, ни на востоке, ни на севере, ни на юге не было силы, способной ему противостоять. Он был великим полководцем и великим государём.

В исторической летописи отмечается: «Во времена правления Казан Султан - хана забрезжала на горизонте утренняя заря царствования - с Божьего соизволения, и звезда управления государством с высоты милостью Божьей заблистала. Вечером во вторник 25 шаабана 736 года (9 апреля 1336 года) ребёнок которому суждено было в ней родиться, родился, и горела над ним яркая звезда. Восьмое светило, носитель госдуратсвенной власти рода Тарагая

Бахадура лучи царствования которого озарят Восток и Запад, взошло с востока, и земля, благоденствуя, приветствует рождение Сахибкирана. Согласно принципам гороскопа, Сахибкиран при таком благоприятном расположении звёзд родится на земле один раз в 800 лет. При таком сочетании звёзд родился Александр Македонский, а через 800 лет-пророк Мухаммад. Ещё через 800 лет родился Тимур.

Вся вселенная благоприятсвовала появлению на свет Тимура. Согласно повелению Аллаха, семь светил выстроенные в сочитании, способствующем исполнению всех желаний Тимура. Пока это было только предопределение, и Тимуру предстояло идти к своей славе много лет. Величие Амира Темура состоит в том, что история возложила на него исполнение нескольких эпохальных миссий.

10 апреля 1370 года Амира Темура объявили полновластными единственным правителем Мавераннахра. Столицей своего государства. Темур сделал Самарканду, величественые здания которого должны были свидетельствовать о славе и величии своего правителя. Амир Темур положил конец междоусобницам и феодальной раздробленности в Мавераууннахре и Хорезме. Он создал государство, где были объеденены народы, живущие на огромной территории- от верхнего течения Сырдарьи до Аральского моря.

В результате разгрома Золотой Орды было осущестлено-объединение территории Центральной Азии в единое государство. В XIV веке он основал великое государство Темуридов образовал свою империю на громадной территории 1,5 млн.кв. километров. Амир Темур объединил под флагом ислама в единое государство территории от границ Китая до земель Восточного Рима и Египта. Основанное Сахибкираном крепкое централизованное государство не потеряло своей силы на протяжении 1,5 веков. Это объясняется тем, что оно было построено на основе справедливости и шариата.

Амир Темур организовал компактную и дееспособную систему управления. При управлении государственной политики и практическом внедрении её в жизнь за основу было взято правило «рости-русти» (главное-истина) отражающее идеи тариката Накшбанди. Усовершенствовав это правило Сахибкиран сформилировал своё знаменитое выражение «Сила в справедливости», которое до настоящего времени широко применяется в опыте многих государств мира.

Государство, основанное Амиром Темуром, было государством нового типа, оно опиралось на все общественные слои и управлялось на основе закона. «Здание своей власти- писал Амир Темур –Я укреплял на основе исламской религии, сановничества и уложений (закона и правил). Любое дело, связанное с управлением, я делал в соответствии с уложениями».

«Уложение Темура» (Малфузати Темур), Изречение Темура «Вакияти Темур». Воспомининие Темура – исторический труд, в котором изложена автобиография и взгляды этого выдающегося государственного деятеля и военного полководца по управлению государством и войсками. Темур в своём Уложении обобщил политико-правовые взгляды на то, как именно следует

управлять государственной системой сверху донизу. Сахибкиран перечислил двенадцать правил, какими следует руководствоваться при управлении государством. «Теперь назидания моим именитым детям и способным внукам, которым предстоит управлять страной, двенадцать правил сделал для себя лозунгами и благодаря им достиг такой степени управления. С помощью этих правил я занимал страну, управлял ею и укреплял престол».

В «Уложениях» отражена основная доктрина Амира Темура – его взгляды на общество, социально - политическую жизнь, политические и нравственные принципы объединённого могучего феодального государства.

Историческая заслуга Амира Темура заключается в том, что государства Европы и Азии благодаря его стараниям и деятельности впервые почувствовали себя в едином геополитическом простронстве. Амир Темур оказал помощь целому ряду народов и стран в освобождении от колониального гнёта. Одержав победу над османским султаном Баязедом в 1402 г. у Анкары, он спас народы и страны Балканского полуострова от турецкой тирании. Во Франции, Великобритании, Германии, других стран Запада никогда не ослабевал интерес к личности Амира Темура. Ещё в XV веке здесь ему был сооружён памятник с выразительной и глубоко симвалической надписью: «Освободителю Европы». Амир Темур прославился как непревзойдённый в веках полководец средневековья, поднявший военное дело до уровня искусства, и обеспечивавший победу при наименьших потерях обеих сторон.

Создав огромное государство от Эгейского и Средиземного морей до границ Китая и от кипчакских степей до Аравийского моря, Амир Темур прежде всего восстановил и обезопасил караванные дороги Великого шёлкового пути. В этот период особое внимание уделялось развитию Великого шёлкового пути, обеспечивалась его безопастность. Поэтому из Индии сюда прибывали караваны с большим количеством парфюмерных и красочных изделий. Китай отправлял шёлковые ткани, различные фарфоровые изделия, драгоценные камни. С севера доставлялись уникальные меха. Привезённые из разных континентов товары на базарах Самарканда фасовались и отсылались в крупные центры Азии и через Великий шёлковый путь доходили до Западной Европы. Торговцы по одному пути направлялись через Хорезм, Астрабад, Нижний Новгород, Москву и выходили на дорогу Ганзы. По второму пути-Китай-Казвин-Табриз-Трапезунд добирались до торговых судов, генуэзцев, венецианцев и попадали в Европу. На всех землях, на которые распространялась власть Темура, торговля шла оживлённо и безопастно.

Безопастность караванных дорог сделала возможными свободный приток товаров и капитала в Мавераннахр, что в значительной степени способствовало процветанию данного региона. Амир Темур стремился создать благоприятные условия как для внешней, так и для внутренней торговли.

Амир Темур придя к власти, проявил невиданные инициативу и самооатверженность в восстановлении общественного хозяйства, уничтоженного в результате многолетней федальной раздробленности и войн, в перестройке городов и благоустройстве разорённой страны. В период

правления Амира Темура были воздвигнуты множество городов, мечетей, медресе, мавзолеи, крепостей, были посажены сады, созданы ирригационные сооружения, дороги и мосты. Самарканд был полностью перестроен по новому стилю.

В период правления Амира Темура Самарканд выполнял функцию центра торговли, науки и культуры. В этот период в городе строятся медресе Феруз шах. Идегу Темур, Мухаммад Султан, Кутбиддин Садр, Биби-Ханум и другие. В них работали мударрисами такие известные учёные как Казизаде Руми, Мавлоно Ахмад, Саъдиддин Тафзизони, Абдумалик Самарканди, Гиёсиддин Али и другие. В эпоху Темура получила широкие развитие наука, в частности такие её отрасли как богословие, юриспруденция, математика, астрономия, медицина, и история, философия, литература и др. Амир Темур заботился о тех, кто был передан науке, культуре и искусству, и покровительствовал им. Во времена Амира Темура широко развернулись работы по созданию садов. Они сажались с учётом обычаев, традиций и обрядов народа, а также сложившихся условий. Так, в окружности Самарканда были созданы и разбиты 12 садов-дворцов. По его непосредственному указанию были построены целый ряд великолепных и изумительных по красоте и неповторимых архитектуре дворцов в городах Самарканде, Шахрисябзе по всему Туркестану. Главным из построек Темура: соборная мечеть Биби-Ханум, группы мавзолеев Шах-и-Зинда, мавзолей Гур-Эмир и другие. В 1398 г. в Туркестане он построил мавзолей Ходжа Ахмада Яссави. Недалеко от г. Ташкента был восстановлен город Бинкент. Благоустроил Амир Темур и родной город Шахрисябз. Он восстановил разрушенные городские стены, оборонительные сооружения, гробницы святых, возвёл величественые дворцы, мечети, в частности был восстановлен правительственный дворец Ак-Сарай, в буквальном переводе Белый дворец.

Амир Темур был личностью, отличавшийся от других людей своим физическим здоровьем и высокой духовностью, умевшей оказать глубокое воздействие на душу любого человека. Амир Темур был человеком, который сосредоточил в своё правление политическое, экономическое и культурное наследие, накопленное за прошлые периоды развития Средней Азии и приумножил его. Духовный потенциал Амира Темура проявился в умении управлять государством, определять его внутреннюю и внешнюю политику. В соверщенстве и целесообразности развивались все стороны общественной жизни страны: система государственного управления, ремесленичество, торговя, культура, наука, архитектура, военное дело, международные отношения, исламская религия, шариат и другие отрасли.

Амир Темур, будучи великим государственным деятелем, обладал высокой духовностью, был мудрым правителем. Государство Амира Темура обладало прочной правовой системой и законы всемерно сохранялись. Амир Темур в своей политике управления страной руководствовался твердыми правилами и справедливыми законами Лозунг- «справедливость не в силе, а сила в справедливости» действовал на всей территории владения Амира Темура,

являясь нравственно-духовным критерием. Создав огромную и могущественную державу Амир Темур подготовил условия для расцвета и подъёма духовной культуры, возрождению высоких традиций прошлых эпох в новом историческом контексте. Наивысшие и интеллектульные и творческие успехи XIV-XVI в.в. во многом были достигнуты благодаря деятельности Амир Темура. Амир Темур остался в истории как великий созидатель и покровитель науки и культуры.

Добрую память и большое внимание к себе приобрела личность Амира Темура в годы независимости. 26 декабря 1995 г. Первым Президентов Республики Узбекистан И.Каримовым был принят Указ “Об объявление 1996 года “Годом Амира Темура” и специальное постановление Кабинета Министров. К этой дате была приурочена международная научная конференция на тему, “Амир Темур и его место в мировой истории”, которая состоялась 24 октября 1996 года в Ташкенте. По инициативе Международной организации ЮНЕСКО 22 апреля 1996 года в Париже широко отмечался 660 летний юбилей Сахикирана, а также была проведена международная конференция на тему “Расцвет науки, культуры и образования в эпоху Темуридов”, имевшая огромное социально-политическое значение.

660-летний юбилей Амира Темура был также отмечен и в нашей стране проведением больших торжеств. Ему установлены величественные памятники в самом центре Ташкента, в Шахрисябзе, где родился и вырос Сахибкиран и в столице державы Темуридов Самарканде. В Ташкенте создан музей истории Темуридов. Узбекский народ, став обладателем наследая своего величайшего предка, глубоко изучает его, почитает и бережёт.

ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ИККИНЧИ УЙҒОНИШ ДАВРИ МУТАФАККИРИ

А. Алимов
СамИСИ ўқитувчиси

Темурийлар даврида яшаб ижод этган етук алломалардан бири Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг салмоқли илмий мероси билан Марказий Осиё халқлари маънавий тараққиётига катта таъсирга эга бўлган. Мутафаккир аллома Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти А.Тохиржонов, О.Усмонова, Ҳ.Аликулов, Р.Махмудовларнинг тадқиқотларида ўрганилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига таяниб айтиш мумкинки бўлажак мутафаккир милодий 1440 йилларда Хуросон вилоятига тегишли бўлган Сабзавор шаҳрининг Бойҳақи кентида туғилган. Мутафаккирнинг аждодлари, болалиги ва дастлабки таълим олиши устозлари ҳақидаги аниқ маълумотлар дейарли йўқ. Аммо илоҳиёт илмини мукаммал билиши, нотиқлик санъатининг моҳир устаси, табий ва ижтимоий билимларнинг пухта билимдонлиги, хуллас қомусий билим эгаси бўлиб етишиш учун ёшлигидан мустаҳкам асос ва яхши оилавий

тарбиявий замин бўлиши шартдир. Айниқса ёшлигиданоқ машҳур воиз бўлиб танилиши учун нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаганлиги аёндир. Сабзавор аҳли уни ёшлигиданоқ истеъдодли воиз сифатида ҳурмат қилганлар. Ҳусайн Воиз Кошифий Нишопурда 1455-1468 йилларда Машхадда яшаб воизлик қилганлиги маълум[144]. Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳирот шахрига 1469 йилдан яшай бошлайди. Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий ғамхўрлигида яшаган Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг ноёб асарларини яратди. Ҳусайн Воиз Кошифий оилавий аҳволи ҳақида жуда кам маълумотлар етиб келган. Аллома илмий меросини ўрганган унинг икки қизи ва бир нафар ўғли борлигини қайд этишган. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли Фахриддин Али Сафий ўз даврининг машхур шоир ва олимларидан бири бўлиб 20 га яқин асрлар ёзган. Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаёти ҳақидаги маълумотларда унинг Абдурахмон Жомий билан қариндошлиги айтилади. Бироқ бу фикрни Р.Махмудов рад этади. Али Сафийнинг ижодий фаолияти, илмий мероси билан шуғулланган У.Мавлянов Ҳусайн Воиз Кошифийни, Абдураҳмон Жомий билан божа эканлигини қайд этади[145].

Ҳусайн Воиз Кошифий билан яшаган замондошларни Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийлар уни истеъдодини юқори баҳолаганлар ва ғамхўрлик қилган. Алишер Навоий ўзининг «Мажол ун-нафоис» асарининг тўртинчи мажлисида: «Мавлоно Ҳусайн Воиз- «Кошифий» тахаллус қилур. Сабзаворликдир. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадир ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлғайким, даҳли бўлмагай. Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор...»[146], – деб унинг истеъдодини, билими кенглигини юксак баҳолаган. Юқорида келтирилган қимматли маълумотлардан кўриниб турибдики, Воиз Кошифий Алишер Навоийдек буюк мутафаккирнинг эътиборини тортиб, меҳрига, ҳурматига сазовор бўлган. Ҳусайн Воиз Кошифий Навоийни устоз деб эъзозлаган. Ҳусайн Воиз Кошифий Марказий Осиё маданияти, хусусан, Хуросон илм-фаннинг ривожига катта ҳисса қўшган мутафаккир даражасига кўтарилган.

Машҳур тарихчи Хондамир ўзининг «Хулосат ул-ахбор» асарида Ҳусайн Воиз Кошифийни қуйидагича таърифлайди. «Мавлоно Камолиддин Ҳусайн Воъиз маъқул ва махсус илмларнинг барчасидан тўла нафланган ва бахраманддир. Ҳозирги вақтда Шарқда Хуросон диёрида ул жанобга тенг келадиган киши топилмайди. Тангри каломнинг тафсири ҳамда ҳазрати рисолпаноҳ пайғамбар ҳадисларининг маъниларини минбардан туриб ғоятда покиза ва маъноли қилиб тушунтиради. Ҳафтада уч марта: сешанба куни Султоннинг хонақоҳида, жума кун эрталаб доруссаёдат Султонияда, намоз ўқилгандан кейин Олихазратнинг жоме масжидида халойиққа ваъз-насиҳат

[144] Р. Махмудов Хусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий ахлоқий қарашлари. Монография. Т. “Мумтоз сўз” 2015 йил. 20 бет.
[145] У. Мавлянов Фахриддин Али Сафий. Монография. Т. “Мумтоз сўз” 2016 йил. 12 бет.
[146] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Асарлар 15 томлик. 12-том. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1966. 123-124

қилиш билан машғул. Илгари чоршанба ва пайшанба кунлари ягона пир Хожа Абдулвохид Аҳмад мозорида ҳамда салтанат шиорлик жаноб мирзо Султон Ахмад қабристонида халойиққа тўғри йўл кўрсатиш билан ҳам банд бўларди. Ул жаноб нужум илмида ҳам зўр маҳоратга эга эди, чунончи, унинг таъбирлари қазо ўқи сингари бехато бўларди. Унинг балоғатоёқлик ҳамда фасоҳатсифатлик китоблари кўп ва беҳисоб бўлиб, уларнинг кўпи олимақом амир Алишернинг атоқли номи билан зийнатланган. Амир Алишернинг иноят ва илтифоти ул жанобнинг ҳол саҳифасига ҳаммавақт тушуб туради...»[147], баҳо берган эди. Хондамирнинг бу фикрлари Кошифий ҳақидаги энг қимматли маълумот ҳисобланади.

Ҳусайн Воиз Кошифийдан улкан илмий мерос қолган бўлиб олимлар унинг асарларини 25 тадан то 200 тагача бўлганлигини қайд этадилар[148]. Р.Махмудов Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Ҳусайн Воиз Кошифий асарларининг 75 та тошбосма нусхаси 197 та қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот бериб ўтади[149]. Бундан ташқари Р.Махмудов

Ҳусайн Воиз Кошифий асарларини таснифлар экан уларни 14 та таснифлар экан уларни гуруҳларга ажратади.

1. Ахлоқ одобга оид асарлар
2. Шеър санъати, адабиётшунослик, тилшуносликка тегишли асарлар.
3. Тарихга доир асарлар
4. Давлатни бошқаришга оид асарлар
5. Кимёга тегишли асарлар
6. Астраномияга доир асарлар
7. Математикага таолуқли асарлар
8. Нотиқлик, воизлик санъатига оид асарлар
9. Мусиқага доир асарлар
10. Илоҳиётга оид асарлар
11. Тасаввуф таълимотига тегишли асарлар
12. Бадиий асарлар шеърлари, ғазаллари
13. Тиббиётга оид асарлари
14. Бошқа асарлари

Бизнингча алломаларни асарларини таснифлашда озроқ ноаниқликлар мавжуд, хусусан «Футувватномаи султоний» асарини Р.Махмудов тарихий асарлар сирасига киргизади. Бизнингча бу асар кўпроқ тасаввуф таълимотининг назарий ва амалий жиҳатларини яратишга қаратилгандир. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Тафсири Хусайний» асари анча машҳур бўлиб, бу асар

[147] Хондамир. Хулосат ул-ахбор. Навоий замондошлари хотирасида. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 70-71

[148] Р. Махмудов Хусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий ахлоқий қарашлари. Монография. Т. “Мумтоз сўз” 2015 йил. - бет.

[149] Р. Махмудов Хусайн Воиз Кошифийнинг фалсафий ахлоқий қарашлари. Монография. Т. “Мумтоз сўз” 2015 йил. - бет.

қуръонни тафсир қилишга, шарҳлашга тегишлидир. Ўрта асрларда ҳаммо олим ва уломалар ҳам тафсир ёзавермаган. Қуръонни суралари ва ҳар бир олимни шарҳлаш учун мукаммал даражада ислом илоҳиётидан хабардор бўлиши керак. Бундан кўриниб турибдики Ҳусайн Воиз Кошифий ислом динининг назарий асосларини мукаммал даражада ўзлаштирган. Бундан ташқари алломанинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик ҳаракати» асари юқорида таъкидлаганидек тасаввуф таълимотининг моҳиятини ёритишга қаратилган асар бўлиб аҳамияти жиҳатидан Хужурийнинг «Кашфул мажхуб» ёки Фариддин Атторнинг «Тазкиратул авлиё» асарларидан кам эмас. Тасаввуф таълимотига оид бу машҳур асарлардан фарқли жиҳати шундаки Ҳусайн Воиз Кошифий фақат тариқат оқимлари ёки тасаввуф алломалари авлиёлар ҳақида маълумот бериш билан чекланмайди, балки тариқат вакилларининг амалий фаолиятларини пири-устоз муносабатларини ва ахлоқ одобларини ёритиб берганлиги билан қимматли асар ҳисобланади. Унинг «Ахлоқий муҳсиний» асари эса мусулмон шарқ халқлари одоб охлоқ нормаларининг асосий тамойиллари баён этилиш билан бирга давлат бошқаруви ҳақидаги мукаммал асар ҳамдир. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг таржимонлик фаолиятини ҳам қайд этиш жоиз. У умумбашарий аҳамият касб этган, ахлоқ одоб дурдоналари панд насиҳат қиладиган ҳиндларнинг «Калина ва Димна» асарини араб тилидан форс тилига таржима қилган. Хулоса қилиб айтганда Ҳусайн Воиз Кошифий маънавий мероси ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва ёш авлодни миллий маънавий қадриятларимиз асосида тарбиялашда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ш.Абдурашидов
СамИСИ ўқитувчиси

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланиб жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрин олмоқда. Янгиланаётган Ўзбекистонни янада тараққий эттириш бу ўз навбатида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамда таълим, тарбия соҳаларида туб ўзгаришларни талаб этади. Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши бу кўп жиҳатдан бугунги кунда олий ўқув юртларида ўқиб улғаяётган ақл-идрокли, куч-ғайратли, маънавий жиҳатдан етук бўлган ёшларга боғлиқдир. Чунки маънавиятли ёшлар янгиланаётган Ўзбекистоннинг келажагидир. Шунинг учун Президент Ш.Мирзиёев “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Бу

борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз[150],”- деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, жаҳон илм-фани тараққиётига, миллий маънавиятимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз томонидан қолдирилган маънавий меросимиз ҳар бир жамият аъзосининг дунёқарашини, айниқса ёшларнинг дунёқарашини уларнинг ижтимоий ҳаётда фаоллашиб боришларига хизмат қилади.

Ўзбекистон келажагида катта рол ўйнайдиган ҳар томонлама етук авлодни вояга етказишнинг имкониятлари хилма-хил бўлиб, улар орасида маънавий мерос алоҳида ўрин тутади.

Тарихдан маълумки қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз авлиёлар етишиб чиққан. Улар томонидан аниқ фанлар ва диний илмлар соҳасида қолдирган бебаҳо мероси бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Ҳозирги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 100 мингдан ортиқ қўлёзмалар, уларда мужасламлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, аҳлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид асарлар мавжуд. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутуб турибди. Чунки бу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. Шунингдек, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб берадиган, барча одамларни эзгулик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик йўлида бирлашишга дават этадиган теран маъноли фикр ва ғоялар бугун ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Доримий, Имом Термизий, Абу-л-Лайс Самарқандий, Қаффол Шоший, Абу-л-Муъин Насафий, Замаҳшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний сингари исломшунос мутафаккирларнинг маънавий мероси бугунги кундаги долзарб ижтимоий масалаларни ечишда асқотади, уларнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, ахлоқпарварлик ғоялари бугунги кундаги манфаатпараслик ботқоғига ғарқ бўлаётган ватандошларимизни жаҳолат чангалидан қутқаришда муҳим маънавий таянч бўлиб хизмат қилади.

Айниқса маънавий меросимиз илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар билан бойитиб борилса, янги инновацион усуллардан фойдаланилса, кўплаб ижодий натижалар келтириб чиқаради. Инсон баркамоллигининг етуклиги асосий заминларидан бири доимо маънавият бўлиб келган. Шунинг учун ҳам аждодларимиз жамият маънавий ҳаётини юксалтиришга доимо катта эътибор бериб келганлар.

Шу боис ҳозирги даврнинг энг асосий вазифаларидан бири ёшларни янги Ўзбекистон келажаги учун хизмат қиладиган фидойи инсонлар сифатида

[150] Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2019. 8-89-бет.

тарбиялаб боришдир. Мана шундай жараёнда аждодларимиз томонидан тўпланиб келинган бой ҳаётий тажрибаларнинг, маънавий мероснинг аҳамияти каттадир.

Фойдаланган адабиётдир.

1.Шавкат Мирзиёев Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 том. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2019 8-89 бет

2.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: “Маънавият”, 2008

3.Салимов О., Қурбонбоев Қ., Бекмуродов М., Тангриев Л., Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Тошкент “Ёшлар нашриёти уйи”, 2019. 157 бет. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар

ТОЙНБИ ВА “ЛОКАЛ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР” КОНЦЕПЦИЯСИ

Р.Ҳ. Худойбердиев, М.Ҳ.Каримова
Гулистон давлат университети

Инглиз тарихчиси ва социологи ***Арнольд Тойнби*** (1889-1975) инсоният тараққиётини бир-бирини доимо алмаштириб турадиган цивилизациялар жараёни тушунишга интилиб, «цивилизация» атамасини «маданият» тушунчасининг синонимии сифатида қўллаган. Тойнби цивилизацияни биологик қонунларга кўра шаклланадиган ва ривожланадиган организм сифатида эмас, балки ўз ҳаракатида ижтимоий ривожланишнинг умумий қонуниятларига бўйсунадиган ижтимоий яхлитлик сифатида изоҳлаган. Бу ерда у цивилизацияларни туғилиш, гуллаб-яшнаш, ҳосилдорлик ва ҳалокат босқичларидан изчил ўтувчи тирик организмлар сифатида тушунган Данилевский ва Шпенглер фикрларига қатъий қарши туради.

Цивилизациялар моҳияти ҳақида ёзиб, Тойнби улардан ҳар бири ўзига хос хусусиятлар ва тавсифларга эга бўлган, ўз белгилари жиҳатидан бошқа цивилизацияларни ҳеч ҳам эслатмайдиган локал ташкилот деб тасаввур қилади. Инсониятнинг яхлит цивилизацияси йўқ. Ўз қадриятлари, маданий-ижодий фаолият типлари, тарихий тараққиёт йўналиши, моддий-техникавий базис ривожланганлиги бўйича фарқланувчи кўплаб цивилизациялар бор. Бу фарқларнинг уйғунлиги ва аҳамияти индивидуал бўлиб, тасвирий санъат, адабиёт, мусиқада ўз ифодасини топади. Тойнбининг таъкидлашича, «ҳар бир цивилизация ўзининг индивидуал бадиий қиёфасини яратади»[1].

Жаҳон тарихи тараққиёти ҳақидаги ғояларини Тойнби 12 жилдлик «Тарихни англаш» асарида ёритиб берди. Бу асарни локал цивилизациялар ҳақидаги назариялар гуруҳида чўққи деса бўлади. Ўз тадқиқотини Тойнби

[1] Тойнби А. Постижение истории. М., 1990. С.289.

тарихий таҳлилнинг ҳаққоний соҳаси ҳам замон ва ҳам маконда миллий давлатлардан каттароқ ҳудудни ва даврни эгаллаган жамиятлар бўлиши керак, деб таъкидлашдан бошлайди. Данилевский ва Шпенглер сингари, Тойнби инсоният цивилизациясининг яхлитлигини тан олмайди ва бундай концепцияни европоцентризм натижаси деб ҳисоблайди. Шунга қарамай, Тойнби ҳар бир локал цивилизацияга алоҳида ва ёпиқ организм сифатида қарамайди. Унингча, ҳар бир цивилизация инсон томонидан ўзининг илоҳий ‘‘бурчи’’ни амалга ошириш йўлидаги кўплаб поғоналардан бири бўлиб хизмат қилади. Чунки инсон ўзини турли соҳаларда синаб кўришга интилади, шунинг учун биз муқобил локал цивилизациялар ҳақида гапиришимиз керак.

Цивилизациялар асосига Тойнби тилни ҳам, этник мансубликни ҳам эмас, балки динни қўяди. Бу асосда у дастлаб 21 та, сўнгра эса 26 та цивилизацияни ажратиб кўрсатди. Булар - Ғарбий, 2 та православ-христиан (Россия ва Византия), Эрон, Араб, Ҳиндуизм, 2 та Узоқ Шарқ, Грек-Рим, Сурия (Яқин Шарқнинг семит халқлари цивилизацияси), Ҳинд (Хараппа цивилизацияси), Синик (қадимги Хитой), Миной, Шумер, Хетт, Бобил, Анд, Мексика, Юкатан, Майя, Миср цивилизацияларидир. Булардан ташқари Тойнби 5 та қотиб қолган цивилизацияни кўрсатади – полинезия, эскимос, кўчманчи, оттоман (усмонийлар), спартан. У туғилганидаёқ ўлган цивилизациялар ҳақида ҳам гапиради – узоқ Ғарб христиан (ирланд), узоқ Шарқ христиан (Ўрта Осиёдаги несториан), скандинав ва сурия.

Тойнби нима учун айрим жамиятлар ўз мавжудлигининг илк босқичларидаёқ ҳаракатсиз бўлиб, цивилизацияга йиғилмайди, бошқалар эса бу вақтда бу даражага етади? - деган саволга жавоб бериб, цивилизация генезисини на ирқий омиллар, на географик муҳит билан тушунтириб бўлмайди, дейди. Унингча, ҳар бир цивилизация мазкур жамиятда иккита шарт-шароитнинг ўзига хос комбинацияси натижасида пайдо бўлади: 1)ижодий камчилик; ва 2)инсон учун жуда қулай бўлмаган, жуда душман ҳам бўлмаган муҳитнинг мавжудлиги. Бу шарт-шароитлар мавжуд бўлган жамиятлар цивилизацияларга жаманади. Уларга эга бўлмаган гуруҳлар эса цивилизацияолди даражасида қолаверади.

Цивилизациялар туғилишининг генезисини Тойнби ўзининг «чорлов-жавоб» концепциясида ёритиб берди. Цивилизациялар ривожи уларга турли ташқи кучлар томонидан қўйиладиган «чорлов-жавоб»ларнинг туганмас жараёнидир.

Ўртача ноқулай яшаш муҳити жамиятга чорлов ташлайди, бунга жамият адекват жавоб топадиган ижодий камчилиги орқали жавоб беради. Инсоният тарихидаги дастлабки чорловлар Нил, Иордан, Фрот ва Дажла, Ҳинд дарёлари дельталари томонидан қилинган эди. Нил водийсида Миср цивилизациясининг генезиси бу чорловга жавоб бўлди, Фрот ва Дажла водийсида – Шумер, Ҳинд водийсида – Ҳинд (Хараппа) маданияти генезиси жавоб бўлди. Бироқ барча қабилалар ҳам бундай чорловларга адекват жавоб бера олмади. Шунинг учун ҳам овчилар ва зироатчиларнинг кўпчилик жамоалари ҳалок бўлди, бошқалари эса даштда кўчманчилик қилиб юрадиган чўпонларга айланишди. Ноқулай

бўлиб қолган ҳудудни ташлаб кетган халқлар ё шимолга кетиб, у ерда шимолий совуқ ҳаво (изғирин) чорловига учрадилар, ёки жанубга кетиб, у ерда тропик иқлимнинг уйқуга тортадиган таъсири остига тушиб қолишди. Фақат қурғоқчилик чорловига ватанини ва турмуш тарзини ўзгартириш билан жавоб берган жамоалар қадимги Миср ва Шумер цивилизацияларини ярата олдилар, дейди Тойнби.

Шундай қилиб, агар цивилизация чорловларга муносиб жавоб топа олмаса, у тарихий саҳнадан чиқиб кетади. Агар жавоб топилган бўлса, жамият ўз олдига қўйилган вазифани ҳал қилиб, ўзини юксак ва такомиллашган ҳолатга ўтказади. Тойнби фикрича, чорловларнинг йўқлиги – цивилизацияларнинг ривожланиши учун рағбатларнинг йўқлигидир. Цивилизациялар фақат тарихий ҳаракат субъектининг доимий кучланиши туфайли мавжуд бўлади, деб ҳисоблайди Тойнби. Меъёрдаги мавжудлик учун шарт-шароитларни яратишга қаратилган инсонлар фаолияти тугаши биланоқ, цивилизациялар ҳалокатга учрайди.

«Чорлов-жавоб» концепцияси тарихнинг иккита қатламига эга – сакрал (муқаддас) ва дунёвий. Сакрал қатламида ҳар бир чақирув инсонлар томонидан Эзгулик ва Ёвузлик орасидан уларда Худо томонидан берилган эркин танлашни амалга ошириш рағбатидир. Дунёвий қатламда чорлов – тарихий ривожланиш жараёнида цивилизация дуч келадиган табиий шароитларнинг ёмонлашуви, сув ҳавзаларини босиб ўтиш кераклиги, инсонларни ўраб турувчи муҳитни ўзгартириш каби муаммолардир.

Тойнбининг фикрича, чорлов инсон томонидан ҳам ташланиши мумкин. Бундайларга Тойнби *зарбалар рағбати, босимлар рағбати, қисиш (камситиш) рағбати*ни киритади. Зарбалар рағбатининг классик намунаси бўлиб грек маданиятининг бетакрор гуллаб-яшнашига олиб келган грек-форс уруши хизмат қила олади. Босимлар рағбати эса бирон-бир омилнинг узлуксиз равишда узоқ муддат давомида таъсир қилиб туриши бўлиб, бунга мисол қилиб Тойнби христианликни қабул қилиш натижасида пайдо бўлган ва кўчманчилар томонидан ташланган чорловларга жавоб бериб турган казаклар ёрдамида кенгайиб борган рус цивилизациясининг генезисини келтиради. Қисиш (камситиш) рағбати эса келтирилган зарарни қоплаш мақсадида, бошдан кечирган зарар ўрнига янги хоссаларни ривожлантиришни билдириб, мисол тариқасида қувғинга учраган рим христианлари томонидан рим-католик черкови ва ғарб цивилизациясини яратганларини кўрсатиш мумкин.

Тойнбининг таъкидлашича, чорлов (айниқса инсон томонидан ташланган бўлса) жуда жиддий бўлмаслиги керак. Чорловнинг оптимал даражасини ошириш цивилизациянинг кейинги ривожини тўхтатиши мумкин. Бу қотиб олган ва туғилиши билан ўлиб қолган цивилизацияларнинг пайдо бўлиши сабабларидан биридир. Қотиб қолган цивилизацияларда бўлгани каби чорловчи жавоб тариқасида қудратли сакраш ҳар қандай ривожланишни тугашига олиб келади. У генезисдан сўнг ўсиш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун муваффақиятли жавобни рағбатлантирувчи ва ўз ичига олдинга ҳаракат қилиш

учун имкон берадиган инерция кучини киритувчи чақирув оптимал ҳисобланади.

Бундан ташқари, цивилизациянинг ўсиши жамиятнинг географик жиҳатдан тарқалишини билдирмайди. Табиий экспансия ўсишга эмас, балки ривожланишнинг тўхтатилишига ва парчаланишга олиб келади. Худди шундай цивилизацияларнинг ўсиши техник тараққиёт ва жамиятнинг атроф-муҳит устидан ҳукмронлик қилишининг юксалиши билан чегараланади. Цивилизацияларнинг ўсиши тараққий этаётган ички ўзини-ўзи белгилашдан, диннинг қўпол шаклларидан диний онг ва маданиятнинг юксак ва мураккаб шаклларига ўтишдан ҳам иборатдир.

Бундан ташқари, цивилизациялар ўсиши жараёни жамият ичидаги ва шахслараро муносабатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, узлуксиз «кетиш ва қайтиш» билан узвий боғлиқдир. Ижодий камчилик маълум вақт муддатига тарих саҳнасидан чиқиб кетиб, кейинчалик муҳитнинг янги чорловига янги муваффақиятли жавоб топган ҳолда қайтиб келади. Бу қадам кўнгилли равишда ҳам, мажбурий равишда ҳам қилиниши мумкин. Масалан, яҳудийлик тарихида милоддан аввалги II асрда фарисейлар ўзларини эллинлаштириш тарафдорларидан ҳам, уларнинг душманларидан ҳам ажратдилар. Икки асрдан сўнг эса уларнинг муҳитидан Исо Масиҳ чиқиб, эллин ва яҳудий ўртасидаги қирраларни ўчирди.

Кўп ҳолларда ижодий камчиликнинг қайтиши можаро ва инқилобларга олиб келади. Ижодий бўлмаган кўпчиликнинг мурожаати ўша заҳотиёқ бўлсада, осойишталик бўронга айланади, тинчлик – можарога айланади. Сулҳ эса қисқа муддатли бўлиб, маълум бир вақт ичида кўпчилик камчиликка тақлид қилишга интилади – мимезис вужудга келади. Шундай бўлса ҳам ижодий камчилик ва ижодий бўлмаган кўпчилик ўртасидаги маънавий жарлик сақлаб қолинади. Натижада навбатдаги «кетиш ва қайтиш» кераклиги вужудга келади. Шунинг учун ҳам цивилизация ўсишини қадамларнинг изчиллигига қиёслаш мумкин. Йўловчи чиқиш манзилидан охирги манзилгача бўлган бутун йўлни босиб ўтмагунча ҳар бир қадам кейинги қадамни талаб қилади. Эртами кечми ҳар қандай цивилизация охирига етади. Тойнбининг таъкидлашича, 26 та цивилизациялардан 16 таси ўликдир. Қолганларидан 2-таси (Полинезия ва кўчманчи) охирги нафасларини олмоқдалар. Саккизтасидан эса еттитаси доимий равишда ғарбий цивилизация таъсирига дуч келмоқдалар ва улардан олтитаси синиш ва бошланаётган парчаланиш белгиларини намоён этмоқдалар.

Тойнбининг таъкидлашича, цивилизациялар сусайишини на космик зарурият, на географик омиллар, на ирқий ҳалок бўлиш, на ташқи душманларнинг истилоси, на техника ва технологияларнинг пасайиши билан тушунтириб бўлмайди. Ўсиш ва парчаланиш ўртасидаги асосий фарқ шуки, ўсиш фазасида цивилизация янги чорловларга муваффақиятли жавоб бериб туради, парчаланиш босқичида эса ижодий камчилик бераётган жавоблар муваффақиятсиз бўлиб қолади, шунинг учун чорлов жавобсиз қолиб кетади. Шундай қилиб, цивилизациялар ўзларини ўзлари ҳалокатга учратади.

Цивилизация сусайиши фазаси учта қуйи фазага бўлинади: цивилизациянинг синиши, унинг парчаланиши ва йўқ бўлиб кетиши. Цивилизацияларнинг синишини Тойнби 3 та сабаб билан тушунтиради: камчилик ижодий кучининг сусайиб бориши; кўпчилик томонидан мимезис (кўнгиллик тақлид қилиш)нинг заифланиши; яхлит бир бутунлик сифатидаги жамиятда ижтимоий бирликнинг йўқотилиши.

Цивилизацияларнинг синиши ва йўқ бўлиб кетиши орасида асрлар ва ҳатто минг йилликлар ўтиши мумкин. Масалан, Миср цивилизациясининг синиши милоддан аввалги XVI асрда бўлган бўлса, у фақат милодий V асрда ҳалок бўлди. Икки минг йил давомида у «тош бўлиб қотган» ҳолатда яшади, «ўлимдаги ҳаётда» мавжуд эди. Бундан «тош бўлиб қотиш» қанчалик кўп муддат давом этмасин, эртами, кечми бу цивилизация умуман йўқ бўлиб кетиши тайин. Ҳозирги ғарб жамияти ҳам, Тойнбининг фикрича, синиш ва парчаланиш белгиларини намоён қилмоқда. Унинг ҳалокати вақтини кечиктириш учун эса “биз фақат Худога ёлборишимиз мумкин”.

Цивилизациялар сусайишининг умумий табиати шундай. Тойнби фазаларни батафсил таҳлил қилади, сусайиш белгиларининг бир қаторини кўрсатади. Ижодий камчилик ғалабага сармаст бўлиб, ўзига махлиё бўлиб ётиб қолади, нисбий қадриятларни абсолют деб ҳисоблай бошлайди. У ўзининг харизмасини йўқотиб, кўпчилик унга тақлид қила бошлайди. Шунинг учун у ички ва ташқи пролетариатни назорат қилиш учун куч ишлатиши керак бўлади. *Ички пролетариат* деб Тойнби шафқатсиз эксплуатация қилинаётган, ўз жамиятида тубан бўлиб қолган одамларни атайди. *Ташқи пролетариат* эса – бу ҳалокатга юз тутаётган цивилизацияни ўраб олган оддий жамиятларнинг вакилларидир. Цивилизация синганда, янги ҳукмрон камчилик унга тегишли бўлмаган меросни эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Бунинг оқибатида мамлакат ичкарисида ҳам, уни ўраб турувчи бошқа жамиятларда ҳам аҳолининг кўпчилиги ахлоқий жиҳатдан бегона бўлиб қолади ва пролетариат пайдо бўлади.

Бу даврда камчилик ўзини ва ўз цивилизациясини сақлаб қолиш мақсадида, эллинистик ҳукмрон камчилик томонидан яратилган Рим империяси сингари универсал (умумдунёвий) давлатни вужудга келтиради. Ижодий камчилик сохта кўрсатмалар қулига айланиб, ўзини ва ўз цивилизациясини ҳалокатга томон олиб боради. Шунингдек, ички пролетариат камчиликдан ажралиб чиқиб, универсал черков (дин)ни яратади. Ҳукмрон камчиликнинг универсал давлати вайрон қилиб бўлгандан сўнг, бу черков янги цивилизация учун кўприк ва пойдевор вазифасини ўтайди. Айнан шундай ролни буддавийлик ва христианлик ўйнаган.

Цивилизациянинг қулаши одатда ташқи пролетариат ташкиллашиб, қулаб бораётган цивилизацияга ҳужум қилгани билан боғланади. Бу можаро ва урушларга олиб келади. Цивилизациянинг қулаши одамлар қалбида парчаланиш билан ҳам боғлиқ бўлиб, бу даврда шахсларнинг бир нечта типи вужудга келади: архаистлар ва футуристлар – улар учун ҳозирги замондан, ҳозирги қадриятлардан ўтмишга ёки келажакка кетиш интилиши характерли;

зоҳидлар ва таркидунёчилар – дунёдан кетишнинг пассив йўлини танлайдилар; гедонистлар – пайтдан завқ-шавқ олишга интиладилар; қурбонлар – ўз ҳаётини қурбон қилиб, янгиликнинг уруғларини сочишга интиладилар.

А.Тойнбининг таъкидлашича, бундай ҳолатларда ягона йўл – ўзгариш, мақсад ва қадриятларни юксак ҳис-туйғули Худога ўтказишдир. Бу цивилизация парчаланишини тўхтатмаса-да, янги, "қиз фарзанд" цивилизациясининг яратилиши сари, ҳамда инсондан юксак инсонга сари, ердаги шаҳардан Худонинг шаҳрига сари босилган қадам бўла олади.

Тойнби учун тарихнинг мақсади ва мантиғи ҳам айнан шундадир.

Адабиётлар:

1.Садохин А.П. Культурология: Теория и история культуры. – М.: Эксмо, 2005. -624 с.

2.Шпенглер О. Закат Европы. Очерки морфологии мировой истории. В 2 т. М.: 1993. –С. 483.

3.Тойнби А. Постижение истории. – М.: 1991.

ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ПОЛИТИКА И ЕЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Г. Маркова
преподаватель Самаркандский институт экономики и сервиса

Природа – это кладовая тех ресурсов, которые необходимы человеку в производственной деятельности и в повседневной жизни. Леса, реки, водопады, руда, металл, уголь, нефть, газ – все это активно используется людьми. Если человек откажется от использования, например, ископаемых углеродов – нефти, угля – рухнет цивилизация, а мы снова вернемся в каменный век.

Таким образом, природа служит естественной основой жизнедеятельности человеческого общества. Поэтому общество не может обойти вопросы о роли природы становления и развитии людей, об их месте среди других живых существ, населяющих нашу планету. Как легко нарушить связи, существующие в природе, к каким необратимым последствиям это может привести ? Об этом всегда должен помнить человек, активно вторгающийся в природу. Великий русский ученый В.Вернадский считал,, что с необходимостью придет то время, когда дальнейшая эволюция планеты, а следовательно, и человеческого общества будет направляться разумом. Появился специальный термин – ноосфера (с лат.яз. – разум). Под ноосферой понимают область планеты, охваченную активностью человека, его разумной деятельностью.

Будучи наделенным разумом, человек, однако не всегда совершает разумные поступки.

Это в первую очередь проявляется в его отношении к природе лишь как к мастерской, в которой ему позволено бесконтрольно хозяйничать. За такое

отношение уже сегодня приходятся расплачиваться. Это исчезновение многих видов животного и растительного мира, разрушение атмосферы, тяжелое заболевание людей, истощение природных ресурсов и т.д.

Появились экологические проблемы, которые требуют не только своего серьезного решения. Но и также ответственной экологической политики каждого государства и в целом всей планете.

Процесс политического решения экологических проблем уже в конце XX века выразился в форме экологической политики. Дальнейшее усугубление ситуации привело к тому, что постепенно негативно экологические процессы возводится в ранг угроз национальной безопасности, что породило необходимость формирования условий защищенности общества от экономических угроз. Так экологическая безопасность стала главным компонентом национальной безопасности.

Экологическая проблема включает в себя многие противоречия экономического, социального и политического характера. Чтобы иметь наиболее цельное представление об экологических проблемах и их политических аспектах необходим системный подход к изучению взаимоотношений между обществом и природой. Взаимоотношения в системе «природа – общество» многие ученые рассматривают в качестве особого процесса, специфические законы которого не сводимы ни к законам развития природы, ни к законам общества?

Общество не может существовать в не природной среды, и любые изменения в природе отражаются на состояние общества. Например, промышленная или научно-техгическая революция в экономическом развитии общества привели к усилению антропогенных давлений на природу, а в свою очередь, природные изменения или катаклизмы, вызванные антропогенными воздействиями, стали негативно отражаться на состояние общества, в том числе экономики. При этом обществу приходится реагировать на них: либо адаптироваться к изменяющимся природным условиям, либо пытаться изменить эти процессы в благоприятную для себя сторону.

Следовательно, необходимо регулировать отношения общества к природе, чтобы восстановить равновесие в системе взаимоотношений «природа-общество» и решать экологические проблемы. Такую функцию может выполнять только политика, создающая условия защищенности от этих угроз на разных уровнях, т.е. экологическая политика. Такая политика направлена на охрану и оздоровление окружающей природной среды, рациональное использование природных ресурсов, Развитие социосферы, которая обеспечивает нормальную жизнь и экологическую безопасность человека.

Место и роль экологической безопасности в системе национальной безопасности можно свести к трем основным положениям:

!. Экологические изменения, вызванные антропогенным давлением на природу, становится серьезной угрозой интересам человека. Их последствия проявляются не в столь открытой форме, как разрушения и жертвы в результате войн, они в совокупности наносят такой ущерб, как и военные действия (рост

смертности населения, болезни, ухудшение состояния здоровья, сокращение экономических возможностей и т.д.)

2. Негативные воздействия на природную среду и экономические изменения могут стать причиной межгосударственных конфликтов.

3. Экологические проблемы имеют не только природную сторону, но приобретают и социальную форму, т.е. имеют комплексные проявления. Поэтому они влияют как на биологическую сущность человека, так и на состояние общества. Надо понимать, что экологические проблемы не только побуждают к сотрудничеству, но могут усилить в международных отношениях. Отсюда значимость вопроса о выявлении причин и их предотвращении.

Однако, для успешного решения экологических проблем недостаточно создания природоохранной системы и принятия правовых актов. Эффективная экологическая политика возможна только при глубоких преобразованиях во всех сферах общественной жизни.

В осуществление этих целей. Узбекистан формирует национальную политику, в основе которой – защита экономических интересов и создание благоприятных условий для развития общества. Узбекистан также участвует в разработках и реализации международных проектов.

Важным достижением экологической политики в нашей стране стало создание 2 августа 2008 года экологического движения Узбекистана, которое было зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан.

Это движение должно объединить граждан страны, желающих активно участвовать в охране природы и здоровья человека. Главный лозунг экодвижения «Здоровая среда – здоровый человек». В программные задачи Экологического движения Узбекистана входят:

- общественный контроль за исполнением законов по вопросам охраны природной среды;
- повышение экологической культуры населения, развитие экологического образования и воспитания;
- развитие международного сотрудничества в сфере охраны природной среды;
- координация деятельности всех организаций – коллективных участников Экодвижения;
- содействие развитию законодательства по вопросам природной среды и т.д.

Экологическая политика в Узбекистане быстрыми темпами выходит на уровень высокой значимости и решения проблем, остро стоящих перед государством и обществом в сфере экологии и взаимоотношений человека, общество и природы.

Литература:
1. Конституция Республики Узбекистан;
2. Мирзиеёв Ш.М. Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа. – Т.:Ўзбекистон. НМИУ, 2017. – С. 38.
3. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию
4. Закон «О государственном санитарном надзоре» (1992г.);
5. Закон « Об охране природы» (1992г);
6. Закон «О воде и водопользовании»(1993г.);
7. Закон «О недрах»(1994г.);
8. Закон «Об охране и использовании растительного мира» (1997г.);
9. Закон «Об охране здоровья граждан»(2001г.);
10. Закон «Об отходах»(2002г) и др.

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” ФАНИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

Н.Музаффаров
СамИСИ ўқитувчиси

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий омилларидан бири “шахс манфаати ва таълим устиворлигидир”. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишдан мақсад - ёш авлод онгида инсоният учун энг муҳим бўлган маънавиятни шакллантириш ҳамда янада юксалтириш, улар онгида миллий онг ва соғлом фикрни уйғотиш, тарихий хотиранинг ёшларимизни Ватанга садоқат ҳамда миллатпарварлик руҳида тарбиялашдаги мислсиз аҳамиятини ифода этиш, ўз тақдири ва келажагини барпо этадиган ёш авлодни янги жамиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган ғоялар асосида тарбиялашга қаратилган. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида 200 дан ортиқ мамлакатлар орасида ўзининг қатъий гуманистик (инсонпарвар), тинчликпарвар сиёсати билан дунё меҳварида муҳим ўрин эгаллаганлигини дунё жамоатчилиги тан олиб турибди.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига рахна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, аҳлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга интилишга эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди” деб таъкидлайди.[151]

[151] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон 2017. Б.70.

Таълим тизимидаги инновация ва креатив ёндашувлар асосида юртимизда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини ривожлантиришдамактабгача таълим сифатини юксалтириш, умумий ўрта таълим сифатини ошириш, фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганишга янгича ёндашув юксак тараққиёт гарови ҳисобланади. Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номлари билан аталадиган, аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилди. Шунингдек, олий таълим муассасалари фаолияти ва самарадорлигини оширишнинг самарали механизмлари яратилмоқда.

Ёш авлоднинг таълими, тарбияси ҳақида гапирганда аллома Абдурауф Фитратнинг қуйидаги фикрлари: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб, иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг отаоналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”, деган пурмаъно гаплари асл ҳақиқатдир.

Буюк мутафаккиримиз Юсуф Хос Хожиб, “Болани билимли қилмоқчи бўлинса, унга ёшлигиданоқ билим ўргатиб бориш керак”, деб пурмаъно фикрларини мерос қилиб қолдирган.[152]

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва янада юксалтириш, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилишда Ватан тарихини ҳар томонлама чуқур, бирламчи манбаларга таяниб талқин этиш, келажак авлодга ҳақиқий тарихимизни ўқитиш орқали уларни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялаш долзарб аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон тарихи” фанининг вазифаси:

– Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш миллий ўзликни англаш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсонни тарбиялаш, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенгликни кўрсатиш;

- Ватанимиз ҳудудларида энг қадимги даврлардан бошлаб бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни холисона ҳамда ҳаққоний манбаларга таянган ҳолда таҳлил қилиш, ўргатиш, уларнинг сабаблари ва моҳиятларини талаба ёшларга очиб бериш, тарихий сабоқ чиқаришини кучайтириш;

– тарихнинг турли даврларида мамлакат иқтисодий ва маданий равнақи учун фидойилик қилган давлат арбоблари, улуғ саркардалар, илмфан ҳамда маданият намояндалари, миллий қаҳрамонлар фаолиятини ўрганиш, фахр ва ўрнак олиш асосида ёшларимизни миллатпарварлик, Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

– тарихий хотира асосида ёшларимизни “Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз”, “Биз фақат ўз билимимиз, иқтидоримиз, истеъдодимиз, кучимиз, меҳнатимизга ишонамиз”, “Ватанимиз-фахримиз, гуллаб-яшнаши,

---

[152] 111 ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2012. 97 бет.

тараққиёти учун ҳар биримиз масъулмиз”, “Келажак ёшлар қўлида”, “Биз Ватанга таянчмиз” каби бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялаш;

– ҳозирги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар ва жуда кўплаб бўлаётган замонавий ўзгаришлар моҳиятини, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш йўлидаги янгиликларни, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бажарилиши, Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши, жаҳон ҳамжамияти билан кучли интеграциялашуви жараёнларини ёшларга етказиш ва бевосита ўзларининг ҳам шу ҳаракат аъзолари эканлигини таъкидлаб бор куч ва имкониятларини Ватанининг ривожланиши учун ҳиссасини қўшиш кераклигини қалбига жойлаш. Уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур илмга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш.

“Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитишда талабаларда фан бўйича зарур кўникма хосил бўлишида ва келгуси етук мутахассис бўлиб етишида қуйидаги устувор йўналишлар самара беради деб ўйлайман:

1. Ўзбекистон тарихи ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Ўлкамиз ҳудудлари энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири ҳисобланиб, бу ерда дунё цивилизациясидаги маҳаллий халқларга хос тарихий-маданий жараёнлар бўлиб ўтган. Ўлкамиз ҳудудларидан дунё цивилизацияси тарихий тараққиётида ўчмас из қолдирган олиму фузалолар, давлат арбобию, саркардалар етишиб чиққанлар. Булар ҳақида талабаларга кўпроқ маълумотлар беришда турли мавзуларга оид тақдимотлардан кенг фойдаланиш самарали натижа беради.

2. “Ўзбекистон тарихи” фанини ўқитиш жараёнида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тарихчи олимларнинг илмий тадқиқот ишларини, жумладан халқаро, республика журналларида чоп этилган материалларидан ҳам дарс жараёнида мунтазам самарали фойдаланишни, янгиликлар билан яшашни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

3. Маълумки, педагогик технология таълим-тарбия жараёнга ўзига хос бўлган инновацион ёндашувдир. Ўқитишнинг ваъзхонлик, оғзаки баён қилиш усулларини меъёрлаштириб, компьютерлар ёрдамида таълимнинг техник воситалари ёрдамида ўқитиш ўқувчи билиш фаолиятининг бошқарувчиси, ташкилотчиси, маслаҳатчиси якуний натижага эришиши, устоз ёрдамида талабаларнинг кўпроқ мустақил ишларини ташкил этиш, талабаларнинг, ёшларнинг мустақил, эркин фикрлашини кучайтириш зарурдир. Чунки жаҳоннинг етакчи давлатлари андозалари талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш ҳозирги даврнинг талабидир.

4. “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитиш жараёнида сўнгги замонавий компьютер технологияларидан, овозли тарихий ўқув қўлланмалар, видеороликлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари мутолаа маданиятини ёшлар ўртасида кучайтириш ҳамдир. “Кимки китоб ўқишдан тўхтаса, билингки, у фикрлашдан ҳам тўхтабди”, – деган эди Дени Дидро. Сўз

бойлиги, мантиқий мушоҳада юрита олиш истеъдоди аслида, мутолаа биландир.

5. Фанни ўқитишда жойлардаги ўлкашунослик, тарихий ва уй музейларга, ёдгорликлар, қадимий меъморий обидалар, зиёратгоҳларга талабаларни олиб бориш, экскурция ташкил қилиш ва ўз яшаб турган жойининг тарихи билан биргаликда “Ўзбекистон тарихи”ни ўқитиш ҳам самарали натижаларни беради.

6. Талабанинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятни активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтириш, “ўз-ўзини ўқитиш” асосида талабанинг ўқув материалини ўзлаштириш имкониятларидан кенг фойдаланиш, талабанинг ўзлаштириш даражаларини назорат қилишни ташкил этиш.

7. Демократик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда модулли тизимга ёндашилиб, талабалар билан биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини ташкил этиш.

8. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

9. Ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати кабилар самарали натижаларни беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий ҳаётимизнинг қайси жабҳасини олмайлик, амалга оширилаётган халқчил ислоҳотлар амалий тасдиғини топмоғи учун биз, сиз- ҳаммамиз уйғоқ қалб, уйғоқ руҳ ва уйғоқ дунёқараш, эзгулик, яхшилик билан ўзгаришларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак.

ЖАДИДЧИЛИК ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Ж.Мустафаев
СамИСИ ўқитувчиси

Юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни маънавий етук қилиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Илм-маърифатни гуллаб яшнаши, маданият, иқтисод, жамияни турли соҳаларини барқарор тараққий этиши Уйғониш даври номи билан юритилиши илмий амалиётга кирган. Бундан минг йиллар аввал IX-XII асрлар илк Уйғониш даври Маъмун академиясининг барпо этилишида хоразмшоҳ Маъмунийлар сулоласининг, Иккинчи Уйғониш даврининг юзага

келишида эса буюк бобомиз Амир Темурнинг ва темурий авлодларнинг ҳиссаси беқиёсдир. Ҳар икки сулола ҳукмдорлари ўз даврининг ёрқин истеъдодларини, олимларини давлат қаноти остига тўплаган ва ғамхўрлик қилиб, керакли шарт шароитларни яратиб бергани учун тарихан қисқа давр ичида она юртимиз дунё илм-фанига пойдевор бўлгулик буюк кашфиётларни яратдилар.

Барча даврларда маърифатчилик йўналиши асосан уч соҳа орқали тараққий топиб борган. Булар – маориф (янгича мактаблар очиш, таълим усулини янгилаш), санъат (бадиий адабиёт, театр) ва матбуот (газета ва журналлар).

XX аср жадид намояндалари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир сингари маърифатпарвар боболаримиз ўз даврида ҳам янги авлод таълим ва тарбияси муаммолари фақат орзу бўлганлиги, жамият тараққиётида ўзгаришлар қилиш эса осон кечмаслигини, улуғ мақсадларга эришиш эса миллат маданияти, маърифати, илм-фаннинг ривожи билан боғлиқлигини ҳар томонлама теран англаганлар.

Жамиятда маънавий муҳитни шакллантиришдаги муҳим омил эса мамлакат ёшларининг таълим-тарбия тизими бўлиб, унинг долзарблигини жадидларнинг етук намоёндаларидан бири Абдулла Авлонийнинг **«Туркий** Гулистон ёхуд ахлоқ» асаридаги қуйидаги сатрлар ҳам исботлайди: «Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур», «Илм инсонларнинг мадори ҳаёти, раҳбари, нажотидур» деган фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Ана шу мақсадларни амалга оширишда соҳада янгича "Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" Президент фармони лойиҳаси муҳокамага қўйилди.

Юртимизда Учинчи Ренессанс ғояси ҳам давлатнинг, ҳам ёшларнинг, ҳам ота-оналар ва устозларнинг орзу истакларини бирлаштириб, бугун ва келажакни бирлаштирувчи ҳаётбахш ғоя бўлгани учун ҳам Президентимиз Учинчи Ренессанс масаласини миллий ғоя сифатида кўтардилар[153]. Жадид боболаримизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқариш учун биз танлаган илм-маърифат йўли айниқса драматург аллома, ёзувчи, жамоат арбоби, ўзбек драматургияси асосчиси, Туркистон жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятида яққол намоён бўлади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий 1875 йилнинг 19 январида Самарқанд шаҳри яқинидаги Бахшитепа қишлоғида руҳоний оиласида дунёга келди. Маҳмудхўжа ёшлигиданоқ адабиёт, тарих фанлари билан бирга сиёсатга ҳам қизиққан. Газета ва журналлар орқали дунёда бўлаётган янгиликлар билан танишиб борган. У газета, журналларда мақолалар чоп эттириб, мактаб ва санъатни

[153] Азиз Ҳакимов. Миллий таълим ва тарбия тизими ривожлантириш Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг асосидир. Fikr.uz sayti. 30 октябр 2020 йил

яхшилаш масалаларини кўтариб чиқади. Беҳбудий “Ойна” газетаси асосчиси “Таржимон” газетасининг доимий муаллифи эди. Маҳмудхўжа ўзбек ва тожик тилларда 200 дан зиёд мақолалар ёзади. У 1911 йилда “Падаркуш” драмасини яратади. Драмада ёш авлод билимли ва маданиятли бўлиши кераклиги ҳақидаги ғоя илгари сурилган. Беҳбудийнинг саҳна асари катта муваффақият қозонган ва Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарлари театрларида саҳналаштирилган. “Падаркуш” ўзбек драматургиясининг биринчи қалдирғочи сифатида, А.Қодирийнинг “Бахтсиз куёв”, Мирмуҳсина Фикриянинг “Фарзандсиз Очилдибой” ва Ҳамзанинг қатор асарлари яратилишида туртки бўлди. Унинг 1901 йилдан бошлаб “Туркистон вилояти газетаси”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Тужжор”, “Осиё”, “Ҳуррият”, “Турон”, “Садои Туркистон”, “Улуғ Туркистон”, “Тирик сўз”, “Тоза ҳаёт”, “Самарқанд”, “Ойна” каби газета ва журналларда чоп этилган мақолалари тараққийпарвар кишилар, айниқса ёшларнинг диққат-эътиборини қозонган. У айни чоғда янги усулдаги мактабларнинг асосчиси ва тарғиботчиси, янги дарсликларнинг илк муаллифи ҳамдир. Маърифатпарвар инсон Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти 1919 йилда фожиали якун топади. Садриддин Айний алломанинг вафоти муносабати билан “Жафокаш шоир Беҳбудийнинг номини мусулмон Шарқи ҳурмат билан тилга олади, чунки у 20 йил мобайнида ўзининг онги ва инсоний қадру қимматини билган барча мавжудотни эркин ҳаёт, нур ва маърифат учун курашга чорлаб келди” деб ёзган эди. Беҳбудий номи 1937 йилга келиб қатағон қилинади ва 1956 йилда оқланади. Ҳозирги кунда аллома қолдирган бой ва ранг-баранг бадиий, маданий ва маърифий мерос ўз халқининг истиқлолига хизмат қилмоқда. 1977 йилда Беҳбудийнинг “Сайланма”си чоп этилди. Ушбу тўплам ўз ичига дарслик ва ўқув қўлланмаларни олган. Президентимизнинг Фармони билан 2020 йилда Маҳмудхўжа Беҳбудий “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Хуллас, Маҳмудхўжа Беҳбудий буюк маърифатпарвар ва етакчи жадидчи сифатида миллий маданиятимиз тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллайди[154].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги миллий тараққиётимизнинг юксак даражага кўтарадиган бой маънавий меросимиз ва аждодларимизнинг қолдирган улкан бебаҳо санъат, маърифат ва газета ва журналлардаги фикрлари ёшларимиз ва баркамол авлодни тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қилиши муқаррардир.

[154] Кончилар ҳаёти. 2020 йил 29 октябрь.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТИЛ ВА МАДАНИЯТ АЛОҚАДОРЛИГИ

М.Каримова, М. Бердиқулова
Гулистон давлат университети

Ҳар бир локал маданият ўз тил тизимига эга. Бу тил тизими унинг ташувчиларига бир-бири билан муомала қилиш имконини беради. Маданиятда тилнинг роли ва ўрни фақат бунда эмас. Тилнинг роли табиатнинг роли каби муҳимдир. Тилдан ташқарида маданият мавжуд бўлмайди, тил унинг пойдевори бўлиб, унинг ички асосини ташкил этади. Тил ёрдамида одамлар рамзларни, меъёрларни, одатларни, ахборотни, илмий билимларни, хулқ-атвор модделарини авлоддан-авлодга ўтқазадилар. Шу тариқа социализация – маданий меъёрларни ўзлаштириш, ижтимоий ролларни ёдлаш жараёни содир бўлади.

Фалсафа, маданият ва маданиятшуносликка оид адабиётларда тилнинг аҳамияти қуйидагича баҳоланади:

- тил – маданият кўзгуси, унда нафақат мавжуд, инсонни ўраб турган дунё, балки халқнинг менталитети, унинг миллий характери, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари, қадриятлари, дунё суврати акс этади;
- тил – маданиятнинг хазинаси, чунки у ёки бу халқ томонидан тўпланган барча билим, кўникмалар, моддий ва маънавий қадриятлар унинг тил тизимида – халқ оғзаки ижодида, китобларда, оғзаки ва ёзма нутқда сақланади;
- тил – маданият ташувчиси, чунки айнан тил ёрдамида маданият авлоддан авлодга етказилади. Инкультурация жараёнида болалар она тилини ўзлаштириб, унинг ёрдамида аждодлар тажрибасини ўзлаштириб оладилар;
- тил атрофдаги мавжудлик объектларини идентификация қилишга имкон беради, уларни таснифлашга ва дунё ҳақидаги маълумотларни тартибга солишга ёрдам беради;
- тил инсоннинг атроф-муҳитда адаптациялашувини осонлаштиради;
- тил объектлар, ҳодисалар ва уларнинг мутаносиблигини тўғри баҳолашга ёрдам беради;
- тил инсон фаолиятини ташкил қилиш ва тартибга солишга имкон яратади;
- тил – шахсни шакллантирувчи маданият қуроли, айнан тил орқали инсон ўз халқининг менталитети, анъаналари, урф-одатларини, ҳамда дунёнинг ўзига хос маданий тасвирини қабул қилади ва бошқалар.

Тил, муомала ва ўзаро алоқ алмашувга бўлган қобилият инсонни бошқа тирик мавжудотлардан фарқлайди. Тил бўлмаганда, инсон ҳеч қандай кўникма ва малакаларга эга бўлмасди. Унинг хулқ-атвори инстинктлар томонидан тартибга солинган бўлур эди, ўзи эса бошқа ҳайвонлар муҳитидан ажралиб чиқмасди. Демак, тил айни пайтда маданият маҳсули ҳамдир, унинг муҳим таркибий қисми, маданиятнинг мавжуд бўлишининг шартидир.

Тил ва амалдаги дунё оралиғида инсон туради, яъни инсон – тил ва маданият ташувчисидир. Айнан инсон дунёни сезги органлари ёрдамида англайди ва қабул қилади, бунинг асосида дунё ҳақидаги ўз тасаввурларини яратади. Ўз навбатида, бу тасаввурлар тушунча, мулоҳаза ва хулосаларда маънога эга бўлиб, уларни бошқа одамларга етказиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, амалдаги дунё ва тил оралиғида тафаккур туради.

Сўз предметни ёки атрофдаги дунё ҳодисасининг ўзини эмас, балки инсон унинг онгида мавжуд бўлган ва ўз маданияти томонидан детерминация қилинган дунё суврати орқали нималарни ва қандай кўришини акс эттиради. Ҳар бир инсоннинг онги унинг индивидуал тажрибаси таъсири остида ҳамда ўтган аждодлар тажрибасини эгаллашга хизмат қиладиган инкультурация натижасида шаклланади. Тил – барча ўраб турувчи нарсаларни автоматик тарзда акс эттирувчи оддий кўзгу бўлиб эмас, балки дунёни кўра олишга имкон берувчи призма бўлиб хизмат қилади. Дунёнинг маданий суврати тил сувратидан бойдир. Бироқ айнан тил орқали дунёнинг маданий суврати амалга оширилади, вербаллашади, сақланади ва авлоддан авлодга етказилади. Тил, тафаккур ва маданият бир-бири билан шу қадар узвий боғланганки, улар амалда бир бутунликни ташкил қилади ва бир бирисиз яшай олмайди.

Тил ва маданият ўртасидаги муносабатлар бир бутун ва бир қисм ўртасидаги муносабат сифатида қаралиши мумкин. Тил маданиятнинг бир қисми ва маданият қуроли сифатида тушунилиши мумкин. Шу билан биргаликда тил мустақил, семиотик тизим сифатида ҳам қаралиши мумкин. Ҳар бир тил ташувчиси – бир вақтнинг ўзида маданият ташувчиси ҳамдир. Шунинг учун тил белгилари маданият белгилари функцияларини бажариш қобилиятига эга бўла оладилар. Шунинг учун ҳам тил унинг ташувларининг маданий-миллий менталлигини акс эттира олади.

Сўзлар нафақат предмет ва ҳодисалар номлари, балки дунёнинг маданий суврати призмаси орқали ўтказилган амалдаги ҳаёт бўли, мазкур халққа оид хусусиятларни акс эттиради. Спектрнинг битта қисмига қараган рус кўк ва мовий рангни кўрса, инглиз фақат мовий рангни кўради. Русларда «синий»-«голубой» сўзлари орқали ифодаланса, инглизларда фақат «blue» сўзи билан ифодаланди. Демак, тил инсонга дунёни кўра билишга имкон беради. Битта тушунча турли тилларда тилда ифодаланишнинг турли шаклларига эга бўлади. Шунинг учун чет тилини ўрганаётганимизда, биз ўзгалар дунё сувратининг бир қисми билан танишамиз, уни ўз она тилимиздаги суврат билан қиёслаймиз. Бу эса чет тилини ўрганишда қийинчиликларни туғдиради.

Тилнинг энг етакчи хоссаларидан бири унинг универсаллиги бўлиб, у инсонга тилни коммуникациянинг турли вазиятларида, жумладан, бошқа маданият вакиллари билан муомала қилишда тилдан муомала воситаси сифатидан фойдаланишга имкон беради. Тилнинг универсаллиги одамларга ҳам ички маданий, ҳам маданиятлараро муомалага киришишга имкон беради.

Маданиятлараро коммуникацияда бирон-бир ахборотни бир тилдан бошқа тилга ўгиришда муаммоларга дуч келинади. Турли тиллар яратадиган турли дунё сувратлари туфайли таржима қилишда тўғри таржимага эришиш қийин. У

ёки бу тушунчасини ифода этиш учун бошқа тилда бундай тушунча эквиваленти топилмаслиги ҳам мумкин, шунинг учун айрим ҳолларда бу тушунчага яқин бўлган эквивалентлардан фойдаланилади. Демак, бундай атамалар билан белгиланган тушунча ва нарсалар мазкур маданият учун хос бўлиб, бошқа маданиятларда учрамайди ва уларни белгилайдиган атамалар ҳам йўқ бўлади. Масалан, рус тилида «эль», «виски» тушунчалари йўқ ва уларни белгилайдиган сўзлар ҳам йўқ. Ўз навбатида, инглиз тилида «блины», «борщ» деган тушунчалар ва сўзлар йўқ. Бундай тушунчалар бошқа тиллардан ўзлаштириб олган сўзлар ёрдамида ифодаланади.

Ҳар қайси тилнинг лексиконида лексик ўзлаштирмалар кўп эмас. Гап шундаки, сўзнинг маъноси фақат лексик тушунча (сўз денотацияси) билан ифода этилмай, кўп ҳолларда унинг лексик-фразелогик уйғунлиги ва коннотацияга (халқларнинг у ёки бу предметлар ҳақидаги маданий тасаввурлари) боғлиқ ҳам бўлади. Шунинг учун матнни фақат луғат ёрдамида тўғри таржима қилиб бўлмайди. Чет тилини ўрганиш жараёнида ва ундан муомалада фойдаланиш жараёнида сўзларни алоҳида ёдлаш эмас, балки уларнинг маъносига эътибор бериб ёдлаш зарур.

Масалан, русчаси «крепкий чай», ўзбекчаси «аччиқ чой» («горький чай»), инглизчаси «кучли чой» (strong tea) бўлади. Русчаси «сильный дождь», ўзбекчада “қаттиқ ёмғир” (ёки “кучли ёмғир”) инглизчасига «оғир ёмғир» (heavy rain) бўлади. Демак, луғат ёрдамида таржима қилинганда, бундай лексик-фразеологик сўзлар бирикмаси чет эллик учун тушуниб бўлмас даражага етиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, тил ўзаро мулоқот воситаси сифатида кишиларнинг ҳам бир миллат вакиллари ичида, ҳам глобал миқёсда, халқаро майдонда бошқа миллат вакиллари билан алоқаларини ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлаш жараёнида етакчи ўрин тутади. Глобаллашув жараёнлари интенсивлашиб бораётган ҳозирги даврда миллий тилларни соф ҳолда сақлаб қолиш, шунингдек, халқаро майдонга чиқиш учун дунёда кенг тарқалган тилларни ўрганиш жамият тараққиётини илгари сурилишида ёрдам бериши шубҳасиздир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тил ва унинг ўзига хос хусусиятлари унинг ташувчиси бўлган халқнинг маданияти, оламни кўришининг ўзига хосликлари, унинг менталитети каби жиҳатларига эгадир. Тил ва маданият ҳамиша ўзаро алоқадорликда ривожланган ва бу жараёнлар ҳануз давом этмоқда.

Адабиётлар:

1.Садохин А.П. Культурология: Теория и история культуры. – М.: Эксмо, 2005. -624 с.

2.Шпенглер О. Закат Европы. Очерки морфологии мировой истории. В 2 т. М.: 1993. –С. 483.

3.Тойнби А. Постижение истории. – М.: 1991.

ҲАВО МУҲИТИДА КЕЧАЁТГАН СИНЕРГЕТИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ ҚОНУНИ

М.Юсупов
Самарқанд давлат университети ўқитувчиси

Умуман олганда инсон ҳаводан нафас олиб,унинг таъсири остида яшайди. Ҳаво организмларнинг тириклигини таъминловчи объектив табиий борлиқ ҳисобланади. Хўш,шундай экан ҳаво деб нимага айтилади? Бу саволга " Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да:" Ҳаво [арабча- атмосфера, ҳаво; иқлим; шамол; об-ҳаво] 1) Ер атмосферасини ҳосил қилувчи, инсон, ҳайвон, ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган, асосан азот ва кислороддан иборат газлар аралашмаси; 2) Ер устини қоплаган очиқ бўшлиқ; 3) Осмон, кўк; 4) Атмосферанинг аҳволи, ҳолати »[155], – каби маъноларни англатади деб ёзилган.

Ушбу сўзларни умумлаштирган ҳолда,фалсафий жиҳатдан «ҳаво» тушунчасини тор оддий-кундалик маънода, яъни одамнинг нафас олиши жараёни ҳамда кенг илмий маънода ,яъни барча тирик микро ва макро организмларнинг яшаши учун зарур бўлган газлар аралашмаси сифатида талқин қилиш мумкин. Демак, ҳаво – бу барча тирик организмлар таркибида юз бераётган биофизиолог жараёнларнинг бир меъёрда кечишини таъминлайдиган элементлар тизимидан ташкил топган табиий муҳитдир. У асосан 98-99% азот ва кислород газларининг аралашмасидан иборат бўлиб,улар ўртасидаги нисбат эса сув концентрациясининг буғланишидан ҳосил бўладиган намланишга боғлиқдир. Мадомики, инсон Ер сайёрасида яшар экан Ер атмосфера[156]сининг асосий элементи бўлган ҳаво муҳитида кислороднинг кенг тарқалганлигидадир.

Ер атмосфера ҳавоси таркибига кислород, углерод (IV)–оксид, азот, аргон ва бошқа инерт газлар ва аралашмалар кирса, унга эса углевод, углеводород кислотаси, водород сульфид, сульфид гази, фенол, хлор, фтор бириклалари кирмайди.

Ер атмосфераси ҳавосининг 20,94% (ҳажми бўйича) кислород ташкил қилади,яъни унинг энг муҳим таркибий қисми кислород ҳисобланади. У ҳаво муҳитининг энг муҳим элементи бўлиб, одамнинг нафас йўли орқали организмига ўтиб, унда бўлиб оксидланиш жараёнида бевосита иштирок этади. У ўпка орқали қонга ўтиб, қизил қон таначаларига қўшилиб кетади. Бу таначалар қон айланиш жараёнида кислородни тўқима ва ҳужайраларга элтади. Демак,кислород воситасида тирик организмда жуда мураккаб био- кимёвий жараёнлар содир бўлади. Киши аъзоларида овқат моддаларининг қайта

[155] Ўзбек тилининг изоҳли луғати.5-жилд. – Т.: Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2008. – Б.469.(592 б.)

[156] Атмосфера [*юнонча atmos – нафас;буғ;ҳаво+sphaira – шар*] – Ерни ва бошқа баъзи планеталарни ўраб турган газсимон қобиқ. Масалан: Ер атмосфераи. Қуёш атмосфераси. Атмосфера босими.// Ўзбек тилининг изоҳли луғати.1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2006. – Б.114-115.(680 б.)

ишланиши, оксидланиши ва бу жараёнлардан қувват ажралиб чиқиши кислородсиз амалга ошмайди. Кислород тирик организмда, иссиқ қонли ҳайвонларда тана ҳароратининг бир меъёрда сақланишини таъминлайди.

Шуни айтиш керакки, инсон организмининг кислород билан таъминланиши бузилса нафас, марказий нерв системаси, юрак қон томир системаси ва бошқа системалар фаолиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Демак, кислород тушунчасига фалсафий жиҳатдан қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Кислород – бу узоқ йиллар давомида Ер сайёрасида юз берган бир қатор жараёнлар туфайли келиб чиққан, унинг атмосфера ҳавоси таркибига кирувчи, манбаини яшил ўсимликлар ташкил этувчи, барча тирик микро ва макро организмларнинг нафас олишини, уларнинг соғлом ривожланишини таъминловчи, водород билан бирикиб сув ҳосил қилувчи, айни вақтда ёниш хусусиятига эга бўлган рангсиз, ҳидсиз кимёвий модда(газ)дир[157].

Кислороднинг инсон саломатлигини сақлашга, унинг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсир этишини синергетик методология нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак,қуйидагилар яққол кўзга ташланади.

1. Қишлоқ аҳолисининг соғлигини сақлаш борасида унинг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда одам организмлар тириклигини таъминловчи бир омил сифатида бир томондан ёпиқлик, иккинчи томондан очиқлик хусусиятига эга бўлган мураккаб жараёндир. Масалан, Ер атмосферасидаги кислороднинг мавжудлиги ва унинг кенг тарқалганлиги очиқ тизим бўлса, ҳар бир тирик микро ва макро организмларнинг кислороддан нафас олиш жараёни ўз даражаларига кўра ёпиқ тизимдир. Демак, кислород Ер атмосферасиги ҳавода кенг тарқалган барча тирик организмлар учун зарур бўлган очиқ, унинг истеъмолчилари таркибига кирувчилар ёпиқ кичик тизимлар сифатида чизиқли, ночизиқли, мувозанатли, мувозанатсиз тарзда ўз-ўзидан ташкилланувчи тизим сифатида инсон организмидаги тирикликни таъминлаш жараёнидан ўрин олади.

Ўзбек табиатшунос файласуф олими Омануллa Файзуллаевнинг “Синергетика ҳар бир нарсани система деб қарайди. Системани икки тоифага ажратади: бири - ёпиқ система, иккинчиси - очиқ система. Оламдаги жонсиз системалар ёпиқ, жонли системалар очиқ деб ҳисобланади”[158] ва Г.Николас, И.Пригожиннинг “Очиқ системалар қаторига, шак-шубҳасиз, биологик ва социал системалар киради. Бу шуни англатадики, уларни фақатгина механик модель доирасида олиб қараш тўғри бўлмайди” [159],– деган фикрлари буни исботлайди.

Агар биз, табиатда юз берадиган жараёнларнинг синергетик тарзда очиқ ва ёпиқ тизим,чизиқли ва ночизиқли ҳаракат қилиш қонунларининг барқарорлик

[157] Кислород – Даврий жадвалдаги 8- элемент (ядро заряди -8), кимёвий белгиси –О, нисбатан атом оғирлиги – 16, валентлиги – 2, молекуласи – 02, молекуляр оғирлиги – 32, моляр массаси – 32 г/моль.

[158] Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси / Ўзбекистон Республикаси ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқук институти. - Тошкент: Фалсафа ва ҳуқук, 2006. – Б. 92.

[159] Николас Г., Пригожин И. Самоорганизация в неравновесных системах. – М: Мир. 1979, – С. 156-157.

ва беқарорлик, эволюцион ва коэволюцион сабаблари доирасида қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини шаклланиши ва ривожланишини динамик жараён сифатида қарайдиган бўлсак, Ер атмосфера ҳавосида кенг тарқалган кислороднинг ҳаракатланиш жараёни барқарорлик ва беқарорлик, эволюцион[160] ва коэволюцион[161] сабабларга кўра инсон саломатлигига ўзининг ижобий ёки салбий таъсир ўтказишини кўрамиз. Масалан, Ер атмосфераси ҳавосидаги ҳарорат,намлик,атмосфера босими,қуёш радиацияси кабиларнинг бир маромда кечиши кислороднинг барқарор ҳолда тирик организмлар, шу жумладан инсон организмининг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, об-ҳаво ва иқлимнинг тез-тез ўзгариб туриши эса кислороднинг нормадан камайиб инсон организмига салбий таъсир этишига олиб келади. Бу эса бир томондан, қишлоқ аҳолиси тиббий тиббий маданиятнинг эволюцион тарзда ўзгаришини; иккинчи томондан эса қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятига ижобий ва салбий таъсир этувчи омилларининг коэволюцион тарзда ривожланиб боришини билдиради.

2. Ер атмосфераси ҳавосидаги кислороднинг қишлоқ аҳолиси тиббий маданиятига таъсири флуктация, бифуркация, бошқа янги ҳолатга беихтиёр тарзда ўтиб кетиши, ночизиқлилик, ўз- ўзидан ташкилланиш каби шаклларда намоён қилади.

Қишлоқ аҳолисининг тиббий маданияти ривожига таъсир ўтказувчи кислороднинг ўз-ўзидан ташкилланиши натижасида флуктуация ҳолатидан узоқлашиб бифуркация нуқтасига ўтиб кетиши оқибатида ,масалан,одам организмида юзага келадиган(кислород миқдори 11-17% гача тушиб кетса) кислород етишмовчилиги астма, нафас йўллари,ўпка,юрак,қон-томир касалликларининг пайдо бўлишига, иш қобилиятининг кескин пасайиб кетишига, уларнинг даволаб бўлмаслик (хроник) касалликларга қайтмас даражада ўтиб кетишига олиб келади. Ёки аксинча, соф тоза кислороддан (40-60% дан ортиқ) узоқ вақт давомида нафас олиш одам организмига хавф туғдириши мумкин. Масалан, одам 90% кислород билан уч кеча-кундуз узлкусиз тарзда нафас олиши оқибатида тахикардия,қусиш(қайд қилиш),пневмония, тиришиш каби ҳолатлар содир бўлиши мумкин.

Демак, қишлоқ аҳолисининг бевосита “бирламчи табиат” қўйнида яшашини инобатга олган ҳолда кислороднинг қишлоқ одамларининг соғлигини сақлаш учун уларнинг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш зарурияти:

биринчидан, кислороднинг манбаии бўлган ўсимликлар, хусусан одам организмини тоза кислород билан таъминлаш воситаси бўлган боғларни, буғдойзорларни, ўрмонларни, доривор ўсимликлар ва шу кабиларни асраш, сақлаш ва кенгайтириб бориш;

иккинчидан, табиат оламида кислород миқдори ва ҳажмида инсон омилига боғлиқ бўлмаган ҳолда тасодифан ночизиқли тарзда содир бўладиган барча

[160] Эволюция – (лотинча evolution– авж олдириш,кучайтириш) – узлуксиз тадрижий ривожланиш,ўзгариш.
[161] Коэволюция – биргаликда тадрижий ривожланиш.

ўзгаришларни синергетик методология тамойилларига кўра илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

учинчидан, кислороднинг барча тирик организмлар, шу жумладан инсон саломатлигини сақлашдаги ўрни беқиёслигини биринчи галда “ саломатлик – ҳаёт манбаи,жамият таянчи, келажак истиқболи” ғояси асосида Ер атмосфераси ҳавосидаги кислороднинг мусаффолигини таъминлаш йўлида кураш ишларини ташкиллаштириш;

тўртинчидан, кислороднинг инсон саломатлигини сақлашнинг муҳим объектив омили эканлигини ҳисобга олган ҳолда,унинг софлигини,тозалигини сақлашнинг ягона йўли қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини барча тур ва шакллари бўйича синергетиканинг коэволюция, диалектикасининг эволюция тамойиллари асосида шакллантириш ва ривожлантириш кабилар билан белгиланади.

XIX АСР МАДАНИЯТ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ш.Маматов, А.Аллаёров
Гулистон давлат университети

XIX аср маданият концепцияларининг туғилиши даври бўлиб, инсон ва унинг муаммолари янги методологик нуқтаи назардан ўрганила бошланди. XIX аср иккинчи ярмида файласуфлар ва жамиятшунос олимлар тарих ва маданият муаммоларини таҳлил қилишга турлича ёндаша бошладилар. Бу ёндашувлар орасида тарих ва маданиятни материалистик жиҳатдан талқин қилган марксизм; тадқиқотни эмпирик фактларни йиғиш ва тизимга солишга йўналтирган позитивизм; маданиятни онголди ва онгости орқали тушунтиришга уринган иррационализмни кўрсатиш мумкин.

Мамданиятнинг марксистик концепцияси немис мутафаккирлари Карл Маркс ва унинг маслакдоши Фридрих Энгельс томонларидан ишлаб чиқилган эди. Бу концепция тарихнинг материалистик тушунишда асосланган бўлиб, маданиятни инсон меҳнати ва моддий қулайликлар ишлаб чиқариш билан бевосита алоқадорликда кўриб чиқади. Ўз назариясини асослаб беришда Маркс Гегельнинг ғояларидан фойдаланди, шунинг учун ҳам маданиятнинг марксистик концепцияси маълум равишда классик фалсафий анъананинг давоми ва тараққийси бўлди.

Марксизм асосчилари ўзларини маданиятшунос деб ҳисобламаганлар, чунки уларнинг даврида маданиятшунослик алоҳида илмий фан сифатида ҳали шаклланмаганди. Шунинг учун масалалари марксизм нуқтаи назарига кўра инсон ҳаётидани ижтимоий-иқтисодий, тарихий ва сиёсий омиллардан фарқли ўлароқ иккинчи даражали ҳисобланган. Марксизмнинг маданият назариясига киритган муҳим ҳиссаси шундаки, бу концепция маданиятни у пайдо бўлган ижтимоий шарт-шароитлардан ижтимоий-тарихий ва моддий-иқтисодий жиҳатдан бўйсунганлигини тасдиқлаб ҳамда маданият ва башарият тарихининг объектив ижтимоий-сиёсий детерминациясининг омилларини аниқлаб берди.

Марксизм нуқтаи назарига кўра маданиятни фақат ижтимоий-иқтисодий формациялар – яъни иқтисодиёт ривожининг маълум даражаси билан тавсифланадиган жамият тараққиёти босқичлари тўғрисидаги таълимот асосида тўғри тушуниш мумкин. Бу ҳолда маданият деб инсон фаолиятининг барча соҳаларида эришилган ютуқлар, ақлий ва жисмоний меҳнат натижалари ўзаро яхлитликда тушунилган. Шу тариқа, Маркс маданият тушунчасини кенгайтириб, унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан алоқаларини асослаб берди ва унга нафақат башариятнинг маънавий ижодиётини, балки унинг моддий амалиётини ҳам киритди.

Марксизмга кўра маданият маълум тарихий шароитларнинг маҳсули ҳисобланади. Ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияга ўзига хос маданият типи мансуб бўлиб, у ҳаётини яшаб бўлган формация прогрессивроқ формация билан алмашганда алмашиб боради. Антагонистик формацияларда (қулдорлик, феодал, капиталистик) маданият синфий характерга эга. Шунинг учун у ерда яхлит умумхалқ маданият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. У ерда антагонистик синфларга мансуб бўлган иккита маданият мавжуд бўлиб, улар доимий равишда ўзаро курашиб келадилар. Марксизм нуқтаи назарига кўра, эзилган синф маданияти ўзида прогрессив тенденцияларни ташийди, эзувчилар синфининг маданияти эса – консерватив тенденцияларни ташийди.

Марксизмда маданият инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатида тавсифи ҳисобланади ва инсонни жамиятнинг яхлит ва универсал маҳсули сифатида шакллантиради. Маданият ривожида белгиловчи омил бўлиб ҳаётнинг моддий томони хизмат қилади ва у инсон мавжудлигининг ишлаб чиқарувчи ва маиший томонларини шакллантирадиган меҳнат қуролларининг такомиллашувига боғлиқ бўлади. Бу асосда маънавий маданият – илм-фан, таълим, фалсафа, маърифат, ахлоқ, санъат соҳаларидаги ютуқлар ривожланиб боради. Маънавий маданият иккиламчи бўлса-да, моддий маданият ривожига фаол таъсир кўрсатади. Масалан, катта бўлмаган одамлар гуруҳи ўртасида пайдо бўлган ғоялар ижтимоий-иқтисодий формация алмашинувини тезлатиши мумкин.

Албатта, маданиятнинг барча ҳодисалари ва жараёнлари учун иқтисодий сабабларни излаш нотўғри бўлади. Уларга халқ моддий фаровонлиги, ҳаёт даражаси, унинг ҳаёт воситалари ва маданий ривожланиш воситалари билан таъминланганлиги ҳам таъсир кўрсатади. Маданиятнинг ижтимоий детерминациялашуви жараёнининг мураккаблиги ижтимоий шарт-шароитлар ва маданият ўртасидаги алоқа хилма-хил ва тарихий жиҳатдан конкрет эканлигида ифодаланади.

XIX аср ўрталарида Европа илм-фанида – биология, этнография, антропология, маданият тарихида – эволюционизм ғоялари кенг тарқалган эди. Бу йўналишнинг марказий тушунчаси “эволюция” – тараққиёт жараёнининг ҳар қайси объектини мураккаблашувига олиб келадиган ўзгаришлар йиғиндисидир.

Эволюционизм маданият назарияси ривожига янги туртки бағишлади. Турли халқларо маданиятларини тадқиқ этувчилар сони кўпайиб, улар ўз асарларини дин, оила, мулк, ахлоқ, ҳуқуқ эволюциясига бағишлай бошладилар. Эволюционизм ғоялари маданиятнинг замонавий ҳолатининг ўтмишдаги

маданиятга боғлиқ эканлигини кўрсатди. Халқлар турмушидаги кўпсонли далилларга таянган ҳолда ҳамда маданиятни таҳқиқ қилишда қиёсий-тарихий ва тарихий-генетик методларни қўллаган ҳолда, эволюционистлар маданий жараённинг асосий қонуниятларини аниқлашга уринган эдилар. Янги илмий йўналишда инглиз олими Эдуард Бернетт Тайлор (1832-1917)нинг тадқиқотлари машҳур бўлди. Унинг асосий ғоялари "Башариятнинг қадимги тарихи соҳасидаги тадқиқотлар" (1865) ва "Ибтидоий маданият" (1871) асарларида ўз аксини топди.

Тайлор тарихий тараққиётнинг турли ривожланиш босқичларида бўлган халқлар маданиятини тадқиқ этувчи маданият назариясининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, маданият инсоннинг жамият аъзоси сифатида ўзлаштириб олган билимлар, эътиқодлар, санъат, ахлоқий меъёрлар, қонунлар, урф-одатлардан таркиб топади. Маданият ҳодисалари ҳар бир халқда мавжуд бўлиб, улар турли халқларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида умумий қонунлар борлигидан далолат беради.

Тайлор ибтидоий одамнинг маданий ҳаётини тиклай олди, уни замонавий маданият билан қиёслаб кўрсатди. Буна у бир қатор муҳим хулосалар ҳам чиқарди. Жумладан, инсоний маданиятнинг ибтидоий ҳолатдан замонавий цивилизациягача бўлган прогрессив, изчил ривожланиши ҳақидаги ғояларни илгари сурди. Тайлор эволюционизмнинг бош ғояларидан бирига асосланди. Бу ғояга кўра инсон – табиатнинг бир қисми бўлиб, унинг умумиий қонуниятларига кўра ривожланади. Шунинг учун ҳам барча одамлар психологик ва интеллектуал жиҳатдан бир хил бўлиб, уларда маданиятнинг ўхшаш булгилари кузатилади ва уларнинг ривожланиши ўхшаш тарзда кечади. Маданият шаклларининг хилма-хиллигини эса Тайлор мунтазам ривожланиш босқичларининг кўплиги деб тушуниб, улардан ҳар бири ўтмиш маҳсули бўлган ва келажакни шакллантиришда детерминациялаш вазифасини бажарди. Ушбу тараққиётнинг изчил босқичлари ўзаро узлуксиз бўлган қаторга барча халқларни ва энг қолоқлардан то энг цивилизациялашгангача бўлган барча инсоний маданиятларни бирлаштирган.

Тайлор инсоний маданият доимий равишда тараққий этиб боради деган фикрда бўлган. Бунда маданият тараққиётини у маданият ҳодисаларини такомиллаштириш деб тасаввур қилган. Ўз қарашларини тасдиқлаш мақсадида Тайлор маданий ҳодисаларни оддийдан мураккабга – эволюцион қаторлар кўринишида жойлаштирган кўпсонли далилларни келтирган.

Тайлор тарихий жараён ва маданиятнинг прогрессив тараққиёти яхлитлиги концепциясини ярата олди. Бу концепция шубҳасиз энг даситлабки маданият назарияси концепцияси бўлди. Германияда А.Бастиан, Англияда Г.Спенсер, Америкада А.Г.Морган Тайлорнинг издошлари бўлганлар.

XIX аср охирига келиб эса эволюционизм камчиликлари кўзга ташлана бошлайди. Улар орасида – маданиятларнинг минтақавий, миллий ва бошқа хусусиятларини тан олмасликдир. Бундан ташқари эволюционизм инсон ижодиёти эркинлигини маданиятнинг яратувчи кучи сифатида эътиборга олмаган эди. Эволюционизм фақат маданиятдаги сон жиҳатидан

ўзгаришлардан келиб чиқиб, шу сабабли маданиятнинг туғилиши ва унинг таркибий қисмларини тушунтира олмасди. Кўпсонли экспедицияларда қўлга киритилган янги этнографик маълумотлар эволюционизм меъёрларига мос тушмасди ва бошқа тушунтиришни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам XIX аср охирига келиб кўпчилик антропологлар эволюционизмдан бош тортиб, инсоният маданияти яхлитлигини истисно қилувчи антиэволюционистик қарашни ёқлаб чиқишди. Эндиликда олимлар ҳар бир маданият ўзига хос ва бетакрор ғоясидан келиб чиқа бошладилар. Ҳар бир маданият тирик органимга қиёсланарди. XX аср ўрталарида эволюционизм ғоялари неоэволюционизм билан қайтиб келади.

Адабиётлар.

1. Культура и культурология. Словарь. – М., 2003.

2. Ницше Ф. Рождение трагедии из духа музыки. // Соч. В 2 т. Т.1. М., 1993.

3. Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М., 1989.

4. Садохин А.П. Культурология. Теория и история культуры. –М.:Эксмо, 2005.

ТАЛАБА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ САВИЯСИНИ ОШИРИШДА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

А. Юсупов, Н.Тоштемирова
Гул ДУ, Сирдарё ВХТХҚТМОҲМ

Баркамол авлод тарбияси ҳар қандай жамиятда ҳам аҳолининг онгли қисми бўлган гуруҳларга тегишли инсонларнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Янги Ўзбекистоннинг тараққиётини таъминлаш йўлидаги муҳим вазифалардан бири ҳам жаҳон таълими талаблари даражасидаги рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Бундай мутахассислар тайёрлашнинг асосий омиллардан бири ота-боболаримиздан қолган бой маънавий меросимиздан фойдаланиш, миллий ғояни шакллантириш ва уни ривожлантиришдан иборатдир. Бой маънавий меросимиз ҳақидаги маълумотларни ёш авлодга етказишда Ватанимиз тупроғида туғилиб ижод этган қомусий ва ҳадисшунос олимларимиз ҳаёти, фаолиятидан ибрат-намуна сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, XXI аср интеллектуал аср бўлиб, у халқ хўжалиги тармоғининг барча соҳаларига ўз информацион техникалари билан кириб келди. Шу жумладан таълим соҳасида ҳам янги замонавий компьютерлардан фойдаланилмоқда. Инсон тафаккури ҳам ҳар томонлама ривожланмоқда ва ҳаттоки ҳар ишга қодир. Шунинг учун ҳам энг асосий муаммоларни ижодкор ўз тафаккури орқали ечишга ҳаракат қилади ва бунда компьютерлар қўйилган мақсадга тезроқ ва қулайроқ усул билан етиб олишга имконият яратади.

Биз қуйида буюк алломаларимизнинг асарларини, ҳаётини, фаолиятини компьютерли мулоқот орқали ўрганиш услубини таклиф қиламиз.

Компьютерли мулоқот дастури шундай ишланганки, талаба саволларга тўлиқ жавоб топмагунча, компьютер уни изланишга жалб қилаверади. Ундаги танбеҳ ва раҳматномалар талабалар руҳиятига тез таъсир қиладиган сўзлар мажмуасидан ташкил топган.

Компьютерли мулоқот дастурида алломалар меросини ўрганишни қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин: 1) Алломаларнинг ҳаёти ва фаолияти; 2) улар ёзган асарлар рўйхати ва қисқача асарлар таҳлили; 3) улар томонидан фанга киритилган янгиликлар; 4) улуғ алломаларимизнинг ижоди ва фаолиятининг бугунги кундаги ёшлар тарбиясидаги тутган ўрни ва аҳамияти.

Алломалар меросини ўрганишнинг компьютерли мулоқот усули ҳозирги кунда янги педагогик технологияларни ўқитувчилар томонидан қўлланилишини талаб қилаётган бир даврда ўргатилиши мақсадга мувофиқ бўлишини назарда тутган ҳолда нафақат тегишли ижтимоий фанлар ёки педагогика курсларида, балки ҳар бир фанда ишонч билан, натижадор қўллаш имкониятини яратади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, миллий қадриятларни ўрганишда информацион технологияни қўллаш истиқболли натижа беради. Бундай йўл билан талабалар бой маънавий меросларни ўзлаштиради, яъни буюк сиймолар билан уларнинг ҳаёти ва ижоди, фанга киритган янгиликлари, асарлари, уларнинг бугунги кундаги аҳамияти билан яқиндан танишади ва натижада уларда миллий қадриятларга бўлган қизиқишлари янада ортади. Шу сабабли уларда миллий онг, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий тафаккур туйғулари шаклланади. Компьютер хотирасига жойланган “Буюк сиймолар” номли мулоқотли ишчи дастур орқали ёшларда юқорида санаб ўтилган миллий туйғуларни шакллантирибгина қолмасдан “Мен ўзбек фарзанди” деган тушунчанинг нақадар ғурурли эканлигини сингдирилади ва жамият олдидаги бурчларини англатади. Булар: ватанпарварлик, олийҳимматлик, тинчликсеварлик, байналмилаллик, илмни эгаллаш, юрт истиқболига муносиб ҳисса қўшиш ва ҳоказолар.

Компьютерли мулоқот дастури талабаларга миллий мутафаккирларимиз тўғрисида маълумот беribгина, қолмасдан балки уларни ижодий изланишга жалб этади. Компьютер хотирасига “Ҳадисшунос мутафаккирларимизни кўрсатиб беринг?”- деган савол киритилган. Талаба бу саволга жавоб бериш учун бор имкониятини ишга солиб, компьютер экранидаги жавоблардан тўғрисини танлашга ҳаракат қилади. Агарда талаба тўғри жавоб бера олмаса, компъютер экранида “Миллий мутафаккирларимизнини билмаслик – уят” тарзида танбеҳ беради-да, “Ҳурматли талаба ёдда сақланг” - деб ҳадисшунос алломаларимиз тўғрисида маълумотларни беради.

Етук мутафаккир алломаларимиз ижодий меросини ўрганишнинг компьютерли услубдан фойдаланиш талаба учун кенг имкониятларни яратиб беради. Компьютерли мулоқат дастуридан фойдалана бошлаган талаба биринчи навбатда компьютер билан ишлашни ўрганади. Иккинчидан вақтни тежайди, учинчидан китоб топиш, керакли маълумотларни излаш, уни ўқиб ёзиб чиқиш, хотирада сақлаш каби анъанавий бир қанча ўқув жараёнлари услубидан янги

замонавий услубга ўтади. Тўртинчидан халқаро ахборот тармоғи бўлган Internetга боғланиб жаҳон адабиёти махсулотларидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

ЖАДИДЧИЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖИДА МАЪРИФАТПАРВАР ШОКИР СУЛАЙМОН ЎРНИ

Н.Музаффаров
СамИСИ ўқитувчиси

Юртимизда мустақиллик шабадалари эса бошлаганига ҳам ўттиз йил тўлмоқда. Миллий истиқлол мафкураси ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ўз акс садосини бераяпти. Истиқлолдан кейин барча соҳалар қатори бадиий адабиётимиз ҳам ривожланиб, такомиллашиб борди. Ўз адабиётимизга эътибор кучайди, ўзлигимизни англадик. Собиқ шўро ҳукмронлиги даврида қораланган, ноҳақ жазоланган, ижоди оёқости қилинган дилбар ижодкор-адибларимиз мустақиллик шарофати ила номлари қайта тикланди. Уларнинг адабиётимизга қўшган улкан ҳиссалари муносиб тақдирланмоқда.

ХХ аср бошларида дунёга келган ва шу даврнинг мураккаб ижтимоий-маданий шароитида қалам тебратган ёзувчилар орасида Шокир Сулаймоннинг муносиб ўрни бор. 30 — 50-йиллардаги сиёсий қатағон оқибатлари фош этила бошлаган йиллари Шокир Сулаймон ҳаёти ва ижодига ҳам бирмунча қизиқиш пайдо бўлди.

У ҳам шеърият ёки наср билан шуғулланмасин, ҳам публицист ёки адабий мунаққид сифатида қалам тебратмасин ҳамиша маърифатпарварлик ғояларининг толмас тарғиботчиси сифатида фаолият кўрсатган. Шокир Сулаймон 1900 йилда наврўзи олам арафасида Қўқонда таваллуд топди. У дастлаб Қўқонда 1916 йилгача янги усулдаги мактабда таълим олди. Сўнгра Оренбургга бориб, машҳур Мадрасаи Ҳусайнияда ўқишни давом эттирди. Бу унинг араб, форс, турк, татар, рус тилларини ўрганишигагина эмас, балки шу тилларда чоп этилган газета ва журналларни ўқишига ҳам имкон берди. Шокир Сулаймон Октябр тўнтаришидан сўнг Ўзбекистонга қайтгач, маҳаллий матбуот саҳифаларида маърифатпарварлик ғояларини тарғиб этиш йўлидан борди. 1922—1926 йилларда эса аввал Москвадаги ишчилар факултетида, сўнг Крупская номидаги педагогика академиясида ўқиди.[162]

Наим Каримов тадқиқотларида адиб ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. 1941 йил 27 август куни НКВД ходимлари томонидан қамоққа олинган Ш.Сулаймон 6 сентябрда бўлиб ўтган тергов пайтида таржимаи ҳолига ойдинлик киритувчи бундай маълумотларни берган:

«Октябр инқилоби йиллари мен ўқитувчи ва ҳаваскор ёзувчи эдим. Қўқон газеталарида эълон қилинган шеърларим маҳаллий миллатчи зиёлиларнинг эътиборларини ўзига қаратди. Турли-туман кишиларнинг таклифлари билан

[162] Юнусов М., Шокир Сулаймон. Сахий қаламлар., Т., 1975. 24-бет.

мен ўша вақтда ўқитувчилар, ёзувчилар, журналистларнинг йиғилишларига бориб, секин-аста улар доирасига кирдим…

«Иттиҳоди толибон» деган ошкора жамият ишларида қатнаша бошлашим ҳам худди шу даврга тўғри келади. Бу жамият Қўқон ўқувчилари ва ўқитувчиларини ўзаро бирлаштирган бўлиб эски ва янги ўқитувчиларни миллий кадрлар учун, Туркистоннинг озодлиги учун русларга қарши кураш шиори остида жипслаштиришга қаратилган ишларни олиб борди. Жамият раиси руҳонийлардан чиққан Отабеков Абдуллабек (қамоққа олинган), унинг ўринбосари Ҳоди Файзий эса (қамоққа олинган) жадид зиёлиларининг раҳбарларидан эди. Мазкур жамият вақф маблағлари ҳисобидан ўқитувчиларга моддий ёрдам кўрсатиб турган. Менинг жамият ишларидаги икки йиллик иштироким «Миллий иттиҳод»га аъзо бўлиб киришимга замин ҳозирлади. Ш.Сулаймоннинг тергов пайтида берган маълумотидан маълум бўлишича, 1919 йили «Миллий иттиҳод» ташкилоти йиғилишларида қўқонлик ёшларни келажакда Германияга ўқишга юбориш учун немис тилини ўрганиш бўйича махсус курслар ташкил этиш, айрим ёшларни эса Бокудаги дорулфунунларга юбориш ҳақида қарор қилинган. Шундай қарорларнинг натижаси бўлса керак, Ш.Сулаймоннинг ўзи ҳам 1920 йили Тошкентга келиб, ўлка маориф институтига ўқишга кирган. У Туркияда таҳсил олган Холид Саид директорлик, Салимхон Тиллахонов ва Шокиржон Раҳимий муаллимлик қилган институтда икки йил таҳсил кўргач, 1922 йил Туркистон Марказий ижроия қўмитасининг йўлланмаси билан Москвага борган. Шу йили бир гуруҳ ёшлар Германияга, 17 кишидан иборат бошқа бир гуруҳ эса Москвага ўқишга юборилган. У дастлаб Москвадаги ишчилар учун очилган факултетларнинг бирида, кейин педагогика институтида таҳсил кўрган. Москвага келган ёшлар орасида, Ш.Сулаймондан ташқари, Саидғани Валиев, Отажон Ҳошим, Наим Саид, Шариф Толипов ва бошқалар бор эди. Туркистоннинг Москвадаги ваколатхонаси уларга кўз-қулоқ бўлиб турган. Саидаҳмад Назиров, Қамчинбек, Боту сингари Москвага бироз аввал ўқишга борган ёшлар эса уларнинг моддий таъминоти учун жавобгар бўлганлар. Ботуга, бундан ташқари, Москвага ўқишга келган ёшлар гуруҳи билан Берлиндаги гуруҳни ўзаро боғлаб туриш вазифаси ҳам топширилган.

1926 йили - Ш.Сулаймон кўрсатма берар экан – мен Ўзбекистонга қайтиб келдим. Икромов ва бошқалар мендан аввалроқ қайтишган ва масъул лавозимларни эгаллашган эди: Икромов — Марказқўм котиби, Иноғомов Раҳим — матбуот бўлими мудири, Боту — халқ комиссари ўринбосари, Назиров Саидаҳмад — Ўздавнашр правлениеси раиси. Мен Раҳим Иноғомовнинг тавсияси билан «Маориф ва ўқитувчи» журнали таҳририятига котиб этиб тайинландим. Журналга Икромовнинг яқин кишилари — Отажон Ҳошим, Рамзий, Боту раҳбарлик қилишган, журналнинг нашр этилишида эса Миён-Бузрук Солиҳов, Берегин, Бўлат Солиев, Ғози Олим Юнусов ва Назрулла Иноятов иштирок этганлар.[163]

[163] «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 33-сони.

Тергов ҳужжатларини ўрганиш шундан далолат берадики, 20 — 30-йиллари яшаган зиёлилар ўртасида аҳиллик бўлмаган. Улар мураккаб тарихий жараёнда бир-бирлари билан жипслашган ҳолда ишлаш ўрнига бир-бирларининг тагларига сув қуйиб турганлар. ОГПУ-ГПУ-НКВД ходимлари Ўрта Осиё халқлари менталитетига хос ана шу иллатдан ғоят усталик билан фойдаланганлар.

1941 йил 27 августда қатағон навбати Ш.Сулаймоннинг ўзига ҳам етиб келди. Шу пайтда у Ўзбекистон Фанлар қўмитаси ҳузуридаги А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим сифатида хизмат қилаётган эди. Шокир Сулаймоннинг ижодий фаолияти асосан 1917 йил Феврал инқилоби туфайли Оренбургдан қайтиб келганидан кейин бошланган. У шу даврда шеър, ҳикоя ва мақолалар ёзган. 20 — 30-йиллар матбуоти саҳифаларида унинг кўплаб шеър ва ҳикоялари эълон қилинган бўлса-да, уларни бадиий жиҳатдан бақувват, дейиш қийин. Аммо немис олимаси профессор И.Балдауф Ш.Сулаймонни ўзбек шеъриятида сочма вазннинг майдонга келиши ва шаклланишига катта ҳисса қўшган шоир, деб ҳисоблайдики, бу фикр ҳақиқатга озми-кўпми яқиндир.

Ш.Сулаймон В.Маяковский, Д.Бедний, С.Маршак, А.Тўқай, Ҳ.Тоқтош шеърларини ўзбек тилига таржима қилишдан ташқари, «Эрк куйлари» (1926), «Ғалаба марши» (1928), «Давр ҳайқириғи» (1932), «Танланган асарлар» (1934) номли шеър ва достонлардан иборат китобларини эълон қилган. Унинг «Қотил», «Паразитлар», «Ҳукм», «Лолазордаги шумғия», «Ўч», «Фармоза отаси», «Ямо билан Ҳамо» каби ҳикоялари бор. У ўрта ва олий ўқув юртлари учун адабиёт фани бўйича ўқув қўлланмалари ва мажмуалар тузишда ҳам фаоллик кўрсатган. Ш.Сулаймоннинг 1917-1918 йиллари «Иштирокиюн», «Эл байроғи» газеталарида босилган шеърларида эрксеварлик ғоялари жилва бериб туради. Аммо шоир кейинчалик замонавий мавзудаги асарларида воқеликда кечаётган жараёнларни маъқуллашга, бу жараёндаги салбий ҳодисаларга муносабатини эса хорижий халқлар ҳаётидан олинган асарлари орқали ифодалашга уринди.

1942 йил 24 июнда тузилган Айблов хулосасига кўра, Ш.Сулаймонга бундай айблар қўйилган: «Сулаймонов Шокир Оренбург шаҳридаги «Ҳусайния» татар мактабида ўқиган, ёшлик йилларидан бошлаб жадидлар ва пантуркистларнинг тарбиясини олган, Октябр инқилобидан кейин эса Қўқондаги буржуа миллатчи унсурлар муҳитига бевосита алоқадор бўлган.

Сулаймонов Шокир 1918 — 19 йиллари буржуа миллатчилари ташкил этган турли-туман йиғилишларда иштирок этиб, пантуркистларнинг «Иттиҳоди толибон» жамиятига кирган, бу жамият эса миллий кадрлар учун, Туркистоннинг озодлиги учун, Туркистоннинг Туркияга қўшилиши учун русларга қарши кураш шиори остида эски ва янги ўқитувчиларни бирлаштиришга қаратилган ишларни амалга оширган.

Сулаймонов Шокир 1919 йили таниқли қўқонлик миллатчи Қодиров Убайдулла Махсум томонидан «Миллий иттиҳод» яширин ташкилотига жалб этилган, бу ташкилот эса ўз олдига Совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш мақсадини қўйган. У «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси сифатида буржуа миллатчи кадрларни тайёрлаш, жамоатчилик фикрини чалғитишга қаратилган аксилшўровий-миллатчилик мазмунидаги шеърларни матбуотда эълон қилиш йўли билан ташкилотнинг аксилинқилобий фаолиятида фаол иштирок қилган…»

Шундай қилиб, Шокир Сулаймон 1942 йил 8 августда ўзи билан бирга қамоққа олинган адабиётшунос Сотти Ҳусайн, шоир ва журналист Юнус Латиф ҳамда географ олим Шариф Обидов билан бирга отиб ташланди. 60- йилларга келиб оқланади ва 1964 йилда унинг «Ўч» номли хикоялар тўплами нашр этилади.[164]

Маҳбуснинг мол-мулки, шу жумладан, Шаҳрисабз кўчасидаги хонадони мусодара этилди. Унинг хотини Зайнаб Мирсалимова Марат ва Пўлат деган икки ўғли ҳамда Нодира ва Мунира деган икки қизи билан бирга Андижонга, қариндошлариникига кўчиб кетишга мажбур бўлди. Шокир Сулаймоннинг Қўқон шаҳрида истиқомат қилаётган Яҳё ва Қодир деган укалари ҳам оила аъзолари билан ғурбатда қолдилар.

ЎРТА ОСИЁНИНГ ЭНГ ҚАДИМИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИДА АХЛОҚ МАСАЛАЛАРИ

Ж.Мустафаев
СамИСИ ўқитувчиси,
Б.Усмонов, А.Узоқов
СамИСИ талабалари

Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёти қадимги даврларда қай даражада ривожланганлиги ҳақида биз жуда кам нарса биламиз. Ахлоқ ва ахлоқ тўғрисидаги билимлар инсоният маънавий меросининг энг қадимги шаклларидан биридир. Унинг вужудга келиши ва шаклланиши хақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, собиқ иттифоқ давридаги адабиёт ва дарсликларда у дастлаб Рим, Греция, Ҳиндистон, Хитой мутафаккирлари томонидан яратилган ва муомалага киритилганлиги ҳақида фикр юритилади. Ахлоқнинг юзага келиши инсоннинг ўз индивидуаллигини, ўз вазифалари ва ижтимоий фаолиятини англаб олиши билан боғлиқдир. Инсоният жамиятининг

[164] “Ўзбек адиблари”. С. Мирвалиев, Р. Шокирова. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 2016. 36-бет.

қарор топиши – айни бир чоғда хулқ-атвор ахлоқий меъёрларининг қарор топиши ҳамдир. Мифологик ва афсонавий қаҳрамонларнинг образлари халқ хотирасида асрларча яшаб ва қайта ўзгартирилиб келдики, уларнинг акс-садолари ҳозирги кунга қадар Ўрта Осиё халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг бадиий ижодида ҳам сақланиб қолган. “Китоби Жамшид”, “Эрҳубби афсонаси” каби ўзбек эртаклари, фольклор асарлари, бир қанча қадимий шаҳарлар, қалъалар ва ҳоказоларнинг бунёд этилиши ҳақидаги афсоналар ва ривоятлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Ўрта Осиё халқларининг мифологияси ва афсоналари қаҳрамонона эпос учун замин тайёрлаб берди.

Ўша қадимий замонларда Ўрта Осиёдаги скиф кўчманчилари ва ўтроқ халқлар орасида кўпгина эпик ривоятлар бўлиб, уларнинг асосида Ўрта Осиё халқларининг ватанпарварлик кураши ташкил этган. Бу ривоятларда ватанга ва ҳурриятга бўлган қизғин муҳаббат тараннум этилади; уларда ор-номус, дўстларга ва сафдошларга садоқат каби энг эзгу инсоний туйғулар ўз ифодасини топади. Ўз бурчини адо этиш, душман устидан ғалаба қилиш йўлида қаҳрамонлар ўз жонларидан кечишга, ҳар қандай машаққатларга бардош беришга, севги-муҳаббатдан кечишга, ўз қабиладошларининг ор-номуси учун то охиригача курашишга шай турадилар. Эпос қаҳрамонларининг асосий ахлоқий белгилари – мардлик ва жасоратдир. Куч ва мардлик қадимий замон кишиларининг энг биринчи ва энг зарур фазилатлари бўлган. Мустақилликдан кейин эълон қилинган фалсафий адабиёт, дарслик ва қўлланмаларда эса ахлоқ бир неча минг йиллик тарихга эга эканлиги, у Шарқда "Илми равиш", "Илми ахлоқ", "Ахлоқ илми", "Одобнома" каби хилмахил номлар билан аталиб келинганлиги аниқ далиллар асосида баён этилган[165]. Ахлоқшунослик Европа мамлакатларида "Этика" номи билан аталиб, барча ўқув юртларида фан сифатида ўқитилиб келинган. “Ахлоқ” юнонча ethos (одат, характер) сўзидан олинган бўлиб, урф-одат, хулқ, феъл, фикрлаш тарзи маъноларини англатган. Бу тушунчани дастлаб юнон файласуфи Аристотел қўллаган ва илмий муомалага киритган, уни фан даражасига кўтариб, "Этика" деб атаган. Ўзбек тилида қўлланиладиган “Ахлоқ” сўзи арабчадан олинган бўлиб, "хулқ" сўзининг кўплик шакли ҳисобланади ва икки хил маънога эгадир. Биринчидан, у фаннинг тадқиқот объектини англатади, иккинчидан эса муайян тушунча сифатида инсон хатти-ҳаракати, феъл-атворининг кенг қамровли мазмунини ифода этади. “Ахлоқ“- у ёки бу социал гуруҳ, жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор, мулоқот ва ўзаро муносабат нормаларининг мажмуаси, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг бошқаришнинг ўзига хос типидир”.

Фалсафий тафаккур тарихи шуни кўрсатадики, ахлоқ инсоният тараққиёти босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келган ижтимоий онг шаклларидан биридир. У, биринчидан, реал ҳаётда ахлоққа хос бўлган одоб, хулқ-атвор, урф-одатнинг ҳамма меъёрий талаблари мужассамлашган. Иккинчидан, ахлоқий меъёрлар мавжуд ижтимоий-тарихий муҳитда инсонлар ўртасидаги ўзаро

[165] Шер Абдулла. Ахлоқшунослик -Тошкент: Янги аср авлоди. 2003.Б.7 2 Қаранг: Новейший философский словарь. Минск, 1999. С. 441

алоқалар, муносабатларнинг йиғиндисидир. Учинчидан, ахлоқ хулқ-атвор нормалари, қоидаларининг инсон онгидаги инъикоси бўлиб, унинг инсон амалий фаолиятида узоқ вақт такрорланиши жараёнида вужудга келган ҳодисадир. Демак, ахлоқ илоҳий ҳам эмас, киши ички руҳий кечинмалари ҳам эмас, балки кишилар кундалик фаолияти, ижтимоий турмуш тарзи тақозоси билан умумлаштирилган ҳолда вужудга келган ижтимоий ходиса бўлган. Шундай экан, ахлоқ ва ахлоқий қоидалар кишиларнинг моддий ҳаётидан, ўзаро иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий алоқа ва муносабатларидан келиб чиққан. Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда ахлоқий ходисанинг уч томонини: ахлоқий онг, ахлоқий фаолият ва ахлоқий муносабатни кўрсатиб ўтиш зарур. Шу ўринда «Авесто»да таъкидланган инсонга хос уч фазилат: эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал тўғрисидаги фикрни эслаш ўринлидир. Бинобарин, инсон жамиятдан ташқарида, ундан ажралган ҳолда яшай олмайди. Ундаги барча инсоний фазилатлар ижтимоий муҳитда шаклланади. Инсонга хос фазилатлар – яхшилик, одоблилик, адолатлилик, эркинлик, бурч, виждон, поклик, бахт, ор-номус, инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик камтаринлик, ўзаро ёрдам, хушхулқлилик, сабр-тоқатлилик, меҳнатсеварлик ва бошқа олижаноб хусусиятлардан иборатдир. Шуни айтиш лозимки, ахлоқ ҳақидаги фикрлар ўрта асрларда Марказий Осиёда қатор тарихий-фалсафий асарларда, ҳамда ахлоқшунослик ҳақида ёзилган махсус қўлланмаларда баён этилган. Бундай асар ва қўлланмалар сирасига Абу Наср Форобийнинг “Фазилат, бахт – саодат ва камолот хақида”, “Фозил шаҳар одамларининг қарашлари”, Ибн Синонинг “Ахлоқ илми”, “Тадбир-э манзил”, Ибн Мискавейхнинг “Таҳзибул ахлоқ ”, Насриддин Тусийнинг “Ахлоқи Носирий”, Жалолиддин Давонийнинг “Ахлоқи Жалолий”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний”, А.Авлонийнинг “ Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” ва бошқалар киради. Уларда ахлоқ масалалари, асосан назарий, тарихий-фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилинади: ахлоқ илмининг предмети, мақсад ва вазифаси, унинг амалий фалсафага мансублиги ва бошқалар ҳақида фикр юритилади. Уларда ахлоқ категориялари, тушунчалари, хулқ-одоб қоидалари, таълим-тарбия масалалари таҳлил қилинади.

Пандномаларда ҳукмдорлар фозил, раҳмдил, софдил ва меҳрибон бўлиши, фуқароларнинг ғам-ташвишларидан бохабар бўлиши тўғрисидаги фикрлар олға сурилади. Ушбу насиҳатларда илм-фан ва касб – ҳунар эгаллаш, донолик, ростгўйлик, сахийлик, нафсни тийиш, дўстлик ва биродарлик, устоз ва шогирд муносабатларига катта эътибор берилади. Ахлоқий қадриятлар, бадиий адабиётда, ижтимоий – сиёсий ва ахлоқий масалаларга оид илмий асарларда кўзга ташланади. Бадиий адабиёт ва шеърият намояндалари аллегорик (мажозий) образлар тарзида, рамзий шаклда ўз даврининг ахлоқсизликлари, ноҳақлик ва адолатсизлигини танқид қилдилар. Айниқса ғазал ва рубоийларда содда ва равон тилда ахлоққа хилоф хатти – ҳаракатлар, зодагонларнинг ярамас

одатлари фош қилинди[166]. Буюк алломалар маънавий меросини тарихий давр билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ахлоқ инсон маънавий-маданий меросининг таркибий бир қисми бўлиб, у ўз мазмун-моҳиятига эга. Ахлоқ ва ахлоқий мерос ахлоқшунослик фанининг муҳим соҳаси бўлиб, ижтимоий борлиқнинг инъикоси, муайян жамиятдаги кишиларнинг ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатларидаги хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари йиғиндисидир. Шу туфайли ҳам инсон ёки алоҳида киши уни якка ҳолда юзага келтира олмайдиган ижтимоий ҳодиса. У атрофдаги кишилар билан ўзаро муносабатларда шу жамиятга хос бўлган ахлоқ мажмуаси, шу жамиятга мансуб бўлган одамлар гуруҳи томонидан давом эттириладиган, моҳият-мазмуни ва вазифасига кўра бир бутунликни ташкил қиладиган тушунча.

Ахлоқий мерос ҳамма замонларда ҳам ўзида жамиятга хос бўлган барча ўзгариш ва зиддиятларни акс эттириб келган. Ахлоқий мерос ижтимоий турмушнинг оддий ёки кундалик қоидалари бўлиб, улар бир неча минг йиллар мобайнида шаклланиб вужудга келган. У бир ижтимоий тузумдан бошқасига "соф" ҳолда ўтмаган. Улардан баъзилари янги шароитда яшай олмасликларини кўрсатган. Бошқалари эса ўз навбатида салбий рол ўйнаган. Айримлари замонлар алмашуви билан ўз моҳият ва мазмунини йўқотган. Айримлари эса, давр рухи таъсири остида қайта ўзгариб, такомиллашиб, халқ маънавий маданиятининг мустаҳкам хазинасини бойитган. Ахлоқий мерос умуминсоний хусусиятга эга бўлиб, маданий тараққиётда бўлгани каби, ворисийлик қонунига амал қилиб келган. Бу хусусиятлар жамиятнинг оддий қоидаларидан иборат эмас. Умуминсоний моҳият ва мазмунга эга бўлган ахлоқий мерос янги тарихий давр талабларини ўзида акс эттирувчи илғор ахлоқий ғоялар ҳисобига муттасил такомиллашиб борган. Бу, айниқса, давр тақозоси туфайли жамият ҳаётида ўз вазифасини ўтаб бўлган ахлоқий ғоялар ўрнига келган янги ахлоқий қадриятларда кўзга ташланади. Инсониятнинг маънавий мулкига айланган ахлоқий мерос умуминсонийликка зид бўлган барча ходисаларни ижтимоий ҳаётдан супуриб ташлайди ва авлодларимиз томонидан бизга мерос бўлиб қолган умуминсоний ахлоқий қоидаларга янги маъно беради. Демак, ахлоқдаги умуминсонийлик қотиб қолган ёки ижтимоий ҳаётдаги воқелик билан боғланмаган ахлоқий қоида-қонунларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки мураккаб ижтимоий жараёндир.

Ахлоқий мерос жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи, баҳо берувчи маънавий ҳодисадир. Ахлоқий мерос инсоният маънавий меросининг таркибий қисми. У ўтмиш авлодлардан инсониятга қолган ва танқидий ёндашилиши, қайта кўриб чиқилиши, замоннинг аниқ вазифалари ҳамда ижтимоий тараққиётнинг объектив мезонлари асосида баҳоланадиган ва фойдаланиладиган барча ахлоқий хатти-ҳаракатлар мажмуасидир. Ахлоқий мероснинг илдизлари жуда узоқ тарихга эга бўлиб,

[166] Аликулов Х.А. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана.(XIV-XV вв), - Тошкент: Фан, 1992. С. 19

шарқда «Авесто»га бориб тақалади. «Авесто»да инсонга хос ахлоқий қадриятларнинг моҳияти ва мазмуни ёрқин акс этган. "Авесто, шак-шубҳа йўққи, Ўрта Осиё халқларининг ахлоқ-одоби қарор топиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш учун бебаҳо манбадир"[167], - деб ёзган эди академик И.Мўминов. Унда ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод, ўғрилик, талончилик, бегоналарнинг мол-мулкига кўз олайтириш, хиёнат қилиш, бебурдлик қаттиқ қораланган, ваъдага вафо қилиш, холислик, ўзаро ҳурмат, севиш ва севилиш, ер, сув, олов, ҳавога нисбатан эътиборли-эъзозли бўлиш каби маънавий– ахлоқий қадриятлар улуғланган. «Авесто» инсониятнинг, хусусан ўзбек халқининг буюк фалсафий-маънавий, ахлоқий меросидир.

Ахлоқий меросни, умуман ахлоқий тараққиётни тўғри талқин этишда ворислик тамойили муҳим аҳамиятга эгадир. Ахлоқ тараққиётидаги ворислик, энг аввало, ахлоқ соҳасида ўтмишдан сақланиб келинган бойликлардан тўғри фойдаланишни, уларни чуқур ва оқилона ўрганишни англатади. Бундан кўринадики, ахлоқий меросдаги ворислик масаласига ҳам жиддий ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарур. Ворислик хусусиятига эга бўлган ахлоқий мерос ҳақида фикр юритилганда бевосита Шарқ халқларининг ўтмишига, ўтмиш аждодларимиз томонидан бизга маданий, ахлоқий мерос сифатида етиб келган оғзаки ва ёзма ёдгорликлар, хусусан "Авесто" ва унда баён этилган шахс ахлоқий фазилатларига алоҳида эътибор берилган. "Қадимги Турон замин ва Эрон заминидаги ахлоқий тафаккур тараққиёти Зардўштийлик динининг вужудга келиши билан боғлиқ. Тахминан 30 аср муқаддам ёзила бошлаган бу диннинг қадимги Хоразмда яратилган "Авесто" деб аталган муқаддас китобида асосий ахлоқий фазилатлар санаб ўтилади, талқин этилади"[168]. Дарҳақиқат, яхшилик ва ёмонлик каби азалий қарама-қаршилик ўртасидаги кураш ва бунда инсонийлик ғалабаси ҳақидаги эзгу ғояларни ўзида ифода этган "Авесто"да одамлар фикру-зикри, амалий ишлари, яхши ахлоқий қилмишлари билан яхшиликка мойил эканликларини кўрсатишлари ва бу билан ёвуз кучларга қарши курашда яхшилик руҳига кўмаклашишлари лозим, акс ҳолда номуносиб хатти-ҳаракат қилувчи киши осонгина ёмонлик тузоғига илиниб қолиши мумкин.

Араблар истилоси, гарчи босқинчилик манфаатларига қаратилган бўлса-да, аммо унинг оқибатлари кейинчалик ижобий хусусиятга эга бўлди. Араб босқинчилари Абу Райҳон Беруний кўрсатиб ўтганидек, маҳаллий аҳоли яратган маданий бойликларни, ёзувни, китобларни ёқиб юборди. Айни бир вақтда улар Шарқ ва Ғарб маданиятини уйғунлашувида кўприк ўлиб хизмат қилди. IX-XV асрлар Ўрта Осиё минтақаси ижтимоий ҳаётида жуда катта ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Маданий ҳаётда ижобий ўзгаришлар юз берди. Маданият ва унинг ўзига хос томонлари шаклланди. Бу даврга келиб, биринчидан, дунёвий ва диний маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, иккинчидан,

[167] Мўминов И.Избр. произ., т. 3. - Тошкент: Фан, 1972, С.110
[168] Абдулла Шер. "Ахлоқшунослик". Тошкент: "Янги аср авлоди", 2003 й, Б.24 Махмудов Т. "Авесто ҳақида". Авесто. Тарихий –адабий ёдгорлик Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ Б.34

табиатга қизиқиш, ақл кучига ишониш, ҳақиқатни инсон илмининг асоси деб ҳисоблаш, учинчидан, табиатнинг улуғ неъмати – инсонни улуғлаш унинг ақлий, табиий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйиш бу давр маданиятининг муҳим томонлари эди. Марказий Осиёлик мутафаккирлар, биринчидан, қадимги Юнонистон, Ҳиндистон, Миср, Эрон ва араб мамлакатлари маданий меросига, ахлоқига ҳурмат билан қараганлар, уларни ижодий ривожлантирдилар. Иккинчидан, ўзлари ҳам оригинал асарлар яратиб, илғор ахлоқий таълимотларга асос солганлар. Бу таълимотлар мазмунида инсон шахси, унинг энг яхши хислатлари юксакликларга кўтарилди, илм-фан қадрланди, умуминсоний ва инсонпарварликка асосланган қадриятлар мадҳ этилди. Бу даврга келиб, биринчидан, дунёвий ва диний маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, иккинчидан, табиатга қизиқиш, ақл кучига ишониш, ҳақиқатни инсон илмининг асоси деб ҳисоблаш, учинчидан, табиатнинг улуғ неъмати – инсонни улуғлаш унинг ақлий, табиий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйиш бу давр маданиятининг муҳим томонлари эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, “Ўзликни англаш, энг аввало, ўтмишни ўрганишдан, тарихни билишга эҳтиёж сезишдан бошланади, - деб тўғри таъкидлайди сиёсатшунос олим Н.Жўраев[169]. Дарҳақиқат ўзини англаётган, ўзини тушунаётган ҳар бир одам қандай оилада дунёга келгани, ўз аждодлари кимлар бўлгани, отабоболарини нималар билан шуғулланган ва қандай умр кечиришганини билиб олишга интилади. Уларнинг фазилатлари ва мерослари билан фахрланиб яшайди”.

Ислом диннининг фалсафаси ва шариати, инсониятни комиллика даъват этувчи буюк таълимоти ўрганилмай келинар эди. Тасаввуф фалсафаси, унинг чуқур инсонийлик мазмуни узоқ вақт илмий таҳлилга муҳтож бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундай тадқиқотларга эҳтиёж катта. Мустақиллик шарофати билан бу соҳани ҳам атрофлича илмий таҳлил қилишга кенг имконият яратилди. Ахлоқий мероснинг муҳим хусусиятларини илмий-фалсафий таҳлил қилиш йўлга қўйилди. Илмий таҳлил қилиш жараёнида ахлоқий меросни ўзига хос учта кўринишга эга эканлигига эътибор қаратиш муҳимдир. Булар: кишиларнинг кундалик амалий турмуши билан боғлиқ бўлган, ижтимоий ҳаёт тарзи асосида келиб чиққан талабларни ифодаловчи ахлоқий қарашлар; ислом дини вужудга келиши билан унинг қоида-қонунлари билан узвий боғлиқ бўлган диний ахлоқ ва ниҳоят, ислом дини бағрида вужудга келган иймон-эътиқод, ҳалоллик, сабр каби қатор инсонга хос бўлган ахлоқий ғояларни, тушунчаларни фалсафий таҳлил қилишга қаратилган тасаввуф таълимотидир.

[169] Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Тошкент: Маънавият, 1999. 19 бет.

Фалсафа тарихини таркибий қисми бўлган ахлоқий меросимизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини илмий таҳлил қилиш ана шу вазифани бажаришга хизмат қилиши шуҳбасиз. Ўрта Осиё мутафаккирлари ахлоқий меросини тадқиқ этиш ва уни халқимиз онги ва қалбига сингдириш кенг қамровли ва мураккаб жараёндир.

Шу муносабат билан ушбу муаммони тадқиқ қилган Б.Очилованинг «кишиларни, айниқса, ёшларни машхур аждодларимизнинг меросига ихлосмандлик руҳида тарбиялашга, уларни неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканимизни хис этиб яшашга ўргатиш»[170] зурурлиги тўғрисидаги фикри айни муддаодир. Ахлоқий меросни ўрганиш ва уни ёшлар онгига сингдириш борасида кейинги йилларда самара оширилди.

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Х.Мулладжанова
СамИСИ институтиси

Марказий Осиёдан етишиб чиққан машҳур олимлар ва мутафаккирлар фақат табиий-илмий йўналишда буюк илмий кашфиётлар қилиб қолмасдан, балки ижтимоий-сиёсий масалаларда ҳам илғор ғояларни илгари суришган. Ал-Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби кўплаб аждодларимиз ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланишига ҳам ўз даврининг таълимотлари билан катта ҳисса қўшишди.

Қомусий олим Ал-Форобий ижтимоий-фалсафий қарашларининг негизини унинг инсон, инсоният жамияти ва инсоннинг маънавий-аҳлоқий камол топиши ҳақидаги таълимоти ташкил этади. У «Фозил одамлар шаҳри», «Бахт-саодатга эришиш ҳақида китоб» ва бошқа асарларида фозил шаҳар мисолида етук, фуқаролик жамиятининг моделини яратган эди. Фозил шаҳар-кишилар ўртасида дўстлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари ҳукмрон бўлган ва шу йўл билан бахт-саодатга эришишни мақсад қилиб қўйган шаҳардир.

Форобий ўз асарларида кишилик жамиятининг келиб чиқиш сабабларини, давлатни бошқариш масалаларини, фозил шаҳарни барпо этиш йўллари-усуллари ва унинг мақсади каби катор муҳим ижтимоий масалаларни ёритишга ҳаракат қилади.

Улуғ шоир ва йирик давлат арбоби Алишер Навоий ижодида ҳам ижтимоий-сиёсий масалалар, етук жамият ва уни бошқариш муаммолари марказий ўрин эгаллайди.

Форобий ва Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларида ўзлари орзу қилган жамият тўғрисидаги ижтимоий идеалларини ҳам баҳс этишади.

Етук ва адолатли жамият қуриш ғояси қадимдан Марказий Осиё мутафаккирларини қизиқтириб келган энг муҳим масалалардан биридир. Аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги, инсон жамоасининг вужудга

[170] Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2004. Б.140.

келиши, фозил шаҳар ва фозил подшоҳ, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари, ақлий, аҳлоқий камолати тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга арзугулик ва ибратлидир. Энг муҳими улар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро, Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий идеаллари - етук жамият ва фозил бошлиқ тўғрисидаги қарашлари Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, адолатли демократик инсонпарвар жамият барпо этишдек буюк мақсадлар билан муштарак. Муҳими шундаки, ҳаёт шароити, унинг мазмуни ва инсоннинг ўзининг ўзгариши билан кишилик жамиятини ҳам янгилаш, уни такомиллаштириш мукаммалрок жамият барпо этиш ғоялари вужудга келаверади. Тарихнинг ҳамма даврларида жамиятни янгилаш ва такомиллашириш муаммоси олимлар ва мутафаккирлар диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Ушбу муаммолар мустақил Ўзбекистонда иқтисодий фаровонлик, юксак маданиятга эришиш мақсадида ва демократия, ижтимоий адолат, тенглик тамойилларини ўрнатиш учун олиб борилаётган янгиланишлар ва ислоҳотларнинг вазифалари нуқтаи назаридан бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Идеал деганда кенг маънода у ёки бу нарса ва ҳодисанинг энг яхши, энг мукаммал ҳолати тушунилади. Ижтимоий - сиёсий маънода идеал, муайян ижтимоий-сиёсий мақсадларга эришиш йўлидаги ғоялар, ҳатти-ҳаракатлар ва интилишларни ифодалайди. Масалан, Афлотуннинг идеал давлат тўғрисидаги қарашлари, ўрта асрларда Марказий Осиёда марказлашган адолатли давлат барпо этиш ғояси, мустақил Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ғоялари шулар жумласидандир.

Илмий адабиётда идеал жамиятни ифодалаш учун «утопия» атамаси ҳам қўлланилиб келади. Бу атамани биринчи бўлиб Томас Мор ишлатган. Т.Мор ўзи орзу қилган идеал жамият барпо этилган оролни «Утопия» ороли деб атаган. Умуман, фалсафий адабиётда утопия деганда юксак ижтимоий тузулма модели англашилади. Утопиянинг асосида мавжуд воқеликни, унинг камчиликларини фикран бартараф этиш ва хаёлдаги, мукаммал жамият лойиҳасини тузиш оркали яхшилаш ва мукаммаллаштиришга қаратилган муайян ижтимоий идеал ётади. Бунинг мисоли Афлотуннинг «Давлат», Т.Морнинг «Утопия», Форобийиинг «Фозил одамлар шаҳри», Т.Кампанелланинг «Қуёш шаҳри» асарларида тасвирланган манзара бўлиши мумкин.

Инсоният ҳамма даврларда ўзини ва ўз жамоаси жамиятни доимо такомиллаштириб, мукаммаллаштириб боришга интилган. Етук жамият ҳақидаги орзулар, ижтимоий идеални ижтимоий шароит, кишиларнинг унга бўлган эҳтиёжлари вужудга келтиради. Инсон мавжуд ижтимоий воқеликдан қониқмасликдан ва ундан яхшироғини топишга интилади. Ана шундан ижтимоий идеал келиб чикади.

Мавжуд ижтимоий воқеликни ижтимоий идеал билан қиёслаш одамларни фаолликка чақиради, уларнинг ижтимоий фаоллигига туртки бўлади. Бошқача айтганда, мавжуд олам инсонни қаноатлантирмайди ва инсон сайь-ҳаракати билан ўзгартиришга киришади.

Етук, баркамол жамият ҳақидаги орзу даврнинг муайян эҳтиёжлари ва талабларидан келиб чикади, уни ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиши пайдо қилади. Яхши жамият ҳақидаги орзу, ижтимоий идеал, албатта, мавжуд ижтимоий борлиқни танқид қилишни ва инкор этишни ўз ичига олади, шу туфайли мукаммалроқ бўлган жамият моделини лойиҳалаш мумкин бўлади.

Форобий ўзи орзу қилган етук жамият моделини — фозил шаҳарни ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти тажрибасидан, ўша замондаги феодал-теократик монархия-халифат тажрибасидан келиб чиқиб яратади. Шунинг учун унинг идеал давлати ҳокимият тепасида доно ва маърифатли файласуф турган мутлоқ феодал монархияни эслатади. Форобий фозил шаҳар бошлиғи эгаллаши лозим бўлган ўн икки фазилатни санаб кўрсатиб, шулардан энг асосийси деб донишмандликни таъкидлайди. «Мобода бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарурий хислатлар бўлсаю, аммо донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади» , деб ёзади. Бу лавҳа шунингдек, Форобий қарашларига Афлотун таълимотининг таъсиридан ҳам далолат беради. Афлотун ўзининг идеал давлат ҳакидаги қарашларида давлатни бошқариш вазифасини файласуфлар зиммасига юклаган эди.

Форобий ижтимоий-сиёсий қарашларининг жумладан унинг ижтимоий идеалининг шаклланишига турли хил таълимотларнинг, аввало Афлотун ва Аристотел таълимотларининг таъсир кўрсатгани шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан Форобий ва Афлотун ижтимоий утопиясининг айрим жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш жуда қизиқарли.

Форобий идеал давлатида Афлотун сингари ҳар бир ижтимоий қатламнинг вазифалари белгилаб қўйилган, яъни ижтимоий гурухлар иерархияси бўлиб, уларнинг ўрни, улар бажарадиган вазифасига боғлик. Ҳар қайси ижтимоий қатламнинг, табақанинг жамиятдаги ўрнига қараб, маълум хусусият хос. Масалан, давлат бошқарувчиларига донишмандлик, ҳарбий-қўриқчиларга жасурлик, ишлаб чиқарувчилар - деҳқонлар, ҳунарманд, савдогарларга тадбиркорлик.

Адолат ушбу табақаларнинг барчасига хос. Афлотун адолат деганда «барча қатламларнинг ўз ишига содиқлиги»ни тушунади. Бошқача айтганда, Афлотун адолатнинг маъносини: бошқарувчиларнинг доно бошқаришида, қўриқчи ва ҳарбийларнинг — тартиб ва қонунчиликни мардона қўриқлашида, бошқаларнинг эса жамият эҳтиёжлари учун зарур неъматларни ишлаб чиқаришида кўради.

Шарқнинг мутафаккир шоири Алишер Навоий ҳам адолатни жамият ва давлат бошқарувининг бош тамойили деб билади. Навоийнинг «Садди - Искандарий» асарида подшоҳнинг сиёсий фаолияти асосида донолик ва адолат тўғрисида айтилади. Бу достонда шоир ўзининг ижтимоий идеалини бадиий воситалар ёрдамида шоҳ Искандар образида ва фаолиятида ифодалайди.

Қадимги Юнон подшоси Искандар адолатли, доно шоҳ сифатида тасвирланади. Навоий Искандарни, айниқса, унинг ҳар ишда олимларнинг

маслаҳатлари асосида иш кўришини замонасининг ҳукмдорларига ибрат қилиб кўрсатади ва дўсти Ҳусайи Бойқарони ҳам «Искандар сифат шоҳ», «Искандари соний» деб матҳ этади.

Алишер Навоий адолатни ҳар қандай ақидадан, диндан устун қўяди. Адолатли шоҳ, ҳатто у динсиз бўлса ҳам мамлакатни обод қилади, аммо зулмкор шоҳ мусулмон бўлса ҳам мамлакатни барбод қилади.

«Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузук мулкини обод этар.
Кофири одил ани обод этиб
Мумини золим ани барбод этиб»[171], деб ёзади.

Давлат бошқарувида подшоҳнинг диндорлиги эмас, балки адолатпарварлигининг муҳимлигини кўпгина алломалар таъкидлашади. Абу Ҳасан ал-Маварди «Давлат динсиз яшаши мумкин, лекин адолатсиз яшай олмайди», - деб ёзади.

Адолатни кишилик жамияти устунлари қуриладиган у муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган хислат деб талқин қилиш Навоийга ҳам хос эди. Унинг ижодида адолат подшонинг фаолияти, шунингдек унинг аҳлоқий қиёфасини характерлаш учун хизмат қилади.

Адолат кенг маънода меҳрибонлик, инсонийлик маъносида таърифланади ва у кишилар ўртасидаги муносабатни тавсифлашга хизмат қилади. Алишер Навоий ҳамманинг худо олдида тенглиги тамойилига асосланиб, адолатни умуминсоний қонун даражасига кўтаради. Қилмишлари учун подшолар ҳам у дунёда сўрок қилинади деб ҳукмдорларни огоҳлантиради. Шоҳ адолатпарвар бўлмоги зарур. Жиноят учун жазолаш ва яхши ишлари учун рағбатлантириш шоҳ учун адолат мезони бўлмоғи лозим, дейди Навоий.

«Ҳужжатул ислом» мартабасига эришган Имом Ғаззолий ҳам подшоларни «Худои таоланинг ердаги халифасидир, ўз ўрнида Ер юзида бандаларига адл ва эҳсон қилмоқға таъйин қилган кишидир», деб ёзади.

Илоҳиётчи олим ва Шарқнинг буюк мутафаккири Имом Ғаззолий «Ҳак таола даргоҳида ҳеч ибодат адолатдан зиёда эмасдур. Расул а.с. айтибдурларки, султони одилнинг бир кунлик адолати йигирма йил ҳамиши тоат, ибодат қилғандан афзалдир» - деб кўрсатади.

Алишер Навоий ҳам подшо ҳокимиятини илоҳийлаштириб унга халқ учун катта мажбуриятлар юклайди. У шоҳни сурувни бўрилардан ҳимоя қилувчи чўпон деб атайди, чунки худо унга шоҳлик мартабасини бериб ўз иродасини - адолат қарор топтириш вазифасини юклаган. Навоий подшоларнинг вазифаларини эслатиб, уларни бажариш худо олдидаги бурчи эканини таъкидлайди.

«Садди Искандарий»да шоҳ Искандарнинг Арастудан «Эй донишманд файласуф! Агар шоҳ қандай ишлар қилса адолат юзасидан қилган бўлади?» деб сўраган саволига Арасту тилидан Навоий: «Агар шоҳга адолат қилишлик

[171] Алишер Навоий « Хайратул аброр» Тошкент. 1989. 198 - бет.

кундалик одатга айланса, унга бутун олам таслим бўлади. Дунёдан ўтгач, жаннат тахтини эгаллайди. Агар шоҳ ҳар ишда адолат қилса, бунинг натижасида унинг мулки-мамлакати ҳам обод бўлади. Шоҳ адолатли бўлса, барча кишилар унга хайриҳоҳ бўладилар, жангда унинг аскарларига дуо билан мадад бериб турадилар. Ҳатто адолатли шоҳни душман томондаги халқ ҳам яхши қабул қилади. Энг муҳими шундаки, тангри ҳам адолатни ёқлайди. Шундай экан, ҳар бир шоҳ адолат қилса тангрини амрини бажо келтирган бўлади ва бу эзгу ишларнинг натижаси мукофотсиз қолмайди, яъни унга икки олам мулки муяссар бўлади»,-деб жавоб беради.

«Шарқ Аристотели» деб шарафланган бобоколонимиз Абу Наср ал-Форобийнинг етук жамият бошлиғи ёки фозил подшоҳ ҳақидаги қарашлари унинг комил инсон тўғрисидаги таълимотининг ажралмас қисмидир. Фозил бошлиқ ўзининг сўзи ва амалий фаолияти билан бошқаларга ибрат кўрсатади ва «давлатдаги барча ҳалқнинг тарбиячиси ролини бажаради». Оддий ҳалқ шоҳ ва турли даражадаги раҳбарлар турмуш тарзи ва кундалик ҳулқига тақлид қилиб яшайди. Мир Алишер Мавоий шоҳ қул остидаги кишиларнинг иши ва ҳарактери, худди шоҳнинг иши ва ҳарактери каби бўлишини қайд этади. Хуллас, Шарқ мутафаккирларининг илғор ғоялари ва ижтимоий идеаллари кишиларни эзгуликка. ижтимоий адолатга ундаб ва ҳар бир янги авлодда янгича мазмун кашф этиб яшаб келади.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА САВОДХОНЛИК МАСАЛАСИ

Н.Музаффаров
СамИСИ ўқитувчиси
Д.Ўроқбоев
СамИСИ талабаси

Дунё ижтимоий-тарихий тараққиётида авлодлар алмашинуви маълум даврда ўз изини қолдириб келади. Кекса авлод ёш авлод тарбияси билан шуғулланиб, ўзига хос миллий тарбия моделини, дидактикага асосланган маънавий меросни, ёзма ва оғзаки ижод намуналарини яратишади. Ёшларни миллий-ахлоқий намуналар билан қуроллантириб, махсус иммунитетини шакллантириш асосан китоб маҳсулоти, халқ ижоди намуналари, анъанавий давом этиб келаётган савод чиқариш маданияти орқали амалга оширилган.

Саводхонлик тушунчаси (қадимги юнон тилида “grammata” сўзидан олинган) оғзаки ва ёзма манбаларни алифбода акс эттириш ва шу манбалардан маъноларни ажратиб олиш каби тушунчаларни қамраб олади. ЮНЕСКОнинг 1958 йил Парижда бўлиб ўтган конференциясида саводхонлик тушунчасини дунёда классик маъносини аниқлаш мақсадида махсус таърифи яратилган. Шу

сабабли ҳам ҳар йили 8 сентябрда Халқаро саводхонлик куни (International Literacy Day) нишонланади.[172]

Саводхонлик бу – ўз фикрини адабий тил нормаларига мувофиқ оғзаки ва ёзма равишда ифодалаш қобилиятидир. Ёзувнинг ихтиро қилиниши саводхонлик бўйича инқилобни юзага келтириб, халқлар маълум белги, символ ва иероглифларда ўз ёзувларини яратдилар. Сопол, дарахт пўстлоғларида ўз кечинмалари, олам ҳақида қарашлари, ҳисоб-китоб ишларини қайд қилиб борганлар. Умуман саводхонлик субъектнинг маданий сифати бўлиб, ўз эркинлигини ёзма ва оғзаки намоён қилиши, жамият ва шахс ўртасидаги маданий муносабатларни юзага келиши ва кундалик ҳаётда уларни қўллай билиши билан асосланади.

Саводхонликни ёзувни кашф этиш билан боғлаш, ёзма манбалар билан боғлаш бир ёқлама қараш ҳисобланади. Саводхонлик фикрлар хилма-хиллиги, оғзаки ижодни ривожланиши, халқ мақол ва асотирларини пайдо бўлиши билан боғлиқ ижтимоий-маданий вазифаларни бажариб келган. Дастлаб саводхонлик диний матнларни билиб, уни амалиётга қўллай билган инсонга, оғзаки ижодга асосланган, ёдлаш, хотира кучига таянган кишиларга нисбатан айтилган.

Классик давр, аниқроғи ўрта асрларда санъатда дунёни ҳиссий идрок қилиш йўналишларини ажратиш, фазовий ва вақтли санъатнинг дифференциацияси ва ихтисослашуви амалга оширилди. Санъатнинг янги турлари, жанрлари, янги мусиқа асбоблари яратилди. Санъат, илм-фандаги намойишкорлик саводхонликни янги шаклларини тақдим қилди. Европада янги миллий адабий тил, шеърият тили, илм-фаннинг универсал рамзий белгилари, фанни математик тили ривожлантирилди. Натижада саводхонлик ёзиш ва ўқиш каби тушунчадан визуаллик, мусиқийлик ва бошқа инсон эстетик дидини англатувчи шакллари пайдо бўлди. Бироқ, саводхонлик турли даражада, турли ижтимоий қатламларда турли талабларга эга бўлган. Жамиятнинг сиёсий элита, зиёли қатламлари ва омманинг саводхонлиги борасида бир қанча фарқлар мавжуд бўлган. Масалан, “ўрта аср зиёлилари (руҳонийлар, докторлар, ҳуқуқшунослар) учун лотин тилини билиш бу – ўрта асрлар саводхонлигининг асослари талабидан бири бўлган. Лотин тили ўрта асрларда Европа маданиятининг ягона интеллектуал, ахборотли маконини ташкил этган”.[173]

Ўша даврларда саводхонлик жамиятнинг маданий жараёнларни фақат битта сегментда – фақат интеллектуал элитада тасвирлаб берадиган ва саводхонлик тушунчасининг семантикасида ўқиш ва ёзиш қобилияти тўлиқ акс эттирилган. Анъанавий жамиятларда ижтимоийлаштириш саводхонлик тартибида эмас, балки бошқа йўллар билан: ижтимоий тажрибани авлоддан авлодга тўғридан-тўғри етказиш (ҳунармандчилик, деҳқончилик ва ҳоказоларни тайёрлаш), халқ оғзаки фольклор ёки муқаддас анъаналар,

[172] http://uchildiz.uz/саводхонлик-дунё-муаммоси/

[173] Ле Гофф Ж. Цивилизация Средневековогосредневекового Запада. Екатеринбург, 2005. С-47.

маросимлар ва одатлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар ва байрамларда биргаликда иштирок этиш йўли билан етказиб турилган. Ғарбда саводхонликни асосан икки давр – классик ва модерн даврларга бўлиб ўрганилиш ҳам урф бўлган.[174]

Яъни классик даврда дунёни ҳис қилишнинг турли (немис, инглиз, француз каби миллий) йўналишлари кашф қилиниб, санъатни ифодалаш, эстетик муносабатини шакллантириш ва ривожлантириш технологиясини вужудга келтиргани билан ажаралиб туради. Ғарбда Шарқдан кўра саводхонлик даври эволюциясини тезлашганини, янги кўринишга ўтаётганини кўриш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, кашф қилинган ёзув, қоғоз, китоб ва китоб мутолааси даври бир бутун инсоният саводхонлик даврини қамраб олинса, саводхонликдан кейинги (post-literacy) даври – айтиш мумкинки, бу виртуал фазони кенгайиши, визуал ахборотни кўпайиши ва сенсор мутолаани фаоллашган даврни англатади. Бизнинг фикримизча, саводхонликдан кейинги давр яъни янги авлод саводхонлиги даври узлуксиз таълим тизими ислоҳ қилиниши натижасида янги пайдо бўладиган таълим тизими институтлари, электрон маконлари (портал, платформа), таълим технологиялари (интерактив онлайн ва офлайн ахборот узатиш), мутоалаани сенсорларга кўчиши (виртуал фазода горизонтал ва вертикал ўқиш имкониятлари) даврини асослайди.

Ғарб тадқиқотчиларидан бири Алан Рожернинг фикрича, "...саводхонликдан кейинги давр атамасини ўз муаммоларини қамраб оладиган мукаммал атама ҳисобланмайди. Аммо ушбу атама билан ўз даврини кишилар маданиятини энг яхши таърифланган, тасвирлаган атама сифатида таассурот қолдиради. Бу ўқиш ва ёзиш қобилиятига эга, саводсизлигини енгиб ўтган ва ўқиш қобилиятини мустаҳкамлаган ва шахс сифатида ривожланган ёши катталар учун хосдир. Унинг фикрича, саводхонликдан кейинги концепция "узлуксиз таълим"ни қамраб олиши керак".

Саводхонликдан кейинги таълим шаклида ёши катталарнинг янгича саводини ошириш ишларини ҳам қамраб олмоқда. Бу айниқса, ривожланган Осиё давлатлари таълим тизимида акс этиб бормоқда. Ҳозирги кунда саводхонлик манбалари хотирага (табиий ва сунъий хотира), маданиятга (диний, ахлоқий, санъат, техника ва технология, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий), турмуш тарзига (соғлиқни сақлаш, молиявий иш юритиш, бизнес, турмуш эстетикаси) хос жиҳатларни қамраб олмоқда. Саводхонлик манбалари ва саводхонликдан кейинги даврнинг омиллари, объекти, субъекти, функционал ва институционал ўзгаришлари эволюцион тарзда ривожланиб келган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бундай маданий-тарихий эволюцион давр бир қатор хусусиятлари билан характерланади:

[174] Маклюэн М. Галактика Гутенберга: становление человека печатающего. Москва, 2005. С. 6-10.

биринчидан, саводли киши ёки саводхонликнинг ҳар бир тарихий даврга хос талқини мавжуд бўлиб, ягона цивилизация ва маданиятда, бир вақтнинг ўзида турли кўринишларда, яъни саводхонликдан кейинги давр, мультимедиа саводхонлиги даври, медиа саводхонлиги каби факторларга бўлиниши мумкин;

иккинчидан, саводхонликни турли соҳаларга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин: а) тил, нутқ соҳалари: кўп тилни билиш, визуал эстетикани тушуниш, теле-радиони тушуниш, ОАВ тилини билиш ва бошқалар; б) ижтимоий соҳалар: ахборот олиш ва тарқатиш, умумахлоқни англаш, экологик вазиятни билиш, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларни пухта ўзлаштириш;

учинчидан, саводхонликни билдирувчи турли хил манбалар: китоб маҳсулотига муносабат, мутолаа маданияти, кино маҳсулоти жанрлари, рақс турлари, архитектура ансамбли, статистика, электротехника, комьпютер дастурлари билан ишлашни билиши, мобил иловаларни тушуниш, СМС-хабар, пост, блог, ММС хабари ва бошқа ижтимоий тармоқлар билан ишлаш компитенциясига эга бўлиш;

тўртинчидан, мустақил нодавлат ташкилотни ташкил қила олиш, маданий тадбирларда доимий иштирок этиш, ўз саводхонлигини нутқида, ёзма ижодида, хат ёза олишида кўрсатиш, ёшлар уюшмаси ёки бирор ташкилотни ривожлантириш учун креатив фикрларни илгари сура олиш ҳозирги давр саводхонлигини акс эттиради;

бешинчидан, ёшларни ҳозирги давр мезонидан келиб чиқиб саводхонлигини белгилаш ва манбаларини мутолаадан ташқаридан излаш маълум маънода ахлоқий ва эстетик иммунитетини сусайтиради. Бугунги кунда ёшларнинг саводхонлигини нафақат замонавий омиллар, балки ўтмиш маънавиятини англатадиган меросларни билиш ва мутолаа қилиш, қадриятларга содиқлик белгилари ҳам асосий ўрин эгаллайди.

ELEKTRON TIJORAT VA UNING JAMIYATDA RAQAMLI IQTISODIYOTNI SHAKLANTIRISH MUAMMOLARI

A.Uzoqov, B.Usmonov
SamISI talabalari
J.Mustafayev
SamISI o’qituvchisi

Hozirgi jadal rivojlanib borayotgan yer kurrasida, jahon hamjamiyatining rivojlanish va farovonlikka erishish uchun axborot texnologiyalariga ehtiyoji kundan-kunga ortib bormoqda. Iqtisodiy o’sishning faollashuvi, dunyo aholisining yashash darajasining yaxshilanishi **AKT**ning hayotimizning bir qismiga aylanganligining natijasidir. Jahon tajribasi shuni ko’rsatadiki axborot oqimining elektron ko’rinishi, bozor iqtisodiyotiga o’sishni tezlashtiradi va sotsial farovonlikni oshiradi. Hozirgi kunda iqtisodda, ayniqsa tadbirkorlik sohasida erishilayotgan yutuqlar negizida

elektron tijoratning yuqori darajada rivojlanganligi va samarali qo'llanishi yotadi. Bizning yurtimiz ham bundan mustasno emas.

Xo'sh, **Elektron tijoratning o'zi nima va qanday qulayliklari bor**?

Elektron tijorat (e- tijorat, ingl. "e-commerce")- internet orqali savdo-sotiq amaliyotlarini tashkil etish. Elekron tijorat termini EDI(Elektronic Data Interchange-ma'lumotlarni elekron almashish), elektron pochta, internet, intranet (kompaniya ichida axborot almashish) va ekstranet (tashqi dunyo bilan axborot almashish) kabi texnologiyalarni o'z ichiga oladi. Elektron tijorat Internet tarmog'idagi tijorat sohasiga oid faollikni, unda oldi-sotdini amalga oshirilishini ifodalash uchun qo'llaniladi. U kompyuter tarmog'idan foydalangan holda xarid qilish, sotish, servis xizmatini ko'rsatishni amalga oshirish, marketing tadbirlarini o'tkazish imkoniyatini ta'minlaydi, Ko'pgina tadqiqotchilar ushbu terminni faqatgina turli xil kommunikatsiyalar orqali ma'lumotlar almashinuvini anglatadi va eng muhimi - butun dunyo bo'ylab internet tarmog'ida asosiy moliyaviy amaliyotlar amalga oshiriladi. Shuni e'tiborga olish kerakki, har qanday tele-video va boshqa aloqa vositalari uzoq vaqtlardan beri barcha taraqqiy etgan mamlakatlarda ijtimoiy munosabatlarni tashuvchisi sifatida xizmat qilgan. Ammo, bu yangi biznes imkoniyatlarini ochib beradigan jahon aloqa tarmog'i - mumkin bo'lgan barcha ijtimoiy-iqtisodiy operatsiyalarni minimal darajada mahalliy va xalqaro miqyosdagi real vaqt xarajatlaridir.

Elektron tijoratning atamasing o'zi deyarli 1950-1960- yillarda kompyuter paydo bo'lganidan ko'p o'tmasdan paydo boldi. Dastlabki dasturlardan biri bu transport chiptalariga buyurtma berish orqali paydo bo'ldi. U 1961-yil Massachusest Texnologiyalar instituti xodimi Leonard Kleinrok ma'lumotlarni uzatish uchun paketlarni kommutatsiya qilish nazariyasini ishlab chiqdi. Elektron tijoratga hozirgi eng katta internet auksioni va do'koni **e-Bay** misol bo'ladi.

Elektron tijoratning o'ziga xos quyidagi qulayliklari va ustunliklari mavjud:

• Xalqaro operatsiyalarda axborot olish tezligi oshadi;

• Ishlab chiqarish va sotish davri qisqaradi;

• Arzon kommunikatsion vositalardan foydalanish evaziga axborot almashish xarajatlari kamayadi.

Kompaniya axborot texnologiyalarini samarali qo'llash orqali iste'molchi bilan ochiq munosabat o'rnatish, mahsulot va xizmatlar to'g'risida hamkor va mijozlarni tezkor axborot bilan ta'minlash, sotuvning alternativ yo'llarini, misol uchun tijorat saytlarida elektron do'konlar ochish va yaratish imkoni beradi.

Iqtisodiy rivojlanish oqibatida O'zbekiston xalqaro iqtisodiyot tizimida tobora o'z mavqe'ini mustahkamlab bormoqda. Buning natijasida esa, o'z navbatida elektron tijorat infratuzilmasini takomillashtirish, uning jahon bozorida kuchli raqobatchi sifatida paydo bo'lishini ta'minlash zaruriyatini keltirib chiqaradi. Yuqoridagi holatlar inobatga olingan holda elektron tijoratning asosini, ya'ni huquqiy bazasini takomillashtirish bo'yicha bir qancha sezilarli ishlar amalga oshirildi. 2004 yil 29 aprelda №613-II "Elektron tijorat to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi qonuni, 2007 yil 30 noyabrda Vazirlar Mahkamasining №21-sonli "Elektron tijoratni rivojlantirish tog'risida"gi va 2007 yil 12 iyunda "Elektron tijorat tizimini amalda

qo’llashda to’lov tizimini takomillashtirish tog’risida”gi qarorlari qabul qilindi. Bundan tashqari Respublikada elektron tijoratni rivojlantirish maqsadida “E-karmon” loyihasi ishlab chiqildi va u samarali tarzda amaliyotga joriy qilinmoqda. Olib borilgan va bajarilgan ishlar asosida bir qancha ijobiy natijalarga erishildi. Masalan, axborot almashinuvi tezligini oshirish va unga sarflanadigan vaqtni kamaytirish maqsadida olib borilgan ishlarning natijasi Respublikada xalqaro axborot tarmoqlari tezligini oshishida ko’rinadi[1].

Hozirgi kunda erilishilayotgan yutuqlar bilan bir qatorda bu sohaning taraqqiyotiga to'sqinlik qilayotgan muammolar hali ham o'z yechimini topmagan. Bu muammolarga asosiy sabab zarur infrastrukturaning hali ham yetarli darajada takomillashmaganidir. Misol uchun internet global tarmog'i bilan to'g'ridan-to'g'ri bog'langan provayderlarning soni cheklanganligi, internet tezligining chekka hududlarda yuqori darajada emasligi va local tarmoqlar yetarli darajada tashkil etilmayotganidir. Bular esa o’z navbatida turizmga salbiy natijalarini ko’rsatib kelmoqda ya’ni tarixiy joylarda va poyezdlarda internet darajasining pastligi yoki umuman ishlamasligi ko’plab noqulayliklarni keltirib chiqaryapti. Bundan tashqari, jismoniy shaxslarning bank hisob raqamlaridan online to’lovni amalga oshirishni taminlaydigan tizimning mukammal rivojlanmaganligi, banklar tomonidan chiqarilayotgan plastik kartalarning xalqaro standartlarga javob bermasligi kabi muammolar o’z yechimini topmagan.

Yurtimizda elektron tijoratni rivojlantirish uchun zamonaviy mexanizm va tartib tamoyillarni joriy etish, ushbu sohaga investitsiya va yangi texnologiyalarni jalb etish zarur. Misol uchun, oziq-ovqat yoki nooziq-ovqat do’konlariga kirganda to’lov kassasi oldidagi tirbandliklarni ko’rib, odamni ko’ngli xira bo’ladi. Bunday noqulayliklarni yo’qotish uchun har bir mahsulotga mahsus QR-kod qo’yilib, do’konlarning chiqish qismi oldiga QR-kodni skaner qiladigan va mijozlarning sotib olayotgan mahsulotlarni onlayn hisob-kitob qiladigan mexanizmlarni o’rnatilishi kerak. Naqt pul ko’rinishdagi to’lovlarni qabul qiladigan bankomatlarni joriy etish va onlayn (karta orqali) to’lovlarni amalga oshirishda **face id, touch id, password** ko’rinishdagi to’lovlarni amalga oshirsa bo’ladigan texnologiyalarni joriy etish zarur.

Yuqoridagilardan kelib chiqib xulosa qiladigan bo’lsak, quyidagi asosiy takliflarimizni keltirib o’tamiz:

- ❖ Birinchidan, telekommunikatsion xizmatlar ko’rsatish sohasidagi raqobatni rivojlantirish va AKT sohasiga investitsiyalar kiritish;
- ❖ Ikkinchidan, elektron tijorat tushunchasini maktab darsliklaridan boshlab mukammal o’rgatish;
- ❖ Uchinchidan, Online bank tizimini yurtimizni chekka-chekka nuqtalarigacha samarali joriy etish;
- ❖ To’rtinchidan, aholimiz orasida axborot madaniyatini shakllantirish,
- ❖ Beshinchidan, barcha aholi qatlamlari uchun sodda va tushunarli tilda AKT mahsulotlarni yoyish maqsadga muvofiq, deb hisoblaymiz.

Yuqorida bildirilgan ilmiy-amaliy takliflar iqtisodiyotda, jamiyatni boshqa sohalarida tovar va xizmatlarning elektron shaklda sotish hajmini oshishiga asos

bo‘ladi va fuqarolarga ko’plab qulayliklar yaratadi. Chunki jahon amaliyotida aynan shu masalalar puxta ishlab chiqilganligi jamiyat taraqqiyotining kafolati ekanligi o’z tasdig’ini topmoqda.

ADABIYOTLAR:

1. http://uz.infocom.uz/2009/12/26/elektron-tijorat-ozbekiston-iqtisodiyotida-mavjud-holat-muammolar-va-istiqbollar/
2. https://hozir.org/mavzu-elektron-tijorat-tizimlari-va-ularning-ahamiyati.html
3. The Economist, November 8th-14th 2008, “How to control E-commerce”, p. 23-24
4. https://www.norma.uz/oz/bizning_sharhlar/elektron_savdo_maydonlarini_samarali_tashkil_qilish_-_elektron_tijoratni_rivojlantirish_garovidir
5. Yurasov A.V. Elektron tijorat asoslari // Hot Line-Telecom, Moskva, 2007.
6. https://repo.journalnx.com/index.php/nx/issue/view/35
7. https://papers.econferenceglobe.com/index.php/ecg/article/view/100/97
8. https://www.ijtsrd.com/management/hrm-and-retail-business/38738/the-importance-of-investing-in-human-resources/norqulova-d-z
9. https://repo.journalnx.com/index.php/nx/article/view/2089

ТУРКИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

О.Содиқов
СамИСИ ўқитувчиси

Маълумки, ҳар қандай фан амалий билиш устига қўйилган назарий билимга асосланади. Бу ҳолат, табиийки, тилшуносликка ҳам алоқадордир.

Фалсафа фанининг асоси *билишга* боғлиқ ҳисобланади. Фалсафа инсоннинг ўз моҳиятини англаши, борлиқнинг турли соҳаларига оид бўлган ҳодиса ва воқеалар ҳақида, уларнинг туб моҳиятини ифодалайдиган умумий хулосалар чиқариши демакдир. Фалсафий тафаккур оламидаги нарса ва ҳодисаларни фикрда умумлаштириб, ўзаро боғлиқликда ва ривожланишда ўрганиш, уларнинг моҳиятини чуқурроқ ва тўлароқ билишдир. Фалсафа марказида борлиқ ва уни билиш муаммоси ётади. Қиёслаш, мантиқий умумлаштириш орқали ҳосил қилинган билим идрокий, назарий билим саналади. Бу билим орқали оразлар замиридаги жавҳар белгиланади. Ҳар қандай фан ана шу белгиларни келтириб чиқаради. Ҳар бир фан кишиларининг амалий эҳтиёжи туфайли вужудга келади. Буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний ҳам «Геодезия» асарининг кириш қисмида ҳар бир фаннинг инсон

ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан вужудга келишини таъкидлаб ўтади.

Тилни ўрганиш методологияси ва методлари ҳақида гап кетганда, шуни айтиш жоизки, объектни билиш жараёнида тадқиқотчи унга муайян методология ва текшириш методи асосида ёндашади. Ўрганилаётган объектни қай даражада объектив изоҳлаш тадқиқотчининг қандай методология в тадқиқот методига таянишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай фанда методология ва метод таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Метод юнонча methodos сўзидан олинган бўлиб, тадқиқот усули демакдир. Методология эса юнонча methodos “тадқиқот усули” ва logos “таълимот” сўзларидан олинган бўлиб, фаннинг тадқиқот усуллари ҳақида таълимотдир.

Методология умуман илмий метод ҳақидаги таълимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги таълимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга [1, 211]. Методология ва метод тушунчалари ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий фан методлари билан умумий илмий метод бир-бири билан муносабатдадир.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади. Ҳар қандай фан махсус тадқиқот методларини ишлаб чиқади. Бу илмий тадқиқот методлари фалсафий ва мантиқий методлар билан умумилмий методлар орқали мувофиқлашади. Хусусан, тилшуносликда қўлланиладиган методлар математика ёки физикада қўлланиладиган методлардан фарқ қилади. Физикада асбоблар ёрдамидаги эксперимент методи устуворлик қилса, тилшунос матн таҳлили ва уни умумлаштириш усулидан кўпроқ фойдаланади. Тилшуносликда тавсифий, қиёсий-тарихий, структур сингари методлар қўлланилади ва улардан қайси бирининг устувор методга айланишига кўра тилшунослик тарихи ҳам турли босқичларга бўлинади. Метод атамаси билан методика атамаси кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатилади. Лекин метод ва методика бир-биридан фарқ қилади. Метод билиш усули бўлса, методика билиш усулида қўлланиладиган йўл-йўриқдир.

Тавсифий метод тилшуносликда энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса, бу метод тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга. Тавсифий методнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Хусусан, тилшуносликда ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади.

Тавсифий метод маълумотлари бошқа барча методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Хусусан, структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Ёки қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради. Демак, у ҳам тавсифий метод хулосалари асосида иш кўради.

Оламни билишда ўрганилаётган объектни қиёслаш катта роль ўйнайди. Олдин ўрганилган объектни янги ўрганилаётган объектга қиёслаш билишнинг энг асосий усулларидан биридир. Қиёслаш натижасида қиёсланаётган объектларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари аниқланади. Бундай усул тилшуносликда ҳам қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларини ёритишда кенг қўлланилади.

Тиллараро қиёслашда турли тиллар бир-бирига таққосланади. Тиллараро қиёслаш, бир томондан қардош тилларни, иккинчи томондан, ноқардош тилларни ўрганиш ва ўқитиш тажрибаси таъсирида майдонга келди. Тиллараро қиёслаш ўзига хос тадқиқот усуллари системасига эга. У икки хил тилшунослик методини вужудга келтирди. Биринчиси қардош тилларни қиёслаш, иккинчиси эса ноқардош тилларни қиёслаш. Биринчи типдаги қиёслаш қардош тиллардан биттасини бошқасига қиёслаш йўли билан уларнинг тарихий тараққиёти, улар ўртасидаги фарқланиш жараёни очиб берилади. Бундай қиёслаш қиёсий-тарихий метод асосида олиб борилади. Бу метод тилларнинг генетик умумийлигига асосланади. Дунёдаги барча тиллар энг асосий, энг муҳим белгилари назарда тутилган ҳолда бир неча гуруҳларга бўлинади. Тилшуносликка оид адабиётларда маълумот берилишича, ер юзида уч мингдан ортиқроқ тил бор. Бу тилларнинг шевалари ҳам ҳисобга олинганда уларнинг сони беш мингдан ортади. Тилшунослар тилларни таснифлашда икки усулдан фойдаланадилар: морфологик усул ва генеологик усул. Тилларни морфологик усул асосида тасниф қилишда сўзларнинг тузилиши энг асосий белги қилиб олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шермуҳаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент, 2005.

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК-ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Х. Мулладжанова
СамИСИ ўқитувчиси

Президентимизнинг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш борасидаги ташаббуси замирида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг тезкор ривожланишига эришиш, уларни амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашдаги ролини янада кучайтириш мақсади мужассамдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг асосий бўғини бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларининг бирига айланди. Сўнгги ўн йилликда аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб, қувватланаётган фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши янги босқичга кирди.

Бугунги кунда юртимизда 6500 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич 2000 йилга қараганда 2,5 баробар кўпдир. Айни вақтда нодавлат нотижорат ташкилотларининг 40 фоизи фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, 14,2 фоизи хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, 13,6 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, экология 32 фоизи эса бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалар билан шуғулланмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонунлар, Президентимизнинг "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори мазкур соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди.

Ижтимоий шериклик тамойили ўзининг мазмун-моҳиятига кўра ижтимоий адолат, фуқаролар фаровонлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳақида қайғуриш каби мажбуриятни олади. Шунингдек, ижтимоий йўналтирилган сиёсатни ўзининг асосий вазифаси деб билиб, мазкур сиёсатнинг Конституцияда белгиланган йўналишларнинг кенг қамровли амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатади. Мазкур тамойилга амал қилган ҳолда давлат, ўз органлари орқали узлуксиз равишда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўриб боради. Фуқаролик жамиятининг асосий элементлари бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларни ўзини –ўзи бошқариш органлари ана шу тамойил асосида давлат ташкилотлари билан ҳамкорликни шакллантириб боради.

Ижтимоий шериклик- ўз навбатида юқорида кўрсатиб ўтилган уч сектор манфаатларини мувофиқлаштириш ва ижтимоий ҳаётнинг барча муаммоларини ҳал этишдаги ҳамкорликдир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ижтимоий шерикликнинг энг муҳим жиҳати бу тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга риоя қилиш ҳақидаги ўзаро келишуви эмас, балки улар ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида энг нуфузли ахлоқий қоидалар мажмуидир.

Ижтимоий шерикликнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, бу муносабатлар тизимида тарафлар барчаси барча соҳада тенг ҳуқуқ ва ваколатларга эга бўлган ва ижтимоий келишишга асосланган ҳамда баравар манфаатдор бўлган тарафларнинг ҳамкорлигидир.

Бизнинг мамлакатимиз ижтимоий шериклик тизимини амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари дунё тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатланишига, улар томонидан ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши масалалари кўзда тутилган. Энг муҳими нодавлат нотижорат ташкилотлари жамиятда манфаатлар

мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Шу аснода ҳар бир фуқаронинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариши, уларнинг социал фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ғамхўрлик қилиш ва шароитлар яратиш учун ўз фаолиятларини йўналтирмоқда. Худди шу маънода бугунги кунда жамоатчилик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Фуқаролик жамиятининг институтлари ҳар бир давлат, шу жумладан Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида жуда муҳим функцияларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфатларни ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда” (Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисдаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 42).

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Нодавлат-нотижорат ташкилотларни, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Жамоат фонди ва парламент комиссияси ташкил этилди. Парламент коммияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликлари тегишли тузилмалари, нуфузли нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятлари ва бошқа институтлари вакиллари киради.

Жамоат фонди маблағлари бевосита нодавлат-нотижорат ташкилртлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларга уларнинг мурожаатлари асосида ва Парламент комиссияси қарорларига мувофиқ, субсидиялар грантлар, ижтимоий буюртмалар тарзида ажратилади.

Ижтимоий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари танқидий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ривожланган мамлакатлар тажрибаси чуқур ўрганилди. Дарҳақиқат, Европанинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий шериклик бўйича алоҳида қонунлар қабул қилинган. Мазкур қонунларда давлат органлари билан ноҳукумат ташкилотларининг ҳамкорлик шакллари, тартиблари, муносабатлари ва молиялаш усуллари тартибга солинган.

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий ҳаётнинг барча

соҳаларидаги тараққиёт дастурларини амалга оширишда, муаммоларни ҳал этишда турли қатламларнинг ҳуқуқ, эркинликларини ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати ташкилий ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси ва таянчи бўлиб ҳизмат қилади.

ЁШЛАРНИНГ ТАРБИЯСИДА ЯККА КУРАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ БЎЛГАН ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШ

Р. Коссе
СамИСИ ўқитувчиси

Мактаб ёшида жисмоний тарбия ҳаётда зарур бўлган харакатли билим ва кўникмаларни ўргатиш ва ҳаракатли фаолиятнинг хилма-хил шароитларда уни кўллаш асосларини эгаллаш учун катта аҳамиятга эга. Шу нарса аниқланганки, бу ёшда ҳаракатли фаолиятни ўрганиш қобилияти янги ҳаракатларни тез ва тўлиқ эгаллаш, етарлича эгалланмаган ҳаракатларни қайта ўрганиш, ҳамма харакатли сифатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун яхши даврга эга бўлади. Мактаб ёшида эгалланган ҳаракатли билим ва кўникмаларнинг бой жамгармаси хамда жисмоний интеллектуал, ирода ва бошқа сифатлар касбий-меҳнат ва бошқа махсус харакатли фаолиятни тез ва тўлиқ эгаллаш, кейинчалик катта ёшда жисмоний шаклланиш учун база бўлади.

Болаларни жисмоний ривожлантириш ва тарбиясида асосий рол ўйинга – болалар фаолиятининг муҳим турига тегишли. У бола шахсини, унинг хулқий иродаси сифатларини тарбиялаш ҳамда жисмоний сифатларни ривожлантириш ва ҳаракатни шакллантириш учун самарали восита ҳисобланади. Ўйин қоидаларини такрорлаш маълум бир ҳаракатларни ривожлантириш учун яхши тренинг яратади. Ҳаракатли ўйинлар ақлий фаолиятнинг мураккаб жараёнларини, логик фикрлаш, тасаввур, хотирани шакллантиришга ёрдам беради. Тетикланишни эмоционал бўёқ билан таъминлаган ҳолда, ҳаракатли уйинлар организмни мустаҳкамлашга, унинг бардошини оширишга, ҳаракатни шакллантиришга, хулқий сифатлар, иродани, ташкилотчиликни тарбиялашга ҳамёрдам беради.

Ҳаракатли ўйинлар шахсни тўлиқ ривожлантиришга ёрдам берувчи шароитлардан иборат: англашва эмоционал туйғулар, ички ва ташқи ҳаракатлар, болалар фаоллигининг жамоавий индивидуал (якка) бирлиги. Ўйинларни ўтказишга ҳамма бу бирликлар амалга ошиши зарур, яъни ҳарбир ўйин болага янги эмоционал туйғулар, билимлар олиб келсин, мулоқот тажрибасини кенгайтирсин, биргаликдаги ва якка ҳаракат фаоллигини ривожлантирсин.

Ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини ва жисмоний ривожланиши динамикасини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу эса жисмоний тарбия жараёнини таълим мазмунини узгартириш воситасида самарали бошқариш

учун асосини яратади .

Ҳозирги вақтгача қуйи синф ўқувчиларининг жисмоний тайёргарлигини дарс вақтида ҳаракатли ўйинларни қўллаш воситалари билан ошириш усуллари етарлича тулиқ ишлаб чиқилмаган, лекин охирги йилларда бу йўналишларда маълум сонли ишлар пайдо булди.

Шу билан боғлиқ ҳолда ушбу муаммони ечиш ўқув жараёнини шакллантиришда анча актуал хисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади шундан иборатки, қуйи синф ўқувчилари билан махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш самарадорлигини ва болаларнинг жисмоний сифатларининг ривожланишига, уларнинг таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг воситалари қуйидагилардан иборат:

1.Қуйи синф ўқувчиларининг ўқув жараёнида якка кураш элементлари булган ҳаракатли уйинларни ва махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш афзалликлари ва заруриятини аниқлаш.

2. Умумтаълим мактабларининг жисмоний маданият дарсларида яккакураш элементлари бўлган махсуслаштирилган ҳаракатли уйинларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиш методикаси. Ҳар қандай ўйин, ҳатто ҳаракатли сифатида бажариладигани хам, ўз таркибида зарурий мусобақа элементига эга бўлади. Шунинг учун хам ҳар қандай уйинда одамнинг ҳаракатли фаолияти белгилар қаторида спорт фаолиятига яқин (оммавий спорт боскичида). Ўкувчиларнинг ўқув жараёнига махсуслаштирилган ҳаракатли ўйинларни киритиш қуйи синф ўқувчиларининг ўқув машғулотларида тасдиқланган дастур доирасида амалга оширилди.

Ўйинни ўтказиш уч босқичда омалга оширилди: ўйинга тайёрланиш, ўйиннинг ўзи, уйинни мухокама қилиш ва ғолибларни тақдирлаш.

Ўйинга тайёрлаш - бу босқич ўқувчиларда ўйинда тўлиқ иштирок этиш учун етарли бўлган зарурий ҳаракатларни шакллантириш учун йўналтирилган. Бу керакли ўйин ҳаракатларини шаклланишини таъминловчи тайёргарлик машқларидир. Ўйиннинг бориши ва ўйинчиларнинг ҳаракатини кузатиш. Ўйин вақтида болаларнинг ўйинини эгаллаш ва ўзини тутиши маълум даражада уни туғри бошқаришга боғлиқ.

Ўйинни ташкилий равишда ва ўз вақтида бошлаш зарур. Ўйин белги бўйича бошланди. Болаларни ўйин қоидаларига онгли равишда амал қилишга ўргатиш. Уйинжараёнида ўйнаётганларнинг ижодий фикрини ривожлантиришга аҳамият бериш зарур. Бошқарувчи болаларни ўйинбилан қизиқтириши, уларни жалб қилиш лозим. Тартибга, ўйинчилар зиммасидаги қоида ва мажбуриятларни хаққоний бажаришига эришиш лозим. Ўйин жараёнида ўйинчиларнинг кайфияти ҳам назарга олинади .

Ўйиннинг давомийлиги ўйин характерига, машғулотлар шароитларига ва шуғулланувчилар таркибига боғлиқ. Бошқарувчи ўйинни болалар чарчаб қолмасидан якунлаши, уларнинг харакатлари тулиқ ҳис-ҳаяжонли булган вақтда, уйинга қизиқиш уйғотиши керак.

Ўйин натижаларининг аниқланиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ўйин тугагач бошқарувчи унинг натижаларини эълон қилиши керак. Ўйин натижаларини, болаларнинг ўз ҳаракатларини туғри баҳолашга ўргатиш учун хаққоний, хеч кимни назардан четда колдирмасдан эълон қилиш керак.

Ўйин натижалари эълон қилинаётганда, қатнашчиларнинг техник ва тактик ҳаракатларида йўл қўйилган хатоларини кўрсатган ҳолда таҳлил қилиниши зарур.

Адабиётлар

1.Жуков М.Н. Подвижные игры. - Москва: «ACADEMIA», 2002. - 160 с.

2.Керимов Ф.А., Юсупов Н. Подвижные игры для кураша. - Ташкент: Абу Али ибн Сино номидагинашриёт, 2003. - 72 с.

3.Коротков И.М. Подвижные игры в школе. - Москва: «Просвещение», 1976. - 192 с.

Кузин В.В., Полиевский С.А. 500 игр и эстафет. - Москва: ФиС, 2000

МАХМУД КОШҒАРИЙ – ТУРКИЙ ТИЛЛАР ТАДҚИҚОТЧИСИ

О.Содиқов
СамИСИ ўқитувчиси

Тилшунослик фани – лингвистика ҳозирги даражага еткунгача узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Тилнинг хусусиятлари, унинг тарихий тараққиёти, сўзларнинг қандай пайдо бўлганлиги, умуман, тилшунослик масалалари олимларни жуда қадимдан қизиқтириб келган.

Маҳмуд ибн ул Ҳусайн ибн Кошғарий туркий халқлар орасида етишиб чиққан биринчи қомусий турколог олим.

Маҳмуд Кошғарий Бухоро, Нишопур, Самарқанд, Марв, Боғдод каби шаҳарларда таҳсил кўради, араб тилини, араб филологияси сирларини пухта ўрганади. Лекин у умрини туркий халқлар ва уларнинг тилини тадқиқ этишга бағишлайди. М.Кошғарий кўп йиллар давомида тўплаган бу материаллар асосида “Девону луғоти-турк” (“Туркий сўзлар девони”) номли асар ёзади.

Муаллиф “Девон”да сўзларнинг турли маънолари ва маъно нозикликларини изоҳлаш билан бирга, турли қабила тиллари ўртасида бўлган характерли фонетик ва морфологик фарқларни ҳам кўрсатиб ўтади. Бу жиҳатдан девон фақат изоҳли луғатгина бўлиб қолмай, XI аср тилининг фонетика ва грамматикаси ҳамдир. Шунингдек, девон XI аср Ўрта Осиёда мавжуд бўлган туркий қабилалар ва уларнинг тил хусусиятларини ўрганишда ва ҳозирги айрим туркий халқларнинг шаклланиши ва тараққиётини белгилашда муҳим рол ўйнайди. Айниқса, девон XI асрдаги ҳамда ундан аввалги ва кейинги даврдаги ёзма ёдгорликларни тушуниш ва ўрганишда қимматли манбадир.

Маҳмуд Кошғарий туркий тиллар қурилишини тасвирлашда қиёсий методдан фойдаланиб, тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг

асосчиларидан бири бўлди. У туркий тилларнинг лексикаси, морфологияси ва фонетикасини бир-бирига қиёслаб, улар орасидаги ўхшаш ва фарқли томонларни кўрсатди. Бу фактларни изоҳлашга тарихий аспектда ёндашди.

Луғатда туркий тиллар лексикасига мансуб 7500 сўз изоҳланган. Ўша даврдаги таомилга кўра, туркий сўзларга арабча изоҳ берилади. Шунинг учун ҳам М.Кошғарий "Тушунилиши осон бўлсин учун асарда арабча истилоҳ (термин)лар қўлладим", -дейди.

Маҳмуд Кошғарий тил фактлари асосида қабилаларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини кўрсатди ва ўша даврдаги иқтисодий, ижтимоий шароитлар асосида қабилаларнинг бир-бирлари билан бирика бошлаши натижасида юзага келган халқ тилининг илк даври материалларидан намуналар келтирди. У ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татарлар бошқа халқларнинг қадимги қабилаларини ва уларнинг қадимги содда тилларидаги сўзларнинг қайси халқ ва қабила тилига оид эканлигини изоҳлади. Шу нуқтаи назардан луғатдаги сўзларни бир нечагуруҳга ажратиш мумкин.

Ҳамма туркий тилларда қўлланадиган сўзлар: *иш, эш, йўл, бош, бой* кабилар. Бу сўзлар фонетик вариантлари билан фарқланса-да, бир хил шакл ва маънода ишлатилади. Бир хил шакл ва маънода бир неча туркий тилларда қўлланиладиган сўзлар: бол (сувор ва қипчоқ тилида асл маъносида), сузғақ (арғу ва қипчоқ тилида чўмич маъносида) кабилар.

Муайян халқ, қабила тилига оид сўзлар: гэжак-кокил (арғу тилида), ўтунч-қарз (ўғуз тилида), қарақламоқ-ўғирламоқ, таламоқ (яғмо тилида), тунак-қамоқхона, зиндон (барсағон тилида), суғут- сузма (қарлуқ тилида) кабилар. Маҳмуд Кошғарий шундай ёзади: "Мен турклар, туркманлар ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим" (ДЛТ. I.44)

Маҳмуд Кошғарий ўзлаштирма сўзларни ҳам эътибордан четда қолдирмади. Масалан, қарит (ўғирлаш, талаш) сўзини у туркман тилига араб тилидан ўзлашган деб тахмин қилади.

М.Кошғарийнинг XI аср фонетикасига берган изоҳлари туркий тиллар фонетикаси учун қимматлидир. Бироқ у ўз асарида фонетикани махсус бўлим сифатида изоҳламаган. Чунки асар тузилиши уни талаб қилмаган. Лекин М.Кошғарий зарур ўринларда у давр тили фонетикаси кенг изоҳланган.

Товуш ва ҳарф муносабатларини илк марта у аниқлади ва у давр ёзувида мавжуд ҳарфлар жонли тил товушларини ифодалашдан ожиз эканлигини очиб берди ва биринчи марта ёзувдаги ана шу камчиликни тўлдириш учун бир қанча янги белгилар тайинлади. У шундай ёзади: "Туркий тиллар ёзувда қўлланувчи ҳарфлар ўн саккизтадир. Ҳолбуки, тилдаги товушлар ўн саккизта эмас, кўпдир. Бу ўн саккиз ҳарф етишмайди. Булардан бошқа тилда бўлган товушларни бериш учун яна етти ҳарф керак. Лекин у ҳарфлар йўқ. У етти товушни ана шу мавжуд ҳарфлар устига махсус белги қўйиб ёзилади" (ДЛТ, 1 т., 7-8-бет).

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асари фақат тилшунослик асари бўлиб қолмасдан, ўз даврини қомусидир. Чунки унда турли халқларнинг тарихи, жўғрофияси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, урф-одатлари, табиий шароити, этнографияси, адабиёти ҳақида қимматли материаллар мавжуд. М.Кошғарий томонидан берилган маълумотлар ҳозирги тилларни ўрганишда ва уларнинг қиёсий-тарихий грамматикасини яратишда қимматли манба бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Кошғарий М. Девону луғотит турк. Уч томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1960.

ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ И ЗНАЧЕНИЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ПОДГОТОВКЕ К ЖИЗНИ

Р. Коссе
СамИСИ ўқитувчи

Мощным средством социализации личности, совершенствования индивидуальных и профессиональных качеств является физическая культура. Она выступает важнейшим средством гармоничного всестороннего развития личности человека. Люди по-разному относятся к физической культуре и спорту: некоторые полагают, что спорт играет огромную роль в их жизни, а другие считают его бесполезной тратой времени. Значимость физической культуры в современном мире. В настоящее время физическая культура и спорт представляют собой общественное явление. Физическая культура является составной частью спорта, методом физического воспитания. Она пронизывает все уровни развития современного общества, оказывая влияние на основные сферы жизнедеятельности. Спорт оказывает влияние на образ жизни людей, деловую жизнь, этические ценности поколений. В спорте ярко проявляются такие потребности, как желание достижения успеха, стремление к цели быть первым, победить соперника и показать хороший результат. Основной проблемой физической культуры является формирование ценностного отношения личности и общества к физической подготовке и спортивному образу жизни. Посредством занятия спортивной деятельностью зависит от того, насколько совпадают ценности спорта с ценностями личности или общества в целом. Спорт это своеобразная школа вырабатывания характера, силы воли. Множество ситуаций проигрываются в спортивной деятельности, что позволяет личности нарабатывать для себя жизненный опыт, выстраивать систему установок и определенных ценностей. В результате многосторонних связей с другими явлениями возникают общекультурные связи. Важным результатом вовлечения молодежи в регулярные занятия спортом является гармоничное всестороннее развитие личности. Именно спорт выступает средством охраны и укрепления здоровья человека. В процессе жизнедеятельности применение

методов физической культуры способствует профилактике различных заболеваний. Следует отметить, что особым значением обладает поддержание здорового образа жизни . Спорт служит хорошую службу не только молодежи, но и взрослому населению. Он служит средством оздоровления, профилактики, защиты от последствий. Как массовое социальное движение спорт приобрел значение в качестве одного из факторов сближения людей в группы, клубы, организации на основе общих интересов. В международном общении спорт уже давно занимает одно из ведущих мест. В нашу эпоху спортивные связи приобрели форму спортивного движения, например, Олимпийское движение стало широким течением современности. В настоящее время ни одна сфера человеческой деятельности не существует без спорта, поскольку физическая культура является общепризнанной материальной и духовной ценностью общества в целом. Каждый год все чаще говорится о спорте как о социальном феномене. Феномен спорта пока изучен не полностью, но все же он уникален. По словам В.К.Бальсевича, он является мостиком, позволяющим соединить биологическое и социальное развитие человека, а также является первым видом культуры, который формируется в человеке. Спорт складывался исторически под влиянием практических потребностей человека в полноценной физической подготовке, которая постепенно, по мере развития систем образования, стала первостепенным фактором формирования двигательных умений и навыков. Ценностный потенциал спорта современного социума складывается из двух уровней ценностей и представляет собой механизм преобразования общественных ценностей в личное достояние отдельной личности: Общественные ценности включают накопленные человечеством знания, спортивную технику, методики оздоровления, спортивные достижения то, что создано обществом для физического совершенствования и оздоровления. Основными показателями, характеризующими уровень значимости ценностей спорта в социуме являются правовая основа, финансирование, а также сформированности положительного общественного мнения. Личностные ценности определяются знаниями человека в области физического совершенствования, способностью к самоорганизации, социально-психологическими установками. Для личности имеет особое значение освоение мобилизационных ценностей спорта, которые помогают ему выжить в экстремальных ситуациях. Следует отметить значение накопленного в спорте опыта познания способностей человека. Спорт, осваивая новые рубежи, раскрывая границы человеческих возможностей, несет в себе одну из важнейших социальных ценностей. Характеризуя социальную ценность спорта, следует иметь в виду его экономическое значение. В настоящее время разворачивается борьба за право организации олимпийских игр, кубков мира, чемпионатов. В развитие спорта общества вкладывает материальные средства, которые окупаются, начиная со здоровья населения и заканчивая доходами от коммерческой стороны спорта. Воспитание физического здоровья должно начинаться с самого детства и продолжаться всю жизнь. Ежедневная гимнастика должна стать привычкой, как, например, умывание. Необходимо

стараться проводить время в движении. Разумеется, большинство людей отнюдь не спортсмены. Однако необходимо заметить, что спорт позволяет легко справиться не только с физическими нагрузками, но и с умственными и моральными. Например, если человек привык ходить пешком, то он взбежит по лестнице, не задумавшись, а если он всегда ездит на лифте, то подъем по лестнице вызовет у него отдышку. В нашей жизни физическая культура тренирует мышцы, стимулирует систему кровообращения, выносливость и силу организма. Например, жизнеспособность и работоспособность сердца напрямую зависит от силы и развитости мышечной структуры организма, поэтому их необходимо тренировать. Физическая культура особенно полезна людям умственного труда. Люди, занятые умственной деятельностью, ведут сидячий образ жизни, что приводит к деформации скелета и позвоночника. Именно спорт позволит таким людям быть в тонусе. Таким образом, в нашей стране в настоящее время формируется активный интерес к здоровому образу жизни и спорту. Еще в глубокой древности врачи и философы отмечали необходимость физической нагрузки для здоровья человека. Подчеркивалось что нет такого лекарство которое может заменить движение в то время как двигательная активность способна заменить многие лекарства. Аристотель считал самым губительным для здоровья человека безделье, а Авиценна указывал, что если заниматься физическими упражнениями, то отпадает нужда в употреблении лекарства. По выражению Платона (Гимнастика есть целительная часть медицины)

Если продолжить сопоставление физических упражнений и лекарство, то будет уместным напомнить, что при неправильной дозировки лекарства превращается в свою противоположность–яд. Оздоровительный эффект физических упражнений также зависит от дозировки. Она может быть недостаточной, оптимальной и чрезмерной. Об этом необходимо помнить при организации любых форм занятий физическими упражнениями, будь то первые шаги в физической культуре. Важнейшая заповедь Гиппократа для медиков (Не повреди!) Учебными планами институтов предусмотрено получение будущими учителями значительного объема знаний в области дисциплины биологического цикла. Эти знания не сами по себе, а применительно к процессу физического воспитания для установления оптимального уровня физических нагрузок каждому человеку, а значит для практической реализации принципа оздоровительной направленности.

Оздоровительная направленность физического воспитания зависит не только от правильного воздействия на организм человека объемом и интенсивностью применяемых нагрузок. Весьма важным оздоровительным фактором является выбор средств физического воспитания и мест проведения занятий. Оздоровительная ценность упражнения являются важнейшим критерием при решении вопроса о содержании занятий. Занятиям на свежим воздухе следует отдавать преимущество перед занятиями в помещении. Следует помнить, что 10-15 мин пребывания в непроветренном пыльном помещении сводят к нулю оздоровительный эффект любого занятия

физической культурой. При всей несомненной пользе занятия физическими упражнениями, и особенно спортом, необходимо помнить, что нерациональное их использование, узкая специализация не соответствующая возрасту, недооценка средств общей физической подготовки, дозирование нагрузок без учета возможностей организма могут привести к нарушению состояния здоровья занимающихся. Педагог или тренер должен хорошо ориентироваться в биологических закономерностях функционирование растущего организма, знать пределы его функциональных возможностей, не пренебрегать квалифицированным врачебным контролем (мед осмотром) и самому систематически наблюдать за состоянием учеников.

Принцип оздоровительной направленности в системе физического воспитания реализуется в единстве с теми социальными достижениями, которые

Литература

1. Пуни А.Ц. Проблема личности в психологии спорта,-М.: ФиС, 2008.

2. Серова Л.К.Психология личности спортсмена,-М.:АсТ,2013.-116с.

3.Ашмарин А.П. Азолин Н.П. Теория методика физической культуры, ФиС 2010.

ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ – МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

С.Хамраев
СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

Бугунги кунда маънавий таҳдидларга қарши кураш давлатнинг, бирор бир ижтимоий уюшманинг иши бўлмай, балки ҳар бир фуқаронинг вазифасидир. Бепарволик ва лоқайдлик ўз манфаатини жамоат манфаатидан устун қўйишдан, худбинликдан, келажак ҳақида қайғурмасликдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам ишонмасликдан, қўрқоқликдан келиб иллатлардан чиқади. Жамият келажагини ўйлайдиган инсон ҳеч қачон теварак-атрофидаги ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмайди. Зарарли, ёт жараёнларни фош қилади, уларга қарши фидойилик билан курашади.

Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади нутқида қуйидаги фикрларни билдирган эди: “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз”.

Бизнинг мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан боришимиздаги танлаган технологиямиз маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатлари юксак бўлиши, кишиларнинг

чуқур ва замонавий билим, кенг дунёқараши, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шакли – юксак маънавиятнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб беришга, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ва уларнинг олдини олиш йўлларини ишлаб чиқишга имкон яратади.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳаётига катта хавф туғдираётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркоагрессия ва СПИД сингари офатларни кўпчилик яхши билади. Лекин бугунги кунда ҳамма ҳам билавермайдиган, ошкора кўзга ташланмайдиган, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ҳам борки, уларнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлади. Булар Ғарб оламида кенг тарқалган эгоцентризм ва эркинлик ниқобидаги ахлоқсизлик фалсафасидир.

“Менга нима” деб қараш, лоқайдлик, беписандлик, ўзини, ўз манфаатини ҳаммадан устун қўйиш, худбинлик, ҳамма нарсалар менинг ҳузур-ҳаловатимга хизмат қилиши керак, дейиш, шуҳратпарастлик, кибр, маҳмадоналик, тажанглик, бировни эшита билмаслик, хатосини тан олмаслик, совуққонлик, танқидга чидамсизлик – эгоцентризм дардига дучор бўлган одамнинг белгилари.

Ота-онанинг, кишиларнинг лоқайдлиги жамиятдан, ҳаётдан асоссиз норози эгоцетристларни пайдо қилади. Маънавий қаровсизлик, бурчсизлик ўсмирни гиёҳвандларга, жиноятчиларга, ким мўмай пул ваъда қилса, ўшаларга топширади.

Шу тариқа, эгоцентрист-худбинлар жабрини биринчи – уларнинг ота-оналари тортади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг асосий вазифаси ёшлариимзни ғоявий-мафкуравий иммунитетини шакллантиришдир. Мамлакатимиздаги барча ижтимоий институтлар мазкур масалага масъулдирлар. Хусусан, оила, маҳалла ва узлуксиз таълим тизимининг ҳамкорликда ва ҳамжиҳатликдаги фаолияти ёшлар ғоявий мафкуравий иммунитетини шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Маънавият-Т.: 2008
2. Шавкат Мирзиёев БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан

МАЪНАВИЙ МЕРОСНИНГ ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ

Ф. Косимов
Чирчиқ давлат педагогика институти тадқиқотчиси

Маълумки, Янги Ўзбекистонда халқимизнинг узоқ ҳаётий тажриба, тушунча ва қадриятларига асосланган ўлмас меросимизни ўрганиш маънавият ва маърифатнинг ажралмас қисми сифатида устувор вазифаларга айланди.

Тарихда иккита Ренессанснинг асосини ташкил этган илм-фан ва маърифат масаласи бугунги ҳаётимизда ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан унинг негизида учинчи Ренессансга пойдевор қўйилиши давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йилнинг долзарб вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Бу эса, аввало илмий меросимизни чуқур ўрганиш, нималарга асосланган ҳолда қадам қўйишимизда таянч нуқта сифатида илмий асосланган тарғиботларни олиб бориш, қўлёзма манбалар асосида тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз, адабиётимиз – маданиятимиз илдизларини тадқиқ этиш ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, маънавий мерос бу маънавий тараққиёт маҳсули, инсон ақл-заковати билан яратилган, келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган, кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларига куч-қувват берадиган аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуини ифодалайдиган тушунчадир. Дарҳақиқат, маънавий мерос аждодлар тажрибаси, қолдирган маънавий бойликларининг келгуси авлодларнинг амалий фаолияти, тафаккур тарзида қандай аҳамият касб этишига кўра, якка шахс, алоҳида гуруҳ ёки муайян миллат вакилларига тегишли бўлиши мумкин. Улар маълум миллий тилда яратилгани, миллий маданий-маънавий анъаналар, қарашларни акс эттиришига кўра миллатга, маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи турли миллатларни қамраб олиши хусусиятига кўра жамиятга, маълум бир давлат ҳокимияти амал қилиб турган даврда яратилганига кўра давлатга, инсоният тарихида тутган юксак ўрнига кўра цивилизацияга хос бўлиши ҳам мумкин.

Хўш инсон капитали нима? Инсон капиталини ривожлантиришда маънавий мероснинг аҳамияти борми?

Инсон капитали - бу инсон ва умуман жамиятнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билимлар, малака ва кўникмалар тўпламидир. Бу атама биринчи марта Теодор Шульц томонидан қўлланилган ва унинг вориси Гари Бекер ушбу ғояни ишлаб чиққан, инсон капиталига сармоя киритиш самарадорлигини асослаб берган ва инсон хулқ-атворига иқтисодий ёндашувни шакллантирган.

Дастлаб, инсон капитали деганда фақатгина инсонга меҳнат қобилиятини оширадиган инвестициялар йиғиндиси - таълим ва касбий маҳорат тушунилган. Кейинчалик инсон капитали тушунчаси сезиларли даражада кенгайди. Жаҳон банки мутахассислари томонидан ўтказилган сўнгги ҳисоб-китобларга кўра истеъмол харажатлари - оилаларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият учун харажатлари ҳамда шу мақсадлар учун давлат харажатлари киради.

Инсон капитали кенг маънода иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқарувчи омили, жамият ва оила ривожи, шу жумладан меҳнат ресурслари, билимлар, интеллектуал ва бошқарувчи меҳнат воситалари, яшаш муҳити ва меҳнат фаолияти учун воситалар, ривожланишнинг самарали омили сифатида инсон капиталининг оқилона ишлаши ҳамда таълимнинг самарали ва

самарали бўлишини таъминлайди. Шу сабабли ҳам инсон капитали - инновацион иқтисодиёт ва билим иқтисодиётини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий омилидир.

Айтиш керакки, таркиб жиҳатидан инсон капитали соғлиқни сақлаш, билим ва қобилиятларнинг захирасини ўз ичига олади, улар қуйидаги шароитларда капиталлаштирилади: инсон қобилиятларини ҳаёт босқичлари бўйича оқимли, аккумулятор захиралари; меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келадиган қобилиятлар захирасидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги; меҳнат унумдорлигининг ошиши табиий равишда ходимнинг даромадининг ошишига олиб келади; даромаднинг ўсиши ходимни ўзининг инсон капиталига қўшимча сармоя киритишга ундайди, уни кумулятив равишда тўплайди.

Бэкернинг сўзларига кўра, «Инсон капитали - бу ҳар бир инсонда мавжуд бўлган билим, кўникма ва мотивация заҳираси. У таълимга, ишлаб чиқаришга ўқитишга, соғлиқни сақлашга, миграцияга, нархлар ва даромадлар тўғрисидаги маълумотларни тўплашга сарфлаш шаклида инсон инвестициялари (узоқ муддатли капитал қўйилмалар) орқали шаклланади» [1]. Дарҳақиқат, таълим, саноат тажрибасини тўплаш, соғлиқни сақлаш, маълумот олиш инсон капиталига инвестицияларни англатади. Таълим ва касб-ҳунар таълими инсоннинг билим даражасини оширади, яъни инсон капитали ҳажмини оширади. Соғлиқни сақлаш касалланиш ва ўлимни камайтиради ва инсоннинг умрини оширади. Миграция ва маълумот излаш ишчи кучи иш ҳақи юқори бўлган жойларга ва тармоқларга, яъни инсон капитали нархи юқори бўлган жойларга олиб боришига олиб келади.

Ҳозирда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган барча ислоҳотлар инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда рақамлаштириш жараёнлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шунингдек, рақамлаштириш жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида содир бўлмоқда. Хусусан, инсон учун энг муҳим соҳалар иқтисодиёт, таълим ва тиббиётдир.

Шуни таъкидлаш керакки, инсон капиталини ривожлантиришда, айниқса ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларни юксак миллий маънавият, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бой илмий меросдан унумли ва ўринли фойдаланиш хозирги кунда ёшларимиз тарбиясида жуда катта аҳамиятга эга.

Инсонлар ўз табиатига кўра генетик кўникма ва қобилиятларга эга. Бироқ, уларнинг шаклланиши, ривожланиши ва амалга оширилиши жамиятнинг маънавий тизимида бўлгани каби индивидуализация жараёнида ҳам содир бўлади. Улар инсоннинг шаклланиши ва ривожланиши учун интеллектуал ва ижтимоий муҳитдир. Шунинг учун инсон капиталини ривожлантириш учун унинг шаклланиш механизмини тушуниш керак. Шу муносабат билан ҳар бир инсон ва умуман жамият ҳаётидаги маънавий омилларнинг ролини чуқурроқ англаш зарурати туғилади.

Инсон капитали фақат интеллектуал қатлам ва интеллегенциядан иборат эмас. Бу тушунчага одамларнинг туриш-турмуши, саломатлиги, кайфияти, орзу-интилишлари, бир-бирига бўлган муносабати ҳам кириб кетади. Инсон капиталини шакллантиришда эрталаб уйқудан уйғонганда ўзингизни қандай ҳис қилишингиздан тортиб, атрофдагилар билан нечоғлиқ хушмуомала бўлишингизгача — иш унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган жамики ҳолату ҳодисотлар муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, инсон капиталини юзага чиқариш икки жиҳатга боғлиқ. Биринчиси, биологик омил. Миллат характеридаги баъзи хусусиятлар наслдан-наслга ўтиши фанда исботланган. Жуда кучли қомусий олимларнинг авлодимиз. Бу эса ўзбек халқининг генетикаси инсон капитали учун мустаҳкам асос бўла олишини англатади.

Иккинчи омилга мамлакатда рўй бераётган жараёнлар - таълим сифати, илмий салоҳият, соғлиқни сақлаш тизимидаги ижобий ўзгаришлар ва бошқа индикаторларни киритиш мумкин.

Қизиғи, инсон капиталининг ягона ўлчови мавжуд эмас. Баҳолаш методологияси ва мезонлари ҳам ишлаб чиқилмаган. Шу боис дунёда инсон капиталининг универсал қолип-андазаси бор, деб бўлмайди. Ҳар бир мамлакат уни ўзи билганича, ички имкониятларидан келиб чиқиб яратади. Аммо инсон капиталини бирданига яратиб бўлмайди. Бунга узоқ вақт керак.

Шуни таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш, билим ва кўникмаларни ўз ичига олган инсон капитали XX асрда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, хусусан Осиёда иқтисодий ўсиш ва қашшоқликни камайтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимиз Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб инсон капиталини ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватламоқда [4].

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси, таълим соҳасига доир бир қатор қарор ва фармонлар, хусусан, жорий йилдан тажриба-синов тариқасида ўнта олий таълим муассасасининг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтгани ва бошқа ислоҳотлар мамлакатнинг инсон капитали борасидаги позицияси қандайлигини кўрсатиб турибди. Бироқ Ўзбекистонда янгича фикрлайдиган мутахассислар қатлами юзага келмагунича инсон капитали ривожланмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон капиталининг ривожи ҳам шахснинг онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқараши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва табиатига бевосита боғлиқдир. Инсон ақл-идрок соҳиби бўлганлиги боис реал дунёдаги воқеаларни тушунади, илму тафаккури, меҳнати, салоҳияти билан дунёни бошқаради. Инсон капиталининг юксалишига уни ўраб турган ижтимоий муҳитда рўй бераётган барча воқеаларнинг таъсири кучлидир. Замонавий жамият ривожланишининг асосий омили – таълим, соғлиқни сақлаш, профессионал ижодкорлик ва ахборот технологияларнинг илмий ҳамда инновацион тараққий этиши билан юзага келади. Шунингдек, «агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни

барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият» [5].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход: избранные труды по экономической теории. – М.: ГУ-ВШЭ, 2003.

2. Сайфуллина Л.Д. Управление человеческим капиталом в системе цифровых экономических отношений // Фундаментальные исследования, №11, 2018. -С.94.

3. Человеческий капитал: теория, исторический опыт и перспективы развития: монография / кол. авторов ; руководитель проекта д-р экон. наук, проф. И.Н. Шапкин. — Москва: РУСАЙНС, 2017. - 282 с.

4.https://kun.uz/news/2018/10/11/uzbekiston-inson-kapitalini-rivozlantiris-lojiasini-kullab-kuvvatlovci-27-davlat-katoriga-kusildi

5. https://iiv.uz/news/shavkat-mirziyoev-jamiyat-hayotining-tanasi-iqtisodiyot-bolsa-uning-joni-va-ruhi-manaviyatdir

БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА МАЪНАВИЙ МЕРОСДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ XXI АСР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

С.Тожибоева

Қўқон давлат педагогика институтининг мустақил изланувчиси

Миллий ва умуминсоний қадриятларга оид ғояларни таълим мазмунига сингдириш асосида ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш тарбия жараёнининг долзарб вазифаларидан биридир. Ўқувчиларни глобаллашув даврининг энг муҳим муаммоларидан бири – инсон саломатлиги ва табиатга оид хавфни бартараф этишга имкон берувчи билимлар билан қуроллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид фикрларни вужудга келтиришда хулқ-атвор сифатларининг шаклланиши ва мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутувчи муайян имкониятлар мавжуд. Биология дарсларида маънавий меросдан фойдаланиш ва Абу Али ибн Сино таълимотларининг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрни муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар онгида Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг инсон саломатлиги ва табиатни асрашга оид қарашларига асосланган билимларни ҳосил қилиш уларда атроф-муҳитга, табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялайди.

Абу Али ибн Синонинг ер юзасидаги табиий жараёнлар даврлар ўтиши билан ўзгаришига оид ғоялари биология фанининг ривожи учун муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи

ўқувчиларига мўлжалланган биология дарслигида қайд этилган “Ҳаётнинг организм даражасидаги умумбиологик қонуниятлар” деб номланган IV бобига тегишли 24-§. “Генетик ва инсон саломатлиги” мавзуси мазмунини такомиллаштиришда ташқи муҳитнинг киши организмига кўрсатадиган таъсири, инсон саломатлигини сақлаш, парҳез, шахсий гигиена тўғрисидаги масалалар аллома томонидан яратилган “Тиб қонунлари” асарига сингдирилган муҳим ғоялар сирасига киради. Алломанинг инсон танасида касалликларни келтириб чиқарувчи омиллардан бири сув, ер ва ҳавода мўътадилликнинг бузилиши билан боғлиқлиги, яшаш жойларининг торлиги, озода бўлмаслиги, юқумли (мохов, чечак, вабо иситмаси, йиринг, тошма каби) касалликларнинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратиши, юқумли касалликларнинг аҳоли зич жойлашган жойларда ҳаво ва бошқа омиллар орқали юқишига доир илмий хулосалари, ҳозирги даврда ҳам муҳим ижтимоий, тарбиявий аҳамиятга эгадир. Мутафаккирнинг “Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаганида эди, инсон минг йил умр кўрган бўлар эди” деган машҳур фикри эса ўқувчиларда ҳавони ифлослантирмаслик, атроф-муҳитни озода сақлаш ва табиатга зиён етказмасликка оид кўникма ва малакаларига эга бўлишларига ёрдам беради.

Абу Али ибн Сино бадан тарбиянинг турли кўринишлари ва улардан инсон саломатлигини мустаҳкамлашда қандай фойдаланиш йўлларини ҳам кўрсатиб берган. Олим бадан тарбия машқларини қуйидаги гуруҳларга бўлади: “Кичиги ва каттаси, жуда кучли ва кучсиз, тез ва суст ёки тез ва шиддатли ҳаракатлардан иборат ёхуд суст тури”. Аллома болаларнинг бадан тарбия билан шуғулланишлари учун қулай бўлган вақтларни ҳам тавсифлаган. Чунончи, бадан тарбия учун баҳор фаслида тушга яқин вақт қулай бўлиб, машқ ўртача ҳароратли уйда бажарилиши, ёзда эрталаб, қишда эса кечқурун жисмоний машқлар билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир. Мутафаккирнинг фикрича, бадан тарбияси билан шуғулланишда яна қуйидаги шартларга ҳам риоя қилиш зарур: қишда уйни ўртача ҳароратда иситиш, машқларни овқат ҳазм бўлгач амалга ошириш тиббий жиҳатдан тўғри саналади.

Биология фани дарслигининг “Ҳаётнинг организм даражасидаги умумбиологик қонуниятлари” номли[175] IV бобининг 12-§. “Ҳаётнинг организм даражаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари” мавзуси бўйича эса дарс қуйидагича ташкил этилиши тавсия этилади. Дарс мавзуси бўйича суҳбат ташкил этилиб, унда ўқитувчи кўргазмали қуроллар ёрдамида ўқувчиларга нафас олиш органлари, ўпка ва унинг вазифалари ҳақидаги маълумотларни беради. Дарсда Ўрта Осиё алломаларининг ташқи муҳитнинг инсон организмига кўрсатадиган таъсирлари ва инсон саломатлигини сақлашга оид қарашларидан фойдаланишга эътибор қаратилади. Жумладан, Абу Али ибн Сино кўмир газининг зарарли хусусиятини биринчи бўлиб илмий жиҳатдан тавсифлаган: “Кўмир ҳиди

[175] Biologiya. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 10-sinfi uchun darslik: 1-nashr / Mualliflar: A.G‘afurov, A.Abdukarimov, J.Tolipova, O.Ishankulov, M.Umaraliyeva, I.Abduraxmonova. – T.: «Sharq», 2017. – 240 b.

миқдори билан эмас заҳарлилик қуввати ҳисобига мияни қиздиради, қуритади ҳамда унинг қувватини заифлаштиради”[176], - деб таъкидлаган.

Табиатни асл ҳолича асраш тўғрисида кишилар қадимдан ўйлаб келганлар. Агар аждодлар табиатни асрашга бефарқ қараганларида эди, табиат ҳозирги ҳолатида бўлмаган бўлар эди. Бугунги кунда ҳаво, сув ва тупроқ борган сари ифлосланиб бормоқда. Айрим завод ва фабрикалар ҳавони чанг ва заҳарли тутунлар билан ифлослантиради, сув ҳавзалари ва тупроққа эса зарарли моддалар тушади. Агар табиат чанг ва тутун билан қопланса, табиий бойликлар инсонлар эҳтиёжлари учун қириб ташланса, ҳайвонат дунёси кўпаймайди, ўсимликлар ўсмайди.

Ҳозирги даврда далалардан кўп ҳолларда ўсимликлар илдизи билан юлиб олинади, ҳайвонлар мўйна ва гўшти учун тобора кўпроқ овланмоқда. Республикамиз ҳудудида илгари лола, чиннигул, тоғ эчкиси, капча илон ва кичик бурғулар тез–тез учраб турган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони кескин камайган. Улуғ бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур табиатнининг ўша давридаги ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: “Сайҳун дарёсининг Ахси тарафи даштдур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангалдур. Буғу-морал, қирғовул ва товушқони кўп топилур”. Эндиликда далаларда оқ кийик, буғу-морал, қирғовул ва товушқонлар йўқ ҳисоб, уларни фақатгина қўриқхоналардагина учратиш мумкин. Тобора йўқолиб бораётган ёки йўқ бўлиб кетган ҳайвонлар, қушлар ва ўсимликлар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоб”ига киритилган.

Бу каби салбий кўринишлар ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамлар ҳаётидаги уйғунликни бузади.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-синф Биология дарслигида келтирилган “Ҳаётнинг тур ва популация даражасидаги умумбиологик қонуниятлар” деб номланган IV бобига таълуқли 37-§. “Эволюцион ғояларнинг пайдо бўлиши” мавзуси мазмунига самарали сингдириш мумкин бўлган яна бир ғоя – бу Абу Али ибн Синонинг сув, ер ва ҳавонинг мунтазам ифлосланиши, инсон яшаш жойларининг озода бўлмаслиги турли юқумли касалликлар (мохов, чечак, вабо, йирингли тошмалар ва бошқалар)нинг тез тарқалиши учун қулай шароит яратиши ҳақидаги фикридир.

Биология фани предметига доир ўқув дарслигидаги материални ўрганиш жараёнида юқорида қайд этилган бобнинг 41-§. “Яшаш учун кураш ва унинг турлари” мавзусидаги “Организмлар орасидаги муносабатлардан инсоннинг фойдаланиши” банди мазмунини такомиллаштиришда ўқувчиларда саломатлигада учраши мумкин бўлган муаммолар ечими учун ҳуқуқий билимларни ҳам интеграция усуллар асосида сингдириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40–моддасида ҳар

[176] Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I жилдлик сайланма / Тузувчилар: У.Каримов, Х.Хикматуллаев. - Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996. – 542 б.

бир фуқаронинг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланганлиги айтиб ўтилади[177].

Ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилишнинг самарали йўлларидан яна бири – турли зарарли одатларни ўзлаштирмаслик (масалан, спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларни истеъмол қилмаслик, тамаки маҳсулотларини чекмаслик) зарурлиги ўқувчиларга алоҳида уқтирилади. Зарарли одатлар инсон организмида турли касалликларни келтириб чиқаришига алоҳида урғу берилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, маънавий меросларимиз қаторида Абу Али ибн Сино асарлари ва унинг таълимотларидан умумтаълим мактабларининг биология фани дарслари мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш бўйича изланишларимиздан келиб чиқиб, мутафаккирнинг XXI аср таълим-тарбиясига оид қуйидаги таклиф ва тавсиялармизни таъкидлаб ўтамиз:

1. Биология дарслари мавзулар бўйича мутафаккирнинг табиат ва инсон саломатлигига оид қарашларини ўқувчиларга етказиб беришда интеграцион (гуманитар фанлар, география, биология) таълим асосида ёндашиш ижобий натижаларни беради.

2. Ўқувчиларга биологияга доир билимларни бериш жараёнида, мамлакатимизда янги ривожланиш босқичида (ўқувчи яшаётган худуд мисолида ҳам) табиатни асраш, флора ва фаунани сақлаш ва унинг инсон саломатлиги учун аҳмиятга молик ишлардан мисоллар келтириш мақсадга мувофиқ.

3. Биология дарсларида Абу Али ибн Сино асарлари нусхаларини ўқувчиларга кўрсатиш, намойиш этиш, аллома ижодига доир кўргазмали материал, плакат, ўқув ва ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг биология фани дарсига бўлган қизиқишини кучайтиради.

4. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг бутун дунёга машҳурлиги, жаҳондаги етакчи университетларда дарслик сифатида фойдаланиб келинаётганлигини таъкидлаш, ўқувчиларда ватанпарварлик ва ғурур ҳиссини кучайтиради, келажакда илм фан билан шуғулланишга ундайди.

5. Ўқувчи учун муҳим бўлган инсон саломатлиги яъни, унинг ижтимоий иқтисодий ҳаётдаги фаоллигини таъминловчи асосий омиллардан бири эканлигини буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино фикрлари асосида тушунтирилиши уларнинг биология фанига бўлган қизиқишини орттиради ва ўқувчиларнинг фан бўйича ўзлаштиришини яхшилайди.

[177] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.: “Адолат”, 2016. - 56 б.

INTERNETDAN FOYDALANISH MADANIYATI

С.Хамраев
СамИСИ мустақил тадқиқотчиси

Zamonaviy axborot texnologiyalari taraqqiy etgani sayin internet olami ham rivojlanib bormoqda. Internet bu – hozirgi zamon talabidagi yagona ommabop kompyuter tarmog'i hisoblanib, bizga barcha sohalarga oid noaniqlik ya'ni ongimizga mavhum bo'lgan tushunchalar haqida ochiq, oddiy va ravon ma'lumot beruvchi axborot manbaidir. U bizning hayotimizga shunchalik tez kirib keldiki, yaqin hamrohimizga aylangandek go'yo. «Uzog'imizni yaqin, yo'g'imizni bor qiluvchi» bu vosita zarur bo'lgan ma'lumotni topish, xorijda ta'lim olayotgan yoki xizmat safarida yurgan yaqinlarimiz bilan muloqotda bo'lish uchun keng imkoniyatlar eshigini ochmoqda.

Ammo har bir ijtimoiy hodisa kabi, internetning ijobiy jihatlaridan ko'ra salbiy tomonlari ko’proq namoyon bo’lmoqda. Eng yomoni, yoshlar orasida «smartfonga tobelik» kasaliga chalinganlar soni oshib, ularni umumiy ovqatlanish joylarida, jamoat transportida, hatto chorrahani kesib o'tayotganlar orasida ham uchratadigan bo'lib qoldik. Ayniqsa, internet asiriga aylangan yoshlarga nazar tashlasangiz, istalgan joyda boshi egik holda smartfonda kim bilandir yozishayotganiga guvoh bo'lasiz.

Ayrim yoshlar internetga qaram bo’lib qolmoqda gohida ijtimoiy tarmoqlarda tonggacha faol bo'lgan qizlar, ba'zida yoshi bir joyga borib qolgan ayollarning o'z oilasi, farzandlarini unutib, onlayn hayotda «faol» javlon urayotganligi namoyon bo’lmoqda. Jamiyatni tashvishga solayotgan «ommaviy madaniyat» odamlarda iste'molchilik va befarqlik kayfiyatini avj oldirib yuborayotgani ana shunday lahzalarda butun fojiasi bilan ko'rinib qoladi.

«Ommaviy madaniyat»ning maqsadi faol insonni boqimandaga aylantiradi. Me'yor hissini susaytirayotgan bu kabi illatlarga qarshi faqat aql bilan kurashishimiz lozimligini unutib qo'yyapmiz. «Madaniyatlilik» niqobiga burkangan bu xavfga ko'r-ko'rona ergashayotganimiz esa yanada achinarli.

Biz talabalardan tinglash madaniyatini, muomala madaniyatini, kiyinish madaniyatini talab qilamiz. Halollik, fikrni qisqa va lo‘nda ifodalash, shuningdek suhbatdoshni tinglay olish yaxshi muloqot garovidir,deb tushuntiramiz.

To‘g‘ri, Internetdan va shu kabi boshqa axborot manbalaridan foydalanishga har birimiz haqlimiz. Biroq bu — nima targ'ib qilinsa, nimaiki yopirilib kelsa, barchasini qabul qilaverish degani emas. Yuqorida birgina inson hayotida ro'y bergan holatni eslatdik.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, 2 milliard internet foydalanuvchisi mobil telefondan tarmoqqa ulanarkan.

Smartfondan ko'p foydalanish esa uyqusizlik va ko'z kasalliklarini vujudga keltirishi aniqlangan. Bugungi kunda maktab o'quvchisidan tortib universitet talabasigacha mobil telefondan internetga bog'lanish vositasi sifatida foydalanmoqda.

Mamlakatimizda ham sog'lom axborot muhitini shakllantirish, global tarmoqda har tomonlama foydali, milliy ruhdagi saytlarni ko'paytirish, yoshlarda mafkuraviy immunitet va axborot maydonida kechadigan janglarda milliy o'zlikni muhofaza qilish ko'nikmalarini tarkib toptirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Davlat va nodavlat tashkilotlari tomonidan milliy veb-saytlarni yaratishga qaratilgan ko'rik-tanlovlarning o'tkazilayotgani, yosh veb-ixtirochilarning moddiy va ma'naviy jihatdan qo'llab-quvvatlanayotgani, sog'lom axborot muhitini shakllantirishga yo'naltirilgan turli tadbirlar ahamiyatga molik.

Ta'lim muassasalarida mobil telefonlardan foydalanishni tartibga solish bo'yicha qabul qilingan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qaroriga ko'ra, o'quvchilar va talabalar ta'lim muassasasiga kirganda, o'z telefonini o'chirib qo'yishga majbur.

Fikrimcha, bu kabi internet yoxud mobil telefondan vaqtincha cheklovlar o'rnatish imkoniyatini beradigan dasturlar va chora-tadbirlar yosh avlodni oz muddatga bo'lsa-da, virtual olamdan chalg'itish, bugun mamlakatimizda dolzarb vazifa sifatida belgilangan kitobxonlik an'analarini yana tiklash, eng asosiysi, farzandlarimizni milliy qadriyatlarimizga sadoqat ruhida tarbiyalashga ko'mak beradi.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Karimov I.A. Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yulida xizmat qilish – eng oliq saodatdir. – T. O‘zbekiston, 2015. – 304 b.
2. Hamidov V.S. Ta’lim tizimida keskin burilishga sabab bo‘lgan 4 dastur haqida. http://uz.infocom.uz/2009/12/21/talim-tizimida-keskin-burilishga-sabab-bolgan-4-dastur-haqida/

BOSHLANG‘ICH TA’LIMDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNI TASHKILLASHTIRISH

S.Ikromova
Jomboy tuman 40-IDUMning
ingliz tili fani o‘qituvchisi

Hozirgi vaqtda ta’lim jarayonida o’qitishning zamonaviy usullarini qo’llash, o’qitish jarayonida yuqori natijalarga olib keladi. Ta’lim usullarini har bir darsning didaktik vazifasidan kelib chiqib tanlash maqsadga muvofiq sanaladi. An’anaviy dars shaklini saqlab qolgan holda, uni turli-tuman zamonaviy usullar bilan boyitish ta’lim oluvchilarning o’zlashtirish darajasini ko’tarilishini ta’minlaydi. Buning uchun dars jarayoni oqilona tashkil qilinishi, ta’lim beruvchi tomonidan ta’lim oluvchilarning qiziqishini orttirib, ularning ta’lim jarayonida faolligi muttasil rag‘batlantirilib turilishi, o’quv materialini kichik-kichik bo’laklarga bo’lib, ularning mazmunini ochishda interfaol usullarni qo’llash va ta’lim oluvchilarni ommaviy mashqlarni mustaqil bajarishga undash talab etiladi.

Boshlang’ich sinf darslarida o‘qitishning yangi zamonaviy metodlaridan foydalanish jamiyatimiz hayotida yuz bergan ijobiy o‘zgarishlar ta’limning maqsadi, mazmuni va vazifalarini ham qayta ko‘rib chiqishni taqozo etadi. Buning natijasida o‘quvchi dars jarayonida faol ishtirokchiga aylanadi, uning fikrlash doirasi kengayadi, undan ijodkorlik, tashabbuskorlik talab etila boshlanadi.

Zamonaviy usullardan foydalanish: sinf muhitini o‘zgartiradi; mavzu qanday o‘rganilishi kerakligini belgilab beradi; har bir o‘quvchini faollashtiradi. Bugungi kunda o‘qituvchi o‘qitish uchun faqat zaruriy axborotlarnigina tanlab olishi va o‘quvchini bevosita mustaqil bilim olishga o‘rgatmog‘i zarur. Bu jarayonda o‘qituvchining pedagogik mahorati, uning chuqur bilimi, odob-axloqi muhim rol o‘ynaydi. Hozirgi kunda zamonaviy usullardan foydalanib dars berishda o‘qituvchi mohirlikdan ijodkorlikka intilishi va bu bilan ta’lim sohasi rivojiga hissa qo‘shmog‘i talab etiladi. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo‘llashda noan’anaviy dars usullaridan foydalanish orqali iqtidorli o‘quvchilarni aniqlash, bo‘sh o‘zlashtiruvchi o‘quvchilarda o‘z kuchlariga ishonch hosil qilishlari uchun imkon yaratish, sinfdagi o‘quvchilar o‘rtasida do‘stlik, o‘zaro hamkorlik aloqalarini shakllantirishga erishish nazarda tutiladi.

“Rezyume” texnologiyasi. Texnologiyaning tavsifi: Bu texnologiya murakkab, ko’p tarmoqli, mumkin qadar muammoli mavzularni o’rganishga qaratilgan. Texnologiyaning mohiyati shundan iboratki, bunda bir yola mavzuning turli tarmoqlari bo’yicha axborot beriladi. Ayni paytda ularning har biri alohida nuqtalardan muhokama qilinadi. Masalan, ijobiy va salbiy tomonlari, afzallik va kamchiliklari, foyda va zararlari belgilanadi.

Texnolgiyaning maqsadi: O’quvchilarni erkin, mustaqil, tanqidiy fikrlashga, jamoa bo’lib ishlashga, izlanishga, fikrlarni jamlab taqqoslash uslubi yordamida mavzudan kelib chiqqan holda o’quv muammosini yechimini topishga hamda kerakli xulosa yoki qaror qabul qilishga, jamoaga o’z fikri bilan ta’sir etishga, uni ma’qullashga, shuningdek, berilgan muammoni yechishga o’rgatish.

Texnologiyaning qo’llanilishi: Ma’ruza darslarida (imkoniyat va sharoit bo’lsa), seminar, amaliy va laboratoriya mashg’ulotlarida yakka yoki kichik guruhlarga ajratilgan tartibda o’tkazish, shuningdek uyga vazifa berishda ham qo’llash mumkin.

Mashg’ulotda foydalanadigan vositalar: A-4formatdagi qog’ozlarida (guruh soniga qarab) tayyorlangan tarqatma materiallar, flomaster yoki rangli qalamlar.

Mashg’ulotlar o’tkazish tartibi:

o’qituvchi o’quvchilarning soniga qarab 3-5 kishidan iborat kichik guruhlarga ajratadi.

-o’qituvchi o’quvchilarni mashg’ulotning maqsadi va o’tkazilish tartibi bilan tanishtiradi va har bir kichik guruhga qog’ozning yuqori qismida yozuvi bo’lgan, ya’ni asosiy muammo, undan ajratilgan o’quv muammolari va ularni yechish yo’llari belgilangan, xulosa yozma bayon qilinadigan varaqlarni tarqatadi.

-har bir guruh a’zolari ularga tushgan varaqlardagi muammolarning afzalligi va kamchiliklarini aniqlab, o’z fikrlarini flomaster yordamida yozma

bayon etadilar. Yozma bayon etilgan fikrlar asosida ushbu muammoni yechimini topib, eng maqbul variant sifatida umumiy xulosa chiqaradilar.

-kichik guruh a'zolaridan biri tayyorlangan materialni jamoa nomidan taqdimot etadi.

Guruhning yozma bayon etgan fikrlari o'qib eshittiriladi, lekin xulosa qismi bilan tanishtirilmaydi.

-o'qituvchi boshqa kichik guruhlardan taqdimot etgan guruhning xulosasini so'rab, ular fikrini aniqlaydi, guruhlar fikridan so'ng taqdimot guruhi o'z xulosasi bilan tanishtiradi;

-o'qituvchi guruhlar tomonidan berilgan fikrlarga yoki xulosalarga izoh berib, ularni baholaydi, so'ngra mashg'ulotni yakunlaydi.

"Blits-so'rov" usuli. Usulning tavsifi: Ushbu usul o'quvchilarni harakatlar ketma-ketligini to'g'ri tashkil etishga, mantiqiy fikrlashga, o'rganayotgan fani asosida xilma -xil fikrlar, ma'lumotlar ichidan keraklisini tanlab olishni, shu bilan bir qatorda, o'zgalar fikrini hurmat qilish va ularga o'z fikrini o'tkaza olish hamda o'z faoliyati, kunini rejalashtira olishni o'rgatishga qaratilgan.

Usulning maqsadi: ushbu usul orqali o'quvchilarga tarqatilgan qog'ozlarda ko'rsatilgan harakatlar ketma-ketligini avval yakka tartibda mustaqil ravishda belgilash, kichik guruhlarda o'z fikrini boshqalarga o'tkaza olish yoki o'z fikrida qolish, boshqalar bilan hamfikr bo'la olish kabi ko'nikmalarni shakllantirish.

Mashg'ulotni o'tkazish tartibi.

1. O'qituvchi o'quvchilarga ushbu mashg'ulot bir necha bosqichda o'tkazilishi haqida tushuncha beradi. Har bir bosqichga moljallangan vazifalarni bajarishga aniq vaqt berilishi, o'quvchilar esa shu vaqtdan unumli foydalanishlari kerakligi haqida ularni ogohlantiradi.

2. Keyin hammaga alohida-alohida tarqatma material beradi va ushbu materialni sinchiklab o'rganishlarini so'raydi;

- o'qituvchi tarqatma material mazmuni va bajariladigan vazifani tushuntiradi va "o'quvchining ismi va familiyasi" va "sinfi" bo'limlarini to'ldirishni aytadi.

- tarqatma materialda berilgan vazifa dastlab yakka tartibda bajarilishini ta'kidlaydi;

- har bir o'quvchi o'zining shaxsiy fikri asosida tarqatma materialdagi "o'quvchi javobi" bo'limiga berilgan savollardan 3xil variantli javobdan bittasini yozadi, javoblar raqamlar yoki harflar bilan ko'rsatilishi mumkin.

3. Berilgan vaqt ichida yakka tartibdagi ishlar tugagach tarqatma materiallar o'zaro almashinadi.(almashtirishni turlicha tashkil qilish mumkin, masalan yonidagi o'quvchi bilan, kichik guruhlarda yoki orqadagi o'quvchi bilan)

4. Tarqatma materiallar almashingach, o'qituvchi to'g'ri javoblarni o'qiy boshlaydi, o'quvchilar bir-birini ishini tekshira boshlaydi va "to'g'ri javob" bo'limiga "1" balldan, agar noto'g'ri bo'lsa "0" ball qo'yib chiqishadi.

5. O'qituvchi baholash mezonini tushuntirib beradi va tarqatma materiallar qaytadan o'z egalariga almashtirilishini so'raydi, o'z xatolarini ko'rib olishlariga imkon beradi.

6. O'qituvchi tarqatma materiallarni yig'ishtirib olib baholaydi va e'lon qiladi.

Xulosa qilib aytganda, tajriba-sinov natijalari shuni ko’rsatadiki, agar darslar so’z, tushuntirish orqali olib borilsa, o’zlashtirish 10% ni, ko’rsatish, namoyishlar orqali tashkil etilsa, 50% ni, ta’lim jarayoni o’quvchilarning shaxsiy ishtiroki faolligida kechsa, o’zlashtirish sifati va samaradorligi 90% ni tashkil etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Jumayev M.Ye.va b.q. “Boshlang‘ich ta’lim fanlarini o‘qitish metodikasi” O‘UM. Nizomiy nomidagi TDPU huzuridagi XTXQTUMOHM., 2017.
2. N.Bikbayeva va b. “ Matematika o‘qitish metodikasi“ o‘quv qo‘llanmasi.T-1996
3. Yo‘ldoshev J.G‘., Usmonov S.A. Pedagogik texnologiya asoslari, T.:“O‘qituvchi”, 2004.
4. Ishmuhamedov R.J. Innovasion texnologiyalar yordamida ta’lim samaradorligini oshirish yo‘llari.–T.:Nizomiy nomidagi TDPU 2008
5. Ishmuhamedov R. O‘quv jarayonida interfaol uslublar va pedagogik texnologiyalarni qo‘llash uslubiyati. – T.: RBIMM, 2008
6. Yo‘ldoshev. J.G’. Usmonov.S. Ilg’or pedagogik texnologiyalar.–T.:O‘qituvchi,2004..
7. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar. – Qarshi.: Nasaf, 2000
8. Sayidaxmedov N. Pedagogik amaliyotda yangi texnologiyalarni qo‘llash namunalari. –T.: RTM, 2000.

ИНФОРМАЦИОН ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

И.Абдурахмонов
СамДУ магистранти

XXI аср инсоният тарихида ахборот асри – информацион глобаллашув босқичи билан характерланади. Информацион глобаллашувнинг асосий хусусияти ахборот ва компьютер инқилоби каби омиллар асосида ахборотнинг товар маҳсулотга айланиши, жамиятда компьютер соҳасида муҳандис-техник зиёлилар қатламининг вужудга келиши, компьютерлаштириш жараёнининг ишлаб чиқариш кучига айланиши, интернет тармоқларининг ижтимоий турмуш тарзига тоборо сингиб бориши билан характерланади. Шунингдек, информацион глобаллашув босқичида глобаллашув жараёнининг имконияти тезлашди ва кенгайиб боради. Ахборот асрида мамлакатимиз ҳам жаҳон ҳамжамияти сингари информацион глобаллашув босқичига кириб бормоқда.

Информацион глобаллашув кишилик жамияти тараққиётига хос бўлган табиий-тарихий жараён бўлиб, унинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий хусусиятлари ҳам мавжуддир. Бу салбий хусусиятлар кўпроқ маънавий таҳдидларларда намоён бўлмоқда

Информацион глобаллашув босқичида маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружлари ёшлар маънавиятига салбий таъсир этмоқда.

Маънавий тахдидлар асосан “Оммавий маданият” замиридаги ахлоқсизлик ҳамда диний экстремистик ва террористик ғоялар шаклда намоён булмоқда

Маънавий таҳдидларни бир кўриниши булган ахборот хуружлар ҳам икки шаклда намоён бўлмоқда. Биринчисини, интернет тармоқларидаги миллий маънавиятимизга зид бўлган ахлоқий бузуқлик, ваҳшийлик, тажовузкорлик, зўравонликка оид ахборотлар ташкил этади. Бундан ташқари, интернет тармоқлари орқали дезинформация – сохта, нотўғри ахборотлар ҳам шулар жумласидандир. Бу ахборотлар ёшлар маънавиятига катта салбий таъсир кўрсатиб, уларда ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм ва эгоцентиризм каби салбий, вайронкор ғояларига мойиллик ҳиссини уйғотиши мумкин. Информацион хуружнинг иккинчи кўриниши маълумотларга зарар етказиш, ўғирлаш ҳолатлари – хакерлар тимсолида намоён бўлмоқда.

Бу информацион хуружнинг биринчиси, айниқса, хавфли маънавий таҳдид ҳисобланади. “Оммавий маданият” ёки информацион хуруж кўринишидаги маънавий таҳдидларнинг хавфи шундаки, бунда гўёки ғарбдаги замонавий маданият тамойиллари тарғиб этилаётиганидек ва бунинг ҳеч кимга ҳеч қандай таъсири йўқдай туюлади. Аслида эса бу пинҳона ҳатти-ҳаракатлар заминида шарқона ахлоқ-одоб тамойилларига асосланган миллий қадриятларимиз илдизларига барҳам бериш, ёшларимизни миллий ифтихор ва ғурур туйғуларидан, ўзлигидан бегоналаштириш каби ғаразли мақсадлар ётади. “Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирларига бардош бериши амри маҳол”[178].

«Оммавий маданият» дунёда кўплаб кишиларнинг «мавҳум дунё», виртуал дунёга, Интернет қарамлигига онгсиз равишда кириб қолишига сабаб бўлмоқда.

Информацион глобаллашувнинг ҳосиласи бўлмиш Интернет тармоқлари ижтимоий турмуш тарзининг барча соҳаларига кириб бормоқда ва фойдаланувчиларга катта имконият яратмоқда. Жумладан, Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишда ва масофали таълим тизимида, илмий тадқиқот босқичларида, видеоконференцияларни ташкил этишда, айниқса, жаҳоннинг исталган нуфузли кутубхоналаридаги адабиётлар билан танишишда беқиёс аҳамият касб этмоқда. Япониялик тадқиқотчи Маруаманинг таъкидлашича 8 соат компьютерда мутаола қилган талаба 300 саҳифалик ҳажмдаги китобнинг мазмунини ўзлаштириб олган бўлади[179].

Глобаллашув жадал суръатлар билан содир бўлаётган ҳозирги даврда талаба ёшларимизни ахборот маълумотларини олишларини тақиқлаш билан

[178]Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.Т. “Маънавият”,2008й., 113-бет.

[179] Ракитов А.И. Философия компьютерной революции.М.:Политиздат, 1991. 237 с

муаммони ижобий ҳал этиб бўлмайди. Президентимиз таъкидлаганидек «Жаҳон ахборот майдони тоборо кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасинг ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганимз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз»[180]. Ёшларимизни бундай хавфли маънавий таҳдидлардан сақлашимиз учун аввало уларда **ахборот маданиятин**и шакллантиришимиз зарур.

Ахборот маданияти бу ҳар қандай олинган ёки берилган, эшитилган, кўрилган хабар, маълумот ёки ахборотни рационал тарзда, мантиқий тафаккур асосида объектив, танқидий таҳлил этиш қобилияти тушинилади. Маълумотни таҳлил этиш ҳамда баҳолашда миллий маънавий қадриятлар асосида ва миллий менталитет нуқтаи назаридан ҳам ёндашиши ахборот маданиятининг таркибий қисмидир.

Бизнингча, ахборот маданиятининг таркибий элементлари қуйидагилардан иборатдир:

Рационал тафаккур;

Етук назарий билим, хусусан ижтимоий гуманитар фанлар соҳасида;

Ҳодиса, жараён ёки воқеликка танқидий ёндашиш ва мантиқий таҳлил этиш қобилияти;

Ёшларда тарихий хотира ва миллий ғурур, миллий маънавий қадриятларимиздан ифтихор туйғусини шакллантириш;

Ҳар қандай ахборотларни миллий менталитетимизга хос тарихий онг негизида танқидий таҳлил эта олиш қобилиятини шакллантириш.

Ёшларда ахборот маданиятини шакллантиришнинг объектив ва субъектив асос ҳамда омиллари, усуллари, воситалари мавжуддир.

Ахборот маданиятини шакллантиришнинг объектив асос ҳамда омиллари инсон тафаккурлаш қобилиятининг ҳиссий қабуллаш, рационал ва норационал фикрлаш механизмларидан иборатдир. Шунингдек, синергетика назарияси илгари сураётган ночизиқли тафаккур тарзи ҳам ахборот маданиятини шакллантиришда объектив омиллардапн биридир.

Ахборот маданиятини шакллантиришнинг субъектив асос ҳамда омиллари мавжуд бўлиб, булар хотира, хаёл, ҳиссий эмоционал кечинмалардан иборатдир.

Ахборот маданиятини шаклланишида муҳим воситалар ва усуллар ҳам мавжуд бўлиб, буларга оила, маҳалла таълим тарбия масканлари муҳим аҳамият касб этади.

Узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ёшларнинг ахборот маданиятини шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш ҳар бир мураббий ва устоздан масъулият талаб этади. Зеро, ахборот маданияти ҳозирги мураккаб

[180] Каримов И.А. Юксак маънавият- енгилмас куч.Т. “Маънавият”,2008й., 114 бет

глобаллашув жараёнида мафкуравий иммунитетнинг муҳим таркибий қисми ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартидир. Республикамизда ҳам компьютер технологияларининг ижтимоий турмуш тарзимизга сингиб кетиши мустақилликка эришганимиздан сўнг жадал ривожланмоқда информацион жамиятнинг барча талаблари учун шарт шароитлар яратиш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ МАСАЛАСИ

Д. Эргашева
Чирчиқ давлат педагогика институти, Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти

Ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат.

Маълумки, мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида камол топиши йўлида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ҳамда турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, ахлоқий тақдирни белгилаш ва умумбашарий инсоний қадриятларни дунёга жорий этиш муаммоси кўплаб авлод тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган абадий масалалардан биридир. Маънавият мавзусини қамраб олган илмий адабиётлар жуда кўп, турли хил таърифлар, талқинлар ва тадқиқот йўналишларини ўз ичига олади. Ушбу муаммони ўрганишга ёндашувларнинг хилма-хиллиги, асосан, маънавиятнинг умумлаштирилган назариясининг йўқлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси ҳар доим ушбу мураккаб ижтимоий-маданий жараённинг турли қирраларини ўрганаётган тадқиқотчилар манфаатлари соҳасида бўлиб келган. Ушбу тадқиқотлар турли хил тарихий даврларда амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизни ўзгартириш бир қатор мавжуд ёндашувларни қайта кўриб чиқишни ва янги мураккаб ижтимоий-фалсафий изланишларни талаб қилади. Замонавий амалиёт жадал ўзгариб бораётган жамиятнинг ҳақиқатларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар маънавияти ва уни шакллантириш ҳамда ривожлантириш муаммоларини назарий таҳлил қилишни талаб қилади. Чунки узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида маънавиятнинг асосий элементлари ўзгаришларга учрайди.

Хўш мамлакатимизда охирги йилларда, айниқса Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислоҳотларда ёшлар, ёшлар маънавияти масалаларига қай даражада эътибор қаратилди?

Маълумки, 2017 йил республикамизда “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилинди [1]. Ушбу стратегия республика тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу билан бирга унда мамлакатимиз фуқароларининг келгуси беш йиллик ҳаётини белгилаб берувчи ҳужжат ҳам бўлди.

Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, ёшларни муносиб таълим олиши, ёшлар фаоллигини ошириш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш оилалар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш каби вазифаларни ҳал этиш муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз“[1] деган фикрлари ҳам мамлакатимизда ёшлар масаласига эътибор давлат сиёсатининг энг мухим йўналишларидан бири эканлигини исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июнь куни ёшлар билан бўлиб ўтган тарихий учрашуви мамлакатда ёшлар сиёсати самарадорлигини ошириш билан боғлиқ янги даврни бошлаб берди. Энг муҳим жиҳат сифатида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракат – Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи ташкил этилди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббусни амалга

ошириш юзасидан қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2019 йил 19 март куни Республика Президентининг ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселлектор йиғилишида илгари сурган 5 та муҳим ташаббусининг ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳар халқ таълими тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ёшлар маънавиятини ривожлантириш улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида китобхонлик викториналари, китобхонлик кечалари, китоблар ярмаркалари ташкил этилиб ушбу ўтказилган тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларни интеллектуал билимларини янада бойитиш, уларни ўтмиш тарихимиз, аждодларимизнинг бой маданий меъросини ўргатиш орқали маънавиятини янада юксалтириш бўлиб, 5 та мухим ташаббус доирасида Республика миқёсида ўтказилган “Энг яхши китобхон” кўрик танловида Чирчиқ шаҳар ўқувчи ёшлари Президент совғаси “спарк” машинаси билан тақдирландилар [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат тарихида илк бор ўтказилган Ёшлар форумида “ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу - Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор кетмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” [5] дея таъкидлаши ёшларга кўтаринки руҳ ва шижоат бағишлади.

Илм йўлини танлаган иқтидорли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш мақсадида, кейинги йилдан бошлаб магистратура ва докторантура босқичлари учун Президент стипендияси квотасини икки баробарга оширилиши [3], бундай имконият ва имтиёзларга, аввало, янги Ренессанс пойдеворининг чинакам бунёдкорлари сазовор бўлиши ҳам юртбошимиз томонидан ёшларга яратилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан бири саналади. Шу сабабли жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун “илм-маърифат, юксак маънавият керак” [4, 11].

Юртбошимиз томонидан яна бир долзарб масала ўртага қўйилганди. Яъни, юртимизда бир неча фарзанди олийгоҳларда таҳсил олаётган ота-оналарнинг аксарияти, ўқиш харажатларини қоплашда қийналишини инобатга олиб икки ва ундан ортиқ фарзанди олий ўқув юртида шартнома асосида ўқиётган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш тартиби ишлаб чиқилди. Бунда кредитни ўқиш даври тугаб, ёшларимиз ишга жойлашгандан сўнг қайтариши назарда тутилган.

Умуман олганда, Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси ёшларнинг маънавий камолотини оширишда ва уларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий соҳада маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда

фойдаланишларига йўл қўймаслик бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири бўлди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2018. – 112 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 март кунидаги маърузаси Тошкент 2019 й.

3. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2020.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар форумида сўзлаган маърузаси Тошкент 2020 й.

6. Г. Ғаффарова, А. Абдуллаев. (2021). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.

МАҲДУМИ АЪЗАМНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

Н.Уроқов
Чирчиқ давлат педагогика институти, Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти

Бугунги кунда миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтиришда асосий омиллардан ҳисобланган маънавий мерос, маданий бойликларимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон тараққиёти бугунги янги босқичда амалга оширилаётган ислоҳотларда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётгани ва бу соҳада тарихий хотира аҳамиятининг ошаётганлиги, юксак маънавиятли инсонни тарбиялаш, инсон омили, инсон капиталини ривожлантириш стратегик мақсадлардан биридир. Ушбу мақсадларга эришиш учун буюк аждодларимизнинг тарихий-маданий ва ижтимоий-алоқий меросини чуқур ўрганиш, ундаги инсонпарварлик ғояларидан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Ушбу мақолада Маҳдуми Аъзамнинг илмий мероси ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Маҳдуми Аъзам ёзган ўттиздан зиёд асарлари 10 та тўпламда йиғилган бўлиб, бу тўпламларда Маҳдуми Аъзамшунослар томонидан турли даврларда жамланган. Бу тўпламларга 25-30 тадан рисолалар киритилган.

Махдуми Аъзамнинг 30 га яқин рисолаларини ўз ичига олган “Мажмуа ар-расоил” тўплами нусҳаларини дунёдаги барча йирик Шарқ қўлёзма китобхона хазиналарида учратиш мумкин. Ушбу асарнинг асл ва мукаммал нусҳаси унинг

авлодларига мерос бўлиб қолган ҳамда унинг шажарасининг давомчиларининг шахсий кутубхонасида сақланади.

Махдуми Аъзамнинг ёзган асарларининг аксарияти “Мажмуа ар-расоил” тўпламида жамланган[4, 344]. Ундаги “Зубдат ус-соликин” ва “Танбият ус-салотин”ни тожик ва ўзбек тилига таржима этилган. Дарҳақиқат, Махдуми Аъзамнинг ёзган ва ушбу тўпламда жамланган асарлари асосан тасаввуф таълимотига бағишланган бўлиб, уларда Қуръони Карим, ҳадиси шариф оятлари ва илғор шарқ тафаккур таълимоти намояндаларининг мулоҳазалари кенг фойдаланилган ҳамда сўфизм нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, илмий-назарий хулосалар баёни берилган. Шу билан бирга тарихий шахслар ва воқеалар баёни ҳам келтирилган. Шунингдек, ушбу тўпламнинг яна ўзига хос хусусияти шундаки унда ўша даврнинг устувор тариқати ҳисобланган Нақшбандия силсиласининг назарий қонун-қоидалари жамланган.

Махдуми Аъзам ўзининг “Рисолаи самоъия” асарида Кубравия тариқатидаги самоъи зикрни, “Рисолаи Бобурия”да эса Яссавия тариқатидаги жаҳрия зикрини жоизлигини ҳимоя этади[4, 345]. Шунингдек, “Асрорул-никоҳ” рисоласида ислом дини ва шариатининг никоҳ тўғрисидаги шарт-шароит ва сиру асрорларига ҳамда никоҳнинг муқаддаслиги, барча яхши-ёмон ишлар оиладан бошланиши, никоҳдан олдинги ва кейинги маънавий поклик кабилар тўғрисида фикр юритилади.

“Рисолаи Батихия”да таъкидланишича, одам фарзандини йўлга солувчи устоз керакки, уни яхши йўлга бошқарсин. Бунда устозлар аввало албатта ота-оналардир. Улар ўз гўдакларига, фарзандларига қандай ибрат кўрсатсалар, яъни юқорида айтилганидек, унинг тушунчасига, қалбига қандай уруғ сепсалар, ўшандай ҳосилга эга бўладилар [2, 12].

“Рисолаи меърож ал-ошиқин” (Ошиқлар меърожи) номли рисоласида ҳукмдорлар покликка, адлу шафқатга, халқ учун керакли бўлган иншоотлар бино қилишга, яъни ободончиликни йўлга қўйишга, илму маърифатни ривожлантиришга аҳамият беришлари кераклиги даъват қилинади [2, 13-14].

Махдуми Аъзамнинг «Рисолаи Бобурия» асари Ҳиндистон подшоҳи Бобир Мирзонинг илтимосномасига кўра ёзилган рисола бўлиб [1], унда турли тариқатларда амалга ошириладиган зикр масаласи устида мушоҳадалар юритилади. Жумладан, профессор Б.Тўраев фикрича, ушбу рисола “З.Бобурнинг Хожа Аҳрор Валининг “Рисолаи волидия” асарини туркий тилга таржимаси ва Махдуми Аъзамга мактуб йўллашига жавобан ёзилган” [3, 21]. Дарҳақиқат, ушбу асарнинг аҳамияти шундаки, унда инсонларни адолатга, ҳалолликка, сабру қаноатга, кўнгил ва нафс тозалигига, бировни ҳақини емасликка ва асосийси халқ манфаати йўлида келишувчиликка чақиради. Шу жиҳатдан ҳам ушбу асар нафақат ўзининг даврида балки ҳозирги даврда ҳам ёшлар тарбияси ва маънавиятини ривожлантиришда долзарб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Махдуми Аъзам ўз мухлисларини, соликларни ва умуман инсон фарзандини хайрихоҳликка, одамийликка, раҳмдилликка, инсонпарварликка, ҳамжиҳатликка даъват қилади. Дарҳақиқат, Махдуми Аъзам инсонийлик, одобу ахлоқ, поклик, тозалик тўғрисида айтиб ўтилган

рисолаларнинг ҳаммасида тўхталиб ўтади, унинг фалсафаси-ю, таълимоти ҳам фақат одоб-у ахлоқ нуқтаи назаридан яратилган. Умуман олганда, Махдуми Аъзамнинг бизгача турли мавзуларда ёзилган жуда бой илмий мероси етиб келган. Махдуми Аъзамнинг асарлари кейинги беш аср давомида халқимиз томонидан севиб мутолаа қилинган ва кишилар маънавий савиясининг янада баланд бўлишига муайян таъсир кўрсатган. Махдуми Аъзам қаламига мансуб асарларида асосан инсон ва худо орасидаги муносабатлар, жисм ва руҳ, ахлоқ-одоб, ишқ, ҳақиқат, гўзаллик, адабиёт ва санъат каби йўналишларидаги мавзулар ёритилган.

Адабиётлар

1. Маҳдуми Аъзам Деҳбедий. Рисолаи Бобурийя. (Бобурга аталган рисола). Бобур номли халқаро фонд. - Тошкент: «Наврўз», 2020. - 132 б.

2. Нуриддинов А. Махдуми Аъзам Косоний. – Т.: Фан, 2008.

3. Тўраев Б.О. Махдуми Аъзам (ҳаёти илий-маънавий мероси). – Т.: «Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи», 2020. – 48 б.

4. Каттаев К., Каттаева Г. Қадимий китоблар таржимаси. –Тошкент: «Qaqnus», 2020. 448 б.

5. Самадов Х. Махдуми Аъзам Косонийнинг маънавий мероси ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни: Автореф. дисс.я…. – Самарқанд, 2018. – 36 б

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

А. Рузиев

ТВЧДПИ Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши бу соҳанинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун шароитларни яратиш борасида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли Қарори маънавий-маърифий соҳада янгича туб бурилиш ясади десак муболоға бўлмайди. Шу билан бирга, жорий йилнинг 26 март куни “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент Қарорининг қабул қилиниши ҳам маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш имкониятини бермоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавиятдаги трансформациялари, Ҳаракатлар стратегиясига оид ислоҳотларда маънавий-маърифий муаммоларни мамлакатимиз олимларидан М.Абдуллаева, А.Бегматов, Г.Маҳмудова, С.Отамуродов, Б.Тўйчиев, И.Эргашев, Г.Туленова, М.Қаҳҳарова, И.Саифназаров, Ф.Юлдашева, Г.Ғаффарова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда. Жумладан, М.Абдуллаева ёшларни маънавиятини ривожлантиришда мулоқотнинг аҳамияти, Г.Ғаффарова ахборотлашган жамиятда маънавиятдаги ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда маънавиятнинг ўрни каби масалалар ёритиб берилган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” [] деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш интернет-ахборот коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур бериш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик сепаратизм, одам савдоси, оммавий маданият, наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши ғоявий кураш олиб бориш жамиятнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ахлоқий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, миллий ғояни вилоятларимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғибот этиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Хусусан, ҳозирги глобаллашув жараёнларида ёшларни шахс онгини эгаллашга қаратилган хуружлардан ҳимоялаш ҳар бир шахснинг рухий оламида мустаҳкам маънавиятни шакллантириш, дистрибутив (бузғунчи) гуруҳлар таъсиридан асраш, ҳар бир фуқарода ёшларимиз миллий-маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда мафкуравий иммунитет, ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш тобора муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Таълим тарбия сифати ва маънавий ишлар самарадорлигини оширишда биринчи навбатда ёшларга маънавий, ғоявий, билим ва тарбия бериш ҳамда уларга жамият манфаатларига зид зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни таркиб топтириш орқали Ўзбекистонни буюк келажакка эришиш ҳар томонлама етук ёшларни вояга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

Кичик ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси тўрт йил давомида икки баробар ортиб 60% га етди. Боғчалар сони эса уч баробарга кўрайиб, ўн тўрт мингдан ошди. Бу йил олий таълимга қабул

параметрлари 2016 йилга нисбатан икки ярим баробарга ўсди ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди[4].

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб аталиши мактабгача таълим қамровини 65 %га, 2023 йил охирида эса 75%га етказиши керак. Бу ишларда бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия берилиши ҳисобидан қўшимча равишда икки мингта нодавлат боғчалар ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25%га етказилади. Олий таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилдан бошлаб олий таълимга ажратилган давлат грантлари сони камида 25%га оширилади. Олий ўқув юртларига қабул қилишда еҳтиёжманд оилалар қизлари учун гранд сонини икки баробарга кўпайтириб, икки мингтага етказамиз. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Олийгоҳлар ва таълим тизимининг қуйи бўғинлари ўртасидаги узвийликни кучайтириш мақсадида 65 та академик лицей олий ўқув юртлари тасарруфига ўтказилади. Шунингдек, 187 та техникум ҳам ўз йўналиши бўйича турдош олийгоҳ ва тармоқ корхоналарига бириктирилади.

Шу муносабат билан келгуси йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Бу дастур орқали илк бор бакалавр йўналишида чет элларга 100 нафар ўғил-қизларимизни юборамиз. Кейинги йиллардан уларнинг сони 2-3 баробарга кўпайтирилади.

Келгуси йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингтага етказилади ёки 2017 йилга нисбатан 3 баробарга оширилади[4].

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент эканлиги белгилаб қўйилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” [5], - дейди Шавкат Мирзиёев. Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга таянилмоқда. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият. Шунингдек, янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, инсонийлик, гуманизм ғоясига асосланади. Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белланди.

Марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминоти кескин кучайтирилади. Унинг фаолияти илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларида қайта ташкил қилинади.

Умуман олганда, охирги уч йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари “Миллий тикланишдан –

миллий юксалиш сари” тамойилига асосланади. Бу борада олиб борилаётган муҳим ишларга қарамасдан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги янгиланишлар жараёнида маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган. Шу сабабли мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Мирзиёев Ш. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2020.

2.Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т. “Ўзбекистон”. 2020.

3.Мирзиёев Ш. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // Халқ сўзи 2021 йил 20 январ.

4.Г. Ғаффарова, А. Абдуллаев. (2021). Ахборотлашган жамиятда маънавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.

ОИЛАДА ЁШЛАР МАЬНАВИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

З.Жўраева
Чирчиқ давлат педагогика институти,
Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти

Маълумки, республикамизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган ислоҳотларда ёшлар муаммоси, ёшлар маънавиятини ривожлантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш каби масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, мамлакатимизда ёшларни маьнавиятини ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт шароитлар яратилаётганини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусда илгари сурилгани, “Ўзбекистон ёшлари – 2025” концепциясини ишлаб чиқилиши мамлакатни ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида белгиланган.

Хўш ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиланинг аҳамияти қандай?

Албатта, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ёшларимизни ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, оилани жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари каби юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида доимий эътибор бериб келиняпти. Чунки оила - кишилар ҳаётини энг муҳим қисми, жамиятнинг кичик хужайраси, ижтимои-маданий организмдир. Шунингдек, инсон туғилгандан бошлаб оила муҳитида яшайди.

Оила муқаддаслиги, фарзанд тарбияси ҳақида “Қурони Карим”, “Хадис”ларда аждодларимизнинг маънавий мероси ҳисобланган “Қобуснома”, “Шохнома”, “Темурнома”, “Бобурнома”, “Гулистон” каби дурдона асарларимизда тарбиянинг инсон шаклланишидаги муҳим омил эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилинади. Хаттоки марказлашган давлат асосчиси Амир Темур ҳам “мен фарзанд тарбиялашда давлат бошқаришдан кўра чуқурроқ донишмандлик кераклигига ишонч ҳосил қилдим” деятаъкидлайди. Абдулла Авлоний эса “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” [1] дегани бежизга эмас.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда оиланинг аҳамияти каттадир. Чунки “оила – тарбия тизимидаги шундай бўғинки, бутун жамиятнинг, миллатнинг бугунги ва келажак ҳаёти уни қандай ташкил этилишига, ундаги мавжуд ижтимоий-маънавий муҳитга боғлиқ” [3, 3]. Шу сабабли ҳам фарзанд тарбиялаш учун албатта ота-онанинг ўзлари тарбияли, юксак маънавият фазилатлари шаклланган бўлиши керак.

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг асос-негизи бўлиб, ёшларда инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқийлик, ватанпарварлик ва юксак туйғулар, аввало оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўгити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Шу сабабли немис педагоги Адолф Дистервег фикрлари ўринли, яъни “бола қалби тоза ёзув тахтасига ўхшайди. Унга нима ёзилган бўлса, шу унинг тақдирини яратади”. Демак боланинг ёзув тахтасига қандай ёзувларни ёзиш бу ота-онанинг вазифаси ҳисобланади.

Ёшлар маънавиятини ривожлантиришда оиладаги маънавият алоҳида ўрин тутади. Чунки “оила маънавияти – оиланинг тўлақонли, баркамол ривожланиши ва фаолият юритишини белгилаб берувчи, руҳий, психологик ҳамда ғоявий омилларнинг бирлиги, оила аъзолари ички дунёсининг уйғунлиги”дир [3, 5]. Дарҳақиқат, оиладаги маънавий қарашлар яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби тушунчаларга асосланади. Шу билан бирга, оилада шахс маънавияти, унинг ахлоқий фазилатларига болаликдан асос солинади, кейин тарбия ва маърифат тизимида ривожланади.

Айтиш керакки, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб вояга етказишнинг энг асосий бўғини бу оиладир. Тўғри шаклланган инсон жамиятга тўғри ва адолатли муносабатда бўлади, ўз миллатининг миллий қадриятларини

ҳам эъзозлаб ўзлигини ҳеч қачон унутмайди. Агар акси бўлсачи, унда “агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишини келтириб чиқаради”[4, 88-89]. Шу сабабли инсонни “давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб, эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши, болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ”дир”[2, 55].

Абдулла Авлоний ҳам қарашларда “тарбия икки босқичдан – оила ва мактаб тарбиясидан ташкил топади. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия мактаб учун катта мададдир ва, аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳол мактабнинг таълим тарбия ишини жуда қийинлаштириб қўяди» [1, 12] дея таъкидланади. Дарҳақиқат, ота-оналарнинг ўзаро дўстона муносабатлари, ўз фарзандларига ўрнак бўлишлари, уларни ўз вақтида кузатиб, назорат қилиб бориши, фарзандларининг хатти-ҳаракатларини тўғри, адолатли баҳолай олиш, ўз вақтида ўринли танбех бериш, фарзандлари учун, оила кутубхонасини ташкил этиш, оилавий китоб журналларни ўқиш, тарбиявий аҳамиятга мойил кўрсатувларни кўриш ва уни оилавий муҳокама қилиш, оила аъзолари билан бирга театр ва спектаклларга, тарихий қадамжоларга саёҳат учун бориш фарзандлар қалбида эзгулик уруғини куртак очишига жамият учун фойда келтирадиган инсонлар бўлиб етишишига ҳамда уларнинг маънавиятини ривожлантиришга сабаб бўлади.

Умуман олганда, ўзбекларда оилавий тарбия анъаналари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, энг аввало, тарбия воситасида болаларга ота-оналарнинг ота-оналик, қон-қариндошлик хислатлари, миллий маънавий фазилатлар сингдирилади. Шу орқали бола ўз ота-оналарининг фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббатини, оила ва жамият олдидаги бурч масъулиятини, бола тарбиясидаги тажрибаларини ўзлаштиради.

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина ҳар қандай хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 12.

2. Фитрат А., Оила ёки оила бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000; Ойина. – Тошкент: Академия, 2001. –Б. 55.

3. Абдусамедов А., Ҳўжаев М., Юсубов Ж., Жалилов Б., Суюнов Б., Омонова М., Азимова З., Алимова Г. Мустаҳкам оила маънавияти. –Тошкент: “Савдо-стандарт”, 2012. – 160 б.

4. Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. –Б. 88–89.

ЖАДИД МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

В. Жўракулов
СамДУ 2 курс магистранти

Жадидчилик ҳаракати XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда хукм сурган фавқулотда қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатли қилиш жамият хаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар ўтказиш, пироварида, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида тарихий вазият тақозоси билан вужудга келди. Бу харакат *ўзининг* шаклланиш йўлини босиб ўтар экан, XX аср бошларидан 1917 йил февраль инқилобига қадар бўлган дастлабки босқичларида миллий озодлик ҳаракати сифатида узил-кесил расмийлашди.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларини замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидоийларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қўйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр группалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш; халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш ишларини амалга ошириш эди.

Жадидчиликнинг моҳиятини миллат ва Ватанни англашдан, улар манфаати учун курашишгача бўлган ҳаяжонли жараён ташкил қилди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Хусусан жадидларимиз миллатнинг яшамоғи, тараққий этмоғи учун, биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи лозимлигини англаб етдилар ва кенг халқни уйғотишга алоҳида эътибор бердилар. Бу ҳақда Президентимиз “улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: “Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг”, деган сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади”[181] – деб таъкидлайдилар.

XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда жадидлар мухим роль уйнайди ва уларнинг диққат марказида маърифий масалалар асосий йўналиш касб этганлигини кўрамиз. Жадидлар минтақа ҳаётини таҳлил қилиш натижасида шуни тушундиларки, Туркистон - бу моҳиятан мустамлака ва Россия маъмуриятининг бошқарув тизими, миллий эҳтиёжларига жавоб бермайди. Бу масалалар феврал инқилоби арафасида, айниқса, кескин қўйилган.

[181] Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: 2020. 364-бет.

Шу йилларда янги услубдаги дунёвий таълим, миллий ўзига хосликнинг энг яхши томонларини мустаҳкамлаш, маданиятни жорий этиш учун ҳаракат жадидчиликнинг негизига қўйилган сиёсий мустақиллик, демократик бошқарув шакллари учун кураш ғоялари билан бирга содир бўлди.

Жадидчилик ҳаракати тарихи ўта долзарб илмий аҳамият касб этади. Бинобарин, биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз хаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур”[182]. Шунинг билан бирга Ватанимиз мустақиллининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, юртдошларимизни ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига нисбатан ҳурмат эҳтироми туйғуларини шакллантиришда аҳамияти жуда каттадир. Жадидчилик ҳаракатидаги масалалар ҳозирги кунга қадар тарихий ворисийлик ва анъанавийлик асосида қонунчилигимизда ўз аксини топган. Зеро, мазкур таълимот миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, ватанга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласида долзарб аҳамият касб этади. Уларда умуммиллий ва умумбашарий қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришда юксак аҳамият касб этади.

Жадидчилик ғоялари миллат ва Ватаннинг ҳаёт-мамот масаласи кун тартибига қўйилгани ҳақида бонг ўрди. Бу ғояларнинг асосида миллий уйғониш, миллий мустақиллик учун кураш ётарди. Жадидчиликнинг мохиятини миллат ва Ватанни англашдан улар манфаати учун курашишгача бўлган ҳаяжонли жараён ташкил килди. Айни пайтда, бу ҳаракат миллатни ҳам тарбиялаб борди. Хусусан жадидларимиз миллатнинг яшамоғи, тараққий этмоғи учун, биринчи навбатда, озод, мустақил бўлмоғи , лозимлигини англаб етдилар ва кенг халқни уйғотишга алоҳида эътибор бердилар. Жадидларимиз сиёсий ишлар - хақ-хуқуқ, миллий давлат, хокимият масалалари билан мунтазам шуғулландилар. Айни пайтда, мактаб-маориф ислох қилина бошлади. Миллий матбуот йўлга қўйилди. Театр пайдо бўлди. Янги адабиёт шаклланди, бир сўз билан айтганда, янги тафаккур майдонга чиқди. Бу хол, шубхасиз, унинг ҳаётида узоқ, турғунликдан кейин янги боскич бошланишига далолат эди.

“Инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи бир жамиятга, бир тарихий даврдан иккинчи бир тарихий даврга ўтиши маърифатпарварликдан бошланади. Замоннинг энг етук, онгли, оқ-қорани таниган, фидойи, элим деб, юртим деб яшовчи, узоқни кўзловчи маънавиятли сиймолари маърифатпарварлик билан шуғулланадилар. Маърифатпарварлар одатда давр учун, жамиятнинг бугунги ва келажаги учун, ғояларни кўтариб чиқадилар ва шу ғояларни амалга ошириш

[182] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., Шарқ, 1998 йил, 24 бет.

учун изчил кураш олиб борадилар”[183]

Жадидчилик ижтимоий-сиёсий ҳаракат сифатида Ватан, миллат, умумхалк ва умуминсоний манфаат ва тараққиётни ҳимоя қилган ҳолда рус истилочиларига қарши халқлар тенглигини қарор топтирувчи ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий-мафкуравий куч сифатида ўзини сақлаб қолди ва баркамол даражага эришди. Сиёсий дастурлар умуминсоний хусусиятларни тараннум этувчи, эрк ва озодлик, адолат ва мустақиллик ғояларини олға сурди. Бу билан жадидчилар мустақиллигимиз учун ғоявий асос бўла оладиган тамойилларни илгари сурди.

Жадидлар ривожланган жамият яратишдек ўз ғояларини амалга оширишда мутаассиблик, лоқайдлик, қолоқликка қарши курашга алоҳида аҳамият берганлар. Бу вазифаларни амалга оширишда улар тараққийпарвар, билимли ёшларга таянганлар. Улар ўз ишларида Европа давлатлари тараққиётга қандай йўллар билан етиб келганлигини акс эттириб, тарихий мисоллар келтирганлар. Жадидлар тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий холатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажагини қўйидагича тасаввур қилганлар. Улар қурмоқчи бўлган давлат исломга ҳурматини сақлаган ҳолда барча йўналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишига хайрихоҳ бўлиши лозим эди. Жадидлар халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитиш зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар давлат келажаги ёшлар қўлидалигини жуда яхши англаганлар.

Хулоса ўрнида жадидчилик янги бир давр палласида халқимиз маънавий тафаккурини яна бир поғона юксакка кўтарди. Жадидларнинг ғарб ва шарқ мутафаккирларининг фалсафий-ахлоқий қарашларини уйғунлаштирган ғоялари миллий истиқлол ғоясининг муҳим тараққиёт босқичи вазифасини ўтаб берди. Зеро, бугунги глобаллашув жараёни ўтмишда ҳам ҳозир ва келажакда ҳам миллий ғояга бўлган заруриятни ошириб боради. Шундай экан жадидларнинг маърифатпарварлик ғоялари, фидоийлик ва гуманизм сингари фалсафий-ахлоқий қарашлари билан суғорилган миллий ғоямиз ва мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ватан равнақини юксалтиришга хизмат қилади.

[183]Иброхимов А ва бошқалар. Ватан туйғуси. - Т., “Ўзбекистон”, 1996, 113-бет.

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

Д. Жуманов
Чирчиқ давлат педагогика институти, Ижтимоий фанлар кафедраси магистранти

Маълумки, XIX асрнинг охири XXI асрнинг бошларидаги халқаро вазият глобаллашув жараёнларининг ниҳоятда чуқурлашиб кетганлиги билан характерланади. Бугун глобаллашув ўзининг қамрови, таъсир кучи, тобора оммавий тус олиши билан кам тараққий қилган ва энди тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар халқларини миллий маънавиятига тажовуз қилмоқда, уларнинг заминларини емирмоқда ва истиқболда оммавий маънавият таъсирида уларнинг барбод бўлишига замин тайёрламоқда. Бу тажовуз нафақат оммавий ахборот воситалари телевидиние, интернет ёки уяли телефонлар воситасида, шунингдек инсонларнинг ҳаёт кечириши ва турмуши учун зарур бўлган иқтисодиёт воситасида ҳам амалга оширилмоқда.

Ёшлар маънавияти масаласи нафақат бугунги кунда балки олдинги даврларда ҳам муҳим ва аҳамиятли муаммолар тарзида эътибор берилган. Айниқса, ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоси турли даражадаги жамият ва фалсафа, психология, социология каби фанларнинг ихтисослашуви билан боғлиқ бўлган гуманитар билимларнинг бирлашмасидан иборат.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар муаллифлар томонидан дунёқарашнинг турли позициялари, маданий ва тарихий анъаналари ва мактаблари, услубий ва концептуал асосларидан кўриб чиқилган. Хусусан, рус файласуфлари Д.М. Азаматова, Р.Г. Апресян, А. И. Арнолдов, Е. А. Баллер, О. А. Беленкова, Б.С. Галимова, Д. Ж. Валеева, А.А. Валков, У. С. Вилданова, Г. Н. Волков, В. Е. Давидович, Ю. А. Жданов, М. Т. Иовчук, В. В. Куравлев, Н.С. Злобин, Л. Н. Коган, Г. Г. Квасов, И.К.Кучмаева, Е. С. Маркарян, В. М. Межуев, Е. А. Орлова, С. М. Поздяева, Ф.Б. Содиқов, Ф.А.Хазиев ва бошқаларнинг асарлари киритиш мумкин.

Глобаллашув шароитида маънавият масалалари, ёшлар маънавияти, маънавий қадриятлар ва маънавий янгиланишнинг хусусиятлари мустақилликнинг дастлабки йилларида Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермуҳамедов, А.Жалалов, Э.Юсупов каби атоқли олимлар томонидан ўрганилган бўлса, ҳозирги маънавий янгиланишнинг турли жиҳатлари Б.Алиев, С.Отамуродов, С.Бердиқулов, Д.Норқулов, А.Умаров, Ш.Мадаева, С.Мамашокиров, Ж.С.Раматов, М.Қаххарова, Г.Туленова, С.Рахимов ва бошқалар томонидан тадқиқ этилмоқда.

Ёшлар маънавиятини шакллантириш, ахлоқий тақдирни белгилаш ва умумбашарий инсоний қадриятларни дунёга жорий этиш муаммоси кўплаб авлод тадқиқотчилари томонидан ишлаб чиқилган абадий масалалардан биридир. Маънавият мавзусини қамраб олган илмий адабиётлар жуда кўп, турли хил таърифлар, талқинлар ва тадқиқот йўналишларини ўз ичига олади.

Ушбу муаммони ўрганишга ёндашувларнинг хилма-хиллиги, асосан, маънавиятнинг умумлаштирилган назариясининг йўқлиги билан боғлиқ.

Жамиятнинг махсус гуруҳи сифатида ёшларга илмий ёндашиш, ёшларнинг турмуш тарзи ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, гуманитар фанлар бўйича кўплаб маҳаллий олимларнинг асарларида ўз аксини топган. Ҳозирги президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" асарида ёшларни маънавий етук инсон этиб тарбиялаш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётиш эҳтиёжга айланиши, ёшлар билими, савиясини ошириш учун илм-маърифат, юксак маънавият кераклиги илгари сурилган [2].

М.Қуронов, А.Қодиров, Ш.Акрамовалар томонидан "Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш" монографиясида ёшларни этиб тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ижтимоий тармоқлардаги ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш каби масалалар таҳлил этилган[7].

Г.Ғаффарова ижтимоий тармоқларнинг ёшлар тафаккури ва фаоллигига таъсири, ахборотлашган жамиятда маънавиятдаги ўзгаришлар, янгиланаётган Ўзбекистонда инсон капиталини ривожлантиришда маънавиятнинг ўрнини [6] ёритиб берган.

Ёшлар маънавиятига оид Қ.Эргашевнинг "Ёшларнинг маънавий тарбияси" номли рисоласида таъкидланишича, "ёшларга маънавият тарбиясини беришнинг бош мақсади уларда мустақил тафаккурни шакллантиришга қаратилиши"[5] керак. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшларда мустақил ва танқидий тафаккурни ривожлантириш замон талабидир. Танқидий тафаккур бир нечта маъноларга эга. Ушбу тушунчалар фикрлашнинг ривожланиш босқичларини, таҳлил қилиш қобилиятини, воқеликка муносабатини ифодалайди. Танқидий тафаккур "баҳолаш" ва "ўз-ўзини баҳолаш", "танқидийлик" ва "ўз-ўзини танқид қилиш", "исботлаш" ва "рад этиш", "танқидий таҳлил" каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз"[2] деган фикрлари ҳам мамлакатимизда ёшлар масаласига эътибор давлат сиёсатининг энг мухим йўналишларидан бири эканлигини исботидир.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббусни амалга ошириш юзасидан қарорлари муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, 2019 йил 19 март куни Республика Президентининг ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот

технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселлектор йиғилишида илгари сурган 5 та муҳим ташаббусининг ижроси юзасидан Чирчиқ шаҳар халқ таълими тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ёшлар маънавиятини ривожлантириш улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида китобхонлик викториналари, китобхонлик кечалари, китоблар ярмаркалари ташкил этилиб ушбу ўтказилган тадбирлардан кўзланган мақсад ёшларни интеллектуал билимларини янада бойитиш, уларни ўтмиш тарихимиз, аждодларимизнинг бой маданий меъросини ўргатиш орқали маънавиятини янада юксалтириш бўлиб, 5 та мухим ташаббус доирасида Республика миқёсида ўтказилган “Энг яхши китобхон” кўрик танловида Чирчиқ шаҳар ўқувчи ёшлари Президент совғаси “спарк” машинаси билан тақдирландилар[3].

Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси доирада олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси ёшларнинг маънавий камолотини оширишда ва уларнинг малакали кадрлар бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади. Маънавий соҳада маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англаш, миллий ғоя ва истиқлол мафкураси тамойилларини халқимизнинг қалби ва онгига сингдириш, муқаддас динимиз ва тарихимизни сохталаштириш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланишларига йўл қўймаслик бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини юксалтириш ҳамда турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини сингдириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Адабиётлар

1. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2016 йил 24 август // http://www.lex.uz/.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2018. – 112 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 март кунидаги маърузаси Тошкент 2019 й.

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2020. – 453 б.

5. Ёшларнинг ижтимоий тармоқлар орқали мамлакат имижини оширишдаги роли – Беруний Алимов http//beruniyalimov.uz/archives/705

6. Патрикеева Э.Г. Влияние виртуального пространства сети Интернет на жизненные ценности современной молодежи // Молодой ученый. — 2015. — № 10 (90). — С. 1342-1346. — URL: https://moluch.ru/archive/90/18990/ (дата обращения: 19.04.2021).

6. Г.Ғаффарова, А.Абдуллаев. (2021). Ахборотлашган жамиятда маънавий ҳаётнинг ўзига хос хусусиятлари. Academic research in educational sciences. Special Issue 2.

7. Қуронов М., Қодиров А., Акрамова Ш. Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш. – Тошкент: «Маънавият», 2018. -112 б.

IS'HOQXON IBRAT MA'NAVIY MEROSINING AHAMIYATI

Sh. Mirahmedova

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti Ijtimoiy fanlar kafedrasi magistranti

Ma'lumki, XIX asr oxiri - XX asr boshida Turkistonda vujudga kelgan ijtimoiy-siyosiy, ma'rifiy harakat tarix sahnasiga ma'rifatparvar shaxslar - jadidlarni olib chiqdi. Mahmudxo'ja Behbudiy, Munavvarqori Abdurashidxonov, Abdurauf Fitrat, Ubaydullaxo'ja Asadullaxo'jayev, Abdulla Avloniy kabi qomusiy bilim egalari ana shular jumlasidandir. Ular o'z bilimlarini millat ravnaqi, jamiyat rivoji yo'lida sarflashga intildi, o'rni kelganda mablag'ini ham ayamadi. Ular orasida Farg'ona jadidchilik harakati vakili Is'hoqxon Junaydullaxon o'g'li Ibratning alohida o'rni bor.

Darhaqiqat, XIX asr oxiridayoq dunyo kezib, ilm o'rganib, bir nechta tillarni puxta bilgan poliglot, shoir, pedagog, publitsist, tilshunos sifatida Is'hoqxon to'ra Ibratning faoliyatini o'rganish, yosh avlodda unga nisbatan cheksiz faxr iftixor tuyg'usini shakllantirish va shu orqali ularni vatanparvar, fidoiy shaxs etib tarbiyalash lozim.

Albatta, mamlakatimizda ajdodlarimiz bebaho merosini ilmiy asosda chuqur o'rganish doimiy e'tiborda. Jumladan, Sh. Mirziyoyev 2016 yil 2 noyabr kuni Namangan viloyati saylovchilari bilan uchrashuvda buyuk taraqqiyparvar va ma'rifatparvar Is'hoqxon Ibratning xalqimiz ma'naviy-ma'rifiy yuksalishi yo'lidagi beqiyos xizmatlariga ehtirom ramzi sifatida uning nomini abadiylashtirish, u kishiga atab zamonaviy bog' yaratish, yodgorlik majmuasi va "Ibrat maktabi"ni tashkil qilish tashabbusini ilgari surdi. Shu sababli, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 13-apreldagi "Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumanida atoqli ma'rifatparvar Is'hoqxon Ibrat yodgorlik majmuasini tashkil etish to'g'risida"gi 208-sonli qarori qabul qilindi.

Is'hoqxon Ibrat – ma'rifatparvar shoir, zabardast tilshunos, tarixshunos olim, ilk o'zbek matbaatchilaridir. Is'hoqxon Ibrat 1887-1906 yillarda Sharq va Yevropa mamlakatlariga sayohat qilgan, xususan Yevropaning Istanbul, Sofiya, Afina, Rim kabi markaziy shaharlarida, Sarqning Qobul, Bog'dod, Jidda, Mumbay va Kalkutta

kabi shaharlari hamda Xitoy, Hindiston, Arabistonda yashaydi. Is’hoqxon u yerlarda ko‘p ishlatiladigan arab, fors, hind va ingliz tillarini mukammal o’rgandi.

Ibrat barakali ijod bilan shug'ullanadi, uning tomonidan yozilgan asarlar yigirmadan ortiq bo'lib, bizgacha o'n ikki nafar asari yetib kelgan. Jumladan, “Ilmi Ibrat” she'riy kitobi, “Lug'ati Sitta al-sina” nomli olti tillik lug'ati, «San'ati Ibrat qalami Mirrajab Bandiy» risolasi, «Jome ul-xutut» („Yoshlar majmuasi“) asari, „Devoni Ibrat“ she’rlar to‘plami, „Tarixi Farg‘ona“, „Tarixi madaniyat“ va „Mezon uz-zamon“ asarlari, “Fiqhi Kaydoniy” nomli tarjima kitobi arabcha matnda nashr ettirilgan.

Is’hoqxon Ibratning „Lug‘ati sitta-alsina“ asari jadid maktablarida sharq va rus tillarini o’rganishda birdan bir qo‘llanma sifatida foydalanib kelindi. Shu o’rinda ta’kidlash kerakki, Is‘hoqxon Ibrat tilshunoslik fanining murakkab sohasida ancha mukammal “Jome‘ ul-xutut” (“Yozuvlar to‘plami”) nomli ilmiy asar yaratdi. Bu asarida muallif yozuvlarning eng ibtidoiysi - piktografik yozuvlardan to so‘nggi davr eng mukammal yozuvlarigacha bosib o‘tgan taraqqiyot tarixini yoritib berishga harakat qiladi.

Ibrat tomonidan yozilgan tarixiy, ilmiy, ijtimoiy asarlar bir-birini uzviy davom ettirib, Qo'qon xonligidan to 1930 yillarga qadar bo'lgan voqeliklarni o'z ichiga oladi. «Tarixi hurriyat», «Qo'rboshilar zamoni» nomli asarlarida muallif oktyabr to'ntarishi, Qo'qon muxtoriyatining o'rnatilishi, bu davrda vodiyda ro'y bergan voqeliklar, Turkiston muxtoriyatining qonga botirilishi, bosmachilik harakatining kelib chiqishi, mohiyati, sabablariga to'xtalib o'z davri nuqtai nazaridan baho beradi.

Ishoqxon Ibrat o'z davrining yirik muarrixi sifatida «Tarixi Farg'ona», «Tarixi madaniyat», «Mezonuzzamon» ilmiy asarlarini yaratdi. Ibrat ushbu asarlarini yaratishda Sharq tarixchilari bilan bir qatorda rus va Yevropa sharqshunoslarining asarlaridan ham foydalandi. Ishoqxon Ibrat «Tarixi Farg'ona» asarida tarixiy voqealarga xon va beklarning munosabatini tasvirlashga alohida e'tibor beradi.

Is’hoqxon Ibrat o'z xalqining porloq kelajagiga, ozod va hur hayot qurajagiga zo'r umid va ishonch bilan qaradi. «Tarixi madaniyat» asarida Vatanning kelajakda ilm-fan, madaniyat rivojlangan shaharlarining qiyofasini romantik bo'yoqlarda tasvirlaydi. Uning ilmiy-tarixiy asarlari Vatanimiz tarixini o'rganishda, shubhasiz, zarur, mo'tabar manba hisoblanadi.

Ishoqxon to'ra Ibrat ijtimoiy-siyosiy mavzuda xalq hayotini haqqoniy ifodalovchi bir qancha asarlar yaratdi. Shoirning «Qalaysizlar?», «Bo'lubtur», «O'lursan», «Shikoyat», «Siymu zardur» kabi satirik asarlari shular jumlasidandir. Markaziy Osiyoning bosib olinishi natijasida o'lka Rusiya to'qimachilik sanoatini paxta bilan ta'minlaydigan asosiy xom-ashyo bazasiga aylandi. Shoir Ibratning «Qarz» radifli musaddasiga chuqurroq e'tibor berilsa, shoirning she'rdagi zaharxandasi ostida achchiq haqiqat yotganini payqash qiyin emas. Bechora chorakor dehqon o'z oilasini boqish uchun o'zini o'qqa-cho'qqa urishga majbur: u yil boshida bo'lajak paxta hosili ustidan qarz oladi. Hosil kutilganidan kam bo'lgani tufayli qarzga botadi, uy-joyi «xatga tushadi», bir parcha yeridan ham ajraladi.

Ishoqxon Ibrat «Bo'lubtur» radifli hajviyasida o'lka hayotiga kapitalistik munosabatlar bilan birga yaramas, o'ta salbiy illatlar ham kirib kelgani hamda bunday

illatlar mahalliy xalq axloqiga kuchli salbiy ta'sir ko'rsata boshlaganini, ayniksa mehmonxonalarda, restoranlarda iflos ishlar bilan shug'ullanish, «doim fiyon» bo'lib yurish hollari vujudga kelgani kabi hayotiy lavhalarni berar ekan, unga o'zining nafratini ifodalash bilan cheklanmaydi, balki bunday hayotni vujudga keltirgan faktor sifatida Markaziy Osiyoning, jumladan, Qo'qon xonligining Rusiya tomonidan bosib olinishini ko'rsatadi.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, Ishoqxon Ibrat ijodidagi yetakchi g'oya ilm-ma'rifat, madaniyat va texnika yangiliklarini targ'ib qilish g'oyasidir. Ibrat ma'rifatparvarligining tub mohiyati shundaki, uning ilm-ma'rifatga chaqiruvchi she'rlarida inson taqdiri birinchi o'rinda turdi. U xalqning iqtisodiy-madaniy hayotiga xizmat qiluvchi, uning mushkulini yengillashtiruvchi, uzog'ini yaqin qiluvchi ilm-fanni, texnikani targ'ib etdi. Shu nuqtai nazardan, uning «Tarixi chopxona», «Madaniyat haqida masnaviy», «Gazeta xususi-da», «Turkiston axdig'a xitob», «Tabrik Namangondin», «Qalam», «Tarixi manzumai vagon Ibratdin yodgor», «Muxammasi Ibrat» kabi she'rlari diqqatga sazovor. Shoir bu she'rlarida mamlakatni, xalqni asriy qoloqlikka sudrovchi mutaassiblarni, qadimchilarni keskin fosh etdi. Ibrat mehnatkash xalq boshidagi og'ir hayot, qashshoqlik, mamlakatning qoloqlikda, xalqning nodonlikda qolganining sabablarini aniqlashga, undan qutqarish yo'llarini topishga harakat qildi. Bir necha tarahqiy etgan mamlakatlarda bo'lgan Ibrat xalqni zulmatdan, mamlakatni qoloqliqdan qutqaruvchi birdan-bir yo'l ilm-ma'rifatni egallash deb tushundi.

Darhaqiqat, Ishoqxon to'ra Ibrat ma'rifatparvarligining tub mohiyati shundaki, u har bir voqea-hodisaga o'z xalqi, Vatani manfaatlari nuqtai nazaridan turib munosabatda bo'ldi, baholadi. Kelajak avlodning taraqqiy etgan millatlar qatorida erkin, mustakil, farovon hayot kechirishini orzu qildi va unga katta umid bog'ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo’lsak, jadidchilik harakatining eng oldingi saflarida bo’lgan ulug’ adib Is‘hoqxon Ibrat nafaqat tarixchi, shoir, tilshunos, noshir va o’qituvchi balki o’z davrining yetuk diniy ilmlar ulomosi, qozisi va eng birinchi galda vatan ravnaqi uchun fidoiylik bilan kurashib, butun umr intilgan tarixiy shaxsdir. Shoir XIX asr oxirida mamlakatda boshlangan ijtimoiy-siyosiy o’zgarishlarni to’g’ri anglagan, odamlarni yuksak ideal sari intilishi, milliy uyg’onishi, o’zligini tanishi, buning uchun fan-texnika sohasi yangiliklari, ilm, ta‘lim-tarbiyani samarali tashkil etish, turmushni sog’lom aqida va teran tafakkur asosida qurish lozimligini targ’ib qilgan. Shu bois uning boy madaniy merosi, nafaqat mamlakatimizda, hatto chet ellarda ham puxta tadqiq etilmoqda.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Vohidova K.A. Ishokxon Ibrat hayoti va ilmiy merosi hakida // NamDU ilmiy axborotnomasi, 2018. 1-son, -B.206-211.

2. Dolimov U. Ishoqxon Ibrat. Tanlangan asarlari. – Toshkent: «Ma'naviyat», 2005. – 200 b.

3. Ibrat. Tanlangan asarlar. – T.: Ma‘naviyat, 2005. - 200 b.

4. Ибрат. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Мерос. 1991.

ХАЛҚАРО ДИПЛОМАТИЯДА ТЕМУРИЙЛАР АМАЛ ҚИЛГАН ТАМОЙИЛЛАР

Ҳ. Ярбеков
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

Марказий Осиёда вужудга келган қадимий давлатлар ва ҳукмрон сулолалар фаолияти давомида халқаро дипломатик алоқаларда ўзига хос анъаналар яратилган. Хусусан, Марказий Осиёнинг энг шонли тарихи бўлмиш темурийлар даврида халқаро дипломатик алоқалар жараёнида муҳим тамойиллар шаклланган.

Соҳибқирон Амир Темур ва унинг ворислари, яъни, темурийлар даврида халқаро дипломатик алоқалар ривожига яхши шарт-шароит яратилади. Буюк бир империяга асос солган Амир Темур бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалар соҳасида билимдон сиёсатчи сифатида фаолият олиб боради.

Темурийлар даврида халқаро дипломатик алоқаларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қўлланиладиган тамойилларга боғлиқ эди. Соҳибқирон ва унинг ворисларининг халқаро муносабатларидаги тамойиллари бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат эди:

- рационаллик;
-шарқона этикет;
-халқаро иқтисодий алоқаларни кучайтириш;
-қулай савдо-сотиқ учун шароит яратиш.

Мазкур тамойилларни таҳлил этадиган бўлсак, аввало рационаллик - мантиқий тафаккур тарзига асосланган, самарали ва манфаатли, амалий ҳамкорлик халқаро ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб темурийлар салтанатидаги элчилик фаолиятининг асосини ташкил этган.

Шарқона этикет қоидаларига риоя қилиш Амир Темур ва унинг ворисларини халқаро дипломатик алоқаларидаги муҳим тамойил бўлган. Темурийларнинг Европа ҳукмдорлари билан ёзишмаларида буни яққол кўриш мумкин.

Халқаро иқтисодий алоқаларни кучайтириш ҳамда савдо-сотиқ учун қулай шароит яратиш тамойили ҳам темурийлар дипломатиясининг асосий мақсадини ташкил этган. Масалан, темурийларнинг Европа қиролларига йўллаган мактубида буни аниқ кўриш мумкин: «Сиз савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизғин, барча иззатларни ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонла биланларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсалар. Майли улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар. Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор этиш бефойда»[184]. Соҳибқирон Амир Темур мамлакат қудратини оширишда халқаро иқтисодий алоқаларнинг аҳамиятини жуда яхши

[184] Ш.Ўлжаева. Амир Темур ва темурийлар даврида буюк ипак йўли, 2019
http://staff.tiiame.uz › storage › users › articles

билган. Бундан ташқари темурий шаҳзодалар элчилик муносабатларида бағрикенглик жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратган, масалан, Мироншоҳ Мирзонинг ҳам Европа қиролларига ёзган мактубларидан бирида қуйидагилар таъкидланган: «Савдогарларга келсак, истардикки, Сизнинг савдогарларингиз бизнинг юртларда, бизнинг савдогарлар сизларнинг юртларингизда хавф-хатарсиз, ҳозиргидек юрсалар. Ниҳоят, агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир барчамизнинг манфаатларимиз йўлида дўстликни авайлашимиз даркор»[185].

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадда темурий ҳукдорлар савдо карвони йўлидаги хавфсизликка жиддий ёндашганлар. Буюк ипак йўли темурийлар ҳукмдарлиги даврида том маънода халқаро иқтисодий алоқаларда самарали фаолият олиб борди ҳамда мамлакат ва халқлар фаравонлигига хизмат қилди. Буни темурий ҳукмдорлардан Шоҳрух Мирзонинг Хитой императорига йўллаган мактубидан ҳам карвон йўлларига нақадар катта эътибор берилганини англаш мумкин. У бу ҳақда: “Сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва якдиллик воситалари қувват топса (бинобарин) мамлакатлар атрофларидаги халқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса» -дея алоҳида таъкидлаган[186].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Марказий Осиё тарихида, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даврида халқаро дипломатик алоқаларда ўзига хос анъана шаклланган. Манбаларда Соҳибқироннинг ҳамда темурий шаҳзодаларнинг дипломатик муносабатларда шарқона этикет қоидаларига риоя қилганликлари, дўстона ва самимий муносабатлар асосий тамойил бўлганлиги таъкидланади. Қолаверса, темурийлар амал қилган рационаллик тамойилига асосланган, самарали ва манфаатли, амалий ҳамкорлик ҳозирги ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишини ташкил этмоқда.

Илмий раҳбар А.Азизқулов

MADANIY MEROSDA VORISIYLIK MASALALARI

Z. Komilxo‘jayev
Namangan davlat universiteti 3- bosqich talabasi

Madaniy meros – bu o‘tmishdan qolgan qadriyatlar, g‘oyalar, tajriba, bilimlar ularni o‘zlashtirish yo‘llari, ya'ni kishilarning ijodiy faoliyat usullari va uni tashkil qilish hamda uning natijalardir. O‘zlashtirish yoki aniqrog‘i, madaniy meros jarayoni o‘ta muhim bo‘lib, madaniyatning harakatdagi asosiy qonunlaridan biri hisoblanadi. Bu jarayon insoniyatning o‘tishi, buguni va kelajagini bir butun holda birlashtirib, odatiy tarzda tayyor yutuqlarga aylanadi. Bor narsani izlash, ma’lum narsani ochish,

[185] Ўша манба
[186] Ўша манба

qilingan kashfiyotni kashf etish kerak bo‘lmaganidek o‘tmish ajdodlar qilgan ishni takrorlash shart emas. Erishilgan yutuqlardan kelib chiqib jamiyat o‘z maqsadlarini amalga oshirishning qisqa yo‘llarini tanlaydi. Bundan tashqari ma’naviy meros kishilarning saviyasini behad kengaytiradi, ular hayotini aqliy va hissiy jihatdan boyitadi, bilimning tuganmas manbai bo‘lib xizmat qiladi.

O‘tmish bilan batamom o‘sishi mumkin emas. Insoniyat tarixida mutloq yangi madaniyat yaratishga urinishlar bo‘lgan, biroq bunlay urinishlar xunuk natijalarga olib kelgan. 1920-yillarda Sovet Rossiyasida “Proletar madaniyatini” yaratishga urinishni yoki “madaniy inkilob”ni misol tariqasi keltirish mumkin. Bu “inkiloblar” jarayonida yangi madat yaralmadi, aksincha, bori ham yo‘q qilindi: qo‘lyozmalar, kitoblar suratlar yo‘q qilindi; me’moriy yodgorliklar buzildi, eng achinarlisi madaniy qadriyat egalari mahv qilindi. Oqibatda o‘tmish bilan bog‘liq uzviylik buzilib jamiyat ma’nan orqaga ketdi.

Madaniyatning me’yoriy rivojlanishi uni asrab kelgusi avlodlarga meros qilib qoldirishni bildiradi. Biroq bu jarayon oddiy va bir xilda kechmaydi. “Ma’naviy qadriyatlarni” mundarijasi, ularni qayta ko‘rib chiqish va qayta baholash ularning o‘zaro bog‘liklik usullari, munosabat tiplari, bilimlarni asrash va uzatish, hayot me’yorlari, voqelikni estetik idrok qilish xususiyati o‘zgarmasdan qolmaydi, ular uzluksiz harakatda bo‘ladi. Meros serqirra va ko‘p qiyofalidir. Uning aniq namoyon bo‘lishi tiplarning ko‘pligi, tendensiyalar xilma-xilligi bilan farqdanadi. Har bir yangi avlodning vorislilik mexanizmi o‘tmishdoshlarning tajribasidan madaniyatning turli sohalarida farqlanadi: san’atdagi o‘lcham fandagidan boshqacha tabiiy-fanlar gumanitar fanlardan farqli. Vorislik (meros) har qanday sohada insonning haqiqiy o‘zlashtirishida namoyon bo‘ladi va ayni paytda mahalliy yoki dunyo miqyosidagi jarayonlar shaklida ham ifodalanishi mumkin. Vorislikning mahalliy (cheklangan) shakli madaniyatning kasbiy (professional), milliy, etnik va boshqa ko‘rinishlariga ega. Bu faoliyat madaniy bosqichlarda bir me’yorda, tekkis yo‘nalish shaklllarida bo‘lmay, uning bir bosqichdan ikkinchi bosqichga sakrab o‘tishi notekis buxronlar xususiyatiga ega. Insoniyatning ma’naviy yutuqlarini meros qilib qoldirishda vorislik keng miqyosli (umumiy) shaklda jarayonlar muffasat yo‘nalishda amalga oshadi. Masalan, Qadimgi Misr zakovati “Injil”, “1001 kecha ertaklari’ kabi madaniyat yodgorliktariga ijobiy ta’sir qiladi. Yana Yer yuzida barcha xatlarning zamonaviy bilim sohalariga zamin, bularga Bobil astronomiyasi, hind matematikasi, antik falsafa, huquq haqida ham shunday gapirish mumkin.

Agar madaniyat va ma’naviyat sohalari tarkibida til, udumlar, an’analar va boshqalar bo‘lsa, ma’lum xalqning madaniyat tarixi doirasida meros qoldirish jarayoni yaxshiroq kechadi. Boshqa sohalarda esa texnika, fan, san’at kabi sohalardagi bir xalqida tegishli meros boshqa xalqlarga ham tegishli mulkka aylanadi.

Keyingi avlodlarga meros qoldirish uchun madaniyatda belgilangan usul va mexanizm mavjud. Ulardan ba’zilari qadimdan amal qiladi, bu - namoyish qilish, og‘zaki uzatish, folklor, san’at boshqa usullar keyinroq paydo bo‘ldi, bu - kino tasviri, ohangrabo yozuvi, kompyuter xotirasi. Barcha jamiyatlarda ham haqiqatdan ma’naviy merosning foydalanish imkoniyatlarini o‘zgartirish sharoiti bir xilda emas. Ular ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, g‘oyaviy omillar bilan belgilanadi. Bu omillar

merosning hajmi, tanlash xususiyati, intensivligiga bog‘lik. Bizga ma’lumki sovet jamiyatida kommunistik g‘oya hukmronligi davrida xalqlar, xususan, O‘zbekistonda ham o‘zining haqiqiy tarixiy, milliy va ma’naviy merosidan mahrum etilgan edi. Umuman, madaniy merosdan mutlaqo mahrum bo‘lgan yoki foydalanmagan jamiyat yoki xalqlar tarixda bo‘lishi mumkin emas. Madaniy merosning mexanizmi quyidagi xususiyatlarga ega:

1. Ma’naviy merosning uzviyligi. Ajdodlar yaratgan jamiyki boylikka yangi avlod merosxo‘r bo‘ladi, tarixiy ahamiyatini yo‘qotgan madaniyat o‘rnida yana madaniyatlar vujudga keladi, avvalgilardan ko‘p narsalar uzlashtiriladi. O‘tmish tajribasi bugun va kelajak uchun har doim asqotishi mumkin, shuningdek bugun unitilgan narsalar butunlay yo‘qolib ketmaydi. Masalan, V. Shekspir yuz yilcha unutilib, keyingi avlodlar uchun jahon adabiyoti va drammaturgiyasining klassigi sifatida tanildi.

2. O‘tmishdan kelajakka o‘tish jarayonida merosning o‘zgarishi. Madaniy merosning o‘tish davrida xususiyati o‘zgarishi mumkin. Ya’ni, milliy g‘oya mavjud nuqtai nazar va bilimlar talabiga mos keluvchi yangi talqindagi mazmun kasb etadi. Mana shunday ko‘rinishda u kelajakka meros bo‘lib o‘tadi. Bizning kunimizgacha Sukrot va Dedyukrat asarlarining asl nusxasi saqlanib qolmagan—biroq har bir avlod ularning g‘oyasini o‘zi uchun yangitdan kashf qiladi va ularning falsafasini talqin qiluvchi minglab kitoblar yaratiladi. O‘tmishdan qolgan barcha narsalar butunlay o‘zlashtirilmagan, balki yangi davr va talabiga, ruhiga javob beruvchi, mohiyatan zarur narsalargina olinadi. Hozirda eskirgan va kerakmas deb hisoblangan narsalar, kelajakda balki yangi mohiyat va muhim axamiyat kasb etar. Allakaysi davrda kolib ketgat kiyinish usuli kutilmaganda odatga aylanish mumkin.Yangi hayot qadim donishmandchiligidan g‘oya oladi.

Har bir etnos, xalq o‘zining mustaqil, betakror, behad noyob madaniyatiga ega. Xalqlar hayotining mintaqaviy, tarixiy o‘ziga xosligi har bir xalq madaniyatining rivojlanishi uchun sharoit yaratib beradi, u yoki bu etnos hayotining saqlanib qolgan va barhayotligiga imkon tug‘diradi. Shu tarzda millatlararo umumiy koinot shakllanadi, unda inson va tabiat uyg‘unlashib etnoslarning ijtimoiy ruhiyat ta’sir ko‘rsatadi, milliy xususiyat shakllanadi va uning amaliy faoliyat yo‘nalishini aniqlaydi.

Mana shu boshlang‘ich madaniyat olamida inson turadi, bunda uning muhim o‘rni maqsadi shakllanadi, uning didi, hayot orzusi paydo bo‘ladi. Inson, madaniyatlarga merosxo‘r sifat milliy mulkini o‘zlashtiradi. Namunaviy xulq qadriyatlari asrashda va kelajakka qoldirishda, jamiyatda odamlar o‘rtasidagi munosabatlarni tartibga soluvchi, aniq barqarorni bo‘lishi zarur. Madaniyatning mavjudligi va rivojlanish an’anasida, madaniyatlarni asrash usulida ham bu barqarorlik bor.

An’ana madaniyatda yangi odatlar bilan uyg‘unlashib ketadi. Insonga nafaqat bilim, shuningdek hayot faoliyatida an’anaviy ibratlar va yaxshi o‘zlashtirilgan mahorat va ko‘nikma ham zarur. Biroq ijodkorlikning boshlanishi fikrlash jihatda(dastlabki eslab tasvirlashdan ko‘ra sermahsullikni vujudga keltiradi. Madaniyatning rivojlanish jarayoni ijodkorning subyekti sanalgan shaxsning shakllanishi jarayoni

birga kechadigan hodisadir, ya'ni, insonni nafaqat jamiyatda mavjud bo‘lgan madaniy me’yorlar, an’ana va ibratlar, balki madaniy jarayonlarning rivojlanib borishi ham qo‘llaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. B.Isaqov. “Tarix- tarbiya tayanchi” Vodiy media -Namangan 2019.
2. O.Xasanov «Liderlar kitobi» Toshkent: 2020
3. Najmiddinova K.U. Oila tarbiyasida ilmiy va umuminsoniy axloqiy madaniyatning o‘rni. Falsafa fanlar nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertasiya Avtoreferati – Toshkent: 2006.
4. B.Isaqov. “ Ma’naviyat- taraqqiyot mezoni” Namangan nashriyoti - Namangan 2018.
5. B.Sayfullayev. Madaniy tadbirlar T. 2016

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

М. Юсупов
СамДУ ўқитувчиси

Жаҳондаги прогрессив инсоният мамлакатлар аҳолисининг соғлигини сақлашни олий мақсад ва устувор вазифа деб билган ҳолда,уларни ҳар хил ўта юқумли касалликлардан асраш, жисмонан соғлом бўлишдари учун зарарланган тана аъзоларини кўчириб ўтқазиш, юрак қон-томир, саратон, жигар, буйрак, суяк ва шунга ўхшаш хасталикларни даволашда инновацион ғояларга асосланган нанотехнологиялардан фойдаланмоқда.

Жаҳонда энг ривожланган давлатларга қараганда паст ва ўрта даромадли мамлакатлар аҳолисининг 6 фоизга яқини тиббиёт соҳасига ажратилаётган харажатларнинг етарлича эмаслиги сабабли тиббий даволанишда начорлар қаторидан жой олмоқда. Натижада, жаҳонда ҳар йили 400 миллиондан ортиқ киши соғлиқни сақлаш бўйича керакли хизматлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолмоқда[187]. Бундай вазиятнинг вужудга келишини:аксарият катта молиявий имкониятга эга бўлган давлатлар, хусусий компаниялар, жамоат бирлашмаларининг соғлиқни сақлаш соҳасига бефарқ қараётганлиги; беморлар учун керакли бўлган дори-дармонларни катта фойда кўриш учун бизнес объектига айлантирилаётганлиги; ҳар хил юқумли касалликларнинг олдини олиш учун тезкор тадбирларнинг кўрилмаётганлиги; аҳоли тиббий саводхонлигининг пастлиги туфайли тиббий маданиятининг етарли даражада шаклланмаганлиги кабилар билан изоҳлаш мумкин.

Тиббий маданиятнинг етарлича даражада шаклланмаганлиги ва ривожланмаганлиги сабабли гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, бесоқолбозлик, одамни ўғирлаб танасини сотиш каби иллатлар кўпайиб,биргина ОИВ/ОИТС

[187] www.minzdrav.uz/uz/news/detail.

билан касалланган шахслар сони дунё бўйича 36,4 млн.,короновирусни юқтирганлар 22 млн.кишини ташкил этмоқда[188]. Бундай иллатлар кўпайса-кўпаймоқдаки, асло камаяётгани йўқ.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш масаласининг долзарблиги: мамлакатимизда яшаётган жами 34,65 млн аҳолининг 16,2 млн.(49,4%) қишлоқларда яшаши ҳамда йилига 1,7 –2,0 фоизгача ўсиб бораётганлиги; вафот этганларнинг 59,9% қон айланиш тизими касалликлари туфайли ҳаётдан кўз юмганлиги; соғлиқни сақлаш тизимида коррупция[189]-порахўрликнинг илдиз отганлиги; тиббиёт ходимларининг деонтология принцип ва нормаларига амал қилмаслиги; қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг паст даражада ташкил этилганлиги; қишлоқ аҳолисининг оддий тозалик қоидаларига мунтазам равишда амал қилавермаслиги ва шу кабилар билан белгиланади.

Демак, бугунги кунда бундай ҳолатларнинг олдини олишдаги энг муҳим омил бу мамлакатимиз қишлоқларда яшовчи аҳолининг тиббий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг янги замонавий инновацион ғояларга асосланган ижтимоий фалсафий моделларини яратиш ва уларни амалда қўллаш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш объектив зарурат ҳисобланади.

Булардан ташқари, тиббий маданиятнинг юксалтириш зарурати Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг:”...бугун замон ўзгармоқда, одамларнинг талаби ошиб бормоқда. Халқимизнинг тиббий маданияти юксалиб,энг сўнгги усул ва русумлардаги тиббий хизматдан баҳраманд бўлишни истайди. Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш – тараққиёт йўлидаги энг катта ғовдир... Тизимни мутлақо ўзгартириш – давр талаби”[190],– деган фикрларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топгандир.

Ўзбекистонлик олимлардан А. Усмонхўжаев, Р. Салиходжаева, Ш. Ризаев, Ў. Абилов, М. Тўрахонов томонидан ёзилгана «Тиббиёт ходимлари маънавияти» номли китобда маънавият, Ватан туйғуси, миллий ғоя, буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижоди, уларнинг тиббий, маънавий, фалсафий қарашлари, тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимининг бурчи, одоби, ташқи қиёфаси, биоэтика, валеология, тиббиёт ва психология, оила ва жинсий ҳаёт, эмоция, стресс ҳақида батафсил маълумотлар, ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти кенг ёритиб берилган[191]. Шулар билан бир қаторда, аҳолининг тиббий маданиятини шакллантириш борасида бир қатор суҳбатлар,йиғилишлар каби чора-тадбирлар ҳам ўтказилиб келинмоқда.

---

[188] www.minzdrav.uz/uz/news/detail.

[189] 2017 йил “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган сўровномада респондентларнинг 37,6 фоизи томонидан соғлиқни сақлаш, яъни тиббиёт коррупция энг кўп кириб борган соҳа сифатида кўрсатиб ўтилган.// uza.uz/oz/society/izhtimoiy-s-rov-natizhalari-so-li-ni-sa-lash-korruptsiya-eng-02-02-2018

[190] *Мирзиёев Ш.М.* Тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш – кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифамиздир//*Унинг ўзи*. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб,янги босқичга кўтарамиз.1-жилд.–Т.:«Ўзбекистон»,НМИУ,2017.– Б.185,187.

[191] Ўсмонхўжаев А., Салиходжаева Р., Ризаев Ш., Абилов Ў, Тўрахонов М. Тиббиёт ходимлари маънавияти.Монография, – Т.: "Янги аср авлоди", 2014.– 304 б.

Бироқ, мамлакатимиз фуқароаорининг хусусан, қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш масаласини ўрганишга оида китоб ва илмий ишларнинг таҳлили: *биринидан ,*аҳолининг тиббий маданиятини тадқиқ қилиш борасида кўпгина мамлакатларда фундаментал аҳамиятга молик бўлган замонавий илмий-назарий ишларнинг етарлича тарзда амалга оширлимаганлигини; *иккинчидан,* мамлакатимизда, гарчанд тиббий маданият ҳақида кўп гапирилсада,бироқ бу муммони илмий жиҳатдан ўрганиш учун илмий-тадқиқотлар олиб борилмаганлигини; *учинчидан,*аҳолининг тиббий маданиятини қандай усул ва воситалар орқали оширишнинг «йўл харитаси» ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнида шуни, қайд қилиш лозимки, қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи бир қатор, ўз ечимини кутаётган масалаларга боғлидир. Булар ичида энг асосий хавф бу заҳарли моддалар ва зараркунанда микрорганизмларнинг кўпайиб,озиқ-овқат маҳсилотларининг хавфсизлигини таъминлашга жиддий таъсир этишидир. Бу хавфнинг олдин инновацион технологияларни қўллаш орқали олинмаса, мамлакатимиз аҳолиси турли хил эпидемиялар қуршовида қолишлари мумкин.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

А. Эрназаров
СамДУ мустақил тадқиқотчиси.

Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам беҳуда ўтмасин! Ёшлик - умрнинг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг! Шавкат Мирзиёев.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшларнинг илм олишлари ҳамда бу борада билишлари ва бажаришлари лозим бўлган вазифаларининг нечоғлик аҳамиятли эканлиги барчамизга маълум. Бунда илм олиш талабида бўлган ёшлар энг аввало илмнинг аҳамияти ҳақида теран англаб етмоғликлари лозим. Илмнинг аҳамияти ҳақида “Олимлар Пайғамбарларнинг ворисларидир”, “Олимга ердаги ва осмондаги барча нарсалар истиғфор айтади”, “Ҳикмат шарафли кишининг шарафини зиёда этади ва қулни подшоҳлар даражасига кўтаради” каби мазмундаги ҳадиси шарифларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Албатта илмли киши бошқалар наздида азиз, омма олдида виқорли, бошлиқларга сўзи ўтадиган ва барчанинг ҳурматига сазовор инсон бўлиб ҳисобланади. Илм энг афзал нарса бўлгандан кейин таълим бериш ва таълим олиш ҳам фазилатли иш эканлиги маълум бўлиб қолади.

Таълим жараёнида таълим олувчи ёшларнинг илм ўрганиш йўлида нималарга аҳамият қаришлари лозимлиги муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу нарса жуда аҳамиятли бўлиб, билиб амал қилган толиби илмларга мақсадга

қисқа йўл билан тез етишиш, илм олиш йўлидаги машаққатларни осонлик билан енгиб ўтиш ва энг асосийси илмли бўлишларида катта аҳамиятга эга. Ҳозирги ҳолатда илм талабида бўлган ёшлар мактаб, лицей ёки олийгоҳда ўқишларидан қатъий назар илм йўлидаги барча саъйи-ҳаракатлари кўпроқ эргашувчан характерга эга бўлиб, асосан ўзидан катталарга тақлид қилишга асосланади.

Бу жараёнда таълим олувчи ёшлар онгига сингдиришимиз лозим бўлган, ҳамда уларнинг ўзлари ҳам энг биринчи ўринда билишлари ва мунтазам бажаришлари лозим бўлган вазифа – одобдир. Маълумки, таълим ва тарбия жараёни бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Тарбияли, одобли талаба устозларини ҳурмат қилади ва бу нарса унинг илм олиш жараёнини енгиллаштиради. Айтадиларки қадимда бир шайхдан дарс олиш даражасига етиш учун муридлар уч йил одоб дарсини ўрганганлар ва бунга амал қилганлар.

Ҳозирги глобаллашув шароитида оммавий маданият ва бошқа таъсирлар натижасида устозларга эҳтиром камайиб бормоқда ва бу ҳам ўз навбатида таълижараёни сифатига таъсир қилмоқда. Замонавий ғарб педагогикасида ҳам таълим жараёнида талабанинг мустақил таълим олишларига катта эътибор қаратилган ҳолда, таълим берувчи устозларнинг ролини пасайтириш тендецияси кузатилмоқда. Талабага барча нарсага мустақил ўзинг эришишинг лозим, маълумот олишда ҳозирда ҳеч қандай бир қийинчилик йўқ, китоблар ва интернет тармоғидан ҳоҳлаган маълумотингни топа оласан каби ғоялар сингдирилмоқда. Бу ҳолат бизда қадимдан мавжуд бўлган устоз-шогирд анъаналарини узилишига ва натижада энг аввало таълим олувчиларнинг кўплаб қийинчиликларга дуч келишига, маълум бир жараённи қийинчилик билан босиб ўтилишига сабаб бўлиб қолмоқда. Чунки устознинг вазифаси таълим бериш баробарида бирон бир маррага эришида шогирдига кўмаклашиши, талаба мустақил равишда маълум бир вақт оралиғида эришадиган натижага қисқа вақтда эриштириши бўлиб ҳисобланади.

Шу маънода илм ҳаракатида бўлган ёшларга, талабаларга қўйидаги тавсияларни берамизки, албатта бу тавсияларга амал қилган таълим олувчилар фақат ва фақат фойда қиладилар деб ҳисоблаймиз:

- энг аввало толиби илм ниятини тўғри қилмоғлиги, илм олишдан мақсад энг аввало Аллоҳнинг ризосини кўзламоғлиги, оиласига, жамиятга, халққа фойдаси тегадиган инсон бўлишни истамоғлиги ҳамда илм олишдан мақсад бойли тўплашдан иборат бўлмаслиги лозим;
- талаба қалбини ёмон хулқлардан ва ёмон сифатлардан тозалаб олмоқлиги, қалбини доимо пок сақламоғлиги, жирканч хулқлар ва разил сифатлардан четланмоғи лозим;
- илм толиби илм олишдан бошқа дунёвий ишларни озайтирмоқлиги, барча кўнгилочар машғулотларни тарк қилмоқлиги, ҳозирда урфда бўлган вақт ўғриси ҳисобланган ижтимоий тармоқлар ва интернетдан фойдаланишни чеклаб ёки бутунлай тўхтатиб қўйишлиги лозим. Чунки инсон тўлиқ ўзини илмга бағишламагунча илм унга ўз сирларини очмайди;

- талаба ўзида мавжуд билими билан кибрланмаслиги, устозига доимо қулоқ тутишлиги лозимлиги ва унга қарши чиқмаслиги лозим.
- илм олишни илк бошлаган талаба, маълум бир даражага эришгунига қадар турли масалаларда олимлар ва одамларнинг ихтилофларига қулоқ солмаслиги лозим. Чунки бу ихтилофлар талабани ақлини олади, умидсизликка туширади, зеҳнини пасайтиради ва фикрини заиф қилади;
- толиби илм ўз соҳаси бўйича барча илмларни чуқур ўрганмоғи, бу борада олдига қуйган мақсадларига етишишга ҳаракат қилмоғи, шу соҳа бўйича илмларини мукаммаллаштирмоғи лозим;
- илм олувчи шогирд турли илмларга киришиб кетмаслиги, илм олишда барча тартибларга риоя қилмоғлиги, оддийдан мураккабга қараб бормоғлиги лозим;
- илм олиш тартибига ҳам риоя қилмоғлиги, биринчи мавзуни тўлиқ ўрганиб сўнгра кейингисига ўтмоғлиги ёки аввалги фанни мукаммал ўрганмасдан навбатдагисига ўтиб кетмаслиги лозим;
- бирон-бир мутахассисликка бўлган жамият эҳтиёжини ҳам ҳисобга олиб, шу йўлни танлаши, тараққий этган давлатларда ривожланган фанларни ўрганишга ҳаракат қилишлиги ва бу билан ўз фаровонлиги ҳамда жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишни кўзлашлиги лозим;
- илм талаб қилишда толиби илм бирон-бир мансабни эгаллашни, фақат мол-дунё тўплашни ёки обрў қозонишни ва бошқалар билан тортишишни кўзламаслиги керак;
- толиби илм илмларнинг мақсадга етказувчи нисбатини яхши билиши лозим. Мақсадларга яқин ва юксак бўлган илмлар мақсадлардан узоқ бўлган илмлардан афзалдир. Муҳим бўлган илмлар, муҳим бўлмаганидан муқаддамдир. Муҳим бўлган илмлардан мурод аҳамиятли бўлганларидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки илм талабида бўлган ёшлар илм олиш сирларини ҳам билишликлари, юқоридаги кўрсатма ва тавсияларга баҳоли қудрат амал қилишлари ва бу жараёнда устозларни талаб ва кўрсатмаларига қатъий амал қилиб бормоқликлари лозим бўлади.

MARKETING'S ROLE IN OUR SOCIETY

N. Imamov
Sam IESI teacher:

Marketing plays an important role in business, economics, manufacturing and other branches of society. Marketing is a widely used term to describe the means of communication between the company and the consumer audience. Marketing is the adaptation of the commercial activities and use of institutions by the organizations with a purpose to include behavioral change on a short-term permanent basis. Marketing roles are often defined by the size of the company and the number of products. At the smallest company size, a general marketer must do everything from shape the product to generate awareness. As the company grows larger, roles start to

become more specialized, For example, the product management role can split so that the product manager would focus on designing the product experience and functionality, while a product marketer would package and price the product. The mind map to the right details further roles and responsibilities including: corporate marketing, solution marketing, field marketing technical marketing. 1[56]

Marketing plays a role in informing and educating consumers as it identifies a consumer need and seeks to explain how its products or services meet the need. For customers with clearly defined needs, marketing provides a means of learning about new products and what they do. It plays a role in managing consumer expectations relying on the consistency that comes from brand loyalty and the fact that consumers rely on trusted brand. Marketing is also used to make consumers aware of major changes such as merges and transfers in ownership that affect product offering or seek to improve quality.

In addition, marketing plays an economic role as it promotes goods and services and targets prospective buyers. Higher sales for a business which result from successful marketing strategies translate into expansion, job creation and higher tax revenues for governments and, eventually into overall economic growth. In my opinion, marketing also plays a role in helping marketers to understand consumer behavior and produce advertising that is likely to influence it. Marketing career opportunities also exist in a variety of non – business organizations, including hospitals, museums, universities, government and social service agencies.

Marketing includes all activities concerned with identifying and satisfying the needs and desires of individual and organizational function and asset of processes for creating, communicating and delivering value to customers and for managing relationships that benefit the organization and it stockholders. Marketing affects the allocation of goods and services that influence the nation's economy and standard of living. An understanding of marketing is crucial to most businesses because it is the functional area covering everything from product development.

Product is the main structure of the marketing. In point of marketing product must satisfy consumers demand. American famous scientist Kotler said: "Creating a product you shouldn't project it for "middle statistics" consumers, but should project it for potential consumers. Here in 1- draught you can see three steps of products. 2 [78]

As we have seen the key objective of an organization's marketing efforts to develop satisfying relationships with consumers that benefit both the customer and the organization. These efforts lead marketing to serve an important role within most organizations and within society.

At the organizational level, marketing is a vital business function that is necessary in nearly all industries whether the organization operates as a for-profit or as a not-for-profit organization, marketing is responsible for most tasks that bring revenue and hopefully profits to an organization. For the not-for-profit organization, marketing is responsible for attracting customers needed to support the not-for-profit's mission, such as raising donations or supporting a cause. For both types of organizations, it is unlikely they can survive without a strong marketing effort.

Marketing is also the organizational business area that interacts most frequently with the public and consequently what the public knows about an organization is determined by their interactions with marketers. For example, customers may believe a company is dynamic and creative based on its advertising message.

At a border level marketing offers significant benefits to society. These benefits include: 4 [16]

- Developing products that satisfy needs, including products that enhance society's quality of life;
- Creating a competitive environment that helps lower product prices;
- Developing product distribution systems that offer access to products to a large number of customers and many geographic regions;
- Building demand for products that require organizations to expand their labor force;
- Offering techniques that have the ability to convey messages that change societal behavior in a positive way.

In conclusion, we have to improve marketing strategies and increase career opportunities significantly profitable, diverse in future. Also we have to pay great attention on developing marketing research, advertising, retail buying, distribution management and other branches of marketing. Marketing should help to achieve, maintain raise the standard of living of the society.

Literatures

1."Definition of Marketing". *American marketing Association. 2013-08-15*. Retrieved 2015-12-05.

2. Kotler, Philip & Keller, L. Kevin (2012). Marketing Management 14e. Pearson Education Limited 2012

3."Marketing Management: Strategies and Programs", Guiltinan et al., McGraw Hill/Irwin, 1996

4.Shimizu, Koichi (2003)"Symbiotic Marketing Strategy,"(Japanese) 4th edition, Souseisha Book Company.(ISBN4-7944-2158-3 C3034) pp.25-62

ФОРИШ ТОЖИКЛАРИНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ

Ҳ. Давлатова

ЖДПИ, Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (тарих) 1-курс магистранти

Оила қуришнинг ҳар бир инсон учун қанчалик даражада муҳимлиги барчага маълум. "Никоҳ" сўзининг ўзбек тилида икки хил луғавий маъноси бор. Никоҳ (араб. – уйланиш, эр-хотиннинг қовушиши) – эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домулла томонидан ўқиладиган шартнома [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006.38 б.]. Яъни, эркак ва аёл турмуш қуришининг исломга хос диний шакли. Шариат оилавий муносабатларни тартибга солади ва никоҳга, биринчи навбатда, икки

томоннинг мажбурияти ва ҳуқуқларига асосланган шартнома сифатида қарайди [Ислом. Справочник, 1987. С.139-140]. Ҳозирги вақтда никоҳ икки хил– дунёвий ва диний мазмунга эга. Дунёвий маъносига кўра, никоҳ – эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқи; эр-хотинлик [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2006.38 б.]. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий мазмунда никоҳ турмуш қураётган эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида (ФҲДЁ) рўйхатдан ўтишини англатади. Абдурауф Фитратнинг таъкидлашича [ЭргашеваМ, 2003. 28 б.], никоҳ – бу ҳаётда дўст, бахт ва бахтсизликда шерик, ғам-қайғу вақтида ҳам дам, хушнуд дамларда бир-бирларига ёр бўлишни истаган эркак ва аёлнинг шахсий ва ижтимоий вазифаларини биргаликда бажаришлари лозим бўлган иттифоқдир. Никоҳ – эр-хотин ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган аҳду-паймон битимидир, муҳаббат ва меҳр билан ҳаётда шерик бўлиш демакдир. Шу билан биргаликда, никоҳ жамият томондан тасдиқланган насл ва жинслар ўртасидаги муносабатлар шаклини ўзида ифода этади, яъни жинсий алоқа ва насл қолдиришни тартиблашдир [Социально-психологические и этические проблемы, 1989.С.12.].

Биз тадқиқ қилаётган Жиззах воҳаси тожикларида ҳам “никоҳ” ва “оила” тушунчалари мазмун ва шакл жиҳатдан юқорида келтирилган фикрлар билан бир хил бўлсада, аммо уни ижтимоий ҳаётда акс этишида, маросимларда, урф-одат ва анъаналарда маълум бир ўзига хосликларни учратиш мумкин. Жиззах воҳаси тожикларининг урф-одатлари ва маросимлари ҳалиунча яхши ўрганилмаган жуда бой тарихга эга ҳазина. Ҳар бир ҳудуд аҳолисининг табиий географик жойлашуви, тили, хўжалиги, турмуш-тарзидан келиб чиқиб уларнинг миллий урф-одатлари, тўй маросимлари, озиқ-овқатлари, кийимлари ва тақинчоқлари, миллий ўйинлари ва бошқаларда турличаномоён бўлади.

Юқорилардан келиб чиққан ҳолда биз Жиззах воҳаси тожиклари энг зинч жойлашган Фориш тожикларининг никоҳ тўйи маросимларига эътибор қаратмоқчимиз. ХХ асрнинг ўрталарига қадар форишликларнинг тўйлари ва базмлари эскича услубда ўтказилар эди. Одамлар олов атрофида ўтиришар, икки-уч киши навбатма-навбат қўшиқ куйлашар, шоирлар эса мухаммас айтишарди. Ҳар бир қишлоқнинг ўз ҳофизлари ва шоирлари бўлиб, ўтмишда Зокир-ҳофиз, Фироқи ва уста Қудриддин Синтаби, Бердихон ҳофизлар Фориш тожикларининг энг яхши ҳофиз ва шоирларидан ҳисобланган.

Тўйлар базми анъанага кўра асосан кечаси бўлиб ўтган. Кундузи эса пойга, гуштингири (кураш), кўпкари ўтказилган. Кейин зиёфат бошланишидан олдин, узоқдан келган меҳмонларни куёвнинг қўшнилари меҳмон қилган. Уй эгаси меҳмон ва унинг эшаги (от,эшак)нинг овқатланиши ва ухлаши учун жавобгар ҳисобланган. Жамоат ошхоналари ва меҳмонхоналар бўлмаган тақдирда, бу тоғ одамларининг энг яхши одатларидан бири ҳисобланган.

Никоҳ ота-оналарнинг рухсати ва дуоси билан, бир неча босқичда ўтказилган. Бошқа ҳудудлардан фарқли равишда Фориш тожикларида ўғил бола вояга етмасдан ота-онаси унга мос келадиган қизни излай бошлаган. Қиз болани топгандан бошлаб йигитнинг холалари ёки аммалари қизнинг уйига уни

кўриш, ота-оналари билан ва эҳтимолий келиннинг уйдаги аҳволи билан танишиш учун бирор баҳона билан кирадилар. Шундан сўнг қўшнилари ва танишлари танланган қизнинг оиласи ҳақида суриштиради. Ижобий жавоб олинган ҳолда уйга совчилар юборилади. Совчилар фотиҳа қилинадиган кунни белгилайдилар. Шу куни қизнинг уйида атрофдаги таниқли оқсоқолар, маҳалла оқсоқоли йиғилади. Совчилар ўзининг келиш мақсадини баён этганларидан кейин «нонсиндириш» маросими бошланади.

Шу пайтдан бошлаб ёшлар бир-бири билан боғланган, фотиҳа қилинган деб ҳисобланади. Фотиҳа тўйи икки томоннинг ёшини инобатга олиб, никоҳ тузиладиган ва тўй ўтказиладиган кунни тайинлаш билан тугайди. Тўйдан бир неча кун аввал қизникида «қизоши» маросими ўтказилади, унга қиз ўзининг яқинлари ва ўртоқларини таклиф этади [Махмуди Фориши.2000 й].

Никоҳ маросимилари-келиннинг уйида тўй ўтказилгандан сўнг, масжид имоми икки ёшга «Хутбаи никоҳ»ни ўқийди, шундан сўнг улар худо олдида эр-хотин деб эълон қилинади. Имом ёшларга эр ва хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради. Келинни куёвнинг уйига юборишдан аввал келинникида ота-она билан хайрлашиш маросими бўлиб ўтади. Келин билан бирга қариндошлари ва яқин ўртоқлари ҳам боради. Улар қўшиқларни айтадилар («Ўлан» ва «Ёр-ёр» қўшиқлари). Тўй маросими куёв томонида ҳам ўтказилади. Келинни куёвнинг уйида кутиб олишдан ҳақиқий тўй бошланади. Тўй тугаганидан кейин эрталаб азонда «Келин салом» маросими бошланади. Маросим бошланишига яқин ҳовлида куёвнинг ота-онаси, барча яқин қариндошлари ва яқин қўшнилари йиғилади. Уларнинг ҳаммаси навабти билан келиннинг олдига келиб, ўзининг тилаклари, совғалари ва дуоларини бахшида этади. Келин ҳар бир кишига белигача эгилиб салом бериши лозим. Шу тариқа байрам тугаб, оилавий ҳаёт бошланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиши маҳсули, унинг яшаш шароити, муҳити, биргаликда ишлаши ва ҳамкорлик қилиши натижасида никоҳ билан боғлиқ миллий маросимлар, урф-одатлар, анъаналар вужудга келган. Халқимиз ислом динига эътиқод қилгани учун эркак ва аёлнинг никоҳсиз бирга яшашини маъқулламайди. Ўзбеклар сингари воҳа тожикларида ҳам никоҳли оила қуриш ҳам фарз сифатида, ҳам миллий қадрият сифатида қадрланади. Бунинг ахлоқий, тиббий, шаръий ва бошқа асослари ҳам мавжуд.

Фойдаланган адабиётлар рўйҳати:

1.Махмуди Фориши. Тожикони Фориш.-Гулистон.:2000 йил

2.Никоҳ / Ислом. Справочник / Усмонов М.А. таҳрири остида – Тошкент: Ўзбек Совет энциклопедияси бошред.,1987.2-нашри.–Б.139-140.

3.Никоҳ/Ўзбектилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари.Ж.Ш.Н–Тартибли/ Таҳрир ҳайъати: т., Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлатилм. нашр.,2006.–Б.38.

4.Оила/ Ислом. Энциклопедия: А-Ҳ/З. Ҳусниддинов таҳр.ост.– Тошкент:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашр.,2003.– Б.313.

5.Семья. Социально-психологическиеи этические проблемы: Справочник/ Рук. авт. кол. В.И.Зацепин.–Киев:Политиздат,1989.–С.12.

6.Шарипов А. Фориш: Одамлар ва удумлар.-Самарқанд.: “Туроннашр”, 2020 йил

7.Эргашева М.Фитрат меросида никоҳ ва оила масалалари// Қонун ҳимоясида.–Тошкент,2003.–№4(88).–Б.28.

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

И.Абдурахмонов
СамДУ магистранти
М.Дўстова тадқиқотчи

Ҳозирги ахборотлашган жамиятнинг асосий хусусияти рақамли технологияларнинг халқ хўжалигининг барча тармоқларига сингиб кетиши билан характерланади. Агар индустриал жамиятда фан ишлаб чиқариш кучига айланган бўлса, ахборотлашган жамиятда рақамли технологиялар ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Халқ хўжалигида рақамли иқтисодиёт етакчи ўринга эга бўлади.

Ахборотлашган жамиятда ижтимоий иқтисодий жараёнларда рақамли иқтисодиёт тушунчаси муҳим роль уйнайди. Рақамли иқтисодиётнинг моҳияти нимадан иборат? Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. 1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди[192].

Республикасизда рақамли иқтисодиётнинг белгилари бир неча йил аввал бошланган эди. Хусусан, савдо-сотиқ муносабатлари ва ишчи ходимларнинг маошларни пластик карточкалар орқали амалга оширилиши, коммунал хизматлар бўйича тўловларнинг электрон тарзда жорий этилиши ва ҳоказо бу каби жараёнлар рақамли иқтисодиётнинг муҳум хусусиятларидан биридир.

Мамлакатимизда ахборот технологияларини жорий этишни янада жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари

[192] aniq.uz›yangiliklar/raqamli-iqtisodiyot-nima

ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигини ташкил этилди. Мазкур вазирликни ташкил этишдан мақсад халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда ахборот технологиялари имкониятларини кенгайтириш, замонавий компьютер ва интернет тармоқларидан фойдаланишни янада қулайликлар яратиш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг замонавий технологияларни татбиқ этиш чора тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантиришдир.

Замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш Вазирлигини ташкил этилиши мамлакатимизда ахборотлашган жамият ривожланиши ва рақамли иқтисодиётни шакллантиришда янги истиқболларга имконият яратади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йили Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатнимасида таъкидланганидек: “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади»[193].

Рақамли иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи, амалиётга тезроқ жорий этувчи бу албатта ёшларимиздир. Шунинг учун рақамли иқтисодиётни самарали ташкил этиш этадиган рақобатбардош ёш кадрларни тайёрлаш ҳозирги давр талабидир. Шунинг учун ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади ва рақамли иқтисодиётни тезроқ тишлаб чиқаришга тадбиқ этадилар.

Бугунги кунда таълим ва илм-фан ёшлар муаммоларини самарали ҳал қилиш воситаси сифатида тақдим этиляпти, “нажот – билимда” эканига урғу берилмоқда. “Билимлар иқтисодиёти” шаклланаётган ҳозирги замонда

[193] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020йил 24 январь

таълимга эътибор қаратмасдан туриб, давлатни равнақ топтириб бўлмаслиги Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаати ҳам таъкидланяпти.

“Рақамли иқтисодиёти”да ақлий меҳнат улуши ортади, билимларга эҳтиёж кучаяди, ижодкорлик талаб этилади. Шу нуқтаи назардан Мурожаатномада “билимлар иқтисодиёти” сари яна бир дадил қадам ташланди. Етакчи олийгоҳларга ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, қабул квотаси ва молиявий масалаларни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи берилиши ҳамда уларнинг илмий кенгашларига илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколатининг ўтказилиши қайд этилди. Бу эса таълим ва илм-фан соҳасидаги кўплаб янгиликларни бюрократик тўсиқларсиз, келишувларсиз, имзо йиғишларсиз, қисқа муддатларда амалиётга жорий қилишга кенг йўл очади.

“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”[194].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, **рақамли иқтисодиёт** ахборотлашган жамиятнинг ҳосиласи бўлиб, табиий тарихий жараёндир. Кишилик жамияттига хос бўлган бу жарёнинг турмуш тарзимизда кўплаб ижобий жиҳатлари мавжуддир. Аввало рақамли иқтисодиётнинг жорий этилиши ижтимоий муносабатларимиздаги энг салбий иллат –коррупциянинг барҳам беришга ёрдам беради. Шунингдек, «яширин иқтисодиёт»га қарши курашда ҳам қулай имконият вужудга келади. Энг муҳуми рақамли иқтисодиёт шароитида фуқароларимизнинг вақтдан унумли фойдаланиш имконияти пайдо бўлади, хавфсизлик таминланади, масалан тўловлар учун харажатлар камаяди, яъни, банкка бориш учун вақт ва йўлкира ҳамда бошқа ресурслар тежалади. Бундан ташқари мижоз товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

Рақамли иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи асосий буғун ёшлар экан, уларни замонавий ахборот технологияларидан мукаммал фойдалана оладиган, чуқур билимли ва кенг дунёқарашга қилиб тарбиялаш таълим-тарбия тизимининг асосий вазифасидир.

[194] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2021 йил.

Овқатланиш хизматларни ривожлантириш ва халқаро тажриба

З.Ш.Сувонов СамИСИ «Сервис» кафедраси ўқитувчиси

З.Н. Бободустов СамИСИ «Маркетинг» кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада овқатланиш корхоналарининг махаллий ва дунё буйича классификацияланиши, туризмда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун мавжуд айрим масалалар кўриб чиқилган ҳамда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ёритилган.

Аннотация: В этой статье роскрыты классификации местных и мировых П.О.П. рассмотрены некоторые вопросы по туризму связанные с социалной защитой населения и их актуальное рещение.

Annotation:

Калит сўзлар: инновацион ғоя, овқатланиш корхоналари, ресторанлар, юлдуз тизими, классификация

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиши ва хориждан келаётган туристлар оқимининг ўсиши, аҳоли ва туристларга сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишни яхшиланиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ишларини олиб борилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратиш[195] мақсадида олиб борилиши зарур бўлган ишлар юртбошимиз тамонидан белгилаб берилди.

Инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш ҳамда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш давлатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамитга эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси хабар беришига кўра йилдан йилга хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бориш даражасини кщрсатмоқда Ҳажмнинг ошиши бир қатор омиллар таъсири билан изоҳланади, жумладан бозорда янги турдаги хизматларнинг пайдо бўлиши, кредит карталари орқали тўловлар, интернет-савдо, янги савдо-сотиқ марказлари, овқатланиш корхоналари, меҳмонхоналар очиш, таълим хизматларини кенгайтириш, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш соҳасига тўғри келмоқда.

Республикамизда туризмни ривожлантириш ўз навбатида овқатланиш корхоналарининг ҳажмининг ошиб боришига шу билан бирга уларда кўрсатилаётан сервисга бўлган талаб ҳам ўсиб борада. Овқатланиш корхоналарида тақдим этилаётган сервисни янада такомиллаштириш,

[195] «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони http://www.uza.uz/ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. 05.02.2018

истеъмолчилар талабларини чуқур ўрганган ҳолда ва унга мос равишда ташкил этиш бугунги кун талаби ҳисобланади. Айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли учун овқатланиш хизматларини тақдим этаётган корхоналар ишини такомиллаштириш ва замонавий ёндашишни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда умумий овқатланиш корхоналари маълум талаблар асосида мулкдор деб белгиланадиган қуйидаги турларга бўлинади: ресторан, вагон-ресторан, бар, кафе, ёзги кафе, кафетерий, ошхона, чойхона, буфет ва кичик ошхона[196]:

ресторан — ўз номига эга бўлган, истеъмолчиларга мураккаб усулда тайёрланадиган юқори сифатли кулинария ва қандолатчилик маҳсулотларининг кенг ассортиментини ҳамда ичимликларни тақдим этадиган энг қулай умумий овқатланиш корхонаси. Ресторан таомномасига мажбурий тартибда порцияли ва фирма овқатлари киритилади. Хизмат кўрсатиш дам олиш, овқатлар пиширish ва хизмат кўрсатиш билан уйғунлаштирилган ҳолда юқори малакали ошпазлар ва официантлар томонидан амалга оширилади;

вагон-ресторан — йўлда юриш давомида темир йўл транспорти йўловчиларига ва поезд бригадалари ходимларига нонушталар, тушликлар, кечки овқатлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва ичимликлар билан хизмат кўрсатиш учун мўлжалланади;

бар — тик турган ҳолда истеъмолчиларга ичимликлар ва закускалар билан хизмат кўрсатишни (столчалар ёнида хизмат кўрсатиш билан бир қаторда) ташкил қилади. Сотиладиган ичимликлар ва маҳсулотлар турларига кўра барлар пиво, вино, коктейль, сут барлари ва бошқа барларга ихтисослашган бўлади;

кафе — истеъмолчиларга турли қайноқ ва совуқ ичимликлар, қандолатчилик, сут маҳсулотлари ҳамда тайёрланиши мураккаб бўлмаган кулинария маҳсулотларини тақдим этади. Сотиладиган маҳсулотлари ёки йўналишига кўра кафелар: ширинликлар, музқаймоқ, сут кафеси, болалар кафеси, ёшлар кафеси ва шу кабиларга ихтисослашган бўлади; уларда ўз ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар томонидан хизмат кўрсатиш усуллари қўлланилади; кечки вақтларда мусиқий хизмат кўрсатиш ташкил этилиши мумкин;

ёзги кафе — истеъмолчиларга очиқ майдончада бостирма остида хизмат кўрсатади;

кафетерий — бу дўкон ҳузурида шу жойнинг ўзида истеъмол қилинадиган иссиқ ичимликлар, сут, шарбатлар, бутербродлар, қандолатчилик маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун ташкил этилган бўлимдир;

ошхона — бу истеъмолчиларни нонушталар, тушликлар ва кечки овқатлар билан таъминловчи корхонадир. Ошхоналар жойлашган жойига ва хизмат кўрсатиладиган мижозларига кўра умумий равишда фойдаланиладиган

[196] “Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари” Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 2-илова.

саноат корхоналари, муассасалар, қурилишлар, ўқув юртлари ва шу кабилар ҳузуридаги ошхоналарга бўлинади. Ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртлари ва муассасалар ҳузуридаги ошхоналарда асосан ҳафта кунлари бўйича турли хил комплекс тушликлар, нонушталар ва кечки овқатлар ташкил этилади. Уларда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ва столларга комплекс овқатларни олдиндан қўйиш усуллари қўлланилади;

чойхона — бу чойнакларда чой бериш хизмат кўрсатишнинг асосий тури ҳисобланадиган корхонадир. Бундан ташқари чойхоналарда турли хил обинонлар, миллий ширинликлар, қандолатчилик, булка маҳсулотлари ва бошқа буфет маҳсулотлари бўлиши мумкин;

буфет — бу истеъмолчиларга чекланган турдаги қайноқ ва салқин ичимликлар, совуқ таомлар ва закускалар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсулотлари, шунингдек осон тайёрланадиган иссиқ ва ширин таомлар билан жадал хизмат кўрсатишга мўлжалланган корхонадир. Унда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар томонидан хизмат кўрсатиш қўлланилади;

кичик ошхона — бу истеъмолчиларга осон тайёрланадиган таомлар ва закускалар, қайноқ ва салқин ичимликлар билан жадал хизмат кўрсатишни ташкил этувчи корхонадир. Сотиладиган маҳсулотлар турига кўра кичик ошхоналар қуйидагиларга ихтисослашган бўлиши мумкин: кабобхона, паловхона, сомсахона, сосискахона, чучварахона, чебурекхона, пирожкахона, блинчикхона ва шу кабилар.

Биз дунё бўйича умумқабул қилинган овқатланиш корхоналари классификацияланишига эътибор қаратадиган бўлсак улар асосан беш типга ажратилади: fine dining-элита ресторанлари (haute cuisine-олий даражадаги ошхона), casual dining-демократик ресторанлар, QSR(quick service restaurants)-тез хизмат кўрсатувчи ресторанлар, fast casual –ошхона типидаги ресторанлар ва street food –тез хизмат кўрсатувчи ресторанлар. Улар одамларнинг серқатнов кўчаларида жойлашган бўлади.

Кўп йиллардан бери ресторанлар фаолияти Европа рейтинги билан Mishelin Red Guid ва Cault Millau шуғилланади. Элита ресторанлар (fine dining) Европа ва Россияда Мишлен юлдузини олиш учун ҳаракат қилишади.

Бунинг учун тақдим этиладиган ресторанлар овқатланиш хизматларини даражаси ва шеф ошпазнинг профессионал касбий усталиги зарур бўлади. Мишленнинг гастрономик маълумотлар тўпламида энг яхши ресторанлар тўғрисида маълумотлар келтирилади. Мишленнинг юлдузига эга бўлиш европа ресторатторлари учун юқори натижа ҳисобланади. Бу кўраткич ресторанларни баҳолашнинг уч юлдузли юқори фахрий унвони ҳисобланади.

Агар ресторан Мишленнинг бир юлдузли даражасига сазовор бўлса бу жуда катта эътироф ҳисобланади. Икки юлдузли даража эса бу ресторанда тайёрланаётган таомлар санъат асари даражасида қаралади. Уч юлдузли ресторан юқори даражадаги муаллифлик ошхонаси ҳисобланади. Бу ердаги шеф-ошпаз ўз касбининг моҳир устаси ҳисобланади. Биринчи бўлиб “Мишлен” даражаси 1900 йилда Францияда таъсис этилган. Дастлаб у юқори даражадаги ошхона ва ҳеч қандай муносабатларни эътибор қаратмаган. “Мишлен”

дастлабки даврларда автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқарувчи компанияларни маълумотлар ёритиб борилган. Автоҳаваскорлар учун қайси манзилда автомобилларга ёқилғи қўйиш шахобчаси, автомобиллар тухташ жойлари, автотранспорт эҳтиёт қисмлари дўконлари, мехмонхоналар ва саёҳат даврида овқатланиш мумкин бўлган корхоналар тўғрисида маълумотлар бериб борилган.

Фақат 1920 йилдан бошлаб ресторан ошхоналари сифатини даражасига қараб табақалаштириш бошланган. Гидни тузувчилари бир юлдуз билан белгилаш билан бошлашган. 1930 йилга келиб таснифлаш бирмунча мураккаблашди ва бу бир юлдуздан уч юлдузгачани ташкил этди.

Автотуризмнинг ривожланиши билан Андре Мишленнинг маълумотномасининг мухлислари ортиб борди. У бугунги кунда 12 гиддан иборат серияларда чоп этилиб у ўзида Европадаги 45000дан ортиқ мехмонхона ва ресторанлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этади.

Алоҳида маълумотномалар Европанинг катта шаҳарларида чоп этилади. Мишлен Гиди маълумотномасининг ҳамма учун манзурлиги унинг 30 млн.дан ортиқ нусхада чоп этилишидан ҳам билиш мумкин. “Мишлен Гиди” маълумотномасини тузувчилар рестораторларнинг белгиланган тўлови асосида бу ишларни амалга оширишмайди. Ушбу гид ресторанларнинг рейтингини ёки савдо ва реклама мақсадида ташкил этилмаган.

Такидлаш жоизки ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун туризм хизматларини ўзига хос хусусиятлари ва уларни ривожлантиришда умумий овқатланиш корхоналарини фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жаҳон тажрибасини қўллаш фойдадан холи бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистонда умумий овқатланиш корхоналари фаолияти, тури тоифаси, ихтисослашганлиги ва улар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш ҳамда улар тамонидан кўрсатиладиган хизмат турларидан фойдаланиш учун:

-юлдузлар тизимини ишлаб чиқиш;

-турли аҳоли қатламлари учун овқатланиш корхоналари таркиби тўғрисида маълумотномаларни ишлаб чиқиш;

-кўрсатиладиган хизматларнинг турлари ва тайёрланадиган миллий таомлар ассотименти тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш;

-ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ва туристларнинг айрим турлари учун парҳез таомлар тақдим этувчи овқатланиш корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш;

-туристик шаҳарларда ташкил этилган дунёга машҳур ошхоналар (вегетарианча, славян, хитой ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш;

-овқатланиш корхоналарининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли ва доимий мижозлари учун чегирмалар бериш тизимини жорий этиш ва улар тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

http://www.uza.uz/ Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги. 05.02.2018

2. “Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари” Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига 2-илова.

3. http://www.stat.uz/

4. http://www.google.com/

МУНДАРИЖА

М.Э.Пўлатов.	Аждодлар илмий мероси – миллий тарбиянинг асоси.....	3
Ш.С.Кушаков.	Деятельностный подход к рефлексии идеи форматов мышления……	4
Г.Ғаффарова, М.Юлдашева.	Ёшлар маънавияти ва мафкуравий иммунитет.....	8
Ш.С.Кушаков.	Размышления мыслителей централной азии о взаимосвязи наук……...	12
Г.Ғаффарова, С.Кундузалиева.	Янгиланаётган Ўзбекистон таълим тизимини такомиллаштиришда маънавиятнинг ўрни.....	15
Ш.С.Кушаков.	Опыт применения идеи форматов мышления к исследованию античной философии…….	19
А.Азизқулов.	Ҳиндистонда бобурийлар сулоласининг тарихий аҳамиятини ёритилиши	24
Г. Ғаффарова, С.Полвонова.	Миллий қадриятларнинг инсон капиталини ривожлантиришга таъсири…….-……..	27
Ў.Тўхтамишев.	Туркистонда совет давлатчилигининг ўрнатилиши ва унинг оқибатлари.....	32
А.Азизқулов.	Кубравия тариқатининг етук муршиди.....	37
С.Назаров, А.Алимов.	Амир Темур маънавий мероси – миллий маънавиятимизни нурлантириб турувчи йўлчи юлдуз.....	39
Г.Султанова.	Илмий тафаккур тарзи ва когнитивлик.....	44
Ў.Тўхтамишев.	Темурийлар даври ҳарбий санъати.....	47
А.Азизқулов, А.Алимов.	Ҳусайн Воиз Кошифий асарларида муомала маданияти талқини.....	51
M.Muxtorova. N.Mirzayeva.	Imom al-Buxoriyningning "Al-adab al-mufrad" asarining yoshlar tarbisidagi o'rni……	54
С.Исмоилов.	Буюк Хоразмий Нажмиддин Кубро даҳоси.....	56
С.Назаров.	Алишер Навоий ижодий меросида адолатли ҳукмдор, халқпарварлик ва бағрикенглик ғоялари ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омили.....	60
Ф.Э.Жомонқулова, М.Қ.Низомов.	Интернет ва рақамли технологияларни қўллаш жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида.....	64
Х.Саматов.	Нақшбандия ғояларининг халқ билан мулоқот қилишдаги аҳамияти.....	68
F.E.Jomonqulova, M.Q.Nizomov.	Online bozor.....	81
Ҳ.Х.Бердиев.	Имом ал-Бухорий мероси ва мустақиллик даври ўзбек шеъриятида арбаъийннавислик анъанаси.....	83
Х.Саматов, И.Қўнишов.	Ислом динида халқ билан мулоқот қилиш масаласи.....	85
С.Абдивоҳидов.	Жадид маърифатпарварлари мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашда сиёсий партияларнинг роли ҳақида.....	90
Х.Бердиев.	Садриддин Айний Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотлари ҳақида.....	97
M.Lapasova,	Ismoil al-Buxoriy merosi va uning yosh avlod tarbiyasidagi	

F.E.Toshboyev.	o‘rni.....	99
Ж.Очилов.	Техноген цивилизацияда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш масалалари.....	101
A.Quldoshev.	Korruptsiya: uning tarixiy ildizlari, korruptsiyaga qarshi kurash usullari.....	107
С.Назаров.	Ёшларни маънавий меросга ворислик, ўзлигини англаш, ватанпарварлик ғоялари руҳида тарбиялаш маскани.....	111
Ф.А. Примова, Д.А. Мустафоев.	Мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг минералогиясидаги маънавий мерос ва унинг методологик таҳлили.....	115
Ш.Ўрозов.	Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожи.....	117
Й.Каримов.	Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим хусусиятлари.....	120
М.Ботиров.	Ёш авлод маънавиятининг шаклланишида миллий маданий мероснинг роли.....	123
Ш.Ўрозов, Ж. Ҳакимов.	Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари.....	126
У.Мавлянов.	Навоий эътирофига сазовор бўлган аллома.....	129
Ш.Ўрозов.	Амир Темур ва темурийлар даврида марказий осиёда ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожи.....	131
У.Мавлянов.	Фахруддин Али Сафий маънавият масалалари ҳақида.....	133
Ж.Ахтамов.	Ёшлар тарбияси жараёнида миллий маънавий ва мафкуравий муаммолар……	135
У. Мавлянов, М.Бердикулова.	Бағрикенглик маданиятлараро коммуникация натижаси сифатида……..	137
Ж. Ахтамов.	Ёшларнинг баркамол инсон бўлиб тарбияланишида юксак маънавий меросимизнинг ўрни.....	139
У. Мавлянов	Маданий динамика ва маданий глобаллашув.....	141
Ж. Ахтамов	Ёшлар тарбиясида халқ педагогикасининг ўрни.....	143
Б.Кодиров.	Инновацион ривожланишга оид ёндашувлар: фалсафий таҳлил.....	146
У.Муртазаев.	Алишер Навои – великий поэт и ролъ духовного фактора в воспитании подрастаюшею поколения в его литературном наследии.....	150
Ш.Абдурашитов.	Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодида ёшлар тарбияси.....	152
Г.И.Кубаева.	Мониторинг и профилактика кибердевиаций подрастаюшего поколения как условие предотвращения киберпреступности.....	155
Н.Тоғаев, Л.Азизова.	Аждодларимиз илмий-маънавий меросининг ёшлар тарбиясида тутган ўрни.....	160
Sh. Azimov.	Estetik tarbiyaning shakllantirish va rivojlantirishning zamonaviy muommolari……..	163
У.Муртазаев.	Амир Темур – великий государственный деятелъ полководец – основополжник нравственно – духовного критерия «справедливостъ не в сила в справедливости»…..	165
А. Алимов.	Ҳусайн Воиз Кошифий иккинчи уйғониш даври мутафаккири.....	169

Ш.Абдурашидов.	Янги Ўзбекистон шароитида ёш авлод тарбиясида маънавий меросимизнинг тутган ўрни.....	172
Р.Ҳ. Худойбердиев, М.Ҳ.Каримова.	Тойнби ва “локал цивилизациялар” концепцияси.....	174
Г. Маркова.	Экологическая политика и ее обеспечение в Республике Узбекистан.....	179
Н.Музаффаров.	“Ўзбекистон тарихи” фанини олий таълимда ўқитишнинг самарадорлигини ошириш усуллари.....	182
Ж.Мустафаев.	Учинчи ренессанс ва жадидчилик.....	185
М.Каримова, М. Бердиқулова.	Глобаллашув шароитида тил ва маданият алоқадорлиги…..	188
М.Юсупов.	Ҳаво муҳитида кечаётган синергетик жараёнларнинг қишлоқ аҳолисининг тиббий маданияти ривожига таъсири қонуни.....	191
Ш.Маматов, А.Аллаёров.	XIX аср маданият концепциялари таҳлили.....	194
А. Юсупов, Н.Тоштемирова.	Талаба ёшларнинг маънавий савиясини оширишда компьютер технологияларининг ўрни.....	197
Н.Музаффаров.	Жадидчилик фаолияти ривожида маърифатпарвар Шокир Сулаймон ўрни.....	199
Ж.Мустафаев, Б.Усмонов, А.Узоқов.	Ўрта Осиёнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларида ахлоқ масалалари.....	202
Х.Мулладжанова.	Жамият янгиланишининг асосий мезони, аждодларимизнинг маънавий мероси.....	208
Н.Музаффаров, Д.Ўроқбоев.	Ўқувчи ёшларда ахлоқий-эстетик иммунитетни шакллантиришда саводхонлик масаласи.....	212
A.Uzoqov, B.Usmonov, J.Mustafayev.	Elektron tijorat va uning jamiyatda raqamli iqtisodiyotni shaklantirish muammolari.....	215
О.Содиқов.	Туркий тилларни ўрганиш методлари ҳақида айрим мулоҳазалар.....	218
Х. Мулладжанова.	Ижтимоий шериклик-демократик тараққиётнинг янги босқичи.....	220
Р. Коссе	Ёшларнинг тарбиясида якка кураш элементлари бўлган ҳаракатли ўйинларни ўқув жараёнида қўллаш.....	223
О.Содиқов.	Махмуд Қошғарий – туркий тиллар тадқиқотчиси.....	225
Р. Коссе.	Воспитания молодежи и значение физической культуры в подготовке к жизни……	227
С.Хамраев.	Ёшларда ғоявий – мафкуравий иммунитетни тарбиялашнинг долзарб масалалари.....	230
Ф. Косимов.	Маънавий мероснинг инсон капиталини ривожланишига таъсири……	231
С.Тожибоева.	Биология дарсларида маънавий меросдан фойдаланиш ва абу али ибн сино таълимотларининг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрни.....	235
С.Хамраев.	Internetdan foydalanish madaniyat.....	239
S.Ikromova.	Boshlang‘ich ta’limda yangi pedagogik texnologiyalarni	

	tashkillashtirish.....	240
И.Абдурахмонов.	Информацион глобаллашув шароитида ахборот маданиятининг аҳамияти.....	243
Д. Эргашева.	Ҳаракатлар стратегиясида ёшлар маънавияти масаласи.....	246
Н.Уроқов.	Махдуми Аъзамнинг маънавий мероси.....	249
А. Рузиев.	Янгиланаётган Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар трансформацияси.....	251
З.Жўраева.	Оилада ёшлар маьнавиятини ривожлантириш масаласи……	254
В. Жўракулов.	Жадид мутафаккирларининг ёшлар таълим-тарбиясида тутган ўрни ва роли.....	257
Д. Жуманов.	Глобаллашув ва ёшлар маънавияти……..	260
Sh. Mirahmedova.	Is'hoqxon Ibrat ma'naviy merosining ahamiyati.....	263
Ҳ. Ярбеков.	Халқаро дипломатияда темурийлар амал қилган тамойиллар.....	265
Z. Komilxo'jayev.	Madaniy merosda vorisiylik masalalari.....	267
М. Юсупов.	Қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари.....	270
А. Эрназаров.	Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг вазифалари.....	272
N. Imamov.	Marketing's role in our society…….	274
Ҳ. Давлатова.	Фориш тожикларининг урф-одатлари……..	276
И.Абдурахмонов, М.Дўстова.	Рақамли иқтисодиётни шакллантиришда ёшлар фаоллигининг аҳамияти	279
З.Ш.Сувонов, З.Н. Бободустов	Овқатланиш хизматларни ривожлантириш ва халқаро тажриба.....	282

2021 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. Times New Roman" гарнитураси
Босма табоғи 18.12
Буюртма № 005А, Адади 35 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
REESTR № 18-2464
Манзил: Шохрух кўчаси, 60-уй

